


**“SHARQ” NASHRIYOT-MATBAA  
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
BOSH TAHRIRIYATI  
TOSHKENT — 2013**



UO'K: 821.512.133-31

KBK 84(50)6

M 22

Узбек адабиёти

«Атрофимизда шайтонлар бошқарадиган олам бор» деб ёзади Тоҳир Малик ушбу китобга битган сўзбоши-сида. Дарҳақиқат, бу қандай олам? Уни фарзандлари-миз ва биз катталар қанчалик биламиз? Нима учун шайтон тузоғига тушиб қолаверамиз? Шайтон ўз макр ва найрангларига қандай эришади? Ундан нари бўлиш мумкинми? Ушбу маърифий қиссада ана шу саволлар-га жавоб топишга ҳаракат қилинади. Ўқинг, илоҳа шай-тондан нари-ю, Аллоҳга яқин бўлинг!

«Atrofimizda shaytonlar boshqaradigan olam bor» deb yozadi Tohir Malik ushbu kitobga bitgan so'zboshisida. Darhaqiqat, bu qanday olam? Uni farzandlarimiz va biz kattalar qanchalik bilamiz? Nima uchun shayton tuzog'iga tushib qolaveramiz? Shayton o'z makr va nayranglariga qanday erishadi? Undan nari bo'lish mumkinmi? Ushbu ma'rifiy qissada ana shu savollarga javob topishga harakat qilinadi. O'qing, iloha shaytondan nari-yu, Allohga yaqin bo'ling!


M 22 **Malik, Erkin**

Shaytonvachchanning nayranglari: 1 kitob R.I/E. Ma-lik. — T: «Sharq», 2013. — 368 b.

UO'K: 821.512.133-3

KBK 84(50)6

ISBN 978-9943-26-049-8



© «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
Bosh tahririyati, 2008, 2012, 2013.

ЭРКИН МАЛИК

# ШАЙТОНВАЧЧАНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

(БИРИНЧИ КИТОБ)



# SHAYTONVACHCHANING NAYRANGLARI

(BIRINCHI KITOB)

(MA'RIFIY QISSA)

«SHARQ» NASHRIYOT-MATBAA  
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
BOSH TAHRIRIYATI  
TOSHKENT — 2013

## *Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

### **ЯНГИЧА УСЛУБ**

Муҳтарам Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилиб, ҳар бир одам боласининг мусулмон ҳолатида туғилишини, кейинчалик эса отонасининг тарбиясига қараб, ё ҳидоят топишини ё кофирлик ботқоғига ботишини таъкидлаганлар. «Мусулмон ҳолатида туғилиши» дейилганда улғайгач, намоз ўқиб юришигина тушунилмайди. Мусулмон бўлиш — Аллоҳга иймон келтирилгандан сўнг яхши хулқ эгаси бўлиш демакдир. Кимки яхши тарбия олибди, демак ҳаётда тўғри йўлни топибди. Кимки тарбия олмабди, ёмон хулқларга эга бўлибди, шайтанат оламига банди бўлибди.

Атрофимизда шайтонлар бошқарадиган олам бор. Шайтоннинг ўзи инсон кўзига кўринмайди. Васвасалари-ю, макр-хийлалари билан ёмонликларни одам боласи кўзига чиройли қилиб кўрсатади, зулм оламига чорлайди. Одам болалари шайтон алайҳилаънанинг ўзини кўрмасада, у эғалик қилувчи оламини, бу оламининг бандаларини кўриб туради. Ўзгаларга зулм қилувчилар ана шу бандалардир. Зулм деганда фақат қотиллик, ўғирлик тушунилмайди. Ёлғончилик, гийбат, ифво, порахўрлик, омонатга хиёнат каби ўнлаб ёмон хулқлар ҳам зулм доирасига қиради. Отонанинг, жамоатчиликнинг вазифаси ёш авлодни ана шу шайтанат оламининг таъсиридан ихота қилиш.

Бирон кўчадан ўтиб кетаётганингизда фарзандингизнинг кўзи гўзал боққа тушди. Ундаги фавворалар, гўзал товуслар унинг хаёлини олди. Болада ўша боққа кириш иштиёқи уйғонди. У «боққа олиб киринг» деб сизга ялинди. Сиз эса рози бўлмадингиз. Фарзандингиз кичикроқ ёшда бўлса бир ўкинадий-ю, тақдирга тан беради. Ўсмир ёшда бўлсачи?

## *Bismillahir rohmanir rohim*

### **YANGICHA USLUB**

Muhtaram Payg'ambarimiz Muhammad alay-hissalom marhamat qilib, har bir odam bolasining musulmon xolatida tug'ilishini, keyinchalik esa ota-onasining tarbiyasiga qarab, yo hidoyat topishini yo kofirlik botqog'iga botishini ta'kidlaganlar. «Musulmon xolatida tug'ilishi» deyilganda ulg'aygach, namoz o'qib yurishigina tushunilmaydi. Musulmon bo'lish — Allohga iymon keltirilgandan so'ng yaxshi xulq egasi bo'lish demakdir. Kimki yaxshi tarbiya olibdi, demak hayotda to'g'ri yo'lni topibdi. Kimki tarbiya olmabdi, yomon xulqlarga ega bo'libdi, shaytanat olamiga bandi bo'libdi.

Atrofimizda shaytonlar boshqaradigan olam bor. Shaytonning o'zi inson ko'ziga ko'rinmaydi. Vasasalari-yu, makr-hiyalari bilan yomonliklarni odam bolasi ko'ziga chiroyli qilib ko'rsatadi, zulm olamiga chorlaydi. Odam bolalari shayton alayhila'naning o'zini ko'rmasada, u egalik qiluvchi olamni, bu olamning bandalarini ko'rib turadi. O'zgalarga zulm qiluvchilar ana shu bandalardir. Zulm deganda faqat qotillik, o'g'irlik tushunilmaydi. Yolg'onchilik, g'iybat, ig'vo, poraxo'rlik, omonatga xiyonat kabi o'nlab yomon xulqlar ham zulm doirasiga kiradi. Ota-onaning, jamoatchilikning vazifasi yosh avlodni ana shu shaytanat olamining ta'siridan ihota qilish.

Biron ko'chadan o'tib ketayotganingizda farzandingizning ko'zi go'zal boqqa tushdi. Undagi favvoralar, go'zal tovuslar uning xayolini oldi. Bolada o'sha boqqa kirish ishtiyoqi uyg'ondi. U «boqqa olib kiring» deb sizga yalindi. Siz esa rozi bo'lmadingiz. Farzandingiz kichikroq yoshda bo'lsa bir o'kinadi-yu, taqdirga tan

Пайт пойлаб, сиздан берухсат бўлса-да, шу боққа кириш чорасини топади. Шайтанат оламига маҳлиёлик ҳам шунга ўхшаган бўлади. Фақат бу оламнинг ўзига тортиш кучи анча юқоридир. Ота-она бундай пайтда баъзан боласини қайтара олмайди.

Ажабланарлиси шундаки, бола туғилганда ҳеч бир ота-она, ҳатто ашаддий жиноятчи ҳам фарзандини шайтанат оламида яшашини орзу қилмайди. Тўғри яшаб, бахтли-саодатли бўлишини Худодан сўрайди. Хўш, унда бола нега зулм оламига кириб қолади?

Жамият азал-азалдан зулм олами билан курашиб келади. Бу йўлда турли воситалардан фойдаланади. Шу воситалардан бири — маърифий адабиётдир. Тарихда ахлоқ мавзuidaги асарлар кўп ёзилган. Уларнинг дурдоналари бизга қадар ҳам етиб келган, биз улардан ҳамон манфаат оламиз, бундай жавоҳирни бизга мерос қилиб қолдирганларни эса хайрли дуолар билан эслаймиз.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида шайтанат оламида янада ёмон томонга ўзгариш бўлди. Шайтанат олами доирасида «гиёҳвандлик» деган хатарли орол пайдо бўлди. Бу ҳол маънавият оламини жиддий масалаларга рўпара қилди. Шайтанат ва диёнат оламининг курашида маърифий адабиётнинг вазифаси янада ошди.

Болалар адабиётига қирқ йилдан бери хизмат қилиб келаётган қаламкаш акамиз Эркин Маликнинг «Шайтонваччанинг найранглари» асарини ўқиб мен бунга яна бир карра амин бўлдим. Мазкур асар бир неча йил илгари нашр этилиб, кўпнинг эътиборини тортган эди. Ёзувчи асарни қайта ишлаб, янги боблар билан тўлдириб, яна ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиптиларким, бунинг учун миннатдорлик билдирамыз.

Юқорида баён этилган фикрлар «Шайтонвачча»-ни дастлаб ўқиганда уйғонган эди. Тарихда болалар тарбиясига хизмат қилувчи ахлоқ китоблари кўп яратилган. Лекин Эркин Малик бу соҳада ўзига хос янгилик яратибдилар. Янгича услуб-кундалик ҳаётимиз ва шайтонларнинг кўзга кўринмас ҳаёти баён этилибди. Шу асар орқали «болалар шайтанат олами йўлига қандай кириб қоладилар?» деган саволга жа-

beradi. O'smir yoshda bo'lsa-chi? Payt poylab, sizdan beruxsat bo'lsa-da, shu boqqa kirish chorasini topadi. Shaytanat olamiga mahliyolik ham shunga o'xshagan bo'ladi. Faqat bu olamning o'ziga tortish kuchi ancha yuqoridir. Ota-ona bunday paytda ba'zan bolasini qaytara olmaydi.

Ajablanarlisi shundaki, bola tug'ilganda hech bir ota-ona, hatto ashaddiy jinoyatchi ham farzandini shaytanat olamida yashashini orzu qilmaydi. To'g'ri yashab, baxtli-saodatli bo'lishini Xudodan so'raydi. Xo'sh, unda bola nega zulm olamiga kirib qoladi?

Jamiyat azal-azaldan zulm olami bilan kurashib keladi. Bu yo'lda turli vositalardan foydalanadi. Shu vositalardan biri — ma'rifiy adabiyotdir. Tarixda axloq mavzusidagi asarlar ko'p yozilgan. Ularning durdonalari bizga qadar ham yetib kelgan, biz ulardan hamon manfaat olamiz, bunday javohirni bizga meros qilib qoldirganlarni esa xayrli duolar bilan eslaymiz.

Yigirmanchi asrning ikkinchi yarmida shaytanat olamida yanada yomon tomonga o'zgarish bo'ldi. Shaytanat olami doirasida «giyohvandlik» degan xatarli orol paydo bo'ldi. Bu hol ma'naviyat olamini jiddiy masalalarga ro'para qildi. Shaytanat va diyonat olamining kurashida ma'rifiy adabiyotning vazifasi yanada oshdi.

Bolalar adabiyotiga qirq yildan beri xizmat qilib kelayotgan qalamkash akamiz Erkin Malikning «Shaytonvachchaning nayranglari» asarini o'qib men bunga yana bir karra amin bo'ldim. Mazkur asar bir necha yil ilgari nashr etilib, ko'pning e'tiborini tortgan edi. Yozuvchi asarni qayta ishlab, yangi boblar bilan to'ldirib, yana o'quvchilar hukmiga havola etyaptilarkim, buning uchun minnatdorlik bildiramiz.

Yuqorida bayon etilgan fikrlar «Shaytonvachcha»ni dastlab o'qiganda uyg'ongan edi. Tarixda bolalar tarbiyasiga xizmat qiluvchi axloq kitoblari ko'p yaratilgan. Lekin Erkin Malik bu sohada o'ziga xos yangilik yaratibdilar. Yangicha uslub-kundalik hayotimiz va shaytonlarning ko'zga ko'rinmas hayoti bayon etilibdi. Shu asar orqali «bolalar shaytanat olami yo'liga

воб топиш мумкин. Бошқачароқ айтсак, болаларни шайтонлар оламига олиб борувчи йўлдан қайтариш чораларини ўрганса бўлади. Болага «нима яхши-ю, нима ёмон?» деган масалани турли услубларда тушунтириш мумкин. Масалан: «салом берсанг яхши, чақимчилик қилсанг ёмон». Бу ҳам тарбия ва уни инкор этиб бўлмайди. Лекин шу яхши хулқ ҳақида бирон воқеа асосида тушунтирилса болада аниқ таассурот уйғонади. Эркин Маликнинг асари шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳтарам китобхон, мазкур асарни уйга олиб келгач, фарзандга «ма, ўқи!» деб буюрмай «қани кел-чи, болажоним, сенга бир ажойиб китоб олиб келдим, биргалашиб ўқиймиз», деса боланинг олами янада чароғон бўларди. Китобни ўқиган ва яхши уққан хонадонга шайтонлар ҳукмини ўтказа олмас, иншаоллоҳ!

*Тоҳир МАЛИК*



qanday kirib qoladilar?» degan savolga javob topish mumkin. Boshqacharoq aytsak, bolalarni shaytonlar olamiga olib boruvchi yoʻldan qaytarish choralarini oʻrgansa boʻladi. Bolaga «nima yaxshi-yu, nima yomon?» degan masalani turli uslublarda tushuntirish mumkin. Masalan: «salom bersang yaxshi, chaqimchilik qilsang yomon». Bu ham tarbiya va uni inkor etib boʻlmaydi. Lekin shu yaxshi xulq haqida biron voqea asosida tushuntirilsa bolada aniq taassurot uygʻonadi. Erkin Malikning asari shu jihatdan ham ahamiyatlidir.

Muhtaram kitobxon, mazkur asarni uyga olib kelgach, farzandga «ma, oʻqi!» deb buyurmay «qani kel-chi, bolajonim, senga bir ajoyib kitob olib keldim, birgalashib oʻqiymiz», desa bolaning olami yanada charogʻon boʻlardi. Kitobni oʻqigan va yaxshi uqqan xonadonga shaytonlar hukmini oʻtkaza olmas, insha-olloh!

*Tohir MALIK*

## ТАНИШУВ

(ёки енг ичидаги туғуруқхона)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Шаҳарнинг кўп чеккасида ҳам эмас, қоқ ўртасида ҳам эмас, мақтарли бой ҳам эмас, бечораҳол камбағал ҳам эмас, айтарли сербола-ю, қайтарли камбола ҳам эмас доруломон бир хонадонда шайтонвачча дунёга келадиган бўлиб қолди. Ўзи шу шайтонваччаларнинг дунёга келиши сал ғалатиноқ эканда. На одамга ва на бир ҳайвонга ўхшар экан. Бир қараганда дунёга келиши кўз оғриқдай оппа-осону, бир қараганда жуда машаққат ҳам экан. Аллоҳнинг якка-ю ягоналигига, бандаларига туширган китобларига, фаришталарига, пайғамбарларига чин дилдан ихлос қўйган хонадон бўлса... кўпайиш у ёқда турсин жонлари эрта-ю кеч «қув-қув»да экан. Суяк тегмаган ҳалақунинг итидек у ёқдан, бу ёққа ҳакиллаб, озиб-тўзиб юришаркан. Агарда Худо кўрсатмасин, Аллоҳ билан уришган, шайтон билан топишган хонадон бўлса-чи... войбў-ў... хонадон аҳиллари билан оғиз-бурун ўпишиб, бир-бирига қапишиб чўчкадек урчиб кетаркан. Агарда чўчка йигирма саккизта туғса шайтон йигирма тўққизтадан оширар экан.

Ўзи бу дунёга келаётган навбатдаги шайтонваччанинг пешонаси сал шўрроқ экан. Айтишади-ку бахти кулмаган, толеи паст деб, шунақароқ экан. Бўлмаса у туғуладиган хонадоннинг Хожаси унақароғ-у, Хожабекаси бунақароқ ҳам бўладими? Қанақароқ дейсизми? Хонадоннинг Хожаси яқиндагина Аллоҳ йўлига кирганлардан, Хожабекаси бўлса кирсамми-кирсамми деб, «йўл» бошида ўй суриб, туриб қолганлардан экан.

Шу хонадонда кўпдан ивирсиб юрган она шайтоннинг ой-қуни тўлиб, қорни кажавадек бўлиб,

## TANISHUV

(yoki yeng ichidagi tug'uruqxona)

Bismillahir rohmanir rohim.

Shaharning ko'p chekkasida ham emas, qoq o'rtasida ham emas, maqtarli boy ham emas, bechorahol kambag'al ham emas, aytarli serbola-yu, qaytarli kambola ham emas dorulomon bir xonadonda shaytonvachcha dunyoga keladigan bo'lib qoldi. O'zi shu shaytonvachchalarning dunyoga kelishi sal g'alatiroq ekan-da. Na odamga va na bir hayvonga o'xshar ekan. Bir qaraganda dunyoga kelishi ko'z og'riqday oppason-u, bir qaraganda juda mashaqqat ham ekan. Allohning yakka-yu yagonaligiga, bandalariga tushirgan kitoblariga, farishtalariga, payg'ambarlariga chin dildan ixlos qo'ygan xonadon bo'lsa... ko'payish u yoqda tursin jonlari erta-yu kech «quv-quv»da ekan. Suyak tegmagan halakuning itidek u yoqdan, bu yoqqa hakillab, ozib-to'zib yurisharkan. Agarda Xudo ko'rsatmasin, Alloh bilan urishgan, shayton bilan topishgan xonadon bo'lsa-chi... voybo'-o'... xonadon ahillari bilan og'iz-burun o'pishib, bir-biriga qapishib cho'chqadek urchib ketarkan. Agarda cho'chqa yigirma sakkizta tug'sa shayton yigirma to'qqiztadan oshirar ekan.

O'zi bu dunyoga kelayotgan navbatdagi Shaytonvachchaning peshonasi sal sho'rroq ekan. Aytishadiku baxti kulmagan, toleyi past deb, shunaqaroq ekan. Bo'lmasa u tug'uladigan xonadonning Xojasi unaqarog'-u, Xojabekasi bunaqaroq ham bo'ladimi? Qanaqaroq deysizmi? Xonadonning Xojasi yaqindagina Alloh yo'liga kirganlardan, Xojabekasi bo'lsa kirsammikirmasammi deb, «yo'l» boshida o'y surib, turib qolganlardan ekan.

Shu xonadonda ko'pdan ivirsib yurgan ona shaytonning oy-kuni to'lib, qorni kajavadek bo'lib, juda

жуда бўлмай бораркан... Ўқтин-ўқтин дард тутаркан. Қорнидаги Шайтонвачча тезроқ ёруғ дунёни кўришга шошиларкан. Охири она шайтон нима қиларини билмай, туғишга қулай жой қидириб, тимирискланиб, Хожанинг чап кўйнига кириб борибди. (Шайтонлар ўзи ҳамма ишни чапдан бошлар эканлар-да.) Кейин одамзоднинг бирон бир ерига бирон бир ери тегиб турмаса, кўзи ёримас экан. Шундан-ми сўргичга ўрганган чақалоқдек одамга ёпишгани-ёпишган экан. Мана ҳозир ҳам кўзлари сузилиб, нияти бузилиб, ялтоқланиб ўзича дерди:

— Оҳ-воҳ-ей, сал бесаранжомлигини айтмаса, Хожамизнинг шу кўйни жа маза жой эканми? Исикқина, момиққина...

Аммо унинг безбетларча жойлашиб олаётганидан безовта бўлган юрак... бирдан гуп-гуп уриб кетиб, деди:

— Ҳа ёқмайгина кетсин, сен илвирсга. Қулай жоймиш-а! Кўтар товуқ шўрвангни устимдан...

— Э-э... бу қанақасига товуқ шўрва бўлсин?! Бирпас жим тур, шошмасанг билволасан нималигини...

Юрак ҳали шунақаи деди-ю, «босқинчи»нинг нозик жойига икки марта ўхшатиб тепган эди, она шайтон қандоқ қилиб иссиқ жойдан учиб чиққанини-ю, воҳ деб қорнини кучоқлаб қолганини билмай қолди!

— Ҳап сеними, шошмай тур, мен ҳали шундай бола туғайки, тепиш қанақалигини у сенга кўрсатиб кўйсин. Ҳа майли, чап кўйин бўлмаса, ўнг кўйин ҳам тешиб чиқмайди, — деб шу томонга бош суқди.

— Бу ер ҳам илиққина экан, йўқдан кўра, буни устига жим-жит, хилватгина. Чап кўйин иссиқ бўлгани билан дапира-дупир — от ўйинга ўхшади...

Шайтонлар одатда боласини оғзидан туғади. Ачават холалар «ҳа, боланг оғзингдан келсин» деб бекорга қарғашмайди. Ўшанда шайтонни назарда тутишар экан. Шундоқ қилиб она шайтоннинг тўлғоғи тутиб, энди ўқчийман деб турса, бурнига бир ғалати ҳид кириб, бўғила бошлабди.

— Войдод, ўляпман, ёрдам беринг, — деб бақириб юборибди.

bo'lmay borarkan... O'qtin-o'qtin dard tutarkan. Qornidagi Shaytonvachcha tezroq yorug' dunyoni ko'rishga shoshilarkan. Oxiri ona shayton nima qilarini bilmay, tug'ishga qulay joy qidirib, timirisklanib, Xojaning chap qo'yniga kirib boribdi. (Shaytonlar o'zi hamma ishni chapdan boshlar ekanlar-da.) Keyin odamzodning biron bir yeriga biron bir yeri tegib turmasa, ko'zi yorimas ekan. Shundan-mi so'rg'ichga o'rgangan chaqaloqdek odamga yopishgani-yopishgan ekan. Mana hozir ham ko'zlari suzilib, niyati buzilib, yaltoqlanib o'zicha derdi:

— Oh-voh-ey, sal besaranjomligini aytmasa, Xojamizning shu qo'yni ja maza joy ekanmi? Issiqqina, momiqqina...

Ammo uning bezbetlarcha joylashib olayotganidan bezovta bo'lgan yurak... birdan gup-gup urib ketib, dedi:

— Ha yoqmaygina ketsin, sen ilvirsga. Qulay joymish-a! Ko'tar tovuq sho'rvangni ustimdan...

— E-e... bu qanaqasiga tovuq sho'rva bo'lsin?! Birpas jim tur, shoshmasang bilvolasan nimaligini...

Yurak hali shunaqami dedi-yu, «bosqinchi»ning nozik joyiga ikki marta o'xshatib tepgan edi, ona shayton qandoq qilib issiq joydan uchib chiqqanini-yu, voh deb qornini quchoqlab qolganini bilmay qoldi!

— Hap senimi, shoshmay tur, men hali shunday bola tug'ayki, tepish qanaqaligini u senga ko'rsatib qo'ysin. Ha mayli, chap qo'yin bo'lmasa, o'ng qo'yin ham teshib chiqmaydi, — deb shu tomonga bosh suqdi.

— Bu yer ham iliqqina ekan, yo'qdan ko'ra, buni ustiga jim-jit, xilvatgina. Chap qo'yin issiq bo'lgani bilan dapira-dupir — ot o'yinga o'xshadi...

Shaytonlar odatda bolasini og'zidan tug'adi. Achavat xolalar «ha, bolang og'zingdan kelsin» deb bekorga qarg'ashmaydi. O'shanda shaytonni nazarda tutishar ekan. Shundoq qilib ona shaytonning to'lg'og'i tutib, endi o'qchiyman deb tursa, burniga bir g'alati hid kirib, bo'g'ila boshlabdi.

— Voydod, o'lyapman, yordam bering, — deb baqirib yuboribdi.

— Шайтонлик қилма, — депти жигар тилга кириб, — нима, бу ерни ўғри урган ҳовли деб ўйловдингми?! Кўтар сузма халтангни, шундоғам ўтқопим захарга тўлиб турибди, ҳозироқ асфаласофилин бўласан.

Шайтонлар асфаласофилиндан жудаям кўрқишар экан. У дўзахнинг қоқ ўртасидаги энг кўрқинчли жой экан-да. Шунга она шайтон вой-войлаб, байбайлаб, бу ерданам жуфтакни ростлабди. Аммо жигарга ҳам ўзича маломат қилибди:

— Ҳа сеними шошмай тур, мен ҳали шундай бола туғайки, сени ароққа ошно қилиб, эрта кунда серрозга учратсин...

Тўлғоқ устига тўлғоқ тутиб, она шайтон Хожанинг атрофида гирди-капалак бўлиб, айланаверибди, айланаверибди... Бундоқ қараса, Хожанинг чўнтаклари бўшмиш.

— Э-э... қўйин бўлмаса, чўнтак ҳам тешиб чиқмайди-ку, — деб ўзини ўша ёққа урибди.

Шу пайт «ҳали шунақами?!» дегандек бошига гурзидек бўлиб, мушт келиб тушибди. Ўзини бошқа чўнтакка урибди, у томондан ҳам мушт ебди. Алам ичида:

— Ҳап, сенларними, шошмай турларинг! Мен ҳали шундай бола туғайки, у сен дасти узун, муштими зўрларни порага ўргатиб, эрта кунда қамокҳонага ошно қилсин, — деб дўлайишдан нари ўтолмабди.

Она шайтоннинг нафаси қисиб, нима қиларини билмай турган эди, Хожабека бахмал халатларини нозик елкасига ташлаб, майда қадам билан ҳовли этагига қараб юра бошлади. Буни кўриб, Хожаси унга танбех берди:

— Бу нимаси, бекам, ахир неча марта айтаман халатнинг енгини кийиб юриш керак, бўлмаса енгиде шайтон болалаб кетади деб. Шундоғам ҳаммани йўлдан уриб ётгани камми?!

— Э-э, қаёқдаги гапларни топасиз адажониси, шу шайтон ўлгурнинг биздан бошқа қиладиган иши йўқми, — норози бўлди бека.

— Уҳ, — дея оғзи қулоғига етиб, чапак чалиб юборди она шайтон, — ахир ўзим ҳам бир вақтлар

— Shaytonlik qilma, — deпти jigar tilga kirib, — nima, bu yerni o'g'ri urgan hovli deb o'ylovdingmi?! Ko'tar suzma xaltangni, shundog'am o'tqopim zaharga to'lib turibdi, hoziroq asfalasofilin bo'lasan.

Shaytonlar asfalasofilindan judayam qo'rqishar ekan. U do'zaxning qoq o'rtasidagi eng qo'rqinchli joy ekan-da. Shunga ona shayton voy-voylab, bay-baylab, bu yerdanam juftakni rostlabdi. Ammo jigarga ham o'zicha malomat qilibdi:

— Ha senimi shoshmay tur, men hali shunday bola tug'ayki, seni aroqqa oshno qilib, erta kunda serrozga uchratsin...

To'lg'oq ustiga to'lg'oq tutib, ona shayton Xojaning atrofida girdi-kapalak bo'lib, aylanaveribdi, aylanaveribdi... Bundoq qarasa, Xojaning cho'ntaklari bo'shmish.

— E-e... qo'yin bo'lmasa, cho'ntak ham teshib chiqmaydi-ku, — deb o'zini o'sha yoqqa uribdi.

Shu payt «hali shunaqami?!» degandek boshiga gurzidek bo'lib, musht kelib tushibdi. O'zini boshqa cho'ntakka uribdi, u tomondan ham musht yebdi. Alam ichida:

— Hap, senlarnimi, shoshmay turlaring! Men hali shunday bola tug'ayki, u sen dasti uzun, mushtimi zo'rlarni poraga o'rgatib, erta kunda qamoqxonaga oshno qilsin, — deb do'layishdan nari o'tolmabdi.

Ona shaytonning nafasi qisib, nima qilarini bilmay turgan edi, Xojabeka baxmal xalatlarni nozik yelkasiga tashlab, mayda qadam bilan hovli etagiga qarab yura boshladi. Buni ko'rib, Xojasi unga tanbeh berdi:

— Bu nimasi, bekam, axir necha marta aytaman xalatning yengini kiyib yurish kerak, bo'lmasa yengida shayton bolalab ketadi deb. Shundog'am hammani yo'ldan urib yotgani kammi?!

— E-e, qayoqdagi gaplarni topasiz adajonisi, shu shayton o'lgurning bizdan boshqa qiladigan ishi yo'q-mi, — norozi bo'ldi beka.

— Uh, — deya og'zi qulog'iga yetib, chapak chalib yubordi ona shayton, — axir o'zim ham bir vaqtlar

қаерда дунёга келган эдим? Енг ичида эмасми?! Пақ-қос калладан чиқариб қўйибман-а... Э, яшаворинг Хожам, эсимга солиб қўйдингиз. Офаринлар бўлсин сизга... Мана энди биз ҳам енг ичида иш битирамиз, — деб она шайтон гув этиб ўзини енг ичига урди. Қарангта, биб-бинойи, иссиққина жой экан. Устига-уштак икки ўрим сочдек икки биқинга уриб турибди. Она шайтон фурсатни бой бермай дўнғиллатиб тўғди қўйди.

Хуникдан-хуник бу дўнғиллашдан хижолат чеккан Хожабека, қорнини ушлаб қадамини тезлатди. Юзларига дув қизиллик югурди. Буни сезган она шайтон деди:

— Хижолат бўлмасинлар, бекам, бу беўхшов овоз биздан чиқди, ҳа! Учта болангиз тўртта бўлди, ўзларига Шайтонвачча муборак! Ҳе-хе-хе-е, — деб кулди.

## САБОҚ

### (ёки шайтоннинг ошга шерик бўлиши)

Шу десангиз, шайтонваччалар одатда бўйнида қошиғи билан туғилар экан. Уларнинг катта-ю, кичик мартабалари ҳам, узун-қисқа унвонлариям шу қошиқларига қараб бўларкан. Шайтонваччанинг қошиғи қошиқ эмас, нақ ўн иккинчи нўғай калишнинг ўзи экан.

— Вой-бў-ў, — деди она шайтоннинг кўзлари ола-кула бўлиб, — мен бола эмас, бутун бошли қошиқ туғибман-ку. У шундай деб пешонасини тириштириб турган эди, Шайтонвачча онасининг қорнига ўхшатиб туриб, шундоқ тептики, нақ она шайтоннинг ҳамма ёғи шаққиллаб кетди.

— Вой-во-ей, — деганича она шайтон икки букчайиб қолди. Кейин инграниб деди:

— Турган битганинг қошиқ десам, зорманда туёфинг ҳам бор экан-ку балонинг ўқидек. Ота-боболаримиз бир туққанни, бир тўйдирганни қорнига теп, дейишгани шу экан-да! Дуруст-дуруст, хушёрсан, тарки одат — амримаҳол дейдилар буни...



qayerda dunyoga kelgan edim? Yeng ichida emasmi?! Paqqos kalladan chiqarib qo'yibman-a... E, yashavoring Xojam, esimga solib qo'ydingiz. Ofarinlar bo'lsin sizga... Mana endi biz ham yeng ichida ish bitiramiz, — deb ona shayton g'uv etib o'zini yeng ichiga urdi. Qarangga, bib-binoyi, issiqqina joy ekan. Ustiga-ustak ikki o'rim sochdek ikki biqinga urib turibdi. Ona shayton fursatni boy bermay do'ng'illatib to'g'di qo'ydi.

Xunukdan xunik bu do'ng'illashdan xijolat chekkan Xojabeka, qornini ushlab qadamini tezlatdi. Yuzlariga duv qizillik yugurdi. Buni sezgan ona shayton dedi:

— Xijolat bo'lmasinlar, bekam, bu beo'xshov ovoz bizdan chiqdi, ha! Uchta bolangiz to'rtta bo'ldi, o'zlariga Shaytonvachcha muborak! He-he-he-e, — deb kuldi.

## SABOQ

### (yoki shaytonning oshga sherik bo'lishi)

Shu desangiz, shaytonvachchalar odatda bo'ynida qoshig'i bilan tug'ilar ekan. Ularning katta-yu, kichik martabalari ham, uzun-qisqa unvonlariyam shu qoshiqlariga qarab bo'larkan. Shaytonvachchanning qoshig'i qoshiq emas, naq o'n ikkinchi no'g'ay kalishning o'zi ekan.

— Voy-bo'o', — dedi ona shaytonning ko'zlari ola-kula bo'lib, — men bola emas, butun boshli qoshiq tug'ibman-ku. U shunday deb peshonasini tirishtirib turgan edi, Shaytonvachcha onasining qorniga o'xshatib turib, shundoq teptiki, naq ona shaytonning hamma yog'i shaqqillab ketdi.

— Voy-vo-ey, — deganicha ona shayton ikki bukchayib qoldi. Keyin ingranib dedi:

— Turgan bitganing qoshiq desam, zormanda tuyog'ing ham bor ekan-ku baloning o'qidek. Ota-bobolarimiz bir tuqqanni, bir to'ydirganni qorniga tep, deyishgani shu ekan-da! Durust-durust, hushyorsan, tarki odat — amrimahol deydilar buni...

Шайтонвачча ота-боболарининг одатларидан бирини ўхшатиб ўринлатгач, кўз соққасини ўйнатиб «хуш-ш-ш» эттириб хуштак ҳам чалиб юборди.

— Ов-в, бас — деб она шайтон қулоғини беркитди, — тилиям хуштак билан чиқди-ку бунинг. Катта бўлса учига чиққан хуштаквоз бўлади шекилли. Кейин Шайтонваччани тиззасига ўтқазиб, эркалатди:

— Одам болаларини қанчалик хуштаквоз қилсанг, шунча яхши. Одатда, хуштаквозларни фаришталар ёмон кўради. Улардан фаришталар минг чақирим нарига қочади. Фариштасиз одамда эса имон бўлмайди. Имонсиз эса дўзахнинг ўчоғига тайёр ўтинда, гиргиттон.

— Она, — деди Шайтонвачча тилга кириб.

— Гапир, нима дейсан?

— Имонни еса бўладими?

— Дард! Уни ейишни хаёлингга ҳам келтирма.

— Дўзахни-чи, дўзахни еса бўладими?

— Ҳаҳ нафсинг ҳакалак отмай ўлсин, дарровда қорнинг очдими? Сабр қил, сабр. Одам болаларига ўхшаб бесабр бўлма.

— Одам болаларини еб бўладими?

— Бўлмайди. Уларни фақат йўлдан урса, бўлади. Одам болаларини қанчалик кўп йўлдан урсанг, анови савил ёғоч қошиғинг шунча кўп мой ичида ўйнайди. Билсанг одам болалари гирт душманимиз.

— Она дейман, бу дунёда дўстларимизам борми?

— Бўлганда қандоқ.

— Унда айтиб бер-да, уларни бундоқ?

— Уларми, улар хў-ў-ш-ш, улар одам болаларида.

— Ие, томинг жойидами она, ҳозиргина уларни гирт душманимиз деб турувдинг-ку.

— Вой томлик валломат-е, одам болаларини йўлдан урганингдан кейин улар сенинг дўстингга айланади-да, уқдингми хафтафаҳм? Она шайтон шундай деб Шайтонваччанинг қулоқ-чеккасига шарақлатиб тушириб қолди.

— Уқдим-уқдим, — деди Шайтонвачча шошапиша тарсаки тушган жойини силаб.

Shaytonvachcha ota-bobolarining odatlaridan birini o'xshatib o'rinlatgach, ko'z soqqasini o'ynatib «hush-sh» ettirib hushtak ham chalib yubordi.

— Ov-v, bas — deb ona shayton qulog'ini berkitdi— tiliyam hushtak bilan chiqdi-ku buning. Katta bo'lsa uchiga chiqqan hushtakvoz bo'ladi shekilli. Keyin Shaytonvachchani tizzasiga o'tqazib, erkalatdi:

— Odam bolalarini qanchalik hushtakvoz qilsang, shuncha yaxshi. Odatda, hushtakvozlarni farishtalar yomon ko'radi. Ulardan farishtalar ming chaqirim nariga qochadi. Farishtasiz odamda esa imon bo'lmaydi. Imonsiz esa do'zaxning o'chog'iga tayyor o'tinda, girgitton.

— Ona, — dedi Shaytonvachcha tilga kirib.

— Gapir, nima deysan?

— Imonni yesa bo'ladimi?

— Dard! Uni yeyishni xayolingga ham keltirma.

— Do'zaxni-chi, do'zaxni yesa bo'ladimi?

— Hah nafsing hakalak otmay o'lsin, darrovda gorning ochdimi? Sabr qil, sabr. Odam bolalariga o'xshab besabr bo'lma.

— Odam bolalarini yeb bo'ladimi?

— Bo'lmaydi. Ularni faqat yo'ldan ursang, bo'ladi. Odam bolalarini qanchalik ko'p yo'ldan ursang, anovi savil yog'och qoshig'ing shuncha ko'p moy ichida o'ynaydi. Bilsang odam bolalari g'irt dushmanimiz.

— Ona deyman, bu dunyoda do'stlarimizam bormi?

— Bo'lganda qandoq.

— Unda aytib ber-da, ularni bundoq?

— Ularmi, ular ho'-o'-sh-sh, ular odam bolalarida.

— Ie, toming joyidami ona, hozirgina ularni g'irt dushmanimiz deb turuvding-ku.

— Voy tomlik vallomat-e, odam bolalarini yo'ldan urganigdan keyin ular sening do'stingga aylanadi-da, uqdingmi haftafahm? Ona shayton shunday deb Shaytonvachchanning quloq-chekkasiga sharaqlatib tushirib qoldi.

— Uqdim-uqdim, — dedi Shaytonvachcha shoshapisha tarsaki tushgan joyini silab.

Шу пайт Хожабeka дастурхон ёзиб, нонуштага ҳозирлик кўра бошлади.

— Энди бирпас жаврамай тек тур, — деди она шайтон Шайтонваччага, — ҳозир мен сени дўсту душманларимиз билан таништираман.

— Хўп бўлади она жаврама десанг, жаврамайман.

— Яхшилаб таниб ол, анови дастурхон тузаётган келишган жувон Хожабeka бўлади. У менинг қадрдоним, дўстим, меҳрибоним. У бор экан, ичимга иссиқ тушиб туради. Оч-наҳор қолмайман. Билсанг, у сенинг доянг ҳам бўлади. Ўшанинг бахмал халатининг енгиди дунёга келдинг. Ҳа, шундоқ. Энди ҳов анов оромкурсида тасбеҳ ўгириб ўтирган сип-силлиқ одамни кўряпсанми?

— Кўряпман она, кўряпман, жа юзлари нурли экан?

— Дард! Юзлари нурлимиш! Душманнимиз бўлади у, душманнимиз, уқдингми?

— Э аттанг, дўстга айлантириб бўлмайдими у одамни, она?

Она шайтон оғир хўрсинди.

— Ҳа, бир пайтлар биб-бинойидек дўстимиз эди. У пайтларда қўллари тасбеҳ доналарини эмас, нуқул пора ўгириб ўтирарди, пора! Чизган чизигимиздан чиқмасди. Ўзи шу десанг одам зоти ўлгудек оғмачи бўлади. Нима бўлди-ю, Аллоҳ йўлига кириб, биздан мутлақо юз ўгирди, номард. Ҳамма қилган яхшиликларимга тупурди, эсидан чиқарди. У шу хонадоннинг Хожаси — каттаси бўлади...

Шу пайт Хожа қўшни уйда чуғур-чуғур қилаётган болаларни чақириб қолди. «Лаббай адажон»лаб болалар рўпарасида одоб билан қўл қовуштиришди. Хожа уларга алоҳида меҳр билан тикилди-да:

— Қани асалтойлар, Бисмиллаҳир роҳманир роҳим деб нонуштага ўтиринглар-чи, — деди.

Она шайтон билан Шайтонвачча хонанинг чап бурчагида ўтиришган эди, шу пайт қандайдир куч икковиниям деворга таппидек ёпиштириб ташлади.

— Вой бў-ў-ў... бу нимаси она? — оғриқнинг зўридан инграб юборди Шайтонвачча.

Shu payt Xojabeka dasturxon yozib, nonushtaga hozirlik ko'ra boshladi.

— Endi birpas javramay tek tur, — dedi ona shayton Shaytonvachchaga, — hozir men seni do'st-u dushmanlarimiz bilan tanishtiraman.

— Xo'p bo'ladi ona javrama desang, javramayman.

— Yaxshilab tanib ol, anovi dasturxon tuzayotgan kelishgan juvon Xojabeka bo'ladi. U mening qadr-donim, do'stim, mehribonim. U bor ekan, ichinga issiq tushib turadi. Och-nahor qolmayman. Bilsang, u sening doyang ham bo'ladi. O'shaning baxmal xalatining yengida dunyoga kelding. Ha, shundoq. Endi hov anov oromkursida tasbeh o'g'irib o'tirgan sip-silliq odamni ko'ryapsanmi?

— Ko'ryapman ona, ko'ryapman, ja yuzlari nurlu ekan?

— Dard! Yuzlari nurlimish! Dushmanimiz bo'ladi u, dushmanimiz, uqdingmi?

— E attang, do'stga aylantirib bo'lmaydimi u odamni, ona?

Ona shayton og'ir xo'rsindi.

— Ha, bir paytlar bib-binoyidek do'stimiz edi. U paytlarda qo'llari tasbeh donalarini emas, nuqul pora o'g'irib o'tirardi, pora! Chizgan chizig'imizdan chiqmasdi. O'zi shu desang odam zoti o'lgudek og'machi bo'ladi. Nima bo'ldi-yu, Alloh yo'liga kirib, bizdan mutlaqo yuz o'girdi, nomard. Hamma qilgan yaxshiliklarimga tupurdi, esidan chiqardi. U shu xonadonning Xojasi — kattasi bo'ladi...

Shu payt Xoja qo'shni uyda chug'ur-chug'ur qilayotgan bolalarni chaqirib qoldi. «Labbay adajon»lab bolalar ro'parasida odob bilan qo'l qovushtirishdi. Xoja ularga alohida mehr bilan tikildi-da:

— Qani asaltoylar, Bismillahir rohmanir rohim deb nonushtaga o'tiringlar-chi, — dedi.

Ona shayton bilan Shaytonvachcha xonaning chap burchagida o'tirishgan edi, shu payt qandaydir kuch ikkoviniyam devorga tappidek yopishtirib tashladi.

— Voy bo'-o'-o'... bu nimasi ona? — og'riqning zo'ridan ingrab yubordi Shaytonvachcha.

— Кармисан, эшитмадингми? Аллоҳнинг исми шунақа қудратли бўлади. Унинг исми-азамати тилга олинганда бизга олам тор бўб кетади. Чида, ҳозир ўтиб кетади.

— Им-м-м...

— Тишингни-тишингга бос, одам болаларига ўхшаб чидамсиз бўлма, чида!

— ...

— Қалай, ўтиб кетдимми?

— Билмадим.

— Энди ҳушёр бўл, ҳа, жуда зийрак бўл, ҳеч нарсани кўзингдан қочирма, агар болалар отасининг айтганини қилиб, Аллоҳнинг исми билан дастурхонга қўл чўзишса, билгинки, бу — оч-наҳор қолганинг.

— Ие, бу нима деганинг, она, туғилганимдан бери қорнимга тирноқдек нарса кирмади-ку, гапингни қарая...

— Шошилма, бесабр, ҳозир бир илож қиламиз... Хў-ш-ш... нима қилсак экан-а? Ҳа, ҳа, топдим. Ҳов анови чарм папкани кўряпсанми, ичи тўла китобдафтар?

— Кўряпман, она, кўряпман.

— Кўраётган бўлсанг ўша зормонда омонатгина турибди, болаларнинг анов найнови дастурхонга яқин келиши билан уни туртиб тушириб юборасан, вас-салом. Шундай қилсанг найнов чалғийди. Аллоҳнинг исмини эсидан чиқаради. Хў-ш-ш... яна нима? Ҳа-ҳа топдим, анови пўстинчани кўряпсанми?

— Кўряпман она, кўряпман...

— Илгагида зўрға илиниб турибди. Ўртанчаси дастурхонга яқинлашиши билан сал осилсанг бас, илгаги узилади-кетади. Уям чалғийди. Аллоҳнинг исмини эсидан чиқаради. Билиб қўй, қулоғингга сирға қилиб илиб қўй, шунақа омонат қўйилган нарсалар бизга ҳамиша-ҳамрўз, қўл келади.

— Хўп бўлади, она. Энди болаларни яна биттаси бор-ку, уни қандоқ қилиб чалғитаман.

— У билан ҳозирча ишинг бўлмасин, у ҳали Аллоҳнинг исмини айтишни ҳам билмайди. Хў-ш-ш... мана энди шундай қилиб, қарабсанки, болаларнинг ярим овқатига шерик бўб турибсан-да.

— Karmisan, eshitmadingmi? Allohning ismi shunaqa qudratli bo'ladi. Uning ismi-azamati tilga olinganda bizga olam tor bo'b ketadi. Chida, hozir o'tib ketadi.

— Im-m-m...

— Tishingni-tishingga bos, odam bolalariga o'xshab chidamsiz bo'lma, chida!

— ...

— Qalay, o'tib ketdimi?

— Bilmadim.

— Endi hushyor bo'l, ha, juda ziyrak bo'l, hech narsani ko'zingdan qochirma, agar bolalar otasining aytganini qilib, Allohning ismi bilan dasturxonga qo'l cho'zishsa, bilginki, bu — och-nahor qolganing.

— Ie, bu nima deganing, ona, tug'ilganimdan beri qornimga tirnoqdek narsa kirmadi-ku, gapingni qaraya...

— Shoshilma, besabr, hozir bir iloj qilamiz... Xo'-sh-sh... nima qilsak ekan-a? Ha, ha, topdim. Hov anovi charm papkani ko'ryapsanmi, ichi to'la kitob-daftar?

— Ko'ryapman, ona, ko'ryapman.

— Ko'rayotgan bo'lsang o'sha zormonda omonatgina turibdi, bolalarning anov naynovi dasturxonga yaqin kelishi bilan uni turtib tushirib yuborasan, vassalom. Shunday qilsang naynov chalg'iydi. Allohning ismini esidan chiqaradi. Xo'-sh-sh... yana nima? Ha-ha topdim, anovi po'stinchani ko'ryapsanmi?

— Ko'ryapman ona, ko'ryapman...

— Ilgagida zo'rg'a ilinib turibdi. O'rtanchasi dasturxonga yaqinlashishi bilan sal osilsang bas, ilgagi uziladi-ketadi. Uyam chalg'iydi. Allohning ismini esidan chiqaradi. Bilib qo'y, qulog'ingga sirg'a qilib ilib qo'y, shunaqa omonat qo'yilgan narsalar bizga hamisha-hamro'z, qo'l keladi.

— Xo'p bo'ladi, ona. Endi bolalarni yana bittasi bor-ku, uni qandoq qilib chalg'itaman.

— U bilan hozircha ishing bo'lmasin, u hali Allohning ismini aytishni ham bilmaydi. Xo'-sh-sh... mana endi shunday qilib, qarabsanki, bolalarning yarim ovqatiga sherik bo'b turibsan-da.

Чиндан ҳам она шайтоннинг айтганлари бўлди. Папка билан пўстин бирданига ҳаммани ҳайрон қолдириб, оёқ остига тушди. Ака-укалар чалғиб, Аллоҳнинг исмини эсларидан чиқаришди. Шайтонвачча беўхшов қошиғини кўтариб, ака-укаларнинг орасига суқулди. Ҳали унисининг, ҳали бунисининг товоғига қошиқ солиб, бир четдан тушираверди. Бўккунича роса еди. Аммо она шайтоннинг қорни ҳуштак чалганча қолаверди. Нимага деганда Хожа билан Хожабека Аллоҳнинг исмини айтиб, таомга қўл чўзишган эди. Она шайтон уларнинг овқатига шерик бўлолмади.

Шайтонвачча беўхшов қошиғини ялаб, гунгурдек бўлиб, онасининг ёнида пайдо бўлди. Она шайтон Шайтонваччадан бир нималарни кутди, кутгани бўлавермагач, жаҳли чиқиб, Шайтонваччанинг кулоқ-чаккасига қарсиллатиб соб қолди-ку...

— Нима-е, — жон-пони чиқиб кетди Шайтонваччанинг, — оч қолганингга аламми?

— Ҳа қорнинг тўйиб, қайғунг кетмай ўлсин, каллангни дарровда қурум бостими, эсипаст, одатимизни, унутдингми? Ота-бобомиз тўйдирганнинг қорнига теп демаганмиди, гўрсўхта!

Шайтонвачча айбига иқроп бўлиб ерга қаради ва физиллаб бориб ака-уканинг қорнига аямасдан шатиллатиб тепиб қолди. Учовиям кўзлари олайиб, «вой қорним»лаб қолишди.

Буни кўрган Хожа дағ-дағ титираб, Хожабекага ўшқириб берди:

— Неча марта айтаман сизга, боғчадан бўлар-бўлмас нарсаларни обкеманг деб, мана аҳвол...

— Оғзингизга қар-а-а-б гапиринг, адажониси, мен боғчада фаррош бўлиб ишламайман, Худога шукр, мудираман, обкелсам овқатнинг гулини обкеламан, гулини, билдийзми!

— Э, гулиям-пулиям қуриб кетсин, — муштлири тугулди Хожанинг, — ахир олиб келганинг бировларнинг ҳақи-ку. «Бировнинг ҳақи қорин оғритар» деганларини эшитмаганмисан?..

Шундай қилиб Шайтонваччанинг илк нонушта-



Chindan ham ona shaytonning aytganlari bo'ldi. Papka bilan po'stin birdaniga hammani hayron qoldirib, oyoq ostiga tushdi. Aka-ukalar chalg'ib, Allohning ismini eslaridan chiqarishdi. Shaytonvachcha beo'xshov qoshig'ini ko'tarib, aka-ukalarning orasiga suquldi. Hali unisining, hali bunisining tovog'iga qoshiq solib, bir chetdan tushiraverdi. Bo'kkunicha rosa yedi. Ammo ona shaytonning qorni hushtak chalgancha qolaverdi. Nimaga deganda Xoja bilan Xojabeka Allohning ismini aytib, taomga qo'l cho'zishgan edi. Ona shayton ularning ovqatiga sherik bo'lolmadi.

Shaytonvachcha beo'xshov qoshig'ini yalab, gungursdek bo'lib, onasining yonida paydo bo'ldi. Ona shayton Shaytonvachchadan bir nimalarni kutdi, kutgani bo'lavermagach, jahli chiqib, Shaytonvachchanning quloq-chakkasiga qarsillatib sob qoldi-ku...

— Nima-e, — jon-poni chiqib ketdi Shaytonvachchanning, — och qolganingga alammi?

— Ha qorning to'yib, qayg'ung ketmay o'lsin, kallangni darrovda qurum bostimi, esipast, odatimizni, unutdingmi? Ota-bobomiz to'ydirganning qorniga tep demaganmidi, go'rso'xta!

Shaytonvachcha aybiga iqror bo'lib yerga qaradi va g'izillab borib aka-ukaning qorniga ayamasdan shatillatib tepib qoldi. Uchoviyam ko'zlari olayib, «voy qornim»lab qolishdi.

Buni ko'rgan Xoja dag'-dag' titirab, Xojabekaga o'shqirib berdi:

— Necha marta aytaman sizga, bog'chadan bo'lar-bo'lmas narsalarni obkemang deb, mana ahvol...

— Og'zingizga qar-a-a-b gapiring, adajonisi, men bog'chada farrosh bo'lib ishlamayman, Xudoga shukur, mudiraman, obkelsam ovqatning gulini obkelaman, gulini, bildiyzmi!

— E, guliyam-puliyam qurib ketsin, — mushtlari tuguldi Xojaning, — axir olib kelganing birovlarining haqi-ku. «Birovning haqi qorin og'ritar» deganlarini eshitmaganmisan?..

Shunday qilib Shaytonvachchanning ilk nonushtasi

си биққидек бўлиб семириши-ю эр-хотиннинг жиқ-қамушт бўлиши-ю ака-укаларнинг қоринлари оғриб қолиши билан якун топди.

## ЯНА БИР САБОҚ

**(ёки Шайтонваччанинг болаларнинг коптогини қандай қилиб олиб қўйгани)**

Болаларнинг каттаси мактабга, бошқаси Хожабек билан боғчага кетиб, уй хувиллаб қолди. Шайтонвачча анча вақт онасининг олдида қошиғини ўйнаб, лабини ялаб ўтирди-ю охири зерикди. Беўхшов оғзини каппа-каппа очиб, эснаб қўйди.

— Ҳа зерикдингми? — сўради она шайтон.

— Зерикдим, жуда зерикдим, — кўзлари йилтиллаб кетди Шайтонваччанинг.

— Қани юр бўлмаса...

Она шайтон шундай деб Шайтонваччани кўчага бошлади. Кўчада бир тўп бола чангга ботиб копток ўйнашарди. Уларни кўриб, Шайтонваччанинг ичи қизиди.

— Ановилар билан ўйнайман, — деди Шайтонвачча болаларни кўрсатиб.

— Ўйнасанг ўйнайқол, — бепарвогина жавоб берди онаси.

Шайтонвачча зум ўтмай болалар орасига қўшилиб кетди. Болалар қув-қув қилиб юрган коптокни уям тепкиси келарди. Бироқ оёғига ҳадеганда копток тегавермасди. Энди тепаман деганда кимдир чаққонлик қилиб илиб кетарди. Бир-бирига тўп оширишарди-ю, Шайтонваччага ҳеч ким оширмасди. Қайтага бир-икки коптокка қўшиб, уния «копток» қилиб юборишди. Охири ҳориб-чарчаб, абжағи чиқиб, алам билан онасининг ёнига келди. Она шайтон ҳаммасини кўриб, боласининг уқувсизлигидан ғижиниб ўтирган эди.

— Қалай, маза қилиб ўйнадингми? — сўради онаси жўртага.

— Э қаёқда, коптокларини бир мартагаям беришмади, нокаслар, — норози бўлиб фингшиди Шайтонвачча.

biqqidek bo'lib semirishi-yu er-xotinning jiqqamusht bo'lishi-yu aka-ukalarning qorinlari og'rib qolishi bilan yakun topdi.

## YANA BIR SABOQ

### (yoki Shaytonvachchaning bolalarning koptogini qanday qilib olib qo'ygani)

Bolalarning kattasi maktabga, boshqasi Xojabeka bilan bog'chaga ketib, uy huvillab qoldi. Shaytonvachcha ancha vaqt onasining oldida qoshig'ini o'ynab, labini yalab o'tirdi-yu oxiri zerikdi. Beo'xshov og'zini kappa-kappa ochib, esnab qo'ydi.

— Ha zerikdingmi? — so'radi ona shayton.

— Zerikdim, juda zerikdim, — ko'zlari yiltillab ketdi Shaytonvachchaning.

— Qani yur bo'lmasa...

Ona shayton shunday deb Shaytonvachchani ko'chaga boshladi. Ko'chada bir to'p bola changga botib koptok o'ynashardi. Ularni ko'rib, Shaytonvachchaning ichi qizidi.

— Anovilar bilan o'ynayman, — dedi Shaytonvachcha bolalarni ko'rsatib.

— O'ynasang o'ynayqol, — beparvogina javob berdi onasi.

Shaytonvachcha zum o'tmay bolalar orasiga qo'shilib ketdi. Bolalar quv-quv qilib yurgan koptokni uyam tepkisi kelardi. Biroq oyog'iga hadeganda koptok tegavermasdi. Endi tepaman deganda kimdir chaqqonlik qilib ilib ketardi. Bir-biriga to'p oshirishardi-yu, Shaytonvachchaga hech kim oshirmasdi. Qaytaga birikki koptokka qo'shib, uniyam «koptok» qilib yuborishdi. Oxiri horib-charchab, abjag'i chiqib, alam bilan onasining yoniga keldi. Ona shayton hammasini ko'rib, bolasining uquvsizligidan g'ijinib o'tirgan edi.

— Qalay, maza qilib o'ynadingmi? — so'radi onasi jo'rtaga.

— E qayoqda, koptoklarini bir martagayam berish-

— Копток сеники бўлиб қолишини хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман, — деди Шайтонвачча ер тепиниб. У онасининг бу гапидан жудаям севиниб кетган эди.

— Унда, қулоқ сол. Ҳов анови болани кўряпсанми? Жа коптокни пилдиратиб, ўйнатишга уста экан-а.

— Ўша-да, коптокни менга бермаган!

— Энди ҳов анови болани кўряпсанми, сенга ўхшаб лалайган, уям оёғига копток тегмаганига йиглаворай-йиглаворай деяпти.

— Кўрдим, она, кўрдим...

— Боргин-да ўша боланинг қулоғига секингина, тўп бермаганнинг оёғига теп, де, ҳа!

Шайтонвачча онасининг айтганини қилди. Лалайган бола ҳам Шайтонваччанинг гапига лаққа тушди. Коптокни пилдиратиб ўйнатаётган боланинг оёғига шаққиллатиб тепиб қолди-ю... Болапақир кесилган дарахтдек тўнкарилиб тушди. Бўлди жанжал, бўлди тўпалон! Ҳозиргина талаш бўб ётган коптокка энди ит ҳам қарамас, майдоннинг бир чеккасида думалаб ётарди.

— Э-э-э... — деб эчки маърагандек кулиб юборди Шайтонвачча, — йўли осон экан-ку, бунчаям лақма бўлмаса, бу одам болалари...

Шайтонвачча коптокни унақасигаям думалатиб ўйнади, бунақасигаям думалатиб ўйнади. Устига чиқди, тагига тушди, осмонга кўтарди, ерга туширди. Хуллас копток ўйинидан ҳам зерикди.

Бундоқ қараса, ҳов нарида бир тўп бола галмагалдан велосипед учишяпти. Велосипед яп-янги, чиройли. Бири учса, иккинчиси уни кутиб турибди. Ҳаммаларининг оғзи қулоғида. Қийқиришган, бир-бирига муқом қилиб ўйинга тушишган... Шайтонвачча энди уларнинг ёнига борди. Навбатга турди. Навбатим келганда менгаям велосипедни беришади деб ўйлади. Йўқ, ундай бўлмади. Шайтонвачча яна чеккага чиқиб қолди. Шайтонвачча бурнини тортиб яна онасининг ёнига борди.

— Манови ошқавоқ ўлгурни ишлатсанг бўлмай-дими, боя сенга нима деган эдим, — деб Шайтон-

madi, nokaslar, — norozi bo'lib g'ingshidi Shaytonvachcha.

— Koptok seniki bo'lib qolishini xohlaysanmi?

— Xohlayman, — dedi Shaytonvachcha yer tepinib. U onasining bu gapidan judayam sevinib ketgan edi.

— Unda, quloq sol. Hov anovi bolani ko'ryapsanmi? Ja koptokni pildiratib, o'ynatishga usta ekan-a.

— O'sha-da, koptokni menga bermagan!

— Endi hov anovi bolani ko'ryapsanmi, senga o'xshab lalaygan, uyam oyog'iga koptok tegmaganiga yig'lavoray-yig'lavoray deyapti.

— Ko'rdim, ona, ko'rdim...

— Borgin-da o'sha bolaning qulog'iga sekingina, to'p bermaganning oyog'iga tep, de, ha!

Shaytonvachcha onasining aytganini qildi. Lalaygan bola ham Shaytonvachchaning gapiga laqqa tushdi. Koptokni pildiratib o'ynatayotgan bolaning oyog'iga shaqqillatib tepib qoldi-yu... Bolapaqir kesilgan daraxtdek to'nkarilib tushdi. Bo'ldi janjal, bo'ldi to'palon! Hozirgina talash bo'b yotgan koptokka endi it ham qaramas, maydonning bir chekkasida dumalab yotardi.

— E-e-e... — deb echki ma'ragandek kulib yubordi Shaytonvachcha, — yo'li oson ekan-ku, bunchayam laqma bo'lmasa, bu odam bolalari...

Shaytonvachcha koptokni unaqasigayam dumalatib o'ynadi, bunaqasigayam dumalatib o'ynadi. Ustiga chiqdi, tagiga tushdi, osmonga ko'tardi, yerga tushirdi. Xullas koptok o'yinidan ham zerikdi.

Bundoq qarasa, hov narida bir to'p bola galma-galdan velosiped uchishyapti. Velosiped yap-yangi, chiroyli. Biri uchsa, ikkinchisi uni kutib turibdi. Hammalarining og'zi qulog'ida. Qiyqirishgan, bir-biriga muqom qilib o'yinga tushishgan... Shaytonvachcha endi ularning yoniga bordi. Navbatga turdi. Navbatim kelganda mengayam velosipedni berishadi deb o'yladi. Yo'q, unday bo'lmadi. Shaytonvachcha yana chekkaga chiqib qoldi. Shaytonvachcha burnini tortib yana onasining yoniga bordi.

— Manovi oshqavoq o'lgurni ishlatsang bo'lmay-

ваччанинг бошига тўқиллатиб уриб қўйди онаси. — Бунча эсараксан...

Шайтонвачча боя лалайган болани чаққон болага тезлаб уриштириб қўйган бўлса, энди чаққон болани лалайган болага қайраб уриштириб қўйди. Бу ердаям бир зумда қиёмат кўпти. Болалар бир-биридан аразлашган, пўм чиқишган... Ҳозиргина алладай азиз бўб турган велосипед билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шайтонвачча уни минволиб, ҳали у ёққа қараб учди, ҳали бу ёққа қараб учди.

— Бошланиши ёмонмас, дуруст, — деди она шайтон Шайтонваччани эркалаган бўлиб, юмшоқ жойига шапатилаб қўйди, — одам болаларининг додини мана шунақа қилиб бериш керак. Йўлингга юриб, айтганингни қилиб, дўст бўб қолганларини шербаччалардек бурнидан ип ўтказиб ол, гапингга кирмаганлари билан уриштириб юрасан. Шундай қилиб, бу дунёдаги ҳамма нарса бизники бўлади, одам болалари қулдек фақат бизга ҳизмат қилади, уқдингми, гиргиттон?

— Она дейман, — деди Шайтонвачча мақтовлардан талтайиб, — ўйнашга маза қилиб ўйнадим-у, шу қоринни очиб қолгани чатоқ бўлди-да, ўзинг яна бир иложини қиларсан-а, ўзинг яхшисан-ку...

Шайтонваччанинг гапи оғзида қолди. Қошиғи аралаш шундоқ бир шапалоқ келиб тушди-ки, ҳозирги қилган мазалари бурнидан чиқди.

— Аҳмоқ, — деди она шайтон дарғазаб бўлиб, — товуқ мия, қорин тўғрисида нималар қилиш кераклигини эртаметан гаплашдик-ку. Билиб қўй, шайтонлар болаларига бир марта дарс беради, икки марта эмас. Бунақада одам болаларидан нима фарқинг қолади а, ху яшшамагур...

Шайтонвачча тавбасига таяниб, онасига эргашиб, уйга кирди. Ахир қорни таталаб, очликдан ҳуштак чалаверса, нима қилсин?...

dimi, boya senga nima degan edim, — deb Shaytonvachchani boshiga to‘qillatib urib qo‘ydi onasi.— Buncha esaraksan...

Shaytonvachcha boya lalaygan bolani chaqqon bolaga tezlab urishtirib qo‘ygan bo‘lsa, endi chaqqon bolani lalaygan bolaga qayrab urishtirib qo‘ydi. Bu yerdayam bir zumda qiyomat qo‘pti. Bolalar bir-biridan arazlashgan, po‘m chiqishgan... Hozirgina alladay aziz bo‘b turgan velosiped bilan hech kimning ishi yo‘q. Shaytonvachcha uni minvolib, hali u yoqqa qarab uchdi, hali bu yoqqa qarab uchdi.

— Boshlanishi yomonmas, durust, — dedi ona shayton Shaytonvachchani erkalagan bo‘lib, yumshoq joyiga shapatilab qo‘ydi, — odam bolalarining dodini mana shunaqa qilib berish kerak. Yo‘lingga yurib, aytganingni qilib, do‘st bo‘b qolganlarini sherbachchalardek burnidan ip o‘tkazib ol, gapingga kirmaganlari bilan urishtirib yurasan. Shunday qilib, bu dunyodagi hamma narsa bizniki bo‘ladi, odam bolalari quldek faqat bizga xizmat qiladi, uqdingmi, girgitton?

— Ona deyman, — dedi Shaytonvachcha maqtovlardan taltayib, — o‘ynashga maza qilib o‘ynadim-u, shu qorinni ochib qolgani chatoq bo‘ldi-da, o‘zing yana bir ilojini qilarsan-a, o‘zing yaxshisan-ku...

Shaytonvachchani gapi og‘zida qoldi. Qoshig‘i aralash shundoq bir shapaloq kelib tushdi-ki, hozirgi qilgan mazalari burnidan chiqdi.

— Ahmoq, — dedi ona shayton darg‘azab bo‘lib, — tovuq miya, qorin to‘g‘risida nimalar qilish kerakligini ertametan gaplashdik-ku. Bilib qo‘y, shaytonlar bolalariga bir marta dars beradi, ikki marta emas. Bunaqada odam bolalaridan nima farqing qoladi a, hu yashshamagur...

Shaytonvachcha tavbasiga tayanib, onasiga ergashib, uyga kirdi. Axir qorni tatalab, ochlikdan hushtak chalaversa, nima qilsin?...

(ёки Шайтонваччанинг қандай қилиб болаларнинг овқатини бермасдан еб қўйгани)

Шу орада қоронғи тушиб, болаларнинг бири мактабдан, бошқаси боғчадан қайтишди. Кечки овқатга дастурхон ёзила бошлади. Шайтонвачча онамга қанчалар яқин юрсам калтак ер эканман, болаларга қанчалар яқин юрсам овқат ер эканман деб, элбуртдан шайтон қошиғини судраб, болалар ёнидан жой олди. Оҳ-оҳ Хожабека чиройли-чиройли ликобчаларда қовурилган жўжаларми-ей, буғда пишган гўштларми-ей, биллур идишларда оқ, қизил шарбатларми-ей қўйиб, дастурхонни тўлата бошлади. Шайтонвачча эрта билан ака-укаларни чалғитиб, дастурхонга бебисмиллоҳ қўл чўздириб овқатларининг яримига шерик бўлган эди. Энди бўлса, иштаҳаси шу қадар карнай эдики, иложи бўлса учовиниям овқатини паққос ўзи тушурса! Ака-укалар лабини ялаб қолаверса. Шайтонвачча бу шум ниятимга қандоқ етсам бўларкин деб, бесаромжон бўлиб турган эди, онаси яна жонига ора кирди:

— Меровсирама, одам болаларига ўхшаб, ҳа, оғзингни катта очгунча кўзингни каттароқ оч...

— Очдим-очдим, — деди Шайтонвачча овқатлар хидидан тобора сузила бошлаган кўзларини очиб.

— Бунча ағраясан лўнда ўлгур, овқатгамас, ака-укаларнинг қўлидаги қошиғига қара, ҳе аммамнинг бузоғи.

— Э, уларни қошиғи меникини олдида қошиқ бўптими, меники нақ чўмич-ку, зўр...

— Гап қошиқнинг катта-кичигидамас, бефаҳм.

— Нимасида бўлмаса?

— Дард нимасида, бало нимасида!.. Бундоқ ялтир-юлтирига қара, наҳотки кўрмайпсан? Каттасида тилла қошиқ, унисида кумуш қошиқ, анови сенга ўхшаган жинқарчасида ёғоч қошиқ.

— Нима қипти, қорин қапшайса бўлди-да, она, ўзинг ҳам жа тегманозик бўб кетибсан, топган гапингни қара-ю...



## ARAZ

### (yoki Shaytonvachchaning qanday qilib bolalarning ovqatini bermasdan yeb qo'ygani)

Shu orada qorong'i tushib, bolalarning biri maktabdan, boshqasi bog'chadan qaytishdi. Kechki ovqatga dasturxon yozila boshladi. Shaytonvachcha onamga qanchalar yaqin yursam kaltak yer ekanman, bolalarga qanchalar yaqin yursam ovqat yer ekanman deb, elburutdan shayton qoshig'ini sudrab, bolalar yonidan joy oldi. Oh-oh Xojabeka chiroyli-chiroyli likobchalarda qovurilgan jo'jalarmi-yey, bug'da pishgan go'shtlarmi-yey, billur idishlarda oq, qizil sharbatlarmi-yey qo'yib, dasturxonni to'lata boshladi. Shaytonvachcha erta bilan aka-ukalarni chalg'itib, dasturxonga bebismilloh qo'l cho'zdirib ovqatlarining yarimiga sherik bo'lgan edi. Endi bo'lsa, ishtahasi shu qadar karnay ediki, iloji bo'lsa uchoviniyam ovqatini paqqos o'zi tushursa! Aka-ukalar labini yalab qolaversa. Shaytonvachcha bu shum niyatimga qandoq yetsam bo'larkin deb, besaromjon bo'lib turgan edi, onasi yana joniga ora kirdi:

— Merovsirama, odam bolalariga o'xshab, ha, og'zingni katta ochguncha ko'zingni kattaroq och...

— Ochdim-ochdim, — dedi Shaytonvachcha ovqatlar hididan tobora suzila boshlagan ko'zlarini ochib.

— Buncha ag'rayasan lo'nda o'lgur, ovqatgamas, aka-ukalarning qo'lidagi qoshig'iga qara, he ammamning buzog'i.

— E, ularni qoshig'i menikini oldida qoshiq bo'ptimi, meniki naq cho'mich-ku, zo'r...

— Gap qoshiqning katta-kichigidamas, befahm.

— Nimasida bo'lmasa?

— Dard nimasida, balo nimasida!.. Bundoq yaltir-yultiriga qara, nahotki ko'rmayapsan? Kattasida tilla qoshiq, unisida kumush qoshiq, anovi senga o'xshagan jinqarchasida yog'och qoshiq.

— Nima qipti, qorin qappaysa bo'ldi-da, ona, o'zing ham ja tegmanozik bo'b ketibsan, topgan gapingni qara-yu...

— Сенга шунақа кўринади гўрсўхта, одам болаларига унақамас, маҳмадона ўлгур. Одам болаларига ёғочидан кумуши, кумушидан тилласи яхши. Ишонмасанг, ёғоч қошиқлига «Нимага сеники кумушданмас?», кумуш қошиқлига «Нимага сеники тилладанмас?» деб кўргин!

Шайтонвачча онасининг айтганини қилган эди, бирдан ака-укалар бир-бирига еб қўйгудек бўлиб қарашди. Мана бўлмасам деб икки ўртада қошиқлар жанги бошланиб кетди. Тилла қошиқ у ёққа, ёғоч қошиқ бу ёққа учди...

Шайтонвачча ака-укаларни уриштириб қўйиб, овқатларини бир чеккадан пок-покиза тушурди... Кейин шайтонларнинг одати бўйича «Тўйдирганни қорнига теп» деди-ю, ака-укаларнинг оч қорнига битта-биттадан эринмай шатиллатиб тепиб чиқди. Ака-укалар яна вой-войлаганича қоринларини чангаллаб қолишди.

Болаларининг бир-бирига араз-қураз қилиб овқат емаганидан жиғибийрон бўлиб турган Хожабека ўзича фол олди-да, деди:

— Бир ҳисобда овқат емаганларинг ҳам дуруст бўлди, ўзи эртадан бери қоринларинг оғриб турувди, мана энди яхши бўб қоласизлар...

— Қорин оғриши унданмас, дастурхон ёнига бибисмиллоҳ ўтиришди, — деди Хожа тишларини кавлаб, — ораларига шайтон кирди. Бисмиллоҳни бундоқ уқтириб турсангиз бўлмайдими, она бўлиб. Қачонгача мен жаврайман. Мана энди бибисмиллоҳ ҳам ухлаб қолишади, ҳали...

— Э-э-э... — деди Хожабека норози бўлиб, — қаттаги гапларни ўйлаб топасиз-да адажониси, ахир булар норасида, гўдак-ку. Шайтон ана сиззи йўлдан урсин, мана мени йўлдан урсин, болаларда нима айб...

— Ў-ў-ў... — деди Шайтонвачча хушёр тортиб, бу Хожа деганлари девор бўлмаса кўчани кўрар эканку, ҳаммасини билиб, сезиб ўтирибди-я... Ҳу онаминг душмани бўлган сени!.. ҳали шошмай тур...

— Senga shunaqa ko‘rinadi go‘rso‘xta, odam bolalariga unaqamas, mahmadona o‘lgur. Odam bolalariga yog‘ochidan kumushi, kumushidan tillasi yaxshi. Ishonmasang, yog‘och qoshiqliga «Nimaga seniki kumushdanmas?», kumush qoshiqliga «Nimaga seniki tilladanmas?» deb ko‘rgin!

Shaytonvachcha onasining aytganini qilgan edi, birdan aka-ukalar bir-biriga yeb qo‘ygudek bo‘lib qarashdi. Mana bo‘lmasam deb ikki o‘rtada qoshiqlar janggi boshlanib ketdi. Tilla qoshiq u yoqqa, yog‘och qoshiq bu yoqqa uchdi...

Shaytonvachcha aka-ukalarni urishtirib qo‘yib, ovqatlarini bir chekkadan pok-pokiza tushurdi... Keyin shaytonlarning odati bo‘yicha «To‘ydirganni qorniga tep» dedi-yu, aka-ukalarning och qorniga bitta-bittadan erinmay shatillatib tepib chiqdi. Aka-ukalar yana voy-voylaganicha qorinlarini changallab qolishdi.

Bolalarining bir-biriga araz-quraz qilib ovqat yemaganidan jig‘ibiyron bo‘lib turgan Xojabeka o‘zicha fol oldi-da, dedi:

— Bir hisobda ovqat yemaganlaring ham durust bo‘ldi, o‘zi ertadan beri qorinlaring og‘rib turuvdi, mana endi yaxshi bo‘b qolasizlar...

— Qorin og‘rishi undanmas, dasturxon yoniga bebismilloh o‘tirishdi, — dedi Xoja tishlarini kavlab, — oralariga shayton kirdi. Bismillohni bundoq uqtirib tursangiz bo‘lmaydimi, ona bo‘lib. Qachongacha men javrayman. Mana endi bebismilloh ham uxlab qolishadi, hali...

— E-e-e... — dedi Xojabeka norozi bo‘lib, — qattagi gaplarni o‘ylab topasiz-da adajonisi, axir bular norasida go‘dak-ku. Shayton ana sizzi yo‘ldan ursin, mana meni yo‘ldan ursin, bolalarda nima ayb...

— O‘-o‘-o‘... — dedi Shaytonvachcha hushyor tortib, bu Xoja deganlari devor bo‘lmasa ko‘chani ko‘rar ekan-ku, hammasini bilib, sezib o‘tiribdi-ya... Hu onamning dushmani bo‘lgan seni!.. hali shoshmay tur...

## ШАЙТОН УЙҚУСИ

(ёки Шайтонвачча ака-укаларни қандоқ қилиб ухлатмагани...)

Шайтонвачча Хожани ўзича сўккан бўлди-ю, ўйланиб қолди. Одам болалари овқат еганда шайтон шерик бўлмасин деб Аллоҳнинг исмини айтади. Ухлаганда нимага айтишар экан? Ё уйқуларидаям бир нималарни еб чиқишармикан? Унда менга янаям маза-ку.

— Йўқ, — деди онаси унинг хаёлларини чиппакка чиқариб, — кўпам хомтама бўлма, одам болалари кечаси ухлашади, ҳеч нарса ейишмайди, ошқозонлариям дам олади. Фақат Аллоҳнинг исмини айтиб кўрпага киришса, қўйинларига биз шайтонлар киролмаймиз халос.

— Э, қўйинлари қурсин, сассиқ, анови жинқарчасидан бўлса, нукул шиптир ҳиди келади, яхшиси ўзингни қўйинида ухлайман, она.

— Ухласанг, ухлайқол, — деди она шайтон муғамбирона илжайиб.

Шайтонвачча онасининг қўйнига кирди-ю, кўзларини юмди. Лекин қани энди кўзларига уйқу илинса. Онасининг қўйни музхонага ўхшарди. Совуқдан қалтираб, онасининг қўйнидан қочиб чиқди.

— Вой бў-ў-ў, — деди тишлари такиллаб, — бунча совуқсан, она? Нима, ичинг тўла музми, қўйинида ётмаганим бўлсин-э... Яхшиси, анови ўчоқнинг ичига кириб ётаман.

— Ётсанг, ётақол, — деди она шайтон муғамбирона илжайиб.

Шайтонвачча шундай деб ўзини ўчоққа урди. Ажабо, бу ердаям кўзи илинмади. Нукул совқотаверди. Ўчоқдаги чўғни нари-бери титиб кўрдиям, бўлмади. Чўғ ялтироқ қуртга ўхшаб иситмади. Охири у ердан ҳам қочиб чиқди. Уни кузатиб турган она шайтон деди:

— Сен калтафаҳм, пешонанг деворга тегиб, бурнинг қонамагунча кўзинг очилмайдиганга ўхшайди. Ўнг қулоқ, сўл қулоғинг билан эшитиб ол, биз

## SHAYTON UYQUSI

(yoki Shaytonvachcha aka-ukalarni qandoq qilib  
uxlatmagani...)

Shaytonvachcha Xojani o'zicha so'kkan bo'ldi-yu, o'ylanib qoldi. Odam bolalari ovqat yeganda shayton sherik bo'lmasin deb Allohning ismini aytadi. Uxlaganda nimaga aytishar ekan? Yo uyqularidayam bir nimalarni yeb chiqisharmikan? Unda menga yanayam maza-ku.

— Yo'q, — dedi onasi uning xayollarini chippakka chiqarib, — ko'pam xomtama bo'lma, odam bolalari kechasi uxlashadi, hech narsa yeyishmaydi, oshqozonlariyam dam oladi. Faqat Allohning ismini aytib ko'rpaga kirishsa, qo'yinlariga biz shaytonlar kirolmaymiz xalos.

— E, qo'yinlari qursin, sassiq, anovi jinqarchasidan bo'lsa, nuqul shiptir hidi keladi, yaxshisi o'zingni qo'yiningda uxlayman, ona.

— Uxlasang, uxlayqol, — dedi ona shayton mugg'ambirona iljayib.

Shaytonvachcha onasining qo'yniga kirdi-yu, ko'zlarini yumdi. Lekin qani endi ko'zlariga uyqu ilinsa. Onasining qo'yni muzxonaga o'xshardi. Sovuqdan qaltirab, onasining qo'ynidan qochib chiqdi.

— Voy bo'o-o', — dedi tishlari takillab, — buncha sovuqsan, ona? Nima, iching to'la muzmi, qo'yningda yotmaganim bo'lsin-e... Yaxshisi, anovi o'choqning ichiga kirib yotaman.

— Yotsang, yotaqol, — dedi ona shayton mugg'ambirona iljayib.

Shaytonvachcha shunday deb o'zini o'choqqa urdi. Ajabo, bu yerdayam ko'zi ilinmadi. Nuqul sovqotaverdi. O'choqdagi cho'g'ni nari-beri titib ko'rdayam, bo'lmadi. Cho'g' yaltiroq qurtga o'xshab isitmadi. Oxiri u yerdan ham qochib chiqdi. Uni kuzatib turgan ona shayton dedi:

— Sen kaltafahm, peshonang devorga tegib, burning qonamaguncha ko'zing ochilmaydiganga o'xshaydi. O'ng quloq, so'l qulog'ing bilan eshitib ol, biz shay-

шайтонлар ўтдан яралганмиз. Ҳеч жаҳонда ўт-ўтни, сув-сувни иситадими, галварс?

— Нима қил дейсан бўлмаса, эй доноларнинг доноси, меҳрибоним онам!

— О-о-о!.. Нималар дединг? Доноларнинг доноси, меҳрибоним, дедингми?

— Ҳа, шундоқ дедим, она, бу мақтовлардан ўзинг ҳам маза қилдинг-ми?

Шу пайт Шайтонваччанинг қулоқ-чаккасига қасира-қусур қилиб, қўшалоқ шапалоқ тушиб қолди-ку... Она шайтон ҳар шапалоқ туширганида жаҳл билан дерди:

— Мана буниси, донолигим учун! Мана буниси, меҳрибонлигим учун... Қачондан бери одам болаларига ўхшаб пахта қўядиган бўб қолдинг-а, зумраша? Билиб қўй, шайтонларда, ҳатто она-болалар ўртасидаям бунақа гаплар кетмайди. Қорин оғритадиган бунақа гапларинг билан одам болаларини аврайсан, менимас, уқдингми, елим!

— Уқдим, уқдим, — деди Шайтонвачча шапалоқлардан қотиб бораётган юзини силаб.

— Энди бундоқ қиласан, — деди она шайтон, — боя жа эл бурутдан одам болаларини «пуф сас-сиқ»қа чиқариб қўйувдинг, ўшаларнинг қўйнига кириб ётасан энди, бошқа иложинг йўқ.

Бу гаплардан кейин Шайтонвачча аста-секин ака-укаларнинг қўйнига кириб борди... «Ҳай-ҳай-й-й... ростдан ҳам маза экан-ку, у бўлса...» Шайтонвачча биттасининг қўйнида озгина, иккинчисининг қўйнида озгина, жинқарчанинг қўйнида ҳам озгина ухлаган бўлди. Ҳа, оз-оздан мизғиди. Ўзи шайтонларнинг уйқуси шунақа бўларкан-да. Бирпаслик. Одам болаларига ўхшаб шишиб-кўпчиб ухлашмас экан. Шайтон уйқуси деган гап шундан экан. Шайтонлар одам болаларига ўхшаб ухлайдиган бўлишса, унда одам болаларини ким йўлдан уради?

— Во-ей, — деди Шайтонвачча азбаройи яйраб кетганидан, — бунча ажойиб экан одамзоднинг болалари, хоҳласам оғзидаги ошини тортиб оламан, хоҳласам қўлидаги ўйинчоғини. Яна буларнинг қўйинлари иссиққина меҳмонхонаям экан-а...

tonlar o'tdan yaralganmiz. Hech jahonda o't-o'tni, suv-suvni isitadimi, galvars?

— Nima qil deysan bo'lmasa, ey donolarning donosi, mehribonim onam!

— O-o-o!.. Nimalar deding? Donolarning donosi, mehribonim, dedingmi?

— Ha, shundoq dedim, ona, bu maqtovlardan o'zing ham maza qilding-mi?

Shu payt Shaytonvachchaning quloq-chakkasiga qasira-qusur qilib, qo'shaloq shapaloq tushib qoldiku... Ona shayton har shapaloq tushirganida jahl bilan derdi:

— Mana bunisi, donoligim uchun! Mana bunisi, mehribonligim uchun... Qachondan beri odam bolalariga o'xshab paxta qo'yadigan bo'b qolding-a, zumrasha? Bilib qo'y, shaytonlarda, hatto ona-bolalar o'rtasidayam bunaqa gaplar ketmaydi. Qorin og'ritadigan bunaqa gaplaring bilan odam bolalarini avraysan, menimas, uqdingmi, yelim!

— Uqdim, uqdim, — dedi Shaytonvachcha shapaloqlardan qotib borayotgan yuzini silab.

— Endi bundoq qilasan, — dedi ona shayton, — boya ja el burutdan odam bolalarini «puf sassiq»qa chiqarib qo'yuvding, o'shalarining qo'yniga kirib yotasan endi, boshqa ilojing yo'q.

Bu gaplardan keyin Shaytonvachcha asta-sekin akualarning qo'yniga kirib bordi... «Hay-hay-y-y... rost-dan ham maza ekan-ku, u bo'lsa...» Shaytonvachcha bittasining qo'ynida ozgina, ikkinchisining qo'ynida ozgina, jinqarchaning qo'ynida ham ozgina uxlagan bo'ldi. Ha, oz-ozdan mizg'idi. O'zi shaytonlarning uyqusi shunaqa bo'larkan-da. Birpaslik. Odam bolalariga o'xshab shishib-ko'pchib uxlashmas ekan. Shayton uyqusi degan gap shundan ekan. Shaytonlar odam bolalariga o'xshab uxlaydigan bo'lishsa, unda odam bolalarini kim yo'ldan uradi?

— Vo-yey, — dedi Shaytonvachcha azbaroyi yayrab ketganidan, — buncha ajoyib ekan odamzodning bolalari, xohlasam og'zidagi oshini tortib olaman,

Шайтон уйкусига тўйиб олган Шайтонвачча ярим кечадаёқ зерикиб қолди.

— Она дейман, қачон кундузи бўлади?

— Кечаси турганда, кундузини нима қиласан? — минғирлади она шайтон.

— Зерикиб кетяпман-да.

— Тирик ўйинчоқларинг туриб-а?

— Э, улар тош қотиб ухляпти.

— Қитиқ жойини топгин, эсарақ, хоҳласанг кулдирасан, хоҳласанг йиғлатасан...

Шайтонвачча тимирскalaniб ака-укаларнинг қитиқ жойини қидира бошлади. Бириники оёғининг тагида, иккинчисиники қўлтиғида, яна биттасиники юмшоқ жойидайкан. Ака-укалар бири олиб, бири қўйиб уйкуларида қиқирлай бошлашди. Одам болалари ухлаганда кулса, худди куйдирган каллага ўхшаб, хуниги чиқиб кетаркан. Овозиям худди шшанинг оғзидек «кул-кул»лар экан. «Кул-қуллаш» роса авжига минганда катта ака уйғониб кетди-да, қитиқлаш мана бунақа бўлади деб, кичигини сопқолди. Униси менмас деб жинқарчани урди. Ярим кечада бўлди жанжал, бўлди тўполон. Ёстиклар отилган, чойшаблар йиртилган, бурунлар қонаган...

Шайтонвачча дунёга келганидан бери бунақа маза қилмаган, бунақа текин томошани кўрмаган эди... Ҳатто она шайтон ҳам пуччайган қорнини селкиллатиб кула-кула, чўзилиб қолди.

— Вой-ей, — деб зорланди Хожабека йиғлагудек бўлиб, — сенларнинг дастингдан кечасиям ҳаловат йўғ-а, бола эмас, бало бўлдиларинг, бало!

— Ҳа баракалла, бу бошқа гап, — деб она шайтон мукофотлагандек боласининг бошини силаб қўйди. Иш дегани мана бундоқ бўпти. Одам болаларини кечаси қанчалик безовта қилиб ҳоли-жонига қўймасанг, кундизи шунчалик йўлдан уруш осон бўлади, уқдингми?

Шайтонвачча «уқдим» деди-ю, ака-укаларнинг қўйнига кириб кетди. Шу кирганча анчагина мизғиб қолди.



xohlasam qo'lidagi o'yinchog'ini. Yana bularning qo'yinlari issiqqina mehmonxonayam ekan-a...

Shayton uyqusiga to'yib olgan Shaytonvachcha yarim kechadayoq zerikib qoldi.

— Ona deyman, qachon kunduzi bo'ladi?

— Kechasi turganda, kunduzini nima qilasan? — ming'irladi ona shayton.

— Zerikib ketyapman-da.

— Tirik o'yinchoqlaring turib-a?

— E, ular tosh qotib uxlayapti.

— Qitiq joyini topgin, esarak, xohlasang kuldirasan, xohlasang yig'latasan...

Shaytonvachcha timirskalanib aka-ukalarning qitiq joyini qidira boshladi. Biriniki oyog'ining tagida, ikkinchisniki qo'ltig'ida, yana bittasiniki yumshoq joyidaykan. Aka-ukalar biri olib, biri qo'yib uyqularida qiqirlay boshlashdi. Odam bolalari uxlaganda kulsa, xuddi kuydirgan kallaga o'xshab, xunigi chiqib ketarkan. Ovoziyam xuddi shishaning og'zidek «qul-qul»lar ekan. «Qul-qullash» rosa avjiga minganda katta aka uyg'onib ketdi-da, qitiqlash mana bunaqa bo'ladi deb, kichigini sopqoldi. Unisi menmas deb jinqarchani urdi. Yarim kechada bo'ldi janjal, bo'ldi to'polon. Yostiqlar otilgan, choyshablar yirtilgan, burunlar qonagan...

Shaytonvachcha dunyoga kelganidan beri bunaqa maza qilmagan, bunaqa tekin tomoshani ko'rmagan edi... Hatto ona shayton ham puchchaygan qornini selkillatib kula-kula, cho'zilib qoldi.

— Voy-ey, — deb zorlandi Xojabeka yig'lagudek bo'lib, — senlarning dastingdan kechasiyam halovat yo'g'a, bola emas, balo bo'ldilaring, balo!

— Ha barakalla, bu boshqa gap, — deb ona shayton mukofotlagandek bolasining boshini silab qo'ydi. Ish degani mana bundoq bo'пти. Odam bolalarini kechasi qanchalik bezovta qilib holi-joniga qo'ymasang, kundizi shunchalik yo'ldan urush oson bo'ladi, uqdingmi?

Shaytonvachcha «uqdim» dedi-yu, aka-ukalarning qo'yniga kirib ketdi. Shu kirgancha anchagina mizg'ib qoldi.

## ТОНГГИ БОЗОР

(ёки унинг касодга учраши)

Шайтонвачча биз ўйлаганчалик мизғимаган экан, балки донг қотиб ухлаб қолган экан. Ўзиям итдек чарчаган эди-да. Бир маҳал тушида осмону фалакда уч-и-и-б юрганмиш. Шалпанг қулоқлари ўсиб, қанотга айланганмиш. Учиш бирам қийинмиш-ей. Гавдаси пастга тортиб, қулоқларига зўр келармиш, нақ узилиб кетай, узилиб кетай дермиш. Вой бирам азобмиш-ей... Додлаганича уйғониб кетди. Бундоқ ўзига келса ҳеч қанақа туши эмас экан, она шайтон иккала қулоғини икки томонга чўзма қилиб чўзиб ётганмиш. Шайтонвачча жон аччиғида дик этиб ўрнидан туриб кетди. Бир амаллаб онасининг қўлидан ҳам чиқиб олди.

— Жа, ётибсиз! — деди она шайтон нақ емоқда, ичмоқда бўлиб, — салгина мақтовга талтайиб кетдиларми, одам болаларига ўхшаб-а?

— Э, нима қил дейсан, бўлмаса... суюшингдан уришинг, уришингдан сўкишинг кўп.

— Дард, нима қил, бало, нима қил, сопқолайми?

— Йўқ она, саҳарлабдан керакмас, шундоғам дунёга келганимдан бери солганинг-солган.

— Бўлмаса шайтонмисан, шайтонлигингни қилда, ётишинг нимаси чўчқага ўхшаб! Сал бўлмаса, тонгги бозорни бой берай дединг-ку, ғафлат!

Она шайтоннинг бу сўзларидан Шайтонвачча даровда ўзига келди. Томоғи тақиллаб, бўйнидаги қошиғи шақиллаб кетди. Атрофга очкўзлик билан қараб, онасидан сўради:

— Бозор деганингни еса бўладими, она?

— Бўлганда қандоқ, у аслида анови одам болаларига буюрилган. Уларнинг тош қотиб ётишларини қара. Ўликдек ётишаверсин, кечаси ухлатмаганингни мукофоти бу. Хўб иш қилдинг-да, тонгги бозор ўзингга қоладиган бўлди. Локин бола, каллани ишлат, каллани. Ишлатмасанг аяш йўқ, каллангни сапчадек узиб ташлайман, борингдан-йўғинг... Бу имтиҳон-а, сенга...

## TONGGI BOZOR

(yoki uning kasodga uchrashi)

Shaytonvachcha biz o'ylaganchalik mizg'imagan ekan, balki dong qotib uxlab qolgan ekan. O'ziyam itdek charchagan edi-da. Bir mahal tushida osmon-u falakda uch-i-i-b yurganmish. Shalpang quloqlari o'sib, qanotga aylanganmish. Uchish biram qiyinmish-ey. Gavdasi pastga tortib, quloqlariga zo'r kelarmish, naq uzilib ketay, uzilib ketay dermish. Voy biram azobmish-ey... Dodlaganicha uyg'onib ketdi. Bundoq o'ziga kelsa hech qanaqa tushi emas ekan, ona shayton ikkala qulog'ini ikki tomonga cho'zma qilib cho'zib yotganmish. Shaytonvachcha jon achchig'ida dik etib o'rnidan turib ketdi. Bir amallab onasining qo'lidan ham chiqib oldi.

— Ja, yotibsiz! — dedi ona shayton naq yemoqda, ichmoqda bo'lib, — salgina maqtovga taltayib ketdilarmi, odam bolalariga o'xshab-a?

— E, nima qil deysan, bo'lmasa... suyushingdan urishing, urishingdan so'kishing ko'p.

— Dard, nima qil, balo, nima qil, sopqolaymi?

— Yo'q ona, saharlabdan kerakmas, shundog'am dunyoga kelganimdan beri solganing-solgan.

— Bo'lmasa shaytonmisan, shaytonligingni qil-da, yotishing nimasi cho'chqaga o'xshab! Sal bo'lmasa, tonggi bozorni boy beray deding-ku, g'aflat!

Ona shaytonning bu so'zlaridan Shaytonvachcha darrovda o'ziga keldi. Tomog'i taqillab, bo'ynidagi qoshig'i shaqillab ketdi. Atrofga ochko'zlik bilan qarab, onasidan so'radi:

— Bozor deganingni yesa bo'ladimi, ona?

— Bo'lganda qandoq, u aslida anovi odam bolalariga buyurilgan. Ularning tosh qotib yotishlarini qara. O'likdek yotishaversin, kechasi uxlatmaganingni mukofoti bu. Xo'b ish qilding-da, tonggi bozor o'zingga qoladigan bo'ldi. Lokin bola, kallani ishlat, kallani. Ishlatmasang ayash yo'q, kallangni sapchadek uzib tashlayman, boringdan-yo'g'ing... Bu imtihon-a, senga...

Она шайтон дағ-дағасини тугатмаёқ остонада бит-та кетворган шаффоф фаришта кўринди. Шайтон-вачча бундоқ қараса фариштанинг бир қўлида каттакон кетмон-у, бир қўлида баркаш тўла тилламиш. Фаришта пошшоликнинг жарчисига ўхшаб дермиш:

*Одамлар-у Одамлар...  
Боғда битган бодамлар,  
Кимга ғайрат кетмони-ю,  
Кимга олтин хирмони,  
Кеп қолинг, об қолинг...*

Дабдурустан Шайтонвачча иккиланиб қолди. Кетмонни олсаммикан, олтинними? Икковиниям олаверай, тешиб чиқмас. Э, йўқ... Ғайрат кетмонини бошимга ураманми? Олтинни оламан, олтинни, тўрт кунлик дунёда яшаб қолиш керак. Шайтонвачча очкўзлик билан ўзини баркаш тўла олтинга урди. Бироқ олтинлар Шайтонваччанинг қўли тегиши билан бир уюм кулга айланди-қолди. Бу ҳолдан Шайтонвачча ҳайрон бўлиб турган эди, фариштанинг бошқаси кўринди. Унинг бир қўлида бахт қуши-ю, бир қўлида пошшолик тахтимиш. У нуқул:

*Одамлар-у одамлар...  
Боғда битган бодамлар,  
Кимга бахт-у, кимга тахт,  
Кеп қолингу об қолинг...*

— Эй, — деди Шайтонвачча шошганича, — бахт қушинг ўзинга сийлов, тахтни бер, менам бир даври давронлар сурай.

— У шундай ҳирс билан ўзини пошшолик тахтига урди. Буни қарангки пошшолик тахти ҳам Шайтонваччанинг қўли тегар-тегмас куйиб кулга айланди. Бахт қуши бўлса парр этиб учди, кетди. Шайтонвачча яна қуппа-қуруқ қолди. Энди хушёр бўламан, деди у ўзига-ўзи, икки марта қовун туширдим, бу сафар ҳам қовун туширсам, онам калламини сапчадек узиб ташлайди». Шу пайт остонада учунчи фаришта кўринди. Унинг бир қўлида улкан бир китоб, иккинчи қўлида мева тўла сават. У ҳам шерикларига ўхшаб ўз молини мақтар эди:

Ona shayton dag'dag'asini tugatmayoq ostonada bitta ketvorgan shaffof farishta ko'rindi. Shaytonvachcha bundoq qarasa farishtaning bir qo'lida kattakon ketmon-u, bir qo'lida barkash to'la tillamish. Farishta poshsholikning jarchisiga o'xshab dermish:

*Odamlar-u Odamlar...  
Bog'da bitgan bodamlar,  
Kimga g'ayrat ketmoni-yu,  
Kimga oltin xirmoni,  
Kep qoling, ob qoling...*

Dabdurustdan Shaytonvachcha ikkilanib qoldi. Ketmonni olsammikan, oltinnimi? Ikkoviniyam olaveray, teshib chiqmas. E, yo'q... G'ayrat ketmonini boshingga uramanmi? Oltinni olaman, oltinni, to'rt kunlik dunyoda yashab qolish kerak. Shaytonvachcha ochko'zlik bilan o'zini barkash to'la oltingga urdi. Biroq oltinlar Shaytonvachchanning qo'li tegishi bilan bir uyum kulga aylandi-qoldi. Bu holdan Shaytonvachcha hayron bo'lib turgan edi, farishtaning boshqasi ko'rindi. Uning bir qo'lida baxt qushi-yu, bir qo'lida poshsholik taxtimish. U nuqul:

*Odamlar-u odamlar...  
Bog'da bitgan bodamlar,  
Kimga baxt-u, kimga taxt,  
Kep qolingu ob qoling...*

— Ey, — dedi Shaytonvachcha shoshganicha, — baxt qushing o'zingga siylov, taxtni ber, menam bir davr-u davronlar suray.

— U shunday hirs bilan o'zini poshsholik taxtiga urdi. Buni qarangki poshsholik taxti ham Shaytonvachchanning qo'li tegar-tegmas kuyib kulga aylandi. Baxt qushi bo'lsa parr etib uchdi, ketdi. Shaytonvachcha yana quppa-quruq qoldi. Endi hushyor bo'laman, dedi u o'ziga-o'zi, ikki marta qovun tushirdim, bu safar ham qovun tushirsam, onam kallamni sapchadek uzib tashlaydi». Shu payt ostonada uchunchi farishta ko'rindi. Uning bir qo'lida ulkan bir kitob, ikkinchi qo'lida meva to'la savat. U ham sheriklariga o'xshab o'z molini maqtar edi:

*Одамлару одамлар...  
Боғда битган бодамлар,  
Кимга Аллоҳнинг каломи,  
Кимга жаннатнинг таоми,  
Кеп қолингу об қолинг...*

Шайтонвачча бир зум нима қиларини билмай туриб қолди. Нимага деганда китобдан шундай бир нур таралар эдики, бутун оламини ёритар эди. Шайтонваччанинг кўзлари қамашиб, эси оғай деди. Барибир шайтоний нафси ғолиб келиб, саватдаги жаннат меваларига ўзини урди. Шайтонваччанинг қўли тегар-тегмас мевалар ҳам тупроққа айланди-қолди. Нимага деганда кулга айланган нарсалар ҳам, тупроққа айланган нарсалар ҳам бари шайтонга эмас, одам болаларига буюрилган эди-да. Одам болалари бўлса, донг қотиб ухлаб ётишарди.

Шундай қилиб фаришталарнинг ҳар тонг ризқ-насиба, касбу ҳунар, амал улашадиган бозори тугади. Шайтонвачча лаб-лунжини ялаганича икки қўлини бурнига тикиб, ҳеч вақосиз қолаверди. Оҳ деди Шайтонвачча ичидан зил кетиб, шундоқ бозордан мосуво бўлдим-а, энди онам бошимни сапчадек узиб ташлайди. Алвидо, э пишмаган хомкаллам...

— Ҳа, — деди она шайтон тиржайганича, — жа сувга тушган мушукдек, шалвираб қопсан, нима бўлди?

Шайтонвачча онасининг ҳамма нарсани билиб туриб атайлаб сўраётганини сезди, шунинг учун қўрққан олдин мушт кўтарар қилиб деди:

— Э-э-э... бўлмаганга бўлишма, она! Энди бу хомкаллани менга ҳечам кераги йўқ, ҳа ол, сапчадек узиб ташлайвер. Мен бунақа дардисар калла билан хайрлашиб ҳам бўлдим.

— Узиб ташласам бошқасини қаттан оласан?

— Унда айтиб бер, қанақа хатога йўл қўйдим? Бошидаёқ кетмонни олишим керакмиди ё?

— Олмай тўғри қилдинг, кетмонни олганингда шайтонваччадан одамваччага айланиб қолардинг. Бир умр кетмоннинг тагида эзилиб, ўлиб кетардинг. Кейин ўша кетмон билан гўр қазиб, лаҳадга тикишарди.

*Odamlaru odamlar...  
Bog'da bitgan bodamlar,  
Kimga Allohning kalomi,  
Kimga jannatning taomi,  
Kep qolingu ob qoling...*

Shaytonvachcha bir zum nima qilarini bilmay turib qoldi. Nimaga deganda kitobdan shunday bir nur taralar ediki, butun olamni yoritar edi. Shaytonvachchaning ko'zlari qamashib, esi og'ay dedi. Bari-bir shaytoniy nafsi g'olib kelib, savatdagi jannat mevalariga o'zini urdi. Shaytonvachchaning qo'li tegar-tegmas mevalar ham tuproqqa aylandi-qoldi. Nimaga deganda kulga aylangan narsalar ham, tuproqqa aylangan narsalar ham bari shaytonga emas, odam bolalariga buyurilgan edi-da. Odam bolalari bo'lsa, dong qotib uxlab yotishardi.

Shunday qilib farishtalarning har tong rizq-nasiba, kasb-u hunar, amal ulashadigan bozori tugadi. Shaytonvachcha lab-lunjini yalaganicha ikki qo'lini burniga tiqib, hech vaqosiz qolaverdi. Oh dedi Shaytonvachcha ichidan zil ketib, shundoq bozordan mosuvo bo'ldim-a, endi onam boshimni sapchadek uzib tashlaydi. Alvido, e pishmagan xomkallam...

— Ha, — dedi ona shayton tirjayganicha, — ja suvga tushgan mushukdek, shalvirab qopsan, nima bo'ldi?

Shaytonvachcha onasining hamma narsani bilib turib ataylab so'rayotganini sezdi, shuning uchun qo'rqqan oldin musht ko'tarar qilib dedi:

— E-e-e... bo'lmaganga bo'lishma, ona! Endi bu xomkallani menga hecham keragi yo'q, ha ol, sapchadek uzib tashlayver. Men bunaqa dardisar kalla bilan xayrlashib ham bo'ldim.

— Uzib tashlasam boshqasini qattan olasan?

— Unda aytib ber, qanaqa xatoga yo'l qo'ydim? Boshidayoq ketmonni olishim kerakmidi yo?

— Olmay to'g'ri qilding, ketmonni olganingda shaytonvachchadan odamvachchaga aylanib qolarding. Bir umr ketmonning tagida ezilib, o'lib ketarding. Keyin o'sha ketmon bilan go'r qazib, lahadga tiqishardi.

— А? — деди Шайтонвачча сал ўзига келиб, — бундан чиқди каллам ишлабди-да а, она? Мен бўлсам элбурутдан каллам билан хайрлашмоқчи бўлиб юрибман. Хў-ш... энди айт-чи, она, агарда бахт кушига харидор бўлганимда подшо бўлармидим?

— Бўлардинг.

— Вой-й... Шунинг учун ҳам бу каллани сапчадек узиб ташла деяпман-да, она. Шундоқ бахтни қўлдан берибман-а. Секингина туртиб қўймайсанми, ё подшо бўлиб, кўтарилиб кетса онасини танимай қўяди деб қўрқдингми?

— Бу гапинг ҳам рост, лекин муҳими бошқа ёқда. Билсанг бу дунёда шайтонлар салтанати кўп бўлган. Аммо узоқ яшамаган. Етти кун, етмиш кун, энг узоғи етмиш йил яшаган. Кейин асфаласофинга қия бўлиб кетган. Сениям пошшолигинг бир кунмас, бир кун шунақа бўларди-да.

— Унда каллам янаям яхши ишлабди-да, — дея Шайтонвачча қаддини ғоз кўтарди. Шу десанг она, охиргисида анови зўр китобни олсаммикан деб кўп ўйландим, бироқ нафсим ўлгур мени йўлдан урди-да...

— Нафсинг яхши қилди йўлдан уриб, у Аллоҳнинг китоби эди. Олганимда иймён келтириб, муслмон бўб қолардинг ва охиратгача шайтонларнинг душмани бўлиб қолардинг.

— Унда ўзим зўр эканман-да она? — имтиҳондан зўр ўтган боладек қувониб кетди Шайтонвачча.

— Ҳа, имтиҳондан зўр ўтдинг, баҳойинг «беш»...

## **ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК**

**(ёки ака-укаларнинг касалхонага  
равона бўлишлари)**

Шундай қилиб, бибисмиллоҳ уйқуга ётган ака-укалар ғафлат босиб, ухлаб қолишди. Тонгги ризку насибалардан ҳам куруқ қолишди. Лекин бу ҳаммаси эмас эди. Уларни олдинда бир дунё ташвишлар кутарди. Ака-укалар тушларида Шайтонваччанинг найрангига учраб, ким узоққа чоптириш ўйнашган эди.



— A? — dedi Shaytonvachcha sal o'ziga kelib, — bundan chiqdi kallam ishlabdi-da a, ona? Men bo'lsam elburutdan kallam bilan xayrlashmoqchi bo'lib yuribman. Xo'sh... endi ayt-chi, ona, agarda baxt qushiga xaridor bo'lganimda podsho bo'larmidim?

— Bo'larding.

— Voy-y... Shuning uchun ham bu kallani sapchadek uzib tashla deya-man-da, ona. Shundoq baxtni qo'ldan beribman-a. Sekingina turtib qo'ymaysanmi, yo podsho bo'lib, ko'tarilib ketsa onasini tanimay qo'yadi deb qo'rqdingmi?

— Bu gaping ham rost, lekin muhimi boshqa yoqda. Bilsang bu dunyoda shaytonlar saltanati ko'p bo'lgan. Ammo uzoq yashamagan. Yetti kun, yetmish kun, eng uzog'i yetmish yil yashagan. Keyin asfalasofilinga qiya bo'lib ketgan. Seniyam poshsholiging bir kunmas, bir kun shunaqa bo'lardi-da.

— Unda kallam yanayam yaxshi ishlabdi-da, — deya Shaytonvachcha qaddini g'oz ko'tardi. — Shu desang ona, oxirgisida anovi zo'r kitobni olsammikan deb ko'p o'ylandim, biroq nafsım o'lgur meni yo'ldan urdi-da...

— Nafsing yaxshi qildi yo'ldan urib, u Allohning kitobi edi. Olganingda iymon keltirib, musulmon bo'lib qolarding va oxiratgacha shaytonlarning dushmani bo'lib qolarding.

— Unda o'zim zo'r ekanman-da ona? — imtihondan zo'r o'tgan boladek quvonib ketdi Shaytonvachcha.

— Ha, imtihondan zo'r o'tding, bahoying «besh»...

## YOMONLIKKA YAXSHILIK

**(yoki aka-ukalarning kasalxonaga ravona bo'lishlari)**

Shunday qilib, bebismilloh uyquga yotgan aka-ukalar g'aflat bosib, uxlab qolishdi. Tonggi rizq-u nasibalardan ham quruq qolishdi. Lekin bu hammasi emas edi. Ularni oldinda bir dunyo tashvishlar kutardi. Aka-ukalar tushlarida Shaytonvachchanning nayrangiga uchrab, kim uzoqqa choptirish o'ynashgan edi. U

У ёғи ўзингизга маълум. Жинқарчани-ку майли, ўртанчаниям кечирса бўлар, анови мактабга бора-диганини айтмайсизми, ҳамма ёқ «ўрдак сузди» бўб кетди... Таглари шиптир, устиларидаги кўрпалар очилиб қолган, дурустгина шамоллаб ҳам қолишган эди. Эрта-метандан қув-қув йўтал-у, пуфак қилиб аксиришлар бошланди. Иситмалари ҳам бир-биридан пойга ўйнарди. Жинқарчаники ўттиз саккиз, ўртанчаники ўттиз тўққиз, каттаники қирққа қараб чопарди.

Хожа билан Хожабека шошиб қолишди. Бири болаларнинг оғзига асал чой тутса, бирлари қайноққина сут. Бири тандирдан узулган сўлқилдоқ нон тутса, бири иштаҳанг очилади деб лимонли шарбат. Иштаҳа қайда!.. Иситма гиппа бўғиб турганда, томоқдан овқат ўтарканми?

Эрта-метандан Шайтонваччанинг куни туғди. У учун байрам бўб кетди. Ҳа, бунақаси бўлмайди. Болалар фингишиб, ноз-неъматларни ўзидан нари итарди, Шайтонвачча бўлса Жабборқулда жон борми деб, бир чеккадан рангини ўчираверди. Шайтон қошиғи онаси айтгандек ош ичида яйраб қолди.

— Она, — деди Шайтонвачча оғзи ёйилиб, — фаришталардан унмагани бу ёқдан униб қолди-ку, а, нима дединг? Ҳе-хе-хе-е...

— Нимасини айтасан, одам болалари ўлгудек бефаҳм бўлишади, уларга қанчалик ёмонлик қилсанг, улар сенга шунчалик яхшилиқ қилишади. Ана шунисини эсингдан чиқармасанг бўлгани. Вой-ей, бунчаям яшаш яхши-я... гўзал...

— Она дейман, шу... бир нима сўрасам аччиғинг чиқиб кетмайдими?

— Айниқса ҳозир чиқмайди, дунё кўзимга чиройли кўриниб турганда сўра...

— Нимагадир бугун бошқачароқсан-а, кўзларинг ёғ сургандек ялтириб турибди. Ҳар доим тишингни кирини сўриб ўтирардинг, бугун жа тиш кавлаб қопсан, тинчликми?

— Вой, шум ўлгур-ей, сездингми-а, сездингми?

— Нимага энди сезмай, болангман-ку, ахир.

— Шу десанг, талтайиб кетма-ю, сени шарофа-

yogʻi oʻzingizga maʼlum. Jinqarchani-ku mayli, oʻrtanchaniyam kechirsa boʻlar, anovi maktabga boradiganini aytmaysizmi, hamma yoq «oʻrdak suzdi» boʻb ketdi... Taglari shiptir, ustilaridagi koʻrpalar ochilib qolgan, durustgina shamollab ham qolishgan edi. Erta-metandan quv-quv yoʻtal-u, pufak qilib aksirishlar boshlandi. Isitmaları ham bir-biridan poyga oʻynardi. Jinqarchaniki oʻttiz sakkiz, oʻrtanchaniki oʻttiz toʻqqiz, kattaniki qirqqa qarab chopardi.

Xoja bilan Xojabeka shoshib qolishdi. Biri bolalarning ogʻziga asal choy tutsa, birlari qaynoqqina sut. Biri tandirdan uzulgan soʻlqildoq non tutsa, biri ishtahang ochiladi deb limonli sharbat. Ishtaha qayda!.. Isitma gʻippa boʻgʻib turganda, tomoqdan ovqat oʻtarkanmi?

Erta-metandan Shaytonvachchaning kuni tugʻdi. U uchun bayram boʻb ketdi. Ha, bunaqasi boʻlmaydi. Bolalar gʻingshib, noz-neʼmatlarni oʻzidan nari itaradi, Shaytonvachcha boʻlsa Jabborqulda jon bormi deb, bir chekkadan rangini oʻchiraverdi. Shayton qoshigʻi onasi aytgandek osh ichida yayrab qoldi.

— Ona, — dedi Shaytonvachcha ogʻzi yoyilib, — farishtalardan unmagani bu yoqdan unib qoldi-ku, a, nima deding? He-he-he-e...

— Nimasini aytasan, odam bolalari oʻlgudek befahm boʻlishadi, ularga qanchalik yomonlik qilsang, ular senga shunchalik yaxshilik qilishadi. Ana shunisini esingdan chiqarmasang boʻlgani. Voy-ey, bunchayam yashash yaxshi-ya... goʻzal...

— Ona deyman, shu... bir nima soʻrasam achchigʻing chiqib ketmaydimi?

— Ayniqsa hozir chiqmaydi, dunyo koʻzimga chiroyli koʻrinib turganda soʻra...

— Nimagadir bugun boshqacharoqsan-a, koʻzlaring yogʻ surgandek yaltirib turibdi. Har doim tishingni kirini soʻrib oʻtirarding, bugun ja tish kavlab qopsan, tinchlikmi?

— Voy, shum oʻlgur-ey, sezdingmi-a, sezdingmi?

— Nimaga endi sezmay, bolangman-ku, axir.

— Shu desang, taltayib ketma-yu, seni sharofating

тинг билан мениям кўчамда байрам бўб қолди, байрам, ҳи-ҳи-ҳи-й... Болаларига андармон бўлиб Хожабека у ёқда турсин шундоқ тақводар Хожаям бисмиллоҳни эсидан чиқариб эрталабки нонуштага мени шерик қилди. Одамлар зурриётига бир нарса бўлса борми, икки дунёси қоронғи бўлиб, Худониям унутиб қўйишади, ҳа...

— Ҳе-хе-хе... — дея яйраб-яйраб кулди Шайтонвачча, — шунақа, яхши бола тўйдиради, ёмон бола куйдиради.

— Бўлди қил, ҳаддингдан ошма, жа қорин қаппайиб, яна одатимизни унитяпсанми, товуқ-мия! Бўл, тўйдирганларнинг қорнига теп.

— Э, ўзлари ўлай дейишяпти-ку, теповрайми?

— Теповур...

Бу пайтда тез ёрдамдан келган амакию, холалар болаларнинг қорнини очиб, бири олиб, бири қўйиб, текшир-текшир қилишаётган эди. Шайтонвачча шундоғам очиқ турган қоринларга шартиллатиб тепиб қолди. Ака-укалар кутилмаганда икки букчайиб, додлаб юборишди. Хожаю, Хожабека, дўхтирларгача чўчиб тушишди. «Нима бўлиши мумкин-а?» дегандек бир-бирига тикилиб қолишди.

— Қўр ичак, — деди биттаси.

— Йўқ, ошқозон, — деди иккинчиси.

— Заҳарланишган, — деди учинчиси.

Ниҳоят касалхонага деган қарор бўлди-ю, ака-укаларни «тез ёрдам»га обчиқа бошлашди. Буни кўриб турган Шайтонвачча:

— Ие, — деди суюниб, — ош-овқатлари десам бутун бошли ҳовли-жойниям бизга ташлаб кетишяпти-ку. Кенг уйни келинчаги бўлиб ўзимиз қоларканмиз-да, она.

— Дард, — деди она шайтон кўзларини чақчайтириб, — куруқ ҳовли-жойни бошингга урасанми, болаларнинг пайдан бўл, чоп, машинага илаш... Вой яшшамагурей, одам болаларига ўхшаб уй-жойга бино қўяди-я...

bilan meniyam ko'chamda bayram bo'ib qoldi, bayram, hi-hi-hi-y... Bolalariga andarmon bo'lib Xojabeka u yoqda tursin shundoq taqvodar Xojayam bismillohni esidan chiqarib ertalabki nonushtaga meni sherik qildi. Odamlar zurriyotiga bir narsa bo'lsa bormi, ikki dunyosi qorong'i bo'lib, Xudoniyam unutib qo'yishadi, ha...

— He-he-he... — deya yayrab-yayrab kuldi Shaytonvachcha, — shunaqa, yaxshi bola to'ydiradi, yomon bola kuydiradi.

— Bo'ldi qil, haddingdan oshma, ja qorin qappayib, yana odatimizni unityapsanmi, tovuq-miya! Bo'l, to'ydirganlarning qorniga tep.

— E, o'zlari o'lay deyishyapti-ku, tepovraymi?

— Tepovur...

Bu paytda tez yordamdan kelgan amaki-yu xolalar bolalarning qornini ochib, biri olib, biri qo'yib, tekshir-tekshir qilishayotgan edi. Shaytonvachcha shundog'am ochiq turgan qorinlarga shartillatib tepib qoldi. Aka-ukalar kutilmaganda ikki bukchayib, dodlab yuborishdi. Xojayu, Xojabeka, do'xtirlargacha cho'chib tushishdi. «Nima bo'lishi mumkin-a?» degandek bir-biriga tikilib qolishdi.

— Ko'r ichak, — dedi bittasi.

— Yo'q, oshqozon, — dedi ikkinchisi.

— Zaharlanishgan, — dedi uchinchisi.

Nihoyat kasalxonaga degan qaror bo'ldi-yu, aka-ukalarni «tez yordam»ga obchiqa boshlashdi. Buni ko'rib turgan Shaytonvachcha:

— Iye, — dedi suyunib, — osh-ovqatlari desam butun boshli hovli-joyniyam bizga tashlab ketishyapti-ku. Keng uyni kelinchagi bo'lib o'zimiz qolarkanmiz-da, ona.

— Dard, — dedi ona shayton ko'zlarini chaqchaytirib, — quruq hovli-joyni boshingga urasanmi, bolalarning payidan bo'l, chop, mashinaga ilash... Voy yashshamagurey, odam bolalariga o'xshab uy-joyga bino qo'yadi-ya...





## ШИФОХОНАДА

### (ёки Шайтонваччанинг янги дўстлари)

Бу ердаги дўхтирлар ака-укаларни обдон текшириб, «оддий шамоллаш» деган қарорга келишди-да, каттагина бир хонага ётқизиб қўйишди. Ака-укаларга эргашиб ичкари кирган Шайтонваччанинг ҳайратдан оғзи ланг очилиб, ёпилмай қолди.

— Вой бў-ў-ў... — деб юборди бор овозда, — шаҳарда бола қолганми ўзи? Анови емиш-мемишлари, бунча кўп, қутилардан тошиб, токчаларгача чиқиб кетибди-я. Ё Жаннат деганлари шетмикан-а! Онам ҳўб билиб жўнатибди-да мени бу ерларга. Ҳозир бир четдан шундай рангини ўчирайки...

Шайтонвачча шундай деб шайтон қошиғини қўлига олиб, қорин ғамига тушган эди:

— Нима, нима, — деган ўшқирикдан чўчиб тушди. — Нақ қошиғингни оғзингга қозиқ қилиб қоқвормай яна, — деди бояги овоз.

— Яхшиси, тишини қоқиб қўлига берамиз, келган жойига жўнавори, — деди бошқа бир овоз.

Шайтонвачча кўзларини йириб-йиртиб бундоқ хона ичига қараса инқиллаб, синқиллаб ётган болаларнинг қўйнидан нақ девдек-девдек шайтонваччалар чиқиб келаётганмиш. Кўзлари олайган, юзлари қорайган, муштлари дўлайган.

— Э... э... оғайнижонлар ассалому алайкум, бу ерда сизлар борлигингизни пайқамапман, мени кечиринглар, — деди Шайтонвачча титраб-қақшаб.

— Ҳа-а, — деди битта барзангиси Шайтонваччанинг томоғидан гиппа бўғиб, — нима-нималар деб вайсадинг, яна битта қайтар-чи?

Шайтонвачча барзангининг дўлайган кўзларидан меҳр-шафқат кутиб, мўлтираганича бояги гапларини қайтарди:

— Оғайнижонлар, кечиринглар!.. Пайқамапман...

— Шунақами, — деди барзанги сўйлоқ тишларини кўрсатиб, — нималар деб валдираганингни биласанми?

— Мен бир сўзли шайтонман, айтганидан қайт-



## SHIFOXONADA

### (yoki Shaytonvachchaning yangi do'stlari)

Bu yerdagi do'xtirlar aka-ukalarni obdon tekshirib, «oddiy shamollash» degan qarorga kelishdi-da, kattagina bir xonaga yotqizib qo'yishdi. Aka-ukalarga ergashib ichkari kirgan Shaytonvachchaning hayratdan og'zi lang ochilib, yopilmay qoldi.

— Voy bo'-o'-o'... — deb yubordi bor ovozda, — shaharda bola qolganmi o'zi? Anovi yemish-memishlari, buncha ko'p, qutilardan toshib, tokchalargacha chiqib ketibdi-ya. Yo Jannat deganlari shetmikan-a! Onam ho'b bilib jo'natibdi-da meni bu yerlarga. Hozir bir chetdan shunday rangini o'chirayki...

Shaytonvachcha shunday deb shayton qoshig'ini qo'liga olib, qorin g'amiga tushgan edi:

— Nima, nima, — degan o'shqiriqdan cho'chib tushdi. — Naq qoshig'ingni og'zingga qoziq qilib qoqvormay yana, — dedi boyagi ovoz.

— Yaxshisi, tishini qoqib qo'liga beramiz, kelgan joyiga jo'navoradi, — dedi boshqa bir ovoz.

Shaytonvachcha ko'zlarini yirib-yirtib bundoq xona ichiga qarasa inqillab, sinqillab yotgan bolalarning qo'ynidan naq devdek-devdek shaytonvachchalar chiqib kelayotganmish. Ko'zlari olaygan, yuzlari qoraygan, mushtlari do'laygan.

— E... e... og'aynijonlar assalomu alaykum, bu yerda sizlar borligingizni payqamapman, meni ke-kechiringlar, — dedi Shaytonvachcha titrab-qaqshab.

— Ha-a, — dedi bitta barzangisi Shaytonvachchaning tomog'idan g'ippa bo'g'ib, — nima-nimalar deb vaysading, yana bitta qaytar-chi?

Shaytonvachcha barzangining do'laygan ko'zlaridan mehr-shafqat kutib, mo'ltiraganicha boyagi gaplarini qaytardi:

— Og'aynijonlar, kechiringlar!.. Payqamapman...

— Shunaqami, — dedi barzangi so'yoq tishlarini ko'rsatib, — nimalar deb valdiraganingni bilasanmi?

— Men bir so'zli shaytonman, aytganidan qayt-

майдиганларданман, — бўш келмасликка тиришди Шайтонвачча.

— Оғайнижонлар дединг-а, тилинг кесилгур?

— Нима қипти, десам?

— Шу деганингга тилингни суғуриб олайми?

— Э, нимага энди, тилим ўзимга керак.

— Ахир шайтонларда оғайнигарчилик бўлмаслигини билмасмидинг, галварс. Гапингдан одам болаларининг ҳиди келяпти-ку. Ё шайтон қиёфасидаги айғоқчимисан-а?

— Й-ў-ў-ў, й-ў-ў...ўлай агар айғоқчимасман, ўзи дунёга кечагина келганман, енг ичида.

— Унда билмасанг билиб қўй, манови хомкалангга туғиб қўй, қайтариб айтаман, биз шайтонваччаларда ошна-оғайнигарчилик бўлмайди, — деб гурзидек мушти билан Шайтонваччанинг калласига бир туширди.

Шайтонваччанинг боши гир-гир айланиб, кўзлари тиниб, нақ ерда эмаклаб қолди. Ишқилиб бошим омонми деб бошини силаган эди қўлига тухумдек тугунча илинди.

— Туғиб олдингми, — деб барзанги муштини яна дўлайтирди.

— Ҳа, ҳа, ишонмасанг мана кўр, — деб Шайтонвачча гуррасини кўрсатди.

— Дурист, айтганни дарров оларкансан, — деб барзанги нари кетди. Бироқ яна бошқаси Шайтонваччани ҳалигидек ҳиқилдоғидан олиб қолди:

— Сен боя «оғайнижонлар» дегандан кейин яна бир нималарам дедингми?

— Э, бир нималарам демай мен ўлай.

— «Кечиринглар» дединг-а, тилингга тирсак чиқкур?

— Десам нима, осмон узилиб ерга тушибдими?

— Вой думбил-ей, биз шайтонларда кечирингпечиринг деган гаплар бўлмаслигини билмас экансан-да. Бу бориб турган пасткашлик-ку, гуноҳни қилиб-қилиб кечирим сўрашни одам болаларига чиқарган. Бизда кечиринг йўқ, вассалом. Билмасанг, билиб қўй, хом калланга туғиб қўй, — деб буниси-ям гурзидек мушти билан бир туширди.

Шайтонваччанинг бошидан иккинчи тугунчаям

maydiganlardanman, — bo'sh kelmaslikka tirishdi Shaytonvachcha.

— Og'aynijonlar deding-a, tiling kesilgur?

— Nima qipti, desam?

— Shu deganingga tilingni sug'urib olaymi?

— E, nimaga endi, tilim o'zinga kerak.

— Axir shaytonlarda og'aynigarchilik bo'lmasligini bilmasmiding, galvars. Gapingdan odam bolalarining hidi kelyapti-ku. Yo shayton qiyofasidagi ayg'oqchimisan-a?

— Y-o'-o'-o', y-o'-o'...o'lay agar ayg'oqchimasman, o'zi dunyoga kechagina kelganman, yeng ichida.

— Unda bilmasang bilib qo'y, manovi xomkalangga tugib qo'y, qaytarib aytaman, biz shaytonvachchalarda oshna-og'aynigarchilik bo'lmaydi, — deb gurzidek mushti bilan Shaytonvachchanning kallasiga bir tushirdi.

Shaytonvachchanning boshi gir-gir aylanib, ko'zlari tinib, naq yerda emaklab qoldi. Ishqilib boshim omonmi deb boshini silagan edi qo'lga tuxumdek tuguncha ilindi.

— Tugib oldingmi, — deb barzangi mushtini yana do'laytirdi.

— Ha, ha, ishonmasang mana ko'r, — deb Shaytonvachcha g'urrasini ko'rsatdi.

— Durist, aytganni darrov olarkansan, — deb barzangi nari ketdi. Biroq yana boshqasi Shaytonvachchani haligidek hiqildog'idan olib qoldi:

— Sen boya «og'aynijonlar» degandan keyin yana bir nimalaram dedingmi?

— E, bir nimalaram demay men o'lay.

— «Kechiringlar» deding-a, tilingga tirsak chiqqur?

— Desam nima, osmon uzilib yerga tushibdimi?

— Voy dumbil-ey, biz shaytonlarda kechiring-  
pechiring degan gaplar bo'lmasligini bilmas ekansanda. Bu borib turgan pastkashlik-ku, gunohni qilib-qilib kechirim so'rashni odam bolalariga chiqargan. Bizda kechirish yo'q, vassalom. Bilmasang, bilib qo'y, xom kallanga tugib qo'y, — deb bunisiyam gurzidek mushti bilan bir tushirdi.

Shaytonvachchanning boshidan ikkinchi tugun-

ирғиб чиқди. Оғзидан сўлакайи оқиб, туғилганига минг пушаймон бўлиб турган эди, учинчи барзанги пайдо бўлиб, нақ думидан ушлаб олди.

— Хей, — деди Шайтонвачча энди астойдил фикрини, — думим билан ҳазиллашма-я, пасткаш. Қорним оғриб турибди, худди башарангни бежаб қўяман.

— Шошма, — деди у бамайлихотир, — олдин оғзингдан чиққан гапларни масаласини ҳал қилиб олайлик, ахир сен бир сўзлик Шайтонваччасан-ку, а, лаббай.

— Хўш, нима демоқчисан?

— «Билмапман» дединг а?

— Э... мунча эзма чуруксанлар, уч оғиз сўзга шунча ваҳима, шунча суд. Қўйвор бола думимни, ҳозир ҳамма ёғингни расво қиламан.

— Гапни айлангирма ҳардамхаёл, биз шайтонлар ҳамма ишни билиб қиламиз, билмапман дейиш биз учун ўлим билан баробар. Бунисиниям билиб қўй, хомкаллангга туғиб қўй...

— Э-э-э... бошимда тугадиган жой қомади-е...

— Унда думингни тугаман...

Бечора Шайтонвачча оғриқнинг зўридан қандай қилиб хонадан чиқиб кетганини билмай қолди. Қаранг, «думингни тугаман» деган сўз одамларга шайтонлардан ўтиб қолган экан.

## ТАН ОЛИНИШ

### (ёки Шайтонваччанинг ишларининг юришиб кетиши)

— Ўҳ-хў... — деди Шайтонвачча туздек ачишаётган бошини, тугулиб қолган думини силаб, — бу бош эмас тугунча бўб қопти-ку. Бу ёқда отнинг қашқасидек думгаям тугун тушди. Қаёқларга кеп қолдим ўзи? Ҳақ жўнатган жойларинг билан қўшмозор бўл-а, жодугар, қари тулки, — деб Шайтонвачча онасининг гўрига гишт қалаб турган эди, очиқ турган эшикдан барзангиларнинг биттаси қараб қолди. Шайтонвачча шошиб у ёғ, бу ёғига қараса қочиб қолишга қулай-

chayam irg'ib chiqdi. Og'zidan so'lakayi oqib, tug'ilganiga ming pushaymon bo'lib turgan edi, uchinchi barzangi paydo bo'lib, naq dumidan ushlab oldi.

— Hey, — dedi Shaytonvachcha endi astoydil g'ijinib, — dumim bilan hazillashma-ya, pastkash. Qornim og'rib turibdi, xuddi basharangni bejab qo'yaman.

— Shoshma, — dedi u bamaylixotir, — oldin og'zingdan chiqqan gaplarni masalasini hal qilib olaylik, axir sen bir so'zlik Shaytonvachchasan-ku, a, labbay.

— Xo'sh, nima demoqchisan?

— «Bilmapman» deding a?

— E... muncha ezma churuksanlar, uch og'iz so'zga shuncha vahima, shuncha sud. Qo'yvor bola dumimni, hozir hamma yog'ingni rasvo qilaman.

— Gapni aylantirma hardamxayol, biz shaytonlar hamma ishni bilib qilamiz, bilmapman deyish biz uchun o'lim bilan barobar. Bunisiniyam bilib qo'y, xomkallangga tugib qo'y...

— E-e-e... boshimda tugadigan joy qomadi-ye...

— Unda dumingni tugaman...

Bechora Shaytonvachcha og'riqning zo'ridan qanday qilib xonadan chiqib ketganini bilmay qoldi. Qarang, «dumingni tugaman» degan so'z odamlarga shaytonlardan o'tib qolgan ekan.

## TAN OLINISH

(yoki Shaytonvachchanning ishlarining yurishib ketishi)

— O'h-ho'... — dedi Shaytonvachcha tuzdek achishayotgan boshini, tugulib qolgan dumini silab, — bu bosh emas tuguncha bo'b qopti-ku. Bu yoqda otning qashqasidek dumgayam tugun tushdi. Qayoqlarga kep qoldim o'zi? Hah jo'natgan joylaring bilan qo'shmozor bo'l-a, jodugar, qari tulki, — deb Shaytonvachcha onasining go'riga g'isht qalab turgan edi, ochiq turgan eshikdan barzangilarning bittasi qarab qoldi. Shay-

гина жойда турган экан. Шайтонвачча қочиб қолгунча отиб қол деб бор-йўғи ёнғоқдек муштчасини барзангига дўлайди:

— Ҳов барзанги, худди олайган кўзларингга муштимимни тикиб олмай тагин. Ўзларига сичқоннинг ини минг танга бўб кетмасин, ҳў дўнг пешона, дераза кўз!

— Дуруст, дуруст, — деди барзангги Шайтонваччанинг дўқларига парво қилмай. Кейин бир нима демоқчидек паҳмоқ бошини қашиб қўйди. — Шу... — деди у чайналиб, — биз сенинг гўр томонларингни кўзингга кўрсатиб, эсингдан чиқмасин деб у ер, бу ерингга тугиб қўйдик. — Энди... — яна чайналди у, — шу десанг сени зўр томонларингниям айтиб қўймасак одатимизга тўғри келмайди. Ҳа, одам болаларига ўхшаб икки юзламачи бўб қоламиз. Уларнинг камдан ками бировнинг зўрлигини тан олишади.

— А-а-а... — деди Шайтонвачча қулоқларига ишонмай, — мени зўр дедингми? Энди ақлинг кирибди. Бу бошқа гап. Билиб қўй муғамбирлик қилаётган бўлсанг нақ тилингни суғуриб, қозиқ тишларингга пайтава қилиб, илиб қўяман-а!

— Зўрликка, зўрсан, биз биттадан одам боласини касалхонага бошлаб келсак, сен биратўла учтасини бошлаб келибсан, сенда бир хислат борга ўхшайди?

— Ҳе-хе-хе... — гурралари лўқиллаб кулди Шайтонвачча, — онам ҳам нукул шунақа дейди.

— Ке, ичкари кирақол, сен ҳали бизга керак бўладиганга ўхшайсан.

— Тушингни сувга айт, мен думим тугулган жойдан ҳазар қиламан. Сенлар мени ким деб ўйловдинг?

— Думингни тугдикми, қандоқ қилиб ечишни ҳам биламиз, кир деяпман, ноз қилма.

— О-о-о... Ҳали мени шарафимга зиёфат ҳам уюштираарсанлар? — дея шайтон қошиғини шақиллатди Шайтонвачча.

— Сен зиёфат-пиёфат деган гапларни қўй. Бунақа ишларни одам болаларига қўйиб бер. Зиёфат билан дунёга келиб, зиёфат билан ўлишади. Ҳатто ўлганимга уч кун бўлди, етти кун бўлди, йигирма

tonvachcha shoshib u yog', bu yog'iga qarasa qochib qolishga qulaygina joyda turgan ekan. Shaytonvachcha qochib qolguncha otib qol deb bor-yo'g'i yong'oqdek mushtchasini barzangiga do'laydi:

— Hov barzangi, xuddi olaygan ko'zlaringga mushtimimni tiqib olmay tag'in. O'zlariga sichqonning ini ming tangga bo'b ketmasin, ho' do'ng peshona, deraza ko'z!

— Durust, durust, — dedi barzangi Shaytonvachchani do'qlariga parvo qilmay. Keyin bir nima demoqchidek pahmoq boshini qashib qo'ydi. — Shu... — dedi u chaynalib, — biz sening g'o'r tomonlaringni ko'zingga ko'rsatib, esingdan chiqmasin deb u yer, bu yeringga tugib qo'ydik. — Endi... — yana chaynaldi u, — shu desang seni zo'r tomonlaringniyam aytib qo'ymasak odatimizga to'g'ri kelmaydi. Ha, odam bolalariga o'xshab ikki yuzlamachi bo'b qolamiz. Ularning kamdan kami birovning zo'rligini tan olishadi.

— A-a-a... — dedi Shaytonvachcha quloqlariga ishonmay, — meni zo'r dedingmi? Endi aqling kiribdi. Bu boshqa gap. Bilib qo'y mug'ambirlik qilayotgan bo'lsang naq tilingni sug'urib, qoziq tishlaringga paytava qilib, ilib qo'yaman-a!

— Zo'rlikka, zo'rsan, biz bittadan odam bolasini kasalxonaga boshlab kelsak, sen birato'la uchtasini boshlab kelibsan, senda bir xislat borga o'xshaydi?

— He-he-he... — g'urrallari lo'qillab kuldi Shaytonvachcha, — onam ham nuqul shunaqa deydi.

— Ke, ichkari kiraqol, sen hali bizga kerak bo'ladiganga o'xshaysan.

— Tushingni suvga ayt, men dumim tugulgan joydan hazar qilaman. Senlar meni kim deb o'ylovding?

— Dumingni tugdikmi, qandoq qilib yechishni ham bilamiz, kir deyapman, noz qilma.

— O-o-o... Hali meni sharafimga ziyofat ham uyushtirarsanlar? — deya shayton qoshig'ini shaqillatdi Shaytonvachcha.

— Sen ziyofat-piyofat degan gaplarni qo'y. Bunaqa ishlarni odam bolalariga qo'yib ber. Ziyofat bilan

кун бўлди, қирқ кун бўлди, бир йил бўлди деб зиёфат беришади. Биз шайтонлар ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ қилмаймиз. Озгина чидасанг анови галадонларинг ноз-неъматларга шунақанги тўлиб кетадики, «сен же, мен же» бўб кетади. Ахир сенинг сўрғичларинг бир эмас учта-я, бир четдан зулукдек сўроврасан...

Шайтонвачча диққат қилса, барзанги тилёғламалик қилмаяпти. Гапларига ишонди.

Ичкари кириб тугулган думини, жа силатиб турган эди Хожа билан Хожабека иккитадан сумка кўтариб, инқиллаб-синқиллаб кеп қолишди.

— Вой-ей, — деди Хожабека йиғламсираб, — қандай кунларга қолдик-а? Худога нима ёмонлик қилган эканмиз-а?

— Бас қилинг, хоним, — деди Хожаям бир аҳволда, — Аллоҳнинг олдида гуноҳларимиз чандон-чандон, ҳа, гуноҳга томоғимизгача ботиб ётибмиз, Ўзи шифо берсин, Ўзи!

Бу гапларни эшитган барзанги шайтонваччалар касалхонани бошларига кўтариб, думалаб-сумалаб кула бошлашди.

— Ҳа, — деди Шайтонвачча ҳайрон бўлиб, — жа оғизларингни иштонбоғини йиғиштиролмай қолдиларинг, тинчликми?

— Кўрмайсанми бу одам болаларининг, бошларига ташвиш тушса, Худони эслаб, гуноҳларини тарозида тортиб қолишади. Ташвишлари аридими, ўша заҳоти Худони эсдан чиқаришади. Ҳе-хе-ҳ-е-е...

Ичкари кирган Хожа билан Хожабека болаларини бир четдан сигир бузоғини ялагандек ялаб-юлқашга тушишди.

— Мана асалтойларим сизларга деб бутун бозорни кўчириб келдик.

— Ҳа энглар, тезроқ опоқ бўлай десаларинг кўп-кўп энглар, ҳали яна обкеламиз...

Бу гаплардан Шайтонваччаям ўзини тутолмай барзангиларга кўшилиб кула бошлади.

— Ҳеҳ-хеҳ-хеҳ... одам болалари болалари касал бўлса сахий бўб кетишар экан. Вой бў-ў-ў... об келган нарсаларини...олма, анор, банан, писта, бодом,



dunyoga kelib, ziyofat bilan o'lishadi. Hatto o'lganimga uch kun bo'ldi, yetti kun bo'ldi, yigirma kun bo'ldi, qirq kun bo'ldi, bir yil bo'ldi deb ziyofat berishadi. Biz shaytonlar oshga o'rtoq, boshga to'qmoq qilmaymiz. Ozgina chidasang anovi g'aladonlaring nozne'matlarga shunaqangi to'lib ketadiki, «sen je, men je» bo'b ketadi. Axir sening so'rg'ichlaring bir emas uchta-ya, bir chetdan zulukdek so'rovrasan...

Shaytonvachcha diqqat qilsa, barzangi tilyog'lamalik qilmayapti. Gaplariga ishonadi.

Ichkari kirib tugulgan dumini, ja silatib turgan edi Xoja bilan Xojabeka ikkitadan so'mka ko'tarib, inqillab-sinqillab kep qolishdi.

— Voy-ey, — dedi Xojabeka yig'lamsirab, — qanday kunlarga qoldik-a? Xudoga nima yomonlik qilgan ekanmiz-a?

— Bas qiling, xonim, — dedi Xojayam bir ahvolda, — Allohning oldida gunohlarimiz chandon-chandon, ha, gunohga tomog'imizgacha botib yotibmiz, O'zi shifo bersin, O'zi!

Bu gaplarni eshitgan barzangi shaytonvachchalar kasalxonani boshlariga ko'tarib, dumalab-sumalab kula boshlashdi.

— Ha, — dedi Shaytonvachcha hayron bo'lib, — ja og'izlaringni ishtonbog'ini yig'ishtirolmay qoldilaring, tinchlikmi?

— Ko'rmasanmi bu odam bolalarining, boshlariga tashvish tushsa, Xudoni eslab, gunohlarini tarozida tortib qolishadi. Tashvishlari aridimi, o'sha zahoti Xudoni esdan chiqarishadi. He-he-h-e-e...

Ichkari kirgan Xoja bilan Xojabeka bolalarini bir chetdan sigir buzog'ini yalagandek yalab-yulqashga tushishdi.

— Mana asaltoylarim sizlarga deb butun bozorni ko'chirib keldik.

— Ha yenglar, tezroq opoq bo'lay desalaring ko'p-ko'p yenglar, hali yana obkelamiz...

Bu gaplardan Shaytonvachchayam o'zini tutolmay barzangilarga qo'shilib kula boshladi.

— Heh-heh-heh... odam bolalari bolalari kasal bo'lsa

қаймоқ, пишлоқ, асал... ярмарка қиворишди-ю, ярмарка. Тавба касал одамнинг томоғидан шунча нарса ўтмаслигини билишмасмикан-а, бу одам болалари?

— Билишади, билганда қандоқ, шунақанги билишадики, — деди барзангилардан бири, — бунақа пайтда хўжақўрсинга об келишади. Ҳа, бор бутини сотиб бўлсаям об келишади. Бошқа пайтда болалари нон десин, кесак гириллайди. Ҳе-хе-хе...

— Биз шайтонларга яхшийкан-да, одам болаларининг бунақалиги, — дея Шайтонвачча ҳам ғийбат оловига ўтин ташлади.

— Яхшиликка яхши, аммо битта алам қиладиган томони бор-да.

— Нима экан у?

— Худо Жаннатни шу одам болаларига берган, бизгамас. Ҳатто Жаннатнинг ҳиди бурнимизга ҳам кирмайди. Шуниси алам қилади-да.

## ШУМОЁҚ

(ёки Бисмилло холанинг пайдо бўлиши...)

Шайтонваччалар жа мажлисининг каттасини қилиб, шайтон қошиқларини қўлга олиб ўзларини ўзлари меҳмон қилиб, «сен же, мен же» деб туришган эди, эшик очилиб, оппоқ халатлик, қизил юзлик, сузик кўзлик, гумбир гавдалик амакилар, опалар кириб келишди. Шайтонваччалар қўрқиб кетганларидан апил-тапил касалларининг кўйнига кириб кетишди. Амакиларнинг кўз ойнакли, қориндори, ўша каттаси бўлса керак, ака-укаларни, ағдартўнтар қилиб текшира бошлади. Тилларини қайта-қайта «а-а-алатиб» кўрди, қўйлақларини кўтариб, қоринларини очди, ёпди, айтарли ҳеч гап йўғ-у, дегандек бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Ш-у-у... — деди битта мўйловдори бошқаларни ўзига қаратиб, — булар ҳойнаҳой кўзиккан, ё учинишган, шу хонага анови бору, Бисмилло хола, ўшани ўтказсак... жа дами ўтқир-да барака топқурни...

saxiy bo‘b ketishar ekan. Voy bo‘o‘o‘... ob kelgan narsalarini...olma, anor, banan, pista, bodom, qaymoq, pishloq, asal... yarmarka qivorishdi-yu, yarmarka. Tavba kasal odamning tomog‘idan shuncha narsa o‘tmasligini bilishmasmikan-a, bu odam bolalari?

— Bilishadi, bilganda qandoq, shunaqangi bilishadiki, — dedi barzangilardan biri, — bunaqa paytda xo‘jako‘rsinga ob kelishadi. Ha, bor butini sotib bo‘l-sayam ob kelishadi. Boshqa paytda bolalari non desin, kesak g‘irillaydi. He-he-he...

— Biz shaytonlarga yaxshiykan-da, odam bolalarining bunaqaligi, — deya Shaytonvachcha ham g‘iybat oloviga o‘tin tashladi.

— Yaxshilikka yaxshi, ammo bitta alam qiladigan tomoni bor-da.

— Nima ekan u?

— Xudo Jannatni shu odam bolalariga bergan, bizgamas. Hatto Jannatning hidi burnimizga ham kirmaydi. Shunisi alam qiladi-da.

## SHUMOYOQ

**(yoki Bismillo xolaning paydo bo‘lishi...)**

Shaytonvachchalar ja majlisning kattasini qilib, shayton qoshiqlarini qo‘lga olib o‘zlarini-o‘zlari mehmon qilib, «sen je, men je» deb turishgan edi, eshik ochilib, oppoq xalatlik, qizil yuzlik, suzik ko‘zlik, gumbir gavdalik amakilar, opalar kirib kelishdi. Shaytonvachchalar qo‘rqib ketganlaridan apil-tapil kasallarining qo‘yniga kirib ketishdi. Amakilarning ko‘z oynakli, qorindori, o‘sha kattasi bo‘lsa kerak, aka-ukalarni, ag‘dar-to‘ntar qilib tekshira boshladi. Tillarini qayta-qayta «a-a-alatib» ko‘rdi, ko‘ylaklarini ko‘tarib, qorinlarini ochdi, yopdi, aytarli hech gap yo‘g‘-u, degandek bir-birlariga tikilib qolishdi.

— Sh-u-u... — dedi bitta mo‘ylovdori boshqalarni o‘ziga qaratib, — bular hoynahoy ko‘zikkan, yo uchinishgan, shu xonaga anovi boru, Bismillo xola, o‘shani o‘tkazsak... ja dami o‘tkir-da baraka topkurni...

— Э, кампиршо, ҳалиям шўтгаларми? — сўради каттаси.

— Шўтгалар...

— Невараси тирикми, ўлиб-пўлиб қолмадими?

— Отдек бўб кетган, шу набирангизни тузалишига пича бор деб, ўзимиз уйига атайлаб жавоб бермаяпмиз. Кампиршони мана шунақа нозик касалларга ушлаб турибмизда, ўртоқ бошлиқ. Кампирни шу хонага кўчирсак, айти муддао бўларди.

— Маъқул таклиф, кўчиринглар бўлмаса...

Каттакони шундай деб, дов-дастгоҳларини йиғиштириб, шотирларини орқасидан эргаштириб, чиқиб кетди.

— Ҳе-хе-хе, — деб оғизларининг таноби қочди Шайтонваччаларнинг, — савлатларидан от хуркади-ю, кунлари қанақадир кампиршога қолганига ўлайми?

— Э, у кампиршо деганлари бориб турган жодугар бўб чиқсачи? — деди Шайтонвачча юраги бир нимани сезиб.

— Жодугар бўлса янаям яхши, бегонамас, ўзимиздан бўлади.

— Исми-шарифига қараганда бизданмасга ўхшайди. Исми-шарифини айтганда азои-баданимга иситма кириб кетди, ҳа иситма!

— Эҳ, маза қилаётган эдик-да, еганимиз олдимизда, емаганимизам олдимизда.

— Э, ҳаммасига манови шумоёқ сабабчи, — деб барзангиларнинг биттаси Шайтонваччанинг калласига тушириб қолди.

— Ҳе урмай урулгур, ўзинг шумоёқсан. Бир эмас учтасини бу ёққа бошлаб келсам ҳам шумоёқ бўлманми?

— Ҳов галварс, — дея мушт дўлайтди бошқаси, — ҳойнаҳой сен каттароқ одамнинг болаларини олиб келганга ўхшайсан, бўлмаса бунчалик куйиб-пишишмасиди булар.

— Э, мен қаттан билай...

— Билгин-да, қовоқ калла!

— Бўпти, бўпти, — деди Шайтонвачча бошига яна мушт тушиб қолишидан кўрқиб.

— E, kampirsho, haliyam sho‘ttalarmi? — so‘radi kattasi.

— Sho‘ttalar...

— Nevarasi tirikmi, o‘lib-po‘lib qolmadimi?

— Otdek bo‘b ketgan, shu nabirangizni tuzalishiga picha bor deb, o‘zimiz uyiga ataylab javob bermayapmiz. Kampirshoni mana shunaqa nozik kasallarga ushlab turibmizda, o‘rtoq boshliq. Kampirni shu xonaga ko‘chirsak, ayni muddao bo‘lardi.

— Ma‘qul taklif, ko‘chiringlar bo‘lmasa...

Kattakoni shunday deb, dov-dastgohlarini yig‘ishtirib, shotirlarini orqasidan ergashtirib, chiqib ketdi.

— He-he-he, — deb og‘izlarining tanobi qochdi Shaytonvachchalarning, — savlatlaridan ot hurkadiyu, kunlari qanaqadir kampirshoga qolganiga o‘laymi?

— E, u kampirsho deganlari borib turgan jodugar bo‘b chiqsachi? — dedi Shaytonvachcha yuragi bir nimani sezib.

— Jodugar bo‘lsa yanayam yaxshi, begonamas, o‘zimizdan bo‘ladi.

— Ismi-sharifiga qaraganda bizdanmasga o‘xshaydi. Ismi-sharifini aytganda azoi-badanimga isitma kirib ketdi, ha isitma!

— Eh, maza qilayotgan edik-da, yeganimiz oldimizda, yemaganimizam oldimizda.

— E, hammasiga manovi shumoyoq sababchi, — deb barzangilarning bittasi Shaytonvachchaning kallasiga tushirib qoldi.

— He urmay urulgur, o‘zing shumoyoqsan. Bir emas uchtasini bu yoqqa boshlab kelsam ham shumoyoq bo‘lamanmi?

— Hov galvars, — deya musht do‘laytdi boshqasi, — hoynahoy sen kattaroq odamning bolalarini olib kelganga o‘xshaysan, bo‘lmasa bunchalik kuyib-pishishmasidi bular.

— E, men qattan bilay...

— Bilgin-da, qovoq kalla!

— Bo‘pti, bo‘pti, — dedi Shaytonvachcha boshiga yana musht tushib qolishidan qo‘rqib.

— Шунақа, биз ўзимизники бўб қолган катталарнинг болаларига тегмаймиз, билмасанг билиб қўй, хомкаланга тугуб қўй, — деб биттаси муштини дўлайтган эди, Шайтонвачча:

— Э-э-э...бошқа тугадиган жой қолмади, — деб бошини қўллари билан беркитди.

## ТАНИШИНГ: БИСМИЛЛО ХОЛА

(ёки Шайтонваччаларнинг шўрига шўрва тўкилгани)

Шундай қилиб, барзангилар Шайтонваччани оёқлари остига олиб, унга «дарс ўтиб» туришган эди, остонада бояги оппоқ халатлик опалардан биттаси кўринди. У нукул қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан:

— Кираверсинлар, Бисмилло хола, кираверсинлар, бу ердаям хонамизнинг тўри сизники, — дерди.

Аллоҳнинг исмини эшитган шайтонваччалар кўзларини ола-кула қилиб, йўлакка тикилишди. Бир маҳал ёшини яшаб, ошини ошаган, бошига дока рўмол ташлаган, эти бориб суягига ёпишган, неварасини опичган бир кампиршо кўринди. Шайтонваччалар исми-шарифига қараб гунгурсдек бўлса керак деб ўйлашган эди. Қаёқда, ушоққина кампир экан. Шунга шайтонваччалар сал дадиллашди. Аммо холаси тушмагур, остонада бир зум тўхтаб, овозининг борича деди:

— Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, — деб ўнг оёқ билан ичкарига қадам қўйди.

Бу муборак сўзлар холанинг оғзидан чиқар-чиқмас хонага гумбирлаб азоб фаришталари кириб келди. Шайтонваччаларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Шайтонваччаларни бир четдан қасирақусур савалаш бошланди-ку... Шалпанг қулоқлари резинкадек чўзилди, тепкилардан юмшоқ жойлари эзилди.

Бунинг устига оқ халатлик опа жикиллаб қолди:

— Вой холажан-ей, сўзларингиз бирам ёқимли, бирам сеҳрлики, қулоққа мойдек ёқади-я.

— Shunaqa, biz o‘zimizniki bo‘b qolgan kattalarning bolalariga tegmaymiz, bilmasang bilib qo‘y, xomkallanga tugub qo‘y, — deb bittasi mushtini do‘laytgan edi, Shaytonvachcha:

— E-e-e...boshqa tugadigan joy qolmadi, — deb boshini qo‘llari bilan berkitdi.

## TANISHING: BISMILLO XOLA

(yoki Shaytonvachchalarning sho‘riga sho‘rva to‘kilgani)

Shunday qilib, barzangilar Shaytonvachchani oyoqlari ostiga olib, unga «dars o‘tib» turishgan edi, ostonada boyagi oppoq xalatlik opalardan bittasi ko‘rindi. U nuqul qo‘lini ko‘ksiga qo‘yib, tavoze bilan:

— Kiraversinlar, Bismillo xola, kiraversinlar, bu yerdayam xonamizning to‘ri sizniki, — derdi.

Allohning ismini eshitgan shaytonvachchalar ko‘zlarini ola-kula qilib, yo‘lakka tikilishdi. Bir mahal yoshini yashab, oshini oshagan, boshiga doka ro‘mol tashlagan, eti borib suyagiga yopishgan, nevarasini opichgan bir kampirsho ko‘rindi. Shaytonvachchalar ismi-sharifiga qarab gungursdek bo‘lsa kerak deb o‘ylashgan edi. Qayoqda, ushoqqina kampir ekan. Shunga shaytonvachchalar sal dadillashdi. Ammo xolasi tushmagur, ostonada bir zum to‘xtab, ovozing boricha dedi:

— A‘zu billahi minash-shaytonir rojiym, Bismillahir rohmanir rohiym, — deb o‘ng oyoq bilan ichkariga qadam qo‘ydi.

Bu muborak so‘zlar xolaning og‘zidan chiqar-chiqmas xonaga gumbirlab azob farishtalari kirib keldi. Shaytonvachchalarga sichqonning ini ming tanga bo‘lib ketdi. Shaytonvachchalarni bir chetdan qasira-qusur savalash boshlandi-ku... Shalpang quloqlari rezinkadek cho‘zildi, tepkilardan yumshoq joylari ezildi.

Buning ustiga oq xalatlik opa jikillab qoldi:

— Voy xolajan-ey, so‘zlaringiz biram yoqimli, biram sehrliki, quloqqa moydek yoqadi-ya.

— Ов-в, қоқиндиг-а, — деди Бисмилло хола неварасини елкасидан олар экан, — аммо-лекин топдингиз, хўп оқила жувонсиз-да, сеҳрли деб тўғри айтдингиз. — Бу калом билан не-не тилсимларнинг эшиклари очилади, не-не ёмонликларнинг эшиклари ёпилади. Ишингизга шайтон қурғур аралаша олмай қолади...

— Сеҳрли олтин калитча денг, олтин калитча.

— Шундоқ қоқиндиқ, шундоқ...

— Шу десангиз, холажон, бунақа сўзларни кўп эшитаман-у, шу қурғур омилигим бор-да, маънисини тушунмайман, маънисини. Маънисиям бир жаҳон бўлса керак-а?

— Ҳа, қоқиндиқ, бир жаҳон. Мана эшитинг: «Эй ўн саккиз минг олам эгаси бўлган буюк Аллоҳим сенинг муборақ исминг билан ушбу ерга қадам ранжида қилдим, шаккоклик қилиб ҳузурингдан қувилган шайтони лаън васвасасидан Ўзинг асра...» қалай сал бўлсаям тушунтира олдими, тасаддуқ?

— Тушунгандекман, холажон, тушунгандекман. Ўзи қисқа-ю, маъноси жа узу-у-ун экан-а, қизиқ.

Шу паллада Шайтонваччаларнинг тоқатлари тоқ бўлиб турган эди, охири чидай олишмади:

— Э, ўчир-е овозингни, қизиқмиш, нима биров сенга маймун ўйнатяптими, қизиқ дейсан. Қизиғи сенга-ю, азоби бизгами, ҳе думбил тентак.

Бироқ шайтонваччалар учун азобларнинг эшиги энди очила бошлаган эди. Хола кутилмаганда дуога қўл очди:

— О-о-мин, қадам етти, бало етмасин, шу ерда ётган гўдаккиналаримнинг қалбига имон кирсин-у, шайтон кирмасин, Аллоҳу акбар!

Бу болохонадор дуонинг кучи билан шайтонваччалар нақ мошина эзган бақадек шифтга ёпишди-қолишди.

Бисмилло хола оқ халатлик опага қараб:

— Қалай, қоқиндиқ, бунисиниям маънисини тушунтириб берайми?

— Вой-й-й... ўлипти энди, жа унчалик омимасман, холажон, тушундим. Сиз нима бўлгандаям шу болаларни оёққа турғазиб берсангиз бўлди. Ота-она-



— Ov-v, qoqindig‘a, — dedi Bismillo xola nevarasini yelkasidan olar ekan, — ammo-lekin topdingiz, xo‘p oqila juvonsiz-da, sehrli deb to‘g‘ri aytdingiz. — Bu kalom bilan ne-ne tilsimlarning eshiklari ochiladi, ne-ne yomonliklarning eshiklari yopiladi. Ishingizga shayton qurg‘ur aralasha olmay qoladi...

— Sehrli oltin kalitcha deng, oltin kalitcha.

— Shundoq qoqindiq, shundoq...

— Shu desangiz, xolajon, bunaqa so‘zlarni ko‘p eshitaman-u, shu qurg‘ur omiligim bor-da, ma‘nisini tushunmayman, ma‘nisini. Ma‘nisiyam bir jahon bo‘lsa kerak-a?

— Ha, qoqindiq, bir jahon. Mana eshiting: «Ey o‘n sakkiz ming olam egasi bo‘lgan buyuk Allohim sening muborak isming bilan ushbu yerga qadam ranjida qildim, shakkoklik qilib huzuringdan quvilgan shaytoni la‘n vasvasasidan O‘zing asra...» qalay sal bo‘lsayam tushuntira oldimmi, tasadduq?

— Tushungandekman, xolajon, tushungandekman. O‘zi qisqa-yu, ma‘nosi ja uzu-u-un ekan-a, qiziq.

Shu pallada Shaytonvachchalarning toqatlari toq bo‘lib turgan edi, oxiri chiday olishmadi:

— E, o‘chir-e ovozingni, qiziqmish, nima birov senga maymun o‘ynatyaptimi, qiziq deysan. Qizig‘i senga-yu, azobi bizgami, he dumbil tentak.

Biroq shaytonvachchalar uchun azoblarning eshigi endi ochila boshlagan edi. Xola kutilmaganda duoga qo‘l ochdi:

— O-o-min, qadam yetti, balo yetmasin, shu yerda yotgan go‘dakkinalarimning qalbiga imon kirsin-u, shayton kirmasin, Allohu akbar!

Bu boloxonador duoning kuchi bilan shaytonvachchalar naq moshina ezgan baqadek shiftga yopishdi-qolishdi.

Bismillo xola oq xalatlik opaga qarab:

— Qalay, qoqindiq, bunisiniyam ma‘nisini tushuntirib beraymi?

— Voy-y-y... o‘lipti endi, ja unchalik omimasman, xolajon, tushundim. Siz nima bo‘lgandayam shu bolalarni oyoqqa turg‘azib bersangiz bo‘ldi. Ota-onasi

си болажон, сахий, марҳаматли кўринади. Айтаман, сиззи куруқ кўйишмайди. Бош-оёқ сарупо кимми ўлдирибди...

— Сен у гапларни кўятур, қоқиндиқ, — деди хола, — Аллоҳ шифо берса ҳеч гапмас, биз астойдил бўлиб сўраймиз халос, нажот Яратганнинг ўзидан. Агарда гапларинг рост бўлса, аввало устингдаги кўсқининг энгини кийиб ол. Бўлмаса энгида шайтон болалайди-я, шайтон.

— Вой кўйинг-е, холажон, одамни кўрқитманг.

— Рост гапдан ҳам кўрқадими одам, қоқиндиқ!

— Вой ўлай, хи-хи-хи-и...

— Ҳа, нима бўлди, тасаддуқ?

— Гапиз рост бўлса, биз жа... хи-хи-хи-и...олиф-тагарчилик қиламиз деб шайтонларга роддом бўб юрган эканмиз-да, холажон, вой ўлай-й-й...

— Шундоқ қоқиндиқ, шундоқ, тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Шайтонваччалар шифтга ёпишганича дод деб юборишди:

— Ў-ў-ў... бу шунчаки кампиршомас, бу Худонинг бизга юборган азоби, ҳа, ҳамма сирларимиздан хабардор-а ялмоғиз ўлгур... ўлганимиз шу энди...

## КЎРМОҚ БОР-У, ЕМОҚ ЙЎҚ

(ёки оқ халатли опа билан Бисмилло холанинг тил топишишлари)

Шу куни Бисмилло хола хонадаги ака-укалар билан ҳам, бошқа бемор болалар билан ҳам анчамунча машғул бўлдилар. Шифо бўладиган дуолар ўқиб, дам солдилар, олма-анор, муробболи чой дегандек... Ҳатто аллаям айтдилар:

*Алла болам, алла-ё,  
Ухла болам, ухла-ё...  
Болам менинг қанотим,  
Оғзимдаги наввотим...  
Алла-ё, алла,  
Ухлашга етти палла...*

bolajon, saxiy, marhamatli ko'rinadi. Aytaman, sizzi quruq qo'yishmaydi. Bosh-oyoq sarupo kimmi o'ldiribdi...

— Sen u gaplarni qo'yatur, qoqindiq, — dedi xola, — Alloh shifo bersa hech gapmas, biz astoydil bo'lib so'raymiz xalos, najot Yaratganning o'zidan. Agarda gaplaring rost bo'lsa, avvalo ustingdagi qo'sqining yengini kiyib ol. Bo'lmasa yengida shayton bolalaydiya, shayton.

— Voy qo'ying-e, xolajon, odamni qo'rqitmang.

— Rost gapdan ham qo'rqadimi odam, qoqindiq!

— Voy o'lay, xi-xi-xi-i...

— Ha, nima bo'ldi, tasadduq?

— Gapiz rost bo'lsa, biz ja... xi-xi-xi-i...oliftagarchilik qilamiz deb shaytonlarga roddom bo'b yurgan ekanmizda, xolajon, voy o'lay-y-y...

— Shundoq qoqindiq, shundoq, tushungan odamning sadag'asi ketsang arziydi.

Shaytonvachchalar shiftga yopishganicha dod deb yuborishdi:

— O'-o'-o'... bu shunchaki kampirshomas, bu Xudoning bizga yuborgan azobi, ha, hamma sirlarimizdan xabardor-a yalmog'iz o'lgur... o'lganimiz shu endi...

## KO'RMOQ BOR-U, YEMOQ YO'Q

**(yoki oq xalatli opa bilan Bismillo xolaning til topishishlari)**

Shu kuni Bismillo xola xonadagi aka-ukalar bilan ham, boshqa bemor bolalar bilan ham ancha-muncha mashg'ul bo'ldilar. Shifo bo'ladigan duolar o'qib, dam soldilar, olma-anor, murobboli choy degandek... Hatto allayam aytdilar:

*Alla bolam, alla-yo,  
Uxla bolam, uxla-yo...  
Bolam mening qanotim,  
Og'zimdagi navvotim...  
Alla-yo, alla,  
Uxlashga yetti palla...*

Бувижонлари борлар бувижонларини эслаб, бувижонлари йўқлари шунақа бувижониси бўлишини орзулаб, кундуз куни бир чимдим, бир чимдимдан ухлаб ҳам олишди. Бирам маза қилишдики, яқин ўртада бунақа маза қилишмаган эди. Оқ халатли опа ҳам холани ўз онасидек яхши кўриб қолди. Аммо кечга бориб улар орасида сал гап қочгандек бўлди. Оқ халатлик опа болаларнинг биттасига сайма дори юбормоқчи бўлиб турган эди, бирдан Бисмилло хола хай-хайлаб қолди:

— Нималар қияпсан, қоқиндиқ, тўхта-чи...

— Вой, яна нима бўлди? — чўчиб тушди у.

— Тавба, нима бўлди дейди-я, ҳеч маҳалда бе-бисмилло ҳам қиладиларми дорини, қоқиндиқ?

— Э, омон бўлинг-е, нима экан дебман-а, ҳеч жаҳонда уколгаям бисмилло айтарканми, э қўйинг-е, жа оширвордингиз-ку...

— Менга қара, қоқиндиқ мени бунақа қайириб ташлама-я хафа бўламан, ҳа, дилим огрийди. Кейин ўзинга қийин бўлади.

— Ахир кўриб турибсиз-ку, бирон нарса емаяпман, бисмилло дегани...

— Унда бу нима? — деб дорига ишора қилди хола.

— Дори...

— Нима каромати бор бунингни?

— Каромати жа катта, иштаҳани очади, иситмани бадандан қувади, дармонга киритади.

— Дармонга киритса буям овқат экан-да, бундан чиқди?

— О, овқат бўлгандаям энг зўридан, топилмайдиганидан.

— Билмасанг билиб қўй, қоқиндиқ бисмилло айтмасдан қилсанг, шу зигирдеккина доринггаям шайтон шерик бўлади. Қайси бири яхши?

— Э, бунақа демайсизми, вой менинг холажонгинам-ей...

— Менга қара, қоқиндиқ, шу болаларимга неча маҳал игна санчасан?

— Беш маҳал, холажон, нимаиди?

— Оҳ, Худойимнинг чеварлигини қара, қоқиндиқ, менам беш маҳал намоз ўқийман. Бас, шундоғ

Buvijonlari borlar buvijonlarini eslab, buvijonlari yo'qlari shunaqa buvijonisi bo'lishini orzulab, kunduz kuni bir chimdim, bir chimdimdan uxlab ham olishdi. Biram maza qilishdiki, yaqin o'rtada bunaqa maza qilishmagan edi. Oq xalatli opa ham xolani o'z onasidek yaxshi ko'rib qoldi. Ammo kechga borib ular orasida sal gap qochgandek bo'ldi. Oq xalatlik opa bolalarning bittasiga sayma dori yubormoqchi bo'lib turgan edi, birdan Bismillo xola hay-haylab qoldi:

— Nimalar qilyapsan, qoqindiq, to'xta-chi...

— Voy, yana nima bo'ldi? — cho'chib tushdi u.

— Tavba, nima bo'ldi deydi-ya, hech mahalda bebismillo ham qiladilarmi dorini, qoqindiq?

— E, omon bo'ling-e, nima ekan debman-a, hech jahonda ukolgayam bismillo aytarkanmi, e qo'ying-e, ja oshirvordingiz-ku...

— Menga qara, qoqindiq meni bunaqa qayirib tashlama-ya xafa bo'laman, ha, dilim og'riydi. Keyin o'zingga qiyin bo'ladi.

— Axir ko'rib turibsiz-ku, biron narsa yemayapman, bismillo degani...

— Unda bu nima? — deb doriga ishora qildi xola.

— Dori...

— Nima karomati bor buningni?

— Karomati ja katta, ishtahani ochadi, isitmani badandan quvadi, darmonga kiritadi.

— Darmonga kiritsa buyam ovqat ekan-da, bundan chiqdi?

— O, ovqat bo'lgandayam eng zo'ridan, topilmaydiganidan.

— Bilmasang bilib qo'y, qoqindiq bismillo aytmasdan qilsang, shu zig'irdekkina doringgayam shayton sherik bo'ladi. Qaysi biri yaxshi?

— E, bunaqa demaysizmi, voy mening xolajonginam-ey...

— Menga qara, qoqindiq, shu bolalarimga necha mahal igna sanchasan?

— Besh mahal, xolajon, nimaydi?

— Oh, Xudoyimning chevarligini qara, qoqindiq, menam besh mahal namoz o'qiyman. Bas, shundog'

экан, ўша игна санчишингни мени намоз ўқийдиган пайтимга тўғрила.

— Вой нимага энди?

— Биласанми, қоқиндиқ намоз пайтида шайтонлар вазарага тушиб, иситмалари мингга чиқиб, касал бўлиб қолишади. Бунақа пайтда улар сираям ишингга аралаша олмайди. Дориларингни бари эм бўлади.

— Бундан чиқди сиззи шайтонлар билан ҳам алоқангиз бор экан-да, вой бў-ў-ў... қойил... Шундай деб оқ халатлик опанинг кўрқувдан кўзлари ўйнаб кетди.

— Мен гаплашмаганман, қоқиндиқ, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам гаплашганлар. У зоти бабарокат шайтондан: «Умматим намозга турганда сенинг ҳолинг не кечади?» деб сўраганлар. Шайтон: «Ё Расулуллоҳ, мени иситма тутади, титирайман» деб жавоб берган.

— Таклифингиз яхши-ю, — дея чайналди оқ халатлик опа.

— Яхши бўлса, нимага дарровда хўп демаяпсан, қоқиндиқ?

— Ахир мениям бошлиқларим бор-да, кўрқаман.

— Сенга ўзи нима керак, манови асалтойларнинг соғайишими? Унда мени бу хонага нимага олиб келдиларинг-а, қоқиндиқ?

— Келишдик, холажон, келишдик, фақат гап шетта қолсин, ҳеч ким билмасин!

— Аллоҳ кўриб турибди, Худодан яширмаймиз, қоқиндиқ.

— Албатта, холажон, Худо ўзимизники, анови-лар билмаса бўлди.

— Алҳамдулиллоҳ, ҳайтовур-ей, — дея холанинг юзига табассум ёйилди.

Бу келишув шайтонваччаларнинг жонини ҳиқилдоғига олиб келди:

— Кўрмоқ бор-у, емоқ й-ў-ўқ, бизлар оч-у, улар т-ў-ўқ, — деб очлик марсиясини бошлаб юборишди.

ekan, o'sha igna sanchishingni meni namoz o'qiydigan paytimga to'g'rila.

— Voy nimaga endi?

— Bilasanmi, qoqindiq namoz paytida shaytonlar vajaraga tushib, isitmaları mingga chiqib, kasal bo'lib qolishadi. Bunaqa paytda ular sirayam ishingga aralasha olmaydi. Dorilaringni bari em bo'ladi.

— Bundan chiqdi sizzi shaytonlar bilan ham aloqangiz bor ekan-da, voy bo'-o'-o'... qoyil... Shunday deb oq xalatlik opaning qo'rquvdan ko'zlari o'ynab ketdi.

— Men gaplashmaganman, qoqindiq, Payg'ambarimiz Muhammad sollallohu alayhi vasallam gaplashganlar. U zoti babarokat shaytondan: «Ummatim namozga turganda sening holing ne kechadi?» deb so'raganlar. Shayton: «Yo Rasululloh, meni isitma tutadi, titirayman» deb javob bergan.

— Taklifingiz yaxshi-yu, — deya chaynaldi oq xalatlik opa.

— Yaxshi bo'lsa, nimaga darrovda xo'p demayapsan, qoqindiq?

— Axir meniyam boshliqlarim bor-da, qo'rqaman.

— Senga o'zi nima kerak, manovi asaltoylarning sog'ayishimi? Unda meni bu xonaga nimaga olib keldilaring-a, qoqindiq?

— Kelishdik, xolajon, kelishdik, faqat gap shetta qolsin, hech kim bilmasin!

— Alloh ko'rib turibdi, Xudodan yashirmaymiz, qoqindiq.

— Albatta, xolajon, Xudo o'zimizniki, anovilar bilmasa bo'ldi.

— Alhamdulillah, haytovur-ey, — deya xolaning yuziga tabassum yoyildi.

Bu kelishuv shaytonvachchalarning jonini hiqildog'iga olib keldi:

— Ko'rmoq bor-u, yemoq y-o'-o'q, bizlar och-u, ular t-o'-o'q, — deb ochlik marsiyasini boshlab yuborishdi.

## ОДОБЛИ БОЛАЛАР

### (ёки оналарнинг ҳайратга тушишлари)

Бисмилло хола эндигина шом намозини ўқиб бўлган эди ҳамки, эшик сирли тақиллаб қолди.

— Ҳа, кировирсинлар, — деди хола ҳайрон бўлиб.

Эшик очилиб, остонада бир-биридан келишган, кўҳликкина иккита жувон кўринди. Кейин қўллари-ни кўксиларига қўйишиб, тавозе билан салом беришди:

— Ассалому алайкум, холажон!

— Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳу ва барокатуҳу, келинлар тасаддуқлар, келинлар, хуш кўрдик, — деди хола.

— Болаларимизни кўргани келдик. Бирам яхши бўпти-ей, сиззи келганингиз, энди ҳамма умидимиз сиздан, холажон.

— Ҳа, бош-оёқ сарупоям қилиб берамиз, у ёғини сўрасангиз, дуоларингизни аямасангиз бўлди.

— Аямайман тасаддуқлар, аямайман, Аллоҳимнинг муборак каломини нимага аяй... Сарупо масаласига келсак...

Бисмилло хола хўрсиниб қўйдилар-да, дедилар:

— Атаганинларни менгамас, бева-бечораларга, қўли калталарга беринлар... Садақа радди бало дейдилар, ҳар балони қайтаради. Аллоҳим қўли очиқларни ўзига дўст кўради, мушкулларини осон қилади, қолаверса, болаларингиз тез-тез учиниб касал бўлавермайди...

— Хўп бўлади, холажон, хўп бўлади...

Жувонлар шундай деб, ўзларига интиқ бўлиб жовдираб турган болаларига юзланишди:

— Қандоқсан, болажоним, опоқмисан?

— Худога шукр...

— Вой одамлар, эшитдинларми? — чапак чалиб юборди оналардан бири, — мени болам одобли бўб қопти, Худога шукр деди, Худога шукр!

— Ов, мени болам унданам зўрини айтди, — деди иккинчиси ҳам қувониб, — Алҳамдулиллоҳ деди, ҳа, Алҳамдулиллоҳ!



## ODOBLI BOLALAR

### (yoki onalarning hayratga tushishlari)

Bismillo xola endigina shom namozini o'qib bo'lgan edi hamki, eshik sirli taqillab qoldi.

— Ha, kirovirsinlar, — dedi xola hayron bo'lib.

Eshik ochilib, ostonada bir-biridan kelishgan, ko'hlikkina ikkita juvon ko'rindi. Keyin qo'llarini ko'ksilariga qo'yishib, tavoze bilan salom berishdi:

— Assalomu alaykum, xolajon!

— Va alaykum assalom va rohmatullohu va barokatuhu, kelinglar tasadduqlar, kelinglar, xush ko'rdik, — dedi xola.

— Bolalarimizni ko'rgani keldik. Biram yaxshi bo'bt-yey, sizzi kelganingiz, endi hamma umidimiz sizdan, xolajon.

— Ha, bosh-oyoq sarupoyam qilib beramiz, u yog'ini so'rasangiz, duolaringizni ayamasangiz bo'ldi.

— Ayamayman tasadduqlar, ayamayman, Allohning muborak kalomini nimaga ayay... Sarupo masalasiga kelsak...

Bismillo xola xo'rsinib qo'ydilar-da, dedilar:

— Ataganinglarni mengamas, beva-bechoralarga, qo'li kaltalarga beringlar... Sadaqa raddi balo deydi, har baloni qaytaradi. Alloh qo'li ochiqlarni o'ziga do'st ko'radi, mushkullarini oson qiladi, qolaversa, bolalaringiz tez-tez uchinib kasal bo'lavermaydi...

— Xo'p bo'ladi, xolajon, xo'p bo'ladi...

Juvonlar shunday deb, o'zlariga intiq bo'lib jovdirab turgan bolalariga yuzlanishdi:

— Qandoqsan, bolajonim, opoqmisan?

— Xudoga shukr...

— Voy odamlar, eshitdinglarmi? — chapak chalib yubordi onalardan biri, — meni bolam odobli bo'b qopti, Xudoga shukr dedi, Xudoga shukr!

— Ov, meni bolam undanam zo'rini aytdi, — dedi ikkinchisi ham quvonib, — Alhamdulillah dedi, ha, Alhamdulillah!

Буни эшитиб турган шайтонваччалар жонлари кийноқда бўлса ҳам, кулиб юборишди:

— Ҳе-хе-хе... вой лақмалар-ей, вой ўқимаганлар-ей... ахир икковиям битта сўз-ку...

— Талашманглар тасаддуқлар, талашманглар, — деди Бисмилло хола ҳам мийиғида кулиб, — аслида икковиям битта сўз, маъноси битта. Сиззи болайз ўзбекчалаб айтди, сиззики арабчалаб, шу...

— Вой мени болам ўзимга тортибди-да, шу деса сангиз холажон камина кийим-кечакниям, гап-сўзням ажнабийсини яхши кўраман. Барака топинг-ей, холажон, илоё барака топинг, болаларимизни бир кундаёқ одобли қип қўйибсиз-а!

— Ҳа-я, буни қаранглар, олманиям бисмилло айтиб олиб, бисмилло айтиб тишлаяпти... Бирам ярашяптики...

— Гап бундоқ, тасаддуқлар, — деди хола босиқ оҳангда, — одатда болалар Аллоҳнинг марҳамати билан мусулмон бўлиб туғилишади. Фақат уларнинг кейинчалик ким бўлиши сизларнинг тарбиянгизга боғлиқ, уқдиларингми?

— Вой бундоқ тилло гапларни уқмай бўладими, холажон, турган-битгани хазина-ку, хазина... Бисмиллода гап кўп экан... Бисмилло айтиб, фалокатларни кўчада қолдириб ичкари кирдик, тўғрими холажон?

— Жа унчаликмас, тасаддуқ...

— Вой нимага энди?

— Сизлар оёқларингдаги фалокатни бошларингда кўтариб кирдинглар, фарқи шу...

— Бошимизда-я, вой ўлиб қўяқолай, қандоқ қилиб холажон?

— Гап бундоқ, тасаддуқлар... ўзи аёл зотининг боши супур-сидирдан чиқмайди, тўғрими?

— Э, секин айтасизми, холажон, нақ қўлимиз касов, сочимиз супурги-ку!

— Ҳа баракалла! Фалокат қургур, аёл кишининг бир этагига, бир бошига ёпишади.

— Бошга-я?

— Шундоқ тасаддуқлар, шундоқ. Бундан Мосуво бўлишнинг йўли осон, бошга рўмол ўралса бўлди, олам гулистон. Фалокат дегани сиздан ҳов наридан

Buni eshitib turgan shaytonvachchalar jonlari qiynoqda bo'lsa ham, kulib yuborishdi:

— He-he-he... voy laqmalar-ey, voy o'qimaganlar-ey... axir ikkoviyam bitta so'z-ku...

— Talashmanglar tasadduqlar, talashmanglar, — dedi Bismillo xola ham miyig'ida kulib, — aslida ikkoviyam bitta so'z, ma'nosi bitta. Sizzi bolayz o'zbekchalab aytdi, sizziki arabchalab, shu...

— Voy meni bolam o'zimga tortibdi-da, shu desangiz xolajon kamina kiyim-kechakniyam, gap-so'zniyam ajnabiysini yaxshi ko'raman. Baraka toping-ey, xolajon, iloya baraka toping, bolalarimizni bir kundayoq odobli qip qo'yibsiz-a!

— Ha-ya, buni qaranglar, olmaniyam bismillo aytib olib, bismillo aytib tishlayapti... Biram yarashyaptiki...

— Gap bundoq, tasadduqlar, — dedi xola bosiq ohangda, — odatda bolalar Allohning marhamati bilan musulmon bo'lib tug'ilishadi. Faqat ularning keyinchalik kim bo'lishi sizlarning tarbiyangizga bog'liq, uqdilaringmi?

— Voy bundoq tillo gaplarni uqmay bo'ladimi, xolajon, turgan-bitgani xazina-ku, xazina... Bismilloda gap ko'p ekan... Bismillo aytib, falokatlarni ko'chada qoldirib ichkari kirdik, to'g'rimi xolajon?

— Ja unchalikmas, tasadduq...

— Voy nimaga endi?

— Sizlar oyoqlaringdagi falokatni boshlaringda ko'tarib kirdinglar, farqi shu...

— Boshimizda-ya, voy o'lib qo'yaqolay, qandoq qilib xolajon?

— Gap bundoq, tasadduqlar... o'zi ayol zotining boshi supur-sidirdan chiqmaydi, to'g'rimi?

— E, sekin aytasizmi, xolajon, naq qo'limiz kasov, sochimiz supurgi-ku!

— Ha barakalla! Falokat qurgur, ayol kishining bir etagiga, bir boshiga yopishadi.

— Boshga-ya?

— Shundoq tasadduqlar, shundoq. Bundan mosuvo bo'lishning yo'li oson, boshga ro'mol o'ralsa bo'ldi, olam guliston. Falokat degani sizdan hov naridan

юради. Билмадим ҳозир сизлар ялангбош билан нечча кунлик фалокатни бошийларда кўтариб юрган-дирсизлар...

Иккала кўҳлик жувон «вой-й-й»... деб бошларини чангаллаб қолишди. Бундан шайтонваччаларнинг фиғони яна фалакка чиқди:

— Вой бў-ў-ў... бу опалар ҳам ўзимиздан эди, уларам қўлдан кетадиган бўлди-ку...

## ШАЙТОНЛАРГА ТУҲМАТ

### (ёки одам қиёфасидаги шайтонлар)

Эрта тонгданоқ шифохонанинг тинчи бузилди. Униси у ёққа чопган, буниси бу ёққа. Ким супурган-сидирган, ким дераза рахлари, ойналарни артган. Увадаси чиққан матрасларни беркитган. Хуллас, касаллар бир чеккада қолиб, ҳамма кўз тушарли жойларни ялаб-ялтиратган...

Бу аҳволни кўрган шайтонваччаларнинг ҳам пешонаси тиришди. Ёпишиб ётган жойларида тутун қайтаришди:

— Касалларнинг ранги тупроқ бўлиб, ювилмаган қозондек сарғайиб ётибди-ку, булар нукул, кўчакуйга, эшик-деразага зўр беришади-я, тавба...

— Касалларнинг зангини сув билан кетказиб бўлмайди-да, дори керак, дори. Дори-дармонни эрта кунда пуллаворишган...

— Э, эсипастлар, одамларнинг ишларига аралашиб нима қиласанлар, бири ўлиб, бири қолмайди-ми, — деди Шайтонвачча улардан баланд келиб.

Чоп-чоплардан Бисмилло холанинг ҳам энсалари қотди:

— Ҳа қоқиндиқ, — дедилар оқ халатлик опанинг йўлини тўсиб, — жа оёғи куйган товукдек типирчилаб қолдиларинг, тинчликми?

— Вой мени гапга тутманг, холажон. Ҳа алахситманг, чалғитманг! Ҳозир ҳаммаёқни меҳмонлар босади, меҳмонлар...

— Кўйсанг-чи қизим, нима сенга бу ер тўйхонамидики, меҳмон босиб, комиссия дегин ишонай.

yuradi. Bilmadim hozir sizlar yalangbosh bilan nechcha kunlik falokatni boshiylarda ko'tarib yurgandirsizlar...

Ikkala ko'hlik juvon «voy-y-y»... deb boshlarini changallab qolishdi. Bundan shaytonvachchalarning fig'oni yana falakka chiqdi:

— Voy bo'-o'-o'... bu opalar ham o'zimizdan edi, ularam qo'ldan ketadigan bo'ldi-ku...

## SHAYTONLARGA TUHMAT

### (yoki odam qiyofasidagi shaytonlar)

Ertatongdanoq shifoxonaning tinchi buzildi. Unisi u yoqqa chopgan, bunisi bu yoqqa. Kim supurgan-sidirgan, kim deraza rahlari, oynalarni artgan. Uvadasi chiqqan matraslarni berkitgan. Xullas, kasallar bir chekkada qolib, hamma ko'z tusharli joylarni yalabayaltiratgan...

Bu ahvolni ko'rgan shaytonvachchalarning ham peshonasi tirishdi. Yopishib yotgan joylarida tutun qaytarishdi:

— Kasallarning rangi tuproq bo'lib, yuvilmagan qozondek sarg'ayib yotibdi-ku, bular nuqul, ko'chakuyga, eshik-derazaga zo'r berishadi-ya, tavba...

— Kasallarning zangini suv bilan ketkazib bo'lmaydi-da, dori kerak, dori. Dori-darmonni erta kunda pul-lavorishgan...

— E, esipastlar, odamlarning ishlariga aralashib nima qilasanlar, biri o'lib, biri qolmaydimi, — dedi Shaytonvachcha ulardan baland kelib.

Chop-choplardan Bismillo xolaning ham ensalari qotdi:

— Ha qoqindiq, — dedilar oq xalatlik opaning yo'lini to'sib, — ja oyog'i kuygan tovuqdek tipirchilab qoldilaring, tinchlikmi?

— Voy meni gapga tutmang, xolajon. Ha alaxsitmang, chalg'itmang! Hozir hammayoqni mehmonlar bosadi, mehmonlar...

— Qo'ysang-chi qizim, nima senga bu yer to'yxonamidiki, mehmon bosib, komissiya degin ishonay.

— Қизиқсиз-а холажон, комиссия билан меҳмоннинг фарқига менам бораман. Комиссия деганлари куруқ келади-ю, ўла қолсаям куруқ кетмайди. Бир нималарни ўмариб кетади. Меҳмон куруқ келиб, зиёфатингизни еб-ичиб, куруқ кет-а-а-а-вради... Сизнинг тилингизда айтганда комиссия деганлари порахўр-у, меҳмон зиёфатхўр бўлади... Аслида икковиям бир гўр, шайтонга ўхшамай ўлишсин...

Оқ халатлик опанинг сўзлари шайтонваччаларнинг ҳамиятига тегиб кетди:

— Ҳеч бўлмаса биззи тинч қўй, ҳов, мулойим супурги...

— Ҳа-я, биз есак битта қорнимизга еймиз, кўтариб кетмаймиз, участка солмаймиз, мошина олмаймиз, тухмат ҳам эви билан-да...

## ШАЙТОНИ ЗҶР АМАКИ

(ёки меҳмонларнинг ҳайрон-у лол бўлишлари...)

Шайтонваччалар шифтга ёпишганларича одам болалари устидан у деб, бу деб мағзава ағдариб туришган эди, остонада бир тўп одамлар кўринди. Олдинда шайтонваччаларга кўпдан қадрдон бўлиб қолган, бунинг устига очикдан-очик «шайтони зўр» деб ном олган жарроҳ амаки келарди. У кишини кўриш билан шайтонваччаларга жон битиб, кўзлари сузилиб кетди:

— Оҳ-оҳ-оҳ, — деди улардан бири бошқаларига суюнчилаган бўлиб, — хайрият, биззи кўчадаям байрам бўладиганга ўхшайди. Халоскоримиз келяптилар, халоскоримиз... Ўлмаган қулга бўлди ёз...

Аммо нима бўлди денг, нақ осмон узилди-ю, ерга тушди. Шайтони зўр амаки остонада бир зум тўхтаб:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, — деб ўнг оёғи билан ичкари қадам қўйди.

— Ваҳ-ваҳ-ваҳ, — деб юборишди шайтонваччалар шифтга баттар қапишиб, — шундоқ гуруллаб юрган одам ҳам ўчиб қопти-ку, ўчиб... Илгари му-

— Qiziqsiz-a xolajon, komissiya bilan mehmonning farqiga menam boraman. Komissiya deganlari quruq keladi-yu, o'la qolsayam quruq ketmaydi. Bir nimalarni o'marib ketadi. Mehmon quruq kelib, ziyofatingizni yeb-ichib, quruq ket-a-a-a-vradi... Sizning tilingizda aytganda komissiya deganlari poraxo'r-u, mehmon ziyofatxo'r bo'ladi... Aslida ikkoviyam bir go'r, shaytonga o'xshamay o'lishsin...

Oq xalatlik opaning so'zlari shaytonvachchalarning hamiyatiga tegib ketdi:

— Hech bo'lmasa bizzi tinch qo'y, hov, muloyim supurgi...

— Ha-ya, biz yesak bitta qornimizga yeymiz, ko'tarib ketmaymiz, uchastka solmaymiz, moshina olmaymiz, tuhmat ham evi bilan-da...

## SHAYTONI ZO'R AMAKI

**(yoki mehmonlarning hayron-u lol bo'lishlari...)**

Shaytonvachchalar shiftga yopishganlaricha odam bolalari ustidan u deb, bu deb mag'zava ag'darib turishgan edi, ostonada bir to'p odamlar ko'rindi. Oldinda shaytonvachchalarga ko'pdan qadrdon bo'lib qolgan, buning ustiga ochiqdan-ochiq «shaytoni zo'r» deb nom olgan jarroh amaki kelardi. U kishini ko'rish bilan shaytonvachchalarga jon bitib, ko'zlari suzilib ketdi:

— Oh-oh-oh, — dedi ulardan biri boshqalariga suyunchilagan bo'lib, — xayriyat, bizzi ko'chadayam bayram bo'ladiganga o'xshaydi. Xaloskorimiz kelyaptilar, xaloskorimiz... O'Imagan qulga bo'ldi yoz...

Ammo nima bo'ldi deng, naq osmon uzildi-yu, yerga tushdi. Shaytoni zo'r amaki ostonada bir zum to'xtab:

— Bismillahir rohmanir rohiym, — deb o'ng oyog'i bilan ichkari qadam qo'ydi.

— Vah-vah-vah, — deb yuborishdi shaytonvachchalar shiftga battar qapishib, — shundoq gurullab yurgan odam ham o'chib qopti-ku, o'chib... Ilgari

салласини ичволиб, тишини кавлаб, юрсамми-юр-масамми, деб кириб келишлари қандоқ ярашарди-я. Оғзидан ёқимли ҳидлар келардики... бизниям маст қип қўярди, маст... энди бўлса, бе-е... қуриб кетсин, исириқни ҳиди келяпти, исириқни...

Шу пайт шайтони зўр амаки кутилмаганда яна нима деди денг:

— Ассалому алайкум, азиз болажонлар!

— Э, ҳа-а-а... — дейишди шайтонваччалар бир нимани сезиб, — амакимиз чурвақаларга икки букилиб салом бериб қоптилар, амалдан тушибдилар шекилли...

Болаларнинг биттаси шайтони зўр амакининг саломига болохонадор қилиб жавоб бериб қолди-ку:

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу...

— Ана, ана, айтмадимми, — деди орқасида девор бўб турган комиссияга қараб, — бизда даволаш турларининг ҳаммасидан бор деб, бу исломий хона, тўғрими холажон, — дея шайтони зўр амаки Бисмилло холага қаради.

— Шундоқ, айланайлар, шундоқ...

— Энди, энажон, меҳмонларни сиздек муборак зот билан таништираман.

— Вой, ҳечам зарурати йўқ-да, айланай, мен Худойимнинг бир ожиз бандасиман...

— Унда рухсатингиз билан буларни сизга таништираман.

— Вой айланай, унияма ҳожати йўқ, бу болаларимни таниб турибман, булар меҳмон, ҳа меҳмон отангдек улуғ деган гап бор, бизда... Аниқроқ қилиб айтсам, тажриба алмашгани келишган...

— Э, ўлманг энажон, ўлманг, девор бўлмаса кўчани кўрар экансиз. Ҳали сиззиям даволаш усулларингизни ўрганишади, ҳа, машҳур замон бўб кетасиз...

— Вой, одамни бундақа уялтирмангда, айланай...

— Эй, камтар энагинам-а, қани бизга айтиб беринг-чи, манови беморингиз менинг саломимга нималар деб жавоб берди, а?

— Бу болагинам сизларга сиҳат-саломатлик ти-



musallasini ichvolib, tishini kavlab, yursammi-yurmasammi, deb kirib kelishlari qandoq yarashardi-ya. Og'zidan yoqimli hidlar kelardiki... bizniyam mast qip qo'yardi, mast... endi bo'lsa, be-e... qurib ketsin, isiriqni hidi kelyapti, isiriqni...

Shu payt shaytoni zo'r amaki kutilmaganda yana nima dedi deng:

— Assalomu alaykum, aziz bolajonlar!

— E, ha-a-a... — deyishdi shaytonvachchalar bir nimani sezib, — amakimiz churvaqalarga ikki bukilib salom berib qoptilar, amaldan tushibdilar shekilli...

Bolalarning bittasi shaytoni zo'r amakining salomiga boloxonador qilib javob berib qoldi-ku:

— Vaalaykum assalom va rahmatullohi va barokatu-tuhu...

— Ana, ana, aytmadimmi, — dedi orqasida devor bo'b turgan komissiyaga qarab, — bizda davolash turlarining hammasidan bor deb, bu islomiy xona, to'g'rimi xolajon, — deya shaytoni zo'r amaki Bismillo xolaga qaradi.

— Shundoq, aylanaylar, shundoq...

— Endi, enajon, mehmonlarni sizdek muborak zot bilan tanishtirsam.

— Voy, hecham zarurati yo'q-da, aylanay, men Xudoyimning bir ojiz bandasiman...

— Unda ruxsatingiz bilan bularni sizga tanishtirsam.

— Voy aylanay, uniyam hojati yo'q, bu bolalarimni tanib turibman, bular mehmon, ha mehmon otangdek ulug' degan gap bor, bizda... Aniqroq qilib aytsam, tajriba almashgani kelishgan...

— E, o'lmang enajon, o'lmang, devor bo'lmasa ko'chani ko'rar ekansiz. Hali sizziyam davolash usullaringizni o'rganishadi, ha, mashhur zamon bo'b ketasiz...

— Voy, odamni bundaqa uyaltirmangda, aylanay...

— Ey, kamtar enaginam-a, qani bizga aytib beringchi, manovi bemoringiz mening salomimga nimalar deb javob berdi, a?

— Bu bolaginam sizlarga sihat-salomatlik tilab,

лаб, топган-тутганингизга, моли-жонингизга худодан барака сўради.

— Оҳ-оҳ, саломлашишнинг қаймоғи бу ёқда экану, биз нималар деб юрибмиз!

## АМАЛ ДАФТАРИ

### (ёки шайтонваччаларнинг озод бўлиши)

Шайтони зўр амаки холани мақтаб осмони фалакка обчиқиб қўйгач, номига бўлса ҳам болаларнинг у ёқ, бу ёғини кўриб қўймоқчи бўлди. У киши одати бўйича ҳамма ишни чап тарафдан бошларди, туғма чапақай эди. Буни сезиб қолган Бисмилло хола шайтони зўр амакининг йўлини тўсди.

— Нима қилмоқчисиз, айланай?

— Асалтойларингизни бир кўриб қўяйлик, энажон, бу сиззи кечаси-ю кундузи «куф-суф»ларингиздан зўриқиб кетишмасин тағин... а, лаббай?

— Жуда яхши, айланай, эмли қўлларингиз билан кўриб қўйганга нима етсин... Фақат сиздан илтимос, кўришни ўнгдан бошланг... чаппи иши қурсин, дарровда шайтон аралашади...

— Энди... — деди шайтони зўр амаки, пешонаси тиришиб, — бу ёғини ўзимга қўйиб берсангиз... шу кейинги пайтда жа ақл ўргатувчилар кўпайиб кетди...

— Ҳе-хе-хе... — дея шайтонваччаларга жон кириб қолди, — ахир бу одам чапақай-ку, жарроҳликниям чап қўлда қилади, шунга қўлига тушганлар бу ёққамас, у ёққа жўнайди...

Бисмилло хола шайтони зўр амакининг жаҳли чиққанини билмадими ё билса ҳам билмасликка олдимиди, ишқилиб ўз айтганидан қолмади:

— Охиратда буни азоби оғир бўлади, айланай. Номайи амалингиз чапдан берилади худди...

— Э, дарахтнинг бўшини қурт ейди деб... мияни суюлтирвордингиз-ку, кампир, ўнг дейсиз, чап дейсиз, нима фарқи бор?

— Фарқими, вой айланай сиздан, фарқи нақ осмон билан ерча-я. Манови икки елкангизда амалингизни ёз-и-и-иб иккита фаришта ўтиради, сиз-

topgan-tutganingizga, moli-joningizga xudodan baraka so'radi.

— Oh-oh, salomlashishning qaymog'i bu yoqda ekanu, biz nimalar deb yuribmiz!

## AMAL DAFTARI

### (yoki shaytonvachchalarning ozod bo'lishi)

Shaytoni zo'r amaki xolani maqtab osmoni falakka obchiqib qo'ygach, nomiga bo'lsa ham bolalarning u yoq, bu yog'ini ko'rib qo'ymoqchi bo'ldi. U kishi odati bo'yicha hamma ishni chap tarafdin boshlardi, tug'ma chapaqay edi. Buni sezib qolgan Bismillo xola shaytoni zo'r amakining yo'lini to'sdi.

— Nima qilmoqchisiz, aylanay?

— Asaltoylaringizni bir ko'rib qo'yaylik, enajon, bu sizni kechasi-yu kunduzi «kuf-suf»laringizdan zo'riqib ketishmasin tag'in... a, labbay?

— Juda yaxshi, aylanay, emli qo'llaringiz bilan ko'rib qo'yganga nima yetsin... Faqat sizdan iltimos, ko'rishni o'ngdan boshlang... chappi ishi qursin, darrovda shayton aralashadi...

— Endi... — dedi shaytoni zo'r amaki, peshonasi tirishib, — bu yog'ini o'zimga qo'yib bersangiz... shu keyingi paytda ja aql o'rgatuvchilar ko'payib ketdi...

— He-he-he... — deya shaytonvachchalarga jon kirib qoldi, — axir bu odam chapaqay-ku, jarrohlikniyam chap qo'lda qiladi, shunga qo'lga tushganlar bu yoqqamas, u yoqqa jo'naydi...

Bismillo xola shaytoni zo'r amakining jahli chiqqanini bilmadimi yo bilsa ham bilmaslikka oldimi, ishqilib o'z aytganidan qolmadi:

— Oxiratda buni azobi og'ir bo'ladi, aylanay. Nomayi amalingiz chapdan beriladi xuddi...

— E, daraxtning bo'shini qurt yeydi deb... miyani suyultirvordingiz-ku, kampir, o'ng deysiz, chap deysiz, nima farqi bor?

— Farqimi, voy aylanay sizdan, farqi naq osmon bilan yercha-ya. Manovi ikki yelkangizda amalingizni

га айтсам... Ўнг тарафдагиси савоб ишларни, чап тарафдагиси гуноҳ ишларни ёзади. Шу десангиз... гуноҳи кабираларнинг кўпи чапга юришдан бўлади, қоқиндиқ. Савоб амалларингиз кўп бўлса, номайи амалингиз ўнг тарафингиздан берилиб, жаннати бўб турибсиз жон болам. Акси бўлса-чи, ҳай-ҳай-й-й, Худо сақласин-а, шундоқ суқсурдек йигит, худди дўзахга ўтин бўласиз-а!

— Бўлди-е!..

— Биззи вазифамиз айтиб, билдириб қўйиш, жоним болам.

— Гап бундоқ кампиршо, битта қозонда иккита кўчқорнинг боши қайнамас деганлар...

— Эшитганим бор, доно болам.

— Эшитган бўлсангиз жуда яхши, неварангизни олинг-да бу ердан даф бўлинг, ҳа, тезроқ.

Шайтонваччаларга бўлди байрам, бўлди тантана. Жағлари-жағларига тегмай қолди.

— Воҳ-воҳ-воҳ...

— Ростданам шайтони зўр экан бу амакининг...

## УЙГА ҚАЙТИШ

**(ёки Шайтонваччани кутаётган янги ташвишлар)**

Бисмилло холадан кейин ака-укалар ҳам касалхонада узоқ қолишмади. Шайтонвачча ҳам улар билан қайтди. Аммо у анави барзанги шайтонваччалар қўлида кўп тепкиланди. Шифтда неча кун ёпишиб ётган бўлса, шунча кун уни азоблашди. Азои-баданида уларнинг «эсдалик дастхат»лари битилмаган жой қолмади. Еган-ичганлариям бурнидан булоқ бўлди. Ўзи шайтонвачча бўлиб туғилиш осон экан-у, шайтон бўлиб яшаш қийин экан. Одамлар ҳам айтишадди-ку, одам бўлиб туғилиш осон, одамий бўлиш қийин деб.

Шайтонвачча уйга қайтгач, бир ғийбатлашиб, хумордан чиқай деб онасини излаб қолди. Онаси нуқул емакхонанинг чап бурчагида ўтиргувчи эди. Касалхонагаям ўша жойдан кузатиб қолувди. Шайтонвачча шу ёққа кўз ташлади-ю:

yozi-ib ikkita farishta o'tiradi, sizga aytsam... O'ng tarafdagisi savob ishlarni, chap tarafdagisi gunoh ishlarni yozadi. Shu desangiz... gunohi kabiralarning ko'pi chapga yurishdan bo'ladi, qoqindiq. Savob amallaringiz ko'p bo'lsa, nomayi amalingiz o'ng tarafingizdan berilib, jannati bo'b turibsiz jon bolam. Aksi bo'lsa-chi, hay-hay-y-y, Xudo saqlasin-a, shundoq suqsurdek yigit, xuddi do'zaxga o'tin bo'lasiz- a!

— Bo'ldi-ye!..

— Bizzi vazifamiz aytib, bildirib qo'yish, jonim bolam.

— Gap bundoq kampirsho, bitta qozonda ikkita qo'chqorning boshi qaynamas deganlar...

— Eshitganim bor, dono bolam.

— Eshitgan bo'lsangiz juda yaxshi, nevarangizni oling-da bu yerdan daf bo'ling, ha, tezroq.

Shaytonvachchalarga bo'ldi bayram, bo'ldi tantana. Jag'lari-jag'lariga tegmay qoldi.

— Voh-voh-voh...

— Rostdanam shaytoni zo'r ekan bu amaking...

## UYGA QAYTISH

### (yoki Shaytonvachchani kutayotgan yangi tashvishlar)

Bismillo xoladan keyin aka-ukalar ham kasalxonada uzoq qolishmadi. Shaytonvachcha ham ular bilan qaytdi. Ammo u anavi barzangi shaytonvachchalar qo'lida ko'p tepkilandi. Shiftda necha kun yopishib yotgan bo'lsa, shuncha kun uni azoblashdi. Azoi-badanida ularning «esdalik dastxat»lari bitilmagan joy qolmadi. Yegan-ichganlariyam burnidan buloq bo'ldi. O'zi shaytonvachcha bo'lib tug'ilish oson ekan-u, shayton bo'lib yashash qiyin ekan. Odamlar ham aytishadi-ku, odam bo'lib tug'ilish oson, odamiy bo'lish qiyin deb.

Shaytonvachcha uyga qaytgach, bir g'iybatlashib, xumordan chiqay deb onasini izlab qoldi. Onasi nuqul yemaxonaning chap burchagida o'tirguvchi edi. Kasalxonagayam o'sha joydan kuzatib qoluvdi. Shaytonvachcha shu yoqqa ko'z tashladi-yu:

— Ё Азозил бобом, деб юборди. (Шайтонларнинг бобокалонини оти Азозил эди-да!)

Шайтонваччанинг азойи-баданига титроқ кириб, ўзидан кетай деди. Нимага деганда бурчакда онасимас, бир уйим ола-пес суяклар ётарди.

— Ҳаҳ, — деди Шайтонвачча алам билан, — бечора онагинамнинг куни шу итга берса ит ғажимайдиган суякларга қопти-да, — деб ўхшатиб туриб суякларни бир тепди.

Шу пайт худди ер тагидан чиққандек бир овоз кулоғига чалинди:

— Ҳа, тепмай тепганда кетгур-а, гўрсўхта, нима, тукқан онангни танитай қолдингми, кўр бўлгур?

— Йўғ-е...

— Ҳа, одам болаларига ўхшаб кўзингни ёғ босмай ўлсин!

Шайтонвачча кўзларини йириб-йиртиб, бундоқ қараса, тиришиб ётган нарса онаси экан. Ҳар қалай онаси-да жиндек бўлсаям жони ачиди:

— Вой онажоним... вой меҳрибоним... вой қадрдоним... шўрингга шўрвалар тўкилиб қопти-ку, — деб шайтон йиғиси қилган бўлди.

— Нима, нималар дединг, тилинг кесилгур, — дея ола-пес суякларини шақиллатиб ўрнидан туриб кетди она шайтон, — одам болаларининг ҳиди кеп қопти-ку, сен тўтиқушдан. — Меҳрибоним, қадрдониммиш... сизладингамми, бузиқи?..

— Э, — деди Шайтонвачча ўзини оқлашга шошилиб, — анави ака-укаларга битта кампиршо дарс берувди, шу...

— Нималар девди, меров?

— Айтувдики... яхши гап жон озиғи, ёмон гап бош қозиғи девди. Мана яхши гаплардан сенам бошингни кўтардинг-ку, илонга ўхшаб. Ҳа, тагин... яхши гапирса, илон ҳам инидан чиқаркан...

— Ҳа, чайналмай чайналиб кетгур-а, сотқин! Бунақа чучмал гаплардан ҳазар қилиш ўрнига ўрганиб олдингми а, тўтиқуш?

— Э, мен қатган билай?

— Билмасанг билиб қўй, эшакмия еган, сизла-

— Yo Azozil bobom, deb yubordi. (Shaytonlarning bobokalonini oti Azozil edi-da!)

Shaytonvachchaning azoyi-badaniga titroq kirib, o'zidan ketay dedi. Nimaga deganda burchakda onasimas, bir uyim ola-pes suyaklar yotardi.

— Hah, — dedi Shaytonvachcha alam bilan, — bechora onaginamning kuni shu itga bersa it g'ajimaydigan suyaklarga qopti-da, — deb o'xshatib turib suyaklarni bir tepdi.

Shu payt xuddi yer tagidan chiqqandek bir ovoz qulog'iga chalindi:

— Ha, tepmay tepganda ketgur-a, go'rso'xta, nima, tuqqan onangni tanimay qoldingmi, ko'r bo'gur?

— Yo'g'e...

— Ha, odam bolalariga o'xshab ko'zingni yog' bosmay o'lsin!

Shaytonvachcha ko'zlarini yirib-yirtib, bundoq qarasa, tirishib yotgan narsa onasi ekan. Har qalay onasida jindek bo'lsayam joni achidi:

— Voy onajonim... voy mehribonim... voy qadr-donim... sho'ringga sho'rvalar to'kilib qopti-ku, — deb shayton yig'isi qilgan bo'ldi.

— Nima, nimalar deding, tiling kesilgur, — deya ola-pes suyaklarini shaqillatib o'rnidan turib ketdi ona shayton, — odam bolalarining hidi kep qopti-ku, sen to'tiqushdan. — Mehribonim, qadr-donimmish... sizla-dingammi, buziqi?..

— E, — dedi Shaytonvachcha o'zini oqlashga shoshilib, — anavi aka-ukalarga bitta kampirsho dars beruvdi, shu...

— Nimalar devdi, merov?

— Aytuvdiki... yaxshi gap jon ozig'i, yomon gap bosh qozig'i devdi. Mana yaxshi gaplardan senam boshingni ko'tarding-ku, ilonga o'xshab. Ha, tag'in... yaxshi gapirsa, ilon ham inidan chiqarkan...

— Ha, chaynalmay chaynalib ketgur-a, sotqin! Bunaqa chuchmal gaplardan hazar qilish o'rniga o'rganib oldingmi a, to'tiqush?

— E, men qattan bilay?

— Bilmasang bilib qo'y, eshakmiya yegan, sizlatish

тиш Худодан, сенлатиш шайтондан бўлади, уқдингми, оғмачи?

— Уқдим-уқдим, — деди у ҳар доимгидек шошапиша.

Шайтонвачча онасининг ёнидан нари кетмоқчи, ака-укаларни чалғитиб овқатига шерик бўлмоқчи, кўчага чиқиб болаларни уриштириб, ўйинчоқларини тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ онасининг кўрга ўхшаб пайпасланаётганини кўриб, баттар ҳайрон бўп қолди. Бундоқ қараса, онасининг кўзлари йўқ. Ўрни худди косов тикилгандек қоп-қорайиб турибди.

— Вой она, кўзларинг қани?

Она шайтоннинг ҳасратидан чанг чиқди:

— Э, асти сўрама, бу уй уй эмас, гўристоннинг ўзи бўб қолди, ҳа! Сен кетгандан кейин уйда қиёмат кўпди, қиёмат! Хожа деганлари тамоман тўнани тескари кийиб олди. Умрида чертмаган Хожабекани тутволиб чунонам урдики...

— Ваҳ-ҳ, — дея бир кўтарилиб тушди Шайтонвачча, — урди дейсанми, тамошанинг каттаси бўбтида унда?

— Дард, томошамиш, олдин нимага урди, деб сўрасанг-чи, думбул?

— Рост-а, шундоқ попукдек хотинга қандоқ қўл кўтарди?

— Ташмачилиги учун!

— Бу янги гапмас-ку, она?

— Нима эмиш — Хожабека боғча болаларининг ризқини ташмалаб, ўз болаларининг умрини қияётган эмиш. Энди боғчадан бир тишлам нарса олиб келсанг тўрт томонинг қибла деб юборди, баттол!

— Ў-ў-ў-ў, — деди Шайтонвачча бу жанжалнинг тагига етгандек, — бу жанжалда ҳойнаҳой касалхонадаги анави кампиршонинг қўли бор. Хожа борганда бир нималарни қулоғига қуйган эди, ўша жодугар.

— Ҳа яша, сен айтган ўша жодугарни деб калтак еди бечора Хожабека. Хожа кампирни боғчага ишга оласан деб туриб олди-да.

— Ишга оласан, деди? Ваҳ-ваҳ... нималар деясан, она?



Xudodan, senlatish shaytondan bo'ladi, uqdingmi, og'machi?

— Uqdim-uqdim, — dedi u har doimgidek shoshapisha.

Shaytonvachcha onasining yonidan nari ketmoqchi, aka-ukalarni chalg'itib ovqatiga sherik bo'lmoqchi, ko'chaga chiqib bolalarni urishtirib, o'yinchoqlarini tortib olmoqchi bo'ldi. Biroq onasining ko'rga o'xshab paypaslanayotganini ko'rib, battar hayron bo'p qoldi. Bundoq qarasa, onasining ko'zlari yo'q. O'rni xuddi kosov tiqilgandek qop-qorayib turibdi.

— Voy ona, ko'zlaring qani?

Ona shaytonning hasratidan chang chiqdi:

— E, asti so'rama, bu uy uy emas, go'ristonning o'zi bo'b qoldi, ha! Sen ketgandan keyin uyda qiyomat qo'pdi, qiyomat! Xoja deganlari tamoman to'nini teskari kiyib oldi. Umrida chertmagan Xojabekani tutvolib chunonam urdiki...

— Vah-h, — deya bir ko'tarilib tushdi Shaytonvachcha, — urdi deysanmi, tamoshaning kattasi bo'btida unda?

— Dard, tomoshamish, oldin nimaga urdi, deb so'rasang-chi, dumbul?

— Rost-a, shundoq popukdek xotinga qandoq qo'l ko'tardi?

— Tashmachiligi uchun!

— Bu yangi gapmas-ku, ona?

— Nima emish — Xojabeka bog'cha bolalarining rizqini tashmalab, o'z bolalarining umrini qiyayotgan emish. Endi bog'chadan bir tishlam narsa olib kelsang to'rt tomoning qibla deb yubordi, battol!

— O'-o'-o'-o', — dedi Shaytonvachcha bu janjalning tagiga yetgandek, — bu janjalda hoynahoy kasalxonadagi anavi kampirshoning qo'li bor. Xoja borganda bir nimalarni qulog'iga quygan edi, o'sha jodugar.

— Ha yasha, sen aytgan o'sha jodugarni deb kaltak yedi bechora Xojabeka. Xoja kampirni bog'chaga ishga olasan deb turib oldi-da.

— Ishga olasan, dedi? Vah-vah... nimalar deyapsan, ona?

- Эшитганинг...
- Ишга омайман дедими, ишқилиб?
- Қайда, сенга айтишга осон, Хожа айтганимни қилмасанг тўрт тамонинг қибла деб турибди-ю... Боғчадаги битта яллачи хотиннинг ўрнига аллачи қилиб ишга олди.
- Ўҳ-хў... бу ёғигаям қовун тушибди-ку, она?
- Ҳа, ишлар чатоқдан-чатоқ! Кундан-кун баттар бўлиб боряпти...
- Шундай қилиб, Хожабека боғчадан ҳеч нима обкемай кўйдими, она?
- Кўзларим бўлганда борми, сен сўтакни димоғини битта тарсаки билан шундоқ очиб кўярдимки...
- Ў-ў-ў-ў... — деб юборди Шайтонвачча ён-атрофдан ҳид олиб, — бу уй эмас, саҳройи кабирку...
- Шунақа, билиб кўй, ҳалол нарсаларнинг ҳиди чиқмайди. Сен билан мен ейиш-ичиш у ёқда турсин, ҳидиданам маҳруммиз.
- Ҳа-а-а... — деди Шайтонвачча, — аҳволингни энди тушундим, бу дейман кўзларингни бирон бир қорин қапаядиган нарсага алмашлаб ебсан-да, бундан чиқди?..
- Асти сўрама, сўраб дардимни кўзғама...

## ТҮРТКЎЗЛИ ШАЙТОН

**(ёки она шайтоннинг қандай қилиб кўзларидан ажраб қолиши)**

- Гапир она, гапир, — деди Шайтонвачча вақти келиб онасидек кўр бўлиб қолишдан кўрқиб.
- Гапираман, нимага гапирмай, шундоғам гапирайки... шу десанг сен болалар билан касалхонага кетдинг Хожа билан Хожабека тақвога ўтиб олишди. Ўтмаям ҳар нарса бўлишсин эди. Сал кунда ўзларини ҳам суроблари тортилди қолди. Ҳатто болаларнинг дори-дармонигаям қўллари калталиқ қилиб қолди. Хожаям жим, Хожабекаям жим. Нуқул бир бирига қараб, уҳ тортишади.

— Eshitganing...

— Ishga omayman dedimi, ishqilib?

— Qayda, senga aytishga oson, Xoja aytganimni qilmasang to'rt tamoning qibla deb turibdi-yu... Bog'chadagi bitta yallachi xotinning o'rniga allachi qilib ishga oldi.

— O'h-ho'... bu yog'igayam qovun tushibdi-ku, ona?

— Ha, ishlar chatoqdan-chatoq! Kundan kun battar bo'lib boryapti...

— Shunday qilib, Xojabeka bog'chadan hech nima obkemay qo'ydimi, ona?

— Ko'zlarim bo'lganda bormi, sen so'takni dimog'ini bitta tarsaki bilan shundoq ochib qo'yardimki...

— O'-o'-o'-o'... — deb yubordi Shaytonvachcha yon-atrofdan hid olib, — bu uy emas, sahroyi kabir-ku...

— Shunaqa, bilib qo'y, halol narsalarning hidi chiqmaydi. Sen bilan men yeyish-ichish u yoqda tursin, hididanam mahrummiz.

— Ha-a-a... — dedi Shaytonvachcha, — ahvolingni endi tushundim, bu deyman ko'zlaringni biron bir qorin qappayadigan narsaga almashlab yebsan-da, bundan chiqdi?..

— Asti so'rama, so'rab dardimni qo'zg'ama...

## TO'RTKO'ZLI SHAYTON

**(yoki ona shaytonning qanday qilib ko'zlaridan ajrab qolishi)**

— Gapir ona, gapir, — dedi Shaytonvachcha vaqti kelib onasidek ko'r bo'lib qolishdan qo'rqib.

— Gapiroman, nimaga gapirmay, shundog'am gapirayki... shu desang sen bolalar bilan kasalxonaga ketdingu Xoja bilan Xojabeka taqvoga o'tib olishdi. O'tmayam har narsa bo'lishsin edi. Sal kunda o'zlarini ham suroblari tortildi qoldi. Hatto bolalarning dori-darmonigayam qo'llari kaltalik qilib qoldi. Xojayam jim, Xojabekayam jim. Nuqul bir biriga qarab, uh tortishadi.

— Адажониси, — деди бир куни бека йигламсираб, — шу бирортасидан қарз-ҳавола қилиб турсакмикан-а, жа куриб қолдик-ку.

— Эсинг жойидами, — деди Хожа, — мен шу пайтгача бировдан бир сўм сўраганимни кўрганмисан?

— Сўрамас эдингиз, ўзлари обкелиб беришарди, ўша эшикларни ўзингиз қаттиқ ёпиб ташладингиз, энди шу... бирортасини тақиллатиб кўрасизми деяпман-да, зора очишса... — деб эрини аврашга тушди. Гап гапга қовушмай, охирида бўлди жанжал, бўлди тўпалон. Э, ҳа... Уларни жиққамушт бўлишини кўриб бирам маза қилдим, бирам ёйилдим. Тақво-пархаз қилиш, ҳалол яшаш мана шунақа бўлади, деб устиларидан роса кулдим. Кула-кула уйга сиғмай ҳовлига чиқиб кетибман. Бундоқ қарасам, бир шайтон ўртадаги деворга минволиб, бекорчиликдан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чирт-чирт тупириб ўтирибди.

— Ҳа, ҳов кўшни, жа оғзинг қулоғингда, нима бало уйдагиларингдан бирортасини нариги дунёга жўнатдингми, — деб менга гап отиб қолди.

— Унданам баттар, — дедим кулиб.

— Билсак бўладими, — азбаройи қизиқиб қолди у.

— Бўлади, яширадиган жойи йўқ... Хожамиз билан бекамиз тақвога ўтиб, сариқ чақага зор! Ҳа, қир-пичоқ бўлиб ўтиришибди. Жа ўзларича Худонинг йўли осон деб ўйлашди шекилли. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу...

— Сариқ чақага зор дедингми?

— Ҳа...

— Биласан мени Хожамни куни пора билан ўтади. Ундан олиб бунга беради, бундан олиб унга беради. Шу десанг одамлар пора олмай кўйганми, неча кундан бери қорни дам бўлиб ётибди. Мабодо Хожанг пора берса олмасмикан? — деди.

— Олади, айниқса, ҳозир олади. Ҳа, икки оёғи битта этикка тиқилган. Аҳволи чатоқ, болалари касалхонада ётишибди, дори олишгаям пуллари йўқ, — дедим.

Шу десанг ўзимам Хожамизнинг пора олишини шундоқ хоҳлаган эдимки, ахир одам болалари Аллоҳ

— Adajonisi, — dedi bir kuni beka yig'lamsirab, — shu birortasidan qarz-havola qilib tursakmikan-a, ja qurib qoldik-ku.

— Esing joyidami, — dedi Xoja, — men shu paytgacha birovdan bir so'm so'raganimni ko'rganmisan?

— So'ramas edingiz, o'zlari obkelib berishardi, o'sha eshiklarni o'zingiz qattiq yopib tashladingiz, endi shu... birortasini taqillatib ko'rasizmi deyapman-da, zora ochishsa... — deb erini avrashga tushdi. Gap gapga qovushmay, oxirida bo'ldi janjal, bo'ldi to'palon. E, ha... Ularni jiqqamusht bo'lishini ko'rib biram maza qildim, biram yoyildim. Taqvo-parxaz qilish, halol yashash mana shunaqa bo'ladi, deb ustilaridan rosa kuldim. Kula-kula uyga sig'may hovliga chiqib ketibman. Bundoq qarasam, bir shayton o'rtadagi devorga minvolib, bekorchilikdan hali u yoqqa, hali bu yoqqa chirt-chirt tupirib o'tiribdi.

— Ha, hov qo'shni, ja og'zing qulog'ingda, nima balo uydagilaringdan birortasini narigi dunyoga jo'natdingmi, — deb menga gap otib qoldi.

— Undanam battar, — dedim kulib.

— Bilsak bo'ladimi, — azbaroyi qiziqib qoldi u.

— Bo'ladi, yashiradigan joyi yo'q... Xojamiz bilan bekamiz taqvoga o'tib, sariq chaqaga zor! Ha, qir-pichoq bo'lib o'tirishibdi. Ja o'zlaricha Xudoning yo'li oson deb o'ylashdi shekilli. Har yerni qilma orzu, har yerda bor tosh-u tarozu...

— Sariq chaqaga zor dedingmi?

— Ha...

— Bilasan meni Xojamni kuni pora bilan o'tadi. Undan olib bunga beradi, bundan olib unga beradi. Shu desang odamlar pora olmay qo'rganmi, necha kundan beri qorni dam bo'lib yotibdi. Mabodo Xojang pora bersa olmasmikan? — dedi.

— Oladi, ayniqsa, hozir oladi. Ha, ikki oyog'i bitta etikka tiqilgan. Ahvoli chatoq, bolalari kasalxonada yotishibdi, dori olishgayam pullari yo'q, — dedim.

Shu desang o'zimam Xojamizning pora olishini shundoq xohlagan edimki, axir odam bolalari Alloh

олдида тавба қилиб, сўзида турмаса, Аллоҳнинг лаънатига учраб, бизга қул бўлиб қолади-да. Шунга қўшни шайтонни тезладим:

— Обчиқ қорни дам бўлиб ётган Хожангни, темирни қизигида босайлик.

— Лақиллатмаяпсанми? — деди муғомбир ўлгур.

— Йўқ, — дедим.

— Демак алдамаяпсан-а?

— Алдамаяпман.

— Ўша кулиб турган кўзларингни гаровга қўйиб, қасам ичасанми?

— Қасам ичаман.

Бунчалик ишониб юборишимга сабаб — Хожамиз илгарилари шу қўшни билан олди-берди қилиб юришганини билардим. Шундай қилиб, қўшни шайтон вос-вос қилиб, Хожасини олиб чиқадиган, мен бу ёқда Хожамни вос-вос қилиб пора олдирадиган бўлдим. Уйга қайтиб кирсам Хожабека пиқ-пиқ йиглаб тилла тақинчоқларини бир рўмолчага тутяпти. Сотмоқчи. Секин бориб хожанинг чап кафтини қичитдим. Илгарилари пора олишидан олдин худди шундоқ қилардим-да. Хожа бир чўчиб тушди-да, бир нима чаққандек ўрнидан туриб кетди. Кўзлари нақ аланг-жаланг... «Ҳа, — деди Хожабека эрига қараб, — тинчликми?» «Кўрмайсанми, кафтим қичияпти, яна келиб-келиб чапи» деб юборди Хожа, нима бўлаётганини тушунмай. «Оҳимиз Худога етганга ўхшайди, ҳозир битгаси ўз оёғи билан келиб, мушкулимизни осон қилади, мана кўрасиз»... деди Хожабека.

Шу гапларнинг устига қўшни шайтон Хожасини бошлаб чиқиб қолди-ку! Эр-хотин пешвоз чиқишиб, ўтқазгани жой топиша олмай қолишди. Лекин қўшни Хожа тўнкани ўзийкан, аҳмоқ. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, томдан тараша тушгандек қилиб, «мана бу ишни мана бу пулни олиб ўн кун ичида тўғрилаб берасиз, камига қарздорман, кейин хурсанд қиламан» деса бўладими дабдуристдан. Хожамизнинг қон босими мингга чиқиб кетди. Аммо ўзини босди. «Мен унақа ишларни йиғиштирганман, — деди Хожамиз, — лекин қарзга бериб турсангиз бажонидил оламан». «Биласизку, — деди у, — мен ҳеч қачон қарзга пул бермайман, ҳа туғишганимгаям бермайман, фоизга

oldida tavba qilib, soʻzida turmasa, Allohning laʼnatiga uchrab, bizga qul boʻlib qoladi-da. Shunga qoʻshni shaytonni tezladam:

— Obchiq qorni dam boʻlib yotgan Xojangni, temirni qizigʻida bosaylik.

— Laqillatmayapsanmi? — dedi mugʻombir oʻlgur.

— Yoʻq, — dedim.

— Demak aldamayapsan-a?

— Aldamayapman.

— Oʻsha kulib turgan koʻzlaringni garovga qoʻyib, qasam ichasanmi?

— Qasam ichaman.

Bunchalik ishonib yuborishimga sabab — Xojamiz ilgarilari shu qoʻshni bilan oldi-berdi qilib yurishganini bilardim. Shunday qilib, qoʻshni shayton vos-vos qilib, Xojasini olib chiqadigan, men bu yoqda Xojamni vos-vos qilib pora oldiradigan boʻldim. Uyga qaytib kirsam Xojabeka piq-piq yigʻlab tilla taqinchoqlarini bir roʻmolchaga tugyapti. Sotmoqchi. Sekin borib Xojaning chap kaftini qichitdim. Ilgarilari pora olishidan oldin xuddi shundoq qilardim-da. Xoja bir choʻchib tushdida, bir nima chaqqandek oʻrnidan turib ketdi. Koʻzlari naq alang-jalang... «Ha, — dedi Xojabeka eriga qarab, — tinchlikmi?» «Koʻrmaysanmi, kaftim qichiyapti, yana kelib-kelib chapi» deb yubordi Xoja, nima boʻlayotganini tushunmay. «Ohimiz Xudoga yetganga oʻxshaydi, hozir bittasi oʻz oyogʻi bilan kelib, mushkulimizni oson qiladi, mana koʻrasiz»... dedi Xojabeka.

Shu gaplarning ustiga qoʻshni shayton Xojasini boshlab chiqib qoldi-ku! Er-xotin peshvoz chiqishib, oʻtqazgani joy topisha olmay qolishdi. Lekin qoʻshni Xoja toʻnkani oʻziykan, ahmoq. Hech narsadan hech narsa yoʻq, tomdan tarasha tushgandek qilib, «mana bu ishni mana bu pulni olib oʻn kun ichida toʻgʻrilab berasiz, kamiga qarzdorman, keyin xursand qilaman» desa boʻladimi dabduristdan. Xojamizning qon bosimi mingga chiqib ketdi. Ammo oʻzini bosdi. «Men unaqa ishlarni yigʻishtirganman, — dedi Xojamiz, — lekin qarzga berib tursangiz bajonidil olaman». «Bilasizku, —

бўлса марҳамат олинг» — деди безрайиб. Хожамиз уни уйидан кувиб чиқарди... Ушанда қўшни шайтон ғарчча кўзимни ўйиб олса бўладими? Айб ўзимда, ҳеч жаҳонда пишмаган хом ишга аралашаманми? Шундай қилиб қўшни шайтон тўрт кўзлик бўлиб олди.

— Ўҳ-ҳў-ў... — деди Шайтонвачча капалаги учиб, — бундан чиқди Хожамиз тақвога жудаям муккасидан кетибди-да... Энди бу одамни йўлдан уриб бўпсан, она!

— Шундоқ бўб қолди, шундоқ, Худонинг имтиҳонидан ўтиб олди, баттол. Барибир мен Хожани тинч қўймайман, мана кўрасан, кўзимнинг аламини оламан ундан... ҳа, Азозил бобомизни ўртага қўйиб қасам ичиб айтаманки тақволарини бир тийин қиламан. Кўча-куйда шарманда-ю, шармисор бўлиб юради.

Шайтонвачча уҳ тортиб, анча вақт уй ичида тим-рискланиб, ивирсиб юрди. Овқат маҳали болаларни алаҳситадиган бирорта омонат нарсани топа олмади. Ҳамма нарсалар мустаҳкам, ўрни-ўчоғига қўйилган. Илгари анча-мунча нарсалар омонат турарди, салга бир баҳонаям топила қоларди. Бундан маълум бўлдики, Хожабека ҳам айнибди. Шайтонвачча шумшайганича, ҳафсаласи пир бўлиб, бўйнидаги шайтон қошиғини орқасига суриб, онасининг ёнига келиб чўкди.

— Сен, — деди она шайтон Шайтонваччага, — болаларнинг пайидан бўл, мен Хожабекани... сезиб турибман унинг имони анча суст...

## ШАЙТОНЛАРНИНГ КЎЗИ...

(ёки Шайтонваччанинг болалар билан боғчага йўл олиши)

Шайтонвачча қорни таталаб, умид билан кечки овқатни кутди. Аммо нафси қанчалик ҳакалак отмасин, ака-укаларнинг атрофида қанчалар жикилламасин, ниятига ета олмади.

— Уф, — деди ҳафсаласи пир бўлиб, — буларни анови касалхонадаги жодугар кулоқларигача сеҳрлаб қўйибди. Яқинлашиб бўлмапти.



dedi u, — men hech qachon qarzga pul bermayman, ha tug'ishganimgayam bermayman, foizga bo'lsa marhamat oling» — dedi bezrayib. Xojamiz uni uyidan quvib chiqardi... O'shanda qo'shni shayton g'archcha ko'zimni o'yib olsa bo'ladimi? Ayb o'zimda, hech jahonda pishmagan xom ishga aralashamanmi? Shunday qilib qo'shni shayton to'rt ko'zlik bo'lib oldi.

— O'h-ho'-o'... — dedi Shaytonvachcha kapalagi uchib, — bundan chiqdi Xojamiz taqvoga judayam mukkasidan ketibdi-da... Endi bu odamni yo'ldan urib bo'psan, ona!

— Shundoq bo'b qoldi, shundoq, Xudoning imtihonidan o'tib oldi, battol. Baribir men Xojani tinch qo'ymayman, mana ko'rasan, ko'zimning alamini olaman undan... ha, Azozil bobomizni o'rtaga qo'yib qasam ichib aytamanki taqvolarini bir tiyin qilaman. Ko'cha-kuyda sharmanda-yu, sharmisor bo'lib yuradi.

Shaytonvachcha uh tortib, ancha vaqt uy ichida timrisklanib, ivirsib yurdi. Ovqat mahali bolalarni alahsitadigan birorta omonat narsani topa olmadi. Hamma narsalar mustahkam, o'rni-o'chog'iga qo'yilgan. Ilgari ancha-muncha narsalar omonat turardi, salga bir bahonayam topila qolardi. Bundan ma'lum bo'ldiki, Xojabeka ham aynibdi. Shaytonvachcha shumshayganicha, hafsalasi pir bo'lib, bo'ynidagi shayton qoshig'ini orqasiga surib, onasining yoniga kelib cho'kdi.

— Sen, — dedi ona shayton Shaytonvachchaga, — bolalarning payidan bo'l, men Xojabekani... sezib turibman uning imoni ancha sust...

## **SHAYTONLARNING KO'ZI...**

**(yoki Shaytonvachchaning bolalar bilan bog'chaga yo'l olishi)**

Shaytonvachcha qorni tatalab, umid bilan kechki ovqatni kutdi. Ammo nafsi qanchalik hakalak otmasin, aka-ukalarning atrofida qanchalar jikillamasin, niyatiga yeta olmadi.

— Uf, — dedi hafsalasi pir bo'lib, — bularni anovi

Ростдан ҳам ака-укалар туришса ҳам, ўтиришса ҳам Аллоҳнинг номини тилларидан қўйишмас эди. Айниқса, овқатланиб бўлишгач оғизларини ҳафсала билан чайишганини кўрганда Шайтонвачча чидай олмасди.

— Вой нокаслар-ей, тишларининг орасидаги сарқитларниям раво кўришмади-я...

Бунинг устига катта ака кичкиналарига жон-жаҳди билан уқтирарди:

— Оғзингни яхшилаб чай, тиш тозалагични ол, ораларида қоп кетмасин, қолса, биласанми, нима бўлади?

— Биладан, биладан, — деди униси, — қоп кетса ухлаганимда оғзимга шайтон киради...

— В-а-а-а... — деди кичкинаси афтини бужмай-тириб, — кейин оғизга чоптириб кетади...

— Ундан кейин тишларимиз чириydi...

— Ҳа, билмай билганда кеткурлар-а, — деди Шайтонвачча ўзини-ўзи муштлагудек бўлиб, — ҳамма сирларимиздан воқиф-а, булар, айб ўзимда, кўпни деб оздан ҳам қолиб ўтирибман.

Ака-укалар ётиш олдидан таҳорат олишиб, Бисмилло хола шифохонада ўргатган дуоларни ўқишиб, ўнг тарафлари билан ёстикларига бош қўйишди. Шайтонвачча қўйинларига киролмади. Ташқарида қолиб, эгаси қувган итдек дийдираб, тонг оттирди.

Эрталабки нонуштада ҳам дастурхонга яқинлаша олмади. Ноз-неъматлардан кўзи куйди, ичи ёнди, «оҳ», «воҳ»лаб ўзини ҳали у ёққа урди, ҳали бу ёққа урди. Қорнига, ҳатто, таомларнинг ҳидиям кирмади. Зормонда шайтон қошиғи оғирлик қилиб, нақ бўйнини узиб тушай деди. Охири, ҳолдан тойиб, шалвираб қолди.

— Ҳов, — деди нихоят онаси уни дараклаб, — жа итдан қочган гадойдек жим бўб кетдинг, қаттасан, ўзинг?

— Э, қатта бўлардим, очиқ мозордаман, — гингшиди Шайтонвачча.

— Болаларнинг пайдан бўловур, ҳа, улардан бир қадам ҳам ажрама... ёнларидан жилма...

Бу пайтда болаларнинг каттаси мактабга отланиб турган эди, Шайтонваччанинг кўзлари аланг-жўланг

kasalxonadagi jodugar quloqlarigacha sehrlab qo'yibdi. Yaqinlashib bo'lmayapti.

Rostdan ham aka-ukalar turishsa ham, o'tirishsa ham Allohning nomini tillaridan qo'yishmas edi. Ayniqsa, ovqatlanib bo'lishgach og'izlarini hafsala bilan chayishganini ko'rganda Shaytonvachcha chiday olmasdi.

— Voy nokaslar-ey, tishlarining orasidagi sarqitlarniyam ravo ko'rishmadi-ya...

Buning ustiga katta aka kichkinalariga jon-jahdi bilan uqtirardi:

— Og'zingni yaxshilab chay, tish tozalagichni ol, oralarida qop ketmasin, qolsa, bilasanmi, nima bo'ladi?

— Bilaman, bilaman, — dedi unisi, — qop ketsa uxlaganimda og'zinga shayton kiradi...

— V-a-a-a... — dedi kichkinasi aftini bujmaytirib, — keyin og'izga choptirib ketadi...

— Undan keyin tishlarimiz chiriydi...

— Ha, bilmay bilganda ketkurlar-a, — dedi Shaytonvachcha o'zini-o'zi mushtlagudek bo'lib, — hamma sirlarimizdan voqif-a, bular, ayb o'zimda, ko'pni deb ozdan ham qolib o'tiribman.

Aka-ukalar yotish oldidan tahorat olishib, Bismillo xola shifoxonada o'rgatgan duolarni o'qishib, o'ng taraflari bilan yostiqlariga bosh qo'yishdi. Shaytonvachcha qo'yinlariga kirolmadi. Tashqarida qolib, egasi quvgan itdek diydirab, tong ottirdi.

Ertalabki nonushtada ham dasturxonga yaqinlasha olmadi. Noz-ne'matlardan ko'zi kuydi, ichi yondi, «oh», «voh»lab o'zini hali u yoqqa urdi, hali bu yoqqa urdi. Qorniga, hatto, taomlarning hidiyam kirmadi. Zormonda shayton qoshig'i og'irlik qilib, naq bo'ynini uzib tushay dedi. Oxiri, holdan toyib, shalvirab qoldi.

— Hov, — dedi nihoyat onasi uni daraklab, — ja itdan qochgan gadoydek jim bo'b ketding, qattasan, o'zing?

— E, qatta bo'lardim, ochiq mozordaman, — g'ingshidi Shaytonvachcha.

— Bolalarning payidan bo'lovur, ha, ulardan bir qadam ham ajrama... yonlaridan jilma...

бўб кетди. Ахир Шайтонваччанинг боғчага боргиси келмаётган эди-да. Боғчада уни ким кутиб турганини яхши биларди:

— Бўпти кетдим, кетганим бўлсин, — деди Шайтонвачча тантана билан, — энди бу уйни елкамнинг чуқури кўрсин.

— Қаёққа кетяпсан, ҳай гўрсўхта? — ҳайрон бўлди она шайтон.

— Мактабга, — деди Шайтонвачча яна тантана билан.

— Мактабга дейсанми? — она шайтоннинг ўйилган кўзлари, баттар ўйилиб, шундоғам тириш пешонаси баттар тиришиб кетди, феъли айниди. Муғомбирлик билан боласини ёнига чақирди:

— Мактабга борадиган бўлсанг, қулоғингга айтиб қўядиган икки оғиз гапим бор, бери кел...

Шайтонвачча шошиб шалпанг қулоғини онасининг оғзига олиб борди:

— Гапир гапингни, бўлақол, катта ака кетиб қолади.

Шу пайт она шайтон қоқсуяк қўли билан Шайтонваччани шарақлатиб тушириб қолди-ку. Шайтонвачча нақ тариқдек сочилиб кетай деди. Она шайтон деди:

— Ҳа, мактабга боргилари кеп қолдимми-а, ўқимоқчимилар? Вой аммамнинг бузоғи-ей... Ўнг кулоқ, сўл қулоғинг билан эшитиб ол, яшшамагур, мактабга одам болалари егани-ичгани бормаиди, очликдан қоринлари қулдираб, тишларининг кирини сўриб, ҳарф ўрганишади у ерда, ҳариф ўлгур...

— Қаёққа борай бўлмаса, — инграб юборди Шайтонвачча.

— Боғчага бор, у ёққа одам болалари еб-ичгани, биққидек бўлиб, семиргани боришади. Боғча дегани боқадиган жой дегани, саводсиз...

— Ахир у ерда анови ялмоғиз бор-да, бека уни ишга олди деб ўзинг айтдинг-ку.

— Бўлса нима қипти, у ерда шунақа шайтони зўрлари борки, кампирингни бир чўқишда қочиради, сен аввал боргин, кейин кўрасан.

Bu paytda bolalarning kattasi maktabga otlanib turgan edi, Shaytonvachchaning ko'zlari alang-jo'lang bo'b ketdi. Axir Shaytonvachchaning bog'chaga borgisi kelmayotgan edi-da. Bog'chada uni kim kutib turganini yaxshi bilardi:

— Bo'пти ketdim, ketganim bo'lsin, — dedi Shaytonvachcha tantana bilan, — endi bu uyni yelkamning chuquri ko'rsin.

— Qayoqqa ketyapsan, hay go'rso'xta? — hayron bo'ldi ona shayton.

— Maktabga, — dedi Shaytonvachcha yana tantana bilan.

— Maktabga deysanmi? — ona shaytonning o'yilgan ko'zlari, battar o'yilib, shundog'am tirish peshonasi battar tirishib ketdi, fe'li aynidi. Mug'ombirlik bilan bolasini yoniga chaqirdi:

— Maktabga boradigan bo'lsang, qulog'ingga aytib qo'yadigan ikki og'iz gapim bor, beri kel...

Shaytonvachcha shoshib shalpang qulog'ini onasining og'ziga olib bordi:

— Gapir gapingni, bo'laqol, katta aka ketib qoladi.

Shu payt ona shayton qoqsuyak qo'li bilan Shaytonvachchani sharaqlatib tushirib qoldi-ku. Shaytonvachcha naq tariqdek sochilib ketay dedi. Ona shayton dedi:

— Ha, maktabga borgilari kep qoldimi-a, o'qi-moqchimilar? Voy ammamning buzog'i-ey... O'ng quloq, so'l qulog'ing bilan eshitib ol, yashshamagur, maktabga odam bolalari yegani-ichgani bormaydi, ochlikdan qorinlari quldirab, tishlarining kirini so'rib, harf o'rganishadi u yerda, harif o'lgur...

— Qayoqqa boray bo'lmasa, — ingrab yubordi Shaytonvachcha.

— Bog'chaga bor, u yoqqa odam bolalari yeb-ichgani, biqqidek bo'lib, semirgani borishadi. Bog'cha degani boqadigan joy degani, savodsiz...

— Axir u yerda anovi yalmog'iz bor-da, beka uni ishga oldi deb o'zing aytding-ku.

— Bo'lsa nima qipti, u yerda shunaqa shaytoni

Шайтонваччанинг ҳозиргина жони огриганиям эсидан чиқиб, кулишга тушди:

— Ҳе-хе-хе... ҳе-хе-хе...

— Ҳа, нима наша қила қолди, дарровда?

— Касалхонадаям битта шайтони зўр амаки бор эди, ўша эсимга тушиб кетди. Кампиршонинг ковушини ўша тўғрилаган эди.

— Боғчада биттамас, уруғи кўп, боравур...

— Зўрсан-да она, кўзинг бўлмасаям кўчани кўрасан. Кетдим бўлмаса...

Она шайтон бундоқ диққат қилиб турса, Шайтонвачча болаларнинг олдига тушиб олибди. Боласининг думбиллигидан уҳ тортиб деди:

— Ҳов, чучмал ўлгур, онанг билан бундоқ хайрлашмайсанми, яна қачон кўришамиз-у, ҳа нафсинг ўлсин ўзингдан олдин югурмай...

Шайтонвачча шоша-пиша, югуриб келиб онасининг шақиллаган бағрига ўзини отди:

— Хайр-хўш... яхши қол...

Она шайтон шу заҳоти уни оёқларининг остига олиб тепкилаб қолди-ку...

— Вой-вой-ей, хайрлашмай ўла, хайрлашиш ҳам шунақа бўладими?

— Кўзларинг қаёқда сен яшшамагурни, кўзларинг?

— Э, қатта бўлса ўшатта-да, менинг кўзим ҳали бировнинг чўнтагига тушиб кетгани йўқ, — деб бўш келмади Шайтонвачча.

— Сен ҳариф ўлгур одам болаларини олдидамас, орқасида юр. Уларни молга ўхшаб олдингга солиб ол, ҳа, йўлга солишинг осон бўлади. Хоҳласанг этагидан ушлаб орқага тортасан, хоҳласанг кетига тепиб, югуртирасан. Уларниям калтак еб эти қотсин, сўкиш эшитиб бети қотсин. Уқдингми лапашанг?!

— Уқдим, уқдим...

zo'rlari borki, kampingni bir cho'qishda qochiradi, sen avval borgin, keyin ko'rasan.

Shaytonvachchaning hozirgina joni og'riganiyam esidan chiqib, kulishga tushdi:

— He-he-he... he-he-he...

— Ha, nima nasha qila qoldi, darrovda?

— Kasalxonadayam bitta shaytoni zo'r amaki bor edi, o'sha esimga tushib ketdi. Kampirshoning kovushini o'sha to'g'rilagan edi.

— Bog'chada bittamas, urug'i ko'p, boravur...

— Zo'rsan-da ona, ko'zing bo'lmasayam ko'chani ko'rasan. Ketdim bo'lmasa...

Ona shayton bundoq diqqat qilib tursa, Shaytonvachcha bolalarning oldiga tushib olibdi. Bolasining dumbilligidan uh tortib dedi:

— Hov, chuchmal o'lgur, onang bilan bundoq xayrlashmaysanmi, yana qachon ko'rishamiz-u, ha nafsing o'lsin o'zingdan oldin yugurmay...

Shaytonvachcha shosha-pisha, yugurib kelib onasining shaqillagan bag'riga o'zini otdi:

— Xayr-xo'sh... yaxshi qol...

Ona shayton shu zahoti uni oyoqlarining ostiga olib tepkilab qoldi-ku...

— Voy-voy-ey, xayrlashmay o'la, xayrlashish ham shunaqa bo'ladimi?

— Ko'zlaring qayoqda sen yashshamagurni, ko'zlaring?

— E, qatta bo'lsa o'shatta-da, mening ko'zim hali birovning cho'ntagiga tushib ketgani yo'q, — deb bo'sh kelmadi Shaytonvachcha.

— Sen harif o'lgur odam bolalarini oldidamas, orqasida yur. Ularni molga o'xshab oldingga solib ol, ha, yo'lga solishing oson bo'ladi. Xohlasang etagidan ushlab orqaga tortasan, xohlasang ketiga tepib, yugurtirasan. Ularniyam kaltak yeb eti qotsin, so'kish eshitib beti qotsin. Uqdingmi lapashang?!

— Uqdim, uqdim...

## ЙЎЛДА

### (ёки Шайтонваччанинг фаришталар билан жанг қилгани)

Шайтонвачча онасидан яна бир сабоқни олиб, ака-укаларга эргашди. Аммо улар дарвозадан кўчага чиқаётиб бир гап қилишдики, нақ Шайтонваччанинг эси тескари бўлаёзди. Болалар нима дейишди, денг:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, э, Худо, одобли бўлишга, ёмон ишлардан тийилишга ният қилдим, шайтон вас-васаларидан ўзинг асра...

Бу гаплардан Шайтонвачча нари турсин, ҳатто, кўш табақали дарвозанинг ҳам оғзи ланг очилиб, тилга кирди:

— Э, қодир Эгам, бу бандаларингни балою шикастлардан ўзинг асра, уларни эсон-омон бағримга қайтар...

Шайтонвачча аламидан дарвозанинг жағига бир тепди-да, ака-укаларнинг этагига ёпишди. Бироқ уларнинг этагига нимагадир қўли етмади. Бунинг устига ялтираган дўнг пешонасига шундай бир чертмак келиб тушдики, нақ оғриқнинг зўридан тўрт думалаб кетди. Ўзига келиб, бундоқ қараса, рўпарасида кўриниши пари-рухсор-у, оёқлари нақ ҳари мисол битгаси турибди, девдек бўлиб.

— Ҳей, кимсан? — деди Шайтонвачча жони чиқиб.

— Аллоҳ номи билан йўлга чиққан йўловчининг ҳамроҳиман.

— Йўлимни тўсма-ей девор, шундоғам ишларим бошимдан ошиб ётибди. Ҳамроҳ бўлсанг ўзингга, менгамассан, — деб Шайтонвачча бир қадам олдинга ташлади. Лекин ҳамроҳ бўлмиш ҳаридек узун оёқлари билан шундоқ тептики, Шайтонвачча коптокдек учиб кетди.

— Вой-во-ей, — деди Шайтонвачча жон аччиғида, — ҳа, тепмай оёқларинг акашак бўлсин-а, ўтирдиган жойимни дабдала қилдинг-ку, хира!..

Шайтонвачча бундоқ диққат қилиб, разм солса, болаларнинг чап томони бўм-бўшга ўхшайди. Лик



## YO'LDA

### (yoki Shaytonvachchaning farishtalar bilan jang qilgani)

Shaytonvachcha onasidan yana bir saboqni olib, aka-ukalarga ergashdi. Ammo ular darvozadan ko'chaga chiqayotib bir gap qilishdiki, naq Shaytonvachchaning esi teskari bo'layozdi. Bolalar nima deyishdi, deng:

— Bismillahir rohmanir rohiym, e, Xudo, odobli bo'lishga, yomon ishlardan tiyilishga niyat qildim, shayton vas-vasalaridan o'zing asra...

Bu gaplardan Shaytonvachcha nari tursin, hatto, qo'sh tabaqali darvozaning ham og'zi lang ochilib, tilga kirdi:

— E, qodir Egam, bu bandalaringni baloyu shikastlardan o'zing asra, ularni eson-omon bag'rimga qaytar...

Shaytonvachcha alamidan darvozaning jag'iga bir tepdi-da, aka-ukalarning etagiga yopishdi. Biroq ularning etagiga nimagadir qo'li yetmadi. Buning ustiga yaltiragan do'ng peshonasiga shunday bir chertmak kelib tushdiki, naq og'riqning zo'ridan to'rt dumalab ketdi. O'ziga kelib, bundoq qarasa, ro'parasida ko'rinishi pari-ruxsor-u, oyoqlari naq hari misol bittasi turibdi, devdek bo'lib.

— Hey, kimsan? — dedi Shaytonvachcha joni chiqib.

— Alloh nomi bilan yo'lga chiqqan yo'lovchining hamrohiman.

— Yo'limni to'sma-yey devor, shundog'am ishlarim boshimdan oshib yotibdi. Hamroh bo'lsang o'zingga, mengamassan, — deb Shaytonvachcha bir qadam oldingga tashladi. Lekin hamroh bo'lmish haridek uzun oyoqlari bilan shundoq teptiki, Shaytonvachcha kop-tokdek uchib ketdi.

— Voy-vo-yey, — dedi Shaytonvachcha jon ach-chig'ida, — ha, tepmay oyoqlaring akashak bo'lsin-a, o'tiradigan joyimni dabdala qilding-ku, xira!..

Shaytonvachcha bundoq diqqat qilib, razm solsa, bolalarning chap tomoni bo'm-bo'shga o'xshaydi. Lik

этди-ю, шу тарафга ўтди. Бироқ бу тарафдаям кўри-  
ниши ипдек, бўйи-басти шипдек биттаси турганини  
кўрди. Ҳар эҳтимолга қарши унга ҳам гап қотди:

— Ҳов найнов, кимсан ўзинг?

— Аллоҳ номи билан йўлга чиққан йўловчининг  
ҳамроҳиман.

— Ҳамроҳ бўлсанг ўзингга, менгамас, йўлдан  
нари тур, шундоғам ишларим орқага сурилиб кет-  
япти. Шайтонвачча шундай деб, аввалгисиниям ала-  
мини бунисидан олмоқчи бўлиб, беписандлик би-  
лан оёғига бир тепди.

— Шу пайт бўйнига сиртмоқ келиб тушди-ю,  
биров уни дорга осаётгандек типирчилаб қолди.  
Кўзлари орқага кетиб, нафаси бўғзига тикилди. Кейин  
ўзи ерга чалпак бўлиб тушди.

Йиқилган курашга тўймас деб, бу сафар Шай-  
тонвачча болаларнинг ўнг тарафига ўтди. Шайтон-  
вачча одамларнинг ўнг тарафидан бирон бир ишқал  
чиқариш қийинлигини билса ҳам иложсиз эди. Ўтди-ю,  
бу тарафда ҳам қўллари нақ гурзидек-гурзидек кела-  
диган биттасини кўрди. Бунгаям боягидек хиралик  
қилса борми, башарасини бузиб олиши турган гап.  
Энди олдинга ўтишдан бошқа иложи қолмади. У  
ёқда бўлса, ҳалигидек ҳамроҳлардан биттаси йўл  
бошлаб борарди. Қўлида узун супурги, ҳар қадам  
босганда супурги гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бориб келяп-  
ти. Фалокатларни оёқ остидан нари суриб, ака-ука-  
ларга йўл очиб боряпти. Ҳар замонда «пўшт-пўшт»лаб  
ҳам кўяди. Сал бўлмаса, Шайтонваччани майда-чуйда  
фалокатларга қўшиб, бир четга супуриб юборай деди.

Шайтонвачча ҳамроҳлардан иборат бу темир  
қўрғонни қандоқ қилиб бузиб ўтишни билмай, эсан-  
кираб қолди. Ҳали замон улар шу зайлда боғчага  
кириб кетишса, у дайди итдек кўчада қолиб кетади-  
ми?

## **ПИЧОҚНИНГ СОПИ ЎЗИДАН ЧИҚДИ**

**(ёки ҳамроҳлар қўрғонининг бузилиши)**

Ака-укалар йўл чеккасидаги сақичфурушлару ши-  
рафурушларнинг биттасига ҳам қарашмади. Хожабе-

etdi-yu, shu tarafga o'tdi. Biroq bu tarafdoyam ko'rinishi ipdek, bo'yi-basti shipdek bittasi turganini ko'rdi. Har ehtimolga qarshi unga ham gap qotdi:

— Hov naynov, kimsan o'zing?

— Alloh nomi bilan yo'lga chiqqan yo'lovchining hamrohiman.

— Hamroh bo'lsang o'zingga, mengamas, yo'ldan nari tur, shundog'am ishlarim orqaga surilib ketyapti. Shaytonvachcha shunday deb, avvalgisiniyam alamini bunisidan olmoqchi bo'lib, bepisandlik bilan oyog'iga bir tepdi.

— Shu payt bo'yniga sirtmoq kelib tushdi-yu, birov uni dorga osayotgandek tipirchilab qoldi. Ko'zlari orqaga ketib, nafasi bo'g'ziga tiqildi. Keyin o'zi yerga chalpak bo'lib tushdi.

Yiqilgan kurashga to'ymas deb, bu safar Shaytonvachcha bolalarning o'ng tarafiga o'tdi. Shaytonvachcha odamlarning o'ng tarafidan biron bir ishkal chiqarish qiyinligini bilsa ham ilojsiz edi. O'tdi-yu, bu tarafda ham qo'llari naq gurzidek-gurzidek keladigan bittasini ko'rdi. Bungayam boyagidek xiralik qilsa bormi, basharasini buzib olishi turgan gap. Endi oldinga o'tishdan boshqa iloji qolmadi. U yoqda bo'lsa, haligidek hamrohlardan bittasi yo'l boshlab borardi. Qo'lida uzun supurgi, har qadam bosganda supurgi goh o'ngga, goh chapga borib kelyapti. Falokatlarni oyoq ostidan nari surib, aka-ukalarga yo'l ochib boryapti. Har zamonda «po'sht-po'sht»lab ham qo'yadi. Sal bo'lmasa, Shaytonvachchani mayda-chuyda falokatlarga qo'shib, bir chetga supirib yuboray dedi.

Shaytonvachcha hamrohlardan iborat bu temir qo'rg'onni qandoq qilib buzib o'tishni bilmay, esankirab qoldi. Hali zamon ular shu zaylda bog'chaga kirib ketishsa, u daydi itdek ko'chada qolib ketadi-mi?

## PICHOQNING SOPI O'ZIDAN CHIQDI

(yoki hamrohlar qo'rg'onining buzilishi)

Aka-ukalar yo'l chekkasidagi saqichfurushlaru shirafurushlarning bittasiga ham qarashmadi. Xojabeka

ка болаларининг бу одобидан ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон бўлиб, уларни эркалаган бўлди:

— Вой менинг тўйган кўзичоқларим-ей, вой менинг асалтойларим-ей, кўчада юришнинг бунақа чиройли одобини сизларга ким ўргатди?

— Бисмилло холам ўргатганлар, — деди каттаси.

— Бисмилло холамми яхши кўраман, — деди кичкинаси.

Бисмилло холанинг номини эшитиши билан Хожабеканинг афти буришди. Ўзича ғудиранди:

— Ҳе, Бисмилло холаларинг ўлиб, холасиз қолларинг...

Беканинг оғзидан шу сўзлар чиқиши билан мўъжиза юз берди. Олдинда фалокатларни нари-бери супуриб бораётган фаришта чақмоқ ургандек йўқ бўлди-қолди.

— Ўҳ, — деди Шайтонвачча кўзлари ғилай тортиб, — пичоқнинг сопи ўзидан чиқиб қолди-ку... бу сатанг супургининг бир қарғишлик ҳоли бор экан-у. Жа «пўшт-пўшт»лаб кўчани ўзиники қилиб олган эди... Ҳа, бекам, бўш келманг, шунақа қарғишлардан яна бир жуфт бўлсин!

Болаларнинг эслиги онасининг қарғанганини эшитиб қолди. Жаҳли чиқди. Йиғламсираб деди:

— Барибир Бисмилло холам яхшилар...

— Ҳе, яхшилигиниям, ёмонлигиниям Худо кўтарсин... Ҳаммаёқни остун-устин қиворди. Кўзинг учиб турган бўлса кўрасан ўша холангни.

Бу кесатиқлардан кейин бошқа фаришталар ҳам изсиз ғойиб бўлишди. Етганда Шайтонвачча ниятига етди. У ака-укаларнинг бўйнига миниб олиб, қўшиқ ҳам куйлаб юборди:

*Умбила қидон-қидон-қидон,*

*Иссиққина кўчоғидан.*

*Умбила қидон-қидон-қидон,*

*Ин ўтказай қулоғидан.*

*Умбила қидон-қидон-қидон,*

*Чалай энди оёғидан...*

bolalarining bu odobidan ham xursand, ham hayron bo'lib, ularni erkalagan bo'ldi:

— Voy mening to'ygan qo'zichoqlarim-ey, voy mening asaltoylarim-ey, ko'chada yurishning bunaqa chiroyli odobini sizlarga kim o'rgatdi?

— Bismillo xolam o'rgatganlar, — dedi kattasi.

— Bismillo xolammi yaxshi ko'raman, — dedi kichkinasi.

Bismillo xolaning nomini eshitishi bilan Xojabekaning afti burishdi. O'zicha g'udirandi:

— He, Bismillo xolalaring o'lib, xolasiz qollaring...

Bekaning og'zidan shu so'zlar chiqishi bilan mo'jiza yuz berdi. Oldinda falokatlarini nari-beri supurib bora-yotgan farishta chaqmoq urgandek yo'q bo'ldi-qoldi.

— O'h, — dedi Shaytonvachcha ko'zlari g'ilay tortib, — pichoqning sopi o'zidan chiqib qoldi-ku... bu satang supurgining bir qarg'ishlik holi bor ekan-u. Ja «po'sht-po'sht»lab ko'chani o'ziniki qilib olgan edi... Ha, bekam, bo'sh kelmang, shunaqa qarg'ishlardan yana bir juft bo'lsin!

Bolalarning esligi onasining qarg'anganini eshitib qoldi. Jahli chiqdi. Yig'lamsirab dedi:

— Baribir Bismillo xolam yaxshilar...

— He, yaxshiliginiyam, yomonliginiyam Xudo ko'tarsin... Hammayoqni ostun-ustun qivordi. Ko'zing uchib turgan bo'lsa ko'rasan o'sha xolangni.

Bu kesatiqlardan keyin boshqa farishtalar ham izziz g'oyib bo'lishdi. Yetganda Shaytonvachcha niyatiga yetdi. U aka-ukalarning bo'yniga minib olib, qo'shiq ham kuylab yubordi:

*Umbila qidon-qidon-qidon,*

*Issiqqina qo'chog'idan.*

*Umbila qidon-qidon-qidon,*

*Ip o'tkazay qulog'idan.*

*Umbila qidon-qidon-qidon,*

*Chalay endi oyog'idan...*

## НИЯТНИНГ БУЗИЛИШИ

(ёки Шайтонваччанинг янги найранглари)

Шайтонвачча шу заҳоти жиловни қўлга олди. Биринчи бўлиб кичкинтойни йўлдан урди:

— Ҳов, оғайничалиш, сенга нима бўлди, бунча шалвирайсан? Сени танимай қолдим-ку. Бундоқ у ёғ, бу ёғингга қара-чи, наҳотки анови сақичларни кўрмайпсан? Олдирсанг-чи, бир чапиллатиб чайнашайлик...

— Ойи сақич, сақич чайнагим келяпти.

У шундай деб ойисини сақичфурушлар томонга тортқилай бошлади. Шайтонвачча энди каттасини йўлдан урди:

— Ҳов, оғайничалиш, нима бўлди... жа ойимсупурги бўб қопсанми, қўй-ей, ярашса ўлай агар... Анови ширинликларни қара, олдирсанг-чи бир шимишайлик...

— Ойи, шимийдиган конфет...

Хожабеканинг кўзлари ҳайратдан бир ағдарилиб тушди:

— Нима бало сенларни шайтон йўлдан урдими? Ҳозиргина нуппа-нозандек келаётувдиларинг-ку?!

— Ҳе-ҳе-ҳе... — дея яйраб кулди Шайтонвачча, — гаппи қаранглар, шайтон чалдими-миш... Шу одам болалари хўпам бетайин, тухматчи бўларкан-да, қилғиликни ўзлари қилиб, яна бизга тўнкашади. Ҳа тўнкамай дўзахнинг ўчоғига тўнка бўлгур-а... Шайтонвачча баттар ижикилашга тушди:

— Бўлақолларинг, ана, оналаринг ҳамёнини кавлаштиряпти, олиб беради...

— Ойижон, сақич!..

— Конфет!..

— Обермасайз боғчага бормийман!..

Ака-ука Шайтонваччанинг йўлига юриб орқага қараб қоча бошлашди.

— Вой ўлай, — уятдан нима қилишини билмай қолди Хожабека, — мени шарманда қилмаларинг, илгаригидақа пул йўқ менда...

— Эй, — деди Шайтонвачча Хожабекага ачинган

## NIYATNING BUZILISHI

### (yoki Shaytonvachchaning yangi nayranglari)

Shaytonvachcha shu zahoti jilovni qo'lg'a oldi. Birinchi bo'lib kichkintoyni yo'ldan urdi:

— Hov, og'aynichalish, senga nima bo'ldi, buncha shalviraysan? Seni tanimay qoldim-ku. Bundoq u yog', bu yog'ingga qara-chi, nahotki anovi saqichlarni ko'rmayapsan? Oldirsang-chi, bir chapillatib chay-nashaylik...

— Oyi saqich, saqich chaynagim kelyapti.

U shunday deb oyisini saqichfurushlar tomonga tortqilay boshladi. Shaytonvachcha endi kattasini yo'ldan urdi:

— Hov, og'aynichalish, nima bo'ldi... ja oyim-supurgi bo'b qopsanmi, qo'y-ey, yarashsa o'lay agar... Anovi shirinliklarni qara, oldirsang-chi bir shimi-shaylik...

— Oyi, shimiydigan konfet...

Xojabekaning ko'zlari hayratdan bir ag'darilib tushdi:

— Nima balo senlarni shayton yo'ldan urdimi? Hozirgina nuppa-nozandek kelayotuvdilaring-ku?!

— He-he-he... — deya yayrab kuldi Shaytonvachcha,— gappi qaranglar, shayton chaldimi-mish... Shu odam bolalari ho'pam betayin, tuhmatchi bo'larkan-da, qilg'ilikni o'zlari qilib, yana bizga to'nkashadi. Ha to'nkamay do'zaxning o'chog'iga to'nka bo'lgur-a... Shaytonvachcha battar ijikilashga tushdi:

— Bo'laqollaring, ana, onalaring hamyonini kav-lashtiryapti, olib beradi...

— Oyijon, saqich!..

— Konfet!..

— Obermasayz bog'chaga bormiyman!..

Aka-uka Shaytonvachchaning yo'liga yurib orqaga qarab qocha boshlashdi.

— Voy o'lay, — uyatdan nima qilishini bilmay qoldi Xojabeka, — meni sharmanda qilmalaring, ilgarigidaqa pul yo'q menda...

бўлиб, пуллари йўқ бўлса, ҳозироқ бор қиламиз-да...

Шу пайт ширинлик сотиб ўтирган хотинлардан биттаси саллона-саллона юриш қилиб Хожабеканинг ёнига келди:

— Ҳай, мен кимларни кўриб турибман-а, кимларни? Асалтойлар опоқ бўлиб қолишдими? Сизларсиз қанчадан-қанча ширинликлар сотилиб кетди-я... Шундай бўлсаям тегишийларни обқўйганман, асалтойлар, мана олинглар, ош бўлсин...

— Вой, нималар қиляпсиз, опажон, бунақа одамни хижолат қилманг, аксига олиб ҳамёним уйда қопти... — қизариб-бўзариб кетди бека. Умрида бунақа аҳволга тушмаган эди.

— Ҳе пулли гапирманг-ей, — деди ширафуриш қўл силтаб, — пул ўлсин, қўлли кири. Бу дунёда пул топилади, одамгарчилик топилмайди. Ўзи банисага кўргани бормоқчийдим, қайтага йўлим яқин бўлди, айланай.

Хожабека бу хотиннинг у-бу нарсани бекордан-бекорга тикиштирмаслигини, бир тийиннинг устида етти думалашини яхши биларди. Лекин нима қилсинки, шу тобда қўли қисқа бўлиб турибди. Буни устига пора олмасликка қасам ичиб қўйган, ҳа, тавба қилган. Эри гувоҳ. Шунгами, рўпарасида турган хотиннинг юзига тик қарай олмай, ерга қаради. Аммо анови хотин секингина қулоғига шивирлаб Хожабекани бу оғир аҳволдан қутқарди.

— Ҳаммасини эшитдим, айланай, тешик қулоқ эшитади-да, шу... омайдиган бўбсизми? Заб қиласиз, локин меники фийсабилло, қўл учида... Бундан бу ёғига болаларингизни эркалиги менга тан... сиззи болайз мени болам, айланай. Аммо-лекин қўнглингизга келмасин-у, бир кийимлик анави зўридан обқўйганман-да.

Хожабека ярқ этиб аёлга қаради. Кўзлар-кўзларга тушди.

— Гапировринг, — деди Хожабека жилмайиб.

— Битта ёмон неварам бор.

— Боланинг ёмони бўлмайди... мени болам сиззики бўлганда, сиззики ҳам меники-да, опажон.



— Ey, — dedi Shaytonvachcha Xojabekaga achingan bo'lib, pullari yo'q bo'lsa, hoziroq bor qilamiz-da...

Shu payt shirinlik sotib o'tirgan xotinlardan bittasi sallona-sallona yurish qilib Xojabekaning yoniga keldi:

— Hay, men kimlarni ko'rib turibman-a, kimlarni? Asaltoylar opoq bo'lib qolishdimi? Sizlarsiz qanchadan qancha shirinliklar sotilib ketdi-ya... Shunday bo'lsayam tegishiylarni obqo'yganman, asaltoylar, mana olinglar, osh bo'lsin...

— Voy, nimalar qilyapsiz, opajon, bunaqa odamni xijolat qilmang, aksiga olib hamyonim uyda qopti...— qizarib-bo'zarib ketdi beka. Umrida bunaqa ahvolga tushmagan edi.

— He pulli gapirmang-ey, — dedi shirafurish qo'l siltab, — pul o'lsin, qo'lli kiri. Bu dunyoda pul topiladi, odamgarchilik topilmaydi. O'zi banisaga ko'rgani bormoqchiydim, qaytaga yo'lim yaqin bo'ldi, aylanay.

Xojabeka bu xotinning u-bu narsani bekordan bekorga tiqishtirmasligini, bir tiyinning ustida yetti dumalashini yaxshi bilardi. Lekin nima qilsinki, shu tobda qo'li qisqa bo'lib turibdi. Buni ustiga pora olmaslikka qasam ichib qo'ygan, ha, tavba qilgan. Eri guvoh. Shungami, ro'parasida turgan xotinning yuziga tik qaray olmay, yerga qaradi. Ammo anovi xotin sekingina qulog'iga shivirlab Xojabekani bu og'ir ahvoldan qutqardi.

— Hammasini eshitdim, aylanay, teshik quloq eshitadi-da, shu... omaydigan bo'bsizmi? Zab qilasiz, lokin meniki fiysabillo, qo'l uchida... Bundan bu yog'iga bolalaringizni erkaligi menga tan... sizzi bolayz meni bolam, aylanay. Ammo-lekin ko'nglingizga kelmasin-u, bir kiyimlik anavi zo'ridan obqo'yganman-da.

Xojabeka yarq etib ayolga qaradi. Ko'zlar-ko'zlarga tushdi.

— Gapirovring, — dedi Xojabeka jilmayib.

— Bitta yomon nevaram bor.

— Bolaning yomoni bo'lmaydi... meni bolam sizziki bo'lganda, sizziki ham meniki-da, opajon.

— Ҳе-хе-хе... — яйраб кулди Шайтонвачча, — бу ёғи неча пулданга тушди, энди? Қасам нима бўлади, қасам? Тавбачи? Хожабека Худонинг имтиҳонидан ўтолмади. Энди худди бизга ўхшаб Худонинг даргоҳидан қувилади. Шайтонвачча шундай деб хурсандлигидан шайтон қошиғина голибона баланд кўтарди.

## ПАХТА ҚЎЙИШ

(ёки Шайтонваччанинг ишлари яна чаппа кетиши)

Шайтонвачча ўзи етишган бу дамларини зўр байрам қилиб, чапиллатиб сақич чайнаб, ширинликларни ака-укалар билан баравар шимишиб боғчага қараб бораверди. Бу ёқда Хожабека ҳам хурсанд. Фийсабиллоҳ деб, енг ичида иш битрадиган мижознинг оёқ остидан чиқиб қолиши-чи...

Хожабеканинг юз-кўзларида офтоб чарақлаганини кўрган Шайтонвачча ўзини-ўзи кўкларга кўтариб мақтади:

— Ҳа, тақвою-парҳезингиздан ўргилдим, бекам, бир зумда қўйни-қўнжини тўлатиб қўйиш мана бунақа бўлади. У чўнтақдан бу чўнтакка, бу чўнтақдан у чўнтакка-нимаси ёмон? Яна шайтон йўлига юрмайман деб ноз қилишларига ўлайми? Номи улуг-супраси қуруғ-ей.

Бу орада улар боғча дарвозасигаям етиб қолишди. Шунда бирдан ака-укалар қўлма-қўл бўлиб кетишди-ю. Ҳа, дўмбиллаган, сўмбиллаган опалар худди бола кўрмагандек... униси ундоқ қилиб, буниси бундоқ қилиб бағрига босган, турли-туман ширинликларни зўрлаб қўлларига тутган, айланишган, ўргилишган. Чўлп-чўлп юзларидан ўпишган. Бу кўтар-кўтарлардан ғаши келган Шайтонвачча фурсатдан фойдаланиб нуқул тилла тишли опаларнинг оғзига ифлос жойини тутарди. Бирам роҳат қиларди, дунёга келгандан бери бунақа маза қилмаган эди. Ҳа, бир яйрагандан, минг яйрамоқда эди...

— He-he-he... — yayrab kuldi Shaytonvachcha, — bu yog'i necha puldanga tushdi, endi? Qasam nima bo'ladi, qasam? Tavbachi? Xojabeka Xudoning imtihonidan o'tolmadi. Endi xuddi bizga o'xshab Xudoning dargohidan quviladi. Shaytonvachcha shunday deb xursandligidan shayton qoshig'ina g'olibona baland ko'tardi.

## PAXTA QO'YISH

### (yoki Shaytonvachchanning ishlari yana chappa ketishi)

Shaytonvachcha o'zi yetishgan bu damlarini zo'r bayram qilib, chapillatib saqich chaynab, shirinliklarni aka-ukalar bilan baravar shimishib bog'chaga qarab boraverdi. Bu yoqda Xojabeka ham xursand. Fiysabilloh deb, eng ichida ish bitiradigan mijozning oyoq ostidan chiqib qolishi-chi...

Xojabekaning yuz-ko'zlarida oftob charaqlaganini ko'rgan Shaytonvachcha o'zini-o'zi ko'klarga ko'tarib maqtadi:

— Ha, taqvo-yu parhezingsizdan o'rgildim, bekam, bir zumda qo'yni-qo'njini to'latib qo'yish mana bunaqa bo'ladi. U cho'ntakdan bu cho'ntakka, bu cho'ntakdan u cho'ntakka-nimasi yomon? Yana shayton yo'liga yurmayman deb noz qilishlariga o'laymi? Nomi ulug'suprasi qurug'ey.

Bu orada ular bog'cha darvozasigayam yetib qolishdi. Shunda birdan aka-ukalar qo'lma-qo'l bo'lib ketishdi-yu. Ha, do'mbillagan, so'mbillagan opalar xuddi bola ko'rmagandek... unisi undoq qilib, bunisi bundoq qilib bag'riga bosgan, turli-tuman shirinliklarni zo'rlab qo'llariga tutgan, aylanishgan, o'rgilishgan. Cho'lp-cho'lp yuzlaridan o'pishgan. Bu ko'tar-ko'tarlardan g'ashi kelgan Shaytonvachcha fursatdan foydalanib nuqul tilla tishli opalarning og'ziga iflos joyini tutardi. Biram rohat qilardi, dunyoga kelgandan beri bunaqa maza qilmagan edi. Ha, bir yayragandan, ming yayramoqda edi...

— Ўҳ-ҳў-ў-ў... бошлиққа пахта қўйиш мана бунақа бўлади, — деб қийқириб юборди охири Шайтонвачча.

Шу пайт ҳовлида Бисмилло холанинг овози гумбирлаб қолди-ку. Бирдан ҳаммаёқ сув қуйгандек тинчиди-қолди.

— Ҳа, тасаддуқлар, нима бўлди, ини бузилган аридек тўзиб қолибсизлар, тинчликми ўзи, — деди Бисмилло хола.

Холанинг овозини эшитган ака-укалар ҳам бирдан сергак тортишди.

— Бисмилло холам... — пичирлади кенжаси.

— Ўзимми холажоним... — деди ўртанчаси.

— Булар кимми боласини улоқ-улоқ қилишяпти десам, сизлармидиларинг, вой асалтойларим-ей, — деб хола болаларга бағрини очди.

— Ҳаҳ, — деди Шайтонвачча жаҳдан кўзлари қинидан чиқиб, — энди оғзим ошга етганда бурнимни қонатдинг-а, жодугар. Шошмай тур сени, бир куни бурнингни шундай қонатайки...

Бисмилло хола болалар билан кўришиб, уларни ўзларича эркалатиб бўлгач, илжайишиб турган боғча опаларга сабоқ берган бўлдилар:

— Мен сизларга минг марта айтаман тасаддуқлар, пошшони боласигаям, гадони боласигаям бирдек бўлинглар деб. Нимага энди бу болаларимни кўтар-кўтар қилияпсизлар? Нима ўқлари ўзганми? Аллоҳнинг ҳузурида ҳамма бирдай. Сизларнинг мана бундай кўтар-кўтарларинг ҳалитдан уларни бузади. Бу шайтоннинг иши-ку, тасаддуқлар. Мана шунақа қилиб одам иймонсиз бўб қолади. Сизлар бўлса, қараб туриб гуноҳга ботасизлар. Уят, боғча тўла бола-ю, сизлар мудирани боласини торт-торт қилиб юрибсизлар...

Бисмилло холанинг бу беозоргина танбеҳларидан боғча опалар қизариб-бўзариб ўз хоналарига тарқалишди.

— O‘h-ho‘-o‘-o‘... boshliqqa paxta qo‘yish mana bunaqa bo‘ladi, — deb qiyqirib yubordi oxiri Shaytonvachcha.

Shu payt hovlida Bismillo xolaning ovozi gumbirlab qoldi-ku. Birdan hammayoq suv quygandek tinchidigoldi.

— Ha, tasadduqlar, nima bo‘ldi, ini buzilgan aridek to‘zib qolibsizlar, tinchlikmi o‘zi, — dedi Bismillo xola.

Xolaning ovozini eshitgan aka-ukalar ham birdan sergak tortishdi.

— Bismillo xolam... — pichirladi kenjasi.

— O‘zimmi xolajonim... — dedi o‘rtanchasi.

— Bular kimmi bolasini uloq-uloq qilishyapti desam, sizlarmidilaring, voy asaltoylarim-ey, — deb xola bolalarga bag‘rini ochdi.

— Hah, — dedi Shaytonvachcha jahldan ko‘zlari qinidan chiqib, — endi og‘zim oshga yetganda burnimni qonatding-a, jodugar. Shoshmay tur seni, bir kuni burningni shunday qonatayki...

Bismillo xola bolalar bilan ko‘rishib, ularni o‘zlaricha erkalatib bo‘lgach, iljayishib turgan bog‘cha opalarga saboq bergan bo‘ldilar:

— Men sizlarga ming marta aytaman tasadduqlar, poshshoni bolasigayam, gadoni bolasigayam birdek bo‘linglar deb. Nimaga endi bu bolalarimni ko‘tar-ko‘tar qilyapsizlar? Nima o‘qlari o‘zganmi? Allohning huzurida hamma birday. Sizlarning mana bunday ko‘tar-ko‘tarlaring halitdan ularni buzadi. Bu shaytonning ishi-ku, tasadduqlar. Mana shunaqa qilib odam iymonsiz bo‘b qoladi. Sizlar bo‘lsa, qarab turib gunohga botasizlar. Uyat, bog‘cha to‘la bola-yu, sizlar mudirani bolasini tort-tort qilib yuribsizlar...

Bismillo xolaning bu beozorgina tanbehlaridan bog‘cha opalar qizarib-bo‘zarib o‘z xonalariga tarqalishdi.

## ШАЙТОН МАЛАЙИ

(ёки Бисмилло холанинг яхши «ташвиш»лари)

Бисмилло хола асалтойларни ичкари бошлар экан, бирдан кўзи уларнинг қўйниларидаги дўппайиб турган ширинликларга тушди-ю кўнглига шу-бҳа оралади:

— Қани асалтойлар айтинглар-чи, мановиларни сизларга ким берди?

— Битта яхши хола берди...

— Эртага яна бераман қилди...

— Ойимлар пулим йўқ-да, десалар ҳам...

— Сиззи болайз мени болам қилди...

Хола ҳаммасини тушуниб етди. Шайтонвачча ака-укалар хона эшигига яқинлашганда кўзичоқнинг боласидек ораларига суқилмоқчи бўлди. Аммо остонага етганда хола улардан сўради:

— Эсларингдан чиқмадим, асалтойлар ичкарига нима деб кириш керак эди?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...

— Ўнг оёқ билан кирилади.

— Баракалла, ўшанда нима бўлади?

— Шайтон малайлари кўчада қоп кетади.

— Баракалла, шунда остона нима дейди?

— Остонамни олтин қилдинг, хуш кўрдим, жаннат боғларини сенга туш кўрдим...

Шайтонвачча ака-укаларнинг орасига кира олмагач, эшикнинг тепасини мўлжалга олиб турган эди, ҳалиги гаплардан кейин азоб фаришталаридан тепки еб, оёқ остига чалпак бўлиб тушди. Ака-ука бўлса худди жаннат боғларига киргандек қўл ушлашиб ичкари кириб кетишди.

Шайтонвачча эшик тагида без бўлиб тураверди. Зора бирорта бола ичкарига бебисмилло кирса-ю, унга илашиб овқатларига шерик бўлса, бир-бирлари билан уриштириб, ўйинчоқларини тортиб олса... Қайда, болалар эшик тагига келгандан кейин бир зум тўхтаб, пойабзалларини ҳўл латтага артишиб, оғизларини тўлдириб, бисмиллоҳ айтиб, ичкари йўл олишарди. Охирги бола ҳам кириб кетди. Шайтонваччанинг ичкаридан умиди узилди.

## SHAYTON MALAYI

### (yoki Bismillo xolaning yaxshi «tashvish»lari)

Bismillo xola asaltoylarni ichkari boshlar ekan, birdan ko'zi ularning qo'ynilaridagi do'ppayib turgan shirinliklarga tushdi-yu ko'ngliga shubha oraladi:

— Qani asaltoylar aytinglar-chi, manovilarni sizlarga kim berdi?

— Bitta yaxshi xola berdi...

— Ertaga yana beraman qildi...

— Oyimlar pulim yo'q-da, desalar ham...

— Sizzi bolayz meni bolam qildi...

Xola hammasini tushunib yetdi. Shaytonvachcha aka-ukalar xona eshigiga yaqinlashganda qo'zichoqning bolasidek oralariga suqilmoqchi bo'ldi. Ammo ostonaga yetganda xola ulardan so'radi:

— Eslaringdan chiqmadimi, asaltoylar ichkariga nima deb kirish kerak edi?

— Bismillahir rohmanir rohiym...

— O'ng oyoq bilan kiriladi.

— Barakalla, o'shanda nima bo'ladi?

— Shayton malaylari ko'chada qop ketadi.

— Barakalla, shunda ostonaga nima deydi?

— Ostonamni oltin qilding, xush ko'rdim, jannat bog'larini senga tush ko'rdim...

Shaytonvachcha aka-ukalarning orasiga kira olmagach, eshikning tepasini mo'ljalga olib turgan edi, haligi gaplardan keyin azob farishtalaridan tepki yeb, oyoq ostiga chalpak bo'lib tushdi. Aka-uka bo'lsa xuddi jannat bog'lariga kirgandek qo'l ushlab ichkari kirib ketishdi.

Shaytonvachcha eshik tagida bez bo'lib turaverdi. Zora birorta bola ichkariga bebismillo kirsayu, unga ilashib ovqatlariga sherik bo'lsa, bir-birlari bilan urishtirib, o'yinchoqlarini tortib olsa... Qayda, bolalar eshik tagiga kelgandan keyin bir zum to'xtab, poyabzallarini ho'l lattaga artishib, og'izlarini to'ldirib, bismilloh aytib, ichkari yo'l olishardi. Oxirgi bola ham

Оҳ, бу пайтда болаларга нонуша тортила бошлаган эди... Овқатларнинг хушбўй ҳидидан Шайтонваччанинг қорни қулдираб, бир жойда туролмай қолди. Шайтон қошиғи худди соатнинг кафгиридек у ёқдан, бу ёққа бориб кела бошлади. Тоқати тоқ бўлди. Нима қилиш керак? Эсига лоп этиб, Хожабека тушди.

— Ўҳ, — деди калласини ишлатиб, — Хожабека қасамига хиёнат қилдими, энди ўшанинг пайдан бўламан.

Шайтонвачча лип этиб Хожабеканинг хонасига кирди. У кўчадаги чайқовчи хотин кўярда-қўймай сумкасига тиқиштириб қўйган ширинликлар билан чой ичиб ўтирарди.

— Ҳа, қалайсиз бекам, ҳалиям биз айтган йўлларга юраверинг, кам бўлмайсиз. Чайқовчи хотинам ўзимиздан, сираям исини чиқармайди, — деб турган эди, эшик тақиллаб қолди.

— Ана, — деди Шайтонвачча, — бўрини гапирсанг, кулоғи кўринади дейишади, ҳойнаҳой, чайқовчи хотиннинг ўзи кеп қолдиёв.

Аммо эшик очилиб ким кўринди денг? Бисмилло хола!

— Вой, дод-ей, — деб юборди Шайтонвачча азбаройи чидамай қолганидан, — шу жодугар ўлмади мен қутулмадим, мен қаёққа борсам, уям шу ёққа боради-я!

Бисмилло хола одатлари бўйича хонага кириш билан дуога қўл очдилар. Бу пайтда Шайтонвачча Хожабеканинг оппоққина билагидан ушлаб, пора оладиган кафтини қичитиб ўтирган эди.

— Омин, — деди Бисмилло хола худди Шайтонваччани кўриб тургандек, — қадам етди бало етмасин, Оллоҳ деганнинг қўлидан шайтон тутмасин.

Бисмилло хола шундай дейиши билан Шайтонвачча яна шифтга тортилди-қолди. Азоб фаришталари яна ўз ишларини қилишди.

— Вой-ей, — яна мени қозикқа тортди-я, бу шум кампир. Ҳа, тортмай тортилиб ўлгур. Сени додингни қасамхўр, тавбасига таянмаган Хожабека берсин.



kirib ketdi. Shaytonvachchaning ichkaridan umidi uzildi.

Oh, bu paytda bolalarga nonusha tortila boshlagan edi... Ovqatlarning xushbo'y hididan Shaytonvachchaning qorni quldirab, bir joyda turolmay qoldi. Shayton qoshig'i xuddi soatning kafgiridek u yoqdan, bu yoqqa borib kela boshladi. Toqati toq bo'ldi. Nima qilish kerak? Esiga lop etib, Xojabeka tushdi.

— O'h, — dedi kallasini ishlatib, — Xojabeka qasamiga xiyonat qildimi, endi o'shaning payidan bo'laman.

Shaytonvachcha lip etib Xojabekaning xonasiga kirdi. U ko'chadagi chayqovchi xotin qo'yarda-qo'ymay sumkasiga tiqishtirib qo'ygan shirinliklar bilan choy ichib o'tirardi.

— Ha, qalaysiz bekam, haliyam biz aytgan yo'llarga yuravering, kam bo'lmaysiz. Chayqovchi xotinam o'zimizdan, sirayam isini chiqarmaydi, — deb turgan edi, eshik taqillab qoldi.

— Ana, — dedi Shaytonvachcha, — bo'rini gapirsang, qulog'i ko'rinadi deyishadi, hoynahoy, chayqovchi xotinning o'zi kep qoldiyov.

Ammo eshik ochilib kim ko'rindi deng? Bismillo xola!

— Voy, dod-ey, — deb yubordi Shaytonvachcha azbaroyi chidamay qolganidan, — shu jodugar o'lmadi men qutulmadim, men qayoqqa borsam, uyam shu yoqqa boradi-ya!

Bismillo xola odatlari bo'yicha xonaga kirish bilan duoga qo'l ochdilar. Bu paytda Shaytonvachcha Xojabekaning oppoqqina bilagidan ushlab, pora oladigan kaftini qichitib o'tirgan edi.

— Omin, — dedi Bismillo xola xuddi Shaytonvachchani ko'rib turgandek, — qadam yetdi balo yetmasin, Olloh deganning qo'lidan shayton tutmasin.

Bismillo xola shunday deyishi bilan Shaytonvachcha yana shiftga tortildi-qoldi. Azob farishtalari yana o'z ishlarini qilishdi.

— Voy-ey, — yana meni qoziqqa tortdi-ya, bu shum kampir. Ha, tortmay tortilib o'lgur. Seni

— Келинг, хола, келинг, — деди бека хушламайгина.

— Мана шуни обқўйсангиз, — деди Бисмилло хола енг учида бир нима узатар экан, — лекин буни сиз-у, мен, Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳа, ўртамиздаги меҳр-оқибат дегандек...

— Вой-й-й... нима бу? Хожабека ҳайрон бўлиб, кафтига қаради. Не кўз билан кўрсинки, бир сиқим пул.

— Пул! — деди Хожабеканинг кўзлари ёниб, — сиз менга пул берасиз?! Тилла тишларини ялтиратиб, яйраб кулди Хожабека. — Мен сиззи илтимосингизни бусиз ҳам қилиб беровраман, қизиқмисиз...

— Мени ҳеч қанақа илтимосим йўқ, тасаддуқ...

— Унда...ҳа, унда пул нимага?

— Кўриб-билиб турибман, қоқиндиқ, наҳотки сезмасам, тақво қилиб озгина қийналиб қолдингиз. Бунақа пайтда билиб туриб, мўмин мўминга қарашмаса, мўминнинг топгани ўзига буюрмайди, тасаддуқ. Олинг, болам, пенса пулим, локин қарз эмас, фийсабилло!

— Нималар деяпсиз хола, жа унчаликмас-да, шу сиззи пенсиянгизга қараб қолмагандирман, бу кунларам ўтар-кетар...

— Ўтади, жоним болам, ўтади, шунинг учун ҳам кирдим-да, мени ўз онангиздек кўринг. Боя болаларингизга тиқиштирилган ширинликларнинг ҳақини тўлаб, ҳалқумини тозалаб олайлик.

— Вой тавба-а-а... буларни сиз қаттан билақолдингиз, дарровда?

— Э, жудаям соддани соддасисиз-да, тасаддуқ, ёмон кунни яхши бўлади деса ишонинг, аммо ёмон одамни яхши бўлади деса ишонманг. Ўша сиззи йўлдан урган чўлтоқ супурги бундан бир ҳафта олдин гап тарқатган: неварам билан қизимми бир кунда боғчага жойлаб қўяман, жазоси бир сиқим ширинлигу, бир кийимлик атлас деб. Сиз унга лаққа тушиб ўтирибсиз...

— Оббо, — деди Шайтонвачча ҳафсаласи пир бўлиб, — у қилиб, бу қилиб бу ишним тагига сув куйди-я, бу жодугар...

dodingni qasamho‘r, tavbasiga tayanmagan Xojabeka bersin.

— Keling, xola, keling, — dedi beka xushlamaygina.

— Mana shuni obqo‘ysangiz, — dedi Bismillo xola eng uchida bir nima uzatar ekan, — lekin buni siz-u, men, Oллоhdan boshqa hech kim bilmaydi. Ha, o‘rtamizdagi mehr-oqibat degandek...

— Voy-y-y... nima bu? Xojabeka hayron bo‘lib, kaftiga qaradi. Ne ko‘z bilan ko‘rsinki, bir siqim pul.

— Pul! — dedi Xojabekaning ko‘zlari yonib, — siz menga pul berasiz?! Tilla tishlarini yaltiratib, yayrab kuldi Xojabeka. — Men sizni iltimosingizni busiz ham qilib berovraman, qiziqmisiz...

— Meni hech qanaqa iltimosim yo‘q, tasadduq...

— Unda...ha, unda pul nimaga?

— Ko‘rib-bilib turibman, qoqindiq, nahotki sezmasam, taqvo qilib ozgina qiynalib qoldingiz. Bunaqa paytda bilib turib, mo‘min mo‘minga qarashmasa, mo‘minning topgani o‘ziga buyurmaydi, tasadduq. Oling, bolam, pensa pulim, lokin qarz emas, fiysabillo!

— Nimalar deyapsiz xola, ja unchalikmas-da, shu sizni pensiyangizga qarab qolmagandirman, bu kunlaram o‘tar-ketar...

— O‘tadi, jonim bolam, o‘tadi, shuning uchun ham kirdim-da, meni o‘z onangizdek ko‘ring. Boya bolalaringizga tiqishtirilgan shirinliklarning haqini to‘lab, halqumini tozalab olaylik.

— Voy tavba-a-a... bularni siz qattan bilaqoldingiz, darrovda?

— E, judayam soddani soddasisiz-da, tasadduq, yomon kunni yaxshi bo‘ladi desa ishoning, ammo yomon odamni yaxshi bo‘ladi desa ishonmang. O‘sha sizni yo‘ldan urgan cho‘ltoq supurgi bundan bir hafta oldin gap tarqatgan: nevaram bilan qizimmi bir kunda bog‘chaga joylab qo‘yaman, jazosi bir siqim shirinligu, bir kiyimlik atlas deb. Siz unga laqqa tushib o‘tiribsiz...

— Obbo, — dedi Shaytonvachcha hafsalasi pir bo‘lib, — u qilib, bu qilib bu ishniyam tagiga suv quydi-ya, bu jodugar...

## ДЎЗАХНИНГ ЎТИ

(ёки хаёлпараст ошпаз опа)

Хожабека Бисмилло холанинг гапларидан кўп мулзам бўлиб, хаёл суриб ўтирган эди, эшик очилиб, остонада ошпаз кўринди. Икки юзи қип-қизил, семизлигидан нукул пишиллайди. Шошиброқ қолгани учунми, на Хожабекага, на Бисмилло холага тузук-қуруқ салом берди.

— Ҳа, кел, — деди Хожабека беписандлик билан, — нима гап?

— Шу... Худо деганлардансиз-да, опа, — деди у ёйилиб, — ҳалиги четдан бир сарёғ келовди-ку, мазаси ҳали-ҳануз оғизда қолган, завҳўзимиз ўшандан обкелди десангиз... яна, бир қошиғига бир челак сув қўшсаям мазаси ўзгармайдиган шарбат бор-у, унда нам келди... вой зайтун мойини айтмайсизми...

— Пичоқ ҳам, чўмич ҳам ёғ ичида дегин, — дея Хожабека рўпарасида ўтирган Бисмилло холага ер остидан секингина қараб қўйди.

— Секин айтасизми, опа шу... сарёғни маргаринга, шарбатни бошқасига, зайтун мойини пахта мойига алмаштирсам-да, қолганини гум қилсам, нима дедингиз?

— Ие, — деди Шайтонваччанинг эси оғиб, — бу хотинни эси жойидами, бунақа гапларни анови жодугарнинг олдида гапириб бўладими, вой думбулей...

— Кўрдингизми, — деди Хожабека ёлғондакам ҳасрат қилиб, — одамни мана шулар йўлдан уради. Ҳа, бош-кўзимни айлантириб юборишади. Бугун боғчага келаётганимда ҳам шунақа бўлди-да, холажон.

— Вой, хижолат бўлманг, опа, — деди ошпаз буралиб, — Аллачи холамларниям эсимдан чиқарганим йўқ, гўштнинг чучварабопидан об қўйганман, дуо қилиб ейдилар...

— Вой хаёлпараст-ей, қанийди шундоқ бўлса, — деди Шайтонвачча чапак чалиб, — минг афсуски, ундай бўлмайти-да.

— Ҳай, ҳай, — деди Бисмилло хола худди этагига ўт кетгандек бир аҳволга тушиб, — болаларни

## DO‘ZAXNING O‘TI

(yoki xayolparast oshpaz opa)

Xojabeka Bismillo xolaning gaplaridan ko‘p mulzam bo‘lib, xayol surib o‘tirgan edi, eshik ochilib, ostonada oshpaz ko‘rindi. Ikki yuzi qip-qizil, semizligidan nuqul pishillaydi. Shoshibroq qolgani uchunmi, na Xojabekaga, na Bismillo xolaga tuzuk-quruq salom berdi.

— Ha, kel, — dedi Xojabeka bepisandlik bilan, — nima gap?

— Shu... Xudo deganlardansiz-da, opa, — dedi u yoyilib, — haligi chetdan bir saryog‘ kelovdi-ku, mazasi hali-hanuz og‘izda qolgan, zavxo‘zimiz o‘shandan obkeldi desangiz... yana, bir qoshig‘iga bir chelak suv qo‘shsayam mazasi o‘zgarmaydigan sharbat bor-u, undanam keldi... voy zaytun moyini aytmaytizmi...

— Pichoq ham, cho‘mich ham yog‘ ichida degin, — deya Xojabeka ro‘parasida o‘tirgan Bismillo xolaga yer ostidan sekingina qarab qo‘ydi.

— Sekin aytasizmi, opa shu... saryog‘ni margaringa, sharbatni boshqasiga, zaytun moyini paxta moyiga almashtirsam-da, qolganini gum qilsam, nima dedingiz?

— Ie, — dedi Shaytonvachchaning esi og‘ib, — bu xotinni esi joyidami, bunaqa gaplarni anovi jodugarning oldida gapirib bo‘ladimi, voy dumbul-ey...

— Ko‘rdingizmi, — dedi Xojabeka yolg‘ondakam hasrat qilib, — odamni mana shular yo‘ldan uradi. Ha, bosh-ko‘zimni aylantirib yuborishadi. Bugun bog‘chaga kelayotganimda ham shunaqa bo‘ldi-da, xolajon.

— Voy, xijolat bo‘lmang, opa, — dedi oshpaz buralib, — Allachi xolamlarniyam esimdan chiqarganim yo‘q, go‘shning chuchvarabopidan ob qo‘yganman, duo qilib yeydilar...

— Voy xayolparast-ey, qaniydi shundoq bo‘lsa, — dedi Shaytonvachcha chapak chalib, — ming afsuski, unday bo‘lmaydi-da.

— Hay, hay, — dedi Bismillo xola xuddi etagiga o‘t ketgandek bir ahvolga tushib, — bolalarni haqini-

ҳақини-я, ўйлаб гапиряпсизми, қизим? Болаларнинг ҳақини ейиш дўзахнинг ўтини ейиш билан баробар-а... Дўзахнинг ўти мана бу ерни куйдиради, — деб хола кўкрагига уриб қўйди, — бу ер куйгандан кейин, одамда иймон қоладими...

— Э, қаёқдаги гапларни айтасиз-а, Аллачи хола, — деди ошпазнинг бир туки ўзгармай, — куйдирса аллақачанок, бизларнинг кулимиз кўкка созурилган бўларди, юрибмиз-ку, биб-бинойи... Майли, хола-жон, гўштга ҳушингиз бўлмаса, сарёғдан бераман, бир луқмасини ютиб юборсангиз, овозларингиз ипак-дек юмшаб, аллаларингиз бирам чиройли чиқадики...

— Бас, — деди Хожабека амрона, — бундан бу ёғига болаларнинг ҳақини об кетиш ҳам йўқ, еб кетиш ҳам йўқ...

— Ҳа, умрингиздан барака топинг, айланай сиздан, бу бошқа гап, — деди Бисмилло хола, — илоҳа, иймонингиз саломат бўлсин...

## УЧРАШУВ

### (ёки ошхонадаги ҳангомалар)

Хожабека чайқовчи хотин билан орани очди қилгани кўчага қараб йўл олди. Бисмилло хола болалар олдига шошди. Хожабекадан кўнгли тўлиб, хурсанд бўлди. Шайтонвачча гаранг бўлиб, шифтдан ерга тушди. Очликдан қорни узундан-узун кулдиради. Кулоқлари шанғиллаб кетди.

— Энди қаёққа бордим, — деди бошини қашлаб, — Хожабекага ишонган эдим, тайини йўқ хотин экан. Ҳали у ёққа оғиб кетади, ҳали бу ёққа... Одам ҳам шунақа бетайин, оғмачи бўладими?

Товуқнинг тушига тариқ киради деганларидек Шайтонваччанинг эсига ҳозиргина Хожабекадан дакки еб чиқиб кетган ошпаз хотин тушди. Йўқотган нарсасини топиб олгандек, кўзлари йилтираб, лабини ялаб қўйди.

Шайтонвачча аста ошхонанинг эшигидан мўралади. Мўралади-ю, чўчиб тушди. Ёпирай кўраётга-

ya, o'ylab gapiryapsizmi, qizim? Bolalarning haqini yeyish do'zaxning o'tini yeyish bilan barobar-a... Do'zaxning o'ti mana bu yerni kuydiradi, — deb xola ko'kragiga urib qo'ydi, — bu yer kuygandan keyin, odamda iymon qoladimi...

— E, qayoqdagi gaplarni aytasiz-a, Allachi xola, — dedi oshpazning bir tuki o'zgarmay, — kuydirsa allaqachanoq, bizlarning kulimiz ko'kka sovurilgan bo'lardi, yuribmiz-ku, bib-binoyi... Mayli, xolajon, go'shtga hushingiz bo'lmasa, saryog'dan beraman, bir luqmasini yutib yuborsangiz, ovozlaringiz ipakdek yumshab, allalaringiz biram chiroyli chiqadiki...

— Bas, — dedi Xojabeka amrona, — bundan bu yog'iga bolalarning haqini ob ketish ham yo'q, yeb ketish ham yo'q...

— Ha, umringizdan baraka toping, aylanay sizdan, bu boshqa gap, — dedi Bismillo xola, — iloha, iymoningiz salomat bo'lsin...

## UCHRASHUV

### (yoki oshxonadagi hangomalar)

Xojabeka chayqovchi xotin bilan orani ochdi qilgani ko'chaga qarab yo'l oldi. Bismillo xola bolalar oldiga shoshdi. Xojabekadan ko'ngli to'lib, xursand bo'ldi. Shaytonvachcha garang bo'lib, shiftdan yerga tushdi. Ochlikdan qorni uzundan uzun quldiradi. Quloqlari shang'illab ketdi.

— Endi qayoqqa bordim, — dedi boshini qashlab, — Xojabekaga ishongan edim, tayini yo'q xotin ekan. Hali u yoqqa og'ib ketadi, hali bu yoqqa... Odam ham shunaqa betayin, og'machi bo'ladimi?

Tovuqning tushiga tariq kiradi deganlaridek Shaytonvachchanning esiga hozirgina Xojabekadan dakki yeb chiqib ketgan oshpaz xotin tushdi. Yo'qotgan narsasini topib olgandek, ko'zlari yiltirab, labini yalab qo'ydi.

Shaytonvachcha asta oshxonaning eshigidan mo'raladi. Mo'raladi-yu, cho'chib tushdi. Yopiray ko'ragotganim nima o'zi? Ko'zlarini hayratdan yumdi-ochdi,

ним нима ўзи? Кўзларини ҳайратдан юмди-очди, очди-юмди, тушумми, ўнгимми деб бошини бир-икки чайқаб ҳам қўйди. Нимага деганда эшикнинг рўпарасида қорни нақ тўйхонанинг қозонидек, бир шайтон ўтирган экан. Азбаройи семириб кетганидан оёқ-қўллари итбалиқнинг думидек қилтиллаб кўри-нарди. Шайтонвачча сал ўзини босиб олиб, ҳалиги махлуққа ростмана тикилди.

— Вой бў-ў-ў... бир арава-ку! — деб юборди баралла.

— Ичкарида ялпайиб ўтирган хўппа семиз шайтон ҳам Шайтонваччага тикилиб қолди. Уям ҳайрати тошиб шундай тикилдики, пешонаси ариқ-ариқ бўлиб, пиёладек кўзлари ирғиб чиқди.

— Ҳа, ҳов, — деди Шайтонвачча ўзига бошдан-оёқ қараб қўйиб, — нима умрингда шайтон кўрмаганмисан?

— Ҳеҳ-хеҳ-хеҳ, — қорнини селкилатиб кулди хўппа семиз, — кўрганман, шунақаларини кўрганманки, нақ одамбашара шайтонларниям кўрганман, аммо сендақа оч-арвоҳ, чиллаширини энди кўриб турибман. Ўзингам пуф-ф-ф деса осмонда учиб юрсанг керак-а, ҳеҳ-хеҳ-хеҳ...

— Бу ёққа чиқ, пуфлаш қанақа бўлишини кўрса-тиб қўяман сенга, — бўш келмади Шайтонвачча.

— Вой оч арвоҳ-ей, нима бало кўздан қолганмисан, эшикка сизсам шу ерда ётармидим, димиқиб, сасиб-бижиб. Уни-буни қўй, ташқарида нима гаплар?

— Э, — деди Шайтонвачча тишлари орасидан чирт эттириб тупуриб, — жудаям бефаросат экансан, ранг кўр-ҳол сўр деганлар, аҳволимни кўриб туриб сўрайсан-а? Қачон туз тотганим эсимдаям йўқ. Ҳаммаёгда очарчилик...

— Очарчилик дегин?

— Шундоқ, ҳамма шайтонлар тишини кирини сўриб юрибди.

— Бу ёққа кир бўлмаса, шу десанг овқат деса кўнглим айнийдиган бўб қопти, қарашворасан.

Шайтонвачча ичкарига кириб бундоқ қараса, бир



ochdi-yumdi, tushummi, o'ngimmi deb boshini bir-ikki chayqab ham qo'ydi. Nimaga deganda eshikning ro'parasida qorni naq to'yxonaning qozonidek, bir shayton o'tirgan ekan. Azbaroyi semirib ketganidan oyoq-qo'llari itbaliqning dumidek qiltillab ko'rinardi. Shaytonvachcha sal o'zini bosib olib, haligi maxluqqa rostmana tikildi.

— Voy bo'-o'-o'... bir arava-ku! — deb yubordi baralla.

— Ichkarida yalpayib o'tirgan xo'ppa semiz shayton ham Shaytonvachchaga tikilib qoldi. Uyam hayrati toshib shunday tikildiki, peshonasi ariq-ariq bo'lib, piyoladek ko'zlari irg'ib chiqdi.

— Ha, hov, — dedi Shaytonvachcha o'ziga boshdan oyoq qarab qo'yib, — nima umringda shayton ko'rmaganmisan?

— Heh-heh-heh, — qornini selkillatib kuldi xo'ppa semiz, — ko'rganman, shunaqalarini ko'rganmanki, naq odambashara shaytonlarniyam ko'rganman, ammo sendaqa och-arvoh, chillashirini endi ko'rib turibman. O'zingam puf-f-f desa osmonda uchib yursang kerak-a, heh-heh-heh...

— Bu yoqqa chiq, puflash qanaqa bo'lishini ko'rsatib qo'yaman senga, — bo'sh kelmadi Shaytonvachcha.

— Voy och arvoh-ey, nima balo ko'zdan qolganmisan, eshikka sig'sam shu yerda yotarmidim, dimiqib, sasib-bijib. Uni-buni qo'y, tashqarida nima gaplar?

— E, — dedi Shaytonvachcha tishlari orasidan chirt ettirib tupurib, — judayam befarosat ekansan, rang ko'r-hol so'r deganlar, ahvolimni ko'rib turib so'raysan-a? Qachon tuz totganim esimdayam yo'q. Hammayog'da ocharchilik...

— Ocharchilik degin?

— Shundoq, hamma shaytonlar tishini kirini so'rib yuribdi.

— Bu yoqqa kir bo'lmasa, shu desang ovqat desa ko'nglim ayniydigan bo'b qopti, qarashvorasan.

Shaytonvachcha ichkariga kirib bundoq qarasa, bir

қозонда шўрва, бир қозонда бўтқа, яна бир қозонда алланимабалолар биқирлаб қайнаб ётганмиш.

— Ўҳ-хў, бергандаям қўшқўллаб берди-ку, — деди Шайтонвачча шайтон қошиғини қўлга олиб ва битта қозондан татиниб кўрди. Нафси қанчалик чукул-ламасин барибир ёқмади. Афти буришиб, туфлаб ташлади. Кейин ўзини иккинчи қозонга урди. Намакобдан нақ оғзи ўйилиб тушай деди.

— Э, одам болаларига намакоб ҳам ичириб туришар экан-да, тавба, — деб хўппа семизга юзланди Шайтонвачча, — мен сени тўқликдан семирган десам, очликдан шишиб ётибсан экан-да, бечора. Тишга босадиган ҳеч вақо йўқ-ку, бу ерда.

— Сен ташқаридан келган ўлардек аҳмоқ экансан, ўнг келганини оғзингга оловрасанми одам болаларига ўхшаб? Биз шайтонлар дунёга келибмиз-ки, таомларнинг гулини еймиз, гулини. Бунақа ювиндиларга кунимиз қолгани йўқ ҳали, уқдингми, чилласи чироқ кўрмаган?

— Уқдим, уқдим, — дея ноилож кўнган бўлди Шайтонвачча.

— Уққан бўлсанг менга қара, анови кўк идишнинг қопқоғини кўтар.

— Ў-ў-ў... эритилган сарёғ-ку, бай-бай бунча ҳидлари ёқимли. Ҳозир шундан бир чўмичини анови бўтқага қўшворсам, оғизда эрийдиган овқат бўлади-да, — дея ҳаракатга тушиб қолди Шайтонвачча.

— Вой ўқимаган, аммамнинг бузоғи-ей, бўтқага қўшиб нима қиласан, сарёғни мазасини бузиб, ўзини тушираверсанг-чи, ўзини! Ё тешиб чиқадими?

— Тўғри айтасан, — деди-ю, Шайтонвачча нақ сарёғнинг ичига калла қўйди. Аммо сал ўтмай оғзибурни қоп-қора қон бўлиб қайтиб чиқди.

— Вой очопат-ей, — деди хўппа семиз ҳангу манг бўлиб, — нафси ёмон ҳайитда ўлар деб, бир зумда посонгига етиб бордингми?

— Э, посонгинг бошингдан қолсин, нимаиди у, тишни еди-ку?

— Ошпазимиз бу ердан нимани ўмарса ичига посонги соб қўяди, посонги... Посонги дегани бу оддий тош. Бир кило ўмарса бир килолик, ўн кило

qozonda sho'ra, bir qozonda bo'tqa, yana bir qozonda allanimabalolar biqirlab qaynab yotganmish.

— O'h-ho', bergandayam qo'shqo'llab berdi-ku, — dedi Shaytonvachcha shayton qoshig'ini qo'lga olib va bitta qozondan tatinib ko'rdi. Nafsi qanchalik chukullamasin baribir yoqmadi. Afti burishib, tuflab tashladi. Keyin o'zini ikkinchi qozonga urdi. Namakobdan naq og'zi o'yilib tushay dedi.

— E, odam bolalariga namakob ham ichirib turishar ekan-da, tavba, — deb xo'ppa semizga yuzlandi Shaytonvachcha, — men seni to'qlikdan semirgan desam, ochlikdan shishib yotibsan ekan-da, bechora. Tishga bosadigan hech vaqo yo'q-ku, bu yerda.

— Sen tashqaridan kelgan o'lardek ahmoq ekansan, o'ng kelganini og'zingga oloverasanmi odam bolalariga o'xshab? Biz shaytonlar dunyoga kelibmizki, taomlarning gulini eyimiz, gulini. Bunaqa yuvindilarga kunimiz qolgani yo'q hali, uqdingmi, chillasi chiroq ko'rmagan?

— Uqdim, uqdim, — deya noiloj ko'ngan bo'ldi Shaytonvachcha.

— Uqqan bo'lsang menga qara, anovi ko'k idishning qopqog'ini ko'tar.

— O'-o'-o'... eritilgan saryog'-ku, bay-bay buncha hidlari yoqimli. Hozir shundan bir cho'michini anovi bo'tqaga qo'shvorsam, og'izda eriydigan ovqat bo'ladi-da, — deya harakatga tushib qoldi Shaytonvachcha.

— Voy o'qimagan, ammamning buzog'i-ey, bo'tqaga qo'shib nima qilasan, saryog'ni mazasini buzib, o'zini tushiraversang-chi, o'zini! Yo teshib chiqadimi?

— To'g'ri aytasan, — dedi-yu, Shaytonvachcha naq saryog'ning ichiga kalla qo'ydi. Ammo sal o'tmay og'zi-burni qop-qora qon bo'lib qaytib chiqdi.

— Voy ochopat-ey, — dedi xo'ppa semiz hangu mang bo'lib, — nafsi yomon hayitda o'lar deb, bir zumda posongiga yetib bordingmi?

— E, posonging boshingdan qolsin, nimaydi u, tishni edi-ku?

— Oshpazimiz bu yerdan nimani o'marsa ichiga posongi sob qo'yadi, posongi... Posongi degani bu

ўмарса ўн килолик тош солиб қўяди. Тафтишчилар келиб текшириб қолса ҳисобга тўғри бўлиб туради-да, саводсиз. Салобатидан от хуркадиган шундоқ қошиғинг бор экан, ўша билан есанг ўласанми, очопат?

— Манови зайтунмойиниям ичида посонгиси бор дегин?

— Бор, ишқилиб ўмарса бўладиган нимаики бўлса, барини посонгиси бор...

— Оҳ-ҳо, — деди Шайтонвачча қошларини учириб, — одам шайтонларни кўрдим деганингга энди ишондим, бундан чиқди оши катталарга-ю, тоши болаларга экан-да...

## ТАВБА

### (ёки ошхонани тафтишчилар босиши)

— Шайтонвачча нафси бузуқлик қилиб тишини синдириб олгандан кейин, шайтон қошиғини ишга солишга мажбур бўлди. Ҳа, шошган ўрдак сувга ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди деганларидек бир умрга кемшик бўлиб қолди. Ахир бу ердаги ош-овқатларни кўзга кўринмас посонгилар босиб кетганини у қаттан билсин? Аммо бу роҳат ва фароғатлар узоққа бормади, таги кўриниб қолди. Бир маҳал орқасидан ит қувгандек пар-парон бўлиб ошпаз опа кириб келди. Ҳамиша ҳаммомдан чиққандек қип-қизил бўлиб юрадиган юзлари тегирмондан чиққандек оппоқ эди. Лаблари гезарган, кўзлари бежо. Бамисоли замон охир бўлгандек. У ошхонада у ёқдан, бу ёққа шоҳ ташлаб, қўли қўлига тегмай учиб юрибди. Бўтқага сарёғ ташлаган, шўрвага пишлоқ ташлаган, яна бир қозонга қаймоқ... Буни устига жағи-жағига тегмай Худога ёлбора бошлади:

— Э, Художон, не қилайки олдинда гуноҳқорман, ўзинг барини билиб-кўриб тургувчи зотсан, шу сафар мен ожиз бандангни кечир, шарманда-ю шармисор қилма. Тавба қилдим, тавба...

— Ҳей, — деди Шайтонвачча хўппа семизнинг пинжига тикилиб, — нималар бўляпти ўзи, ошпаз нимага тавбасига таяниб қолди?

oddiy tosh. Bir kilo o'marsa bir kilolik, o'n kilo o'marsa o'n kilolik tosh solib qo'yadi. Taftishchilar kelib tekshirib qolsa hisobga to'g'ri bo'lib turadi-da, savodsiz. Salobatidan ot hurkadigan shundoq qoshig'ing bor ekan, o'sha bilan yesang o'lasanmi, ochopat?

— Manovi zaytunmoyiniyam ichida posongisi bor degin?

— Bor, ishqilib o'marsa bo'ladigan nimaiki bo'lsa, barini posongisi bor...

— Oh-ho, — dedi Shaytonvachcha qoshlarini uchirib, — odam shaytonlarni ko'rdim deganingga endi ishondim, bundan chiqdi oshi kattalarga-yu, toshi bolalarga ekan-da...

## TAVBA

### (yoki oshxonani taftishchilar bosishi)

— Shaytonvachcha nafsi buzuqlik qilib tishini sindirib olgandan keyin, shayton qoshig'ini ishga solishga majbur bo'ldi. Ha, shoshgan o'rdak suvga ham boshi bilan, ham dumi bilan sho'ng'iydi deganlaridek bir umrga kemshik bo'lib qoldi. Axir bu yerdagi osh-ovqatlarni ko'zga ko'rinmas posongilar bosib ketganini u qattan bilsin? Ammo bu rohat va farog'atlar uzoqqa bormadi, tagi ko'rinib qoldi. Bir mahal orqasidan it quvgandek par-paron bo'lib oshpaz opa kirib keldi. Hamisha hammomdan chiqqandek qip-qizil bo'lib yuradigan yuzlari tegirmondan chiqqandek oppoq edi. Lablari gezargan, ko'zlari bejo. Bamisoli zamon oxir bo'lgandek. U oshxonada u yoqdan, bu yoqqa shoh tashlab, qo'li qo'liga tegmay uchib yuribdi. Bo'tqaga saryog' tashlagan, sho'rvaga pishloq tashlagan, yana bir qozonga qaymoq... Buni ustiga jag'i-jag'iga tegmay Xudoga yolbora boshladi:

— E, Xudojon, ne qilayki oldingda gunohkorman, o'zing barini bilib-ko'rib turguvchi zotsan, shu safar men ojiz bandangni kechir, sharmanda-yu sharmisor qilma. Tavba qildim, tavba...

— Hey, — dedi Shaytonvachcha xo'ppa semizning

— Парво қилма, — деди хўппа семиз ўнг ёнидан, чап ёнига базўр ағдарилиб, — навбатдаги ўйин бошланяпти, ўйин!

Шу пайт ичкарига Хожабека бошлиқ бир тўда одамлар кириб келишди. Улар худди гулзорга ёйилган капалаклардек, ошхонага ёйилиб кетишди. Бири уни таъмини кўрган, бошқаси буни... бири нарсаларни тарозига қўйган, бошқаси олиб қўйган... Ошпаз хотин Худога илтижо қилиб, тинимсиз пичирлаган...

Ниҳоят тафтишчилар тафтишни тугатишди. Хожабека ним табассум билан «ишларимиз қалай» дегандек уларга кўз қирини ташлади.

— Яхши, яхши, — деди биттаси, бош ирғаб, — бунақаси камдан-кам бўлади.

— Ҳаммаси жойида, ўроғданам тўғри, — деди иккинчиси.

— Овқатларга гап йўқ, — деди учинчиси, лабини ялаб.

— Ҳа, — деди Хожабека тустовуқдек товланиб, — ошпазга ёлчиганмиз, қўли ширин, буни устига болаларнинг ҳақидан кўрқади. Беш вақт намоз ўқийди-да...

— Шундоқ, — деди ошпаз ҳам жим туrolмай, — бир кунда беш марта думалаб тураман, сизларга айтсам болаларнинг ҳақи жаннатни... э, йўғ-е дўзахни ўти билан баробар-да, дўзахни ўти билан...

— Ҳа, томоқ куйса чатоқ, — деди биттаси.

— Шунинг учун совутиб, кейин ейиш керак, — деди иккинчиси.

— Ишқилиб, бўлмайдиган иш йўқ бу дунёда, йўлини топса бўлади, — деди учинчиси.

— Войдод! — деб юборди Шайтонвачча эсхонаси чиқиб, — қўйиб берса бу одам болалари дўзахнинг ўтини ҳам ейишади-я, ё алҳазар...

pinjiga tiqilib, — nimalar bo'lyapti o'zi, oshpaz nimaga tavbasiga tayanib qoldi?

— Parvo qilma, — dedi xo'ppa semiz o'ng yonidan, chap yoniga bazo'r ag'darilib, — navbatdagi o'yin boshlanyapti, o'yin!

Shu payt ichkariga Xojabeka boshliq bir to'da odamlar kirib kelishdi. Ular xuddi gulzorga yoyilgan kapalaklardek, oshxonaga yoyilib ketishdi. Biri uni ta'mini ko'rgan, boshqasi buni... biri narsalarni taroziga qo'ygan, boshqasi olib qo'ygan... Oshpaz xotin Xudoga iltijo qilib, tinimsiz pichirlagan...

Nihoyat taftishchilar taftishni tugatishdi. Xojabeka nim tabassum bilan «ishlarimiz qalay» degandek ularga ko'z qirini tashladi.

— Yaxshi, yaxshi, — dedi bittasi, bosh irg'ab, — bunaqasi kamdan-kam bo'ladi.

— Hammasi joyida, o'rog'danam to'g'ri, — dedi ikkinchisi.

— Ovqatlarga gap yo'q, — dedi uchinchisi, labini yalab.

— Ha, — dedi Xojabeka tustovuqdek tovlanib, — oshpazga yolchiganmiz, qo'li shirin, buni ustiga bolalarning haqidan qo'rqadi. Besh vaqt namoz o'qiydida...

— Shundoq, — dedi oshpaz ham jim turolmay, — bir kunda besh marta dumalab turaman, sizlarga aytsam bolalarning haqi jannatni... e, yo'g'e do'zaxni o'ti bilan barobar-da, do'zaxni o'ti bilan...

— Ha, tomoq kuysa chatoq, — dedi bittasi.

— Shuning uchun sovutib, keyin yeyish kerak, — dedi ikkinchisi.

— Ishqilib, bo'lmaydigan ish yo'q bu dunyoda, yo'lini topsa bo'ladi, — dedi uchinchisi.

— Voydod! — deb yubordi Shaytonvachcha esxonasi chiqib, — qo'yib bersa bu odam bolalari do'zaxning o'tini ham yeyishadi-ya, yo alhazar...

## ТАВБАГА ХИЁНАТ

(ёки ликопчалар жанги)

Шайтонвачча шундай дея азбаройи кўрққанидан титраб-қақшай бошлади. Хаёлида энди бу ердан ҳам қувиладигандек. Зўрға бу жойни топганда, думбил ошпаз тавба қилиб ўтирибди. Беш вақт намоз ўқийман деб ёлғон ҳам гапирворди. Ростдан ҳам намоз ўқишга тушиб кетса-я!..

— Ҳа, — деди хўппа семиз Шайтонваччанинг биқинига туртиб, — жа теракнинг баргидек титраб қолдинг, нима осмон узилиб ерга тушдимми?

— Э, қарамайсанми, нуқул оғзим ошга етганда бурним қонайди-я, ошпазнинг бир тавбадан минг тавба қилишига ўлайми, энди нима бўлади?

— Э, сени ақлинг жа пўла экан-ку, тавба қилса қиловирсин, сенга нима?

— Ахир тавба қилгандан кейин... биласанку ҳалол нарсалар бизга буюрмаслигини...

— Одам болалари ўзи шунақа, тавбалари иши битиб, эшаги лойдан ўтгунча, ундан кейин шу заҳоти эсларидан чиқаришади, мана кўрасан...

Худди унинг гапини тасдиқлагандек, ошхонанинг эшиги зарб билан очилиб, остонада боғча опалар кўринишди. Жаҳддан афт-башаралари буришган, пешоналари тиришган, қўйиб берса нақ ошпазни оёқлари остига оладиган. Улар овқатни ликоб-пикоби билан ошпазга қараб фириллата бошлашди. Воҳ-воҳлаб Шайтонвачча ўзини четга олди.

— Ҳа қалайсан, — деди хўппа семиз Шайтонваччага, — томошани кўр, томошани...

— Бир вақтлар, — деди Шайтонвачча мен одам болаларига қошиқ оттирувдим, булар тўғридан-тўғри ликобчадан бошлаб қолишди-ю... Шу десанг ташқарига шайтоннинг биздан ҳам зўрроғи келганга ўхшайди.

— Рост айтасан, — деди хўппа семиз сув тўлатилган мешдек чайқалиб, — ҳеч бунақаси бўлмаган эди, боқчамиз мола босилгандек жим-жит эди.

Ошпаз хотин шошганидан «нима гап» деб овқат тарқатувчининг ёқасидан олди.



## TAVBAGA XIYONAT

(yoki likopchalar jangi)

Shaytonvachcha shunday deya azbaroyi qoʻrqqanidan titrab-qaqshay boshladi. Xayolida endi bu yerdan ham quviladigandek. Zoʻrgʻa bu joyni topganda, dumbil oshpaz tavba qilib oʻtiribdi. Besh vaqt namoz oʻqiyman deb yolgʻon ham gapirvordi. Rostdan ham namoz oʻqishga tushib ketsa-ya!..

— Ha, — dedi xoʻppa semiz Shaytonvachchaning biqiniga turtib, — ja terakning bargidek titrab qolding, nima osmon uzilib yerga tushdimi?

— E, qaramaysanmi, nuqul ogʻzim oshga yetganda burnim qonaydi-ya, oshpazning bir tavbadan ming tavba qilishiga oʻlaymi, endi nima boʻladi?

— E, seni aqling ja poʻla ekan-ku, tavba qilsa qilovirsin, senga nima?

— Axir tavba qilgandan keyin... bilasanku halol narsalar bizga buyurmasligini...

— Odam bolalari oʻzi shunaqa, tavbalari ishi bitib, eshagi loydan oʻtguncha, undan keyin shu zahoti eslaridan chiqarishadi, mana koʻrasan...

Xuddi uning gapini tasdiqlagandek, oshxonaning eshigi zarb bilan ochilib, ostonada bogʻcha opalar koʻrinishdi. Jahldan aft-basharalari burishgan, peshonalari tirishgan, qoʻyib bersa naq oshpazni oyoqlari ostiga oladigan. Ular ovqatni likob-pikobi bilan oshpazga qarab gʻirillata boshlashdi. Voh-vohlab Shaytonvachcha oʻzini chetga oldi.

— Ha qalaysan, — dedi xoʻppa semiz Shaytonvachchaga, — tomoshani koʻr, tomoshani...

— Bir vaqtlar, — dedi Shaytonvachcha men odam bolalariga qoshiq ottiruvdim, bular toʻgʻridan toʻgʻri likobchadan boshlab qolishdi-yu... Shu desang tashqariga shaytonning bizdan ham zoʻrrogʻi kelganga oʻxshaydi.

— Rost aytasan, — dedi xoʻppa semiz suv toʻlatilgan meshdek chayqalib, — hech bunaqasi boʻlmagan edi, boqchamiz mola bosilgandek jim-jit edi.

— Э, қуриб кетсин, — деди у пиқиллаб, — ҳам-маси анови аллачи холадан бошланди, — нима-миш, болалар билан ёнма-ён ўтириб, бир қозондан овқат ейиш суннат амали эмиш. Мен уларга минг марта айтдим, сизларнинг овқатингиз бошқа қозонда, ҳозир обкеламан деб... Ахир болаларнинг овқатини итга берса ит емайди-ку, бу боғча опаларнинг оғзига ёқармиди, бор гап шу...

Боғча опалар кўзгалон кўтаришиб, ошпазнинг ковушини шу заҳоти тўғрилашди. Кўпчилик экан-да ошпаз хотин қанчалар Хожабекага ялиниб-ёлвор-масин, кўзларидан дув-дув ёш тўкмасин иложи бўлмади. Хожабека кўпчиликка ён босишга мажбур бўлди.

— Ана, — деди Бисмилло хола боғча опаларга тантана билан қараб, — суннатга амал қилган яхшида. Масала дарровда равшанлашди. Эссиз болалар... Сизларнинг оғзингизга ёқмаган бўтқа, болаларга ёқармиди? Ахир улар гул-ку! Энди бундоқ тасаддуқлар, бу ерга маҳалланинг ошпазини обкеламиз. Ҳа, узукка кўз қўйгандек бўлади, тасаддуқлар. Унинг маъракаларда пиширган таомлари-чи... мазаси бир ҳафтагача оғизда юради...

— Ҳа, — деди Шайтонвачча чидаб туролмай, — қаттан ўлик чиқар экану, худойисини еймиз деб пойлаб юришади, ҳе нафсиларингга ўт тушсин.

Бисмилло хола ошхонага кириб келиши билан Шайтонвачча билан хўппа семиз шифтга тортилиб қолган эди. Яқин ўртада бунақа азобларни кўрмаган хўппа семиз, бир ботмон лойдек инқиллаб-синқиллаб шифтга ёпишиб ётарди. Пайтдан фойдаланиб, Шайтонвачча бир-икки осилган қорнига тепиб олиб, деди:

— Хў, ниятинг қурсин, ниятингга етадиган бўлдинг сен бесўнақай, арава.

— Қанақа ният ҳақида гапиряпсан, оёғинг сингур?

— Жа, кўнгиллари кўчани тусаб қолувди-ку... ҳе, кўнглингга қўтир жомашов. Эшикка сигмасмишлар, янги ошпаз келсин, эшикнинг тирқишидан ўтиб

Oshpaz xotin shoshganidan «nima gap» deb ovqat tarqatuvchining yoqasidan oldi.

— E, qurib ketsin, — dedi u piqillab, — hammasi anovi allachi xoladan boshlandi, — nimaymish, bolalar bilan yonma-yon o'tirib, bir qozondan ovqat yeyish sunnat amali emish. Men ularga ming marta aytdim, sizlarning ovqatingiz boshqa qozonda, hozir obkelaman deb... Axir bolalarning ovqatini itga bersa it yemaydi-ku, bu bog'cha opalarning og'ziga yoqarmidi, bor gap shu...

Bog'cha opalar qo'zg'alon ko'tarishib, oshpazning kovushini shu zahoti to'g'rilashdi. Ko'pchilik ekan-da oshpaz xotin qanchalar Xojabekaga yalinib-yolvormasin, ko'zlaridan duv-duv yosh to'kmasin iloji bo'lmadi. Xojabeka ko'pchilikka yon bosishga majbur bo'ldi.

— Ana, — dedi Bismillo xola bog'cha opalarga tantana bilan qarab, — sunnatga amal qilgan yaxshida. Masala darrovda ravshanlashdi. Essiz bolalar... Sizlarning og'zingizga yoqmagan bo'tqa, bolalarga yoqarmidi? Axir ular gul-ku! Endi bundoq tasadduqlar, bu yerga mahallaning oshpazini obkelamiz. Ha, uzukka ko'z qo'ygandek bo'ladi, tasadduqlar. Uning ma'raalarda pishirgan taomlari-chi... mazasi bir haftagacha og'izda yuradi...

— Ha, — dedi Shaytonvachcha chidab turolmay, — qattan o'lik chiqar ekanu, xudoyisini yeymiz deb poylab yurishadi, he nafsilaringga o't tushsin.

Bismillo xola oshxonaga kirib kelishi bilan Shaytonvachcha bilan xo'ppa semiz shiftga tortilib qolgan edi. Yaqin o'rtada bunaqa azoblarni ko'rmagan xo'ppa semiz, bir botmon loydek inqillab-sinqillab shiftga yopishib yotardi. Paytdan foydalanib, Shaytonvachcha bir-ikki osilgan qorniga tepib olib, dedi:

— Ho', niyating qursin, niyatingga yetadigan bo'lding sen beso'naqay, arava.

— Qanaqa niyat haqida gapiryapsan, oyog'ing singur?

— Ja, ko'ngillari ko'chani tusab qoluvdi-ku... he, ko'nglingga qo'tir jomashov. Eshikka sig'masmishlar,

кетарсан. Бўпти, мен кетдим, бу ерда мени ишим қолмади.

— Ҳу...шумоёқ, сен келдинг-у, ҳаммаёқ остин-устун бўб кетди... Шошмай тур, кўлимга тушарсан...

## БОЛАЛАР ОРАСИДА

**(ёки Шайтонваччанинг ишлари тамоман юришмай қолиши)**

Ошхонадан қочиб чиққан Шайтонвачча чор-атрофга аланглаб, ҳовли тўла болаларни кўрди. Улар жанжалсиз, опоқ-чапоқ мазза қилиб ўйнашарди. Бир-бирларининг қўлларидан меҳр билан ушлаган, бир-бирларини аргимчоқларда учуришган... Велосипедларни навбат билан минишган... Шабадалар ҳам худди улар учун эгандек, сочларини эркалаб ўйнаган... Атрофларида қушлар сайраган... Осмонда офтоб порлаган...

Шайтонваччанинг гаши келиб, болаларнинг ичига ўзини урди. Ҳозирок тўс-тўполонини чиқараман деди. Эски найрангини ишга солди. Юввошгина бир боланинг ёнига келиб:

— Ҳов бола, сен полвонсан-а? — деди.

— Полвонман, — деди болаям бирдан шишиниб.

— Анови чиллашир бола сени битта чалишда йиқитаман, деди. Ишонмасанг ўзидан сўра.

— Ҳей, — деди юввошгина бола бирдан ҳовлиқиб, — сен мени чаласанми?

— Чалсам чаловраман...

— Ўзингни чалиб кўймий...

Улар жўжахўрозлардек бир-бири билан тиккама-тикка бўлиб қолишди. Буни кўриб қолган Бисмилло хола дедилар:

— Асалтойларим, бунақа пайтда нима дейиш керак эди?

Иккала бола ҳам бирдан хушёр тортишди ва овозларининг борича:

— Аузубиллаҳи, минаш-шайтонир рожим, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...

Шу заҳоти азоб фаришталари пайдо бўлиб, Шай-

yangi oshpaz kelsin, eshikning tirqishidan o'tib ketarsan. Bo'пти, men ketdim, bu yerda meni ishim qolmadi.

— Hu...shumoyoq, sen kelding-u, hammayoq ostin-ustun bo'b ketdi... Shoshmay tur, qo'limga tusharsan...

## BOLALAR ORASIDA

**(yoki Shaytonvachchaning ishlari tamoman yurishmay qolishi)**

Oshxonadan qochib chiqqan Shaytonvachcha chor-atrofga alanglab, hovli to'la bolalarni ko'rdi. Ular janjalsiz, opoq-chapoq mazza qilib o'ynashardi. Bir-birlarining qo'llaridan mehr bilan ushlagan, bir-birlarini arg'imchoqlarda uchirishgan... Velosipedlarni navbat bilan minishgan... Shabadalar ham xuddi ular uchun esgandek, sochlarini erkalab o'ynagan... Atroflarida qushlar sayragan... Osmonda oftob porlagan...

Shaytonvachchaning g'ashi kelib, bolalarning ichiga o'zini urdi. Hoziroq to's-to'polonini chiqaraman dedi. Eski nayrangini ishga soldi. Yuvvoshgina bir bolaning yoniga kelib:

— Hov bola, sen polvonsan-a? — dedi.

— Polvonman, — dedi bolayam birdan shishinib.

— Anovi chillashir bola seni bitta chalishda yiqitaman, dedi. Ishonmasang o'zidan so'ra.

— Hey, — dedi yuvvoshgina bola birdan hovliqib, — sen meni chalasanmi?

— Chalsam chalovraman...

— O'zingni chalib qo'ydiy...

Ular jo'jaxo'rozlardek bir-biri bilan tikkama-tikka bo'lib qolishdi. Buni ko'rib qolgan Bismillo xola dedilar:

— Asaltoylarim, bunaqa paytda nima deyish kerak edi?

Ikkala bola ham birdan hushyor tortishdi va ovozlarining boricha:

— Auzubillahi, minash-shaytonir rojim, bismillahir rohmanir rohiym...

Shu zahoti azob farishtalari paydo bo'lib, Shay-

тонваччанинг кетига шунақанги ўхшатиб тепишдики, у учиб бориб, боғчанинг бир чеккасидаги ахлат қутига тушди...

## УЗУНҚУЛОҚ ЖОНИВОР

(ёки яна бир ғалати сир...)

Шайтонвачча ахлат қутида узоқ ётмади. Ётолмасди ҳам. Овқатларнинг сарқити димоғини ёриб, иштаҳасини баттар кўзгаб юборди. Таомларнинг гулига ўрганиб қолган Шайтонвачча энди нима қилдим, наҳотки бундан бу ёғига дайди итдек сарқитларга куним қолса деб, турган эди ёнига бир арава келиб тўхтади. Ундан бир одам тушди-да, қути ёнига териб қўйилган узун-қисқа, бақалоқ-япалоқ шишаларни аравага орта бошлади. Шайтонвачча диққат қилса аравани ғалати бир махлуқ тортиб юрар экан. Махлуқнинг сандиқдек боши, бесўнақай қулоқлари, чиллашир оёқлари, ишқилиб жуда кўп жойи онасига ўхшаб кетарди. Шайтонвачча қутининг ичидан мўралаб, уни астойдил кузата бошлади. Аввалига онам шу аҳволга тушиб қолдимикан-а, деб ўйлади. Йўқ, онасининг кўзи ўйилган эди. Бунинг зўлдирдек-зўлдирдек кўзлари бор. Махлуқ тимирскланиб, ердан бир нималарни топиб емоқчи бўлди-ю, бирдан кўзи Шайтонваччага тушиб қолди. Шунда ғалати воқеа юз берди. Махлуқнинг қўрққанидан, кўзининг пахтаси чиқиб, сандиқдек боши орқага кетиб, оғзи демаган карракдек очилиб, шунақанги шовқин кўтардики... Шайтонваччанинг қулоғи битиб, юраги дук-дук уриб, қутининг ичига қайта кириб кетди. Эгаси бўлса:

— Ҳе, падарингга лаънат, жим бўл-е, — деб қўлидаги шиша билан бошига бир туширди. Махлуқ жим бўб қолди-ю, аммо безовта бўлаверди. Шайтонвачча қизиқиб, яна қутидан бошини чиқарди. Уни кўриши билан махлуқ яна боягидек шовқин кўтарди. Шайтонвачча яна бекинди... Шайтонвачча онасига ўхшаб кетадиган бу махлуқ билан бекинмачоқ ўйнаб, бақиртираверди.

tonvachchani ketiga shunaqangi o'xshatib tepishdiki, u uchib borib, bog'chani bir chekkasidagi axlat qutiga tushdi...

## UZUNQULOQ JONIVOR

(yoki yana bir g'alati sir...)

Shaytonvachcha axlat qutida uzoq yotmadi. Yotolmasdi ham. Ovqatlarning sarqiti dimog'ini yorib, ishtahasini battar qo'zg'ab yubordi. Taomlarning guliga o'rganib qolgan Shaytonvachcha endi nima qildim, nahotki bundan bu yog'iga daydi itdek sarqitlarga kunim qolsa deb, turgan edi yoniga bir arava kelib to'xtadi. Undan bir odam tushdi-da, quti yoniga terib qo'yilgan uzun-qisqa, baqaloq-yapaloq shishalarni aravaga orta boshladi. Shaytonvachcha diqqat qilsa aravani g'alati bir maxluq tortib yurar ekan. Maxluqning sandiqdek boshi, beso'naqay quloqlari, chillashir oyoqlari, ishqilib juda ko'p joyi onasiga o'xshab ketardi. Shaytonvachcha qutining ichidan mo'ralab, uni astoydil kuzata boshladi. Avvaliga onam shu ahvolga tushib qoldimikan-a, deb o'yladi. Yo'q, onasining ko'zi o'yilgan edi. Buning zo'ldirdek-zo'ldirdek ko'zlari bor. Maxluq timirsklanib, yerdan bir nimalarni topib yemoqchi bo'ldi-yu, birdan ko'zi Shaytonvachchaga tushib qoldi. Shunda g'alati voqea yuz berdi. Maxluqning qo'rqqanidan, ko'zining paxtasi chiqib, sandiqdek boshi orqaga ketib, og'zi demagan karrakdek ochilib, shunaqangi shovqin ko'tardiki... Shaytonvachchani qulog'i bitib, yuragi duk-duk urib, qutining ichiga qayta kirib ketdi. Egasi bo'lsa:

— He, padaringga la'nat, jim bo'le, — deb qo'lidagi shisha bilan boshiga bir tushirdi. Maxluq jim bo'b qoldi-yu, ammo bezovta bo'laverdi. Shaytonvachcha qiziqib, yana qutidan boshini chiqardi. Uni ko'rishi bilan maxluq yana boyagidek shovqin ko'tardi. Shaytonvachcha yana bekini... Shaytonvachcha onasiga o'xshab ketadigan bu maxluq bilan bekinmashoq o'y-nab, baqirtiraverdi.

— Ҳеҳ-ҳе-е-е, — деди ўзига-ўзи Шайтонвачча, — бу бақироқнинг мурвати мени қўлимдагига ўхшайди, кўрса бақиради, кўрмаса бақирмайди, бир бақиртириб томошасини кўрай...

Шайтонвачча шундай деб, шартта қутининг устига чиқиб, без бўлиб, ўтириб олди. Махлуқ бўлса шунақанги шовқин кўтардики, бунисини олдида бояги шовқинлар ҳеч нима бўлмай қолди. Кўпқаватли биноларнинг осма айвонлари томошачиларга тўлди. Чор атрофда ўйнаб юрган болалар ҳам дувва шу томонга қараб чопишди. Шошиб қолган шара-барачи узункулоқни тинчитай деб, бошига қамчин билан устма-уст тушириб қолди. Жони оғриган махлуқ тисарилиб, аравани ариққа тушириб юборди. Ичидаги шишалар жангиллаб, чил-чил синди. Узункулоқнинг олдинги оёқлари лайлак бўлиб, велосипед бўб кетсаям шовқин солаверди. Шайтонвачча унинг рўпарасида без бўлиб тураверди. Ким кулган, ким овозини ўчир деб бақирган. Болалар бўлса ўзларича махлуққа тақлид қилиб ҳанграшар эди... Шара-барачи хуноб...

Шу пайт ҳай-ҳайлаб, Бисмилло хола келиб қолдилар. Улар келиши билан махлуқ жим бўлди-қолди. Уни жим қиладиган мурвати Бисмилло холада экан.

— Ҳай, иним, — деди Бисмилло хола шарабарачига қараб, — бу жониворни ишлатгандан кейин, жим қилишни ҳам билинг-да.

— Э, бу жонивор «ҳиҳ» билан «иш»га билади, холажон, — деди шарабарачи. — Ҳозир жин тегдими, билмай қолдим?

— Билмасангиз билиб қўйинг холайиз ўргилсин, бу узун кулоқ жониворлар бўлар-бўлмасга шовқин солмайди. Шайтонни кўргандагина шовқин солишди. Шайтони лайин уларнинг кўзига кўринади-да. Ўшанақа пайтда «Аузубиллаҳи, минаш-шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» десангиз, шайтоннинг қораси ўчади-ю, жонивор тинчийди қолади. Сиз бўлса, жонини оғритиб, уриб ётибсиз. Айтиб қўяй, жониворларни беҳуда калтаклашним у дунёда савол-жавоби бор-а...

Бисмилло холанинг муқаддас калимасидан ке-



— Heh-he-e-e, — dedi o‘ziga-o‘zi Shaytonvachcha, — bu baqiroqning murvati meni qo‘limdagiga o‘xshaydi, ko‘rsa baqiradi, ko‘rmasa baqirmaydi, bir baqirtirib tomoshasini ko‘ray...

Shaytonvachcha shunday deb, shartta qutining ustiga chiqib, bez bo‘lib, o‘tirib oldi. Maxluq bo‘lsa shunaqangi shovqin ko‘tardiki, bunisini oldida boyagi shovqinlar hech nima bo‘lmay qoldi. Ko‘ppqavatli binolarning osma ayvonlari tomoshachilarga to‘ldi. Chor atrofda o‘ynab yurgan bolalar ham duvva shu tomonga qarab chopishdi. Shoshib qolgan shara-barachi uzunquloqni tinchitay deb, boshiga qamchin bilan ustma-ust tushirib qoldi. Joni og‘rigan maxluq tisarilib, aravani ariqqa tushirib yubordi. Ichidagi shishalar jangillab, chil-chil sindi. Uzunquloqning oldingi oyoqlari laylak bo‘lib, velosiped bo‘b ketsayam shovqin solaverdi. Shaytonvachcha uning ro‘parasida bez bo‘lib turaverdi. Kim kulgan, kim ovozi o‘chir deb baqirgan. Bolalar bo‘lsa o‘zlaricha maxluqqa taqlid qilib hangrashar edi... Shara-barachi xunob...

Shu payt hay-haylab, Bismillo xola kelib qoldilar. Ular kelishi bilan maxluq jim bo‘ldi-qoldi. Uni jim qiladigan murvati Bismillo xolada ekan.

— Hay, inim, — dedi Bismillo xola shara-barachiga qarab, — bu jonivorni ishlatgandan keyin, jim qilishni ham biling-da.

— E, bu jonivor «hih» bilan «ish»ga biladi, xola-jon, — dedi shara-barachi. — Hozir jin tegdimi, bilmay qoldim?

— Bilmasangiz bilib qo‘ying xolayiz o‘rgilsin, bu uzun quloq jonivorlar bo‘lar-bo‘lmasga shovqin solmaydi. Shaytonni ko‘rgandagina shovqin solishadi. Shaytoni layin ularning ko‘ziga ko‘rinadi-da. O‘shanaqa paytda «Azubillahi, minash-shaytonir rojiym, Bismillahir rohmanir rohiym» desangiz, shaytonning qorasi o‘chadi-yu, jonivor tinchiydi qoladi. Siz bo‘lsa, jonini og‘ritib, urib yotibsiz. Aytib qo‘yay, jonivorlarni behuda kaltaklashniyam u dunyoda savol-javobi bor-a...

Bismillo xolaning muqaddas kalimasidan keyin,

йин, азоб фаришталаридан тепки еб, дарахтга чиқиб кетган Шайтонвачча турган жойидан холага дағдаға қилди:

— Сен жодугарнинг дастидан дод, ҳамма сирларимизни биледи-я, яхшигина ўйинчоқ топиб олувдим, шуниям кўп кўрди...

Шайтонвачча шундай деб, бежо кўзларини пастга тиккан эди, болалар орасида ака-укаларни кўриб қолди. Улар Бисмилло холанинг этагидан ушлаб олишган эди. Беихтиёр онасининг гапини эслади: «ака-уканинг пайидан бўл, улар қатта бўлса, сенам ўшатта бўл!»!

— Қатта бўлса ўшатта бўлиш, — норози бўлиб тўнғиллади Шайтонвачча, — айтишга осон, одам болалари хоҳлаган жойига боришади, мен бўлсам... ҳе ўргилдим, бунақа ҳаётдан... Энди нима қилиб бўлсаям онамининг олдига бориб олай. Шунча кўрган кўргиликларим етар. Бу ерларни энди елкамининг чуқури кўрсин. Яхшиси, ўша ниятим ният, катта ака билан мактабга бораман.

## ЁМОНГА ЎЛИМ ЙЎҚ, ШАЙТОНГА ҲАМ...

### (ёки Хожабеканинг дунёси қоронғи бўлгани)

Шайтонвачча қорни очиб, кучи қочиб, абгор бир аҳволда ака-укани кутиб ўтирди. Кеч кириб, болалар уй-уйларига тарқай бошлашди. Охири йўлакда ака-укалар ҳам кўринишди. Улар арзанда холаси билан ялаб-юлқашиб хайрлашишди. Хожабекани ўртага олиб, йўлга тушишди.

— Ана, — деди Шайтонвачча ўзича хурсанд бўлиб, — холажон-холажонлаб барибир ташлаб кел-япсанлар-ку, ҳе бевафолар. Минг қилгандаям холаларинг сенларга бегона, қайнаса қони қўшилмайди, ҳа... Ўзимни пайимдан бўлларинг, ўзимни... энг вафодор дўстларинг ўзим бўламан, ўзим...

Шайтонвачча диққат қилса Хожабеканинг шашти жудаям паст. Юрайми, юрмайми деб боряпти. Шайтонваччанинг нафси ҳакалак отиб, секин беканинг қўлидаги сумкага бош суқди.

— Э, ҳа-а-а... — деб юборди ҳафсаласи пир бў-

azob farishtalaridan tepki yeb, daraxtga chiqib ketgan Shaytonvachcha turgan joyidan xolaga dag<sup>6</sup>-dag<sup>6</sup>a qildi:

— Sen jodugarning dastidan dod, hamma sirlarimizni biladi-ya, yaxshigina o<sup>6</sup>yinchoq topib oluvdim, shuniyam ko<sup>6</sup>p ko<sup>6</sup>rdi...

Shaytonvachcha shunday deb, bejo ko<sup>6</sup>zlarini pastga tikkan edi, bolalar orasida aka-ukalarni ko<sup>6</sup>rib qoldi. Ular Bismillo xolaning etagidan ushlab olishgan edi. Beixtiyor onasining gapini esladi: «aka-ukaning payidan bo<sup>6</sup>l, ular qatta bo<sup>6</sup>lsa, senam o<sup>6</sup>shatta bo<sup>6</sup>l!»

— Qatta bo<sup>6</sup>lsa o<sup>6</sup>shatta bo<sup>6</sup>lish, — norozi bo<sup>6</sup>lib to<sup>6</sup>ng<sup>6</sup>illadi Shaytonvachcha, — aytishga oson, odam bolalari xohlagan joyiga borishadi, men bo<sup>6</sup>lsam... he o<sup>6</sup>rgildim, bunaqa hayotdan... Endi nima qilib bo<sup>6</sup>lsayam onamning oldiga borib olay. Shuncha ko<sup>6</sup>rgan ko<sup>6</sup>rgiliklarim yetar. Bu yerlarni endi yelkamning chuquri ko<sup>6</sup>rsin. Yaxshisi, o<sup>6</sup>sha niyatim niyat, katta aka bilan maktabga boraman.

## **YOMONGA O<sup>6</sup>LIM YO<sup>6</sup>Q, SHAYTONGA HAM...**

**(yoki Xojabekaning dunyosi qorong<sup>6</sup>i bo<sup>6</sup>lgani)**

Shaytonvachcha qorni ochib, kuchi qochib, abgor bir ahvolda aka-ukani kutib o<sup>6</sup>tirdi. Kech kirib, bolalar uy-uylariga tarqay boshlashdi. Oxiri yo<sup>6</sup>lakda aka-ukalar ham ko<sup>6</sup>rinishdi. Ular arzanda xolasi bilan yalab-yulqashib xayrlashishdi. Xojabekani o<sup>6</sup>rtaga olib, yo<sup>6</sup>lga tushishdi.

— Ana, — dedi Shaytonvachcha o<sup>6</sup>zicha xursand bo<sup>6</sup>lib, — xolajon-xolajonlab baribir tashlab kelyapsanlar-ku, he bevafo! Ming qilgandayam xolalaring senlarga begona, qaynasa qoni qo<sup>6</sup>shilmaydi, ha... O<sup>6</sup>zimni payimdan bo<sup>6</sup>llaring, o<sup>6</sup>zimni... eng vafodor do<sup>6</sup>stlaring o<sup>6</sup>zim bo<sup>6</sup>laman, o<sup>6</sup>zim...

Shaytonvachcha diqqat qilsa Xojabekaning shashti judayam past. Yuraymi, yurmaymi deb boryapti. Shaytonvachchaning nafi hakalak otib, sekin bekaning qo<sup>6</sup>lidagi sumkaga bosh suqdi.

— E, ha-a-a... — deb yubordi hafsalasi pir bo<sup>6</sup>lib,—

либ,— бу сумкамас, ўғри урган омборни ўзи-ку, хувиллаб ётибди! Шунга бекамнинг шаштлари паст экан-да. Ўзидан кўрсин, бу кунидан баттар бўлсин! Бекорга Хожасининг гапига кирди. Яллагини жўна-тиб, ўрнига аллагини олди. Энди бўлса аллагини та-рафкаш бўлиб, дастурхончини обкеляпти. Ҳов бе-кам, кўзингни оч, яна ўзингниям думинг тугулиб кетмасин, а, лаббай!

Шайтонвачча ака-укаларга эргашиб, олдин ҳов-лига кирди, кейин уйга бош суқди. Онаси ётадиган бурчакка аста кўз ташлади. Онасининг устини ис босиб, ўргимчаклар уя қуриб, тўр тўқиб ташлабди.

— Хайрият, — деди Шайтонвачча чуқур нафас олиб, — бу ҳовлида ўзим хон — кўланкам майдон бўб қопти. Онам кўзимни қайтариб оламан деб хом-тама бўлиб юрувди, энди унга кўзниям кераги йўқ. Хайр-маъзурниям насиё қилиб асфаласофилинга жўнаворибди...

Шу пайт олдинги галдагидек яна мўъжиза юз берди. Э йўқ, бе йўқ, бурчакдан овоз кеп қолди:

— Вой думбил-тентак, ошқовоқ калла-ей, нима-лар деб валдираяпсан?

Шайтонвачча боя узунқулоқдан қанчалар кўрққан бўлса, ҳозирам ҳудди шунчалар кўрқиб кетди. Ахир ўлдига чиқариб қўйган онасининг овози балонинг ўқидек эди-да!

— Э-э-э... тирикмисан она, мен сени ўлиб қоп-санми дебман.

— Шайтонлар одамларга ўхшаб ўлиб қолмайди, меров. Бу ёруғ дунё охиратгача биззики. Одамларги-на бу дунёга меҳмон, келишовради-кетишовради...

— Бўлди-е, — деб онасидан баланд келди Шай-тонвачча, — нукул бу дунё биззики, биззики деб жағинг тушади, нимаси биззики, мана мен бир тепса шифтга ёпишиб ётаман, бир тепса ахлат қутисига бориб тушаман, бир тепса қочишга жой тополмай теракнинг учига чиқиб кетаман. Қачон қараса, сич-қоннинг ини минг танга бўб юради, шуям ҳаёт бўлди-ю...

— Одам болаларига ўхшаб ҳадеб нолийверма, но-шукр. Гаппи қисқа қил. Шайтонмисан тепилма, теп!

bu sumkamas, o'g'ri urgan omborni o'zi-ku, huvillab yotibdi! Shunga bekamning shashtlari past ekan-da. O'zidan ko'rsin, bu kunidan battar bo'lsin! Bekorga Xojasining gapiga kirdi. Yallachini jo'natib, o'rniga allachini oldi. Endi bo'lsa allachi tarafkash bo'lib, dasturxonchini obkelyapti. Hov bekam, ko'zingni och, yana o'zingniyam duming tugulib ketmasin, a, labbay!

Shaytonvachcha aka-ukalarga ergashib, oldin hovliga kirdi, keyin uyga bosh suqdi. Onasi yotadigan burchakka asta ko'z tashladi. Onasining ustini is bosib, o'rgimchaklar uya qurib, to'r to'qib tashlabdi.

— Xayriyat, — dedi Shaytonvachcha chuqur nafas olib, — bu hovlida o'zim xon — ko'lankam maydon bo'b qopti. Onam ko'zimni qaytarib olaman deb xomtama bo'lib yuruvdi, endi unga ko'zniyam keragi yo'q. Xayr-ma'zurniyam nasiya qilib asfalasofilinga jo'navoribdi...

Shu payt oldingi galdagidek yana mo'jiza yuz berdi. E yo'q, be yo'q, burchakdan ovoz kep qoldi:

— Voy dumbil-tentak, oshqovoq kalla-ey, nimalar deb valdirayapsan?

Shaytonvachcha boya uzunquloqdan qanchalar qo'rqqan bo'lsa, hoziram xuddi shunchalar qo'rqib ketdi. Axir o'ldiga chiqarib qo'ygan onasining ovozi baloning o'qidek edi-da!

— E-e-e... tirikmisan ona, men seni o'lib qopsanmi debman.

— Shaytonlar odamlarga o'xshab o'lib qolmaydi, merov. Bu yorug' dunyo oxiratgacha bizziki. Odamlargina bu dunyoga mehmon, kelishovradi-ketishovradi...

— Bo'ldi-ye, — deb onasidan baland keldi Shaytonvachcha, — nuqul bu dunyo bizziki, bizziki deb jag'ing tushadi, nimasi bizziki, mana men bir tepsa shiftga yopishib yotaman, bir tepsa axlat qutisiga borib tushaman, bir tepsa qochishga joy topolmay terakning uchiga chiqib ketaman. Qachon qarasa, sichqonning ini ming tanga bo'b yuradi, shuyam hayot bo'ldi-yu...

— Odam bolalariga o'xshab hadeb noliyverma, noshukr. Gappi qisqa qil. Shaytonmisan tepilma, tep!

Аҳ... шу оёқларим тош қотмаганда борми, сен яш-шамагурга тепиш қанақалигини кўрсатиб қўярдим...

— Э, йиғиштир-е, шундоғам тепиловриб орқам чақа бўб кетди. Бундоқ бемалол ўтиришга ҳам зорман. Орқам ер искамай, жаз-жаз қилади.

— Ие, орқанг ҳалиям безга айланмадимми, вой хом-ей...

— Вой, бў-ў-ў... ҳали бунақа гаплар ҳам бор дегин?

— Борда! Ана ўшанда кейин манамен деган, безбет, тепса-тебранмас шайтон бўласан. Бу биз учун олий мақом. Одам болалари бекордан-бекорга «тепкилар-у тепкилар, тепкилардан эс кирар» дейишмайди.

— Ҳечам ўлма-е, она. Сен юз фоиз ҳақсан. Шу бугун битта тепки билан ахлат қутига бориб тушдим дегин. Ўша ерда битта бақироқ билан танишиб қолдим, десанг. Танишимнинг қаерларидир сенгаям ўхшаб кетади. Бироқ, жа бесўнақай. Уни иккита ёғочнинг орасига тўртта оёғини ерга қилиб, белаб қўйишибди. Шу десанг аввалига мени кўриши билан танишганимдан хурсандман деб бир шовқин кўтарди... Томошага бутун шаҳар кўчиб чиқди. Жа қизиқ, мени кўрса шовқинлайди, кўрмаса мум тишлаб қолади. Оҳ, яхши ўйинчоқ топиб олдим, уни мурвати менда экан деб қувониб турувдим, анови жодугар ўша ерга ҳам келиб ишши бузди. Бақироқ оғайнимнинг овози ўчди-ю, ўзимни теракнинг учида кўрдим.

— Вой-ей, — деб ихранди она шайтон, — шу оёқ-қўлимнинг шол бўб қолгани панд беряпти-да, билиб қўй мен сендан битта шапалоғ-у, иккита тепки қарздорман, ўзимга келишим билан биракайига оласан.

— Яна нима қилиб қўйдим сенга, она?

— Дўст билан душманни қачон ажратадиган бўласан-а, сен овсар. Ахир у оғайним деганинг одам болаларининг орамиздаги айғоқчиси-ку, меров. Биззи кўриши билан шовқин солиб, «Ҳай одамлар, боғда битган бодамлар, хушёр бўлинглар, орангизда шайтон юрибди» деб хабар беради. Одам болалари дарровда эс-хушини йиғиб, бизни лаънатлаб, Худо-

Ah... shu oyoqlarim tosh qotmaganda bormi, sen yashshamagurga tepish qanaqaligini ko'rsatib qo'yardim...

— E, yig'ishtir-e, shundog'am tepilovrib orqam chaqa bo'b ketdi. Bundoq bemalol o'tirishga ham zorman. Orqam yer iskamay, jaz-jaz qiladi.

— Ie, orqang haliyam bezga aylanmadimi, voy xom-ey...

— Voy, bo'-o'-o'... hali bunaqa gaplar ham bor degin?

— Borda! Ana o'shanda keyin manamen degan, bezbet, tepsa-tebranmas shayton bo'lasan. Bu biz uchun oliy maqom. Odam bolalari bekordan-bekorga «tepkilar-u tepkilar, tepkilardan es kirar» deyishmaydi.

— Hecham o'lma-e, ona. Sen yuz foiz haqsan. Shu bugun bitta tepki bilan axlat qutiga borib tushdim degin. O'sha yerda bitta baqiroq bilan tanishib qoldim, desang. Tanishimning qayerlaridir sengayam o'xshab ketadi. Biroq, ja beso'naqay. Uni ikkita yog'ochning orasiga to'rtta oyog'ini yerga qilib, belab qo'yishibdi. Shu desang avvaliga meni ko'rishi bilan tanishganimdan xursandman deb bir shovqin ko'tardi... Tomoshaga butun shahar ko'chib chiqdi. Ja qiziq, meni ko'rsa shovqinlaydi, ko'rmasa mum tishlab qoladi. Oh, yahshi o'yinchoq topib oldim, uni murvati menda ekan deb quvonib turuvdim, anovi jodugar o'sha yerga ham kelib ishshi buzdi. Baqiroq og'aynimning ovozi o'chdi-yu, o'zimni terakning uchida ko'rdim.

— Voy-ey, — deb ihrandi ona shayton, — shu oyoq-qo'limning shol bo'b qolgani pand beryapti-da, bilib qo'y men sendan bitta shapalog'-u, ikkita tepki qarzdorman, o'zimga kelishim bilan birakayiga olasan.

— Yana nima qilib qo'ydim senga, ona?

— Do'st bilan dushmani qachon ajratadigan bo'lasan-a, sen ovsar. Axir u og'aynim deganing odam bolalarining oramizdagi ayg'oqchisi-ku, merov. Bizzi ko'rishi bilan shovqin solib, «Hay odamlar, bog'da bitgan bodamlar, hushyor bo'linglar, orangizda shayton yuribdi» deb xabar beradi. Odam bolalari darrovda es-

дан паноҳ сўрашади. Сен бўлса уни бақиртириб ўтирибсан...

— Вой бў-ў-ў... дўстнинг ишини қиламан деб, душманнинг ишини қилиб кўйибман-ку, энди нима бўлади, она?

Шу пайт кўшни хонадан келган йиғи овоз суҳбатнинг белига тепди. Бу овоздан она шайтоннинг азойи-баданига қон югургандек бўлди. Акашак бўлиб қолган оёқлари ёзилди. Йиғини Хожанинг баланд овози босиб кетди:

— Ҳа, нима бўлди бекам, бирон ерингиз оғриятими?

— Оғришам гапми, юрагим тарс ёрилай деяпти!

— Ишхонада бир гап бўлдими?

— Э, сўраманг, кўзғалон бўлди, кўзғалон!

— Болаларки, галаён қилган бўлса, бу дейман уларам ҳақ-ҳуқуқини таниб қолишибди-да, а? Бу яхши гап, бу хабар билан мени кўп хурсанд қилдингиз, бекам.

Хожабека ликопча воқеасини, ошпазнинг ҳайдалганини, ўрнига маҳалла дастурхончисини ишга тайинлаганини куйиб-ёниб гапириб берди.

Бу ҳасрат-у надоматларни эшитган она шайтон шошиб қолди:

— Шунақа бўлдими, ростми? — деб ишонқирамай Шайтонваччадан сўради.

— Бўлди, она, бўлганда қандоқ, шундоқ бўлдики, ҳаммаёқ остун-устун бўб кетди...

— Нимага яна ивирсиб уйга кеп қолдинг десам...

— Ҳа, иш чатоқ, она, боғчада битта ялмоғиз бор эди, ҳаш-паш дегунча улар иккита бўб қолишди.

Она шайтон бир оз ўйланиб турди-да, деди:

— Мен одам болаларининг феълини яхши билман, бу биз учун ёмонликкамас, яхшиликка бўлади, мана кўрасан, мени айтди дейсан...

— Бундан чиқди дастурхончи деганлари ўзимиздан дегин?

— Унақамас галварс, дастурхончи деганлари тақвода анови жодугардан ўтса, ўтадики, асло қолишмайди. Ўзи дастурхончи бўлатуриб, маъракаларда уйдан нон обкелиб, доғсув ичиб ўтиради. Нимамиш,



hushini yig'ib, bizni la'natlab, Xudodan panoh so'rashadi. Sen bo'lsa uni baqirtirib o'tiribsan...

— Voy bo'-o'-o'... do'stning ishini qilaman deb, dushmanning ishini qilib qo'yibman-ku, endi nima bo'ladi, ona?

Shu payt qo'shni xonadan kelgan yig'i ovoz suhbatning beliga tepdi. Bu ovozdan ona shaytonning azoyi-badaniga qon yugurgandek bo'ldi. Akashak bo'lib qolgan oyoqlari yozildi. Yig'ini Xojaning baland ovozi bosib ketdi:

— Ha, nima bo'ldi bekam, biron yeringiz og'riyaptimi?

— Og'risham gapmi, yuragim tars yorilay deyapti!

— Ishxonada bir gap bo'ldimi?

— E, so'ramang, qo'zg'alon bo'ldi, qo'zg'alon!

— Bolalarki, g'alayon qilgan bo'lsa, bu deyman ularam haq-huquqini tanib qolishibdi-da, a? Bu yaxshi gap, bu xabar bilan meni ko'p xursand qildingiz, bekam.

Xojabeka likopcha voqeasini, oshpazning haydalganini, o'rniga mahalla dasturxonchisini ishga tayinlaganini kuyib-yonib gapirib berdi.

Bu hasrat-u nadomatlarni eshitgan ona shayton shoshib qoldi:

— Shunaqa bo'ldimi, rostmi? — deb ishonqiramay Shaytonvachchadan so'radi.

— Bo'ldi, ona, bo'lganda qandoq, shundoq bo'ldiki, hammayoq ostun-ustun bo'b ketdi...

— Nimaga yana ivirsib uyga kep qolding desam...

— Ha, ish chatoq, ona, bog'chada bitta yalmog'iz bor edi, hash-pash deguncha ular ikkita bo'b qolishdi.

Ona shayton biroz o'ylanib turdi-da, dedi:

— Men odam bolalarining fe'lini yaxshi bilaman, bu biz uchun yomonlikkamas, yaxshilikka bo'ladi, mana ko'rasan, meni aytdi deysan...

— Bundan chiqdi dasturxonchi deganlari o'zimizdan degin?

— Unaqamas galvars, dasturxonchi deganlari taqvoda anovi jodugardan o'tsa, o'tadiki, aslo qolishmaydi. O'zi dasturxonchi bo'laturib, ma'rakalarda uyidan non

ҳамма қатори еса меҳнати еганига чақилиб, савобдан қуруқ қолармиш. Мана кўрасан, ишгаям нон қўлтиқлаб боради. Мабодо, овқатнинг тузини кўрадиган бўлсаям туфлаб ташлайди. Болаларнинг ҳақидан кўрқади. У хотиннинг шайтони аллақачонлар ташлаб кетган...

— Шунчалик экан, нимага бизга яхши бўлади деб хомтама бўляпсан, она?

— Одам болаларига ўхшаб, кўп маҳмадона бўлма, кейин биласан...

## ЁМОН ТУШ ШАЙТОНДАН

(ёки икки ўтнинг ораси...)

Нимагадир Хожабека бугун кутилмаганда ётар ўрнини бўлак солди. Маълум бўлдики Хожа билан қаттиқ аразлашган. Илгарилари ҳам борди-келди гаплар бўларди-ю, аммо жойлари илло-билло бўлак бўлмасди. Бу ҳолдан она шайтоннинг қоқшоқ қўлларига жон битиб, қарсак чалиб юборди. Ҳа, ўзини қўйишга жой тополмай қолди. Қувончдан ўзини тутолмай деди:

— Оҳ-воҳ-ей... мен бундай муродбахш кунни бир умр кутдим-а, энди ўзингдан кўр Хожа! Минг тақво қилганинг билан барибир одамсан, фаришта эмассан. Энди беканг қўйинингга қайта кириб бўпти. Тиррик эканман бунга ҳеч қачон йўл қўймайман. Макр ва ҳийлаларимнинг кучини энди кўрасан... Бир эсингни тескари қилворай. Ваҳ-ваҳ-ваҳ...

Она шайтон шундай деб аста Хожабеканинг бошига борди. Бека асабий бир ҳолда, ухлаб ётарди. Бир нималар деб ингранар, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ағдарилиб, бир тўшак бўлиб тўлғанарди. Шайтон Хожабеканинг ўлиб кетган онасининг тусига кириб, мулойимлик билан деди:

— Бу нима ётиш, жоним болам... иссиқ ўрнингни совутиб-а?

— Иссиқ ўринни гапирасиз, юрагим музлаб бўлди-ку, онажон, юрагим! Шу куёвингизни кўрарга кўзим йўқ!

obkelib, dog'suv ichib o'tiradi. Nimamish, hamma qatori esa mehnati yeganiga chaqilib, savobdan quruq qolarmish. Mana ko'rasan, ishgayam non qo'ltiqlab boradi. Mabodo, ovqatning tuzini ko'radigan bo'lsayam tufiab tashlaydi. Bolalarning haqidan qo'rqadi. U xotinning shaytoni allaqachonlar tashlab ketgan...

— Shunchalik ekan, nimaga bizga yaxshi bo'ladi deb xomtama bo'lyapsan, ona?

— Odam bolalariga o'xshab, ko'p mahmadona bo'lma, keyin bilasan...

## YOMON TUSH SHAYTONDAN

(yoki ikki o'tning orasi...)

Nimagadir Xojabeka bugun kutilmaganda yotar o'rnini bo'lak soldi. Ma'lum bo'ldiki Xoja bilan qattiq arazlashgan. Ilgarilari ham bordi-keldi gaplar bo'lardiyu, ammo joylari illo-billo bo'lak bo'lmasdi. Bu holdan ona shaytonning qoqshoq qo'llariga jon bitib, qarsak chalib yubordi. Ha, o'zini qo'yishga joy topolmay qoldi. Quvonchdan o'zini tutolmay dedi:

— Oh-voh-ey... men bunday murodbaxsh kunni bir umr kutdim-a, endi o'zingdan ko'r Xoja! Ming taqvo qilganing bilan baribir odamsan, farishta emassan. Endi bekang qo'yningga qayta kirib bo'pti. Tirik ekanman bunga hech qachon yo'l qo'ymayman. Makr va hiylalarimning kuchini endi ko'rasan... Bir esingni teskari qilvoray. Vah-vah-vah...

Ona shayton shunday deb asta Xojabekaning boshiga bordi. Beka asabiy bir holda, uxlab yotardi. Bir nimalar deb ingranar, hali u yoqqa, hali bu yoqqa ag'darilib, bir to'shak bo'lib to'lg'anardi. Shayton Xojabekaning o'lib ketgan onasining tusiga kirib, muloyimlik bilan dedi:

— Bu nima yotish, jonim bolam... issiq o'rningni sovutib-a?

— Issiq o'rinni gapirasiz, yuragim muzlab bo'ldiku, onajon, yuragim! Shu kuyovingizni ko'rarga ko'zim yo'q!

— Ундай дема, болажоним, ундай дема-я. Тагин фаришталар омин девормасин. Нима бўлгандаям, учта болангни отаси-я! Шайтонга ҳай бер, болажоним...

— Э, отаси, отаси деявериб, соясига кўрпача солавериб, сиз уни шунақа қилиб қўйдингиз. Тортганда азобини мен тортяпман. Ўтирсам ўпоқман, турсам сўпоқман! Бу ер уймас, қапасси ўзи бўб қолди. Ҳа зиндон бундан яхши. Бу кетишда мана кўрасиз, ўзимми-ўзим бир нима қилиб қўяман... Ҳа, қизингиздан ажраб қоласиз, онажон. Доғимда йиғлаб юрасиз. Жонимдан тўйиб кетдим. Биладан, мендан кейин болаларим ҳам йиғлаб-сиқтаб бир кунини кўриб кетади. Бу кишим ҳам биттасини олволиб, яшайверади... Кетганда ёш жоним кетади, онажон...

Хожабека ҳиқиллаб, йиғлай бошлади. Она шайтонга шуниси керак эди. Дарровда тўнини тескари кийди:

— Йиғлама, болам, йиғлама... Сатқай кўз ёшинг кетсин. Сендек бир пари-пайкарни қонингга ташна қилиб қўйибдими у йигит ўлгур, унгаям Худонинг бир боққан балоси бордир. Ўзингни тут, Нима сен қўлидан бир иш келмайдиган овсармидинг? Отнинг калласидай дипломинг бўлса, обрўйинг ҳам эрингникидан ўн калла баланд бўлса борки, кам эмас...

— Вой онажон, шу гапларни сиз айтяписизми? Эшитиб қулоқларимга ишонмай қолдим. Нуқул куёвингиз тараф бўлардингиз-ку!

— Нима қилай, болажоним, барини кўриб-билиб юрибман. Дардим ичимда. Сен бир эзилганда мен муштипаргина минг эзиладан. Юрагим зардобга тўлади. Жигаримдан пайдо бўлгансан-да, минг қилса ҳам, болажоним! Бекорга «куёв-ёв» дейишмаган экан!

— Нима қил, дейсиз, маслаҳат беринг, онажон?

— Жойингни бўлак қилиб, ажаб қилдинг. Энди бу ёғига бўшашма. Ҳа, маҳкам тур. Ортиқ эрингни оёғининг тагида елпатак бўлма. Бир тавбасига таяниб, таъзирини есин у сўхтаси совуқ...

Хожабека уйқудан чап томони билан уйғонди. Чиройли, кетворган юзлари тумтайган, пашша қўнса сирғалиб тушадиган силлиқ сочлари хурпайган...

— Unday dema, bolajonim, unday dema-ya. Tag'in farishtalar omin devormasin. Nima bo'lgandayam, uchta bolangni otasi-ya! Shaytonga hay ber, bolajonim...

— E, otasi, otasi deyaverib, soyasiga ko'rpacha solaverib, siz uni shunaqa qilib qo'ydingiz. Tortganda azobini men tortyapman. O'tirsam o'poqman, tursam so'poqman! Bu yer uymas, qapassi o'zi bo'b qoldi. Ha zindon bundan yaxshi. Bu ketishda mana ko'rasiz, o'zimmi-o'zim bir nima qilib qo'yaman... Ha, qizingizdan ajrab qolasiz, onajon. Dog'imda yig'lab yurasiz. Jonimdan to'yib ketdim. Bilaman, mendan keyin bolalarim ham yig'lab-siqtab bir kunini ko'rib ketadi. Bu kishim ham bittasini olvolib, yashayveradi... Ketganda yosh jonim ketadi, onajon...

Xojabeka hiqillab, yig'lay boshladi. Ona shaytonga shunisi kerak edi. Darrovda to'nini teskari kiydi:

— Yig'lama, bolam, yig'lama... Satqai ko'z yoshing ketsin. Sendek bir pari-paykarni qoningga tashna qilib qo'yibdimi u yigit o'lgur, ungayam Xudoning bir boqqan balosi bordir. O'zingni tut. Nima sen qo'lidan bir ish kelmaydigan ovsarmiding? Otning kallasiday diploming bo'lsa, obro'ying ham eringnikidan o'n kalla baland bo'lsa borki, kam emas...

— Voy onajon, shu gaplarni siz aytyapsizmi? Eshitib quloqlaringa ishonmay qoldim. Nuqul kuyovingiz taraf bo'lardingiz-ku!

— Nima qilay, bolajonim, barini ko'rib-bilib yuribman. Dardim ichimda. Sen bir ezilganda men mushtipargina ming ezilaman. Yuragim zardobga to'ladi. Jigarimdan paydo bo'lgansan-da, ming qilsa ham, bolajonim! Bekorga «kuyov-yov» deyishmagan ekan!

— Nima qil, deysiz, maslahat bering, onajon?

— Joyingni bo'lak qilib, ajab qilding. Endi bu yog'iga bo'shshma. Ha, mahkam tur. Ortiq eringni oyog'ining tagida elpatak bo'lma. Bir tavbasiga tayanib, ta'zirini yesin u so'xtasi sovuq...

Xojabeka uyqudan chap tomoni bilan uyg'ondi. Chiroyli, ketvorgan yuzlari tumtaygan, pashsha qo'nsa

Эшикларни шарақлатиб очиб, қарсиллатиб ёпган... ошхонадаги идиш-тавоқлар бир-бирига урилган... Илгарилари Хожабека уйда юрса, юргани билинмасиди. Укпарга ўхшарди. Энди бўлса, нуқул тўртоёқли махлуқдек гурсиллайди. Буларнинг бари Хожага ўчакишдан бошқа нарса эмас. Ҳатто эрига эрталабки қарз саломини ҳам бермади. Бундан она шайтон ҳузурланиб, семиргандан-семирав, кучига-куч қўшилиб, илҳоми жўшгандан-жўшар эди:

— Аҳ, ҳ-а-а-а... қалайсиз энди, Хожам. Бекамдан рози бўласиз энди. Бечорагина икки ўт ўртасида қийналиб юрувди... Мана, ниҳоят бир ёқли бўлиб олдилар. Бундан бу ёғига шайтонларнинг шон-шараф йўли бекамга муборак бўлсин. От айланиб қозигини топади, деганлари шу-да, а, лаббай!

Беканинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган Хожа таажжубда ошкора «астағфируллоҳ» деб кўярди. Она шайтон бекани баттар қайраб соларди:

— Бўш келма, бекам, оёғингга тиз чўкмаса, ҳисобмас...

Хожа ўзича вазиятни юмшатмоқчи бўлиб, томоқ қириб деди:

— Арқоғини кўриб — бўзини ол, онасини кўриб — қизини ол, дейишган эди. Бугун раҳматлик қайнонамга бир тукиз ҳам ўхшамай қолди-ку, бекам?

— Воҳ-воҳ... — деб яйраб кулди она шайтон, — бугундан бошлаб қайноналари биз бўламиз, биз а, лаббай! Ўзларига шайтон қайнона муборак бўлсин!

Хожа хотинига қочирим қилишда давом этди:

— Эрталабки қарз саломни ҳам насия қивордингиз, ҳеч бўлмаса, биззикини об қўйинг жонидан: Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу...

— Биринчидан, саломингизни пишириб енг, иккинчидан, онамни тинч қўйинг...

— Ҳалиям, бир нарса деяпманми? Жойлари жаннатдан бўлсин!

— Билмасангиз билиб қўйинг, онамлар сиздан розимаслар, сиззи сўхтангиз совуқ экан. Онажоним шунақа дедилар.

— Нима?!

sirg'alib tushadigan silliq sochlari hurpaygan... Eshiklarni sharaqlatib ochib, qarsillatib yopgan... oshxonadagi idish-tavoqlar bir-biriga urilgan... Ilgarilari Xojabeka uyda yursa, yurgani bilinmasidi. Ukparga o'xshardi. Endi bo'lsa, nuqul to'rtoyoqli maxluqdek gursillaydi. Bularning bari Xojaga o'chakishdan boshqa narsa emas. Hatto eriga ertalabki qarz salomini ham bermadi. Bundan ona shayton huzurlanib, semirgandan-semirar, kuchiga-kuch qo'shilib, ilhomi jo'shgandan-jo'shar zdi:

— Ah, h-a-a-a... qalaysiz endi, Xojam. Bekamdan rozi bo'lasiz endi. Bechoragina ikki o't o'rtasida qiynalib yuruvdi... Mana, nihoyat bir yoqli bo'lib oldilar. Bundan bu yog'iga shaytonlarning shon-sharaf yo'li bekamga muborak bo'lsin. Ot aylanib qozig'ini topadi, deganlari shu-da, a, labbay!

Bekaning xatti-harakatlarini zimdan kuzatib o'tirgan Xoja taajjubda oshkora «astag'firulloh» deb qo'yardi. Ona shayton bekani battar qayrab solardi:

— Bo'sh kelma, bekam, oyog'ingga tiz cho'kmasa, hisobmas...

Xoja o'zicha vaziyatni yumshatmoqchi bo'lib, tomoq qirib dedi:

— Arqog'ini ko'rib — bo'zini ol, onasini ko'rib — qizini ol, deyishgan edi. Bugun rahmatlik qaynonamga bir tukiz ham o'xshamay qoldi-ku, bekam?

— Voh-voh... — deb yayrab kuldi ona shayton, — bugundan boshlab qaynonalari biz bo'lamiz, biz a, labbay! O'zlariga shayton qaynona muborak bo'lsin!

Xoja xotiniga qochirim qilishda davom etdi:

— Ertalabki qarz salomni ham nasiya qivordingiz, hech bo'lmasa, bizzikini ob qo'ying jonidan: Assalomu alaykum va rahmatullohi va barokatuhu...

— Birinchidan, salomingizni pishirib yeng, ikkinchidan, onamni tinch qo'ying...

— Haliyam, bir narsa deyapmanmi? Joylari jannatdan bo'lsin!

— Bilmasangiz bilib qo'ying, onamlar sizdan rozimaslar, sizni so'xtangiz sovuq ekan. Onajonim shunaqa dedilar.

— Эшитганингиз...

Она шайтон Хожабека «онамлар» дейиши билан бир яйрагандан минг яйраб кетди:

— Ҳа онам деган тилларингдан онанг ўргилсин-а, бўйларингга қоқиндиқ. Ҳали мен сени шундоқ оналик меҳрим билан сийлайки... Ўҳ-ҳ-ў-ў... туққан онангдан кўрмаганларни мана мендан кўрасан...

— Бу дейман, — деди Хожа сергак тортиб, — гапингизни мазмунидан туш кўрганга ўхшайсиз. Билмасангиз билиб қўйинг, яхши туш Раҳмондан, ёмон туш шайтондан дейишади...

— Ов-в-в... — деб юборди она шайтон капалаги учиб, — туш мендан эканини Хожа қургур билиб қолди-ку, ҳа, билмай билганда кеткур, бу ёғи неча пулга тушади энди?..

## ҚЎЛ ТАШЛАШ

### (ёки Шайтонваччанинг яна боғчага қайтиши)

Она шайтоннинг «бу ёғи неча пулга тушади, энди» деб капалаги учган эди, яхшики ҳеч нима бўлмади. Хожабека эрининг «яхши туш Раҳмондан, ёмон туш шайтондан» деган башоратига бошиниям қотириб ўтирмади. Туш таъбирининг бунақа томонларини билмаса керак-да! Унинг иймон-ихтиёрини она шайтон олиб улгурган, эрига қарши тўнани тескари кийиб олган эди. Ҳатто эрталабки нонушганиям атайлаб бебисмилло еди. Бундан она шайтон шундай яйрадики, нақ оғзи ёйилиб, қулоғига етди.

— Ҳай-ҳай... бунчаям яхши-я, бу бекаси тушмагур, жа маъқул хотин-да, ишқилиб кўз тегмасин, кўз! Қачон, нима еганим ҳам эсимдан чиқиб кетувди. Қани, олсинлар сиз у тарафдан, биз бу тарафдан... Бундан бу ёғига таомларнинг гулини бир сиз енг-у, бир мен!..

Аммо ака-укаларни йўлдан уролмаган Шайтонвачча қуруқ қошиғини ялаб, нукул болалар атрофида гирди-капалак бўлар, онасини кўриб бахиллиги келарди. Охири ўзини тутиб туролмай деди:



— Nima?!

— Eshitganingiz...

Ona shayton Xojabeka «onamlar» deyishi bilan bir yayragandan ming yayrab ketdi:

— Ha onam degan tillaringdan onang o'rgilsin-a, bo'ylaringga qoqindi. Hali men seni shundoq onalik mehrim bilan siylayki... O'h-h-o'-o'... tuqqan onangdan ko'rmaganlarni mana mendan ko'rasan...

— Bu deyman, — dedi Xoja sergak tortib, — gapingizni mazmunidan tush ko'rganga o'xshaysiz. Bilmasangiz bilib qo'ying, yaxshi tush Rahmondan, yomon tush shaytondan deyishadi...

— Ov-v-v... — deb yubordi ona shayton kapalagi uchib, — tush mendan ekanini Xoja qurgur bilib qoldiku, ha, bilmay bilganda ketkur, bu yog'i necha pulga tushadi endi?..

## QO'L TASHLASH

### (yoki Shaytonvachchaning yana bog'chaga qaytishi)

Ona shaytonning «bu yog'i necha pulga tushadi, endi» deb kapalagi uchgan edi, yaxshiki hech nima bo'lmadi. Xojabeka erining «yaxshi tush Rahmondan, yomon tush shaytondan» degan bashoratiga boshiniyam qotirib o'tirmadi. Tush tabirining bunaqa tomonlarini bilmasa kerak-da! Uning iymon-ixtiyorini ona shayton olib ulgurgan, eriga qarshi to'nini teskari kiyib olgan edi. Hatto ertalabki nonushtaniyam ataylab bebismillo yedi. Bundan ona shayton shunday yayradiki, naq og'zi yoyilib, qulog'iga yetdi.

— Hay-hay... bunchayam yaxshi-ya, bu bekasi tushmagur, ja ma'qul xotin-da, ishqilib ko'z tegmasin, ko'z! Qachon, nima yeganim ham esimdan chiqib ketuvdi. Qani, olsinlar siz u tarafdin, biz bu tarafdin... Bundan bu yog'iga taomlarning gulini bir siz eng-u, bir men!..

Ammo aka-ukalarni yo'ldan urolmagan Shaytonvachcha quruq qoshig'ini yalab, nuqul bolalar atrofida girdikapalak bo'lar, onasini ko'rib baxilligi kelardi. Oxiri o'zini tutib turolmay dedi:

— Она, дейман кўзим йўқ деб нолимасанг ҳам бўларкан, мени кўзим бўлатуриб бир иш чиқаролмай ўтирибман, қойил...

— Жим бўл, суқатой ўлгур, киннанг киради-я... Овқат ейишга кўз керакмас, шундоғам қўлинг ўрадек оғзингни топади. Шайтонга кўз одам болаларини йўлдан уруш учун керак. Сен дабдала ўлгурга кўзлар ҳам хайф...

— Бўпти-бўпти, кўп вайсайверма, шундоғам ичимга ҳеч вақо кирмай, кўзларим тиниб кетяпти...

— Шунча нарсани кўриб туриб, ея олмагандан кейин қийин-да. Яқинроқ келсанг ошатиб қўярмидим!..

— Ҳа, ёқмай кетсин, биламан сени қандай қилиб ошатишингни... Оғзи-бурнимни қон қилмоқчимисан! Билиб қўй, бундан бу ёғига сенга думимниям тутқазмийман...

— Ҳе думинг бошингдан қолсин, сассиқ...

Она шайтон боласи билан даҳанаки жанг қилиб турганда Хожа ҳамёнидан пул чиқариб, беканинг ёнига қўйди.

— Ҳа, қачондан бери, жа? — ҳамон тепадан келиб шанғиллади бека.

— Ўзингиз айтдингиз-ку...

— Савилей, нима депман?

— Боғчада ғалаён бўлди, янги ошпаз олдим деб...

— Десам нима?

— Мен у ошпазни яхши биламан. Камсуқум, тақволи хотин. Болаларнинг ҳақини ўзиям емайди, бировгаям едирмайди. Шунга, йўлдан иккита иссиқ нон олволинг деяпман-да, бўлмаса, бугун оч қоласиз.

— Унақа тақводор ошпазни менга кераги йўқ, ўзи тақводорлардан машундоқ бўлдим, — деб бека қўлини томоғига арра қилди, — бораман-у, иссиғи-да думини тугаман.

— Чакки қиласиз, қайтага кулоғингиз тинч бўлади, болаларнинг еган-ичгани ичига тушади, текшир-текширлардан ҳам қутуласиз...

— Энди менинг ишларимга аралашманг, нима қилишимни ўзим биламан...

— Ona, deyman ko'zim yo'q deb nolimasang ham bo'larkan, meni ko'zim bo'laturib bir ish chiqarolmay o'tiribman, qoyil...

— Jim bo'l, suqatoy o'lgur, kinnang kiradi-ya... Ovqat yeyishga ko'z kerakmas, shundog'am qo'ling o'radek og'zingni topadi. Shaytonga ko'z odam bolalarini yo'ldan urush uchun kerak. Sen dabdala o'lgurga ko'zlar ham xayf...

— Bo'pti-bo'pti, ko'p vaysayverma, shundog'am ichimga hech vaqo kirmay, ko'zlarim tinib ketyapti...

— Shuncha narsani ko'rib turib, yeya olmagandan keyin qiyin-da. Yaqinroq kelsang oshatib qo'yarmidim!..

— Ha, yoqmay ketsin, bilaman seni qanday qilib oshatishingni... Og'zi-burnimni qon qilmoqchimisan! Bilib qo'y, bundan bu yog'iga senga dumimniyam tutqazmayman...

— He duming boshingdan qolsin, sassiq...

Ona shayton bolasi bilan dahanaki jang qilib turganda Xoja hamyonidan pul chiqarib, bekaning yoniga qo'ydi.

— Ha, qachondan beri, ja? — hamon tepadan kelib shang'illadi beka.

— O'zingiz aytdingiz-ku...

— Saviley, nima depman?

— Bog'chada g'alayon bo'ldi, yangi oshpaz oldim deb...

— Desam nima?

— Men u oshpazni yaxshi bilaman. Kamsuqum, taqvoli xotin. Bolalarning haqini o'ziyam yemaydi, birovgayam yedirmaydi. Shunga, yo'ldan ikkita issiq non olvoling deyapman-da, bo'lmasa, bugun och qolasiz.

— Unaqa taqvodor oshpazni menga keragi yo'q, o'zi taqvodorlardan mashundoq bo'ldim, — deb beka qo'lini tomog'iga arra qildi, — boraman-u, issig'ida dumini tugaman.

— Chakki qilasiz, qaytaga qulog'ingiz tinch bo'ladi, bolalarning yegan-ichgani ichiga tushadi, tekshir-tekshirlardan ham qutulasiz...

— Endi mening ishlarimga aralashmang, nima qilishimni o'zim bilaman...

— Аралашаман, нимага аралашмас эканман, эр-хотин кўшхўкиз деб қўйибдилар, ўртада болалар бор, ахир!..

— Вой-во-ей... яна ҳамду, сано... Томиз кетиб қолган ўзи сизни. Энди гапнинг пўст-каллеси бундай, бугундан тўшагимиз бўлак бўлдими, бас, йўлимиз ҳам, тутимимиз ҳам бўлак. Гап тамом, вассалом!..

— Ана, яшанг! — деб бекани олқишлади она шайтон, — ўртадаги арқонни узиш мана бунақа бўлади, қойил, номард бўб туриб марднинг ишини қилдингиз, офарин!

Бу ёқда Шайтонвачча ўз дардида жикиллади:

— Боғчадаги ағдар-тўнтарларни ўз қулоғинг билан эшитдинг-а, она. Билиб қўй энди мен у ёққа бормайман, катта ака билан мактабга бораман.

— Мулла бўлгилари келиб қолдими, вой тавия-ей... Бу жонсаракликлар ким учун, нонкўр! Одамлар ўз болаларини ўйлаганда, мен нимага сени ўйла-маслигим керак. Ўйлайман, кеча-ю, кундуз ўйлайман... Бу ёққа ке пешонангдан бир ўпиб қўяй, зора толеинг қулиб қолса...

— Билиб турибман, пешонамдан дарча очиб қўймоқчисан, жа айёрсан-а, она!

— Шуни билар экансан нимага яна «мактабга бораман»лаб қолдинг хомкалла?

— Мен хомкалла бўлсам, сен кўр калласан, энди меням ишларимга аралашма, биззиям йўлимиз, тутимимиз бўлак, билдингми?

— Билмадим...

— Э, билмасанг, билма-е, сен ўзи мени қачон биловдинг?..

— Шундай қилиб, йўлим, тутимим бўлак дегин?

— Бўлак...

— Онангданам донороқ бўб кетдингми?

— Аллақачон...

— Тўрт томонинг қиблами?

— Ҳа, хоҳлаган еримга бораман!

— Мабодо бурнингни тортиб, олдимга бош уриб келсанг-чи?

— Келмайман!

— Aralashaman, nimaga aralashmas ekanman, er-xotin qo'shho'kiz deb qo'yibdilar, o'rtada bolalar bor, axir!..

— Voy-vo-ey... yana hamdu, sano... Tomiz ketib qolgan o'zi sizni. Endi gapning po'st-kallasi bunday, bugundan to'shagimiz bo'lak bo'ldimi, bas, yo'limiz ham, tutimimiz ham bo'lak. Gap tamom, vassalom!..

— Ana, yashang! — deb bekani olqishladi ona shayton, — o'rtadagi arqonni uzish mana bunaqa bo'ladi, qoyil, nomard bo'b turib mardning ishini qildingiz, ofarin!

Bu yoqda Shaytonvachcha o'z dardida jikilladi:

— Bog'chadagi ag'dar-to'ntarlarni o'z qulog'ing bilan eshitding-a, ona. Bilib qo'y endi men u yoqqa bormayman, katta aka bilan maktabga boraman.

— Mulla bo'lgilari kelib qoldimi, voy taviya-ey... Bu jonsarakliklar kim uchun, nonko'r! Odamlar o'z bolalarini o'ylaganda, men nimaga seni o'ylamasligim kerak. O'ylayman, kecha-yu, kunduz o'ylayman... Bu yoqqa ke peshonangdan bir o'pib qo'yay, zora toleing kulib qolsa...

— Bilib turibman, peshonamdan darcha ochib qo'ymoqchisan, ja ayyorsan-a, ona!

— Shuni bilar ekansan nimaga yana «maktabga boraman»lab qolding xomkalla?

— Men xomkalla bo'lsam, sen ko'r kallasan, endi meniham ishlaringa aralashma, bizziyam yo'limiz, tutimimiz bo'lak, bildingmi?

— Bilmadim...

— E, bilmasang, bilma-ye, sen o'zi meni qachon bilovding?..

— Shunday qilib, yo'lim, tutimim bo'lak degin?

— Bo'lak...

— Onangdanam donoroq bo'b ketdingmi?

— Allaqachon...

— To'rt tomoning qiblami?

— Ha, xohlagan yerimga boraman!

— Mabodo burningni tortib, oldimga bosh urib kelsang-chi?

— Kelmayman!

- Келсанг нима қилай?
- Билганингни...
- Келишдикми?
- Келишдик!
- Қўлли ташла, бўлмаса...
- Мана...

Шайтонвачча онасининг қўлига қарсиллатиб кафтини ташлади-ю, қўлга тушди. Она шайтон уни оёғининг остига олиб, майдалаб роса эзди. Анови қарзлариниям яхшилаб узди. Тавбасига таянтириб деди:

— Хожабекани сени деб йўлдан урдим, дабдала. Ўшанинг пайидан бўл энди. Мактабга борармишлар... Шошмасанг, борасан... ўзимизниям шундоқ мактабларимиз, дорулфунунларимиз борки, э, ҳа-а-а... дунёни титратади, дунёни... Фақат у ерларга боришга сен ҳозирча хомлик қиласан...

## ИККИ ДОНА НОН

(ёки янги ошпазнинг янгича дарслари)

Янги ошпаз Хожа айтгандек ишга иккита нонни намоишкорона қўлтиғига қистириб келди. Ҳа, бошқалар кўрсин деб шундай қилди. Уни ростан ҳам кўпчилик кўрди. Айниқса, завхознинг эси оғиб қолай деди. «Тавба, ўрмонга ўтин кўтариб келган одамни энди кўришим», деб гудираниб қўйди. Хожабека бўлса «ҳали кўрамиз, синамаган отнинг сиртидан ўтма деганлар» деб қошларини чимирди. Қоровул яғири чиққан дўпписини қўлига олиб, узоқ ҳидлади...

Янги ошпаз завхоздан масаллиқларни тарозида тортиб ола бошлади.

— Э, — деди завхоз зардаси қайнаб, — бунақа тортиб олишингизда мени хонавайрон қиласиз-ку, холажон?

— Менга манови қоғоздагисини бер, болам, бошқаси билан ишим йўқ...

— Бошқасимиш, бошқасини эгалари бор, эгалари, билдингизми?.. Икковимиз бундо-о-оқ келишиб ишламасак бўлмайди...

- Kelsang nima qilay?
- Bilganingni...
- Kelishdikmi?
- Kelishdik!
- Qo‘lli tashla, bo‘lmasa...
- Mana...

Shaytonvachcha onasining qo‘liga qarsillatib kaftini tashladi-yu, qo‘lga tushdi. Ona shayton uni oyog‘ining ostiga olib, maydalab rosa ezdi. Anovi qarzlariniyam yaxshilab uzdi. Tavbasiga tayantirib dedi:

— Xojabekani seni deb yo‘ldan urdim, dabdala. O‘shaning payidan bo‘l endi. Maktabga borarmishlar... Shoshmasang, borasan... o‘zimizniyam shundoq maktablarimiz, dorulfununlarimiz borki, e, ha-a-a... dunyoni titratadi, dunyoni... Faqat u erlarga borishga sen hozircha xomlik qilasan...

## IKKI DONA NON

### (yoki yangi oshpazning yangicha darslari)

Yangi oshpaz Xoja aytgandek ishga ikkita nonni namoyishkorona qo‘ltig‘iga qistirib keldi. Ha, boshqalar ko‘rsin deb shunday qildi. Uni rostan ham ko‘pchilik ko‘rdi. Ayniqsa, zavxozning esi og‘ib qolay dedi. «Tavba, o‘rmonga o‘tin ko‘tarib kelgan odamni endi ko‘rishim», deb g‘udiranib qo‘ydi. Xojabeka bo‘lsa «hali ko‘ramiz, sinamagan otning sirtidan o‘tma deganlar» deb qoshlarini chimirdi. Qorovul yag‘iri chiqqan do‘ppisini qo‘liga olib, uzoq hidladi...

Yangi oshpaz zavxozdan masalliqlarni tarozida tortib ola boshladi.

— E, — dedi zavxoz zardasi qaynab, — bunaqa tortib olishingizda meni xonavayron qilasiz-ku, xolajon?

— Menga manovi qog‘ozdaxisini ber, bolam, boshqasi bilan ishim yo‘q...

— Boshqasimish, boshqasini egalari bor, egalari, bildingizmi?.. Ikkovimiz bundo-o-oq kelishib ishlamasak bo‘lmaydi...

— Нолима-е, келишиш бундан ортиқ бўладими, болаларга бир сиқим, бир сиқим қўшиб юбор, савоб бўлади демаяпман-ку...

— Э-э-э, ҳали қўшиб юборишим ҳам борми, ол-а?

Бу гап-сўзларни эшитиб турган Хожабеканинг тили қичиди:

— Бу дейман, холажон, ошпазлик дипломингиз бормиди? Бу томонларини сўраб-суриштирмай ишга олвордик сиззи.

Ошпаз эшитса ҳам эшитмаганга олиб, ишини давом эттираверди. Тарози устида гапга тутишларини ёмон кўрарди. Ахир янглишиб кетиш мумкин-да. Тош-тарози деб қўйибдилар буни. Охиратда жавоби бор.

— Бошлиғимиз сиздан гап сўраяптилар, ё қулоғдан об қўйганми? — деди завхозга жон битиб.

— Ҳа, мени чалгитманглар, бунақа пайтда қулогимга пахта тиқиб оламан. Болаларнинг ҳақиға хиёнат бўб қолмасин-да, айланай, шакардан тортинг...

Хожабеканинг қони миясига урди. Шу пайтгача у ўзига нисбатан бунақа беписандликка дуч келмаган эди. На илож, тишни-тишга босишга мажбур. Кўпчиликнинг хоҳиши... Ошпаз индамадими, демак дипломи йўқ. Иссиғида ковушини тўғрилаб қўяман, кўнглидан ўтказди Хожабека.

Ошпаз масаллиқларни олиб, хотиржам бўлиб олгач, Хожабекага юзланди:

— Диплом сўрадингизми, холангиз ўргилсин?

— Шундай, бизда дипломсиз ишлаб бўлмайди.

— Бор-да, айланай, бўлганда қандоқ, бир эмас иккита. Олдин училишисини битирганман, кейин техникўминини. Болалар қаерда бўлса ўша жойларда беармон ишлаганман. Шу десангиз мен пиширган овқатларни еган болалар полвон-полвон бўлиб, ҳокиму, вазир бўлиб ишлашяпти, чемпион боксчилари қанча, ўх-хў-ў-ў...

Бу гапларни эшитиб турган Шайтонвачча астойдил гижиниб деди:

— Сен кампиршо эртагингни бориб катта холангга айт, болалар полвон, полвон бўлармиш? Бизчи, биз шайтонларчи, Хожабекачи, завхозчи, қоровулчи, бу ёқда қанча дўмбиллаган, сўмбиллаган опа-



— Nolima-ye, kelishish bundan ortiq bo'ladimi, bolalarga bir siqim, bir siqim qo'shib yubor, savob bo'ladi demayapman-ku...

— E-e-e, hali qo'shib yuborishim ham bormi, ol-a?

Bu gap-so'zlarni eshitib turgan Xojabekaning tili qichidi:

— Bu deyman, xolajon, oshpazlik diplomingiz bormidi? Bu tomonlarini so'rab-surishtirmay ishga olvordik sizzi.

Oshpaz eshitsu ham eshitmaganga olib, ishini davom ettiraverdi. Tarozi ustida gapga tutishlarini yomon ko'rardi. Axir yanglishib ketish mumkin-da. Tosh-tarozi deb qo'yibdilar buni. Oxiratda javobi bor.

— Boshlig'imiz sizdan gap so'rayaptilar, yo qulog'dan ob qo'rganmi? — dedi zavxozga jon bitib.

— Ha, meni chalg'itmanglar, bunaqa paytda qulog'imga paxta tiqib olaman. Bolalarning haqiga xiyonat bo'b qolmasin-da, aylanay, shakardan torting...

Xojabekaning qoni miyasiga urdi. Shu paytgacha u o'ziga nisbatan bunaqa bepisandlikka duch kelmagan edi. Na iloj, tishni-tishga bosishga majbur. Ko'pchilikning xohishi... Oshpaz indamadimi, demak diplomi yo'q. Issig'ida kovushini to'g'rilab qo'yaman, ko'nglidan o'tkazdi Xojabeka.

Oshpaz masalliqlarni olib, xotirjam bo'lib olgach, Xojabekaga yuzlandi:

— Diplom so'radingizmi, xolangiz o'rgilsin?

— Shunday, bizda diplomsiz ishlab bo'lmaydi.

— Bor-da, aylanay, bo'lganda qandoq, bir emas ikkita. Oldin uchilishisini bitirganman, keyin texniko'mini. Bolalar qayerda bo'lsa o'sha joylarda bearmon ishlaganman. Shu desangiz men pishirgan ovqatlarni yegan bolalar polvon-polvon bo'lib, hokimu, vazir bo'lib ishlashyapti, chempion bokschilari qancha, o'h-ho'-o'-o'...

Bu gaplarni eshitib turgan Shaytonvachcha astoydil g'ijini dedi:

— Sen kampirsho ertagingni borib katta xolangga ayt, bolalar polvon, polvon bo'larmish? Bizchi, biz shaytonlarchi, Xojabekachi, zavxozchi, qorovulchi, bu

лар... Уларни нафси йўқми? Олдин пичоқни ўзингга ур, кейин бировга...

— Нимага ўша ёғлиқ жойларда ишловурмадингиз, холажон? — деб кампирнинг жигига тегмоқчи бўлди завхоз.

— Ишловардим, холанг ўргилсин, ишловардим, шу десанг шайтони зўр завхўзлар билан ҳеч чиқишолмадим-да. Тиқилиб ўлгурлар, Худодан кўрқишмас эди-да. Болани ҳақими, етимми ҳақими, есирри ҳақими, уларга барибир... Сиз унақамассиз шекилли, болам, вой бўйларингизга гиргиттон...

Завхўз билан Хожабека «ҳа»ям, «йўғ»ам демай, тескари қараб, чиқиб кетишди.

## ХОЖАБЕКА ХУРСАНД

(ёки Бисмилло холанинг кетиши)

Хожабека янги ошпазнинг олдидан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди. Юраги сиқилиб хонасига киргиси келмади. Асабий бир аҳволда ҳовлини айланган бўлди. Фаррошнинг ишидан ишқал топиб, алаmidан чиқмоқчи эди, аксига олиб ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек, саромжон-саришта экан. Шайтонвачча ҳам ундан ажрамай бирон нарсани кўзига олабўжи қилиб кўрсатмоқчи бўлди-ю, уддасидан чиқолмади. Ўзи Бисмилло хола бош сўққан жойда шайтонларнинг оёқ-қўли боғланарди. Ёмонни яхши, яхшини ёмон қилиб кўрсатиша олмасди. Шайтонваччанинг ичи қулдиради. Ошқозони ўлгур ҳар доимгидек бир нима сўраб бонг уряпти. У нима қилишини билмай аста беканинг қорнига қулоқ солди. Беканиям қорни безовта бўлиб, қулдираб берди. Шайтонвачча ўзича ишшайди. Янаям қулдирамасинми, эрталабки нонуштани паққос онаси туширди-ку. Бека эрига жаҳл қилишдан нарига ўтмади. Бечорагина, бир вақтлар еганиям олдида, емаганиям олдида турган. Энди бўлса, уни ҳар томондан сиқиб қўйишди. Ахир уям одам-ку, фариштамас. Буни устига ёш, катта-катта еб, ичкиси, ўйнаб-кулгиси келади... Илгари ҳар куни бу

yoqda qancha do‘mbillagan, so‘mbillagan opalar... Ularni nafsi yo‘qmi? Oldin pichoqni o‘zingga ur, keyin birovga...

— Nimaga o‘sha yog‘liq joylarda ishlovurmadingiz, xolajon? — deb kampirning jig‘iga tegmoqchi bo‘ldi zavhoz.

— Ishlovrardim, xolang o‘rgilsin, ishlovrardim, shu desang shaytoni zo‘r zavxo‘zlar bilan hech chiqisholmadim-da. Tiqilib o‘lgurlar, Xudodan qo‘rqishmas edi-da. Bolani haqimi, yetimmi haqimi, yesirri haqimi, ularga baribir... Siz unaqamassiz shekilli, bolam, voy bo‘ylaringizga girgitton...

Zavxo‘z bilan Xojabeka «ha»yam, «yo‘g‘»am demay, teskari qarab, chiqib ketishdi.

## XOJABEKA XURSAND

### (yoki Bismillo xolaning ketishi)

Xojabeka yangi oshpazning oldidan xafsalasi pir bo‘lib chiqdi. Yuragi siqilib xonasiga kirgisi kelmadi. Asabiy bir ahvolda hovlini aylangan bo‘ldi. Farroshning ishidan ishkal topib, alamidan chiqmoqchi edi, aksiga olib hammayoq yog‘ tushsa yalagudek, saromjon-sarishta ekan. Shaytonvachcha ham undan ajramay biron narsani ko‘ziga olabo‘ji qilib ko‘rsatmoqchi bo‘ldiyu, uddasidan chiqolmadi. O‘zi Bismillo xola bosh suqqan joyda shaytonlarning oyoq-qo‘li bog‘lanardi. Yomonni yaxshi, yaxshini yomon qilib ko‘rsatisha olmasdi. Shaytonvachchaning ichi quldiradi. Oshqozoni o‘lgur har doimgidek bir nima so‘rab bong uryapti. U nima qilishini bilmay asta bekaning qorniga quloq soldi. Bekaniyam qorni bezovta bo‘lib, quldirab berdi. Shaytonvachcha o‘zicha ishshaydi. Yanayam quldiramasinmi, ertalabki nonushtani paqqos onasi tushirdi-ku. Beka eriga jahl qilishdan nariga o‘tmadi. Bechoragina, bir vaqtlar yeganiyam oldida, yemaganiyam oldida turgan. Endi bo‘lsa, uni har tomondan siqib qo‘yishdi. Axir uyam odam-ku, farishtamas. Buni ustiga yosh, katta-katta eb, ichkisi,

пайтда уни шоҳона дастурхон кутарди. Шунини эслаб, Шайтонвачча беканинг қулоғига аста шивирлади:

— Бекам, хонангизга киринг, хонангизга, ис-  
сиқ, жиззали нон билан қаймоқ кутиб қолди, ҳа!

Хожабеканинг чиройи очилди. Наҳотки шундай бўлса? Бунақа меҳрибончиликлар ошпаз билан завхознинг қўлидан келарди. Ҳа, бири қаймоқ олиб келса, бири жиззали нон олиб келарди. Янги ошпаздан-ку умид йўқ. У қотган нонниям раво кўрмайди. Ҳалиям завхозим менга содиқ. Хожабека Шайтонваччанинг васвасасига учиб, ширин хаёллар билан хонасига кирди. Кирди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушди. Жаҳли чиқиб, завхознинг гўрига фишт қалай кетди: — «Бевафо, зиқна ўлгур... ошпаз-ку тақвосини баҳона қилади, сен-чи? Сен, нимангни баҳона қиласан, томсагина томдирадиган қурумсоқ. Шошмай тур, шу қилганингга сениям думингни тугаман...

Шайтонвачча энди бекага қарши хужумга ўтди:

— Ўзингиздаям айб бор, бекам, эрта билан Хожангиз берган пулни олганингизда мана ҳозир иккита сўлқилдоқ нон билан доғсув ҳам тешиб чиқмасиди! Шунақа, девона аразласа тўрвасига зарар дейдилар...

— Ҳеч қачон, — деди Хожабека қулдираётган қорнини чангаллаб, — очимдан ўлсам ўламанки, энди у сўхтаси совуққа қул бўлмайман...

Бекани ҳар тарафдан кўзга кўринмас бир куч эзарди. Хонага сиғмай, яна ташқарига қараб юрди. Аммо остонадан чиқмаёқ Бисмилло холага йўлиқди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва бароқатуҳу, — дея бекадан олдин салом берди у. Бека зўрмазўраки жилмайди.

— Келинг хола...

— Хизрни йўқласам бўлар экан, қаранг, шетта экансиз, қоқиндиқ...

— Ҳа, энди сиззи дуоларингиз билан Хизр бўсак-бўбмиз-да, — кесатди Хожабека.

— Бўлинг, илойим, бўлинг, ўзи болалар билан ишлайдиганлар ярим Хизр бўлиб қолишади. Болалар

o'ynab-kulgisi keladi... Ilgari har kuni bu paytda uni shoxona dasturxon kutardi. Shuni eslab, Shaytonvachcha bekaning qulog'iga asta shivirladi:

— Bekam, xonangizga kiring, xonangizga, issiq, jizzali non bilan qaymoq kutib qoldi, ha!

Xojabekaning chiroyi ochildi. Nahotki shunday bo'lsa? Bunaqa mehribonchiliklar oshpaz bilan zavxozning qo'lidan kelardi. Ha, biri qaymoq olib kelsa, biri jizzali non olib kelardi. Yangi oshpazdan-ku umid yo'q. U qotgan nonniyam ravo ko'rmaydi. Haliyam zavxozim menga sodiq. Xojabeka Shaytonvachchaning vasvasasiga uchib, shirin xayollar bilan xonasiga kirdi. Kirdi-yu, tarvuzi qo'ltig'idan tushdi. Jahli chiqib, zavxozning go'riga g'isht qalay ketdi: — «Bevafo, ziqna o'lgur... oshpaz-ku taqvosini bahona qiladi, sen-chi? Sen, nimangni bahona qilasan, tomsagina tomdiradigan qurumsoq. Shoshmay tur, shu qilganingga seniyam dumingni tugaman...

Shaytonvachcha endi bekaqa qarshi hujumga o'tdi:

— O'zingizdayam ayb bor, beka, erta bilan Xojangiz bergan pulni olganingizda mana hozir ikkita so'lqildoq non bilan dog'suv ham teshib chiqmasidi! Shunaqa, devona arazlasa to'rvasiga zarar deydilar...

— Hech qachon, — dedi Xojabeka quldirayotgan qornini changallab, — ochimdan o'lsam o'lamanki, endi u so'xtasi sovuqqa qul bo'lmayman...

Bekani har tarafdin ko'zga ko'rinmas bir kuch ezardi. Xonaga sig'may, yana tashqariga qarab yurdi. Ammo ostonadan chiqmayoq Bismillo xolaga yo'liqdi.

— Assalomu alaykum va rahmatullohu va barokatuhu, — deya bekadin oldin salom berdi u. Beka zo'rma-zo'raki jilmaydi.

— Keling xola...

— Xizrni yo'qlasam bo'lar ekan, qarang, shetta ekansiz, qoqindi...

— Ha, endi sizzi duolaringiz bilan Xizr bo'sak-bo'bmiz-da, — kesatdi Xojabeka.

— Bo'ling, iloyim, bo'ling, o'zi bolalar bilan ishlaydiganlar yarim Xizr bo'lib qolishadi. Bolalar bu...

бу... ўҳ-ҳ-ў-ў, ҳазилакамми... улар илоҳий уруғлик!  
Улар дунёга келмай қўйса замона охир бўлади-я...

Бу гаплардан беканинг энсаси қотди. Чуқур эс-  
наб, холанинг гапини бўлди:

— Менда ишингиз бормиди?

— Шу... — дея Бисмилло хола Хожабекага бош-  
дан-оёқ қараб қўйди, — кетмоқчиман, жавоб бер-  
сангиз.

Хожабека бирдан енгил тортиб кетди. Ҳалидан  
бери уни эзиб турган кўринмас қўллар қўйиб юбор-  
гандек бўлди.

— Вой қачон? — кутилмаганда овозлари жаранг-  
лаб кетди беканинг.

— Шу бугун, ҳозир, айланай... Ҳа, сафарим қари-  
ди...

— Ҳай-ҳай, — деб юборди Шайтонвачча суюнга-  
нидан, — бундай хушxabарга қўй сўйвориш керак,  
бекам, қўй. — Вой-ей, биззиям кўчамизда байрам  
бўлар экан-ку, ниҳоят. Ўйлаб ўтирмасдан жавобини  
беринг-а, бекам даф бўлсин-а!

Бека холага зимдан қараб тилёғламалик қилмаёт-  
ганини сезгач, ўзи тилёғламаликка ўтди:

— Билсак бўладими, бизларни етим қилиб,  
қаёқларга кетяпсиз?

— Бозорга...

— Мозорга? — ҳайрон бўлди Хожабека, —  
қўйинг-е...

— Мозоргамас бозорга... айтишадику, отанг бо-  
зор, онанг бозор деб, ўша ёққа чақирешаяпти.

Хожабеканинг қулоғи тагига келиб Шайтонвачча  
жикиллади:

— Эй-й-й, бунча чайналасан, бекам, бозоргами,  
очиқ мозоргами, нима фарқи бор, бу ердан даф  
бўлса бўлди-да, барибир хотинлигингга борасан-да,  
бекам, сочинг узун ақлинг қисқа...

— Вой бозорда нима бор сизга, шу ёшингизда  
олибсотарлик қиласизми?

— Ҳа йў-ў-ў... бозорқўм барака топгур, жудаям  
ҳалол, тақволи одам, ўша чақирешаяпти. Айтишича, бо-  
зорда хотин-халаж кўпайиб, тартиб, интизом бузи-  
либ кетганмиш, шуни йўлга солиб беринг деяпти.

o'h-h-o'-o', hazilakammi... ular ilohiy urug'lik! Ular dunyoga kelmay qo'ysa zamona oxir bo'ladi-ya...

Bu gaplardan bekaning ensasi qotdi. Chuqur esnab, xolaning gapini bo'ldi:

— Menda ishingiz bormidi?

— Shu... — deya Bismillo xola Xojabekaga boshdan-oyoq qarab qo'ydi, — ketmoqchiman, javob bersangiz.

Xojabeka birdan engil tortib ketdi. Halidan beri uni ezib turgan ko'rinmas qo'llar qo'yib yuborgandek bo'ldi.

— Voy qachon? — kutilmaganda ovozlari jaranglab ketdi bekaning.

— Shu bugun, hozir, aylanay... Ha, safarim qaridi...

— Hay-hay, — deb yubordi Shaytonvachcha suyunganidan, — bunday hushxabarga qo'y so'yvorish kerak, bekam, qo'y. — Voy-ey, bizziyam ko'chamizda bayram bo'lar ekan-ku, nihoyat. O'ylab o'tirmasdan javobini bering-a, bekam daf bo'lsin-a!

Beka xolaga zimdan qarab tilyog'lamalik qilmayotganini sezgach, o'zi tilyog'lamalikka o'tdi:

— Bilsak bo'ladimi, bizlarni yetim qilib, qayoqlarga ketyapsiz?

— Bozorga...

— Mozorga? — hayron bo'ldi Xojabeka, — qo'ying-e...

— Mozorgamas bozorga... aytishadiku, otang bozor, onang bozor deb, o'sha yoqqa chaqirishayapti.

Xojabekaning qulog'i tagiga kelib Shaytonvachcha jikilladi:

— Ey-y-y, buncha chaynalasan, bekam, bozorgami, ochiq mozorgami, nima farqi bor, bu yerdan daf bo'lsa bo'ldi-da, baribir xotinligingga borasan-da, bekam, soching uzun aqling qisqa...

— Voy bozorda nima bor sizga, shu yoshingizda olibsotarlik qilasizmi?

— Ha yo'-o'-o'... bozorqo'm baraka topgur, judayam halol, taqvoli odam, o'sha chaqiryapti. Aytishicha, bozorda xotin-xalaj ko'payib, tartib, intizom buzilib ketganmish, shuni yo'lga solib bering deyapti.

— Вой ёқмай кетсин, — деди ясама кулиб Хожабека, — биззи ишларимиз нима бўлади?

— Бозор деганлари-чи, болам, дарёи азим, ундан эҳ-ҳ-е-е-е... минглаб одамлар сув ичади-я, уни суви булганса борми, ҳай-ҳай... Худо сақласин-а... Шу учун болам, ҳозирча у ер зарурроқ. Кейин тақволи ошпазни обкелиб олдингиз, Худо хоҳласа бу ердан кўнглим тўқ...

— Ҳай, майли, нияям дердик холажаон, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

— Яхши-ёмон гапларга узр, рози бўлинг, болам.

— Мингдан-минг розиман.

## МАЗАЛИ ТАОМ

### (ёки Шайтонваччанинг яна хору зорликка учраши)

Болалар бугун бошқача зам-зама билан тушлик қила бошлашди.

— Меники ширин...

— Меникиям-да.

— Алдама.

— Алдамаяпман.

— Еб кўрай-чи?

— Хо-о-о...

Болалар бошқа кунлари овқатни тугатолмай, нари суришарди. Егилари келмасди. Опалари овқатингни е, ана олабўжи келяпти, мана, олабўжи келяпти, деб кўрқитишарди. Бугун унақа кўрқитишлар бўлмади. Олди болалар овқатини еб, қошиғини ялаб ўтирибди, бир хиллари тугаб қолишидан кўрқиб, майдалаб ўтиришибди. Шайтонвачча овқатнинг хуш бўйлари-дан маст бўлиб, ака-укаларнинг ёнига келди:

— Салом асалтойлар, қалайсизлар? Жа қорин тўйиб кекиришиб, буқачадек семиришиб ўтириб-сизларми? Ие, анови болани, қуруқ қошиқни ялаб ўтирибди-я, ундан кўра ёнингдагини пешонасига бир тушир, овқатини ейишворамиз. Ва-а-а... манови болани қаранглар, чети учган косада овқат еяпти. Ҳов, сен бола, нимага пойгага тушиб қолдинг, сени жойинг тўрда-ку...



— Voy yoqmay ketsin, — dedi yasama kulib Xojabeka, — bizzi ishlarimiz nima bo'ladi?

— Bozor deganlari-chi, bolam, daryoi azim, undan eh-h-e-e... minglab odamlar suv ichadi-ya, uni suvi bulg'ansa bormi, hay-hay... Xudo saqlasin-a... Shu uchun bolam, hozircha u yer zarurroq. Keyin taqvoli oshpazni obkelib oldingiz, Xudo xohlasa bu yerdan ko'nglim to'q...

— Hay, mayli, nimayam derdik xolajaon, zorimiz bor, zo'rimiz yo'q.

— Yaxshi-yomon gaplarga uzr, rozi bo'ling, bolam.

— Mingdan ming roziman.

## MAZALI TAOM

**(yoki Shaytonvachchaning yana xoru zorlikka uchrashi)**

Bolalar bugun boshqacha zam-zama bilan tushlik qila boshlashdi.

— Meniki shirin...

— Menikiyam-da.

— Aldama.

— Aldamayapman.

— Eb ko'ray-chi?

— Ho-o-o...

Bolalar boshqa kunlari ovqatni tugatolmay, nari surishardi. Egilari kelmasdi. Opalari ovqatingni e, ana olabo'ji kelyapti, mana, olabo'ji kelyapti, deb qo'rqitishardi. Bugun unaqa qo'rqitishlar bo'lmadi. Oldi bolalar ovqatini yeb, qoshig'ini yalab o'tiribdi, bir xillari tugab qolishidan qo'rqib, maydalab o'tirishibdi. Shaytonvachcha ovqatning hush bo'ylaridan mast bo'lib, aka-ukalarning yoniga keldi:

— Salom asaltoylar, qalaysizlar? Ja qorin to'yib kekirishib, buqachadek semirishib o'tiribsizlarmi? Ie, anovi bolani, quruq qoshiqni yalab o'tiribdi-ya, undan ko'ra yoningdagini peshonasiga bir tushir, ovqatini eyishvoramiz. Va-a-a... manovi bolani qaranglar, cheti uchgan kosada ovqat eyapti. Hov, sen bola, nimaga poygaga tushib qolding, seni joying to'rda-ku...

Шайтонвачча ундоқ қилиб ҳам кўрди, бундоқ қилиб ҳам... Барибир, жанжал чиқара олмади. Урунишлари бекор кетди. Оч-наҳор қолди.

## ЯНГИЧА ТУШЛИК

(ёки қуруқ нон билан доғсувнинг асалдек татиб кетиши)

Қўли ширин ошпазимиз бизларни нима билан сийлар экан деб, опалар бирин-кетин ошхонага кириб келишди.

— Бу дейман, — деди хола опаларнинг рангирўйига қараб, — қорнийлар ҳам очиб кетгандир-а, сизларни бир зиёфат қилай...

Ошпаз хола замзама билан дастурхон ёзди. Ўртага эрта билан олиб келган иккита оби нонни қўйди. Кейин чойнакка доғсув қўйиб келди. Опалар дам дастурхонга, дам бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарашарди. Буни кузатиб турган Хожабeka ичида «бу кунларингдан баттар бўлларинг, ғалаён кўтариш қанақа бўларкан?» деб қўйди.

— Нимага энди доғсув ичамиз, қуруқ чой йўқми, холажон? — дея норози бўлди опалардан бири.

— Доғ сув ичишни иккита сабаби бор, айланай...

— Вой, қўйинг-е, шунгаям сабабми?

— Ҳа, биринчидан чой болаларники... Уларнинг ризқини туя қилиб бўлмайди. Дилини қора қилиб қўяди. Қора-қурими аста-секин одамнинг юз-кўзга ҳам уради, хуниги чиқиб, бепаришта бўб қолади...

— Вой бў-ў-ў... даҳшат-ку, холажон, даҳшат-ку...

— Шундоқ, болажонларим, шундоқ... энди иккинчи сабабини сизларга айтсам...

— Айтинг-а, холажон, айтинг!

— Доғсув қонни тозалайди, одамни хушсурут қилади. Хотин кишининг бўличкага ўхшаб оппоққина бўлиб юрганига нима етсин, ё гапим нотўғрими, айланайлар?

— Минг марта тўғри, холажон, миллион марта тўғри, бундан кейин пақат доғсув ичамиз-а, қизлар?

Shaytonvachcha undoq qilib ham ko'rdi, bundoq qilib ham... Baribir, janjal chiqara olmadi. Urunishlari bekor ketdi. Och-nahor qoldi.

## YANGICHA TUSHLIK

**(yoki quruq non bilan dog'suvning asaldek tatib ketishi)**

Qo'li shirin oshpazimiz bizlarni nima bilan siylar ekan deb, opalar birin-ketin oshxonaga kirib kelishdi.

— Bu deyman, — dedi xola opalarning ranggi-ro'yiga qarab, — qorniylar ham ochib ketgandir-a, sizlarni bir ziyofat qilay...

Oshpaz xola zamzama bilan dasturxon yozdi. O'rtaga erta bilan olib kelgan ikkita obi nonni qo'ydi. Keyin choynakka dog'suv quyib keldi. Opalar dam dasturxonga, dam bir-birlariga hayron bo'lib qarashardi. Buni kuzatib turgan Xojabeka ichida «bu kunlaringdan battar bo'llaring, g'alayon ko'tarish qanaqa bo'larkan?» deb qo'ydi.

— Nimaga endi dog'suv ichamiz, quruq choy yo'qmi, xolajon? — deya norozi bo'ldi opalardan biri.

— Dog'suv ichishni ikkita sababi bor, aylanay...

— Voy, qo'ying-e, shungayam sababmi?

— Ha, birinchidan choy bolalarniki... Ularning rizqini tuya qilib bo'lmaydi. Dilini qora qilib qo'yadi. Qora-qurimi asta-sekin odamning yuz-ko'zga ham uradi, hunigi chiqib, beparishta bo'b qoladi...

— Voy bo'-o'-o'... dahshat-ku, xolajon, dahshat-ku...

— Shundoq, bolajonlarim, shundoq... endi ikkinchi sababini sizlarga aytsam...

— Ayting-a, xolajon, ayting!

— Dog'suv qonni tozalaydi, odamni hushsurat qiladi. Xotin kishining bo'lichkaga o'xshab oppoqqina bo'lib yurganiga nima yetsin, yo gapim noto'g'rimi, aylanaylar?

— Ming marta to'g'ri, xolajon, million marta to'g'ri, bundan keyin paqat dog'suv ichamiz-a, qizlar?

— Ҳа, қари билганни, пари билмайди деганлари шу-да, яшанг холажон!

— Баракалла, қизларим, баракалла, гапни гапир уққанга, жонни-жонга суққанга, деганлар машой-ихлар. Қани, нонга қаранглар...

Бу гаплардан Хожабеканинг энсаси қотиб, нонга атайлаб бибисмилло қўл урди. Шу атрофда искаланиб юрган Шайтонваччага жон битди:

— Яшанг-е, Хожабекам, сиз ўзи бошқачасиз-да. Унча-мунчага лақиллайдиган лақмаларданмассиз. Оловринг, борига барака энди, қуруқ нон бўлсаям, тешиб чиқмайди, чайнаганиз сиззики, ютганингиз меники...

— Холажон, — деди опалардан бири ютиниб, — очикқанда қуруқ нон билан доғсув ҳам асалдек татиб кетар экан-а?

— Билмадим, айланай, лекин ҳалол таом доимо ширин татишини эшитганим бор.

— Э, — деди опалардан биттаси норози бўлиб, — юзта сиз-биздан, битта жиз-биз ўтаверсин.

Хожобека ярқ этиб унга қаради: «Ичим экансан-ку!»

Ошпаз хола дастурхонга дуво ўқиб турган эди, остонада бир талай тухум кўтариб завхоз кўринди.

— Ҳай-ҳай, тўхтанг-тўхтанг, айланай, нима қиялпсиз, — деб уни остонадаёқ тўхтатди ошпаз. Нимагадир холанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Музлаткичга сизмади, сиззизкига қўйиб турай, — чайналди завхоз.

— Шу аҳволда-я, й-ў-ў-ў... олдин содали сувда ювинг, қуруқ латта билан артинг, тозаланг, ана ундан кейин бошқа гап. Музлаткичда не-не покиза масалиғлар турибди-я!

— Э-э-э, — деди завхоз Хожобекага қараб, — ўлай агар, мен бу ошпазингиз билан ишлолмийман.

— Келишинглар, келишинглар, — деди Хожобека гиж-гижлагандек тиржайиб.

Тухумни содали сувда ювиш?! Опалар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Сўрашга бўлмади, тушлик вақти тугаган эди.

— Ҳах, жодугар ўлгур-а, — деди Шайтонвачча

— Ha, qari bilganni, pari bilmaydi deganlari shu-da, yashang xolajon!

— Barakalla, qizlarim, barakalla, gapni gapir uqqanga, jonni-jonga suqqanga, deganlar mashoyihlar. Qani, nonga qaranglar...

Bu gaplardan Xojabekaning ensasi qotib, nonga ataylab bebismillo qo'l urdi. Shu atrofda iskanib yurgan Shaytonvachchaga jon bitdi:

— Yashang-e, Xojabekam, siz o'zi boshqachasiz-da. Uncha-munchaga laqillaydigan laqmalardanmassiz. Olovring, boriga baraka endi, quruq non bo'lsayam, teshib chiqmaydi, chaynaganiz sizziki, yutganingiz meniki...

— Xolajon, — dedi opalardan biri yutinib, — ochiqqanda quruq non bilan dog'suv ham asaldek tatib ketar ekan-a?

— Bilmadim, aylanay, lekin halol taom doimo shirin tatishini eshitganim bor.

— E, — dedi opalardan bittasi norozi bo'lib, — yuzta siz-bizdan, bitta jiz-biz o'taversin.

Xojabeka yarq etib unga qaradi: «Ichim ekansan-ku!»

Oshpaz xola dasturxonga duvo o'qib turgan edi, ostonada bir talay tuxum ko'tarib zavxoz ko'rindi.

— Hay-hay, to'xtang-to'xtang, aylanay, nima qilyapsiz, — deb uni ostonadayoq to'xtatdi oshpaz. Nimagadir xolaning jahli chiqib ketdi.

— Muzlatkichga sig'madi, sizzikiga qo'yib turay, — chaynaldi zavxoz.

— Shu ahvolda-ya, y-o'-o'-o'... oldin sodali suvda yuving, quruq latta bilan arting, tozalang, ana undan keyin boshqa gap. Muzlatkichda ne-ne pokiza masallig'lar turibdi-ya!

— E-e-e, — dedi zavxoz Xojabekaga qarab, — o'lay agar, men bu oshpazingiz bilan ishlolmiyman.

— Kelishinglar, kelishinglar, — dedi Xojabeka gij-gijlagandek tirjayib.

Tuxumni sodali suvda yuvish?! Opalar bir-biriga ma'noli qarab qo'yishdi. So'rashga bo'lmadi, tushlik vaqti tugagan edi.

бир тўлганиб, — шундоқ ишнинг белига тепдинг-а. Ўлай агар, бунинг тақвоси нақ тоғни талқон қилади-я, тоғни!

## МАНТИ

### (ёки эски ошпазнинг найранглари)

Эртасига улар яна қуруқ нон-чай устида учрашишди. Шунда опалардан бири кечаги тухум воқеасини холага эслатиб қолди.

— Ҳа, уми, — деди хола кулиб, — завхозимиз ўзи яхши, куйди-пишти, лекин билмагандан кейин қийин-да, қизларим. Мен мумкин эмаслигини айтиб берувдим, бечорани қўрқувдан нақ кўзлари пешонасига чиқиб кетди... Индамасам уйига бориб хотинини дўппослайдиган. Ёмон-да, эр бечора каламушдек ташмалайверса, ташмалайверса-да, у ёқда хотин демаган харом-харишнинг фарқига бормай, баракани осмонга учраверса, алам қилади-да...

— Вой холажон, тухумни содали сувда ювишни менам биринчи марта эшитишим, ўлай агар, ҳай қизлар, ё сизлар биласизларми?

— Э, қизиқ гапларни айтасиз-а, холажон, содани увол қилиб зарил кептими, фалон сўм туради-я?

— Мана бу ерингиз-чи, айланай, — дея хола кўксига уриб сўради, — бу ерингиз неча пул туради?

— Вой... билмадим, — дея ҳалиги аёл бирдан шарақлаб кулиб юборди... Унга бошқалар ҳам кўшилди.

Хола ҳам қотиб-қотиб кулдилар-да:

— Нуқул мен боғдан келсам, сизлар тоғдан келасизлар-а, — деди. Эшитинг, бу борада Аллоҳим нима деган: «Огоҳ бўлингким! Албатта жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким! Ўша нарса қалбдир». Мен кўкракка ишора қилганда Аллоҳим айтаётган ўша қалбни кўзда тутяпман қизла-

— Hah, jodugar o'lgur-a, — dedi Shaytonvachcha bir to'lg'anib, — shundoq ishning beliga tepding-a. O'lay agar, buning taqvosi naq tog'ni talqon qiladi-ya, tog'ni!

## MANTI

### (yoki eski oshpazning nayranglari)

Ertasiga ular yana quruq non-choy ustida uchrashishdi. Shunda opalardan biri kechagi tuxum voqeasini xolaga eslatib qoldi.

— Ha, umi, — dedi xola kulib, — zavxozimiz o'zi yaxshi, kuydi-pishti, lekin bilmagandan keyin qiyinda, qizlarim. Men mumkin emasligini aytib beruvdim, bechorani qo'rquvdan naq ko'zlari peshonasiga chiqib ketdi... Indamasam uyiga borib xotinini do'pposlaydigan. Yomon-da, er bechora kalamushdek tashmalayversa, tashmalayversa-da, u yoqda xotin demagan xarom-xarishning farqiga bormay, barakani osmonga uchraversa, alam qiladi-da...

— Voy xolajon, tuxumni sodali suvda yuvishni menam birinchi marta eshitishim, o'lay agar, hay qizlar, yo sizlar bilasizlarmi?

— E, qiziq gaplarni aytasiz-a, xolajon, sodani uvol qilib zaril keptimi, falon so'm turadi-ya?

— Mana bu yeringiz-chi, aylanay, — deya xola ko'ksiga urib so'radi, — bu yeringiz necha pul turadi?

— Voy... bilmadim, — deya haligi ayol birdan sharaqlab kulib yubordi... Unga boshqalar ham qo'shildi.

Xola ham qotib-qotib kuldilar-da:

— Nuqul men bog'dan kelsam, sizlar tog'dan kelasizlar-a, — dedi. Eshiting, bu borada Allohim nima degan: «Ogoh bo'lingkim! Albatta jasadda bir parcha go'sht bordir. Qachon u solih bo'lsa, jasadning hammasi solih bo'lur. Qachon u buzuq bo'lsa, jasadning hammasi buzuq bo'lur. Ogoh bo'lingkim! O'sha narsa qalbdir». Men ko'krakka ishora qilganda Allohim aytayotgan o'sha qalbni ko'zda tutyapman qizlarim.

рим. Биламан, ҳаммангизнинг уйингизда биллур қандилларингиз бор. Ҳафтада бир артиб турмасангиз қўнглингиз жойига тушмайди, ё гапим нотўғрими?— деди.

— Чанг ўтиради-да, холажон кейин шишадан фарқи қолмайди...

— Ҳа яшанг, ўлманг, доно қизим, одамзоднинг қалбиям худди ўша биллурга ўхшаган бўлади. Унга-ям «чанг» ўтиради. Афсуски, у чангни юмшоқ пахта билан артиб, тозалаб бўлмайди. Қалб таом билан кирланади. Сиз тухумни шундоғам тоза деб ўйлай-сиз. Унчалик эмас асал қизларим. Диққат қилсангиз қон изларини кўрасиз. Қонни Аллоҳ бандасига ҳаром қилган. Қоннинг ботмониям ҳаром, заррасиям ҳаром. Тухумни ювмасдан музлаткичга қўйсангиз, билингки, ичида нимаики бўлса, барига кароҳати уради. Ҳаром қилмасаям макруҳ қилиб қўяди. Макруҳ дегани ҳалол билан ҳаромнинг ўртаси дегани. Қарабсизки, уни еганингиздан кейин қалбингиз кирланиб бораверади, бораверади... Қалбнинг кўзи бекилиб, шайтон курғур қаёққа етакласа, одам шу ёққа юрадиган бўлиб қолади.

— Вой холажон, сиз гапиряпсиз-у, мен кўрқиб кетяпман...

— Эй, — деди юзта сиз-биздан, битта жиб-биз яхши, деган хотин энсаси қотиб, — шунчалик экан, тухумни емай қўяқоламиз-да. Шунгаям ота гўри қозихонами?

— Йў-ўқ, жоним болам, — деди хола сергак тортиб, — тухумдан бошқа гаплар ҳам бор. Мана, масалан, чой дамлаб туриб чойнакни қопқоғини устол устига юзи билан қўйдингизми, тамом бир чойнак чой макруҳ бўлиб қолди. Чунки сиз қопқоғини қўйган жойга, албатта, шайтон ўлгур атайлаб бўшаниб қўйган бўлади. Унинг ахлати қопқоққа илашиб чойнакдаги чойга тушади. Уни қанча одам ичса, барини қалби кирланади. Ёки бўлмасам, қозоннинг қопқоғини олиб кўринг, униям юзи билан қўйиб, яна ёпсангиз... тамом... Умуман, олганда, қопқоғини нарсаларни олиб қўйганда орқа тарафи билан қўйиш керак. Ҳа юзи тепага қараб турсин...



Bilaman, hammangizning uyingizda billur qandillaringiz bor. Haftada bir artib turmasangiz ko'nglingiz joyiga tushmaydi, yo gapim noto'g'rimi? — dedi.

— Chang o'tiradi-da, xolajon keyin shishadan farqi qolmaydi...

— Ha yashang, o'lmang, dono qizim, odamzodning qalbiyam xuddi o'sha billurga o'hshagan bo'ladi. Ungayam «chang» o'tiradi. Afsuski, u changni yumshoq paxta bilan artib, tozalab bo'lmaydi. Qalb taom bilan kirlanadi. Siz tuxumni shundog'am toza deb o'ylaysiz. Unchalik emas asal qizlarim. Diqqat qilsangiz qon izlarini ko'rasiz. Qonni Alloh bandasiga harom qilgan. Qonning botmoniyam harom, zarrasiyam harom. Tuxumni yuvmasdan muzlatkichga qo'ysangiz, bilingki, ichida nimaiki bo'lsa, bariga karohati uradi. Harom qilmasayam makruh qilib qo'yadi. Makruh degani halol bilan haromning o'rtasi degani. Qarabsizki, uni eganingizdan keyin qalbingiz kirlanib boraveradi, boraveradi... Qalbning ko'zi bekilib, shayton qurg'ur qayoqqa etaklasa, odam shu yoqqa yuradigan bo'lib qoladi.

— Voy xolajon, siz gapiryapsiz-u, men qo'rqib ketyapman...

— Ey, — dedi yuzta siz-bizdan, bitta jiz-biz yahshi, degan xotin ensasi qotib, — shunchalik ekan, tuxumni yemay qo'yaqolamiz-da. Shungayam ota go'ri qozixonami?

— Yo'-o'q, jonim bolam, — dedi xola sergak tortib,— tuxumdan boshqa gaplar ham bor. Mana, masalan, choy damlab turib choynakni qopqog'ini ustol ustiga yuzi bilan qo'ydingizmi, tamom bir choynak choy makruh bo'lib qoldi. Chunki siz qopqoqni qo'ygan joyga, albatta, shayton o'lgur ataylab bo'shanib qo'ygan bo'ladi. Uning axlati qopqoqqa ilashib choynakdagi choyga tushadi. Uni qancha odam ichsa, barini qalbi kirlanadi. Yoki bo'lmasam, qozonning qopqog'ini olib ko'ring, uniyam yuzi bilan qo'yib, yana yopsangiz... tamom... Umuman, olganda, qopqoqli narsalarni olib qo'yganda orqa tarafi bilan qo'yish kerak. Ha yuzi tepaga qarab tursin...

— Вой-ей, яшашни жа қийин қивордингиз-ку, холажон.

— Мен айтганларни қилсангиз яшашингиз фақат осонлашади, айланай, жоним болам...

— Бугунга етади холажон, биз сочи узун ақли қисқаларни жа олим қилиб юборманг, бошингизга бало бўламиз, — деди жиз-бизни хуш кўрадиган хотин.

Шу пайт остонада икки кўли кўксиди эски ошпаз пайдо бўлиб қолди. Вой уни кўриб Шайтонваччанинг яйраб кетганлари. Кўзига оловдек, иссиқ босилди-да.

— Ассалому алайкум, яхшилар, — деди ошпаз икки букилиб, — эгилган бошни қилич кесмас, деган эканлар машойихлар, — дея у хандон отиб кулди. — Кейин машойихлар яна айтган эканки, бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом деб, шу сиз яхшиларни соғиниб, кўргани келдим. Шунча йил ишладим, ишқилиб ёмон бўлмадим. Насибам узилган экан, кетдим. Энди ўртадаги опа-сингиллигимиз йўқолмасин. Олдинда куда-андачилик деган гаплар бор. Тўй-тўкинларда тумтайишиб юрмайлик. Яраш ошига бир тоғора думбали манти қилиб келувдим. Нима дейсизлар, сингилжонлар, кетадими?

— Кетишам гапми, нақ қизиб турган тошга сув сепгандек гап-ку, — деди Шайтонвачча нафси чукиллаб, — ҳақиқат бор экан-у, бундоқ.

— Қирқ кун салом дедингизми? — атайлаб сўради жиз-бизни хуш кўрадиган хотин.

— Шундоқ, жонидан.

— Вой бў-ў-ў... қирқ кун-а, қирқ кун яраш оши ерканмиз-да, а, ҳов қизлар! — деди у тантана билан.

— Бош устига, етса молим, етмаса жоним...

— Худо бераман деса ўзига осон экан-да.

— Оҳ, қандоқ яхши-я — деди Шайтонвачча гап-сўзлардан яйраб, — бу одам болалари Раҳмоний зиёфат билан шайтоний зиёфатнинг унчалик фарқига боришмайди. Собиқ ошпазнинг шайтони онамдан ҳам зўр экан, йўлини топибди, қандини урсин. Жодугарнинг гапларидан, қуруқ қошиқ оғиз йиртар

— Voy-ey, yashashni ja qiyin qivordingiz-ku, xolajon.

— Men aytganlarni qilsangiz yashashingiz faqat osonlashadi, aylanay, jonim bolam...

— Bugunga yetadi xolajon, biz sochi uzun aqli qisqalarni ja olim qilib yubormang, boshingizga balo bo'lamiz, — dedi jiz-bizni xush ko'radigan xotin.

Shu payt ostonada ikki qo'li ko'ksida eski oshpaz paydo bo'lib qoldi. Voy uni ko'rib Shaytonvachchaning yayrab ketganlari. Ko'ziga olovdek, issiq bosildi-da.

— Assalomu alaykum, yaxshilar, — dedi oshpaz ikki bukilib, — egilgan boshni qilich kesmas, degan ekanlar mashoyihlar, — deya u xandon otib kuldi. — Keyin mashoyixlar yana aytgan ekanki, bir kun tuz ichgan joyga qirq kun salom deb, shu siz yaxshilarni sog'inib, ko'rgani keldim. Shuncha yil ishladim, ishqilib yomon bo'lmadim. Nasibam uzilgan ekan, ketdim. Endi o'rtadagi opa-singilligimiz yo'qolmasin. Oldinda quda-andachilik degan gaplar bor. To'y-to'kinlarda tumtayishib yurmaylik. Yarash oshiga bir tog'ora dumbali manti qilib keluvdim. Nima deysizlar, singiljonlar, ketadimi?

— Ketisham gapmi, naq qizib turgan toshga suv sepgandek gap-ku, — dedi Shaytonvachcha nafsi chukillab, — haqiqat bor ekan-u, bundoq.

— Qirq kun salom dedingizmi? — ataylab so'radi jiz-bizni hush ko'radigan xotin.

— Shundoq, jonidan.

— Voy bo'-o'-o'... qirq kun-a, qirq kun yarash oshi erkanmiz-da, a, hov qizlar! — dedi u tantana bilan.

— Bosh ustiga, etsa molim, etmasa jonim...

— Xudo beraman desa o'ziga oson ekan-da.

— Oh, qandoq yaxshi-ya-dedi Shaytonvachcha gap-so'zlardan yayrab, — bu odam bolalari Rahmoniy ziyofat bilan shaytoniy ziyofatning unchalik farqiga borishmaydi. Sobiq oshpazning shaytoni onamdan ham zo'r ekan, yo'lini topibdi, qandini ursin. Jodugarning gaplaridan, quruq qoshiq og'iz yirtar deb, opalar esnab o'tirishuvdi, xo'pam temirni qizig'ida bosdi-da.

деб, опалар эснаб ўтиришувди, хўпам темирни қизи-  
гида босди-да.

Мантини Хожабекадан бошлаб ҳаммалари мақ-  
таб-мақтаб ейишди. Фақат ошпаз хола оғзига олма-  
ди. Шайтонвачча-ку Хожобека биттани туширганда  
у иккитани тушириб турди. Ошпаз хотин «таомла-  
римни соғиниб қопсиз» деб орада мулозамат ҳам  
қилиб қўйди.

— Ҳаётимиз жа шоҳона бўб кетяптими, қизлар, —  
деди опалардан бири оғзини чапиллатиб, — бир  
ёғда ширин-ширин гаплар, бир ёғда мана бундай  
ширин-ширин таомлар. Ишқилиб кўз тегмасин-да,  
кўз!

— Холамизнинг насиҳатларига гап йўғу, аммо-  
лекин манти зўр бўпти-да, қизлар, манти, — деди  
жиз-бизчи!..

## ПОРА

### (ёки Хожобека билан собиқ ошпазнинг тил бириктиришлари)

Собиқ ошпаз тоғарасини кўтариб, Хожабеканинг  
ёнига кирди. Бу пайтда Хожобека ошпазнинг ҳимма-  
тидан ўзича хурсанд бўлиб, кечаги дориломон кун-  
ларини эслаб ўтирган эди. Уни кўриши билан чи-  
ройи янаям очилиб кетди:

— Келинг, келинг, — дея беихтиёр ўрнидан  
туриб кетди.

— Қалай, бекам, бу ишим сизга маъқул бўлди-  
ми, ишқилиб?

— Секин айтасизми, — кулди бека, — заб қил-  
дингиз-да, анови хотин уларни икки кундан берига  
қоқ нон билан доғ сувга ўтқазиб қўйган эди. Одам  
билан одамнинг фарқи шунақада билинади-да. Сиз-  
га кеча ликопча отганларнинг меҳри бугун юз чан-  
дон ошиб кетди.

— Унда эртага шу пайтда қулинг ўргилсин... қази-  
ли норин бўлса... нима дедингиз?

Хожобека андак ўйланиб қолди. Бундан фойда-  
ланган Шайтонвачча қулоғига шивирлади:

Mantini Xojabekadan boshlab hammalari maqtab-maqtab yeyishdi. Faqat oshpaz xola og'ziga olmadi. Shaytonvachcha-ku Xojabeka bittani tushirganda u ikkitani tushirib turdi. Oshpaz xotin «taomlarimni sog'inib qopsiz» deb orada mulozamat ham qilib qo'ydi.

— Hayotimiz ja shohona bo'b ketyaptimi, qizlar, — dedi opalardan biri og'zini chapillatib, — bir yog'da shirin-shirin gaplar, bir yog'da mana bunday shirin-shirin taomlar. Ishqilib ko'z tegmasin-da, ko'z!

— Xolamizning nasihatlariga gap yo'g'u, ammo lekin manti zo'r bo'bti-da, qizlar, manti, — dedi jiz-bizchi!..

## PORA

### (yoki Xojabeka bilan sobiq oshpazning til biriktirishlari)

Sobiq oshpaz tog'arasini ko'tarib, Xojabekaning yoniga kirdi. Bu paytda Xojabeka oshpazning himmatidan o'zicha xursand bo'lib, kechagi dorilomon kunlarini eslab o'tirgan edi. Uni ko'rishi bilan chiroyi yanayam ochilib ketdi:

— Keling, keling, — deya beixtiyor o'rnidan turib ketdi.

— Qalay, bekam, bu ishim sizga ma'qul bo'ldimi, ishqilib?

— Sekin aytasizmi, — kuldi beka, — zab qildingiz-da, anovi xotin ularni ikki kundan beriga qoq non bilan dog' suvga o'tqazib qo'ygan edi. Odam bilan odamning farqi shunaqada bilinadi-da. Sizga kecha likopcha otganlarning mehri bugun yuz chandon oshib ketdi.

— Unda ertaga shu paytda quling o'rgilsin... qazili norin bo'lsa... nima dedingiz?

Xojabeka andak o'ylanib qoldi. Bundan foydalangan Shaytonvachcha qulog'iga shivirladi:

— Shoshmang bekam, shoshmang, kampir anovilarni yana ikki kun qantarib, tavbasiga tayantirsin,

— Шошманг бекам, шошманг, кампир анови-ларни яна икки кун қантариб, тавбасига таянтир-син, ана ундан кейин кўрасиз томошани. Монти-нинг эгасини аллада азиз, тўрвада магиз қилиб, иззат-икром билан ўзлари бошлаб келишади. Ҳа, мени айтди дейсиз...

— Йўқ, — деди Хожабека ошпазга қараб, — буларни ортиқча талтайтирманг, арзимаиди, ҳам ғўрани, ҳам шўрани уришмасин... аммо жойингизга бугун бўлмаса эртага, албатта, қайтиб келасиз...

— Оғзингизга шакар бекам, оғзингизга шакар-а, менга ўзи шу сўзингиз керагиди, — деб шошганича кўкраги остига қўл юборди-да, очиқ турган ғала-донга «тўп» эттириб бир нимани ташлади, — об кўйинг, хамир учидан патир...

Хожабека маъноли жилмайди. Вужудига куч-қув-ват югуриб, дили яйради. Ғаладонни меҳр билан янаям ўзига тортди...

— А-на-а-а, — деб юборди Шайтонвачча бир яйрагандан минг яйраб, — биззи гапга кириб тур-сангиз кам бўмайсиз, бекам, каминани-ку қўяве-ринг!..

## ШАЙТОНВАЧЧА ХУРСАНД

(ёки ошпаз хола баъзи сирларни яна очиб қўйгани)

Навбатдаги тушки нонхўрликка опалар шоша-пиша жам бўлишди. Бир кун олдин шундай гап тар-қалган эди. Нимаймиш, ошпаз хола пол очармиш. Опалардан бирининг эри нуқул тутволиб, дўппос-лагани-дўппослаган экан. Икки гапни бирида болам меникимас дер экан. Бўлмаса боласи худди қуйиб қўйгандек отасига ўхшармиш. Жанжал боланинг қўли эгрилигидан чиқар экан. Бола отасининг чўнтагига тушаркан. Онасининг ҳамёнини ҳам тез-тез «шамол-латиб» тураркан. Унинг дастидан меҳмон-излом ҳам четда қолмас экан. Отасининг гапича, авлодида ки-совур зоти йўқ экан. Онаям ҳайронмиш. У ҳам асл-зода оилалардан экан. Шундай бўлгач, кисовур бола қандоқ туғулиб, қолади? Бола ҳали кўчага чиқишга улгурмаган бўлса? Қизиқ-да!

ana undan keyin ko'rasiz tomoshani. Montining egasini allada aziz, to'rvada magiz qilib, izzat-ikrom bilan o'zlari boshlab kelishadi. Ha, meni aytdi deysiz...

— Yo'q, — dedi Xojabeka oshpazga qarab, — bularni ortiqcha taltaytirmang, arzimaydi, ham g'o'rani, ham sho'rani urishmasin... ammo joyingizga bugun bo'lmasa ertaga, albatta, qaytib kelasiz...

— Og'zingizga shakar bekam, og'zingizga shakar-a, menga o'zi shu so'zingiz keragidi, — deb shoshganicha ko'kragi ostiga qo'l yubordi-da, ochiq turgan g'aladonga «to'p» ettirib bir nimani tashladi, — ob qo'ying, xamir uchidan patir...

Xojabeka ma'noli jilmaydi. Vujudiga kuch-quvvat yugurib, dili yayradi. G'aladonni mehr bilan yanayam o'ziga tortdi...

— A-na-a-a, — deb yubordi Shaytonvachcha bir yayragandan ming yayrab, — bizzi gapka kirib tursangiz kam bo'maysiz, bekam, kaminani-ku qo'yavering!..

## SHAYTONVACHCHA XURSAND

**(yoki oshpaz xola ba'zi sirlarni yana ochib qo'ygani)**

Navbatdagi tushki nonxo'rlikka opalar shosha-pisha jam bo'lishdi. Bir kun oldin shunday gap tarqalgan edi. Nimaymish, oshpaz xola pol ocharmish. Opalardan birining eri nuqul tutvolib, do'pposlagani-do'pposlagan ekan. Ikki gapni birida bolam menikimas der ekan. Bo'lmasa bolasi xuddi quyib qo'ygandek otasiga o'xsharmish. Janjal bolaning qo'li egriligidan chiqar ekan. Bola otasining cho'ntagiga tusharkan. Onasining hamyonini ham tez-tez «shamollatib» turarkan. Uning dastidan mehmon-izlom ham chetda qolmas ekan. Otasining gapicha, avlodida kisovur zoti yo'q ekan. Onayam hayronmish. U ham aslzoda oilalardan ekan. Shunday bo'lgach, kisovur bola qandoq tug'ulib, qoladi? Bola hali ko'chaga chiqishga ulgurmagan bo'lsa? Qiziq-da!

Буни эшитган ошпаз хола, боланинг отаси кимлигини мен айтиб бера оламан деганмиш. Шунга опалар жам бўлишиб, оғизлари нондаю, кулоқлари холада эди.

Хола бўлсалар пиёладаги доғ сувни ҳузур қилиб симирдилар-да, узоқдан бир ривоят бошлаб қолди:

— Шу десанглар бир шаҳарда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бир воқеа бўпти, айланиб кетайлар. Эндигина йўлга кирган, ўт-олов бир болакай кўчадан ўтиб бораётган йўловчига қараб «туф» дебди. У бўлса бунга жавобан «ҳе, ҳароми» дебди. Боланинг отаси шу яқин ўртада юрган экан. Ҳалиги одамнинг гирибонидан маҳкам ушлаб, қози калонни олдига судраб борибди. «Боламнинг ҳаромилигини бўйнига қўйиб берсин» депти, даҳшатга тушиб. Ахир бу ҳақорат ота учун ҳазилакамми? Ҳалол боласини биров ҳароми деб турса-я. Унда хотини бузуқ бўб чиқади-да, айланайлар?

— Вой-й-й...шунга шунчами?

— Шуни айтинг-а, — чувиллашди бошқалар.

— Бахтга қарши ҳалиги йўловчи бу шаҳарлик эмас экан, қизларим. Фирт мусофир экан. «Бу ифлос сўз қандай қилиб тилимга келиб қолди, ўзим ҳам ҳайронман» деб елка қисиб турганмиш. Шу сўзи учун униям жуда оғир жазолар кутаётган экан. Энг енгил жазо тили кесилиши керак экан... Қозининг роса боши қотибди. Қози кўпни кўрган, илмли одам экан.

— Тавба, — дебди қозикалон даъвогар билан жабрланувчига маслаҳат солгандек қараб, — бирингиз шу ерлик, бирингиз бошқа ерлик бўлсангиз, бир-бирингизни танимасангиз, буни устига анови куракда турмайдиган гап? Келинлар шайтонга ҳай бериб, бу воқеадан бир ҳикмат қидириб кўрайлик. Беамр оёққа тикан кирмаганидек, тил ҳам беамр калимага келмайди. Хў-ў-ў-ш... ўғилчани ёши неччада? Ота ёшини айтибди. Қозикалон хаёлга толибди. Кейин бирдан ўйлари ёришиб, дебди:

— Хотинингизнинг вужудида фалон йили, фалон ойда гумона бўлган... Яхшилаб эслаб кўрайлик, ўша йили қор қалин тушган эдимми?



Buni eshitgan oshpaz xola, bolaning otasi kimligini men aytib bera olaman deganmish. Shunga opalar jam bo'lishib, og'izlari nondayu, quloqlari xolada edi.

Xola bo'lsalar piyoladigi dog' suvni huzur qilib simirdilar-da, uzoqdan bir rivoyat boshlab qoldi:

— Shu desanglar bir shaharda ko'z ko'rib, quloq zshitmagan bir voqea bo'пти, aylanib ketaylar. Endigina yo'lga kirgan, o't-olov bir bolakay ko'chadan o'tib borayotgan yo'lovchiga qarab «tuf» debdi. U bo'lsa bunga javoban «he, haromi» debdi. Bolaning otasi shu yaqin o'rtada yurgan ekan. Haligi odamning giribonidan mahkam ushlab, qozi kalonni oldiga sudrab boribdi. «Bolamning haromiligini bo'yniga qo'yib bersin» deпти, dahshatga tushib. Axir bu haqorat ota uchun hazilakammi? Halol bolasini birov haromi deb tursa-ya. Unda xotini buzuq bo'b chiqadi-da, aylanaylar?

— Voy-y-ŷ...shunga shunchami?

— Shuni ayting-a, — chuvillashdi boshqalar.

— Baxtga qarshi haligi yo'lovchi bu shaharlik emas ekan, qizlarim. G'irt musofir ekan. «Bu iflos so'z qanday qilib tilimga kelib qoldi, o'zim ham hayronman» deb yelka qisib turganmish. Shu so'zi uchun uniyam juda og'ir jazolar kutayotgan ekan. Eng yengil jazo tili kesilishi kerak ekan... Qozining rosa boshi qotibdi. Qozi ko'pni ko'rgan, ilmi odam ekan.

— Tavba, — debdi qozikalon da'vogar bilan jabrlanuvchiga maslahat solgandek qarab, — biringiz shu yerlik, biringiz boshqa yerlik bo'lsangiz, bir-biringizni tanimasangiz, buni ustiga anovi kurakda turmaydigan gap? Kelinglar shaytonga hay berib, bu voqeadan bir hikmat qidirib ko'raylik. Beamr oyoqqa tikan kirmaganidek, til ham beamr kalimaga kelmaydi. Xo'-o'-o'-sh... o'g'ilchani yoshi nechchada? Ota yoshini aytibdi. Qozikalon xayolga tolibdi. Keyin birdan o'ylari yorishib, debdi:

— Xotiningizning vujudida falon yili, falon oyda gumona bo'lgan... Yaxshilab eslab ko'raylik, o'sha yili qor qalin tushgan edimi?

— Шундай, тақсир, — тасдиқлабди ота биз янги келин-куёв бўлган эдик ўшанда, эсладим.

— Совуқ ҳам жуда қаттиқ бўлган эди-а?

— Бўғотда мусичалар музлаб қолгани эсимда.

— Одамлар пиширгулик топса, куйдиргилик тополмай, ўтиннинг, кўмирнинг баҳоси тилла баҳосига чиқиб кетувди, шундай эмасми?

— Ҳа, тақсир, ҳа... — дебти-ю, бирдан отанинг авзойи ўзгариб, мусофирнинг оёғига йиқилибди.

— Вой, нима бўлган экан, хола? — чайнаётган луқмалари бўғзида қолиб, чувиллашди хотинлар.

— Жуда ёмон иш бўлган экан-да, айланайлар...  
Бир куни ёш келин билан куёв қўй ёғи, қўй гўштига ош қилиб егилари келиб қопти. Куёвтўра ўтин излаб бозоргача борибди. Келинпошша совуқдан дирдир қалтираб, тиқ этса эшикка қараб ўтирган экан. Эрининг бўш қўл билан кириб келганини кўриб, йиғлаб юборибди. Эр ҳовлига чиқиб, бирон бир устунни кўчирсаммикан деб у ёқ-бу ёққа аланглабди. Шунда кўзи қўшнисининг бўғотидан ҳовлисига чиқиб турган бир қулоч тўсинга тушибди. Куёвтўрани шайтон йўлдан урибди.

Шайтонвачча бу ҳикоятни жа берилиб тинглаб ўтирган эди, ўзига тош отилгач чидай олмай қолди:

— Гапга қаранглар, бунақа пайтда дарровда биз йўлдан урамиз, нафсичи, нафси? Одам болалари нафси йўлида ўлимга тик боришадию бунча қулоққа лағмон осмаса бу ошпаз?!

— Кейин нима бўпти, холажон?

— Ўғринча ҳалиги ўтинни аралаб олибди, хотини ош дамлабди, ёш келин-куёв маза қилиб ейишибди. Албатта, бу тўқликнинг шўхлиги ҳам бўпти. Бола ўша ўғирлик ўтинга пишган ошдан бўб қолган экан.

— Вой-й-й, шўрим...

— Қаранг-а...

— «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилмангиз!» — дейди яратган Эгам. Йигит тушмагур нима қилиб қўйди. Ўғирлик ўтин билан пок-покиза таомни ҳаром қилиб

— Shunday, taqsir, — tasdiqlabdi ota biz yangi kelin-kuyov bo'lgan edik o'shanda, esladim.

— Sovuq ham juda qattiq bo'lgan edi-a?

— Bo'g'otda musichalar muzlab qolgani esimda.

— Odamlar pishirgulik topsa, kuydirgilik topolmay, o'tinning, ko'mirning bahosi tilla bahosiga chiqib ketuvdi, shunday emasmi?

— Ha, taqsir, ha... — debti-yu, birdan otaning avzoyi o'zgarib, musofirning oyog'iga yiqilibdi.

— Voy, nima bo'lgan ekan, xola? — chaynayotgan luqmalari bo'g'zida qolib, chuvillashdi xotinlar.

— Juda yomon ish bo'lgan ekan-da, aylanaylar... Bir kuni yosh kelin bilan kuyov qo'y yog'i, qo'y go'shtiga osh qilib yegilari kelib qopti. Kuyovto'ra o'tin izlab bozorgacha boribdi. Kelinposhsha sovuqdan dir-dir qaltirab, tiq etsa eshikka qarab o'tirgan ekan. Erining bo'sh qo'l bilan kirib kelganini ko'rib, yig'lab yuboribdi. Er hovliga chiqib, biron bir ustunni ko'chirsammikan deb u yoq-bu yoqqa alanglabdi. Shunda ko'zi qo'shnisining bo'g'otidan hovlisiga chiqib turgan bir quloch to'singa tushibdi. Kuyovto'rani shayton yo'ldan uribdi.

Shaytonvachcha bu hikoyatni ja berilib tinglab o'tirgan edi, o'ziga tosh otilgach chiday olmay qoldi:

— Gapga qaranglar, bunaqa paytda darrovda biz yo'ldan uramiz, nafsichi, nafs? Odam bolalari nafs yo'lida o'linga tik borishadiyu buncha quloqqa lag'mon osmasa bu oshpaz?!

— Keyin nima bo'пти, xolajon?

— O'g'rincha haligi o'tinni aralab olibdi, xotini osh damlabdi, yosh kelin-kuyov maza qilib yeyishibdi. Albatta, bu to'qlikning sho'hligi ham bo'пти. Bola o'sha o'g'irlik o'tinga pishgan oshdan bo'b qolgan ekan.

— Voy-y-y, sho'rim...

— Qarang-a...

— «Ey iymon keltirganlar! Alloh sizga halol qilgan narsalarni harom qilmangiz!» — deydi yaratgan Egam. Yigit tushmagur nima qilib qo'ydi. O'g'irlik o'tin bilan pok-pokiza taomni harom qilib qo'ydi. Uning kasri

қўйди. Унинг касри зурриёдига урди. Оллоҳ мусофирнинг дилига солиб, охири бу ишни фош қилди. Мусофир деганимиз Оллоҳга етишиб қолган бир авлиё эди?

— Ҳ-а-а... — деди Шайтонваччанинг кўзлари гилай тортиб, — бу ошпазман деганлари мен билмайдиган бир сирни очиб қўйди-ку. Одам болаларини бири-бирига тупиртиришнинг йўли бу ёқда экан-ку, ҳа-а-а... билиб олдим зўр экан. Гапировирсинлар, онангиз гапга туққан экан ўзи сиззи...

Шу пайт холанинг гапи оғзида қолди, боламининг қўли эгри деган боғча опа ўзини холанинг оёқлари тагига таппа ташлади-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Хола чўчиб тушди. Бошқалар анграйганича қолди. Шайтонвачча баттар хушёр тортди.

— Холажон, мени кечиринг, аслида айб мендан ўтган экан...

— Йў-ў-қ, айланай йўқ... кечиримни менданмас, яратган Эгамдан сўранг, айбингизни бўйнингизга олиб, астойдил тавба қилсангиз, кечиради, ўзига осон...

— Вой-й-й... нима қилиб қўйувдийз? — қистовга олишди хотинлар.

— Бошқоронғи бўлганимда хийла вақт қозондаги жаздан ўғринча еб юргандим... Ҳойнаҳой шуни касри бу.

Хола турганларга «сизлар ҳам шу фикрдамисизлар» дегандек бир-бир қараб олдилар-да:

— Мен ундай демаган бўлардим, айбдор бошқа киши, — дедилар.

Ҳамма «ярқ» этиб холага қаради. Ажабо, бошқа киши ким бўлиши мумкин?

— Сизни ҳол-жонингизга қўймай, жаз ўғирлатиб едирган ҳам ўша қорнингиздаги болангиз бўлади.

— Вой, ҳали туғулмаган, жиш бола-я, қўйинг-е, — кўрқувдан кўзлари ўйнаб кетди ҳалиги хотиннинг.

— Билиб қўйинглар, оналарни вужуди бамисоли шудгорланган ер. Ота бамисоли деҳқон. У ҳалол-пок уруғ экса, хўп-хўп-а... Менимча, эрингиз билибми, билмасданми, ўғриними, кисовурними, қароқчини-

zurriyodiga urdi. Oллоh musofirning diliga solib, oxiri bu ishni fosh qildi. Musofir deganimiz Oллоhga etishib qolgan bir avliyo edi?

— H-a-a... — dedi Shaytonvachchaning ko'zlari g'ilay tortib, — bu oshpazman deganlari men bilmaydigan bir sirni ochib qo'ydi-ku. Odam bolalarini bir-biriga tupirtirishning yo'li bu yoqda ekan-ku, ha-a-a... bilib oldim zo'r ekan. Gapirovirsinlar, onangiz gapga tuqqan ekan o'zi sizzi...

Shu payt xolaning gapi og'zida qoldi, bolamning qo'li egri degan boqcha opa o'zini xolaning oyoqlari tagiga tappa tashladi-yu, ho'ngrab yig'lab yubordi. Xola cho'chib tushdi. Boshqalar angrayganicha qoldi. Shaytonvachcha battar hushyor tortdi.

— Xolajon, meni kechiring, aslida ayb mendan o'tgan ekan...

— Yo'-o'-q, aylanay yo'q... kechirimni mendanmas, yaratgan Egamdan so'rang, aybingizni bo'yingizga olib, astoydil tavba qilsangiz, kechiradi, o'ziga oson...

— Voy-y-y... nima qilib qo'yuvdiyz? — qistovga olishdi xotinlar.

— Boshqorong'i bo'lganimda hiyla vaqt qozondagi jazdan o'g'rincha yeb yurgandim... Hoynahoy shuni kasri bu.

Xola turganlarga «sizlar ham shu fikrdamisizlar» degandek bir-bir qarab oldilar-da:

— Men unday demagan bo'lardim, aybdor boshqa kishi, — dedilar.

Hamma «yarq» etib xolaga qaradi. Ajabo, boshqa kishi kim bo'lishi mumkin?

— Sizni hol-joningizga qo'ymay, jaz o'g'irlatib yedirgan ham o'sha qorningizdagi bolangiz bo'ladi.

— Voy, hali tug'ulmagan, jish bola-ya, qo'yinge, — qo'rquvdan ko'zlari o'ynab ketdi haligi xotinning.

— Bilib qo'yinglar, onalarni vujudi bamisoli shudgorlangan yer. Ota bamisoli dehqon. U halol-pok urug' eksa, xo'p-xo'p-a... Menimcha, eringiz bilibmi, bilmasdanmi, o'g'rinimi, kisovurnimi, qaroqchinimi ishqilib bittasining ziyofatini eb qo'ygan. Bola o'shaning

ми ишқилиб биттасининг зиёфатини еб қўйган. Бола ўшанинг меваси. У бошингиз қоронғи бўлган кунларданоқ ўз ҳунарини бошлаган...

— Ана халос, — деб юборишди хотинлар ҳайратга тушиб.

— Пишди гилос, — деди чапак чалиб Шайтонвачча, — ана шунақа зиёфатларга асти манаман деган тақводорларни олиб бориш керак экан. Кисовурдан кисовур туғилади деб юрсақ, кисовурнинг зиёфатидан ҳам кисовур туғулар экан-а, ё кудра-тингдан!

## МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...

### (ёки ошпаз хола билан хайрлашув)

Тушлик дастурхони хали ёзилмаган, ошпаз хола чойнакка доғсув қуйиб улгурмаган эди. Остонада жарангдор, таниш овоз янграб қолди:

— Ассалому алайкум, яхшилар, мабодо менга кўзилар учиб турмовдими?

— Вуй-й-й-й...

— И-и-и...

Хона чапаквозлигу қийқириққа тўлиб кетди. Бу тоғора кўтарган собиқ ошпаз эди. Хожабеканинг ҳуфия кўнғироғидан кейин темирни яна қизигида босгани келган эди.

— Овсинжонларимнинг кўнгиллари нималарни тусаётган экан, — дея буралиб эркаланди.

— Э, — деди жиз-бизни хуш кўрадиган хотин, — асти сўраманг, сўраб дилимизни доғламанг, мулла минган эшакдек, қотган нону доғ сувгаям рози бўб қолганмиз, шунақа...

— Унда норин билан йиғлаб кўришаркансизларда...

— Қазиси биланми?

— Бўлмаса-чи!

— Вуй-й-й... бунча яхши, бунча ёқимлисиз?..

Хотинлар эринмасдан собиқ ошпазнинг у юзию, бу юзидан чўлпиллатиб ўпиб чиқишди. Хожабека бу

mevasi. U boshingiz qorong'i bo'lgan kunlardan o'z hunarini boshlagan...

— Ana xalos, — deb yuborishdi xotinlar hayratga tushib.

— Pishdi gilos, — dedi chapak chalib Shaytonvachcha, — ana shunaqa ziyofatlarga asti mana men degan taqvodorlarni olib borish kerak ekan. Kisovurdan kisovur tug'iladi deb yursak, kisovurning ziyofatidan ham kisovur tug'ular ekan-a, yo qudra-tingdan!

## MENING NAFSIM BALODIR...

### (yoki oshpaz xola bilan xayrlashuv)

Tushlik dasturxoni hali yozilmagan, oshpaz xola choynakka dog'suv quyib ulgurmagan edi. Ostonada jarangdor, tanish ovoz yangrab qoldi:

— Assalomu alaykum, yaxshilar, mabodo menga ko'zilar uchib turmovdimi?

— Vuy-y-y...

— I-i-i...

Xona chapakvozlighu qiyqiriqqa to'lib ketdi. Bu tog'ora ko'targan sobiq oshpaz edi. Xojabekaning hufiya qo'ng'irog'idan keyin temirni yana qizig'ida bosgani kelgan edi.

— Ovsinjonlarimning ko'ngillari nimalarni tusa-yotgan ekan, — deya buralib erkalandi.

— E, — dedi jiz-bizni xush ko'radigan xotin, — asti so'ramang, so'rab dilimizni dog'lamang, mulla mingan eshakdek, qotgan nonu dog' suvgayam rozi bo'b qolganmiz, shunaqa...

— Unda norin bilan yig'lab ko'risharkansizlar-da...

— Qazisi bilanmi?

— Bo'lmasa-chi!

— Vuy-y-y... buncha yaxshi, buncha yoqimlisiz?..

Xotinlar erinmasdan sobiq oshpazning u yuziyu, bu yuzidan cho'lpillatib o'pib chiqishdi. Xojabeka bu opoq-chapoqlikni maza qilib tomosha qilardi. Shaytonvachcha bo'lsa:

опоқ-чапоқликни маза қилиб томоша қиларди. Шайтонвачча бўлса:

— Тавбасига таянтириш мана бунақа бўлади, ҳе галаён кўтармай ҳар нарса бўлларинг, нафис куллари, — деб норинли тофоранинг атрофида гирди-капалак бўларди. Билдики, таом бибисмилло тайёрланган. Худдики, унга буюртирилгандек.

От гўштига бўлган қазили норин хотинларнинг тил-жағини очиб қўйди. Униси у деди, буниси бу, ишқилиб янги ошпазнинг оғзини очиришмади. Хожабека олдиндан пишיתיб қўйганми, жиз-бизни хуш кўрадиган хотин даб-дурустан:

— Қарши бўлмасанглар менда бир таклиф бор, — деб қолди.

— Эшитайлик-чи, — деди Хожабека қошларини учириб.

— Шу... янги холамизга жавоб берсак... аммо-лекин бизга кўп нарса ўргатдилар, а, қизлар?

— Ҳа, насиҳатларига машундоқ бўлдик, — деб улардан биттаси томоғига апра тортиб кўрсатди.

— Шу эшитганларимизам ўла-ўлгунча етади.

— Рост, бошқаси энди калламизга сиғмайди.

— Вой меники тарс ёрилай деяпти...

— Унда овозга қўяман, — деди Хожабека жиловни қўлга олиб, — кимки эски ошпазимиз жойига тиклансин деса, қўлини кўтарсин. Ҳа, ошкоралик қонун-қоидалар шуни талаб қилади.

Ҳамма бараварига қўл кўтарди. Бироқ Хожабека қўлини кўтармади. Бундан шошиб қолган собиқ ошпаз Хожабекани умидвор қилиб, дўппайиб турган сийнасининг тагига қўл юборди. Пора бераман деб, сал бўлмаса кўпчилик олдида қовун туширай деди.

— Мени қўл кўтармаганимга ҳайрон бўляпсизларми? — дея жилмайганича сўраб қолди Хожабека. — Нимага деганда, мен ўшандаям бу кишининг кетишига қарши эдим. Бу кишим мен учун ҳалиям ишдан бўшамаган...

Беканинг бу гаплари қарсақлар билан кутиб олинди. Собиқ ошпаз дўмбиллаганича келиб бекасининг юзидан намоишкорона уч марта чўлпиллатиб ўпди. Ва секин гап учирма қилди:



— Tavbasiga tayantirish mana bunaqa bo'ladi, he g'alayon ko'tarmay har narsa bo'llaring, nafis qullari, — deb norinli tog'oraning atrofida girdi-kapalak bo'lardi. Bildiki, taom bebismillo tayyorlangan. Xuddiki, unga buyurtirilgandek.

Ot go'shtiga bo'lgan qazili norin xotinlarning til-jag'ini ochib qo'ydi. Unisi u dedi, bunisi bu, ishqilib yangi oshpazning og'zini ochirishmadi. Xojabeka oldindan pishitib qo'yanmi, jiz-bizni xush ko'radigan xotin dab-durustdan:

— Qarshi bo'lmasanglar menda bir taklif bor, — deb qoldi.

— Eshitaylik-chi, — dedi Xojabeka qoshlarini uchirib.

— Shu... yangi xolamizga javob bersak... ammo-lekin bizga ko'p narsa o'rgatdilar, a, qizlar?

— Ha, nasihatlariga mashundoq bo'ldik, — deb ulardan bittasi tomog'iga arra tortib ko'rsatdi.

— Shu eshitganlarimizam o'la-o'lguncha yetadi.

— Rost, boshqasi endi kalamizga sig'maydi.

— Voy meniki tars yorilay deyapti...

— Unda ovozza qo'yaman, — dedi Xojabeka jilovni qo'lga olib, — kimki eski oshpazimiz joyiga tiklansin desa, qo'lini ko'tarsin. Ha, oshkoralik qonun-qoidalar shuni talab qiladi.

Hamma baravariga qo'l ko'tardi. Biroq Xojabeka qo'lini ko'tarmadi. Bundan shoshib qolgan sobiq oshpaz Xojabekani umidvor qilib, do'ppayib turgan siynasining tagiga qo'l yubordi. Pora beraman deb, sal bo'lmasa ko'pchilik oldida qovun tushiray dedi.

— Meni qo'l ko'tarmaganimga hayron bo'lyapsizlarmi? — deya jilmayganicha so'rab qoldi Xojabeka. — Nimaga deganda, men o'shandayam bu kishining ketishiga qarshi edim. Bu kishim men uchun haliyam ishdan bo'shamagan...

Bekaning bu gaplari qarsaklar bilan kutib olindi. Sobiq oshpaz do'mbillaganicha kelib bekasining yuzidan namoyishkorona uch marta cho'lpillatib o'pdi. Va sekin gap uchirma qildi:

— Ҳимматингиздан кўкракларим сутга тўлиб кетди...

— Соғаверинг ғаладон очиқ дея, — шарақлаб кулди Хожабека.

Шундай қилиб Шайтонваччанинг кўчасида яна байрам бўб қолди. У бу ғалабаларни суюнчилаш учун онасининг ёнига шошилди.

## БУ СЕНМИ?

### (ёки Шайтонвачча яна онасини танитай қолиши)

Шайтонвачча уйга келиб ҳайрону лол бўлиб қолди. Онаси ҳеч қайси бурчақда йўқ. Онам қайси гўрга кетдийкин деб ағрайиб турган эди, ҳовли тарафдан қотмадан келган, узун бўйли, узун кўйлак кийган, қаерларидир Хожабекага ўхшаб кетадиган битгаси кириб келди. Лекин кўзлари бежо, шайтонларникига ўхшайди. Онам деса онасининг кўзлари кўр эди. Бунга биб-бинойи кўзи бор. Ким бўлди экан? Ё Хожабеканинг онаси тирилиб келиб қолдимикан? Ё арвоҳмикан? Шайтонвачча бошдан-оёқ тикилиб, узун кўйлак тагидан чиқиб турган заранг туёқдан таниб қолди:

— Вой она, бу сенми?

— Бўмасам-чи!

— Кўзларинг қутлуғ бўсин, бирам ярашибдики...

— Ўзиммики бўлгандан кейин ярашади-да, галварс.

— Ишларинг юришиб кетганга ўхшайдими?

— Кўриб турганингдек, — деб биққидек қадди-бастини кўз-кўз қилиб, чиройли тўлғанди она шайтон, — ўзингда нима гаплар?

— Зўр, — деб Шайтонвачча ҳам онасига ўхшаб қилпилламоқчи бўлди-ю, ўхшата олмади, — янги ошпазнинг куни битти, эскиси қайтиб келди...

— Чаккимасан, келақол мукофотига бошингдан бир сув ўгириб ичай...

— Э-э-э... бошимни тинч қўй, она, билсанг мен

- Himmatingizdan ko'kraklarim sutga to'lib ketdi...
- Sog'avering g'aladon ochiq deya, — sharaqlab kuldi Xojabeka.

Shunday qilib Shaytonvachchaning ko'chasida yana bayram bo'b qoldi. U bu g'alabalarni suyunchilash uchun onasining yoniga shoshildi.

## BU SENMI?

### (yoki Shaytonvachcha yana onasini tanimay qolishi)

Shaytonvachcha uyga kelib hayronu lol bo'lib qoldi. Onasi hech qaysi burchakda yo'q. Onam qaysi go'rga ketdiykin deb ag'rayib turgan edi, hovli tarafdin qotmadan kelgan, uzun bo'yli, uzun ko'ylak kiygan, qayerlaridir Xojabekaga o'hshab ketadigan bittasi kirib keldi. Lekin ko'zlari bejo, shaytonlarnikiga o'xshaydi. Onam desa onasining ko'zlari ko'r zdi. Buni bib-binoyi ko'zi bor. Kim bo'ldi ekan? Yo Xojabekaning onasi tirilib kelib qoldimikan? Yo arvohmikan? Shaytonvachcha boshdan-oyoq tikilib, uzun ko'ylak tagidan chiqib turgan zarang tuyoqdan tanib qoldi:

- Voy ona, bu senmi?
- Bo'masam-chi!
- Ko'zlaring qutlug' bo'sin, biram yarashibdiki...
- O'zimmiki bo'lgandan keyin yarashadi-da, galvars.

— Ishlaring yurishib ketganga o'hshaydimi?

— Ko'rib turganingdek, — deb biqqidek qaddibastini ko'z-ko'z qilib, chiroyli to'lg'andi ona shayton, — o'zingda nima gaplar?

— Zo'r, — deb Shaytonvachcha ham onasiga o'xshab qilpillamoqchi bo'ldi-yu, o'xshata olmadi, — yangi oshpazning kuni bitti, eskisi qaytib keldi...

— Chakkimassan, kelaqol mukofotiga boshingdan bir suv o'girib ichay...

— E-e-e... boshimni tinch qo'y, ona, bilsang men sen bilan yuzko'rmas bo'lib, xayrlashgani keldim. Endi bog'chaning oshxonasidan chiqmayman, xo'ppa

сен билан юзкўрмас бўлиб, ҳайрлашгани келдим. Энди боғчанинг ошхонасидан чиқмайман, хўппа семиз бўлиб еб ётаман. Кўргинг келса, ўзинг борарсан...

— Одам болаларига ўхшаб дарровда нафақага чиқиб оламан дегин?

— Шунақа... нима, одам болалари нафақага чиққанда биз чиқмаймизми?

— Бу ёқдаги ишларни ким қилади, яшшамагур?

— Э, ишларинг бошингдан қолсин...

— Сен ҳали гўрсан...

— Бекор айтибсан, пишганман. Ҳатто одам болаларини қандай қилиб бир-бирининг юзига тупуртиришини ҳам билиб олдим.

— Барибир хомсан...

— Пишганман. Шундоқ пишганманки, ҳатто, қандай қилиб ўғри, киссавурларни болалатиб, кўпайтиришни ҳам биламан.

— Хомлигингни исбот қилайми?

— Қилақол.

— Исбот қилсам, думингни тутқазасанми?

— Йўқ.

— Орқангни силатасанми?

— Йўқ.

— Бошингни-чи?

— Йўқ.

— Унда вақти келиб, менга ўхшаб кўр бўлиб қолсанг, ҳолингга вой! Наҳотки кўзимни қандай қилиб қайтариб олганимни билгинг келмаётган бўлса, дабдала ўлгур. Ҳе, арзимаган ютуқлар олдида эсанкирамай ўл, одам болаларига ўхшаб.

Шайтонвачча ростдан ҳам бундоқ ўйлаб кўрса, онаси ҳақ. «Гўрсан, хомсан, дабдаласан» деганича бор. Ахир онаси кўзсиз не куйларга тушди, не-не азобларни тортди. Бир ҳовуч олапес суякка айланиб қолди-ку. Кўзини қайтиб олгандан кейин шунақанги кўҳлик бўб кетибдики. Сал бўлмаса онасини танимай ҳам қолди. Кўзини у молпараст қўшни шайтондан қайтариб олишнинг ўзи бўлмагандир. Билиб қўйсам, онам айтгандек бир ёмон кунимга яраб қолар...

semiz bo'lib eb yotaman. Ko'rging kelsa, o'zing borarsan...

— Odam bolalariga o'xshab darrovda nafaqaga chiqib olaman degin?

— Shunaqa... nima, odam bolalari nafaqaga chiqqanda biz chiqmaymizmi?

— Bu yoqdagi ishlarni kim qiladi, yashshamagur?

— E, ishlaring boshingdan qolsin...

— Sen hali g'o'rsan...

— Bekor aytibsan, pishganman. Hatto odam bolalarini qanday qilib bir-birining yuziga tupurtirishini ham bilib oldim.

— Baribir xomsan...

— Pishganman. Shundoq pishganmanki, hatto, qanday qilib o'g'ri, kissavurlarni bolalatib, ko'paytirishni ham bilaman.

— Homligingni isbot qilaymi?

— Qilaqol.

— Isbot qilsam, dumingni tutqazasanmi?

— Yo'q.

— Orqangni silatasanmi?

— Yo'q.

— Boshingni-chi?

— Yo'q.

— Unda vaqti kelib, menga o'xshab ko'r bo'lib qolsang, holingga voy! Nahotki ko'zimni qanday qilib qaytarib olganimni bilging kelmayotgan bo'lsa, dabdala o'lgur. He, arzimagan yutuqlar oldida esankiramay o'l, odam bolalariga o'xshab.

Shaytonvachcha rostdan ham bundoq o'ylab ko'rsa, onasi haq. «G'o'rsan, xomsan, dabdalasan» deganicha bor. Ahir onasi ko'zsiz ne kuylarga tushdi, ne-ne azoblarni tortdi. Bir hovuch olapes suyakka aylanib qoldi-ku. Ko'zini qaytib olgandan keyin shunaqangi ko'hlik bo'b ketibdiki. Sal bo'lmasa onasini tanimay ham qoldi. Ko'zini u molparast qo'shni shaytondan qaytarib olishning o'zi bo'lmagandir. Bilib qo'ysam, onam aytgandek bir yomon kunimga yarab qolar...

— Ona, — dedi Shaytonvachcha boshini egib, —

— Она, — деди Шайтонвачча бошини эгиб, — сен ҳақсан, мен ғўрман, мен хомман, мен дабдаламан, ишқилиб нима десанг ўшаман... Айт шундоқ чиройли кўзларингни қандоқ қилиб қайтариб олдинг?

— Айтиб берсам думингни тутқазасанми?

— Тутқазаман...

— Орқангни силатасанми?

— Силатаман...

— Бошингни-чи?

— Бошимниям.

— Эшит бўлмаса воқеа бундай бўлди. Хожа билан Хожабекани уриштириб қўйганимдан кейин улар жойини бошқа қилиб олишди. Униси у ёқда, буниси бу ёқда ётади дегин. Оҳ, эр-хотинни орасини бузиш қанчалар роҳатлигини билсанг эди? Эр-хотин бир кун уришса, уйдан қирқ кун барака кўтарилгандан кейин, у ёғини ўзинг билавур... Ўша кунлар менга нақ ойдин кечаларни эслатди. Кўзим бор пайтларда ойдин кечаларда сандироглаб юришни яхши кўрардим. Айниқса ишим юришиб, кўнглим чоғ бўлган пайтларда. Шу десанг ҳар кеча вақтим чоғ, кўнглим тоғ бўлиб, уйга сиғмай, ҳовли айланаман дегин. Буни қўшним, тўрткўзлик олифта кузатиб юрган экан, гап ташлаб қолди:

— Ҳа, ҳов кўзинг бўлмасаям жа-а-а, кечалари юлдуз санаб қолдинг, тинчликми? — деб устимдан кулди.

— Уйда менга ётишга жой қолмади, — дедим жўртага.

— Нимага энди? — ҳайрон бўлди у.

— Мени хонамга Хожабека кўчиб чиққан, шунга.

— Хожа-чи? — шошиб сўради у.

— Хожа ўзини хонасида ётибди. Мен уларни бир умрга юзкўрмас қилиб юбордим, — дедим чапак чалиб, — ана шунақа гаплар...

— Шундоқ Тоҳир-Зухрани-я, қўй-е, алдама. Жа лақиллатмоқчи бўласан-да! Тўрткўзли бойвучча бўла туриб, мени қўлимдан келмаяпти-ку бунақа ишлар, сен кўрга йўл бўлсин, — деди у яна устимдан кулиб.

sen haqsan, men g'o'rman, men xomman, men dabdalaman, ishqilib nima desang o'shaman... Ayt shundoq chiroyli ko'zlaringni qandoq qilib qaytarib olding?

— Aytib bersam dumingni tutqazasanmi?

— Tutqazaman...

— Orqangni silatasanmi?

— Silataman...

— Boshingni-chi?

— Boshimniyam.

— Eshit bo'lmasa voqea bunday bo'ldi. Xoja bilan Xojabekani urishtirib qo'yanimdan keyin ular joyini boshqa qilib olishdi. Unisi u yoqda, bunisi bu yoqda yotadi degin. Oh, er-xotinni orasini buzish qanchalar rohatligini bilsang edi? Er-xotin bir kun urishsa, uydan qirq kun baraka ko'tarilgandan keyin, u yog'ini o'zing bilavur... O'sha kunlar menga naq oydin kechalarni eslatdi. Ko'zim bor paytlarda oydin kechalarda sandirog'lab yurishni yahshi ko'rardim. Ayniqsa ishim yurishib, ko'nglim chog' bo'lgan paytlarda. Shu desang har kecha vaqtim chog', ko'nglim tog' bo'lib, uyga sig'may, hovli aylanaman degin. Buni qo'shnim, to'rtko'zlik olifta kuzatib yurgan ekan, gap tashlab qoldi:

— Ha, hov ko'zing bo'lmasayam ja-a-a, kechalari yulduz sanab qolding, tinchlikmi? — deb ustimdan kuldi.

— Uyda menga yotishga joy qolmadi, — dedim jo'rtaga.

— Nimaga endi? — hayron bo'ldi u.

— Meni xonamga Xojabeka ko'chib chiqqan, shunga.

— Xoja-chi? — shoshib so'radi u.

— Xoja o'zini xonasida yotibdi. Men ularni bir umrga yuzko'rmas qilib yubordim, — dedim chapak chalib, — ana shunaqa gaplar...

— Shundoq Tohir-Zuhrani-ya, qo'y-e, aldama. Ja laqillatmoqchi bo'lasan-da! To'rtko'zli boyvuchcha bo'la turib, meni qo'limdan kelmayapti-ku bunaqa ishlar, sen ko'rga yo'l bo'lsin, — dedi u yana ustimdan kulib.

— Бунақа ишларга кўзамас, калла керак, калла, сенинг калланг нимаю, ошқовоқ нима. Ошқовоқ каллага эссизгина тўртта кўз, ишонмасанг ана, кириб кўр.

— Алдасанг-чи?

— Мени гаровга тикадиган бошқа кўзим йўқ, — дедим.

— Вой нокас-ей, — деди у молпараст, — оғзингда ўттиз иккита тишинг бор-ку, алдасанг худди ўшани қоқиб оламан.

— Унда ўзингдан кўр, мен сеникени қоқиб оламан, ёнига кўзимниям кўшиб берасан, келишдикми? — дедим шундоқ фурсатни бой бермай.

— Келишдик, лекин бир кунмас, қаторасига беш кун чиқиб синайман, — деди у.

— Бекорларни айтибсан, икки кун, — дедим мен.

— Тўрт кун, — деди у.

Охири уч кунга келишдик. У ютқазди.

— Э-э-э... — деб юборди Шайтонвачча кўзлари йилтираб, — бўйнингдаги маржонми десам... кўшни шайтонни тишларимиди, энди у нима қилади, она?

— Нима қиларди охиратгача бирорта шайтонга нон чайнатиб еб юради. Бизда молпараст, дангасаларни ана шунақа қилиб жазолайдилар. Сен думбилтентак бўлсанг умрингда битта эр-хотинни орасини бузмай туриб, бировнинг кўзини ўйиб, тишини қоқиб олмай туриб нафақага чиқаман деб юрибсан. Ё сениям тишингни қоқиб олайми а, яшшамагур!

— Й-ў-ў... й-ў-ў... гапимни қайтиб олдим, нафақага чиқмийман.

— Анови тошни обкелиб бер бўлмаса...

— Тишни қоқволиш йўғ-а?..

— Йўқ...

Шайтонвачча тошни олиб келиб берган эди, онаси тошни олиб Шайтонваччанинг бошига шундай туширди-ки... Шайтонвачча ўзидан кетиб, шилқ этиб йиқилди. Кейин она шайтон унинг орқасини силаб-силаб, думини ечилмайдиган қилиб, тугиб қўйди. Шайтонвачча роса уч кун деганда ўзига келди.



— Bunaqa ishlarga ko‘zamas, kalla kerak, kalla, sening kallang nimayu, oshqovoq nima. Oshqovoq kallaga essizgina to‘rtta ko‘z, ishonmasang ana, kirib ko‘r.

— Aldasang-chi?

— Meni garovga tikadigan boshqa ko‘zim yo‘q, — dedim.

— Voy nokas-ey, — dedi u molparast, — og‘zingda o‘ttiz ikkita tishing bor-ku, aldasang huddi o‘shani qoqib olaman.

— Unda o‘zingdan ko‘r, men senikini qoqib olaman, yoniga ko‘zimniyam qo‘shib berasan, kelishdikmi? — dedim shundoq fursatni boy bermay.

— Kelishdik, lekin bir kunmas, qatorasiga besh kun chiqib sinayman, — dedi u.

— Bekorlarni aytibsan, ikki kun, — dedim men.

— To‘rt kun, — dedi u.

Oxiri uch kunga kelishdik. U yutqazdi.

— E-e-e... — deb yubordi Shaytonvachcha ko‘zlari yiltirab, — bo‘yningdagi marjonmi desam... qo‘shni shaytonni tishlarimidi, endi u nima qiladi, ona?

— Nima qilardi ohiratgacha birorta shaytonga non chaynatib eb yuradi. Bizda molparast, dangasalarni ana shunaqa qilib jazolaydilar. Sen dumbil-tentak bo‘lsang umringda bitta er-xotinni orasini buzmay turib, birovning ko‘zini o‘yib, tishini qoqib olmay turib nafaqaga chiqaman deb yuribsan. Yo seniyam tishingni qoqib olaymi a, yashshamagur!

— Yo‘o‘o‘... yo‘o‘o‘... gapimni qaytib oldim, nafaqaga chiqmiyman.

— Anovi toshni obkelib ber bo‘lmasa...

— Tishni qoqvolish yo‘g‘-a?..

— Yo‘q...

Shaytonvachcha toshni olib kelib bergan edi, onasi toshni olib Shaytonvachchanning boshiga shunday tushirdi-ki... Shaytonvachcha o‘zidan ketib, shilq etib yiqildi. Keyin ona shayton uning orqasini silab-silab, dumini echilmaydigan qilib, tugib qo‘ydi. Shaytonvachcha rosa uch kun deganda o‘ziga keldi.

— Бу нима қилганинг, она? — деб пўла бўлган бошини ушлаб, норози бўлди у.

— Кўп нолима, одам болаларига ўхшаб...ирими шунақа бўлади ўзи. Тош билан урганим бошинг тошдан бўлсин деганим.

— Думимни нимага тугдинг унда?

— Энди билиб қўй, ҳа, бу жойлардан бир умрга думинг тугулди, умидингни уз. Мен сени шайтонлар ўқийдиган мадрасага жўнатаман. Бўлмаса сен думбил-тентак ҳаммани қўйиб одам болалари ўқийдиган мактабга кетмоқчи бўлиб юрибсан. Мадрасамизда манамен деган устозларимиздан дарс оласан. Одам болалари мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайди, дейди. Биз бўлса мадраса кўрмагунча шайтон бўлмаймиз.

— Ўзинг обориб, суяги меники, эти сизларники қилиб келасанми?

— Йўқ, Хожага эргашиб борасан. Хожа тирикчилик тошдан қаттиқ экан деб, ўзини бозорга урди. Тирикчилиги ўша ёқдан ҳозир.

— Ол-а-а... бозорга чиқиб кетдими-а, шундоқ одам-а?

— Жим бўл, баттар бўлсин.

— Тушунмадим она, мен қаққа бораман ўзи, бозоргами, мадрасагами?

— Вой каллам қурсин, бу ёғини айтмабман-ку... Ҳа, ўнг қулоқ, сўл қулоғинг билан эшитиб ол, биз шайтонларнинг масчитимиз ҳам, мадрасамиз ҳам битта жойда. У ҳам бўлса бозор бўлади! Худойимнинг буюргани шундай бўлган, уқдингми каллаварам?

— Уқдим...

— Ке энди, хайрлашайлик.

— Ҳечамда... ҳе, хайрлашишинг қурсин сени... думимни тукканинг каммиди, бошимни пўла қилганинг-чи?

— Гап-сўзларинг балонинг ўқидек, ҳушёрсан, узоқдан туриб хайрлашамиз бўлмаса, алвидо...

— Bu nima qilganing, ona? — deb po‘la bo‘lgan boshini ushlab, norozi bo‘ldi u.

— Ko‘p nolima, odam bolalariga o‘xshab...irimi shunaqa bo‘ladi o‘zi. Tosh bilan urganim boshing toshdan bo‘lsin deganim.

— Dumimni nimaga tugding unda?

— Endi bilib qo‘y, ha, bu joylardan bir umrga duming tuguldi, umidingni uz. Men seni shaytonlar o‘qiydigan madrasaga jo‘nataman. Bo‘lmasa sen dumbil-tentak hammani qo‘yib odam bolalari o‘qiydigan maktabga ketmoqchi bo‘lib yuribsan. Madrasamizda manamen degan ustozlarimizdan dars olasan. Odam bolalari musofir bo‘lmaguncha musulmon bo‘lmaydi, deydi. Biz bo‘lsa madrasa ko‘rmaguncha shayton bo‘lmaymiz.

— O‘zing oborib, suyagi meniki, eti sizlarniki qilib kelasanmi?

— Yo‘q, Xojaga ergashib borasan. Xoja tirikchilik toshdan qattiq ekan deb, o‘zini bozorga urdi. Tirikchiligi o‘sha yoqdan hozir.

— O‘la-a... bozorga chiqib ketdimi-a, shundoq odam-a?

— Jim bo‘l, battar bo‘lsin.

— Tushunmadim ona, men qaqqa boraman o‘zi, bozorgami, madrasagami?

— Voy kalam qursin, bu yog‘ini aytmabman-ku... Ha, o‘ng quloq, so‘l qulog‘ing bilan eshitib ol, biz shaytonlarning maschitimiz ham, madrasamiz ham bitta joyda. U ham bo‘lsa bozor bo‘ladi! Xudoyimning buyurgani shunday bo‘lgan, uqdingmi kallavaram?

— Uqdim...

— Ke endi, xayrlashaylik.

— Hechamda... he, xayrlashishing qursin seni... dumimni tukkaning kammidi, boshimni po‘la qilganing-chi?

— Gap-so‘zlaring baloning o‘qidek, hushyorsan, uzoqdan turib xayrlashamiz bo‘lmasa, alvido...

## ДУМИ ТУГИКЛАР МАДРАСАСИ

(ёки Шайтонваччанинг шундоқ тўла-тўкис  
бозорда оч-наҳор қолгани)

Шайтонвачча Хожанинг қорасини узоқдан олиб, йўлга тушди. Унга бундан ортиқ яқинлаша олмас, Хожанинг фаришталари йўл бермасиди. Тепки тушиб қолишидан кўрқарди. Шайтонвачча Хожани бозор дарвозаси олдида йўқотди. Бу ер арининг инига ўхшарди. Биров кирган, биров чиққан, биров арава тортган, биров қоп кўтарган. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Боши ванг бўб қолган Шайтонвачча нима бўлса бўлди деб ўзини ичкари урди. Оламон ичидан у ёқ, бу ёққа аланглаб Хожани қидирди. Шу пайт кимдир қулоғидан маҳкам ушлади. Қараб, кўрқиб кетди. Давангирдек шайтон унга қараб турарди. Мадрасанинг каттаси шу бўлса керак деб, дарровда муллаваччалардек қуллуқ қилди. Бўлмаса давангир қулоғини нақ узиб оладиган. Давангир Шайтонваччанинг тугилган думини, пўла бўлган бошини, бўйи-бастини кўздан кечирди-да:

— Миллион биринчи, миллион биринчи!.. — деб чор атрофга жар солди. Бозор гумбазлари остида анчагача «миллион биринчи» деган хитоб акс-садо бериб турди-да, кейин бозор ғала-ғовурига сингиб кетди. Давангир Шайтонваччанинг думининг тагига бир шапати туширди-да, «боравер» деб қўйиб юборди.

— Қаёққа борай? — шошиб сўради Шайтонвачча.

Давангир эшитмагандек ўз иши билан ўзи овора бўлиб кетди. Шу пайт Шайтонваччанинг ёнида худди ўзидек биттаси байдо бўлди. Унияма думи тугик. У Шайтонваччага ҳавасланиб қараб турди-да:

— Сен бахтли талаба экансан, — деди.

— Нима, у ер, бу еримга шунақа деб ёзиб қўйибдими? — сўради Шайтонвачча.

— Исмингни айтяпман, исмингни! Миллион биринчи талаба!.. Қара қанақа жаранглайди. Шу, сенда бир гап борга ўхшайди... Меники-чи? Вой-ей, айт-

## DUMI TUGIKLAR MADRASASI

(yoki Shaytonvachchaning shundoq to'la-to'kis bozorda och-nahor qolgani)

Shaytonvachcha Xojaning qorasini uzoqdan olib, yo'lga tushdi. Unga bundan ortiq yaqinlasha olmas, Xojaning farishtalari yo'l bermasidi. Tepki tushib qolishidan qo'rqardi. Shaytonvachcha Xojani bozor darvozasi oldida yo'qotdi. Bu yer arining iniga o'xshardi. Birov kirgan, birov chiqqan, birov arava tortgan, birov qop ko'targan. Hech kim bilan hech kimning ishi yo'q. Boshi vang bo'b qolgan Shaytonvachcha nima bo'lsa bo'ldi deb o'zini ichkari urdi. Olamon ichidan u yoq, bu yoqqa alanglab Xojani qidirdi. Shu payt kimdir qulog'idan mahkam ushladi. Qarab, qo'rqib ketdi. Davangirdek shayton unga qarab turardi. Madrasaning kattasi shu bo'lsa kerak deb, darrovda mullavachchalardek qulluq qildi. Bo'lmasa davangir qulog'ini naq uzib oladigan. Davangir Shaytonvachchaning tugilgan dumini, po'la bo'lgan boshini, bo'yi-bastini ko'zdan kechirdi-da:

— Million birinchi, millinon birinchi!.. — deb chor atrofga jar soldi. Bozor gumbazlari ostida anchagacha «million birinchi» degan xitob aks-sado berib turdi-da, keyin bozor g'ala-g'ovuriga singib ketdi. Davangir Shaytonvachchaning dumining tagiga bir shapati tushirdi-da, «boraver» deb qo'yib yubordi.

— Qayoqqa boray? — shoshib so'radi Shaytonvachcha.

Davangir eshitmagandek o'z ishi bilan o'zi ovora bo'lib ketdi. Shu payt Shaytonvachchaning yonida xuddi o'zidek bittasi baydo bo'ldi. Uniyam tumi tugik. U Shaytonvachchaga havaslanib qarab turdi-da:

— Sen baxtli talaba ekansan, — dedi.

— Nima, u yer, bu yerimga shunaqa deb yozib qo'yibdimi? — so'radi Shaytonvachcha.

— Ismingni aytyapman, ismingni! Million birinchi talaba!.. Qara qanaqa jaranglaydi. Shu, senda bir gap borga o'xshaydi... Meniki-chi? Voy-ey, aytguncha

гунча нафасинг оғзингга тикилиб қолади... Тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўқсон тўққизинчи талаба. Мендан кейин келган талаба Миллионинчи, ўзиям миллионлари бордек, жа керилиб юради.

— Бу ерда исмлар рақам билан айтиладими?

— Шунақа.

— Менга қолса сени қийналиб юрмасдан биркам миллион деган бўлардим, қалай?

— Зўр, жудаям зўр! Айтдим-ку сенда бир гап бор деб, бунақа фикр бу ердагиларнинг калласига келармиди, нукул қоринни пайдан бўлишади.

— Менга қара Биркам миллион ўқиш қайда, ётиш қайда, барини тушунтир менга.

— Ўқишам шайда, ётишам шайда, бари шайда. Исминг мадрасанинг гумбазига битиб қўйилди. Керак бўб қолсанг «Миллион биринчи» деб гумбирлаб овоз беради, ерни тагида бўлсанг ҳам катталарнинг хузурига қандоқ учиб борганингни ўзингга билмай қоласан. Улар гумбазнинг пештоқида ҳар бир қадамимизни кузатиб ўтиришади. Ундан ташқари орамизда чақимчилариям кўп. Чақириб қолишса ўлдим деявер. Чақиришмаса билгинки, баҳойинг «беш»!

— Анави орқамга шапати урган давангир ким бўлади?

— Ў-ў-ў... уми, у қабул комиссиясини бошлиғи. Думи яхши тугилмаган, боши пўла бўлмаган хомларни пешонасига шундоқ чертадики, бир умр ажина шамолга айланиб, хас-хашагу, ахлатларни титиб юради. Бўладиганларни муборак қўллари билан думини тагига битта шапатилаб қўяди. Ҳаммамиз шапати еганларданмиз. Бу биз шайтон толиблар учун катта мартаба, билсанг.

— Бундан чиқди беттагиларнинг, ҳаммасини думи тугилган, дегин?

— Дегин деганинг нимаси, мадрасамизнинг номи шунақа-ку. «Думи тугиклар мадрасаси» билмасанг, билвол!

— Э, — деди Шайтонвачча норози бўлиб, — бу ердагилар ном топишга нўноқ экан...

— Янги келганимда мен ҳам шунақа ўйлардим. Кейин билсам...

nafasing og'zingga tiqilib qoladi... To'qqiz yuz to'qson to'qqiz ming to'qson to'qqizinchi talaba. Mendan keyin kelgan talaba Millioninchi, o'ziam millionlari bordek, ja kerilib yuradi.

— Bu yerda ismlar raqam bilan aytiladimi?

— Shunaqa.

— Menga qolsa seni qiynalib yurmasdan birkam million degan bo'lardim, qalay?

— Zo'r, judayam zo'r! Aytdim-ku senda bir gap bor deb, bunaqa fikr bu yerdagilarning kallasiga kelarmidi, nuqul qorinni payidan bo'lishadi.

— Menga qara Birkam million o'qish qayda, yotish qayda, barini tushuntir menga.

— O'qisham shayda, yotisham shayda, bari shayda. Isming madrasaning gumbaziga bitib qo'yildi. Kerak bo'b qolsang «Million birinchi» deb gumbirlab ovoz beradi, yerni tagida bo'lsang ham kattalarning huzuriga qandoq uchib borganingni o'zingam bilmay qolasan. Ular gumbazning peshtoqida har bir qadamimizni kuzatib o'tirishadi. Undan tashqari oramizda chaqimchilariyam ko'p. Chaqirib qolishsa o'ldim deyaver. Chaqirishmasa bilginki, bahoying «besh»!

— Anavi orqamga shapati urgan davangir kim bo'ladi?

— O'-o'-o'... umi, u qabul komissiyasini boshlig'i. Dumi yahshi tugilmagan, boshi po'la bo'lmagan xomlarni peshonasiga shundoq chertadiki, bir umr ajina shamolga aylanib, has-hashagu, axlatlarni titib yuradi. Bo'ladiganlarni muborak qo'llari bilan dumini tagiga bitta shapatilab qo'yadi. Hammamiz shapati yeganlardanmiz. Bu biz shayton toliblar uchun katta martaba, bilsang.

— Bundan chiqdi bettagilarning, hammasini dumi tugilgan, degin?

— Degin deganing nimasi, madrasamizning nomi shunaqa-ku. «Dumi tugiklar madrasasi» bilmasang, bilvol!

— E, — dedi Shaytonvachcha norozi bo'lib, — bu yerdagilar nom topishga no'noq ekan...

— Хўш?

— Бу ном ота мерос экан, Худо бизни Жаннатдан абадий думимизни тукканига ишора экан.

— Менга қара биркам миллион, шунақа қилиб лақиллашиб туравраимизми?

— Бу нима деганинг миллион биринчи, ахир мен сенга дарс ўтяпман, сен ўқияпсан, яна нима керак сенга?

— Э-э-э... бу ҳали дарсми?

— Ҳа-да, «Думи тугиклар мадрасаси»да тартиб шунақа, биз бир-биримизга дарс берамиз, бир-биримизга ўргатамиз. Мабодо хато қилиб қўйсак юқорига чақирришади. Унвондан маҳрум қилишади...

— Сени унвонинг нима?

— Ҳозирча етакчи шайтон.

— Кейинчи, кейин унвонинг нима бўлади?

— Шайтон ўқитувчи.

— Кейин-чи?

— Катта шайтон ўқитувчи.

— Ундан кейин-чи?

— Шайтон мударрис...

— Шу ерда тўхта биркам миллион... хў-ўш, хафа бўлма-ю, тўғрисини айтаман, сен жа майда гап, галча экансан. Бошимни ачитвординг. Мени ўз ҳолимга қўй, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши.

— Бу гапинг ҳам тўғри, мен тирикчилигимдан қолмай бўлмаса...

— Бор тошингни тер...

## ДАРВОЗА БЎСАҒАСИДАГИ СИР

(ёки Шайтонваччанинг илми яна биттага ортиши)

Шайтонвачча «Думи тугиклар мадрасаси»нинг арининг уясидек ғувиллаб турган дарвозасига эътиборини қаратди. Дарвозанинг чап тарафида шайтонлар бир-бирига навбат бермай саф тортган. Дарвозадан кирган одам борки елкасига минволиб, бир қўли билан кўзини беркитиб, бир қўли билан қулоғидан



— Yangi kelganimda men ham shunaqa o'ylardim. Keyin bilsam...

— Xo'sh?

— Bu nom ota meros ekan, Xudo bizni Jannatdan abadiy dumimizni tukkaniga ishora ekan.

— Menga qara birkam million, shunaqa qilib laqillashib turovramizmi?

— Bu nima deganing millon birinchi, axir men senga dars o'tyapman, sen o'qiyapsan, yana nima kerak senga?

— E-e-e... bu hali darsmi?

— Ha-da, «Dumi tugiklar madrasasi»da tartib shunaqa, biz bir-birimizga dars beramiz, bir-birimizga o'rgatamiz. Mabodo xato qilib qo'ysak yuqoriga chaqirishadi. Unvondan mahrum qilishadi...

— Seni unvoning nima?

— Hozircha yetakchi shayton.

— Keyinchi, keyin unvoning nima bo'ladi?

— Shayton o'qituvchi.

— Keyin-chi?

— Katta shayton o'qituvchi.

— Undan keyin-chi?

— Shayton mudarris...

— Shu yerda to'xta birkam million... xo'o'sh, xafa bo'lma-yu, to'g'risini aytaman, sen ja mayda gap, g'alcha ekansan. Boshimni achitvording. Meni o'z holimga qo'y, ming marta eshitgandan, bir marta ko'rgan yahshi.

— Bu gaping ham to'g'ri, men tirikchiligimdan qolmay bo'lmasa...

— Bor toshingni ter...

## DARVOZA BO'SAG'ASIDAGI SIR

**(yoki Shaytonvachchanning ilmi yana bittaga ortishi)**

Shaytonvachcha «Dumi tugiklar madrasasi»ning arining uyasidek g'uvillab turgan darvozasiga e'tiborini qaratdi. Darvozaning chap tarafida shaytonlar bir-biriga navbat bermay saf tortgan. Darvozadan kirgan odam

чўзиб бозор ичкарасига бошларди. Дарвозанинг ўнг тарафида ҳов бирда Шайтонваччани ака-укаларга яқинлаштирмаган таниш фаришталар саф тортган эди. Улар ҳам кимларнидир мунтазир бўлиб кутишар, аммо уларнинг келувчилари кам эди. Шайтонларники ўнта бўлса уларники биттага тўғри келарди. Нимага унақа бўляпти экан? Ҳатто намоз ўқийдиган, тақводорлар ҳам елкасини шайтонларга шундоқ тутиб беришяпти. Сир нимада? Шайтонвачча биркам милённи ҳайдаб солганига пушаймон бўлди. Атрофга аланглаб уни қидириб қолди. Бундоқ қараса биркам миллион қошлари терилган, гажакдор бир хотиннинг елкасида дўмбиллаб кетиб боряпти.

— Тўхта ҳов, қаёққа?

— Майишатга.

— Гап бориди сенга.

— Кутиб тур, майишатдан кейин гаплашамиз, — деб чиройли хотиннинг кўзини беркитиб, чап кулогини чўзган эди, у чапга қараб йўрғалаб кетди.

Шайтонвачча биркам миллионни анча кутиб қолди. Бошқа шайтонлар унга қайрилиб ҳам қарашмади. Шундан билдики, биркам миллион унинг етакчиси.

Ниҳоят орадан анча фурсат ўтганда ҳалиги гажакдор хотин кўринди. Икки қўлида зил-замбил бир нарсалар. Олган нарсалари бари ириган, чириган, қурт еган... Буни устига чарчаган, ҳолдан тойган. Ҳали ҳам биркам миллион унинг елкасида ялпайиб ўтирибди. Биркам миллион гажакдор хотинни дарвозагача кузатиб қўйди-да, Шайтонваччанинг ёнида пайдо бўлди.

— Ҳа, яна лақиллашамизми?

— Ҳа, лақиллашиб турмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Гапир.

— Менга анови дарвозанинг олдидаги аҳволни тушунтириб берсанг.

— Гап бундоқ миллион биринчи, мадрасадан ташқаридаги шайтонларга бу ёқдан шундоқ фармойиш бўлган, бозорга кириб келаётган ҳар бир одамни нима қилиб бўлса ҳам чалғитилсин. Токи улар дар-

borki yelkasiga minvolib, bir qo'li bilan ko'zini berkitib, bir qo'li bilan qulog'idan cho'zib bozor ichkarisiga boshlardi. Darvozaning o'ng tarafida hov birda Shaytonvachchani aka-ukalarga yaqinlashtirmagan tanish farishtalar saf tortgan edi. Ular ham kimlarnidir muntazir bo'lib kutishar, ammo ularning keluvchilari kam edi. Shaytonlarniki o'nta bo'lsa ularniki bittaga to'g'ri kelardi. Nimaga unaqa bo'lyapti ekan? Hatto namoz o'qiydigan, taqvodorlar ham yelkasini shaytonlarga shundoq tutib berishyapti. Sir nimada? Shaytonvachcha birkam milyonni haydab solganiga pushaymon bo'ldi. Atrofga alanglab uni qidirib qoldi. Bundoq qarasa birkam million qoshlari terilgan, gajakdor bir xotinning yelkasida do'mbillab ketib boryapti.

— To'xta hov, qayoqqa?

— Mayishatga.

— Gap boridi senga.

— Kutib tur, mayishatdan keyin gaplashamiz, — deb chiroyli xotinning ko'zini berkitib, chap qulog'ini cho'zgan edi, u chapga qarab yo'rg'alab ketdi.

Shaytonvachcha birkam millionni ancha kutib qoldi. Boshqa shaytonlar unga qayrilib ham qarashmadi. Shundan bildiki, birkam million uning yetakchisi.

Nihoyat oradan ancha fursat o'tganda haligi gajakdor xotin ko'rindi. Ikki qo'lida zil-zambil bir narsalar. Olgan narsalari bari irigan, chirigan, qurt egan... Buni ustiga charchagan, holdan toygan. Hali ham birkam million uning yelkasida yalpayib o'tiribdi. Birkam million gajakdor xotinni darvozagacha kuzatib qo'ydi-da, Shaytonvachchanning yonida paydo bo'ldi.

— Ha, yana laqillashamizmi?

— Ha, laqillashib turmasak bo'lmaydiganga o'hshaydi.

— Gapir.

— Menga anovi darvozaning oldidagi ahvolni tushuntirib bersang.

— Gap bundoq million birinchi, madrasadan tashqaridagi shaytonlarga bu yoqdan shundoq farmoyish

возадан Аллоҳнинг исмини айтмай, чап оёқ билан ичкари киришсин. Шундагина улар ичкаридаги шайтонлар тузоғига тушади. Бўлмаса уларни Аллоҳнинг фаришталари илиб кетади.

— Илиб кетиб, қаёққа оборади?

— Унисини ўз кўзинг билан кўрмагунча ишонмайсан. Ҳа ишла, бундоқ бошқаларга ўхшаб, жонни койит, миллион биринчи.

Шайтонвачча дарвоза тагида сарғайиб, туриб қолди. Бозорга гурра-гурра одамлар киради. Ҳаммасининг дарди битта, бирови молимни қимматроқ сотармиканман, ишқилиб бойвучча-ю, кўзи кўр харидор учрасин-да, деса бошқаси фирром чайқовчига учраб қолмай-да, яна шўримни қуритмасин деб жони ҳалак. Мадраса толиблари Шайтонваччаларнинг кети ер искамайди. Бирини бозордан кузатиб қўйиб, иккинчисини бозорга миниб кирапти. Навбати билан тегирмон тошидек гувиллаб айланиб туришибди. Аллоҳнинг фаришталари устидан ошқора кулиб ҳам қўйишади. Фаришталар бўлса сабр-тоқат билан дарвозага кўз тиккан. Мўмин-мусулмон, тақволи кишиларни кутишяпти. Шу пайт бир одам ошқора Бисмилло айтиб, ўнг оёғини босиб, дарвозадан кириб келди. Дарровда икки фаришта у кишига пешвоз чиқиб, қўл қовуштириб ичкари бошлади. Аллоҳнинг исмини айтиб, киргани учун шайтонваччалар уни йўлдан уролмай қолишди. Нима қилишар экан деб Шайтонвачча уларга эргашди. Ҳа душманнинг сиртида бўлгунча ичида бўл, қабилида иш тутди. Улар гўшт растасига боришди. Ўҳ-хў-ў-ў... гўшлардан фаришталар бошлаб юрган одамнинг кўзлари қамашди. Қай бири қўй гўшти-ю, қай бири эчки гўшти, қай бири от гўшти-ю, қай бири эшак гўшти ажратиш қийин эди. Кийикнинг калласини қўйиб, серкани гўштини пуллашяпти. Ҳаммасининг оғзида битта гап: кеп қолинг, ёш мол, шоколад жойи, қора кўчқорнинг ёғи, қора кўчқорнинг гўшти.

Бари ёлгон, ўзи сўймаган-да, шунга қанақа ҳайвоннинг гўшти эканини ҳам билмайди.

Фаришталар ҳалиги одамни кўп сарсон қилиш-

bo'lgan, bozorga kirib kelayotgan har bir odamni nima qilib bo'lsa ham chalg'itilsin. Toki ular darvozadan Allohning ismini aytmay, chap oyoq bilan ichkari kirishsin. Shundagina ular ichkaridagi shaytonlar tuzog'iga tushadi. Bo'lmasa ularni Allohning farishtalari ilib ketadi.

— Ilib ketib, qayoqqa oboradi?

— Unisini o'z ko'zing bilan ko'rmaguncha ishonmaysan. Ha ishla, bundoq boshqalarga o'hshab, jonni koyit, million birinchi.

Shaytonvachcha darvoza tagida sarg'ayib, turib qoldi. Bozorga gurra-gurra odamlar kiradi. Hammasining dardi bitta, birovi molimni qimmatroq sotarmikanman, ishqilib boyvuchcha-yu, ko'zi ko'r xaridor uchrasin-da, desa boshqasi g'irrom chayqovchiga uchrab qolmay-da, yana sho'rimni quritmasin deb joni halak. Madrasa toliblari Shaytonvachchalarning keti yer iskamaydi. Birini bozordan kuzatib qo'yib, ikkinchisini bozorga minib kiryapti. Navbati bilan tegirmon toshidek guvillab aylanib turishibdi. Allohning farishtalari ustidan oshkora kulib ham qo'yishadi. Farishtalar bo'lsa sabr-toqat bilan darvozaga ko'z tikkan. Mo'min-musulmon, taqvoli kishilarni kutishyapti. Shu payt bir odam oshkora Bismillo aytib, o'ng oyog'ini bosib, darvozadan kirib keldi. Darrovda ikki farishta u kishiga peshvoz chiqib, qo'l qovushtirib ichkari boshladi. Allohning ismini aytib, kirgani uchun shaytonvachchalar uni yo'ldan urolmay qolishdi. Nima qilishar ekan deb Shaytonvachcha ularga ergashdi. Ha dushmanning sirtida bo'lguncha ichida bo'l, qabilida ish tutdi. Ular go'sht rastasiga borishdi. O'h-ho'-o'-o'... go'shtlardan farishtalar boshlab yurgan odamning ko'zlari qamashdi. Qay biri qo'y go'shti-yu, qay biri zchki go'shti, qay biri ot go'shti-yu, qay biri eshak go'shti ajratish qiyin edi. Kiyikning kallasini qo'yib, serkani go'shtini pullashyapti. Hammasining og'zida bitta gap: kep qoling, yosh mol, shokolad joyi, qora qo'chqorning yog'i, qora qo'chqorning go'shti.

Bari yolg'on, o'zi so'ymagan-da, shunga qanaqa hayvonning go'shti ekanini ham bilmaydi.

Farishtalar haligi odamni ko'p sarson qilishmadi,



# FARMONI Oliy

1. ~~.....~~  
~~.....~~
2. ~~.....~~  
~~.....~~



мади, тақволи қассобга, покиза гўштга рўпара қилишди. У ердан гуринч растасига қараб юришди. Бу ерда ҳам аҳвол шу. Ҳеч ким молини ёмон демайди. Ҳаммаси зўр, хитойникини хоразмники деб пуллашади, Бирма деган давлатнинг гуручини лазер деб лақиллатишади. Ошга деб солган гуричинг шавлага айланиб қолади. Ярими пишса, ярими пишмайди. Ҳаммасининг мақтови битта: сув кўтарар, қозон бузар... Аммо Бисмилло айтиб, ўнг оёқ билан кирган киши янглишмайди. Унга Аллоҳнинг фаришталари ҳамроҳ. Харидорни тўғри ҳалол-пок деҳқонга рўпара қилади. Шолисини ўзи эккан, ўзи янчган, қанча сув кўтаришигача билади.

Хуллас, ҳалиги одам бозорда узоқ қолиб кетмади, қандайдир чорак соатда иши битиб, фаришталар кузатувида дарвозадан чиқиб кетди.

— Ҳаҳ, — деди Шайтонвачча одам болаларининг устидан кулиб, — бунча булар ўзларига-ўзлари жабр қилишмаса-я. Аллоҳнинг исмини адаштириб, ўнг оёқ қайси, чап оёқ қайси, шуниям фарқига боришмаса-я... Бир оғиз сўз-у, битта эътибор билан олам гулистон экан-ку... Яна булар Жаннатни даъво қилишади-я. Суфе...

## УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРД

(ёки Шайтонваччанинг панд еб қолиши)

Шайтонвачча ўзича одамлар устидан кулиб турган эди, бозор дарвозасида ҳалиги жиз-бизни хуш кўрадиган опа кўриниб қолди. У довдир-совдир қилиб, бозорга Бисмилло айтмай, чап оёғи билан кириб келди. Шайтонвачча унинг думбил-тентак қилиқлари ва ниҳоят янги ошпазнинг думини туғишдаги хизматларини яхши кўриб қолган эди. Унга ўзимизники деб, бир беминнат ҳизмат қилгиси келиб қолди. Шартта елкасига минди-да, кўнглига қўл солди. Маълум бўлишича, у ҳам ошнинг масаллиғига тушган экан. Шайтонвачча қараса жиз-бизчи ҳали унга, ҳали бунга алаҳсиб кетяпти. Биркам миллион-



taqvoli qassobga, pokiza go'shtga ro'para qilishdi. U yerdan gurinch rastasiga qarab yurishdi. Bu yerda ham ahvol shu. Hech kim molini yomon demaydi. Hammasi zo'r, xitoynikini xorazmniki deb pullashadi, Birma degan davlatning guruchini lazer deb laqillatishadi. Oshga deb solgan guriching shavlaga aylanib qoladi. Yarimi pishsa, yarimi pishmaydi. Hammasining maqtovi bitta: suv ko'tarar, qozon buzar... Ammo Bismillo aytib, o'ng oyoq bilan kirgan kishi yangilishmaydi. Unga Allohning farishtalari hamroh. Xaridorni to'g'ri halol-pok dehqonga ro'para qiladi. Sholisini o'zi ekkan, o'zi yanchgan, qancha suv ko'tarishigacha biladi.

Xullas, haligi odam bozorda uzoq qolib ketmadi, qandaydir chorak soatda ishi bitib, farishtalar kuzatuvida darvozadan chiqib ketdi.

— Hah, — dedi Shaytonvachcha odam bolalarining ustidan kulib, — buncha bular o'zlariga-o'zlari jabr qilishmasa-ya. Allohning ismini adashtirib, o'ng oyoq qaysi, chap oyoq qaysi, shuniyam farqiga borishmasa-ya... Bir og'iz so'z-u, bitta e'tibor bilan olam guliston ekan-ku... Yana bular Jannatni da'vo qilishadi-ya. Sufe...

## USTOZ KO'RMAGAN SHOGIRD

(yoki Shaytonvachchanning pand yeb qolishi)

Shaytonvachcha o'zicha odamlar ustidan kulib turgan edi, bozor darvozasida haligi jiz-bizni hush ko'radigan opa ko'rinib qoldi. U dovdur-sovdur qilib, bozorga Bismillo aytmay, chap oyog'i bilan kirib keldi. Shaytonvachcha uning dumbil-tentak qiliqlari va nihoyat yangi oshpazning dumini tugishdagi xizmatlarini yaxshi ko'rib qolgan edi. Unga o'zimizniki deb, bir beminnat xizmat qilgisi kelib qoldi. Shartta elkasiga mindi-da, ko'ngliga qo'l soldi. Ma'lum bo'lishicha, u ham oshning masallig'iga tushgan ekan. Shaytonvachcha qarasa jiz-bizchi hali unga, hali bunga alahsib ketyapti. Birkam millionga o'xshab, shartta bir

га ўшаб, шартта бир қўли билан кўзини беркитди-да, иккинчи қўли билан қулоғидан чўзиб гўшт рас-тасига бошлаб қолди. Боғча опа тушмагур ҳали ҳаром ўлган қўйнинг гўштига, ҳали эчкиникига ёпишади. Ичи тўла без, чандир, ўпка, калла гўшти қўшилган қийма олсаммикан, дейдими-ей... Шайтонвачча уни бояги тақводор қассобга рўпара қилгунча чарчаб, бўлари-бўлди.

— Гўшийз яхшими? — сўради у қассобдан.

— Ҳа, оппоқ қизим, ўзим ҳалол пок қилиб сўйганман.

— Алдамиссими?

— Худодан кўрқаман, алдагани қизим.

— Вой, мен-чи ота, шайтондан кўрқаман.

— Тўғри қиласиз, ундан, албатта, кўрқиш ке-рак, ўшада ҳамма ёқни остин-устин қиладиган. Аммо, лекин шайтони лайинни даб қилишни йўллари жуда кўп, қизим. Нечча кило тортай...

— Даб қилишни ўзимам биламан, боғчамизга битта хола келовди, ўша хола ўргатганлар. Ҳа, неч-чи кило тортай дедингизми? Икки кило... йўқ, бир ярим...ҳа майли бир кило!

— Вой, думбил-тентагей, бундақа шоколад гўштга етишишни ўзи бўладими, бир сонини олсанг-чи, маза қилиб ейсан, пулинг ўзинг билан кетади-я, — қулоғига шивирлади Шайтонвачча.

— Ҳўп, бир килодан иккита тортинг.

— Қатидан бўсин, қизим, биқинми, сонми? — жилмайди қассоб.

— Ҳамма жойидан бўлаверсин...

— Ҳў-ўш, қизим, — деди қассоб гўштни ҳамма жойидан кесиб-кесиб, тарозига кўяр экан, — ўша холангиз нима деб ўргатувдилар? Қассоб ҳам нима-гадир гаплари пойинтар-сойинтар ғалати харидори-ни гапга солгиси келиб қолди.

— Ўша холамм, ўша холам: «Шайтон васваса қилиб эрчайлар билан, қайнонайлар билан уриш-тирмоқчи бўлса дарровда ау-у-у-зу-у-у биллаҳи ми-наш-шайтонир рожим десайлар, ўшанда шайтон ша-талоқ отиб қочиб қолади» деганлар.

qo'li bilan ko'zini berkitdi-da, ikkinchi qo'li bilan qulog'idan cho'zib go'sht rastasiga boshlab qoldi. Bog'cha opa tushmagur hali harom o'lgan qo'yning go'shtiga, hali echkinikiga yopishadi. Ichi to'la bez, chandir, o'pka, kalla go'shti qo'shilgan qiyma olsammikan, deydimi-ey... Shaytonvachcha uni boyagi taqvodor qassobga ro'para qilguncha charchab, bo'lari-bo'ldi.

— Go'shiyz yaxshimi? — so'radi u qassobdan.

— Ha, oppoq qizim, o'zim halol pok qilib so'yanman.

— Aldamissimi?

— Xudodan qo'rqaman, aldagani qizim.

— Voy, men-chi ota, shaytondan qo'rqaman.

— To'g'ri qilasiz, undan, albatta, qo'rqish kerak, o'shada hamma yoqni ostin-ustin qiladigan. Ammo, lekin shaytoni layinni dab qilishni yo'llari juda ko'p, qizim. Nechcha kilo tortay...

— Dab qilishni o'zimam bilaman, bog'chamizga bitta xola kelovdi, o'sha xola o'rgatganlar. Ha, nechchi kilo tortay dedingizmi? Ikki kilo... yo'q, bir yarim...ha mayli bir kilo!

— Voy, dumbil-tentagey, bundaqa shokolad go'shtga etishishni o'zi bo'ladimi, bir sonini olsang-chi, maza qilib eysan, puling o'zing bilan ketadi-ya, — qulog'iga shivirladi Shaytonvachcha.

— Xo'p, bir kilodan ikkita torting.

— Qatidan bo'sin, qizim, biqinmi, sonmi? — jilmaydi qassob.

— Hamma joyidan bo'laversin...

— Xo'-o'sh, qizim, — dedi qassob go'shtni hamma joyidan kesib-kesib, taroziga qo'yar ekan, — o'sha xolangiz nima deb o'rgatuvdilar? Qassob ham nimagadir gaplari poyintar-soyintar g'alati xaridorini gapga solgisi kelib qoldi.

— O'sha xolammi, o'sha xolam: «Shayton vasvasa qilib erchaylar bilan, qaynonaylar bilan urishtirmoqchi bo'lsa darrovda au-u-u-zu-u-u billahi minash-shaytonir rojim desaylar, o'shanda shayton shataloq otib qochib qoladi» deganlar.

У азза-базза шундай дейиши билан Шайтонвачча бир парча бездек гўшт растанинг шифтига ёпишти, қолди.

— Вой, вой-ей, — деб юборди Шайтонвачча тирчилаб, — ҳа, ўз фойдасини билмаган овсар, сендақа думбил-тентакка яхшилик қилишимнинг бу боши ва охири бўлсин-а. Ҳап сеними, жиз-бизчи, бирдамас-бирда яна бозорга тушарсан! Ўшанда кунингни кўрсатаман, сени...

Шайтонвачча шу куни шифтга ёпишгани бир сари-ю, оч-наҳор ҳам қолиб кетди. Бўлмаса бозор тўла овқат. У одам боласига холис хизмат қиламан деб ана шундай жазога тортилди.

— Сен миллион биринчи жудаям ўзбошимча экансан, — деди биркам миллион минғирлаб, — олдин мадрасанинг паст-баландини билвосанг бўлармиди! Айтиб қўяй, шунча овқатнинг ичида туриб, яна икки марта шунақа оч қолсанг, «ёғ ичида яйрамади» деб олдин қулоғингни, кейин думингни кесиб, мадрасадан ҳайдашади. Ана ундан кейин туққан онанг ҳам танимайдиган бўб қоласан.

— Ўзингку, «номинг жарангдор, сенда бир гап бор» деб ҳовлиқтирган, — тўнғиллади шайтонвачча, — у хотин ҳам бегонамас, ўзимизданиди.

— Ўзимиздан бўлса нимага уни тақволи гўштга олиб бординг, уни еб тақводор бўб қолса нима бўлади?

— Э, ҳа, бу тарафини ўйламапман. Ўлай агар... буни устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейдилар. Бўпти эртадан бошлаб мен сенинг қулингман... Билиб қўй, эгим сеники, суягим ўзимники...

## ТАНИШУВ

(ёки «Думи тугиклар» мадрасасининг айланма йўллари)

Биркам миллион тонг саҳардан Шайтонваччани эргаштириб, мадраса бўйлаб йўлга тушди.

— Сен миллион биринчи энг аввал бозордаги

U azza-bazza shunday deyishi bilan Shaytonvachcha bir parcha bezdek go'sht rasting shiftiga yopishti, qoldi.

— Voy, voy-ey, — deb yubordi Shaytonvachcha tipirchilab, — ha, o'z foydasini bilmagan ovsar, sendaqa dumbil-tentakka yahshilik qilishimning bu boshi va ohiri bo'lsin-a. Hap senimi, jiz-bizchi, birdamas-birda yana bozorga tusharsan! O'shanda kuningni ko'rsataman, seni...

Shaytonvachcha shu kuni shiftga yopishgani bir sari-yu, och-nahor ham qolib ketdi. Bo'lmasa bozor to'la ovqat. U odam bolasiga holis hizmat qilaman deb ana shunday jazoga tortildi.

— Sen million birinchi judayam o'zboshimcha ekansan, — dedi birkam million ming'irlab, — oldin madrasaning past-balandini bilvosang bo'larmidi! Aytib qo'yay, shuncha ovqatning ichida turib, yana ikki marta shunaqa och qolsang, «yog' ichida yayramadi» deb oldin qulog'ingni, keyin dumingni kesib, madrasadan haydashadi. Ana undan keyin tuqqan onang ham tanimaydigan bo'b qolasan.

— O'zingku, «noming jarangdor, senda bir gap bor» deb hovliqtirgan, — to'ng'illadi shaytonvachcha, — u xotin ham begonamas, o'zimizdanidi.

— O'zimizdan bo'lsa nimaga uni taqvoli go'shtga olib bording, uni eb taqvodor bo'b qolsa nima bo'ladi?

— E, ha, bu tarafini o'ylamapman. O'lay agar... buni ustoz ko'rmagan shogird har maqomga yo'rg'alar, deydilar. Bo'pti ertadan boshlab men sening qulingman... Bilib qo'y, etim seniki, suyagim o'zinniki...

## TANISHUV

(yoki «Dumi tugiklar» madrasasining  
aylanma yo'llari)

Birkam million tong sahardan Shaytonvachchani ergashtirib, madrasa bo'ylab yo'lga tushdi.

айланма йўллари беш қўлдек билиб олишинг керак. Улар худди ўргимчакнинг тўрига ўхшайди. Узогиям бор, яқиниям бор. Мана шу жойдан гўшт рас-таси билан даровозанинг орасини кўр, узоқми, яқинми?

— Яқин, бир хуштак чалишлик йўл.

— Ҳов анови йўлакдан юриб, чайқов бозори, латта бозори, мардикор бозорини айланиб келсачи?

— Ўҳ-хў, унда минг хуштаклик йўл бўлади. Қайси аҳмоқ сен айтган йўлдан юради, яқин йўл турганда.

— Баҳойинг «2»! Эссизгина сенга миллион биринчи деган ном.

— Э, шошма-е, бунча баҳога хасиссан. Қурумсоқ...

— Ахир одам болалари бозорда қанча тентираса, шунча ақлдан озади миллион биринчи! Тагингда тайёр таксанг бўлатуриб, қаёққа шошасан. Ҳолдан тойиб, бензини тугаб, балони ёрилиб, тугаб кетгунча минмайсанми бу одам болаларни? Кейин устингдан юқорига шикоят ҳам тушиши мумкин, бунақада.

— Кимдан?

— Кимдан бўларди? Бозордаги киссавурлардан, қиморвозлардан, товламачилардан, полвунлардан... Бир хуштаклик йўлда, чўнтакка тушиб бўладими? Мижозни алдаб бўладими? Билмасанг билиб қўй, шикоятчилар ҳам ўзимиздан. Яна қанчасини айтмадим. Сен айтган яқин йўлдан Аллоҳнинг фаришталари юради, тақводорлар билан етаклаше-еб. Тақводорлар оладиганини олиб, сотадиганини сотиб, мадрасамиздан тезроқ даб бўлиши керак. Улар қанча ивирсиб юрса, бизга шунча қийин бўлади... Дарсимизга халақит қилади.

— Хотиринг жам бўлсин бирикам миллион, — деди Шайтонваччанинг ғайрати қўзиб, — мана кўрасан, қўлимга тушганини соғ бўлса жинни қиламан, жинни бўлса соғ қилиб, бозордан чиқарвораман.

— Жинни қилганинг-ку, яхши, соғ қилганинг нимаси? Жиннилигича қолаверсин.

— Sen million birinchi eng avval bozordagi aylanma yo'llarni besh qo'ldak bilib olishing kerak. Ular xuddi o'rgimchakning to'riga o'xshaydi. Uzoq'iyam bor, yaqiniyam bor. Mana shu joydan go'sht rastasi bilan darovozaning orasini ko'r, uzoqmi, yaqinmi?

— Yaqin, bir hushtak chalishlik yo'l.

— Hov anovi yo'lakdan yurib, chayqov bozori, latta bozori, mardikor bozorini aylanib kelsa-chi?

— O'h-ho', unda ming hushtaklik yo'l bo'ladi. Qaysi ahmoq sen aytgan yo'ldan yuradi, yaqin yo'l turganda.

— Bahoying «2»! Essizgina senga million birinchi degan nom.

— E, shoshma-e, buncha bahoga xasissan. Qurumsoq...

— Axir odam bolalari bozorda qancha tentirasa, shuncha aqldan ozadi million birinchi! Tagingda tayyor taksang bo'laturib, qayoqqa shoshasan. Holdan toyib, benzini tugab, baloni yorilib, tutab ketguncha minmaysanmi bu odam bolalarni? Keyin ustingdan yuqoriga shikoyat ham tushishi mumkin, bunaqada.

— Kimdan?

— Kimdan bo'lardi? Bozordagi kissavurlardan, qimorvozlardan, tovlamachilardan, polvunlardan... Bir hushtaklik yo'lda, cho'ntakka tushib bo'ladimi? Mijozni aldab bo'ladimi? Bilmasang bilib qo'y, shikoyatchilar ham o'zimizdan. Yana qanchasini aytmadim. Sen aytgan yaqin yo'ldan Allohning farishtalari yuradi, taqvodorlar bilan yetaklashe-eb. Taqvodorlar oladiganini olib, sotadiganini sotib, madrasamizdan tezroq dab bo'lishi kerak. Ular qancha ivirsib yursa, bizga shuncha qiyin bo'ladi... Darsimizga xalaqit qiladi.

— Xotiring jam bo'lsin birikam million, — dedi Shaytonvachchaning g'ayrati qo'zib, — mana ko'rasan, qo'limga tushganini sog' bo'lsa jinni qilaman, jinni bo'lsa sog' qilib, bozordan chiqarvoraman.

— Jinni qilganing-ku, yahshi, sog' qilganing nimasi? Jinniligicha qolaversin.

— Bahong «2» hisob tenglashdi, Birkam million, — dedi Shaytonvachcha tantana bilan, — nahotki

— Баҳонг «2» ҳисоб тенглашди, Биркам миллион, — деди Шайтонвачча тантана билан, — наҳотки шунчага етган ақлинг шунга етмаса, ташқаридан жинниларни кўплаб бошлаб келишади-ку, шифоси бу ёқда экан деб, қайтага мадрасамизни обрўси ошмайдами?

— Ҳим-м-м... — деб биркам миллион бир зум жим қолди-да, ҳайрон бўлиб сўради, — жиннини қандоқ қилиб соғ қилмоқчисан, миллион биринчи?

— Яна баҳойинг «2» биркам миллион, ҳисоб мени фойдамга иккига бир бўлди, эсингда турсин.

— Бўпти-е...

— Ахир бу икки карра икки тўрт дегандек гап-ку, каллаварам. Сен одам болаларини чапга айлантiroвриб, чапга айлантiroвриб жинни қиласан, тўғрими?

— Тўғри!

— Мен уни ўнгга қараб айлантiroвраман, айлантiroвраман... Чапга чувалган ипни ўнгга чуватса ечиладими... вассалом?

— Сенда бир гап бор миллион биринчи, — деди биркам миллионнинг боши ачиб, — мен бу тарафларини ўйламабман. Лекин билиб қўй, бизга ўнгга йўл йўқ. Ўзбошимчалик қилма. Икки ўртада қулоғинг билан думингдан ажраб қолма, тагин! Мениям ўйлагинда ахир, ишқал чиқарсанг менам жазога тортиламан!

— Сени нима қилишлари мумкин?

— Етакчиликдан талабаликка тушириб қўйишлари мумкин.

— Жа кўнглимдагидек бўларкан-да. Шу, бир хил пайтда мияни шунақанги суйилтiroворасанки, қусворай дейман.

— Нима-нима?

— Эшитганинг.

— Шайтонлик қилмай қўяқол миллион биринчи, кўнглинг менга айнинамайди.

— Нимага бўлмаса?

— Қорнинг оч, шунга.

— Ҳа, бу бошқа гап. Ана энди етакчига ўхшадинг.



shunchaga etgan aqling shunga etmasa, tashqaridan jinnilarni ko'plab boshlab kelishadi-ku, shifosi bu yoqda ekan deb, qaytaga madrasamizni obro'si oshmaydimi?

— Him-m-m... — deb birkam million bir zum jim qoldi-da, hayron bo'lib so'radi, — jinnini qandoq qilib sog' qilmoqchisan, million birinchi?

— Yana bahoying «2» birkam million, hisob meni foydanga ikkiga bir bo'ldi, esingda tursin.

— Bo'pti-ye...

— Axir bu ikki karra ikki to'rt degandek gap-ku, kallavaram. Sen odam bolalarini chapga aylantirovrib, chapga aylantirovrib jinni qilasan, to'g'rimi?

— To'g'ri!

— Men uni o'ngga qarab aylantirovraman, aylantirovraman... Chapga chuvalgan ipni o'ngga chuvatsa echiladimi... vassalom?

— Senda bir gap bor million birinchi, — dedi birkam millionning boshi achib, — men bu taraflarini o'ylamabman. Lekin bilib qo'y, bizga o'ngga yo'l yo'q. O'zboshimchalik qilma. Ikki o'rtada qulog'ing bilan dumingdan ajrab qolma, tag'in! Meniyam o'ylaginda axir, ishkal chiqarsang menam jazoga tortilaman!

— Seni nima qilishlari mumkin?

— Yetakchilikdan talabalikka tushirib qo'yishlari mumkin.

— Ja ko'nglimdagidek bo'larkan-da. Shu, bir hil paytda miyani shunaqangi suyiltirvorasanki, qusvoray deyman.

— Nima-nima?

— Eshitganing.

— Shaytonlik qilmay qo'yaqol million birinchi, ko'ngling menga aynimaydi.

— Nimaga bo'lmasa?

— Qorning och, shunga.

— Ha, bu boshqa gap. Ana endi yetakchiga o'xshading. Och qoringa qo'shiq na hojat degan maqolni eshitganmisan?

Оч қоринга қўшиқ на ҳожат деган мақолни эшитганмисан?

— Юр кетдик...

— «Сен же, мен же»гами?

— Ҳа...

## ЭШАК МИНДИ

**(ёки Шайтонваччанинг қандоқ қилиб овга чиққани)**

Шайтонвачча биркам миллион мени бирорта ошхонага олиб борса керак деб ўйлади. Бўйнидаги бесўнақай қошиғини у ёқ, бу ёққа суриб қўйди. Аммо улар айланиб юриб, яна дарвозанинг олдидан чиқиб қолишди.

— Обкелган жойингни қара, — деди Шайтонвачча хафсаласи пир бўлиб, — бу ерда нима қиламиз?

— Айтдинг-ку, кўнглим айниятти деб, ов қиламиз.

— Э, юр битта ошхонани топайлик, мен қандоқ қилиб қорин тўйдиришни биламан.

— Сен миллион биринчи жуда хомсан. Билиб қўй, болача найрангларинг бу ерда кетмайди. Уларни эсдан чиқар. Бу жойнинг ўз қонун-қоидалари бор. Ишлаган тишлайди, ишламаган сенга ўхшаб, оч қолиб, кечаси билан совуққа қотиб, кишнаб чиқади.

— Онам ҳам шунақа дер эди, — деди Шайтонвачча хомуш тортиб.

— Нима дерди?

— Хомсан, дерди. Сен биркам миллион жуда кўнглинг бўш, латта экансан. Хомсан дегунча жонимни ачитиб, бундоқ уриб турда. Лойни тепмасанг қаттан пишади, аммамнинг бузоғи.

— Сен айтган нарсалар бу ерда тақиқланган. Шайтонлар мадрасада ҳийла-ю, найранглар билан пишади. Ҳушёр бўл, навбатимиз кеп қолди. Ҳозир дарвозадан ким Аллоҳнинг исмини айтмай чап оёғи билан кириб келса ўша биззи ўлжамиз бўлади. Олдин мен уни елкасига минаман, сен бўлса менинг елкамга минасан.

- Yur ketdik...
- «Sen je, men je»gami?
- Ha...

## ESHAK MINDI

### (yoki Shaytonvachchaning qandoq qilib ovga chiqqani)

Shaytonvachcha birkam million meni birorta oshxonaga olib borsa kerak deb o‘yladi. Bo‘ynidagi beso‘naqay qoshig‘ini u yoq, bu yoqqa surib qo‘ydi. Ammo ular aylanib yurib, yana darvozaning oldidan chiqib qolishdi.

— Obkelgan joyingni qara, — dedi Shaytonvachcha hafsalasi pir bo‘lib, — bu erda nima qilamiz?

— Ayt ding-ku, ko‘nglim ayniyapti deb, ov qilamiz.

— E, yur bitta oshhonani topaylik, men qandoq qilib qorin to‘ydirishni bilaman.

— Sen million birinchi juda homsan. Bilib qo‘y, bolacha nayranglaring bu erda ketmaydi. Ularni esdan chiqar. Bu joyning o‘z qonun-qoidalari bor. Ishlagan tishlaydi, ishlagan senga o‘hshab, och qolib, kechasi bilan sovuqqa qotib, kishnab chiqadi.

— Onam ham shunaqa der edi, — dedi Shaytonvachcha xomush tortib.

— Nima derdi?

— Xomsan, derdi. Sen birkam million juda ko‘ngling bo‘sh, latta ekansan. Homsan deguncha jonimni achitib, bundoq urib turda. Loyni tepmasang qattan pishadi, ammamning buzog‘i.

— Sen aytgan narsalar bu yerda taqiqlangan. Shaytonlar madrasada hiyla-yu, nayranglar bilan pishadi. Hushyor bo‘l, navbatimiz kep qoldi. Hozir darvozadan kim Allohning ismini aytmay chap oyog‘i bilan kirib kelsa o‘sha bizzini o‘ljamiz bo‘ladi. Oldin men uni elkasiga minaman, sen bo‘lsa mening elkamga minasan.

— Ola, sen uni, men seni, bundan chiqdi eshak mindi o‘ynarkanmiz-da?

— Ола, сен уни, мен сени, бундан чиқди эшак минди ўйнарганмиз-да?

— Жим бўл, айтганимни қил.

— Жа ноқўлай-да сени миниш, буни устига етакчи деган номинг бор. Ке қўй, сен мени минақол.

— Бўлсанг-чи, қулоғинг билан думингдан умидинг борми, тепадан қараб туришибди ахир бизга.

— Бор-е, минганим бўлсин. Аммо-лекин биркам миллион жа ориқсанда, орқани чақа қилиш йўқ.

— Сенам миллион биринчи, нафас оласан-у, чиқармайсан...

Шайтонвачча бундоқ қараса, миниб олганлари ҳов бирдаги шайтони зўр жарроҳ амаки эмиш.

— Ҳей биркам миллион топган одамингни қара, туше бунинг елкасидан... Ахир бу ўзимиздан-ку, банисанинг жарроҳи. Бир кунда ўнтадан биттасини тузатиб, тўққизтасини асфаласофилинга жўнатиб туради, ёлғон гапирсам ўлай агар, мусалласнинг ҳидидан билиб қолдим.

— Бизда ошна-оғайнигарчилик кетмайди. Гаппи кўпайтирмай кўйнига қўл солчи, мақсади нима экан, — деди биркам миллион.

— Э, ҳеч нима демаяпти, мақсади эсидан чиқиб, банисада қоп кетганга ўхшайди.

— Ҳей сен, миллион биринчи кўлингни қаёққа суқяпсан-а, қаёққа?

— Қаёққа бўларди, чўнтакка-да. Ният ҳамёнга қараб бўладими, ахир. Ҳамёни бўм-бўш, ўғри ургандай бўб ётибди. Балки киссавурлик қилгани келгандур-а, нима дединг биркам миллион?

— Буни билиш учун кўйнига қўл солиш керак, чўнтаккамас. Оҳ, тартиб-қоида деган гаплар бўлмаганда борми, сенга ҳозир кўрсатиб кўярдим миллион биринчи.

— Сен минг карра ҳақсан, бу ерни тартиб-қоидалари фақат қоринни дам қилади. Сен биркам миллион кўп жаврайверма одам болаларига ўхшаб, мана, айтганингдек қилиб, кўлимни кўйнига солдим, бу ерда ҳам ҳеч гап йўқ, ҳа, ўлай агар, ҳеч вақо...

— Ҳей сен, миллион биринчи жа ҳит қивординг-ку, а? — деди хафа бўлиб биркам миллион.

— Jim bo'l, aytganimni qil.

— Ja noqo'lay-da seni minish, buni ustiga yetakchi degan noming bor. Ke qo'y, sen meni mina qol.

— Bo'lsang-chi, qulog'ing bilan dumingdan umiding bormi, tepadan qarab turishibdi axir bizga.

— Bor-e, minganim bo'lsin. Ammo-lekin birkam million ja oriqsanda, orqani chaqa qilish yo'q.

— Senam million birinchi, nafas olasan-u, chiqarmaysan...

Shaytonvachcha bundoq qarasa, minib olganlari hov birdagi shaytoni zo'r jarroh amaki emish.

— Hey birkam million topgan odamingni qara, tushe buning yelkasidan... Axir bu o'zimizdan-ku, banisaning jarrohi. Bir kunda o'ntadan bittasini tuzatib, to'qqiztasini asfalasofilinga jo'natib turadi, yolg'on gapirsam o'lay agar, musallasning hididan bilib qoldim.

— Bizda oshna-og'aynigarchilik ketmaydi. Gappi ko'paytirmay qo'yniga qo'l solchi, maqsadi nima ekan, — dedi birkam million.

— E, hech nima demayapti, maqsadi esidan chiqib, banisada qop ketganga o'hshaydi.

— Hey sen, million birinchi qo'lingni qayoqqa suqyapsan-a, qayoqqa?

— Qayoqqa bo'lardi, cho'ntakka-da. Niyat hamyonga qarab bo'ladimi, axir. Hamyoni bo'm-bo'sh, o'g'ri urganday bo'b yotibdi. Balki kissavurlik qilgani kelgandur-a, nima deding birkam million?

— Buni bilish uchun qo'yniga qo'l solish kerak, cho'ntakkamas. Oh, tartib-qoida degan gaplar bo'lmaganda bormi, senga hozir ko'rsatib qo'yardim million birinchi.

— Sen ming karra haqsan, bu yerni tartib-qoidalari faqat qorinni dam qiladi. Sen birkam million ko'p javrayverma odam bolalariga o'xshab, mana, aytganingdek qilib, qo'limni qo'yniga soldim, bu yerda ham hech gap yo'q, ha, o'lay agar, hech vaqo...

— Hey sen, million birinchi ja xit qivording-ku, a? — dedi xafa bo'lib birkam million.

— Halitdan shogirdingni boshingga chiqarvoldingmi, endi o'zingdan ko'r, dod dema.

— Ҳалитдан шогирдингни бошингга чиқарволдингни, энди ўзингдан кўр, дод дема.

— Нимага одам болаларига ўхшаб ўнгга тиқилаверасан-а, юрак чап томонда-ку!

— Ҳа-я, дарвоқе... Ў-ў-ў... билдим, билдим биркам миллион, тақсирим дорихонага борарканлар... Тавба ўзи дорихонадан келяпти-ку...бузоқни югургани сомонхонагача деб, яна дорихонада нима қилади, бу? Ҳойнаҳой бу иккаламизниям лақиллатьяпти, биркам миллион.

— У ёғи билан ишинг бўлмасин, ўнг қўлинг билан кўзини бекит, чап қўлинг билан чап қулоғидан торт... Э, нима қиляпсан, мени кўзимнимас уни кўзини беркит, мени қулоғимнимас уни қулоғини чўз, галварс...

— Ҳо, мен сени миниб турибманми, сеники қулай-да, сеникини чўзаман, сен уникани... Қарабсанки, эшак миндини устида, қулоқчўзма ҳам бўлади.

— Айтганимни қил миллион биринчи!

Улар эшак минди қилиб роса бозор кезишди. Шайтонвачча оппоқ халатни кийиб олиб, қатиқ ва сутфурушларга гап бериб ўтирган Бисмилло холани кўрди, турли-туман болалар ўйинчоқларини сотиб ўтирган Хожага кўзи тушди. Узоқ-яқин хаёлларга берилди. Шайтони зўр амаки қайси дорихонага кирмасин иши юришмади. Охири юмшоқроқ бир доричи хотин билан мурасаси келишгандек бўлди. Сумкасида анча-мунча қимматбаҳо дорилар бор экан, ўшаларни юмшоққина хотинга узатди.

— Кўрдингни, — деди Шайтонвачча биркам миллионга, — бунақа чапақай жарроҳ шаҳарда битта, айтдим-ку касалларининг ўнтадан тўққизтаси асфаласофилинга кетади деб. Улардан қолган дори-дармонларни увол бўлмасин деб, дорихоналарга олиб келар экан-да, барака топкур.

Шайтони зўр амаки дори-дармоннинг устида озроқ тортишиб қолди.

— Кўп бервордим, — деб юмшоқ аёл норози бўлди.

— Хотирингиз жам бўлсин, пулингиз ўзингиз билан қолади, спиртти зўридан борми? — деди шайтони зўр амаки кўзлари ўйнаб.

— Nimaga odam bolalariga o'xshab o'ngga tiqilaverasan-a, yurak chap tomonda-ku!

— Ha-ya, darvoqe... O'-o'-o'... bildim, bildim birkam million, taqsirim dorihonaga borarkanlar... Tavba o'zi dorixonadan kelyapti-ku... buzoqni yugurgani somonxonagacha deb, yana dorixonada nima qiladi, bu? Hoynahoy bu ikkalamizniyam laqillatyapti, birkam million.

— U yog'i bilan ishing bo'lmasin, o'ng qo'ling bilan ko'zini bekit, chap qo'ling bilan chap qulog'idan tort... E, nima qilyapsan, meni ko'zimnimas uni ko'zini berkit, meni qulog'imnimas uni qulog'ini cho'z, galvars...

— Ho, men seni minib turibmanmi, seniki qulayda, senikini cho'zaman, sen unikini... Qarabsanki, eshak mindini ustida, quloqcho'zma ham bo'ladi.

— Aytganimni qil million birinchi!

Ular eshak mindi qilib rosa bozor kezishdi. Shaytonvachcha oppoq xalatni kiyib olib, qatiq va sutfurushlarga gap berib o'tirgan Bismillo xolani ko'rdi, turli-tuman bolalar o'yinchoqlarini sotib o'tirgan Xojaga ko'zi tushdi. Uzoq-yaqin xayollarga berildi. Shaytoni zo'r amaki qaysi dorihonaga kirmasin ishi yurishmadi. Ohiri yumshoqroq bir dorichi xotin bilan murosasi kelishgandek bo'ldi. Sumkasida ancha-muncha qimmatbaho dorilar bor ekan, o'shalarni yumshoqqina xotinga uzatdi.

— Ko'rdingmi, — dedi Shaytonvachcha birkam millionga, — bunaqa chapaqay jarroh shaharda bitta, aytdim-ku kasallarining o'ntadan to'qqiztasi asfalasofilinga ketadi deb. Ulardan qolgan dori-darmonlarni uvol bo'lmasin deb, dorixonalarga olib kelar ekan-da, baraka topkur.

Shaytoni zo'r amaki dori-darmonning ustida ozroq tortishib qoldi.

— Ko'p bervordim, — deb yumshoq ayol norozi bo'ldi.

— Xotiringiz jam bo'lsin, pulingiz o'zingiz bilan qoladi, ispirotti zo'ridan bormi? — dedi shaytoni zo'r amaki ko'zlari o'ynab.

— Бор-да, бўлганда қандоқ, — суйиниб кетди аёл.

Шайтони зўр амаки пулининг чўғига қараганда икки ҳисса кўп спирт сўради. Кейин пулни аёлга берди. Аёл:

— Бу пулиз оз, — деди норози бўлиб.

— Э, сиз қандоқ хотинсиз, менга шу пулни берганда кўп дедингиз, олишга келганда оз деяпсиз. Кўп деб бердингизми, кўп деб олинг-да. Мен пулингизга текканим йўқ, қандоқ бўлса шундоқ қайтаряпман.

— Кечирасиз, — деди чалкашиб кетган аёл, қизариб-бўзариб.

Шайтони зўр амаки бир ҳисса пулга икки ҳисса спиртни олиб, тўғри шара-барачиларнинг олдига борди. У ердан ўнта қопқоқли шиша сотиб олди. Бир ошхонага кириб спиртни шишаларга тақсимлади. Қолганини сув билан тўлдирди. Кейин уни бозордаги илгаридан таниш бўб қолган мижозларига сотиб чиқди. Жарроҳ бўлгандан кейин унинг спирти тоза бўлмай кимники тоза бўлсин? Шуникини олишадиди!

— Қалай, — деди Шайтонвачча биркам миллионга қараб.

— Қойил-е, — кўзлари ғилай тортиб кетди биркам миллионни, — текин нарсани бир ҳиссага сотди, кейин унга анови хотинни бош-кўзини айлантириб икки ҳисса мол олди, унга сув кўшиб йигирма ҳисса қилиб сотди. Бунақасини биринчи марта кўриб турибман. Ё алҳазар! Нима қилай, дамани чиқарворайми? — деди биркам миллион Шайтонваччага.

— Йўқ, — деди Шайтонвачча қатъий.

— Тутунини чиқарворайми?

— Йўқ.

— Нима қил дейсан?

— Тек кўй. Ўз ҳунари билан бир эмас, иккита шайтонни бақа қилиб кўйдими, қандини урсин...



— Bor-da, bo'lganda qandoq, — suyinib ketdi ayol.

Shaytoni zo'r amaki pulining cho'g'iga qaraganda ikki hissa ko'p spirt so'radi. Keyin pulni ayolga berdi. Ayol:

— Bu puliz oz, — dedi norozi bo'lib.

— E, siz qandoq xotinsiz, menga shu pulni berganda ko'p dedingiz, olishga kelganda oz deyapsiz. Ko'p deb berdingizmi, ko'p deb oling-da. Men pulingizga tekkanim yo'q, qandoq bo'lsa shundoq qaytaryapman.

— Kechirasiz, — dedi chalkashib ketgan ayol, qizarib-bo'zarib.

Shaytoni zo'r amaki bir hissa pulga ikki hissa spirtni olib, to'g'ri shara-barachilarning oldiga bordi. U yerdan o'nta qopqoqli shisha sotib oldi. Bir oshxonaga kirib spirtni shishalarga taqsimladi. Qolganini suv bilan to'ldirdi. Keyin uni bozordagi ilgaridan tanish bo'b qolgan mijozlariga sotib chiqdi. Jarroh bo'lgandan keyin uning spirti toza bo'lmay kimniki toza bo'lsin? Shunikini olishadi-da!

— Qalay, — dedi Shaytonvachcha birkam millionga qarab.

— Qoyil-e, — ko'zlari g'ilay tortib ketdi birkam millionni, — tekin narsani bir hissaga sotdi, keyin unga anovi xotinni bosh-ko'zini aylantirib ikki hissa mol oldi, unga suv qo'shib yigirma hissa qilib sotdi. Bunaqasini birinchi marta ko'rib turibman. Yo alhazar! Nima qilay, damini chiqarvoraymi? — dedi birkam million Shaytonvachchaga.

— Yo'q, — dedi Shaytonvachcha qat'iy.

— Tutunini chiqarvoraymi?

— Yo'q.

— Nima qil deysan?

— Tek qo'y. O'z hunari bilan bir emas, ikkita shaytonni baqa qilib qo'ydimi, qandini ursin...

## «ФИТНА»

### (ёки шайтон малайларининг иймонга келиши)

— Ҳай, киссавур болам, уялмисанми-а, бўйингни қара?

Бу Бисмилло холанинг овози эди. Киссовур холага бошдан-оёқ қараб, тиржайди:

— Киссовурда уят бўладими, она, уяти бўлса киссавурлик қиладими, жа оширвордиз-ку.

Кампир чуқур хўрсинди, ўзига безрайиб тикилиб турган йигитга оналарча меҳр билан деди:

— Гапинг рост, болам, одамзодда иймон билан уят бирга юради. Имонсизда уят, уятсизда иймон бўлмайди...

— Жа, дарровда иймонсизга чиқариб қўйманг, она, бизам Худони биламиз.

— Вой Худони биламиз деган тилингдан ойинг ўргилсин-а! Вой қоқиндиғ-а... Худони шайтон ҳам билади, болажоним. Худони биламан де-еб, шайтоннинг айтганини қилиб юрганинг чатоқ-да, болам.

— Бекор айтибсиз, мен бошлиғимни айтганини қиламан, шайтонни эмас, — кетишнинг пайидан бўлиб, ён-верига аланглади киссавур бола.

— Вой жавдираган кўзларингга онанг қоқиндиқ, сени. Бошлиғингни ўзи фирт шайтон бўлса-чи, болам?

Кетишга шайланиб турган киссавур бола бирдан бўшашиб тушди. Оёқ-қўллари қалтираб, ўтириб қолди-да, бошини кафтлари орасига олиб, пиқиллаб йиғлаб юборди. Шошиб қолган хола ўз боласидек елкаларини силаб, эркалай кетди:

— Қаеринг оғриб қолди болам, айтовур тортинма?

— Машетим, — деб у чап кўкрагининг устига қўлини босди.

Уни яқин ўртада ҳеч ким бунчалик болам-бўтам қилиб юрагини эзмаган эди. Ўлиб кетган онаси эсига тушиб, кўнгли бўшашди. Юрагига санчиқ кириб кетди.

— Касбинг ёмон-да, болам, касбинг қурсин...

## «FITNA»

### (yoki shayton malaylarining iymonga kelishi)

— Hay, kissavur bolam, uyalmisanmi-a, bo'yingni qara?

Bu Bismillo xolaning ovozi edi. Kissovur xolaga boshdan oyoq qarab, tirjaydi:

— Kissovurda uyat bo'ladimi, ona, uyati bo'lsa kissavurlik qiladimi, ja oshirvordiz-ku.

Kampir chuqur ho'rsindi, o'ziga bezrayib tikilib turgan yigitga onalarcha mehr bilan dedi:

— Gaping rost, bolam, odamzodda iymon bilan uyat birga yuradi. Imonsizda uyat, uyatsizda iymon bo'lmaydi...

— Ja, darrovda iymonsizga chiqarib qo'ymang, ona, bizam Xudoni bilamiz.

— Voy Xudoni bilamiz degan tilingdan oying o'rgilsin-a! Voy qoqindig'a... Xudoni shayton ham biladi, bolajonim. Xudoni bilaman de-eb, shaytonning aytganini qilib yurganing chatoq-da, bolam.

— Bekor aytibsiz, men boshlig'imni aytganini qilaman, shaytonni emas, — ketishning payidan bo'lib, yon-veriga alangladi kissavur bola.

— Voy javdiragan ko'zlaringga onang qoqindiq, seni. Boshlig'ingni o'zi g'irt shayton bo'lsa-chi, bolam?

Ketishga shaylanib turgan kissavur bola birdan bo'shashib tushdi. Oyoq-qo'llari qaltirab, o'tirib qoldida, boshini kaflari orasiga olib, piqillab yig'lab yubordi. Shoshib qolgan xola o'z bolasidek elkalarini silab, erkalay ketdi:

— Qayering og'rib qoldi bolam, aytovur tortinma?

— Mashetim, — deb u chap ko'kragingning ustiga qo'lini bosdi.

Uni yaqin o'rtada hech kim bunchalik bolam-bo'tam qilib yuragini ezmagan edi. O'lib ketgan onasi esiga tushib, ko'ngli bo'shashdi. Yuragiga sanchiq kirib ketdi.

— Kasbing yomon-da, bolam, kasbing qursin... yurak o'ynog'i... tashla bu ishni, oying o'rgilsin sandan.

юрак ўйноғи... ташла бу ишни, оинг ўргилсин сандан.

— Ташлолмийман, онажон, ташлолмийман, орқага йўл йўқ. Бошлиғим айтган пулини олиб бормасам ўша заҳоти осади...

Хола ўйланиб қолди. Киссовур ўмарган пулини аста холага узатди:

— Мени кечиринг, онажон, об кўйинг пулингизни, мана...

Хола шошиб, унинг кўлини қайтарди:

— Пул ўзингда қолсин, шу пул анови жаллод бошлиғингга етадими, етмаса айт болам, яна кўшаман. Бугунча бошқа ўғирлик қилмай турақол, юрагинг шундоғам санчиб турибди.

— Э, сиз ўзиз қанақасиз? У кўзларини каттакатта очиб холага тикилди: — Тавба, шунақасиям бўладими?

— Ҳа, мен ўзи шунақароқман, болам, — дея кампирнинг юз-кўзлари чарақлаб кетди, — ҳозир калламга бир фикр келди... у шундай фикрки, асти кўяверасан, айтайинми?

— Айтиш керак бўлса, айтинг!

— Шу бугундан бошлаб киссавурлик қилмайсан, тамом, вассалом. Бошлиғинг айтган пулни мана мандан олиб турасан...

— Сиздан? Вой тавба-ей, қачонгача?

— Аллоҳ хоҳлаганича.

— Бу сиз айтган ўша Шайтоннинг тегирмонига сув куйиш бўлмайдими, онажон?

— Билмадим, болам, биллолмадим, у ёғига Худо пошшо... Ишқилиб калламга шу фикр келиб қолдида, болам, айбга буюрмайсан. Ке, иккаламиз онабола бўлиб бор барака қилайлик!

— Бўпти, бор барака! — деб киссавур Бисмилло холанинг ўзига чўзилган кўлини олиб, ўпди?

— Аввал боши Худо, қолаверса бу икковимизнинг сиримиз, биров билмасин, гап шетта қолсин-а, қоқиндиқ?

— Қолди.

Бу ғалати савдонинг устида Шайтонвачча билан биркам миллион ҳам бор эдилар. Аслида киссавур-

— Tashlolmiyman, onajon, tashlolmiyman, orqaga yo‘l yo‘q. Boshlig‘im aytgan pulini olib bormasam o‘sha zahoti osadi...

Xola o‘ylanib qoldi. Kissovur o‘margan pulini asta xolaga uzatdi:

— Meni kechiring, onajon, ob qo‘ying pulingizni, mana...

Xola shoshib, uning qo‘lini qaytardi:

— Pul o‘zingda qolsin, shu pul anovi jallod boshlig‘ingga yetadimi, yetmasa ayt bolam, yana qo‘shaman. Buguncha boshqa o‘g‘irlik qilmay turaqol, yuraging shundog‘am sanchib turibdi.

— E, siz o‘ziz qanaqasiz? U ko‘zlarini katta-katta ochib xolaga tikildi: — Tavba, shunaqasiyam bo‘ladimi?

— Ha, men o‘zi shunaqaroqman, bolam, — deya kampirning yuz-ko‘zlari charaqlab ketdi, — hozir kallamga bir fikr keldi... u shunday fikrki, asti qo‘yaverasan, aytayinmi?

— Aytish kerak bo‘lsa, ayting!

— Shu bugundan boshlab kissavurlik qilmaysan, tamom, vassalom. Boshlig‘ing aytgan pulni mana mendan olib turasan...

— Sizdan? Voy tavba-ey, qachongacha?

— Alloh xohlaganicha.

— Bu siz aytgan o‘sha Shaytonning tegirmoniga suv quyish bo‘lmaydimi, onajon?

— Bilmadim, bolam, bilolmadim, u yog‘iga Xudo poshsho... Ishqilib kallamga shu fikr kelib qoldi-da, bolam, aybga buyurmaysan. Ke, ikkalamiz ona-bola bo‘lib bor baraka qilaylik!

— Bo‘pti, bor baraka! — deb kissavur Bismillo xolaning o‘ziga cho‘zilgan qo‘lini olib, o‘pdi?

— Avval boshi Xudo, qolaversa bu ikkovimizning sirimiz, birov bilmasin, gap shetta qolsin-a, qoqindiq?

— Qoldi.

Bu g‘alati savdoning ustida Shaytonvachcha bilan birkam million ham bor edilar. Aslida kissavurni kampirning hamyoniga ataylab shular tezlashgan edi. Ish bunaqasiga aylanib ketdi.

ни кампирнинг ҳамёнига атайлаб шулар тезлашган эди. Иш бунақасига айланиб кетди.

— Тавба, — деди биркам миллион кўзлари пешонасига чиқиб, — киссавурга пора берган одам боласини энди кўришим. Шунақаси ҳам бўлар экан-да, а?

— Нимага ҳайрон бўласан, бизам одам болаларини йўлдан урайлик деб нималар қилмаймиз. Нене боши берк кўчаларга бош суқамиз. Юришмай қолган ишларини юргазворамиз, қидириб юрган нарсаларини йўқ жойдан топиб берамиз. Бу жодугар кампир ҳам ўзидан, пулидан кечиб, шунақа йўлини қияпти-да!

— Жон қийналмаса, жонона қайда, дегин?

— Ўлма, «бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур» деган, мақолни эсга олсак, бу ерда, албатта, бир гап бор! Ҳа, майли, подадан олдин чанг чиқармайлик. Кўрайлик-чи, кампиршонинг ҳотамтойлиги қаергача бораркин?

Шу куни «Думи тугиклар» мадрасасида хушxabар тарқалди. Нима эмиш киссавурлардан бири шайтонларнинг ашаддий душмани бўлган Бисмилло хола деган «жодугар»нинг ақчасини ўмарибди. Ҳатто, кампиршонинг манамен деган қоровул фаришталари ҳам киссавурнинг устамонлиги олдида ип эшолмай қолишибди. Эртасига шунга ўхшаш яна бир гап тарқалди: «Кечаги киссавур бугун яна бир бошқа тақводорни шўрини қуритибди». Хуллас, «киссавур болам» икки сидра, уч сидра фаришталар билан ҳимояланган, савдосидан ҳар доим хайр-эҳсон қилиб турадиган, закотини вақтида, ортиғи билан бериб турадиган тақводорларни кундан-кун «қақшатаверибди». Бундай ўғирлик «думи тугиклар» мадрасаси учун катта мартаба эди. Аҳли тақводорларга яқинлашишнинг ўзи бўлмас экан-да. Қилган эҳсонлари, закотлари молни ҳам, ўзини ҳам шайтон ўйинларидан асрашга каффорат экан. Натижа нима билан тугабди, ўғрибошини бўшатиш-у, ўрнига «киссавур болам»ни қўйиш билан тугабди. Зўрдан-зўр чиққандан кейин қийин экан-да!

«Ўғригина болам»нинг калласи тарс ёрилай деб Бисмилло холага рўбарў бўлди.

— Tavba, — dedi birkam million ko'zlari peshonasiga chiqib, — kissavurga pora bergan odam bolasini endi ko'rishim. Shunaqasi ham bo'lar ekan-da, a?

— Nimaga hayron bo'lasan, bizam odam bolalarini yo'ldan uraylik deb nimalar qilmaymiz. Ne-ne boshi berk ko'chalarga bosh suqamiz. Yurishmay qolgan ishlarini yurgazvoramiz, qidirib yurgan narsalarini yo'q joydan topib beramiz. Bu jodugar kampir ham o'zidan, pulidan kechib, shunaqa yo'lini qilyapti-da!

— Jon qiynalmasa, jonona qayda, degin'?

— O'lma, «bir balosi bo'lmasa, shudgorda quyruq na qilur» degan, maqolni esga olsak, bu yerda, albatta, bir gap bor! Ha, mayli, podadan oldin chang chiqarmaylik. Ko'raylik-chi, kampirshoning hotam-toyligi qayergacha borarkin?

Shu kuni «Dumi tugiklar» madrasasida xushxabar tarqaldi. Nima emish kissavurlardan biri shaytonlarning ashaddiy dushmani bo'lgan Bismillo xola degan «jodugar»ning aqchasini o'maribdi. Hatto, kampirshoning manamen degan qorovul farishtalari ham kissavurning ustamonligi oldida ip esholmay qolishibdi. Ertasiga shunga o'xshash yana bir gap tarqaldi: «Kechagi kissavur bugun yana bir boshqa taqvodorni sho'rini quritibdi». Xullas, «kissavur bolam» ikki sidra, uch sidra farishtalar bilan himoyalangan, savdosidan har doim xayr-ehson qilib turadigan, zakotini vaqtida, ortig'i bilan berib turadigan taqvodorlarni kundan-kun «qaqshataveribdi». Bunday o'g'irlik «dumi tugiklar» madrasasi uchun katta martaba edi. Ahli taqvodorlarga yaqinlashishning o'zi bo'lmas ekan-da. Qilgan ehsonlari, zakotlari molni ham, o'zini ham shayton o'yinlaridan asrashga kafforat ekan. Natija nima bilan tugabdi, o'g'riboshini bo'shatish-u, o'rniga «kissavur bolam»ni qo'yish bilan tugabdi. Zo'rdan-zo'r chiqqandan keyin qiyin ekan-da!

«O'g'rigina bolam»ning kallasi tars yorilay deb Bismillo xolaga ro'baro' bo'ldi.

— Meni nima qilib qo'ydingiz, onajon. Qordan qochib, yomg'irga tutildim-ku. Men o'g'ri boshi

— Мени нима қилиб қўйдингиз, онажон. Қордан қочиб, ёмғирга тутилдим-ку. Мен ўғри боши бўлсам-а, вой бў-ў-ў... Сизгаям ишонмай қолдим, онажон...

— Вой-й-й, — рўмолининг учини оғзига босиб кулди хола, — бу яхшиликка болам, ҳа, яхшиликка. Бу фақат Аллоҳимнинг бизга бўлган меҳрибончилигидан бошқа нарса эмас, ҳа улугъ неъматнинг устида турибсан, болам...

— Э-э-э... ўғрибошилиғ-а? Қўйинг-е...

— Ҳа, болам, ҳа... Сен олдин гапга қулоқ сол. Ҳа, шошма, оғир бўл. Бунақа ҳодисотлар кўп бўлган. Кўҳна дунё деб қўйибдилар, буни. Бир хил юртларда аввал қавми мусулмон бўлган, кейин қарабсан-ки, пошшоси. Бир хил юртларда аввал пошшоси мусулмон бўлган, кейин қавми. Сеники кейингисидан. Сенам ҳозир ўз қавмингни пошшосисан. Ўтир десанг, ўтиришади, тур десанг туришади. Битта фармони олий билан ҳамма ёқни остин-устун қиворишинг мумкин, тўғрими, жоним болам? Бунинг учун энг аввало қавминг олдида ўзинг тавба қилишинг, ўзинг иймонга келишинг керак. Киссовурлик шайтон йўли эканлигини уларга рўйи-рост айтишинг керак ...Қарабсанки, олам гулистон бўлиб турибди-да. Қўрқма сен шайтон йўлидан чиқиб, Аллоҳ йўлига киряпсан, Яратганнинг ўзи сени қўллайди...

Эртасига «Думи тугуклар» мадрасасида бамисоли бўрон турди. Осмон узилиб ерга тушди. Мадраса гум-базлари у ёқдан, бу ёққа бориб келиб турди. Ҳамма нарса остин-устин бўб кетди. Ҳа, оламшумул воқеа содир бўлди. Киссовурлар, ўғрилар, қароқчилар бошлиқларининг йўлига юриб, Аллоҳга тавба қилишди, иймонга келишди. Тижоратчи-ю, тужжорлар тинчиб, бозорга бир кунда файз кирди-қолди.

— Оҳ, — деди биркам миллион Шайтонваччанинг ҳиқилдоғидан олиб, — ўлай агар биздан шайтон чиқмайди, бу фитнани билиб туриб, олдини ололмадик...

— Тис-с-с, — деди Шайтонвачча бармоғини лабига босиб, — гап шетта қолсин, ҳеч ким билмасин!..



bo'lsam-a, voy bo'-o'-o'... Sizgayam ishonmay qoldim, onajon...

— Voy-y-y, — ro'molining uchini og'ziga bosib kuldi xola, — bu yaxshilikka bolam, ha, yaxshilikka. Bu faqat Allohning bizga bo'lgan mehribonchiligidan boshqa narsa emas, ha ulug' ne'matning ustida turibsan, bolam...

— E-e-e... o'g'riboshilig'-a? Qo'ying-e...

— Ha, bolam, ha... Sen oldin gapga quloq sol. Ha, shoshma, og'ir bo'l. Bunaqa hodisotlar ko'p bo'lgan. Ko'hna dunyo deb qo'yibdilar, buni. Bir xil yurtlarda avval qavmi musulmon bo'lgan, keyin qarabsan-ki, poshshosi. Bir xil yurtlarda avval poshshosi musulmon bo'lgan, keyin qavmi. Seniki keyingisidan. Senam hozir o'z qavmingni poshshosisan. O'tir desang, o'tirishadi, tur desang turishadi. Bitta farmoni oliy bilan hamma yoqni ostin-ustun qivorishing mumkin, to'g'rimi, jonim bolam? Buning uchun eng avvalo qavming oldida o'zing tavba qilishing, o'zing iymonga kelishing kerak. Kissovrlik shayton yo'li ekanligini ularga ro'yi-rost aytishing kerak ...Qarabsanki, olam guliston bo'lib turibdi-da. Qo'rqma sen shayton yo'lidan chiqib, Alloh yo'lga kirypsan, Yaratganning o'zi seni qo'llaydi...

Ertasiga «Dumi tuguklar» madrasasida bamisoli bo'ron turdi. Osmon uzilib yerga tushdi. Madrasa gumbazlari u yoqdan, bu yoqqa borib kelib turdi. Hamma narsa ostin-ustun bo'b ketdi. Ha, olamshumul voqea sodir bo'ldi. Kissovrliklar, o'g'rilar, qaroqchilar boshliqlarining yo'lga yurib, Allohga tavba qilishdi, iymonga kelishdi. Tijoratchi-yu, tujjorlar tinchib, bozorga bir kunda fayz kirdi-qoldi.

— Oh, — dedi birkam million Shaytonvachchaning hiqildog'idan olib, — o'lay agar bizdan shayton chiqmaydi, bu fitnani bilib turib, oldini ololmadik...

— Tis-s-s, — dedi Shaytonvachcha barmog'ini labiga bosib, — gap shetta qolsin, hech kim bilmasin!..

## ФАРМОНИ ОЛИЙ

(ёки фармонга Шайтонваччанинг биринчилардан бўлиб жавоб бериши)

Бозорнинг бирданига сув сепгандек тартибга келиб қолиши, норозиликларнинг пасайиши «Думи тугиклар» мадрасасининг талабаси-ю, ўқитувчи, мудариссларигача ташвишга солиб қўйди. Айни пайтда бу «қўпоровчилик» иши одам болалари томонидан жуда устамонлик билан уюштирилганлиги ва бунга жуда катта маблағ ташланганлиги маълум бўлиб қолди. Ҳаммаси ҳушёрликнинг йўқолгани-ю, шайтонларнинг ўз жамоалари шон-шарафини эмас, балки ўз ҳавойи-нафсларини ўйлаб кетганларига бориб тақалди. Шундай қилиб, «Думи тугиклар» мадрасаси ушбу воқеадан даҳшатга тушиб, фармони олий эълон қилди. У қуйидагилар эди:

1. Бизга душман бўлган одам болалари орасида айғоқчилик ишлари янада кучайтирилсин!

2. Айғоқчилик ишларида бизга ёрдам бериши мумкин бўлган (шайтон малайлари) одам болаларини кўпроқ жалб қилиш масалалари ўйлаб кўрилсин!

3. Мадрасада (бозорда) «Энг олғир киссавур», «Энг безбет товламачи», «Энг ашаддий қароқчи», «Учига чиққан порахўр» мусобақалари ўтказилсин!

4. Ушбу фармони олийни бажаришда фаол бўлган шайтонлар муносиб тақдирланиб борилсин! Маблағ аялмасин!

Фармони олий яшин тезлигида чор-атрофга тарқалди. Шайтонлар ўзларини кўрсатиб қолиш учун шошиб қолишди. Айғоқчилик ишларини олиб бориш учун бошқалар биттадан одам танлаганда, Шайтонвачча бирданига икки кишини танлади. Бири эски кадрдони, писмиқ Хожа бўлса, иккинчиси жодугар Бисмилло хола эди. Шайтонвачча энди биринчи кунлардагидек етакчиси билан эшакминди ўйнамас, ўзи мустақил ишлар, ора-чора етакчисини ҳам эслаб қўярди. У ҳам ҳамма қатори овни дарвоза олдидан бошлар, чекига ким тушса қошдан-қовоқ қайтар-

## FARMONI OLIY

**(yoki farmonga Shaytonvachchaning birinchilardan bo'lib javob berishi)**

Bozorning birdaniga suv sepgandek tartibga kelib qolishi, noroziliklarning pasayishi «Dumi tugiklar» madrasasining talabasi-yu, o'qituvchi, mudarisslarigacha tashvishga solib qo'ydi. Ayni paytda bu «qo'poruvchilik» ishi odam bolalari tomonidan juda ustamonlik bilan uyushtirilganligi va bunga juda katta mablag' tashlanganligi ma'lum bo'lib qoldi. Hammasi hushyorlikning yo'qolgani-yu, shaytonlarning o'z jamoalari shon-sharafini emas, balki o'z havoyinafslarini o'ylab ketganlariga borib taqaldi. Shunday qilib, «Dumi tugiklar» madrasasi ushbu voqeadan dahshatga tushib, farmoni oliy e'lon qildi. U quyidagilar edi:

1. Bizga dushman bo'lgan odam bolalari orasida ayg'oqchilik ishlari yanada kuchaytirilsin!

2. Ayg'oqchilik ishlarida bizga yordam berishi mumkin bo'lgan (shayton malaylari) odam bolalarini ko'proq jalb qilish masalalari o'ylab ko'rihsin!

3. Madrasada (bozorda) «Eng olg'ir kissavur», «Eng bezbet tovlamachi», «Eng ashaddiy qaroqchi», «Uchiga chiqqan poraho'r» musobaqalari o'tkazilsin!

4. Ushbu farmoni oliyni bajarishda faol bo'lgan shaytonlar munosib taqdirlanib borilsin! Mablag' ayalmasin!

Farmoni oliy yashin tezligida chor-atrofga tarqaldi. Shaytonlar o'zlarini ko'rsatib qolish uchun shoshib qolishdi. Ayg'oqchilik ishlarini olib borish uchun boshqalar bittadan odam tanlaganda, Shaytonvachcha birdaniga ikki kishini tanladi. Biri eski qadrdoni, pismiq Xoja bo'lsa, ikkinchisi jodugar Bismillo xola edi. Shaytonvachcha endi birinchi kunlardagidek yetakchisi bilan eshakmindi o'ynamas, o'zi mustaqil ishlar, orachora yetakchisini ham eslab qo'yardi. U ham hamma qatori ovni darvoza oldidan boshlar, chekiga kim tushsa qoshdan-qovoq qaytarmay odam bolalarini yo'ldan urib,

май одам болаларини йўлдан уриб, ичкари бошларди. Тавба воқеасидан кейин «душман» тарафнинг ишлари юришиб кетган эди. Илгари бисмилло айтиб, ўнг оёқ билан бозорга кирадиганлар ўнтадан битта бўлса, энди тўртта... бештага тўғри келаётган эди. Ахир киссавурсиз бозор бўлади-ю, бозорчилар келишмайди. Жон деб келишар, яна бунақа бозорга одам болаларининг энг тақводорлари келарди. «Киссовурсиз бозор» деган сўз худди булутсиз кунда гумбирлаган момақалди роқдек чор атрофда акс-садо бераётган эди. Кўплар ишонмас, «киссавурсиз бозор ҳам бўлар эканми, киссавур ҳам бозорнинг хусни, ўшалар борки сал ўзингни йиғиштириб, юрасан, бўлмаса катта холангни уйида юргандек ёйилиб кетасан. Ҳа, бўри сахрога, айиқ ўрмонга, балиқ дарёга қандоқ ярашса киссавур ҳам бозорга шундоқ ярашади» дейдиган катта оғиз шайтон малайлари ҳам йўқ эмас эди. На илож, кўпчилик бўлгандан кейин, кўпни оғзига элак тутиб бўлмас экан-да.

Шайтонвачча шайтон бўлатуриб одам болаларининг битта феълига ҳечам тушуна олмасди. Аллоҳнинг исмини айтиб, бозорга ўнг оёқ билан кириб келиш шунчалар қийинми? Бунча қайсар булар?! Бундай пайтда Шайтонвачча ўз бобокалони Азозилнинг ҳам қайсар бўлганлиги ёдига тушарди-ю, шайтон бўлса ҳам икки юзи уятдан қизариб кетарди. Ўшанда бобокалони фаришталар орасида Азозил номи билан машҳур эди. Фаришталар ҳатто ундан дарс олишарди. Аллоҳ ер юзига ҳалифа қилиб Одамни яратди ва жамики мавжудотга Одамга сажда қилишни буюрди. Барчаси сажда қилдилар, амрни сўзсиз бажо келтирдилар. Аммо Азозил кибруҳаво қилди, мен оловдан яралганман, қора балчиғдан яралган махлуққа сажда қилмайман, деди. Шу билан ҳамма нарсадан маҳрум бўлди, Аллоҳнинг ҳузуридан қувилди. Шайтони лайин деган ном олди. Дўзах аҳлидан бўлди. Одам туфайли шу куйга тушган шайтон одамни йўлдан ураман деб Аллоҳга иддао қилди. «Бу бандамнинг иймонига боғлиқ, иймони бут бўлса ҳаргиз йўлдан уролмайсан, иймони суст бўлса

ichkari boshlardi. Tavba voqeasidan keyin «dushman» tarafning ishlari yurishib ketgan edi. Ilgari bismillo aytib, o'ng oyoq bilan bozorga kiradiganlar o'ntadan bitta bo'lsa, endi to'rtta... beshtaga to'g'ri kelayotgan edi. Axir kissavursiz bozor bo'ladi-yu, bozorchilar kelishmaydimi. Jon deb kelishar, yana bunaqa bozorga odam bolalarining eng taqvodorlari kelardi. «Kissovursiz bozor» degan so'z xuddi bulutsiz kunda gumbirlagan momaqaldiroqdek chor atrofda aks-sado berayotgan edi. Ko'plar ishonmas, «kissavursiz bozor ham bo'lar ekanmi, kissavur ham bozorning husni, o'shalar borki sal o'zingni yig'ishtirib, yurasan, bo'lmasa katta xolangni uyida yurgandek yoyilib ketasan. Ha, bo'ri sahroga, ayiq o'rmonga, baliq daryoga qandoq yarashsa kissavur ham bozorga shundoq yarashadi» deydigan katta og'iz shayton malaylari ham yo'q emas edi. Na iloj, ko'pchilik bo'lgandan keyin, ko'pni og'ziga elak tutib bo'lmas ekan-da.

Shaytonvachcha shayton bo'laturib odam bolalarining bitta fe'liga hecham tushuna olmasdi. Allohning ismini aytib, bozorga o'ng oyoq bilan kirib kelish shunchalar qiyinmi? Buncha qaysar bular?! Bunday paytda Shaytonvachcha o'z bobokaloni Azozilning ham qaysar bo'lganligi yodiga tushardi-yu, shayton bo'lsa ham ikki yuzi uyatdan qizarib ketardi. O'shanda bobokaloni farishtalar orasida Azozil nomi bilan mashhur edi. Farishtalar hatto undan dars olishardi. Alloh yer yuziga halifa qilib Odamni yaratdi va jamiki mavjudotga Odamga sajda qilishni buyurdi. Barchasi sajda qildilar, amrni so'zsiz bajo keltirdilar. Ammo Azozil kibruhavo qildi, men olovdan yaralganman, qora balchig'dan yaralgan maxluqqa sajda qilmayman, dedi. Shu bilan hamma narsadan mahrum bo'ldi, Allohning huzuridan quvildi. Shaytoni layin degan nom oldi. Do'zax ahlidan bo'ldi. Odam tufayli shu kuyga tushgan shayton odamni yo'ldan uraman deb Allohga iddao qildi. «Bu bandamning iymoniga bog'liq, iymoni but bo'lsa hargiz yo'ldan urolmaysan, iymoni sust bo'lsa unda u ham shunga yarasha jazosini

унда у ҳам шунга яраша жазосини олади» деган, жавоб бўлди. Шайтони лайин яна деди: «Эй Тангрим Сен одам болаларига масчитларни ибодатхона қилиб бердинг, мадрасаларни илмхона қилиб бердинг, уйинг Кабатуллоҳни таввофгоҳ қилиб бердинг, мен ва менинг зурриёдларимнинг мадрасаси, масжиди қай ер?» деди. Сенинг масжидинг ва мадрасанг бозордир, деган жавоб бўлди.

Мана, неча минг йилдирки, бозор шайтонларнинг масжиди, мадрасаси бўлиб келади. Буни яхши билган одам болалари бозор деганда анча хушёр тортиб қолишади. Олди-сотти ишлари бозорсиз битмайди-да. Шунга кўра отанг бозор, онанг бозор дейишади. Молнинг нархи пишса ҳам шу бозорда пишсади, бузулса ҳам шу бозорда бузулади. Мол ҳалол бўлса ҳам шу ерда ҳалол бўлади, ҳаром бўлса ҳам шу ерда ҳаром бўлади. Имонлиларга бозор бамисоли ҳожатбарор гўша. Имони сустларга-чи гуноҳи азимнинг уяси. Одам болалари кўпроқ олди-соттида, бозорларда синалади. Бир қарасанг бозор муқаддас жойга ўхшайди, бир қарасанг шайтоннинг уяси...

## МАДРАСАДА БАЙРАМ

**(ёки олий фармонга Шайтонваччанинг «лаббайи»)**

Бу гал Шайтонваччага кўринишдан қишлоқироқ, аммо ҳовлиқмароқ одам боласи йўлиқди. Шайтонвачча унинг елкасига минволиб, кўйнига қўл солса, бозорда унинг қиладиган иши йўқ экан. Эрта билан мол бозорда она-бола сигирни пуллаб, этикнинг кўнжига ҳамённи жойлаб, яримта билан оғизни мойлаб, адашиб бозорга кириб қолган жойи экан. Шунчаки йўл-йўлакай томоша деганларидек... Этик кўнжидаги пул ўғилга аталган, у бу йил ўқишга кириши керак.

— Томоша бўлса, томоша-да, — деди Шайтонвачча уни йўлга бошлаб, — кўнгиллари нимани хоҳлайди, бой ака, лекин айтиб қўяй, биззи даргоҳда

oladi» degan, javob bo'ldi. Shaytoni layin yana dedi: «Ey Tangrim Sen odam bolalariga maschitlarni ibodathona qilib berding, madrasalarni ilmhona qilib berding, uying Kabatullohni tavvofgoh qilib berding, men va mening zurriyodlarimning madrasasi, masjidi qay yer?» dedi. Sening masjidning va madrasang bozordir, degan javob bo'ldi.

Mana, necha ming yildirki, bozor shaytonlarning masjidi, madrasasi bo'lib keladi. Buni yaxshi bilgan odam bolalari bozor deganda ancha hushyor tortib qolishadi. Oldi-sotti ishlari bozorsiz bitmaydi-da. Shunga ko'ra otang bozor, onang bozor deyishadi. Molning narhi pishsa ham shu bozorda pishadi, buzulsa ham shu bozorda buzuladi. Mol halol bo'lsa ham shu yerda halol bo'ladi, harom bo'lsa ham shu yerda harom bo'ladi. Imonlilarga bozor bamisoli hojatbaror go'sha. Imoni sustlarga-chi gunohi azimning uyasi. Odam bolalari ko'proq oldi-sottida, bozorlarda sinaladi. Bir qarasang bozor muqaddas joyga o'xshaydi, bir qarasang shaytonning uyasi...

## MADRASADA BAYRAM

(yoki oliy farmonga Shaytonvachchanning «labbayi»)

Bu gal Shaytonvachchaga ko'rinishdan qishloqiroq, ammo hovliqmaroq odam bolasi yo'liqdi. Shaytonvachcha uning yelkasiga minvolib, qo'yniga qo'l solsa, bozorda uning qiladigan ishi yo'q ekan. Erta bilan mol bozorda ona-bola sigirni pullab, etikning qo'njiga hamyonni joylab, yarimta bilan og'izni moylab, adashib bozorga kirib qolgan joyi ekan. Shunchaki yo'l-yo'lakay tomosha deganlaridek... Etik qo'njidagi pul o'g'ilga atalgan, u bu yil o'qishga kirishi kerak.

— Tomosha bo'lsa, tomosha-da, — dedi Shaytonvachcha uni yo'lga boshlab, — ko'ngillari nimani hohlaydi, boy aka, lekin aytib qo'yay, bizzi dargohda tekin tomoshaning o'zi yo'q. Bor deydiganlar

текин томошанинг ўзи йўқ. Бор дейдиганлар чучварани ҳам санашибди. Қандай қилиб ҳамёнингиз бўшаб қолганини ҳали ўзингиз ҳам билмай қоласиз, а, лаббай!

Шайтонвачча ўз мижозини айиқ ўйнатувчилар олдига олиб борди. Бу ерда бекорчи томошатаблаблар анчагина эди. Айиқ кўринмас, ҳойнаҳой анови парданинг орқасида бўлса керак. Томоша бошланишидан олдин «Бизни айиқполвон ундоқ томоша кўрсатади, бундоқ томоша кўрсатади, кўриб ёқа ушламасангиз ҳисобмас» деб биттаси пул йиғиб олди. Бой ака ҳам қизиқиб қолиб, пул узатди.

Ақчасини тўлаган томошатаблаблар «ундоқ қиворадиган, бундоқ қиворадиган» айиқ полвонни кўзлари тўрт бўлиб кута бошлашди. Бир маҳал парда очилиб, бир нарса гилдираб чиқиб келди. Ниҳоят, у тўхтаб, орқа оёқларида туриб, паҳмоқ қўллари билан чапак чалди. Томошатаблаблар кўз олдида итдан катгароқ, эчкидан кичикроқ айиқ боласи турарди. Айиқ боласи худди одамга ўхшаб у ёққа сакради, бу ёққа сакради, ўмбалоқ ошди, ишқилиб ёқа ушлаб «ёппирай» дегувчилар кўп бўлди. Шу пайт томошабинлар баттар бақа бўб қолишди. Айиқболанинг тўни ечилиб, ичидан сап-сарик бир болакай чиқиб келди.

— Туфе, — деб юборди Шайтонвачча ҳам, — бу одам болалари бир-бирининг пулини шилишда бизни ҳам ярим йўлда қолдириб кетишди.

Шайтонвачча Бой акасини энди илон ўйнатувчилар олдига етаклаб борди. Бу ерда анавундай кўзбўямачиликлар бўлмайти. Ўҳ-хў-ў-ў... чиндан ҳам бу ерда ҳақиқий томоша борарди. Ярим яланғоч, кетворган бир жувон бўйидан уч-тўрт баробар узун бўлган бўғма илон билан олишарди. Илон уни қаеридан қисса ўша ерини бўшатар, бечора хотин терлабпишиб кетган эди. Бой ака илондан кўрқар эканми, сесканиб, тарашадек қотиб қолди. Бечора аёлга чин дилдан ачинаётгани юз-кўзларидан шундоқ сезилиб турарди. Шу пайт бир одам этак тутиб:

— Қизимизни бу балодан қутулишини хоҳласангиз эҳсон қилинг, эҳсон — деб этак тутиб у ёқдан,



chuchvarani xom sanashibdi. Qanday qilib hamyoningiz bo'shab qolganini hali o'zingiz ham bilmay qolasiz, a, labbay!

Shaytonvachcha o'z mijozini ayiq o'ynatuvchilar oldiga olib bordi. Bu yerda bekorchi tomoshatalablar anchagina edi. Ayiq ko'rinmas, hoynahoy anovi pardaning orqasida bo'lsa kerak. Tomosha boshlanishidan oldin «Bizni ayiqpolvon undoq tomosha ko'rsatadi, bundoq tomosha ko'rsatadi, ko'rib yoqa ushlamasangiz hisobmas» deb bittasi pul yig'ib oldi. Boy aka ham qiziqib qolib, pul uzatdi.

Aqchasini to'lagan tomoshatalablar «undoq qivoradigan, bundoq qivoradigan» ayiq polvonni ko'zlari to'rt bo'lib kuta boshlashdi. Bir mahal parda ochilib, bir narsa g'ildirab chiqib keldi. Nihoyat, u to'xtab, orqa oyoqlarida turib, pahmoq qo'llari bilan chapak chaldi. Tomoshatalablar ko'z oldida itdan kattaroq, echkidan kichikroq ayiq bolasi turardi. Ayiq bolasi xuddi odamga o'xshab u yoqqa sakradi, bu yoqqa sakradi, o'mbaloq oshdi, ishqilib yoqa ushlab «yoppiray» deguvchilar ko'p bo'ldi. Shu payt tomoshabinlar battar baqa bo'b qolishdi. Ayiqbolaning to'ni echilib, ichidan sap-sariq bir bolakay chiqib keldi.

— Tufe, — deb yubordi Shaytonvachcha ham, — bu odam bolalari bir-birining pulini shilishda bizni ham yarim yo'lda qoldirib ketishdi.

Shaytonvachcha Boy akasini endi ilon o'ynatuvchilar oldiga yetaklab bordi. Bu yerda anavunday ko'zbo'yamachiliklar bo'lmaydi. O'h-ho'-o'-o'... chindan ham bu yerda haqiqiy tomosha borardi. Yarim yalang'och, ketvorgan bir juvon bo'yidan uch-to'rt barobar uzun bo'lgan bo'g'ma ilon bilan olishardi. Ilon uni qayeridan qissa o'sha yerini bo'shatar, bechora xotin terlab-pishib ketgan zdi. Boy aka ilondan qo'rqrar ekanmi, seskanib, tarashadek qotib qoldi. Bechora ayolga chin dildan achinayotgani yuz-ko'zlaridan shundoq sezilib turardi. Shu payt bir odam etak tutib:

— Qizimizni bu balodan qutulishini xohlasangiz ehson qiling, ehson — deb etak tutib u yoqdan, bu

бу ёққа юра бошлади, — садақа радди бало, биродарлар, радди бало...

Одамлар шошиб-пишиб пул ташлай бошлашди. Уларнинг фикри ёди чиройли, кетворган аёлда-ю, унинг таранг, силлиқ баданида сирғалаётган баҳайбат илонда эди.

— Мени уялтирманг, бой ака, — деб Шайтонвачча ўз мижозининг қулоғига шивирлади, — бир мардлик қилинг, ҳа!

Шошиб қолган Бой ака чўнтагида қанча пули бўлса барини ташлади. Аммо хавотирланиб этигининг кўнжини ушлаб қўйди.

— Хотиржам бўлсинлар, — деди Шайтонвачча унга, — бу бозорнинг чўнтакесарлари, кечагина тавба қилишиб, қасам ичишган. Иккинчи бу йўлга кирмайдиган бўлишган.

У ёқда кетворган аёл билан баҳайбат илон ўртасида олишув давом этар экан, Шайтонвачча андек хаёлга берилди. Одам ота, мома Ҳаво, Илон ва бобокалони ўртасидаги қадимги тарихий ривоятни эслаб кетди. Ўшанда бобокалони Одам отага сажда қилмагандан кейин Жаннатдан Ерга тушди. У Одам ота билан момо Ҳаввони ҳам худди ўзидек Жаннатдан қувилишини жуда-жуда хоҳларди. Ҳа, қандай қилиб бўлмасин ўч олишни ўйларди. Бунинг учун Жаннатга қайтиб кириши керак эди. Киросаёқ бас. У ёғига нима қилишни ўзи билади. Жаннатда Аллоҳ уларга ейишни ман қилган бир мева бор. Ўшани у қилиб, бу қилиб едира олсаёқ бас, муродига етади. Шайтони лайин шу ниятда Жаннатнинг эшиклари оғзида ўралашиб юраверди. Кунлардан бир кун шайтон эшик оғзида илонни кўриб қолди. Илон момо Ҳаввонинг энг яқин дугонаси эди. У жудаям чиройли, истарали ҳозиргидек судралиб эмас, икки оёқда солланиб, солланиб юрарди. Бадбашара, совуқдан-совуқ эмас эди. Шайтон илондан нима қилиб бўлса ҳам Жаннатга олиб кириб кетишни илтимос қилди. Ҳа, роса ялинди.

— Йўқ, — деди илон, — сен Жаннатдан қувилгансан, у ёққа сенга йўл йўқ...

yoqqa yura boshladi, — sadaqa raddi balo, birodarlar, raddi balo...

Odamlar shoshib-pishib pul tashlay boshlashdi. Ularning fikri yodi chiroyli, ketvorgan ayolda-yu, uning tarang, silliq badanida sirg'alayotgan bahaybat ilonda edi.

— Meni uyaltirmang, boy aka, — deb Shaytonvachcha o'z mijozining qulog'iga shivirladi, — bir mardlik qiling, ha!

Shoshib qolgan Boy aka cho'ntagida qancha puli bo'lsa barini tashladi. Ammo xavotirlanib etigining qo'njini ushlab qo'ydi.

— Xotirjam bo'lsinlar, — dedi Shaytonvachcha unga, — bu bozorning cho'ntakkesarlari, kechagina tavba qilishib, qasam ichishgan. Ikkinchi bu yo'lga kirmaydigan bo'lishgan.

U yoqda ketvorgan ayol bilan bahaybat ilon o'rtasida olishuv davom etar ekan, Shaytonvachcha andek xayolga berildi. Odam ota, moma Havo, Ilon va bobokaloni o'rtasidagi qadimgi tarixiy rivoyatni eslab ketdi. O'shanda bobokaloni Odam otaga sajda qilmagandan keyin Jannatdan Yerga tushdi. U Odam ota bilan momo Havvoni ham xuddi o'zidek Jannatdan quvilishini juda-juda xohlardi. Ha, qanday qilib bo'lmasin o'ch olishni o'ylardi. Buning uchun Jannatga qaytib kirishi kerak edi. Kirolsayoq bas. U yog'iga nima qilishni o'zi biladi. Jannatda Alloh ularga yeyishni man qilgan bir meva bor. O'shani u qilib, bu qilib yedira olsayoq bas, murodiga yetadi. Shaytoni layin shu niyatda Jannatning eshiklari og'zida o'ralashib yuraverdi. Kunlardan bir kun shayton eshik og'zida ilonni ko'rib qoldi. Ilon momo Havvoning eng yaqin dugonasi edi. U judayam chiroyli, istarali hozirgidek sudralib emas, ikki oyoqda sollanib, sollanib yurardi. Badbashara, sovuqdan-sovuq emas edi. Shayton ilondan nima qilib bo'lsa ham Jannatga olib kirib ketishni iltimos qildi. Ha, rosa yalindi.

— Yo'q, — dedi ilon, — sen Jannatdan quvilgansan, u yoqqa senga yo'l yo'q...

— Оғзингдаги нима у, — сўради шайтон илонни чалғитиб?

— Ҳеч нима.

— Оғзингда нимадир бор, мендан яширяпсан?

— Мана кўр, ҳеч нарса йўқ — деб илон оғзини очди.

Шайтонга шугина керак эди. У бир думалади-да чивинга айланиб, илоннинг тилини тагига кириб олди. Илон бу ҳийлани билмай қолди ёки билса ҳам билмасликка олди. Сайру саёҳатдан кейин илон дугонаси момо Ҳаввонинг ёнига боришини шайтон биларди. Шундай ҳам бўлди. Момо Ҳавво дугонаси илондан қайларда бўлганини сўради. Шунда шайтон илоннинг тилидан гапира бошлади:

— Жаннат дарвозаларидан бирининг оғзида шайтонни учратиб қолдим. У сен ва Одамнинг яқин кунларда Жаннатдан қувилишларингни хабарини айтди. Агарда Аллоҳ ман қилган ўша мевани есаларинг Жаннатда мангу қолишларинг мумкин экан... Бўлмаса, ҳолингларга вой...

Момо Ҳавво дугонам менга содиқ, рост гапиряпти деб ўйлади. Шайтон гапираётганини хаёлига ҳам келтирмади. Одам отага ҳам айтмасдан шошиб, мевани еб қўйди. Бу ишдан Одам ота кўп афсус чекди. Лекин энди кеч бўлган эди. Охири Одам ота ҳам ейишга мажбур бўлди. Аллоҳ ман қилган нарса-ни ихтиёр қилганлари учун улар ҳам Жаннатдан чиқарилдилар. Шу қатори бунга сабабчи бўлиб қолган илон ҳам. Илон бу қилган айби учун гўзал бир махлуқдан, ранги совуқ, судралиб юрувчига айланди ва одам болалари кўзидан нари юрадиган бўлди.

Анови хотин билан илон ўртасидаги олишув ўша ўтмишдаги ўзаро душманликнинг бир кўринишига ўхшарди. Бу тенгсиз курашда ниҳоят аёл енгди. Баҳайбат илон енгилганини тан олиб алам билан ерда тўлғана бошлади. Қарсақлар янграб кетди. Одам болалари бу томошага қойил қолдилар. Бой акамиз ҳам.

Шайтонвачча Бой акасини дорбозлар, кўғирчоқ-бозлар, кўзбўямачиларга рўбарў қилиб, кўнглини янаям чоғ қилди. Охири шайтон малайларидан бўлган лўли фолбунга юзма-юз қилди.

— Og‘zingdagi nima u, — so‘radi shayton ilonni chalg‘itib?

— Hech nima.

— Og‘zingda nimadir bor, mendan yashiryapsan?

— Mana ko‘r, hech narsa yo‘q — deb ilon og‘zini ochdi.

Shaytonga shugina kerak edi. U bir dumaladi-da chivinga aylanib, ilonning tilini tagiga kirib oldi. Ilon bu hiylani bilmay qoldi yoki bilsa ham bilmaslikka oldi. Sayru sayohatdan keyin ilon dugonasi momo Havvoning yoniga borishini shayton bilardi. Shunday ham bo‘ldi. Moma Havvo dugonasi ilondan qaylarda bo‘lganini so‘radi. Shunda shayton ilonning tilidan gapira boshladi:

— Jannat darvozalaridan birining og‘zida shaytonni uchratib qoldim. U sen va Odamning yaqin kunlarda Jannatdan quvilishlaringni xabarini aytdi. Agarda Alloh man qilgan o‘sha mevani yesalaring Jannatda mangu qolishlaring mumkin ekan... Bo‘lmasa, xolinglarga voy...

Momo Havvo dugonam menga sodiq, rost gapiryapti deb o‘yladi. Shayton gapirayotganini xayoliga ham keltirmadi. Odam otaga ham aytmasdan shoshib, mevani yeb qo‘ydi. Bu ishdan Odam ota ko‘p afsus chekdi. Lekin endi kech bo‘lgan edi. Oxiri Odam ota ham yeyishga majbur bo‘ldi. Alloh man qilgan narsani ixtiyor qilganlari uchun ular ham Jannatdan chiqarildilar. Shu qatori bunga sababchi bo‘lib qolgan ilon ham. Ilon bu qilgan aybi uchun go‘zal bir maxluqdan, rangi sovuq, sudralib yuruvchiga aylandi va odam bolalari ko‘zidan nari yuradigan bo‘ldi.

Anovi xotin bilan ilon o‘rtasidagi olishuv o‘sha o‘tmishdagi o‘zaro dushmanlikning bir ko‘rinishiga o‘hshardi. Bu tengsiz kurashda nihoyat ayol yengdi. Bahaybat ilon yengilganini tan olib alam bilan yerda to‘lg‘ana boshladi. Qarsaklar yangrab ketdi. Odam bolalari bu tomoshaga qoyil qoldilar. Boy akamiz ham.

Shaytonvachcha Boy akasini dorbozlar, qo‘g‘irchoq-bozlar, ko‘zbo‘yamachilarga ro‘baro‘ qilib, ko‘nglini yanayam chog‘ qildi. Oxiri shayton malaylaridan bo‘lgan lo‘li folbunga yuzma-yuz qildi.

— Бахтингиздан очайму, ока раис, тахтингизданму, — деб аканинг қўлига ёпишди фолбун.

Аканинг фолбунларга азалдан ҳуши йўқ эди. Уларни фирт алдамчи, товламачи деб биларди. Қишлоқда пайдо бўлиб, дарвозани тақиллатишса, итини қўйвориб, томошасини кўрарди. Аммо фолбуннинг «ока раис» дейиши ёғдек ёқиб кетди. Ҳа, қайси раисдан камман, дегандек этигининг кўнжига уриб қўйди. Шу билан бирга фолбунга илжайиб ҳам қўйди.

— Бўш келма, — деди Шайтонвачча фолбунга ва ока раис ҳақида билганларини унинг қулоғига шипшиди.

— Ов, — деди фолбун йўқотиб қўйган эски қадрдонини топиб олгандек, — она-бола сигирни зўр пуллабсиз, яхши кетибди, омадингизни берсун...

— Э, сен хотин мол бозоридамидинг? — шошиб сўради бой ака.

— Мен мол бозор қайда, билмайду. Мен шайда ўтираду, ҳамма нарсани шайда кўраду. Ҳа, этикнинг кўнжида нима чикин бор уни ҳам биладу, — деб фолбун қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Вой, жодугарей...

— Этикнинг кўнжидаги чикин бачанинг ўқишига пора, уни ҳам биладу, — дея яна кулди у.

— Э, сен бориб турган авлиёмисан, дейман?

— Сизну мандун икки кас наруда ка-а-а-та бахтиму-тахтиму кутиб туради, уни ҳам биладу.

— Бахт дейсанми валломат, қанақа бахт, вой тилингга шакар-ей?

— Бахт-ки... ў-ў-ў... этукни солуб, суюнчини чўзунг ока раис.

— Ма... ол, гапир, вой сени-ей!

— Сиз уйи муборакка самалўтда бораду.

— Э, бизга самалёт бормайди.

— Унда пойизда бораду.

— Пойизам бормайди.

— Ундо шундай бир чикин манглайи ярқираган уловда, ока раис бў-ли-иб бораду.

— Э бўлди, у ёғини тушундим, авлиё. Бундоқ биззи қишлоқларгаям бўриб тур, бўбтими? Ма ол, ҳадингдан ошма, айтганинг бўлсами, худди бошингдан зар сочаман...

— Baxtingizdan ochaymu, oka rais, tahtingizdanmu,— deb akaning qo‘liga yopishdi folbun.

Akaning folbunlarga azaldan hushi yo‘q edi. Ularni g‘irt aldamchi, tovlamachi deb bilardi. Qishloqda paydo bo‘lib, darvozani taqillatishsa, itini qo‘yvorib, tomoshasini ko‘rardi. Ammo folbunning «oka rais» deyishi yog‘dek yoqib ketdi. Ha, qaysi raisdan kamman, degandek etigining qo‘njiga urib qo‘ydi. Shu bilan birga folbunga iljayib ham qo‘ydi.

— Bo‘sh kelma, — dedi Shaytonvachcha folbunga va oka rais haqida bilganlarini uning qulog‘iga shipshidi.

— Ov, — dedi folbun yo‘qotib qo‘ygan eski qadr-donini topib olgandek, — ona-bola sigirni zo‘r pullabsiz, yaxshi ketibdi, omadingizni bersun...

— E, sen xotin mol bozoridamiding? — shoshib so‘radi boy aka.

— Men mol bozor qayda, bilmaydu. Men shayda o‘tiradu, hamma narsani shayda ko‘radu. Ha, etikning qo‘njida nima chikin bor uni ham biladu, — deb folbun qah-qah otib kuldi.

— Voy, jodugarey...

— Etikning qo‘njidagi chikin bachaning o‘qishiga pora, uni ham biladu, — deya yana kuldi u.

— E, sen borib turgan avliyomisan, deyman?

— Siznu mandun ikki kas naruda ka-a-a-ta baxtim-u taxtim-u kutib turadi, uni ham biladu.

— Baxt deysanmi vallomat, qanaqa baxt, voy tilingga shakar-ey?

— Baht-ki... o‘-o‘-o‘... etukni solub, suyunchini cho‘zung oka rais.

— Ma... ol, gapir, voy seni-ey!

— Siz uyi muborakka samalo‘tda boradu.

— E, bizga samalyot bormaydi.

— Unda poyizda boradu.

— Poyizam bormaydi.

— Undo shunday bir chikin manglayi yarqiragan ulovda, oka rais bo‘-li-ib boradu.

— E bo‘ldi, u yog‘ini tushundim, avliyo. Bundoq bizzi qishloqlargayam bo‘rib tur, bo‘btimi? Ma ol, hadingdan oshma, aytganing bo‘lsami, xuddi boshingdan zar sochaman...

Шайтонвачча фолбуннинг «шундай бир чикин манглайи ярқираган уловда» деганидан кейин око раисни лоторея ўйновчиларга рўпара қилди. Око раис мошина ютар эканман, фолбун башорат қилди деб, салда бор бутини бой берди. Сарик чақасиям қолмади. Бу пайтда кун уфққа оғиб, бозор тугаб борарди.

Шайтонвачча ҳозиргина бир қараса Бой ака, бир қараса око раис бўб турган одам боласининг бир паста ели чиққан пуфакдек шалвираб қолганини кўриб, устидан роса кулди. Око раис бирорта таниш-паниш учраб қолармикан, йўлкира олсам деб, ён атрофга мўлтираб қарай бошлади. Бирдан унга Шайтонваччанинг раҳми келиб кетди. Ўзи бу Шайтонваччанинг хомлиги ҳам шайтонга ўхшамаган кўнгилчанглигида эди. Бошига ёғиладиган ҳамма балолар ҳам шундан эди.

Шайтонвачча секингина ока раисдан сўради:

— Ока раис, киссавурчиликка қалайсиз?  
— Болаликда бўлган, ҳандалак-пандалак...дегандек.

— Шундай денг, унда юринг қовунчиларнинг олдига борамиз.

Қовунпурушларнинг орасида биттаси бор эди. Сотишга қолганда устаси фаранг эди-ю, аммо пул санашга қолганда, пулнинг ҳидига қичимам бор, деб бировга санатарди. Ҳозир айна пул санайдиган палла. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шайтонвачча узоқданок ҳалиги одамни таниди. Атрофга жавдираб, ўзига маъқулроқ одам қидиряпти. Око раисни у билан юзма-юз қилди.

— Ҳов биродар қовун олмоқчимисан? — мурожаат қилди у око раисга.

— Ҳа, йў-ў-ў... ўзим қовунни ичидан келганман, кўриб турибсиз-у...

— Унда сенга ишонса бўлар экан, ўзимиздан экансан, бу ёққа ўт, жиндек юмуш бор...

Око раис қовунчининг ёнига ўтди-да, унинг оёғи тагида турган бир халта пулни кўриб, юзини четга бурди. Этик кўнжидаги пуллар кўз олдига келиб, юраги ачишиб кетди.

— Ҳа, сениям пулдан қичима касалинг борми, — биродар.



Shaytonvachcha folbunning «shunday bir chikin manglayi yarqiragan ulovda» deganidan keyin oko raisni lotoreya o'ynovchilarga ro'para qildi. Oko rais moshina yutar ekanman, folbun bashorat qildi deb, salda bor butini boy berdi. Sariq chaqasiyam qolmadi. Bu paytda kun ufqqa og'ib, bozor tugab borardi.

Shaytonvacha hozirgina bir qarasa Boy aka, bir qarasa oko rais bo'b turgan odam bolasining bir pasta eli chiqqan pufakdek shalvirab qolganini ko'rib, ustidan rosa kuldi. Oko rais birorta tanish-panish uchrab qolarmikan, yo'lkira olsam deb, yon atrofga mo'ltirab qaray boshladi. Birdan unga Shaytonvachchanning rahmi kelib ketdi. O'zi bu Shaytonvachchanning xomligi ham shaytonga o'xshamagan ko'ngilchangligida edi. Boshiga yog'iladigan hamma balolar ham shundan edi.

Shaytonvachcha sekingina oka raisdan so'radi:

— Oka rais, kissavurchilikka qalaysiz?

— Bolalikda bo'lgan, handalak-pandalak... degandek.

— Shunday deng, unda yuring qovunchilarning oldiga boramiz.

Qovunpurushlarning orasida bittasi bor edi. Sotishga qolganda ustasi farang edi-yu, ammo pul sanashga qolganda, pulning hidiga qichimam bor, deb birovga sanatardi. Hozir ayni pul sanaydigan palla. Hamma o'zi bilan o'zi ovora. Shaytonvachcha uzoqdanoq haligi odamni tanidi. Atrofga javdirab, o'ziga ma'qulroq odam qidiriyapti. Oko raisni u bilan yuzma-yuz qildi.

— Hov birodar qovun olmoqchimisani? — murojaat qildi u oko raisga.

— Ha, yo'-o'-o'... o'zim qovunni ichidan kelganman, ko'rib turibsiz-u...

— Unda senga ishonsa bo'lar ekan, o'zimizdan ekansan, bu yoqqa o't, jindek yumush bor...

Oko rais qovunchining yoniga o'tdi-da, uning oyog'i tagida turgan bir halta pulni ko'rib, yuzini chetga burdi. Etik qo'njidagi pullar ko'z oldiga kelib, yuragi achishib ketdi.

— Ha, seniyam puldan qichima kasaling bormi, — birodar.

— Ҳа, йў-ўқ, — довдиради ока раис.

— Бўмаса, шу пулли расимини расимига тўғри-  
лаб санашворасан, қўрқма чўталининг оласан...

Ока раис жон деб пулнинг устига чўкди. Шай-  
тонвачча бунақа пайтда нима қилишни яхши билар-  
ди. Қовунпуриш, типирчилаб қолди.

— Кара-я, ошна, — деди у тоқатсизланиб, —  
нукул шунақа қалтис пайтда заҳар танг қилиб қола-  
ди-да, яна ҳожатхона қайда дегин, ҳов тупкани та-  
гида. Асти унақа нарсалар қовун-тарвуз бозорига яқин  
қурилмайдими? Ов... ичим буриб қолди-ку... сен шош-  
масдан санайвер оғайни, мен ҳозир...

Ока раис бир пулга, бир чопиб кетаётган қовун-  
фурушга қараб анқайиб қолди.

— Ҳов, ока раис — деди Шайтонвачча уни ўзига  
келтириб, — пулни қишлоққа обориб санасаям бўла-  
ди, фолбун айтган бир нима чикин шу бўлади,  
бўшашманг, ҳе аммамни бузоғи...

Ока раис халтани қўлтиққа урди-ю, қуённинг  
расмини чизди...

Шу куни «Думи тугиклар» мадрасасида байрам  
бўб кетди, байрам. Карнай-сурнайлар чалинди. Зиё-  
фатлар берилди. Нима эмиш, бозорда янгитган кис-  
савур пайдо бўлганмиш...

## ШАРАФ ТОЖИ

(ёки Шайтонваччанинг уни киймагани ҳақида)

Шайтонваччанинг одам болаларига қилган бу гал-  
ги кўнгилчанлиги унга омад олиб келди. Уни ўртага  
чиқариб олқишлашмоқчи, бошига мадрасанинг ша-  
раф тожини кийдирмоқчи бўлишди. Аммо Шайтон-  
вачча унамади.

— Мен бу ишни олқиш учун қилмадим, шай-  
тонлик вазифам, бурчим деб қилдим. Шараф тожи-  
ни кийишга ҳали ёшлиқ қиламан, — деди.

Унинг бу камтарлиги обрўсини янаям ошириб  
юборди. Ҳа, камтарга камол деганлари шу бўлса  
керак-да. Катталарни ҳайрон қоларли даражада лол

— Ha, yo‘o‘q, — dovdiradi oka rais.

— Bo‘masa, shu pulli rasimini rasimiga to‘g‘rilab sanashvorasan, qo‘rqma cho‘talingni olasan...

Oka rais jon deb pulning ustiga cho‘kdi. Shaytonvachcha bunaqa paytda nima qilishni yahshi bilardi. Qovunpurish, tipirchilab qoldi.

— Qara-ya, oshna, — dedi u toqatsizlanib, — nuqul shunaqa qaltis paytda zahar tang qilib qoladi-da, yana hojathona qayda degin, hov tupkani tagida. Asti unaqa narsalar qovun-tarvuz bozoriga yaqin qurilmaydimi? Ov... ichim burib qoldi-ku... sen shoshmasdan sanayver og‘ayni, men hozir...

Oka rais bir pulga, bir chopib ketayotgan qovunfurushga qarab anqayib qoldi.

— Hov, oka rais — dedi Shaytonvachcha uni o‘ziga keltirib, — pulni qishloqqa oborib sanasayam bo‘ladi, folbun aytgan bir nima chikin shu bo‘ladi, bo‘shashmang, he ammamni buzog‘i...

Oka rais xaltani qo‘ltiqqa urdi-yu, quyonning rasmini chizdi...

Shu kuni «Dumi tugiklar» madrasasida bayram bo‘b ketdi, bayram. Karnay-surnaylar chalindi. Ziyofatlar berildi. Nima emish, bozorda yangittan kissavur paydo bo‘lganmish...

## SHARAF TOJI

### (yoki Shaytonvachchaning uni kiymagani haqida)

Shaytonvachchaning odam bolalariga qilgan bu galgi ko‘ngilchanligi unga omad olib keldi. Uni o‘rtaga chiqarib olqishlashmoqchi, boshiga madrasaning sharaf tojini kiydirmoqchi bo‘lishdi. Ammo Shaytonvachcha unamadi.

— Men bu ishni olqish uchun qilmadim, shaytonlik vazifam, burchim deb qildim. Sharaf tojini kiyishga hali yoshlik qilaman, — dedi.

Uning bu kamtarligi obro‘cini yanayam oshirib yubordi. Ha, kamtarga kamol deganlari shu bo‘lsa

қолдирди. Яна унинг шаънига ҳамду санолар айтилди:

— Баракалла, Миллион биринчи, жамоамизнинг фожиаси ҳам шунда... Сен бурч, вазифа ҳақида гапирдинг... Э, ҳ-а-а... бу муқаддас сўзлар мадрасамизда бугун қуруқ сафсата бўб қолди, сафсата. Аслида-чи, фақат ўзимизни, ўз нафсимизни ўйлаймиз... Агарда ҳаммамиз сенга ўхшаганимизда борми, мадрасамиз тагига бунчалик сув кетмаган бўларди...

Шайтонвачча «Шараф тожи»дан шунчаки олифтагарчиликка воз кечмади. Йўқ, у ўзининг хомлигидан кўрқди. Эрта-индин қовун тушириб қўйса, нима бўлади? Шарманда-ю, шармисор бўладими?! Ундан кўра пақир киши панада бўлгани яхши.

Шайтонвачча шуларни ўйлаб, бир салқин жойни топиб шабадалаб ўтирган эди, биркам миллион келиб қолди.

— Қалай, энди мақтовлардан бошинг айланиб, кўзинг тиниб кетмаяптими? — деди нимагадир юқоридан келиб, — каминани қутлаб қўй, етакчиликдан ўқитувчиликка кўтарилдим.

— Қутлуғ бўсин!

— Ўзингга қуллуқ, буям сени орқангдан. Айтмовдимми, сенда бир гап бор деб. Қадаминг қутлуғ келди. Тавба... мен сенга яхши етакчилик қилган эмишман... Лекин тан олиб айтиш керак, сен билан ишлаш қизиқ. Мен нима деса «хўп» деб қўл қовуштириб турадиган муллаваччаларни ёқтирмайман. Унақалар билан устоз ҳам ўсмайди, шогирд ҳам. Аммо...

Биркам миллион шундай деб Шайтонваччага афсуслангандек қаради. Буни илғаган Шайтонвачча сергак тортди.

— Нимага тўхтаб қолдинг, гапир!

— Айғоқчиликда, одам болаларини танлашда сал шовшдинг-да. Анови Хожангни билмадим-ку, аммо анови жодугар кампирга бас келолмассанов...

— Сен Биркам миллион энди катта ўқитувчи бўлишингни биловур. У кунларга ҳам яқин қолди. Бу ёғини менга қўйиб бер. Мени улар билан алоҳида ҳисоб-китобларим бор.

— Ҳа, эсингда турсин Миллион биринчи, катта

kerak-da. Kattalarni hayron qolarli darajada lol qoldirdi. Yana uning sha'niga hamdu sanolar aytili:

— Barakalla, Million birinchi, jamoamizning fojiasi ham shunda... Sen burch, vazifa haqida gapirding... E, h-a-a... bu muqaddas so'zlar madrasamizda bugun quruq safsata bo'b qoldi, safsata. Aslida-chi, faqat o'zimizni, o'z nafsimizni o'ylaymiz... Agarda ham-mamiz senga o'xshaganimizda bormi, madrasamiz tagi-ga bunchalik suv ketmagan bo'lardi...

Shaytonvachcha «Sharaf toji»dan shunchaki oliftagarchilikka voz kechmadi. Yo'q, u o'zining homligidan qo'rqdi. Erta-indin qovun tushirib qo'ysa, nima bo'ladi? Sharmanda-yu, sharmisor bo'ladimi?! Undan ko'ra paqir kishi panada bo'lgani yaxshi.

Shaytonvachcha shularni o'ylab, bir salqin joyni topib shabadalab o'tirgan edi, birkam million kelib qoldi.

— Qalay, endi maqtovlardan boshing aylanib, ko'zing tinib ketmayaptimi? — dedi nimagadir yuqoridan kelib, — kaminani qutlab qo'y, yetakchilik-dan o'qituvchilikka ko'tarildim.

— Qutlug' bo'sin!

— O'zingga qulluq, buyam seni orqangdan. Aytmovdimmi, senda bir gap bor deb. Qadaming qutlug' keldi. Tavba... men senga yaxshi yetakchilik qilgan emishman... Lekin tan olib aytish kerak, sen bilan ishlash qiziq. Men nima desa «xo'p» deb qo'l qovushtirib turadigan mullavachchalarni yoqtirmayman. Unaqalar bilan ustoz ham o'smaydi, shogird ham. Ammo...

Birkam million shunday deb Shaytonvachchaga afsuslangandek qaradi. Buni ilg'agan Shaytonvachcha sergak tortdi.

— Nimaga to'xtab qolding, gapir!

— Ayg'oqchilikda, odam bolalarini tanlashda sal shoshding-da. Anovi Xojangni bilmadim-ku, ammo anovi jodugar kampirga bas kelolmassanov...

— Sen Birkam million endi katta o'qituvchi bo'lishingni bilovur. U kunlarga ham yaqin qoldi. Bu yog'ini menga qo'yib ber. Meni ular bilan alohida hisob-kitoblarim bor.

ўқитувчи бўлишим сенинг ҳисоб-китобларингга боғлиқ. Бошқа умид йўқ.

Шайтонваччанинг бирдан жаҳли чиқиб кетди.

— Сен учига чиққан аҳмоқсан Биркам миллион, — деди тилига эрк бериб.

— Жа ўзингдан кетма, ўқитувчи деган номим бор ахир... бундоқ ҳурмат-пурмат дегандек...

— Тупурдим ҳурматингга. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда бориб ўша жодугардан дарс олардим. Ҳа, душманни сиртида бўлгунча ичида бўл деган машойихлар.

— Дарс ол дейсанми, ўша жодугардан-а? Ҳайратдан биркам миллионнинг кўзлари пешонасига чиқиб кетди.

— Ақлни бир аҳмоқдан, бир ақлidan ўрган деган машойихлар. Сен бўлса одам болаларига ўхшаб нукул бировнинг орқасидан амалга минмоқчи бўласан... Мени орқамда пишириб қўйибдими, сенга. Орқамми тинч қўй...

— На илож, дўст ачитиб гапиреди дейишди, гапингга жон борга ўхшайди, миллион биринчи. Айтдим-ку сен билан ишлаш қизиқ деб... Ҳа, доим хушёр юрасан, мудрамайсан...Кетдик бўлмаса, дарс олгани...

— Олсак олибмизда, биздан нима кетди.

## ОҚЛИҚНИНГ ИШИ ҚИЙИН

**(ёки Шайтонвачча билан биркам миллионнинг ҳайратдан ёқа ушлаб қолганлари)**

Оқлиқлар растаси эрталабки олди-соттилардан сал тинчиб, эркин нафас олар, Бисмилло хола оппоқ халатлар, оппоқ рўмоллар ўраб, (бу тартиб Бисмилло хола растага кайвони бўлиб келгандан кейин йўлга қўйилган эди) фариштадек бўлиб ўтирган опаларга гап берарди:

— Оқлиқни иши қийин, қоқиндиқлар... ҳа, жуда қийин... Бекорга оқлиқ-ёруғлиқ демаган машойихлар. Эҳтиёт бўлмасанглр салга даптарни қора қилиб, чапакни чолиб қолиш ҳеч гапмас...

— Вой, даптар деб яхши эсга солдингиз, хола-

— Ha, esingda tursin Million birinchi, katta o'qituvchi bo'lishim sening hisob-kitoblaringga bog'liq. Boshqa umid yo'q.

Shaytonvachchaning birdan jahli chiqib ketdi.

— Sen uchiga chiqqan ahmoqsan Birkam million, — dedi tiliga erk berib.

— Ja o'zingdan ketma, o'qituvchi degan nomim bor axir... bundoq hurmat-purmat degandek...

— Tupurdim hurmatingga. Men sening o'rningda bo'lganimda borib o'sha jodugardan dars olardim. Ha, dushmanni sirtida bo'lguncha ichida bo'l degan mashoyihlar.

— Dars ol deysanmi, o'sha jodugardan-a? Hayratdan birkam millionning ko'zlari peshonasiga chiqib ketdi.

— Aqlni bir ahmoqdan, bir aqllidan o'rgan degan mashoyihlar. Sen bo'lsa odam bolalariga o'xshab nuqul birovning orqasidan amalga minmoqchi bo'lasan... Meni orqamda pishirib qo'yibdimi, senga. Orqammi tinch qo'y...

— Na iloj, do'st achitib gapiradi deyishadi, gapingda jon borga o'hshaydi, million birinchi. Aytdim-ku sen bilan ishlash qiziq deb... Ha, doim hushyor yurasan, mudramaysan...Ketik bo'lmasa, dars olgani...

— Olsak olibmizda, bizdan nima ketdi.

## OQLIQNING ISHI QIYIN

**(yoki Shaytonvachcha bilan birkam millionning hayratdan yoqa ushlab qolganlari)**

Oqlig'lar rastasi ertalabki oldi-sottilardan sal tinchib, erkin nafas olar, Bismillo xola oppoq xalatlari, oppoq ro'mollar o'rab, (bu tartib Bismillo xola rastaga kayvoni bo'lib kelgandan keyin yo'lga qo'yilgan edi) farishtadek bo'lib o'tirgan opalarga gap berardi:

— Oqlig'ni ishi qiyin, qoqindiqlar... ha, juda qiyin... Bekorga oqlig'-yorug'liq demagan mashoyihlar. Ehtiyot bo'lmasanglar salga daptarni qora qilib, chapakni cholib qolish hech gapmas...

— Voy, daptar deb yaxshi esga soldingiz, xolajon,

жон, болаларимга даптар омапман-ку... Ўқитувчиси «2» қўйиб, нақ қора қилиб қўяди-я. Югуриб бориб обкелақолай...

— Ўзлариниям даптарлари эсдан чиқмасин, қоқиндиқ, — деб амал дафтарига ишора қилиб, кулди хола. — Охиратда бандаси дафтарим қайси тарафимдан бериларкин деб кўрқувдан ҳамма нарсани унутиб қўяркан. Ҳатто кўрқувдан эрлар бир умр яшаб ўтган хотинларини, хотинлар эрларини, туққан болаларини ҳам унутиб қўйишар экан, қоқиндиқлар.

— Э, бу хотинга номаи амал деб минг марта гапиринг, барибир мактаб даптаридан бошқасини тушунмайди. Ўзиям шу пештахтанинг тагида туғилган-у, устида катта бўган. Отиям Айронхон. Биз ҳазиллашиб Ҳайронхон деймиз. Онаси раҳматлик айрон сотарди-да. Оқлик сотиш она касб-у, сигирни эмчаги нечталигини билмайди.

— Майли, қоқиндиқ, билмаса, билдирамиз, муслмончилик аста-секинчилик. Менга ёққани жудаям болажон хотин экан. Болам деб чопиб кетди-ю... Болам деганлар Худога ёқади...

— Ҳо, ачиб қолий, сигирни нечта эмчаги борлигини ўзлари биладиларми? — кулди ёнидаги хотин, — жа дугонажонимни орқасидан ёзғириб, омига чиқариб қўйяпсиз.

— Биладан, нимага билмас эканман, жа дугонангизга ўхшаб оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиганларданмасман, — жикиллаб берди у.

— Гап дегани далил, исботи билан бўлсин-да, овсинжон, қани, билсалар айтсинлар, қулоғимиз сизда?

— Вой-во-ей, жа кўрқитвордиз-ку, эшитинг бўлмаса: эчкиники иккита бўлади, қўйники учта, сигирники тўртта, отники... йўқ отникини билмасаканман, ахир отни қатиқ-сутини сотмаймиз-да... ҳў-ўш, яна қайсиниси қолди, ҳа, туяники бешта, филники олтита...

— Эркагиники-чи эркагиники?

— Биттадан бўлади-да, жа...

Хотинлар хандон отиб кулиб юборишди...

— Кулманглар, одамни устидан — деди ҳалиги



bolalarimga daptar omapman-ku... O'qituvchisi «2» qo'yib, naq qora qilib qo'yadi-ya. Yugurib borib obkelaqolay...

— O'zlariniyam daptarlari esdan chiqmasin, qoqindiq, — deb amal daftariga ishora qilib, kuldi xola. — Oxiratda bandasi daftarim qaysi tarafimdan berilarkin deb qo'rquvdan hamma narsani unutib qo'yarkan. Hatto qo'rquvdan erlar bir umr yashab o'tgan xotinlarini, xotinlar erlarini, tuqqan bolalarini ham unutib qo'yishar ekan, qoqindiqlar.

— E, bu xotinga nomai amal deb ming marta gapiring, baribir maktab daptaridan boshqasini tushunmaydi. O'ziyam shu peshtaxtaning tagida tug'ilgan-u, ustida katta bo'gan. Otiyam Ayronxon. Biz hazillashib Hayronxon deymiz. Onasi rahmatlik ayron sotardi-da. Oqlik sotish ona kasb-u, sigirni emchagi nechtaligini bilmaydi.

— Mayli, qoqindiq, bilmasa, bildiramiz, musulmonchilik asta-sekinchilik. Menga yoqqani judayam bolajon xotin ekan. Bolam deb chopib ketdi-yu... Bolam deganlar Xudoga yoqadi...

— Ho, achib qoliy, sigirni nechta emchagi borligini o'zlari biladilarmi? — kuldi yonidagi xotin, — ja dugonajonimni orqasidan yozg'irib, omiga chiqarib qo'yyapsiz.

— Bilaman, nimaga bilmas ekanman, ja dugonangizga o'xshab og'zing qani desa, qulog'ini ko'rsatadiganlardanmasman, — jikillab berdi u.

— Gap degani dalil, isboti bilan bo'lsin-da, ovsinjon, qani, bilsalar aytsinlar, qulog'imiz sizda?

— Voy-vo-ey, ja qo'rqitvordiz-ku, eshiting bo'lmasa: echkiniki ikkita bo'ladi, qo'yniki uchta, sigirniki to'rtta, otniki... yo'q otnikini bilmasakanman, axir otni qatqututini sotmaymiz-da... xo'o'sh, yana qaysinisi qoldi, ha, tuyaniki beshta, filniki oltita...

— Erkaginiki-chi erkaginiki?

— Bittadan bo'ladi-da, ja...

Xotinlar xandon otib kulib yuborishdi...

— Kulmanglar, odamni ustidan — dedi haligi xotin

хотин хафа бўлиб, — нима бўгандаям биз иккинчи қўлимиз-да.

— Учинчи қўл, денг, айланай, — тузатди хола, — биринчи қўл соғиб беради, иккинчи қўл сизга обкелиб беради...

— Қаранг-а, битта сигир учта рўзгорни боқади-я...

— Боқишга боқади-я, шу кейинги пайтда қаймоғи — сутга, сути — сувга, қатиғи — айронга айланиб бораётгани чатоқ бўляпти-да, овсинжонлар...

— Ха ўлманг, — деди хола хўрсиниб, — бунақа бўлишида говмушларнинг зиғирчаям айби йўқ, — ўзимизни Худо уриб қўйган, ўзимизни. Жониворлар тилсиз махлуқ бўлса ҳам Яратганнинг чизган чизигидан чиқмайди. Чизигдан чиқишга бизга тараф йўқ, бировнинг ҳақидан қўрқмаймиз. Аллоҳ яратган нуқрадек покиза неъматларни нафсимиз йўлида харом-хариш қилиб қўямиз. Кошки юқса, ҳечам юқмайди-да. Бир куйган одам айтган экан «сувники кетди сувга, қатиқнинг пули қолди ёнга» деб.

— Шу гапни жуда кўп эшитаман, холажон, нима дегани ўзи бу?

— Қадимда битта одам бўган экан, — дея Бисмилло хола ечилиб кетдилар, — ўша одам сизлардек оқлиғ сотиб кун кўрар экан. Аммо ғирт имонсиз экан. Сутга тенгма-тенг сув қўшар экан-да, айбим очилиб қолмасин деб, қатиқ қилиб сотаркан.

— Вой-й-й...

— Шундай қилиб, десанглар ҳалиги қатиқчи бойиб кетибди.

— Вой, бойибдимми?

— Шайтон қургур, бошқаларниям орқасидан эргаштирсин деб битта, иккитасига қарашворади-да, қоқиндиқлар. Лекин бойигани билан жуда хасис экан. Камбағалдан чиққан бой хасис бўлади-да! Айтишадди-ку кўрмаганни кўргани қурсин деб. Буни устига сўққабош ҳам экан. Олтинларини еру кўкка ишонмас экан. Халтага солиб белига тугиб юраркан. Кўрган одам уни шунча олтини бор деб ўйламас экан. Бир куни офтоб роса қиздирибди. Ҳамма ўзини соя-салқинга, дарё бўйларига урибди. Қатиқчи кун қайтиб қолар деб бир кун чидабди, икки кун чидабди. Охи-

xafa bo'lib, — nima bo'gandayam biz ikkinchi qo'lmizda.

— Uchinchi qo'l, deng, aylanay, — tuzatdi xola, — birinchi qo'l sog'ib beradi, ikkinchi qo'l sizga obkelib beradi...

— Qarang-a, bitta sigir uchta ro'zg'orni boqadi-ya...

— Boqishga boqadi-ya, shu keyingi paytda qaymog'i — sutga, suti — suvga, qatig'i — ayronga aylanib borayotgani chatoq bo'lyapti-da, ovsinjonlar...

— Ha o'lmang, — dedi xola xo'rsinib, — bunaqa bo'lishida govmushlarning zig'irchayam aybi yo'q, — o'zimizni Xudo urib qo'ygan, o'zimizni. Jonivorlar tilsiz mahluq bo'lsa ham Yaratganning chizgan chizig'idan chiqmaydi. Chizig'dan chiqishga bizga taraf yo'q, birovning haqidan qo'rqmaymiz. Alloh yaratgan nuqradek pokiza ne'matlarni nafsimiz yo'lida harom-xarish qilib qo'yamiz. Koshki yuqsa, hecham yuqmaydi-da. Bir kuygan odam aytgan ekan «suvniki ketdi suvga, qatiqning puli qoldi yonga» deb.

— Shu gappi juda ko'p eshitaman, xolajon, nima degani o'zi bu?

— Qadimda bitta odam bo'gan ekan, — deya Bismillo xola yechilib ketdilar, — o'sha odam sizlardek oqlig' sotib kun ko'rar ekan. Ammo g'irt imonsiz ekan. Sutga tengma-teng suv qo'shar ekan-da, aybim ochilib qolmasin deb, qatiq qilib sotarkan.

— Voy-y-y...

— Shunday qilib, desanglar haligi qatiqchi boyib ketibdi.

— Voy, boyibdimi?

— Shayton qurgur, boshqalarniyam orqasidan ergashtirsin deb bitta, ikkitasiga qarashvoradi-da, qoqindiqlar. Lekin boyigani bilan juda xasis ekan. Kambag'aldan chiqqan boy xasis bo'ladi-da! Aytishadi-ku ko'rmaganni ko'rgani qursin deb. Buni ustiga so'qqabosh ham ekan. Oltinlarini yer-u ko'kka ishonmas ekan. Xaltaga solib beliga tugib yurarkan. Ko'rgan odam uni shuncha oltini bor deb o'ylamas ekan. Bir kuni oftob rosa qizdiribdi. Hamma o'zini soya-salqinga, daryo bo'ylariga uribdi. Qatiqchi kun qaytib qolar deb

ри бўмапти. У ҳам дарёнинг бўйига борибди-да, кумни кавлаб, ҳамёнини кўмибди. Устига кийимларини тўшаб, чўмилгани тушибди. Шу пайт қайдандир маймун пайдо бўлибди-да, ҳамённи кавлаб олиб, дарё бўйидаги баҳайбат дарахтнинг устига чиқиб кетибди. Қатиқчи нима қиларини билмай, чапагини чалганча пастда қолаверибди. Маймун бир айрига жойлашиб олиб, аста ҳамённи очибди. Ичидан битта тиллани олиб, кўзига яқин олиб борибди-да, у ёқ, бу ёғига қарабди. Еб бўлармикан деб тишига босибди, тиши ўтмапти. Бир, икки ялаб ҳам кўрибди, маза-матра деган нарса йўқ эмиш. Кейин бу бўмагур нарсайкан деб сувга қараб отиб юборибди. Қатиқчи сувгамас, менга от, менга деб пастда туриб, қичқирармиш. Кейингисини ҳартугул қатиқчига қараб отибди. Шундай қилиб маймун дарахт устида битта олтинни сувга, битта олтинни қатиқчига отиб, эрмак қилиб ўйнаб ўтирибди. Қатиқчи ҳисобласа икки юзта олтин тангаси бўлган экан. Тенг ярими сувга кетиб, тенг ярмига эга бўпти. Шунда сутга қўшган сувлари ёдига тушибди-да, пешонасига бир уриб: «Сувники кетти сувга, қатиқни пули қолди ёнга» деган экан.

— Қаранг-а, бир кунмас бир кун барибир тешиб чиқар эканда-а, холажон?

— Холажон, анови қушга айланиб қолган одам ҳам шунақа бўганми?

— Ҳа, уям сутга сув қўшиб пуллагандан кейин Аллоҳ уни жазолаган. Охиратгача Аллоҳга тавба қилиб «сут оқ», «сут оқ», «мен ноҳақ», «мен ноҳақ» деб ўтади энди.

— Вой, холажон, Худойим таоло шу кунларда одамларни шунақа парранда-ю, даррандага айлан-тириб қўйса, борми?..

— Вой, унда биринчи бўлиб ўзлари-а, ху-у-у... қанот қоқиб... — осмонга ишора қилди хотинлардан биттаси, — бу ёқда болаларингиз онам қани деб чирқиллаб, эрингизнинг кўзлари осмон-у фалакка битиб «кишт кўндоғинг бу ёқда» деб орқангиздан қувиб юармиди.

bir kun chidabdi, ikki kun chidabdi. Oxiri bo'mapti. U ham daryoning bo'yiga boribdi-da, qumni kavlab, hamyonini ko'mibdi. Ustiga kiyimlarini to'shab, cho'milgani tushibdi. Shu payt qaydandir maymun paydo bo'libdi-da, hamyonni kavlab olib, daryo bo'yidagi bahaybat daraxtning ustiga chiqib ketibdi. Qatiqchi nima qilarini bilmay, chapagini chalgancha pastda qolaveribdi. Maymun bir ayriga joylashib olib, asta hamyonni ochibdi. Ichidan bitta tillani olib, ko'ziga yaqin olib boribdi-da, u yoq, bu yog'iga qarabdi. Yeb bo'larmikan deb tishiga bosibdi, tishi o'tmapti. Bir, ikki yalab ham ko'ribdi, maza-matra degan narsa yo'q emish. Keyin bu bo'magur narsaykan deb suvga qarab otib yuboribdi. Qatiqchi suvgamas, menga ot, menga deb pastda turib, qichqirarmish. Keyingisini hartugul qatiqchiga qarab otibdi. Shunday qilib maymun daraxt ustida bitta oltinni suvga, bitta oltinni qatiqchiga otib, ermak qilib o'ynab o'tiribdi. Qatiqchi hisoblasa ikki yuzta oltin tangasi bo'lgan ekan. Teng yarimi suvga ketib, teng yarmiga ega bo'пти. Shunda sutga qo'shgan suvlari yodiga tushibdi-da, peshonasiga bir urib: «Suvniki ketti suvga, qatiqni puli qoldi yonga» degan ekan.

— Qarang-a, bir kunmas bir kun baribir teshib chiqar ekanda-a, xolajon?

— Xolajon, anovi qushga aylanib qolgan odam ham shunaqa bo'ganmi?

— Ha, uyam sutga suv qo'shib pullagandan keyin Alloh uni jazolagan. Oxiratgacha Allohga tavba qilib «sut oq», «sut oq», «men nohaq», «men nohaq» deb o'tadi endi.

— Voy, xolajon, Xudoyim taolo shu kunlarda odamlarni shunaqa parranda-yu, darrandaga aylantirib qo'ysa, bormi?..

— Voy, unda birinchi bo'lib o'zlari-a, hu-u-u... qanot qoqib... — osmonga ishora qildi xotinlardan bittasi, — bu yoqda bolalaringiz onam qani deb chirqillab, eringizning ko'zlari osmon-u falakka bitib «kisht qo'ndog'ing bu yoqda» deb orqangizdan quvib yurarmidi.

— Ҳечам-да, унақа бўмайди, мен мижозларим обкелиб берганини согаман. Куш бўлса ўшалар бўловурсин.

— Ундаймас-да айланай, — деди хола, — сиз сотмасангиз улар қаттан обкелиб беришади... сотасизки обкелишади. Шундай бўлгандан кейин хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, гуноҳига баб-баравар шериксиз, қоқиндиқ. Эшитинг, қадимда бир бойнинг мингта қўйи бўлган экан. Чўпон бечора уларни кечгача боқиб, буни устига бир меш қилиб сутини ҳам соғиб обкелиб бераркан. Бой бўлса, бир меш сутга бир меш сув қўшиб, икки меш қиларкан-да чўпонга бор сотиб кел дер экан. Чўпон бу нима қилганинг, Худодан кўрқмайсанми деса, ишинг бўлмасин дер экан. Кунлардан бир кун чўпон яйловдан сўппайиб бир ўзи қайтиб келибди. «Ҳа, — депти бой, — қўйлар қани, сут қани?» «Сутга кўшиб сотган сувларинг булутга айланиб, сел бўлди-да, қўйларингни битта қўймай оқизиб кетди» депти чўпон афсус ва надомат билан. Шундай қилиб бой қўйсиз, одамлар гўштсиз, сутсиз, чўпон бўлса, ишсиз қолган экан. Шунақа қоқиндиқлар, шунақа бу ишнинг охири вой, касри биттага эмас, ҳаммага уради-я... Икки ўртада кўпнинг ризқи қирқилади. Ўзийларни тўғрилайлар, айланай қизларим, ўзийларни тўғрилайлар. Попукдек-попукдек фарзандинглар бор, уларни ҳалқумини ҳаром қилиб қўйманглар, эртага ўзларингта қийин бўлади. Ҳалқуми кирланган болалар ҳаётда қайсар, бетга чопар, ўжар бўлиб ўсади...

— Вой-й-й, мени қизим тушмагур ҳалитдан худди шунақа, холажон. Бамисоли қизиб турган ёғ, чарсиллайди. Қаранг-а касалнинг боши бу ёқда экан-ку. Қиз бола бировнинг хасми, узатсам у ёғи нима бўларкин деб жоним ҳалак...

— Оҳ, — деди биркам миллион пешонасига бир уриб, — бу жодугар кампир писиллатиб яна бир каттакон ишни бизга қарата бошляпти. Аврашини қара-я, уни, аврашини, унча-мунча шайтон ип эшолмайди-я... Улай агар бу жодугарни ё шайтон туққан, ё ҳамма шайтонларни шу туққан.

— Hecham-da, unaqa bo‘maydi, men mijozlarim obkelib berganini sotaman. Qush bo‘lsa o‘shalar bo‘lovursin.

— Undaymas-da aylanay, — dedi xola, — siz sotmasangiz ular qattan obkelib berishadi... sotasizki obkelishadi. Shunday bo‘lgandan keyin xohlaysizmi, xohlamaysizmi, gunohiga bab-baravar sheriksiz, qoqindi. Eshiting, qadimda bir boyning mingta qo‘yi bo‘lgan ekan. Cho‘pon bechora ularni kechgacha boqib, buni ustiga bir mesh qilib sutini ham sog‘ib obkelib berarkan. Boy bo‘lsa, bir mesh sutga bir mesh suv qo‘shib, ikki mesh qilarkan-da cho‘ponga bor sotib kel der ekan. Cho‘pon bu nima qilganing, Xudodan qo‘rqmaysanmi desa, ishing bo‘lmasin der ekan. Kunlardan bir kun cho‘pon yaylovdan so‘ppayib bir o‘zi qaytib kelibdi. «Ha, — depti boy, — qo‘ylar qani, sut qani?» «Sutga qo‘shib sotgan suvlaring bulutga aylanib, sel bo‘ldi-da, qo‘ylaringni bitta qo‘ymay oqizib ketdi» depti cho‘pon afsus va nadomat bilan. Shunday qilib boy qo‘ysiz, odamlar go‘shtsiz, sutsiz, cho‘pon bo‘lsa, ishsiz qolgan ekan. Shunaqa qoqindiqlar, shunaqa bu ishning oxiri voy, kasri bittaga emas, hammaga uradi-ya... Ikki o‘rtada ko‘pning rizqi qirqiladi. O‘ziylarni to‘g‘rilaylar, aylanay qizlarim, o‘ziylarni to‘g‘rilaylar. Popukdek-popukdek farzandinglar bor, ularni halqumini harom qilib qo‘ymanglar, ertaga o‘zlaringga qiyin bo‘ladi. Halqumi kirlangan bolalar hayotda qaysar, betga chopar, o‘jar bo‘lib o‘sadi...

— Voy-y-y, meni qizim tushmagur halitdan xuddi shunaqa, xolajon. Bamisoli qizib turgan yog‘, charsillaydi. Qarang-a kasalning boshi bu yoqda ekan-ku. Qiz bola birovning hasmi, uzatsam u yog‘i nima bo‘larkin deb jonim halak...

— Oh, — dedi birkam million peshonasiga bir urib, — bu jodugar kampir pisillatib yana bir kattakon ishni bizga qarata boshlayapti. Avrashini qara-ya, uni, avrashini, uncha-muncha shayton ip esholmaydi-ya... O‘lay agar bu jodugarni yo shayton tuqqan, yo hamma shaytonlarni shu tuqqan.

— Жа унчаликмасдиров, — деди Шайтонвачча жўртага ўсмоқчилаб.

— Ахир у ҳамма сир-асрорларимизни миридан-сиригача биздан яхши билади-да... ё тавба!

## ТАҚВО РАСТАСИ

(ёки шайтонларнинг яна саросимага тушиб қолиши...)

Шундай қилиб, биркам миллион ҳақ бўлиб чиқди. Бозорда яна бир ғалати воқеа содир бўлди. Оқлиқлар растасининг тепасида Бисмилло холанинг таклифи билан «Тақво растаси» деган ёзув пайдо бўлди. Шайтонвачча бу ёзувни кўриб, одам болаларининг устидан кула бошлади:

— Вой, хаёлпарастлар-ей... вой қовоқ каллалар-ей... топган гапларини қара, «Тақво растаси»миш, бунча баландпарвоз бўлмаса бу одам болалари, бунақа шиорлар билан иш битганда, бизга иш қолармиди бу дунёда, қулоқларигача гуноҳга ботиб ётишибди-ку, яна тақвони даъво қилишади булар, ҳе ўргилдим сенлардан, кўрамиз ҳали...

Аммо, «Думи тугиклар» мадрасасида «Тақво» деган сўзнинг пайдо бўлишининг ўзиёқ шайтонларни саросимага солиб қўйди. Бу шиор бозорга оқлиқ олиб келадиганлару уни сотиб пул қиладиганларгача шошириб қўйди. Бирламчи зарбага аввало, «иккинчи қўл» деб ном олганлар учради.

— Оповси, молингиз тақвоми, тақво бўса, об қоламан, бўмаса йўқ, — деди «учинчи қўл» опа, жиддий.

— Вой бу нима деганингиз, опа, айланай, ҳар кунги мол-да, — деб «иккинчи қўл» опа муштарини белига тираб, елкасини ўйнатди. — Нима бу тақво деганингиз лисензиями?

— Бу деганим, сутнинг қаймоғи олинмаганми, қатиққа сув қўшилмаганми, деганим.

— Илгари бунақа гаплар бўлмасиди-ю, опа, айланай? — чийирлиди «иккинчи қўл» опа.



— Ja unchalikmasdirov, — dedi Shaytonvachcha jo'rtaga o'smoqchilab.

— Ahir u hamma sir-asrorlarimizni miridan-sirigacha bizdan yahshi biladi-da... yo tavba!

## TAQVO RASTASI

(yoki shaytonlarning yana sarosimaga  
tushib qolishi...)

Shunday qilib, birkam million haq bo'lib chiqdi. Bozorda yana bir g'alati voqea sodir bo'ldi. Oqliqlar rastasining tepasida Bismillo xolaning taklifi bilan «Taqvo rastasi» degan yozuv paydo bo'ldi. Shaytonvachcha bu yozuvni ko'rib, odam bolalarining ustidan kula boshladi:

— Voy, xayolparastlar-ey... voy qovoq kallalar-ey... topgan gaplarini qara, «Taqvo rastasi»mish, buncha balandparvoz bo'lmasa bu odam bolalari, bunaqa shiorlar bilan ish bitganda, bizga ish qolarmidi bu dunyoda, quloqlarigacha gunohga botib yotishibdi-ku, yana taqvoni da'vo qilishadi bular, he o'rgildim senlardan, ko'ramiz hali...

Ammo, «Dumi tugiklar» madrasasida «Taqvo» degan so'zning paydo bo'lishining o'ziyoq shaytonlarni sarosimaga solib qo'ydi. Bu shior bozorga oqliq olib keladiganlaru uni sotib pul qiladiganlargacha shoshirib qo'ydi. Birlamchi zarbaga avvalo, «ikkinchi qo'l» deb nom olganlar uchradi.

— Opovsi, molingiz taqvomi, taqvo bo'sa, ob qolaman, bo'masa yo'q, — dedi «uchinchi qo'l» opa, jiddiy.

— Voy bu nima deganingiz, opa, aylanay, har kungi mol-da, — deb «ikkinchi qo'l» opa mushtlarini beliga tirab, yelkasini o'ynatdi. — Nima bu taqvo deganingiz lisenziyami?

— Bu deganim, sutning qaymog'i olinmaganmi, qatiqqa suv qo'shilmaganmi, deganim.

— Ilgari bunaqa gaplar bo'lmasidi-yu, opa, aylanay? — chiyirildi «ikkinchi qo'l» opa.

— Энди бўлади оповси, кўп чийирилманг, мен бундан бу ёғига гуноҳларингизга шерик бўлолмайман.

— Агарда молим ҳалиги... нимайди, ҳа эсладим, тақво десам об қоласизми, опа айланай?

— Ҳечам-да, қуруқдан-қуруқ гапга ишонадиган замонми ҳозир?..

— Нима қил дейсиз, бўлмаса? Жа, ҳаддинглардан ошдингларку-а, бозорни ўзийларники қилволиб. Бизам ердан чиқмаганмиз... — баланд кела бошлади иккинчи қўл опа.

— Биринчидан оповси, тақво жойида шовқинламайдилар, иккинчидан шу пайтгача айтганингиздек ҳаддимиздан шунақанги ошиб кетган эканмизки, Худодан ҳам кўрқмай қўйган эканмиз. Бир тавбадан, минг тавба қилиб, Худо хоҳласа Худога қайтдик. Учунчидан ҳов анови холани кўряпсизми, растани бо-о-шида ўтирибдилар, Бисмилло хола бўладилар, ўшаларга бориб шундоқ ранг кўр, ҳол сўр қилсангиз бўлди, олам гулистон. Молингизга ўзингиз айтгандек лисензия берадилар.

— Нима-а?.. Ҳали у хотинга пораям бераманми, ҳечам-да, пулим кўчада қолгани йўқ!

— Вой манови хотинни, порайиз бошиздан қолсин, шундоқ бошдан-оёқ қарайдилару молингиз қанақалигини айтиб берадилар, шу... Менга қараб, олақол қизим, десалар бас...

— Молимми кўрадим, ўзимми, тавба?

— Фарқи йўқ.

— Вой нималар бўляпти ўзи бу бозорда? Олингана, молим тақволи чиқмади дейлик, кейин нима бўлади?

— Нима бўларди, ариққа оқизилади, вассалом. Ҳузурини балиқлар кўради...

— Ўҳ-хў-ў-ў... шунақа денг, — кўзлари ўйнаб кетди «иккинчи қўл» опанинг, — ундай бўлса мен бошқа бозор қидира қолай-а, опа айланай?

— Ихтиёрингиз, оповси...

Шундан кейин оқлиқ растасига бамисоли нур кирди. Харидорларнинг оғзи қулоғида. Қатиқ-сутларга бинойидек маза-матра кириб қопти, қаймоқлар-қаймоққа ўхшаётганмиш... Раста борган сари гав-

— Endi bo'ladi opovsi, ko'p chiyirilmang, men bundan bu yog'iga gunohlaringizga sherik bo'lolmiman.

— Agarda molim haligi... nimaydi, ha esladim, taqvo desam ob qolasizmi, opa aylanay?

— Hecham-da, quruqdan-quruq gapga ishonadigan zamonmi hozir?..

— Nima qil deysiz, bo'lmasa? Ja, haddinglardan oshdinglarku-a, bozorni o'ziylarniki qilvolib. Bizam yerdan chiqmaganmiz... — baland kela boshladi ikkinchi qo'l opa.

— Birinchidan opovsi, taqvo joyida shovqinlamaydilar, ikkinchidan shu paytgacha aytganingizdek haddimizdan shunaqangi oshib ketgan ekanmizki, Xudodan ham qo'rqmay qo'ygan ekanmiz. Bir tavbadan, ming tavba qilib, Xudo xohlasa Xudoga qaytdik. Uchinchidan hov anovi xolani ko'ryapsizmi, rastani bo-o-shida o'tiribdilar, Bismillo xola bo'ladilar, o'shalarga borib shundoq rang ko'r, hol so'r qilsangiz bo'ldi, olam guliston. Molingizga o'zingiz aytgandek lisenziya beradilar.

— Nima-a?.. Hali u xotinga porayam beramanmi, hecham-da, pulim ko'chada qolgani yo'q!

— Voy manovi xotinni, porayiz boshizdan qolsin, shundoq boshdan oyoq qaraydilaru molingiz qanaqaligini aytib beradilar, shu... Menga qarab, olaqol qizim, desalar bas...

— Molimmi ko'radimi, o'zimmimi, tavba?

— Farqi yo'q.

— Voy nimalar bo'lyapti o'zi bu bozorda? Oling ana, molim taqvoli chiqmadi deylik, keyin nima bo'ladi?

— Nima bo'lardi, ariqqa oqiziladi, vassalom. Huzurini baliqlar ko'radi...

— O'h-ho'-o'-o'... shunaqa deng, — ko'zlari o'ynab ketdi «ikkinchi qo'l» opaning, — unday bo'lsa men boshqa bozor qidira qolay-a, opa aylanay?

— Ixtiyoringiz, opovsi...

Shundan keyin oqliq rastasiga bamisoli nur kirdi. Xaridorlarning og'zi qulog'ida. Qatiq-sutlarga binoyidek maza-matra kirib qopti, qaymoqlar-qaymoqqa

жумлашиб, янги-янги мижозлар билан тўлиб-тошар эди. Шаҳар катталари бу яхши ишни бошқа бозорларда ҳам қўллаш йўлларини ўйлаб қолишди. Лекин на иложки одамнинг юз-кўзига қараб, молининг қанақалигини дангал айтиб берадиган валломат Бисмилло холалар кўп эмас, ҳозирча битта эди.

Шунгами, «учинчи қўл» опаларнинг униси у деб, буни бу деб, Бисмилло холани сал бўлмаса авлиёга чиқариб қўйишди.

— Унақа деманглар-да, қоқиндиқлар, менам Худонинг бир ожиз бандасиман, — деди хола хижолат бўлиб.

— Камтарлик қилманг, холажон Сиз бориб турган авлиёсиз. Сиззи сўзларингиз сеҳрли деб юрсак, кўзларингиз ҳам сеҳрли экан. Қатиқ-сутчиларга қараб туриб, уларни бақа қиб қўясиз-а... Сизга уларни тақвоми, тақвомаслигини Худойимнинг ўзи билдиради-а, холажон?

— Одамзоднинг юз-кўзини-чи қизларим, Худойим таоло бамисоли кўзгу қилиб яратган. Билиб қўйинглар, ҳаром нарсалардан одамнинг манови ери қорайса, — деб кўксини ушлади хола, — юзиям қораяди. Ҳа, ўти ўчган ўчоққа ўхшаб қолади юз дегани. Одамда истара қолмайди. Кўзлари-чи, кўзлари жавдираб, эгасига бўйсунмай унақамас, бунақа деб рост гапни айтиб туради. Бунақа одамнинг сўзигаям, молигаям ишониб бўлмайди. Ҳалол, пок одамнинг юз-кўзлариям кулиб туради. Биров кўрса, «вой, бунчаям фариштали экан-а» деб баҳосини бериб қўяқолади. Ўзийларам бир кўзгуга қараб қўйинглар, кейинги пайтда бирам хушрўй, хушсурат бўлиб кетгансизларки, одамни суқи киради-я, суқи...

— Вой-й-й...

«Учинчи қўл» опалар бу мақтовлардан ёйилиб кулишди. Улардан бири азбаройи яйраб кетганидан кўнглига келган гапни яшира олмади:

— Ростини айтсам, холажон, олдинига сиззи ёмон кўриб юрдим... Энди бўлса, шунақанги яхши кўриб кетяпманки... Сиззи гапингиз билан, пулимгаям, уйимгаям барака кирди, десангиз. Илгарилариям ёмон топмасидим, бироқ, баракаси йўқ эди-да, баракаси.

o'xshayotganmish... Rasta borgan sari gavjumlashib, yangi-yangi mijozlar bilan to'lib-toshar edi. Shahar kattalari bu yaxshi ishni boshqa bozorlarda ham qo'llash yo'llarini o'ylab qolishdi. Lekin na ilojki odamning yuz-ko'ziga qarab, molining qanaqaligini dangal aytib beradigan vallomat Bismillo xolalar ko'p emas, hozircha bitta edi.

Shungami, «uchinchi qo'l» opalarning unisi u deb, buni bu deb, Bismillo xolani sal bo'lmasa avliyoga chiqarib qo'yishdi.

— Unaqa demanglar-da, qoqindiqlar, menam Xudoning bir o'jiz bandasiman, — dedi xola xijolat bo'lib.

— Kamtarlik qilmang, xolajon Siz borib turgan avliyosiz. Sizzi so'zlaringiz sehrli deb yursak, ko'zlaringiz ham sehrli ekan. Qatiq-sutchilarga qarab turib, ularni baqa qib qo'yasiz-a... Sizga ularni taqvomi, taqvomasligini Xudoyimning o'zi bildiradi-a, xolajon?

— Odamzodning yuz-ko'zini-chi qizlarim, Xudoyim taolo bamisoli ko'zgu qilib yaratgan. Bilib qo'yinglar, harom narsalardan odamning manovi yeri qoraysa, — deb ko'ksini ushladi xola, — yuziyam qorayadi. Ha, o'ti o'chgan o'choqqa o'xshab qoladi yuz degani. Odamda istara qolmaydi. Ko'zlari-chi, ko'zlari javdirab, egasiga bo'ysunmay unaqamas, bunaqa deb rost gapni aytib turadi. Bunaqa odamning so'zigayam, moligayam ishonib bo'lmaydi. Halol, pok odamning yuz-ko'zlariram kulib turadi. Birov ko'rsa, «voy, bunchayam farishtali ekan-a» deb bahosini berib qo'yaqoladi. O'ziylaram bir ko'zguga qarab qo'yinglar, keyingi paytda biram xushro'y, xushsurat bo'lib ketgansizlarki, odamni suqi kiradiya, suqi...

— Voy-y-y...

«Uchinchi qo'l» opalar bu maqtovlardan yoyilib kulishdi. Ulardan biri azbaroyi yayrab ketganidan ko'ngliga kelgan gapni yashira olmadi:

— Rostini aytsam, xolajon, oldiniga sizzi yomon ko'rib yurdim... Endi bo'lsa, shunaqangi yaxshi ko'rib ketyapmanki... Sizzi gapingiz bilan, pulimgayam, uyimgayam baraka kirdi, desangiz. Ilgarilariyam yomon topmasidim, biroq, barakasi yo'q edi-da, barakasi.

— Ҳалол-пок нарсаларга шайтон тумшуғуни тик қолмайди, қоқиндиқ, барака ўшандан...

— Ҳа, — деди Шайтонвачча фиғони фалак бўлиб, — жодугар бу ердаям эски қўшиқларини бошлади.

— Шайтон калламизни ишлатайлик, — деди биркам миллион жиккиллаб, — бўлмаса, кечаги обрўлар бир пул бўлади-я. Мени яна етакчиликка тушириб қўйишади.

— Уни қарая, — деди Шайтонвачча биркам миллионнинг устидан кулиб, — эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ қайғуси экан-да... Ҳай, майли, сеникиям тўғри. Биз одам болаларини ўзлари кўрмайдиган томондан кўрамиз ва эртага, албатта, гафлатда қолдирамиз, мана кўрасан.

## РАСТАГА ШАЙТОН ОРАЛАДИ

(ёки пул-пулни бузиши ҳақида)

Шайтонвачча «Тақво растасини» қандай қилиб синдириш, йўқотишни кечаси билан ўйлаб чиқди. Қалласига қойилмақом бир шайтоний фикр келмади. Шу ерда онасининг қадри ўтди. Аммо энди онасининг олдига боролмайди. Гоҳ аччиқ, гоҳ чучук дарсларини ололмайди. Онаси туғилиб ўсган уйдан думини яхшилаб тугворган. Ҳа, тугвандаям, дазмол ургандек қиворган. Балки онаси яна битта Шайтонваччани туғволиб, уни кечаси-ю, кундузи шайтон қилиш билан оворадир. Униям уриб-уриб этини, сўкиб-сўкиб бетини қотираётгандир. Ўзи Шайтонваччанинг бошига ёғиладиган ҳамма балолар тилидан келарди. Думбиллик қилиб бир нималар деб қўярди. Ё ортиқча мақтаниб, ўзидан кетарди.

— Сен, яшшамагур, — деди она шайтон бир куни, — ҳадеб одам болаларининг ҳиқилдоғига ёпишовурма... жони ўшатта бўлади-я, уларни, ўлдириб қўйиб, товонига қолиб юрма тагин, жонни Эгаси бор-а!

— Ким эгаси, — билиб туриб жўрттага сўраган эди Шайтонвачча.

— Дард, «ким» эмиш! Ким бўларди, яратган

— Halol-pok narsalarga shayton tumshug'uni tiqolmaydi, qoqindiq, baraka o'shandan...

— Ha, — dedi Shaytonvachcha fig'oni falak bo'lib, — jodugar bu yerdayam eski qo'shiqlarini boshladi.

— Shayton kalamizni ishlataylik, — dedi birkam million jikkillab, — bo'lmasa, kechagi obro'lar bir pul bo'ladi-ya. Meni yana yetakchilikka tushirib qo'yishadi.

— Uni qaraya, — dedi Shaytonvachcha birkam millionning ustidan kulib, — echkiga jon qayg'usi, qassobga yog' qayg'usi ekan-da... Hay, mayli, senikiyam to'g'ri. Biz odam bolalarini o'zlari ko'rmaydigan tomondan ko'ramiz va ertaga, albatta, g'aflatda qoldiramiz, mana ko'rasan.

## **RASTAGA SHAYTON ORALADI**

### **(yoki pul-pulni buzishi haqida)**

Shaytonvachcha «Taqvo rastasini» qanday qilib sindirish, yo'qotishni kechasi bilan o'ylab chiqdi. Kallasiga qoyilmaqom bir shaytoniy fikr kelmadi. Shu yerda onasining qadri o'tdi. Ammo endi onasining oldiga borolmaydi. Goh achchiq, goh chuchuk darslarini ololmaydi. Onasi tug'ilib o'sgan uyidan dumini yaxshilab tugvorgan. Ha, tukgandayam, dazmol urgandek qivorgan. Balki onasi yana bitta Shaytonvachchani tug'olib, uni kechasi-yu, kunduzi shayton qilish bilan ovoradir. Uniyam urib-urib etini, so'kib-so'kib betini qotirayotgandir. O'zi Shaytonvachchanning boshiga yog'iladigan hamma balolar tilidan kelardi. Dumbillik qilib bir nimalar deb qo'yardi. Yo ortiqcha maqtanib, o'zidan ketardi.

— Sen, yashshamagur, — dedi ona shayton bir kuni, — hadeb odam bolalarining hiqildog'iga yopishovurma... joni o'shatta bo'ladi-ya, ularni, o'ldirib qo'yib, tovoniga qolib yurma tag'in, jonni Egasi bor-a!

— Kim egasi, — bilib turib jo'rttaga so'ragan edi Shaytonvachcha.

— Dard, «kim» emish! Kim bo'lardi, yaratgan

Эгам-да, меров. Бундоқ қовоқ каллангни ишлатсанг-ку, жонини оладиган бошқа жон жойларини топиб оласан-а.

Шайтонвачча шу тобда «Тақво растаси»нинг ўша жон жойини зўр бериб қидирарди. Тугулган думи гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бориб келар, пахмоқ бошини тинимсиз қашлар, беўхшов қошиғини асабий нари-берига сурарди. Кўзсоққалари бежо бўлиб, бири чапга кетса, бири ўнгга кетарди.

— Ҳа, — деди Шайтонваччани ҳалидан берига бир чеккада кузатиб турган Биркам миллион ҳайрон бўлиб, — бир нимангни йўқотдингми Миллион биринчи?

— Йўқотдим, топишворасанми? — дея жаҳл билан кўзларини унга лўқ қилди Шайтонвачча.

— Нимани, айт, қўлдан келса бажонидил?

— Калламни...

— Э-э-э... уними? — Шайтонваччага ачиниб кетди биркам миллион, — ҳалитдан «том»дан ажраб қолдим дегин, миллион биринчи. Елкангда турган нима у, калла бўлмай, ошқовоқми?

— Умрингдан барака топ, рост гапирдинг, бу каламас, ростдан ҳам ошқовоқ, оласанми, сотаман арзон гаров...

— Э, ўзиммикидан безорман-ку, сотовур бозорингни берсин, — деди-ю, биркам миллион ура жўнаб қолди.

Аммо шу пайт Шайтонваччанинг қалласи сотворади деб кўрқдими, ишлаб кетди. Ўзиям вақтида ишлаб кетди-да, бўлмаса, бозорчилик сотилиб кетармиди! Ишлаб кетишига Биркам миллионнинг бир оғиз «бозорингни баракасини берсин» деган кесатиғи баҳона-ю, сабаб бўлди. Шундан кейин Шайтонвачча ўйлаб туриб тақво растасидан баракани кўтариш режасини тузди. Кечга довура ҳаром-хариш, бетаҳорат, пораҳўр, маст-аласт мижозларни бошқўзини айлантрииб, растага бошлаб келаварди. «Мен бу оқлиғлар растасида нима қилиб юрибман» дея ўзларидан-ўзлари ҳайрон бўлишарди улар. Шайтонвачча ўз мижозларининг қулоғига аста шивирлар эди:

— Жонингизда қасдингиз борми, бегим, унча-



Egam-da, merov. Bundoq qovoq kallangni ishlatsangu, jonini oladigan boshqa jon joylarini topib olasan-a.

Shaytonvachcha shu tobda «Taqvo rastasi»ning o'sha jon joyini zo'r berib qidirardi. Tugulgan dumi goh o'ngga, goh chapga borib kelar, pahmoq boshini tinimsiz qashlar, beo'xshov qoshig'ini asabiy nari-beriga surardi. Ko'zsoqqalari bejo bo'lib, biri chapga ketsa, biri o'ngga ketardi.

— Ha, — dedi Shaytonvachchani halidan beriga bir chekkada kuzatib turgan Birkam million hayron bo'lib, — bir nimangni yo'qotdingmi Million birinchi?

— Yo'qotdim, topishvorasanmi? — deya jahl bilan ko'zlarini unga lo'q qildi Shaytonvachcha.

— Nimani, ayt, qo'ldan kelsa bajonidil?

— Kallamni...

— E-e-e... unimi? — Shaytonvachchaga achinib ketdi birkam million, — halitdan «tom»dan ajrab qoldim degin, million birinchi. Yelkangda turgan nima u, kalla bo'lmay, oshqovoqmi?

— Umringdan baraka top, rost gapirding, bu kallamas, rostdan ham oshqovoq, olasanmi, sotaman arzon garov...

— E, o'zimmikidan bezorman-ku, sotovur bozoringni bersin, — dedi-yu, birkam million ura jo'nab qoldi.

Ammo shu payt Shaytonvachchanning kallasi sotvoradi deb qo'rqdimi, ishlab ketdi. O'ziyam vaqtida ishlab ketdi-da, bo'lmasa, bozorchiilik sotilib ketarmidi! Ishlab ketishiga Birkam millionning bir og'iz «bozoringni barakasini bersin» degan kesatig'i bahonayu, sabab bo'ldi. Shundan keyin Shaytonvachcha o'ylab turib taqvo rastasidan barakani ko'tarish rejasini tuzdi. Kechga dovur harom-xarish, betahorat, poraxo'r, mast-alast mijozlarni bosh-ko'zini aylantirib, rastaga boshlab kelaverdi. «Men bu oqlig'lar rastasida nima qilib yuribman» deya o'zlaridan-o'zlari hayron bo'lishardi ular. Shaytonvachcha o'z mijozlarining qulog'iga asta shivirlar edi:

— Joningizda qasdingiz bormi, begim, unchamuncha oqlig' degan narsalardan ham «otib» turish

мунча оқлиғ деган нарсалардан ҳам «отиб» туриш керак. Буям истаканда сотилиб, истаканда «отила»-ди, ҳа... — дея мулозамат ҳам қилиб турди.

Буни кўриб қолган биркам миллон ўқитувчиликдан умидини узиб, жинни бўлаёзди. Ахир ўз малайлари бўлган бунақа одам болаларини тақволи жойга қайси эсини еган шайтон рўпара қилади? Тақволи нарсалар уларнинг қонига кирса у ёғи нима бўлади? Миллион биринчининг паймонаси тўлганга ўхшайди. Энди уни учинчи марта қовун туширишини кутиб ўтиришмайди. Қулоғи билан думини шартта кесиб, мадрасадан қувиб юборишади. Кўр ҳассасини бир марта олдиради, дейишади. Миллион биринчи бўлса ҳов бошида қилган хатони бугун яна қайтариб ўтрибди... Эсизгина миллион биринчи, деган ном. Сенда бир гап бор деб мақтаб юрибди-я уни. Эсизгина мақтовлар-у, олқишлар. Туянинг қумалоғи ҳам йўқ экан унда...

Эртасига эрта билан миш-миш тарқалди. Нимаймиш мадраса дастурхонига «Тақво растаси»дан шайтоний насибалар борганмиш. Анчадан бери бу растадан насиба узулиб қолган экан, бинойидек алоқа тикланибди. Яна тилларда миллён биринчининг номи. У бўлса яна «шараф тожи»ни кийишдан бош тортган. Шайтоний бурчим, вазифам деб катталар олдида яна муғамбирона қўл қовуштирган. Мадраса катталари шу пайтгача шайтон малайларига тақволи неъматларни едириб бўлмайди, деб хато қилишган экан. Миллион биринчи бўлишлигини исботлабди. Бўлганда ҳам худди ит теккандек бўлар экан.

Бу нарса ўз-ўзидан «учинчи қўл» опаларни ташвишга солиб қўйди. Улар чуввос солиб, холани ўртага олишди:

— Холажон бир иложини қилинг, нимагадир савдодан барака кетди.

— Кечаги тушумни ҳеч санолмасам бўладими? Нуқул қўлим теракни баргидек титирайди денг, пул эмас худди чўғ ушлагандек бўламан...

— Вой мени айтмайсизми, пулнинг сассифига ухлолмадим, холажон. Ҳа эшик, деразаларни очиб ётдим...

kerak. Buyam istakanda sotilib, istakanda «otila»di, ha... — deya mulozamat ham qilib turdi.

Buni ko'rib qolgan birkam millon o'qituvchilikdan umidini uzib, jinni bo'layozdi. Axir o'z malaylari bo'lgan bunaqa odam bolalarini taqvoli joyga qaysi esini yegan shayton ro'para qiladi? Taqvoli narsalar ularning qoniga kirsam u yog'i nima bo'ladi? Million birinchining paymonasi to'lganga o'xshaydi. Endi uni uchinchi marta qovun tushirishini kutib o'tirishmaydi. Qulog'i bilan dumini shartta kesib, madrasadan quvib yuborishadi. Ko'r hassasini bir marta oldiradi, deyishadi. Million birinchi bo'lsa hov boshida qilgan xatoni bugun yana qaytarib o'tribdi... Esizgina million birinchi, degan nom. Senda bir gap bor deb maqtab yuribdi-ya uni. Esizgina maqtovlar-u, olqishlar. Tuyaning qumalog'i ham yo'q ekan unda...

Ertasiga erta bilan mish-mish tarqaldi. Nimaymish madrasa dasturhoniga «Taqvo rastasi»dan shaytoniy nasibalar borganmish. Anchadan beri bu rastadan nasiba uzulib qolgan ekan, binoyidek aloqa tiklanibdi. Yana tillarda millyon birinchining nomi. U bo'lsa yana «sharaf toji»ni kiyishdan bosh tortgan. Shaytoniy burchim, vazifam deb kattalar oldida yana mug'ambirona qo'l qovushtirgan. Madrasa kattalari shu paytgacha shayton malaylariga taqvoli ne'matlarni yedirib bo'lmaydi, deb xato qilishgan ekan. Million birinchi bo'lishligini isbotlabdi. Bo'lganda ham xuddi it tekkandek bo'lar ekan.

Bu narsa o'z-o'zidan «uchinchi qo'l» opalarni tashvishga solib qo'ydi. Ular chuvvos solib, xolani o'rta olishdi:

— Xolajon bir ilojini qiling, nimagadir savdodan baraka ketdi.

— Kechagi tushumni hech sanolmasam bo'ladimi? Nuqul qo'lim terakni bargidek titiraydi deng, pul emas xuddi cho'g' ushlagandek bo'laman...

— Voy meni aytmaysizmi, pulning sassig'iga uxlolmadim, xolajon. Ha eshik, derazalarni ochib yotdim...

— Мен тушимда нукул босиринқираб ажиналарни кўриб чиқдим.

— Уяммас, буяммас растамизга кўз тегдиёв...

— Исириқ тутатворсакмикин-а?

— Ҳа, исиріқ ҳам тутатамиз кейин холажоним дуо ўқиб, дам ҳам солиб кўядилар-а?..

— Ў-ў-ў... — деди Бисмилло хола бошини сарак-сарак қилиб «учинчи кўл» опаларга бошдан оёқ тикиларкан, — шунчаликка етибсизларми, билингки, тақвода етилибсизлар. Мана бу еринглар, — деб хола кўкрагининг устига кўлини кўйди, — биллур идишдек ярқираб кетибди, барака топинглар, Аллоҳ рози бўлсин сизлардан. Мени жуда хурсанд қивординглар. Илгари бунақа нарсаларнинг фарқига бориш қайда эди... Аллоҳ сездирса, билиб турибман, растамизга шайтон оралагани аниқ, ҳа бу ташвишлар ўшани иши.

— Вой-й-й... энди нима қиламиз, холажон?

— Шайтондан энди қутулдик деган эдик-ку.

— Жа ўлардек сур бўларкан-да уям...

Бу гапларни эшитган Шайтонвачча бу ёқда Биркам миллион билан оғизлари қулоқларида, чапак чалишарди. Биркам миллион энди катта ўқитувчи лавозимига минволган, Шайтонваччанинг елкасини силаб, эркалаб ўтирарди...

— Айтмадимми, — деди Шайтонвачча мош ютган хўроздек гердайиб, — биз шайтонлар сенларни ўзларинг кўрмаган томонларингдан кўрамиз. Додларингни энди шарти кетиб, парти қолган анови кампирга айтаверларинг.

Шу пайт Шайтонвачча билан Биркам миллион нимагадир бир чўчиб тушишди. Биров тағларига халачўп суққандек бўлди. Шошиб Бисмилло холага юзланишди. Бисмилло хола деди:

— Бу дунёда бўлмайдиган иш йўқ, қоқиндиқлар, мен сизларга айтсам...

— Айтинг, холажон, айтинг, — ҳар тарафдан жиғиллашди «Учинчи кўл» опалар.

— Шайтонлар доритган бу дард бедаво эмас, қоқиндиқлар, давоси бор. Иллат сизлар ўйлаганчалик сотаётган молда эмас пулда.

— Пулда?! Вой ачиб қолий, пулдаям иллат бўла-

— Men tushimda nuqul bosirinqirab ajinalarni ko‘rib chiqdim.

— Uyammas, buyammas rastamizga ko‘z tegdiyov...

— Isiriq tutatvorsakmikin-a?

— Ha, isiriq ham tutatamiz keyin xolajonim duo o‘qib, dam ham solib qo‘yadilar-a?..

— O‘-o‘-o‘... — dedi Bismillo xola boshini sarak-sarak qilib «uchinchi qo‘l» opalarga boshdan oyoq tikilarkan, — shunchalikka yetibsizlarmi, bilingki, taqvoda yetilibsizlar. Mana bu yeringlar, — deb xola ko‘kraging ustiga qo‘lini qo‘ydi, — billur idishdek yarqirab ketibdi, baraka topinglar, Alloh rozi bo‘lsin sizlardan. Meni juda xursand qivordinglar. Ilgari bunaqa narsalarning farqiga borish qayda edi... Alloh sezdirsa, bilib turibman, rastamizga shayton oralagani aniq, ha bu tashvishlar o‘shani ishi.

— Voy-y-y... endi nima qilamiz, xolajon?

— Shaytondan endi qutuldik degan edik-ku.

— Ja o‘lardek sur bo‘larkan-da uyam...

Bu gaplarni eshitgan Shaytonvachcha bu yoqda Birkam million bilan og‘izlari quloqlarida, chapak chalishardi. Birkam million endi katta o‘qituvchi lavozimiga minvolgan, Shaytonvachchaning yelkasini silab, erkalab o‘tirardi...

— Aytmadimmi, — dedi Shaytonvachcha mosh yutgan xo‘rozdek gerdayib, — biz shaytonlar senlarni o‘zlaring ko‘rmagan tomonlaringdan ko‘ramiz. Dodlaringni endi sharti ketib, parti qolgan anovi kampirga aytaverlaring.

Shu payt Shaytonvachcha bilan Birkam million nimagadir bir cho‘chib tushishdi. Birov taglariga xalacho‘p suqqandek bo‘ldi. Shoshib Bismillo xolaga yuzlanishdi. Bismillo xola dedi:

— Bu dunyoda bo‘lmaydigan ish yo‘q, qoqindiqlar, men sizlarga aytsam...

— Ayting, xolajon, ayting, — har tarafdin jig‘illashdi «Uchinchi qo‘l» opalar.

— Shaytonlar doritgan bu dard bedavo emas, qoqindiqlar, davosi bor. Illat sizlar o‘ylaganchalik sotayotgan molda emas pulda.

дими, холажон, қўйинг-е, — кўзлари шокосадай бўлди опалардан бирининг.

— Бўлади, бўлганда қандоқ. Мана сизлар оқлиғни қанақалигини биласизлар, аммо харидорнинг пули қанақалигини қаттан биласизлар? Балки у порахўрдир, балки етимнинг ҳақидан уриб қолгандир, ўғридир, мутгаҳамдир, пиянистадир... Ҳа, билишимча совдога ўшаларнинг пули аралашган. Бошқа ҳалол пулларга ҳам ўшанинг кароҳати урган. Шундай қилиб савдонинг баракаси осмон-у фалакка учган-да, қоқиндиқлар.

— Духтир бўб кетинг-е, ташхисни жуда ўрни-ўчоғида қўйдингиз-да холажон, кейинги пайтда ўшанақа шайтонсифат мижозлар кўпайиб кетганини кўнглим сезувди-я.

— Қуриб кетсин, энди ўшанақаларга оқлиғни сотмайлик-а, холажон?

— Йўқ, ундоқ қилиб бўлмайди, зинҳор-базинҳор, ўртада жанжал чиқади-я. Бозор тартиби бузилади. Буни хамирдан қил суғиргандек бошқа йўллари бор.

Шайтонвачча билан Биркам миллионнинг вужудлари қулоққа айланди. Оббо бу жодугар кампир шайтонларга қарши яна қанақа юриш қиларкин?

— Йўли шуки, лобар қизларим, кундалик савдо ни санашдан олдин кўзни чирт юмасиз-да, Аллоҳ учун деб битта сўлкавойни олиб, кўздан нари қўясиз. Кейин «хирмонга барака» дейсиз-у, тушумни санайверасиз... Ўша олиб қўйган сўлкавойингиз садақа бўлади, савдо пулингизни ҳалоллаб, барака киритиб беради.

— Садақа-радди бало денг, холажон?

— Шундоқ.

— «Хирмонга барака!» деганларича бор экан-да!

— Шундоқ қоқиндиқлар, шундоқ! Деҳқонлар ҳам кузда ердан нимаики кўтарсалар ҳар ўн килосидан бир кило, юз килосидан ўн кило, минг килосидан юз кило бева-бечораларга кафсан беришади, шунда уларниям деҳқончилигига яратган Эгам барака киритиб беради. Сизларникиям шунақа. Ахир сизнинг эҳсонингиз билан бир бечоранинг қозони қайнаса, дуо қилмайдими, бирингга минг берсин деб...

— Pulda?! Voy achib qoliy, puldayam illat bo'ladimi, xolajon, qo'ying-e, — ko'zlari shokosaday bo'ldi opalardan birining.

— Bo'ladi, bo'lganda qandoq. Mana sizlar oqlig'ni qanaqaligini bilasizlar, ammo xaridorning puli qanaqaligini qattan bilasizlar? Balki u poraxo'rdir, balki yetimning haqidan urib qolgandir, o'g'ridir, muttahamdir, piyanistadir... Ha, bilishimcha sovdoga o'shalarining puli aralashgan. Boshqa halol pullarga ham o'shaning karohati urgan. Shunday qilib savdoning barakasi osmon-u falakka uchgan-da, qoqindiqlar.

— Do'xtir bo'b keting-e, tashxisni juda o'rni-o'chog'ida qo'ydingiz-da xolajon, keyingi paytda o'shanaqa shaytonsifat mijozlar ko'payib ketganini ko'nglim sezuvdi-ya.

— Qurib ketsin, endi o'shanaqalarga oqlig'ni sotmaylik-a, xolajon?

— Yo'q, undoq qilib bo'lmaydi, zinhor-bazinhor, o'rtada janjal chiqadi-ya. Bozor tartibi buziladi. Buni xamirdan qil sug'irgandek boshqa yo'llari bor.

Shaytonvachcha bilan Birkam millionning vujudlari quloqqa aylandi. Obbo bu jodugar kampir shaytonlarga qarshi yana qanaqa yurish qilarkin?

— Yo'li shuki, lozar qizlarim, kundalik savdoni sanashdan oldin ko'zni chirt yumasiz-da, Alloh uchun deb bitta so'lkavoyini olib, ko'zdan nari qo'yasiz. Keyin «xirmonga baraka» deysiz-u, tushumni sanayverasiz... O'sha olib qo'ygan so'lkavoyingiz sadaqa bo'ladi, savdo pulingizni halolab, baraka kiritib beradi.

— Sadaqa-raddi balo deng, xolajon?

— Shundoq.

— «Xirmonga baraka!» deganlaricha bor ekan-da!

— Shundoq qoqindiqlar, shundoq! Dehqonlar ham kuzda yerdan nimaiki ko'tarsalar har o'n kilosidan bir kilo, yuz kilosidan o'n kilo, ming kilosidan yuz kilo beva-bechoralarga kafsani berishadi, shunda ularniyam dehqonchiligiga yaratgan Egam baraka kiritib beradi. Sizlarnikiyam shunaqa. Axir sizning ehsoningiz bilan bir bechoraning qozoni qaynasa, duo qilmaydimi, biringga ming bersin det...

— Мен битта жойига сал тушунмай қолдим, хо-  
лажон. Сўлкавойни хирмондан нимага кўзимизни  
чирт юмиб олишимиз керак-а? Кўзимизни катта очиб  
оловурсак бўлмайдами?

— Аллоҳим эҳсонни чин кўнгилдан, холис бўли-  
шини яхши кўради. Шундай қилсангиз сўлкавойни  
каттаси чиқиб қолди «оҳ» деб огринмайсиз, майда-  
си чиқиб қолса «вой» деб хижолат бўлмайсиз. Қўлга  
Аллоҳнинг буюргани илинади-да... Шундай қилиб,  
садақа билан мол ҳам, ана ундай кароҳатли пуллар  
ҳам покланади, қоқиндиқлар.

— Вой бў-ў-ў-й, — деди Шайтонвачча ҳафсаласи  
пир бўлиб, — бу жодугар бизга қарши ёмон юриш  
қилди-ю, эртага мадрасанинг дастурхони яна оқлиф-  
сиз қоладиган бўлди...

— Катта шайтон ўқитувчилик нима бўлади энди? —  
деди биркам миллион Шайтонваччанинг елкасини  
силашдан тўхтаб.

— Нима бўларди, сабил қолади, сен яхшиси бу-  
нақа омонат, юрак ўйноғи амаллардан воз кеч.

— Хо-о-о... сенга айтишга осон, амал деб қўйиб-  
дилар буни. Воз кечишмиш-а, тушингни сувга айт.

— Бўпти, амалинг билан қўшмозор бўл, бу тақ-  
во растасида мен қиладиган иш қолмади кетдим.

— Қаёққа, ҳов миллион биринчи?

— Хуттага...

## САЛОМ БЕРДИК, ХОЖАМ

**(ёки Шайтонваччанинг эски қадрдони Хожанинг  
ишларига аралашмоқчи бўлгани)**

Хожа бозорнинг энг гавжум жойида тижорат  
ишларини бошлаб юборган эди. Аввалига у ишни  
нимадан бошласам экан деб кўп бош қотирди. Оёқ  
кийимиданми, бош кийимиданми, ёки биракайига  
аралаш-қуралашиданми?

— Сиз киши эпламайдиганидан бошлайверинг,  
ютқазмайсиз, — маслаҳат берди Бисмилло хола.

Хожа бозорни айланиб кўрса, ҳамма нарса бор



— Men bitta joyiga sal tushunmay qoldim, xolajon. So‘lkavoyini xirmondan nimaga ko‘zimizni chirt yumib olishimiz kerak-a? Ko‘zimizni katta ochib olovursak bo‘lmaydimi?

— Allohim ehsonni chin ko‘ngildan, xolis bo‘lishini yaxshi ko‘radi. Shunday qilsangiz so‘lkavoyini kattasi chiqib qoldi «oh» deb og‘rinmaysiz, maydasi chiqib qolsa «voy» deb xijolat bo‘lmaysiz. Qo‘lga Allohning buyurgani ilinadi-da... Shunday qilib, sadaqa bilan mol ham, ana unday karohatli pullar ham poklanadi, qoqindiqlar.

— Voy bo‘-o‘-o‘-y, — dedi Shaytonvachcha hafsalasi pir bo‘lib, — bu jodugar bizga qarshi yomon yurish qildi-yu, ertaga madrasaning dasturxonini yana oqlig‘siz qoladigan bo‘ldi...

— Katta shayton o‘qituvchilik nima bo‘ladi endi? — dedi birkam million Shaytonvachchanning yelkasini silashdan to‘xtab.

— Nima bo‘lardi, sabil qoladi, sen yaxshisi bunaqa omonat, yurak o‘ynog‘i amallardan voz kech.

— Ho-o-o... senga aytishga oson, amal deb qo‘yibdilar buni. Voz kechishmish-a, tushingni suvga ayt.

— Bo‘pti, amaling bilan qo‘shmozor bo‘l, bu taqvo rastasida men qiladigan ish qolmadi ketdim.

— Qayoqqa, hov million birinchi?

— Xuttaga...

## **SALOM BERDIK, XOJAM**

**(yoki Shaytonvachchanning eski qadrdoni Xojaning ishlariga aralashmoqchi bo‘lgani)**

Xoja bozorning eng gavjum joyida tijorat ishlarini boshlab yuborgan edi. Avvaliga u ishni nimadan boshlasam ekan deb ko‘p bosh qotirdi. Oyoq kiyimidanmi, bosh kiyimidanmi, yoki birakayiga aralash-quralashidanmi?

— Siz kishi eplamaydiganidan boshlayvering, yutqazmaysiz, — maslahat berdi Bismillo xola.

экан-у, болаларга ўйинчоқ йўқ экан. Ҳа тижоратчилар катта молларга ўзларини уриб, болаларни эсларидан чиқариб қўйишибди. У ҳам эл қатори четга чиқиб, бор сармойсига турли-туман болалар ўйинчоқларини олиб қайтди. Ҳа, Аллоҳга таваккал қилди. Бахтига бунақа молдан бож олинмас, олинса ҳам номигагина олинар экан. Аста-секин ишлари юришиб кетди. Хожа инсофли эди. Молига шарий нарх қўяр, беш қўлини оғзига тикмасди.

Шайтонвачча энди Бисмилло холадан бир иш чиқара олмагач, Хожага қараб оғди. У кўпдан Хожанинг арзонфурушлигини билар, «вой, тақводор валломат-е, сеними, шошмай тур» деб зимдан тишини қайраб, юрарди. Олдиндан режа тузиб, бир шумликниям ўйлаб қўйган эди. Аксига олиб елкасига миндирадиган харидорлар орасида боламга ўйинчоқ оламан деганлари сира учрамаётган эди. Бахтига бугун шунақаси учраб қолди. Иши юришмай турганда худди осмондан тушгандек бўлди. Ўзиям давангирдек, чапани эркак экан. Ҳойнаҳой ўйинчоқларни бешиктўйига олмоқчи. Шайтонвачча давангини чапдан бошлаб, фирт чайқовчи бир ўйинчоқфурушга рўпара қилди.

— Ўлган отайиззи хуниниям қўшвордизми, мунча бу заҳардан ҳам қиммат? — дея дўриллади харидор қовоқ-тумшуқ қилиб.

Бундақа қўпол харидор олдида, албатта, сотувчи паст тушади, молини сотмасаям тезроқ кўздан даб бўлсин деб ўзича бир нималарни минфирлаган бўлади:

— Э, ака шуни деб қайдан-қайларга борамиз, бир ёғи мусофир юртлар, вей сенам одаммисан дейишмайди номардлар, йўлларни бўлса ўзингиз биласиз, сал бўлмаса терингизгача шилволай дейишадди ноинсофлар, шундаям бизга қолса-қолади, қолмаса йўқ. Сўровринг, сизга ками бор, ака...

Шайтонвачча эътибор қилса, сотувчи бор-йўғи шайтонлик қиляпти давангир харидор бўлса унга лаққа ишонапти. Раҳми келганидан ранги-рўйи ўзгариб, девдек одам ҳамманинг кўзи олдида кичрайиб борапти. Харидор тушмагур бошини дағдаға билан

Xoja bozorni aylanib ko'rsa, hamma narsa bor ekan-u, bolalarga o'yinchoq yo'q ekan. Ha tijoratchilar katta mollarga o'zlarini urib, bolalarni eslaridan chiqarib qo'yishibdi. U ham el qatori chetga chiqib, bor sarmoyasiga turli-tuman bolalar o'yinchoqlarini olib qaytdi. Ha, Allohga tavakkal qildi. Baxtiga bunaqa moldan boj olinmas, olinsa ham nomigagina olinar ekan. Asta-sekin ishlari yurishib ketdi. Xoja insofli edi. Moliga shariy narx qo'yar, besh qo'lini og'ziga tiqmasdi.

Shaytonvachcha endi Bismillo xoladan bir ish chiqara olmagach, Xojaga qarab og'di. U ko'pdan Xojaning arzonfurusligini bilar, «voy, taqvodor vallomat-e, senimi, shoshmay tur» deb zimdan tishini qayrab, yurardi. Oldindan reja tuzib, bir shumlikniyam o'ylab qo'ygan edi. Aksiga olib yelkasiga mindiradigan xaridorlar orasida bolamga o'yinchoq olaman deganlari sira uchramayotgan edi. Baxtiga bugun shunaqasi uchrab qoldi. Ishi yurishmay turganda xuddi osmondan tushgandek bo'ldi. O'ziyam davangirdek, chapani erkak ekan. Hoynahoy o'yinchoqlarni beshikto'yiga olmoqchi. Shaytonvachcha davangini chapdan boshlab, g'irt chayqovchi bir o'yinchoqfurusga ro'para qildi.

— O'lgan otayizzi xuniniyam qo'shvordizmi, muncha bu zahardan ham qimmat? — deya do'rilladi xaridor qovoq-tumshuq qilib.

Bundaqa qo'pol xaridor oldida, albatta, sotuvchi past tushadi, molini sotmasayam tezroq ko'zdan dab bo'lsin deb o'zicha bir nimalarni ming'irlagan bo'ladi:

— E, aka shuni deb qaydan-qaylarga boramiz, bir yog'i musofir yurtlar, vey senam odammisan deyishmaydi nomardlar, yo'llarni bo'lsa o'zingiz bilasiz, sal bo'lmasa teringizgacha shilvolay deyishadi noinsoflar, shundayam bizga qolsa-qoladi, qolmasa yo'q. So'rov-ring, sizga kami bor, aka...

Shaytonvachcha e'tibor qilsa, sotuvchi bor-yo'g'i shaytonlik qilyapti davangir xaridor bo'lsa unga laqqa ishonyapti. Rahmi kelganidan rangi-ro'yi o'zgarib, devdek odam hammaning ko'zi oldida kichrayib boryapti. Xaridor tushmagur boshini dag'dag'a bilan

бошладию, охирида «пуф» этиб дами чиқиб кетди. Унга қолса оладиган.

— Йўқ, — дейди Шайтонвачча, давангирнинг кулогидан чўзиб бунни моли бўлмайти, ярим пулига берсаям ҳақингиз кетади, бари туфта, сирти ялтироқ ичи қалтироқ ўйинчоқлар, — деб ростини айтди. Харидор молдан айниб, қўл силтади.

Шайтонвачча энди уни ой деса юзи, кун деса кўзи бор бир гўзал жувоннинг олдига олиб борди. Кўпинча харидорлар сотувчининг ҳусни-малоҳатига тўйиб олиб, кейин молига харидор бўлишарди. Ўзи ўйинчоқларидан, ўйинчоқлари ўзидек чиройли эди. Шунинг учун бу жувон молига кўрқмай баланд нарх ураверарди. Давангир бу ердаям осмондан келди:

— Ўҳ-хў-ў... нархи ўзингиз биланми?..

— Олдин ўйинчоқларни савдосини пиширайлик, меникини кейинроқ... — деб ишва қилди жувон.

Давангир ярқ этиб, жувонга қаради. У тилла тишларини кўрсатиб, ишшайиб турарди. Давангирни кўнглига ёмон гап келди. Кўзлари ола-кула бўлиб:

— Уятсиз, — деди.

— Саломингизга яраша алик олдик-да, бойвучча ака... бу ерни бозор деб қўйибдилар... айбга буюрмайсиз, — хандон отиб кулди жувон.

Давангир ўйинчоқ ушлаган қўлини қоқиб-суқиб, бу ердан тезроқ кетишнинг пайдидан бўб қолди.

Шайтонваччанинг давангирни бу ўйинчоқфурушларга йўлиқтиришдан мақсади томоман бошқа эди. Ниятига бир мунча эришди ҳам. Бунни устига давангир балодек тақводор ҳам экан. Анови хотиндан тақво қилди-ку. Тақводорни йўлдан уриш ҳам айни муддао, узукка кўз қўйгандек. Шайтонвачча охири уни Хожага рўпара қилди.

— Хў-ўш... ака бизга аптаматдан кўрсатинг?

— Унақаси бизда йўғиди-я, биродар...

— Пулимот-чи, пулимот, ўчиб-ёнадиганидан борми?

— Уям... — ерга қаради Хожа.

— Топпонча-чи, топпонча?

«Йўқ» дегандек бош чайқаб кулди Хожа, кейин қўшиб қўйди:

— Келинг ака, болаларимиз ҳалиттан бир-бирла-

boshladi-yu, oxirida «puf» etib dami chiqib ketdi. Unga qolsa oladigan.

— Yo‘q, — deydi Shaytonvachcha, davangirning qulog‘idan cho‘zib buni moli bo‘lmaydi, yarim puliga bersayam haqingiz ketadi, bari tufta, sirti yaltiroq ichi qaltiroq o‘yinchoqlar, — deb rostini aytdi. Xaridor moldan aynib, qo‘l siltadi.

Shaytonvachcha endi uni oy desa yuzi, kun desa ko‘zi bor bir go‘zal juvonning oldiga olib bordi. Ko‘pincha xaridorlar sotuvchining husni-malohatiga to‘yib olib, keyin moliga xaridor bo‘lishardi. O‘zi o‘yinchoqlaridan, o‘yinchoqlari o‘zidek chiroyli edi. Shuning uchun bu juvon moliga qo‘rqmay baland narx uraverardi. Davangir bu yerdayam osmondan keldi:

— O‘h-ho‘o‘... narxi o‘zingiz bilanmi?..

— Oldin o‘yinchoqlarni savdosini pishiraylik, menikini keyinroq... — deb ishva qildi juvon.

Davangir yarq etib, juvonga qaradi. U tilla tishlarini ko‘rsatib, ishshayib turardi. Davangirni ko‘ngliga yomon gap keldi. Ko‘zlari ola-kula bo‘lib:

— Uyatsiz, — dedi.

— Salomingizga yarasha alik oldik-da, boyvuchcha aka... bu yerni bozor deb qo‘yibdilar... aybga buyurmaysiz, — xandon otib kuldi juvon.

Davangir o‘yinchoq ushlagan qo‘lini qoqib-suqib, bu yerdan tezroq ketishning payidan bo‘b qoldi.

Shaytonvachchanning davangirni bu o‘yinchoqfushlarga yo‘liqtirishdan maqsadi tomoman boshqa edi. Niyatiga bir muncha erishdi ham. Buni ustiga davangir balodek taqvodor ham ekan. Anovi xotindan taqvo qildi-ku. Taqvodorni yo‘ldan urish ham ayni muddao, uzukka ko‘z qo‘ygandek. Shaytonvachcha oxiri uni Xojaga ro‘para qildi.

— Xo‘o‘sh... aka bizga aptamatdan ko‘rsating?

— Unaqasi bizda yo‘g‘idi-ya, birodar...

— Pulimot-chi, pulimot, o‘chib-yonadiganidan bormi?

— Uyam... — erga qaradi Xoja.

— Topponcha-chi, topponcha?

«Yo‘q» degandek bosh chayqab kuldi Xoja, keyin qo‘shib qo‘ydi:

рини «отишмасин», уларни шу балодан нари қилиб турайлик. Шундоғам экстримистлар кўпайиб кетяпти...

— Э, — деди давангир бошини орқага ташлаб, — шундоқ калла билан бозорда нима қилиб ўтирибсиз, мактабга боринг, мактабга, оғайни...

— Бу ер қайси мактабдан кам, дейсиз — кулди Хожа, — энг катта мактаб шу ер-ку, ака! Сизга айтсам, қадимда жаҳонгирлар, бир юртни босиб олмоқчи бўлса бозорини ўрганар экан. Одамлари олди-сотди-да бир-бирини олдига пахол солаётган бўлса, бас тап тортмай бостириб келаверар экан. Нимагаки бунақа одамлар юртига ҳам, пошшосига ҳам хиёнат қилиши мумкин экан-да...

Давангир Хожанинг рўпарасида анқайганича туриб қолди. Унинг хумдек калласи бу тагдор гапларни қабул қилолмай ванг эди. Ҳа, деди у ичида, буям анови мўлтониларнинг биттаси-да, у деб, бу деб лақиллатиб, молини пулламоқчи!

— Яхши, — деди у бирдан ўзига келиб, — инсоф билан айтингчи, манови ўйинчоғингиз неча пул?

Хожа нархини айтиб:

— Сўрайверинг, қанча савдолашсангиз шунча яхши, — деб ҳам қўйди.

— Нима?! Ҳайратдан давангирнинг кўзлари ирғиб чиқди. Шайтонваччага худди шу керак эди. Кувонганидан чапак чалиб юборди. — Мени устимдан куляпсизми? — ўдағайлади давангир Хожага қараб.

— Худо сақласин, ака, қўйинг-е... сиздай одамни устидан кулиб бўлар эканми?

— Ахир худди шунақа ўйинчоқни анови ерда фалон деб ўтирибди-ку, сиз бўлса уни ярим нархиниям айтмаяпсиз. Шошмай туринг мен ҳозир уларни эсини калласига киритиб келаман...

— Қўйинг ҳов ака, унақа қилманг, бозор деб қўйибдилар бу ерни, — дея Хожа давангирнинг орқасидан бақириб қолди. Давангир кулоқ солмади.

Бирпасда тўс-тўпалон бошланди. Шайтонвачча ниятига етди. Хожа арзонфуришлик қилиб, кундан-кун обрўйи ошиб, кўзга ташланиб бораётган эди. Мана энди у сабаб бўлиб анови жононнинг бўйни-

— Keling aka, bolalarimiz halittan bir-birlarini «otishmasin», ularni shu balodan nari qilib turaylik. Shundog'am ekstrimistlar ko'payib ketyapti...

— E, — dedi davangir boshini orqaga tashlab, — shundoq kalla bilan bozorda nima qilib o'tiribsiz, maktabga boring, maktabga, og'ayni...

— Bu yer qaysi maktabdan kam, deysiz — kuldi Xoja, — eng katta maktab shu yer-ku, aka! Sizga aytсам, qadimda jahongirlar, bir yurtni bosib olmoqchi bo'lsa bozorini o'rganar ekan. Odamlari oldi-sotdi-da bir-birini oldiga pahol solayotgan bo'lsa, bas tap tortmay bostirib kelaverar ekan. Nimagaki bunaqa odamlar yurtiga ham, poshshosiga ham xiyonat qilishi mumkin ekan-da...

Davangir Xojaning ro'parasida anqayganicha turib qoldi. Uning xumdek kallasi bu tagdor gaplarni qabul qilolmay vang edi. Ha, dedi u ichida, buyam anovi mo'ltonilarning bittasi-da, u deb, bu deb laqillatib, molini pullamoqchi!

— Yaxshi, — dedi u birdan o'ziga kelib, — insof bilan aytingchi, manovi o'yinchog'ingiz necha pul?

Xoja narxini aytib:

— So'rayvering, qancha savdolashsangiz shuncha yaxshi, — deb ham qo'ydi.

— Nima?! Hayratdan davangirning ko'zlari irg'ib chiqdi. Shaytonvachchaga xuddi shu kerak edi. Quvonganidan chapak chalib yubordi. — Meni ustimdan kulyapsizmi? — o'dag'ayladi davangir Xojaga qarab.

— Xudo saqlasin, aka, qo'ying-e... sizday odamni ustidan kulib bo'lar ekanmi?

— Axir xuddi shunaqa o'yinchoqni anovi yerda falon deb o'tiribdi-ku, siz bo'lsa uni yarim narxiniyam aytmayapsiz. Shoshmay turing men hozir ularni esini kallasiga kiritib kelaman...

— Qo'ying hov aka, unaqa qilmang, bozor deb qo'yibdilar bu yerni, — deya Xoja davangirning orqasidan baqirib qoldi. Davangir quloq solmadi.

Birpasda to's-to'palon boshlandi. Shaytonvachcha niyatiga yetdi. Xoja arzonfurishlik qilib, kundan-kun

даги тилла занжири узилиб йўқолди, мановинисини пешонаси гурра бўлди. «Думи тугуклар» мадрасасида эса хурсандчиликдан яна карнай-сурнайлар чалиниб қолди. Яна ҳамду сано... Яшасин Миллион биринчи!

## ҲАЛАТИ ТЕАТР

(ёки Бисмилло холанинг Хожага қарши айб қўйиши)

Бозор мелисаси тартиб бузганлиги учун анови муштимини зўр давангирниям, ўйинчоқфурушларниям хонасига олиб кириб кетди... Аммо кимга нима деб айб қўйишни билмай роса боши қотди. Қимматфурушлар «мен иккинчи, учинчи қўл бўлсам, нима қилишим керак, бундан арзон сотолмайман» деб туришибди. Хожа бўлса «мен қўл-пўлни билмайман, ўзим обкелиб, ўзим сотаман, шунга меники арзон» дейди. Давангир бўлса «бу инсофсиз чайқовчиларни менга ўхшаган харидорлар эсини киритиб қўймаса, сизлар милисамас, аммамини бузоғисизлар» деб муштини дўлайиб турибди...

Шу пайт хонага шошганича бир болакайни етаклаб, Бисмилло хола кириб қолдилар:

— Ҳай милиса, болам, ҳа бўйларингга қоқиндиқ, шапкаларинг бирам ўзингга ярашадик, манови болача йўқолиб қопти десанг, ҳай... отинг нимайдими, гиргиттон? Ҳа, ҳа... Шавкат девдинг-а, эсим кўрсин. Шунини анови бозор билан гаплашадиганингда айтвор. Онаси бечора зир югуриб юргандир. Ҳали бу тойчоқ йўқолиб қолганини ҳам билмайди. Каттакон тўйхонага кеп қопман, келин қатта деб юрибди... Ҳа жавдираган кўзларингга онанг қоқиндиқ... ҳозир онангни топамиз...

Милиса йигит радио орқали эълон бергач, шошиб холага юзланди:

— Кетиб қолманг, холажон!

— Ишим-ку, бошимдан ошиб-тошиб ётибди-я, лекин анови боламми кўриб, оёқ-қўлим боғланиб қолди. У кишим нима қилиб ўтирибди бу ерда? — деб Хожага ишора қилдилар хола.



obro'yi oshib, ko'zga tashlanib borayotgan edi. Mana endi u sabab bo'lib anovi jononning bo'ynidagi tilla zanjiri uzilib yo'qoldi, manovinisini peshonasi g'urra bo'ldi. «Dumi tuguklar» madrasasida esa xursandchilikdan yana karnay-surnaylar chalinib qoldi. Yana hamdu sano... Yashasin Million birinchi!

## G'ALATI TEATR

**(yoki Bismillo xolaning Xojaga qarshi ayb qo'yishi)**

Bozor melisasi tartib buzganligi uchun anovi mushtimi zo'r davangirniyam, o'yinchoqfurushlarniyam xonasiga olib kirib ketdi... Ammo kinga nima deb ayb qo'yishni bilmay rosa boshi qotdi. Qimmatfurushlar «men ikkinchi, uchinchi qo'l bo'lsam, nima qilishim kerak, bundan arzon sotolmayman» deb turishibdi. Xoja bo'lsa «men qo'l-po'lni bilmayman, o'zim obkelib, o'zim sotaman, shunga meniki arzon» deydi. Davangir bo'lsa «bu insofsiz chayqovchilarni menga o'xshagan haridorlar esini kiritib qo'ymasa, sizlar milisamas, ammanni buzog'isizlar» deb mushtini do'layib turibdi...

Shu payt xonaga shoshganicha bir bolakayni yetaklab, Bismillo xola kirib qoldilar:

— Hay milisa, bolam, ha bo'ylaringga qoqindiq, shapkalarig biram o'zingga yarashadiki, manovi bolacha yo'qolib qopti desang, hay... oting nimaydi, girgitton? Ha, ha... Shavkat devding-a, esim qursin. Shuni anovi bozor bilan gaplashadiganingda aytvor. Onasi bechora zir yugurib yurgandir. Hali bu toychoq yo'qolib qolganini ham bilmaydi. Kattakon to'yxonaga kep qopman, kelin qatta deb yuribdi... Ha javdiragan ko'zlaringga onang qoqindiq... hozir onangni topamiz...

Milisa yigit radio orqali e'lon bergach, shoshib xolaga yuzlandi:

— Ketib qolmang, xolajon!

— Ishim-ku, boshimdan oshib-toshib yotibdi-ya, lekin anovi bolammi ko'rib, oyoq-qo'lim bog'lanib qoldi. U kishim nima qilib o'tiribdi bu yerda? — deb Xojaga ishora qildilar xola.

— Танишмисизлар? — сўради мелиса.

— Танишам гапми, эскитдан қадрдонмиз, она-боладек бўб кетганмиз.

— Касални тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келар деганларидек, заб келдингиз-да, холажон. Бизга сизни Худо етказди.

— Хў-ўш... нима гап, қоқиндиқ, — хушёр тортди хола.

— Шу десангиз, холажон, каттакон бир жумбоққа ботиб ўтирибмиз, сиз ёрдам бермасангиз, бўмайди, — деб воқеани мелиса лўндагина қилиб тушунтириб берди. Кейин холадан сўради:

— Хўш, холажон сиз мени ўрнимда бўлганингизда нима қилган бўлардингиз, хукми кимга чиқарардингиз?

— Кимга бўларди, мен билан она-боладек бўб қолган, анови боламга-да.

— Йўғ-е... у кишини қайтага тақдирлаш керак, молини арзон сотади... Яна қадрдонингиз бўлса...

— Йўқ, қоқиндиқ, ҳақ йўлида амма-холам, қадрдоним дейилмайди. Худодан кўрқиш керак...

— Айтдим-ку, — деб чапак чалиб юборди чиройли жувон. — Яшанг, холажон, ичим экансиз, бугундан сизга шогирд тушганим бўлсин...

Пешонаси ғурра бўлган ўйинчоқфуруш, бошини ердан кўтариб, холага бир қараб қўйди. Холанинг хукмидан кейин уни ҳам юрагида чироқ ёнгандек бўлди. Фақат даванги харидор кампирга ёв қараш қилди-ю, бир сўз демади.

— У кишим савдо тартибини бузганлар, бозорда нарх-наво ўйнаб кетган, натижада норозилик бўлган, жанжал чиққан.

— Ахир... — деб Хожа ўзини оқламоқчи бўлди.

— Нима демоқчилигингизни сезиб турибман, болам. Айтмоқчисизки, қўйган нархим мен учун ҳалол, ошиғи ҳаром демоқчисиз, шундайми?..

— Шундай, — тасдиқлади Хожа.

— Бундай пайтда сиз ўзингизга буюрилганини оласиз, бўлди...

— Қолгани-чи, уни нима қиламан?

— Қолганими, қолгани бева-бечораларни ҳақи. Балки қариндош-уруғ, яқин кишиларингиз, қўни-

— Tanishmisizlar? — so‘radi melisa.

— Tanisham gapmi, eskitdan qadrdonmiz, ona-boladek bo‘b ketganmiz.

— Kasalni tuzalgisi kelsa, tabib o‘z oyog‘i bilan kelar deganlaridek, zab keldingiz-da, xolajon. Bizga sizni Xudo yetkazdi.

— Xo‘o‘sh... nima gap, qoqindiq, — hushyor tortdi xola.

— Shu desangiz, xolajon, kattakon bir jumboqqa botib o‘tiribmiz, siz yordam bermasangiz, bo‘maydi, — deb voqeani melisa lo‘ndagina qilib tushuntirib berdi. Keyin xoladan so‘radi:

— Xo‘sh, xolajon siz meni o‘rnimda bo‘lganingizda nima qilgan bo‘lardingiz, hukmni kimga chiqarardingiz?

— Kimga bo‘lardi, men bilan ona-boladek bo‘b qolgan, anovi bolamga-da.

— Yo‘g‘e... u kishini qaytaga taqdirlash kerak, molini arzon sotadi... Yana qadrdoningiz bo‘lsa...

— Yo‘q, qoqindiq, haq yo‘lida amma-xolam, qadrdonim deyilmaydi. Xudodan qo‘rqish kerak...

— Aytim-ku, — deb chapak chalib yubordi chiroyli juvon. — Yashang, xolajon, ichim ekansiz, bugundan sizga shogird tushganim bo‘lsin...

Peshonasi g‘urra bo‘lgan o‘yinchoqfurush, boshini yerdan ko‘tarib, xolaga bir qarab qo‘ydi. Xolaning hukmidan keyin uni ham yuragida chiroq yongandek bo‘ldi. Faqat davangi xaridor kampirga yov qarash qildi-yu, bir so‘z demadi.

— U kishim savdo tartibini buzganlar, bozorda narx-navo o‘ynab ketgan, natijada norozilik bo‘gan, janjal chiqqan.

— Axir... — deb Xoja o‘zini oqlamoqchi bo‘ldi.

— Nima demoqchiligingizni sezib turibman, bolam. Aytmoqchisizki, qo‘ygan narxim men uchun halol, oshig‘i harom demoqchisiz, shundaymi?..

— Shunday, — tasdiqladi Xoja.

— Bunday paytda siz o‘zingizga buyurilganini olasiz, bo‘ldi...

— Qolgani-chi, uni nima qilaman?

қўшнилар орасида қўли калталар, қарздорлар, беморлар, мусофирлар бордир... У ёғига ўзингиздан қолар гап йўқ... Сизам тижоратда янгисиз-да, болам, билмагансиз. Мана энди билиб олдингиз, бошқалар ҳам билиб олсин... Кимки нархни ўйнатворса, жанжал чиқади, мен айтганларга амал қилмаса, тижорати эрта кунда синади. Аллоҳ таоло бандаларининг ризқини бир-бирининг қўлига сочиб қўйган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ берувчи қўлни яхши кўради.

— Холажон, мени тросимми ким тўлайди энди, бу ёғиниям ажрим қилиб беринг, илтимос, ўзим сиззи яхшилаб хурсанд қиламан.

— Тросингиз Худо хоҳласа топилади, болам. Хув бирда қовунфурушни пулини ўмариб кетган ўғри борида-ку, ўша обкелиб берибди, бояқиш. Еб кетгани Аллоҳдан кўрқибди. Худога шукр бозоримиздан ўғри-муттаҳамлар йўқолди, тақво расталари очилди, локин ҳали қиладиган ишларимиз кўпу, ҳар ҳолда бозоримизни доврўғи кундан-кунга тўрт томонга кетяпти. Ишқилиб кўз тегмасин. Занжирингиз бир мўмин мусулмонни қўлига тушган бўлса обкелиб беради, мана мени айтди, дейсиз. Мабодо топилмаса, жанжалга сабаб бўлган болам олиб беради, гап шу...

Хожа «хўп бўлади» дегандек ўрнидан туриб ўтирди.

— Ана, — деди чиройли хотин Хожага қараб, — ортиқчасини нима қиламан деган фойдадан оберақоласиз...

— Илло-билло, — деди хола ҳайқиргудек бўлиб, — у фойда бева-бечораларни ҳақи-я, сиз қизим улар сирасига кирмайсиз. Билсангиз сиз занжир тақадиган бойвуччалар сирасига кирасиз. Агарда бу ўғлим сиз айтгандек қилса борми, унда уям, сизам бева-бечораларнинг ҳақини еган бўласизлар, нақ бирор ерингиздан тешиб чиқади-я!

— Йў-йў-ў... Худо сақласин-а, занжир обертмасаларам гўрга...

— Оберади, ўзини ҳалол тижоратидан оберади. Сизгаям жавр бўмасин, қизим...

— Qolganimi, qolgani beva-bechoralarni haqi. Balki qarindosh-urugʻ, yaqin kishilaringiz, qoʻni-qoʻshnilar orasida qoʻli kaltalar, qarzdorlar, bemorlar, musofirlar bordir... U yogʻiga oʻzingizdan qolar gap yoʻq... Sizam tijoratda yangisiz-da, bolam, bilmagansiz. Mana endi bilib oldingiz, boshqalar ham bilib olsin... Kimki narxni oʻynatvorsa, janjal chiqadi, men aytganlarga amal qilmasa, tijorati erta kunda sinadi. Alloh taolo bandalarining rizqini bir-birining qoʻliga sochib qoʻygan. Shuning uchun ham Alloh beruvchi qoʻlni yaxshi koʻradi.

— Xolajon, meni trosimmi kim toʻlaydi endi, bu-yogʻiniyam ajrim qilib bering, iltimos, oʻzim sizni yaxshilab xursand qilaman.

— Trosingiz Xudo xohlasa topiladi, bolam. Huv birda qovunfurushni pulini oʻmarib ketgan oʻgʻri boridiku, oʻsha obkelib beribdi, boyaqish. Yeb ketgani Allohdan qoʻrqibdi. Xudoga shukr bozorimizdan oʻgʻrimuttahamlar yoʻqoldi, taqvo rastalari ochildi, lokin hali qiladigan ishlarimiz koʻpu, har holda bozorimizni dovrugʻi kundan kunga toʻrt tomonga ketyapti. Ishqilib koʻz tegmasin. Zanjiringiz bir moʻmin musulmonni qoʻliga tushgan boʻlsa obkelib beradi, mana meni aytdi, deysiz. Mabodo topilmasa, janjalga sabab boʻlgan bolam olib beradi, gap shu...

Xoja «hoʻp boʻladi» degandek oʻrnidan turib oʻtirdi.

— Ana, — dedi chiroyli xotin Xojaga qarab, — ortiqchasini nima qilaman degan foydadan oberoqolasiz...

— Illo-billo, — dedi xola hayqirgudek boʻlib, — u foyda beva-bechoralarni haqi-ya, siz qizim ular sirasiga kirmaysiz. Bilsangiz siz zanjir taqadigan boyvuchchalar sirasiga kirasiz. Agarda bu oʻgʻlim siz aytgandek qilsa bormi, unda uyam, sizam beva-bechoralarning haqini yegan boʻlasizlar, naq biror yeringizdan teshib chiqadi-ya!

— Yoʻ-yoʻ-oʻ... Xudo saqlasin-a, zanjir obermasalaram goʻrga...

— Oberadi, oʻzini halol tijoratidan oberadi. Sizgayam javr boʻmasin, qizim...

— Мени бошимчи? — дея ғуррасини кўрсатди ўйинчоқфуруш, — бунга нима дейсиз?

— Сиззи ишингиз осон болам, рўмолчани хўллаб муздек-муздек қилиб, икки-уч боссангиз, ўрнига кеп қолади. От тепкисини от кўтаради, Худо учун кечириб қўяқолинг холанг ўргулсин. Кечиримли бўлинглар деганлар ҳазрати Пайғамбаримиз. Минг қилган даям сиз билан биз бозорда ўтирамыз-да, болам... Шундай бўлгач сиз билан биз мезбон ҳукмидамыз. Меҳмон акам кайф устида бир эркалик қилди-да, деб қўяқоласиз-да, қоқиндиқ...

— Ҳов хола, мен ичмайман, — дея дўриллади давангир жаҳли чиқиб.

— Вой ичмайман деган тилларингга шакар-а, шунинг учун ҳам бу болам сени кечиради. Кечирасиз-а, айланай. Ҳа, яхши кечиримли одамни Оллоҳ таола ҳам унча-мунча гуноҳлари бўлса кечирворади, ҳа!

Шу пайт бир хотин хонага шошиб-пишиб кириб келди-да:

— Радиодан манови трос ҳақида сизлар гапирдийларми? — деди. Ичкарида ўтирганлар ҳайрон бўлиб аёлга қарашди. — Буни мен топиб олувдим, мен. Хайрият-ей эгаси топилиб қолди деб эшитдим-у, бу ёққа чопдим...

— Э, — деди милисанинг капалаги учиб, — радио очиқ қопти-ку. Расво бўлдим. Бу ердаги гаплар кўчага чиқиб кетибди-ку...

— Вой бутун бозор зўр театр бўляпти деб, эшитиб ўтирибди-ю, — деди занжир кўтариб кирган хотин, — бу театрамасмиди ҳали?..

— Аллоҳ ошкор қиламан деса ўзига осон, айланайлар, — деди Бисмилло хола, — бир ҳисобда яхшиям бўпти... Умуман-чи, милиса болам бу гапиргичингдан фойдаланиб турсак ёмон бўмасакан, нима дединг?

— Қайдамов, локин менам ҳозир шуни ўйлаб турувдим, холажон...

Бу пайтда «Думи кесиклар» мадрасасида карнай-сурнайлар овози ўчиб, мотам куйлари чалина бошлаган эди. Ахир «гапиргич» ҳам кўлдан кетган эди-да...

— Meni boshimchi? — deya g'urrasini ko'rsatdi o'yinchoqfurush, — bunga nima deysiz?

— Sizzi ishingiz oson bolam, ro'molchani ho'llab muzdek-muzdek qilib, ikki-uch bossangiz, o'rniga kep qoladi. Ot tepkisini ot ko'taradi, Xudo uchun kechirib qo'yaqoling xolang o'rgulsin. Kechirimli bo'linglar deganlar hazrati Payg'ambarimiz. Ming qilgandayam siz bilan biz bozorda o'tiramiz-da, bolam... Shunday bo'lgach siz bilan biz mezbon hukmidamiz. Mehmon akam kayf ustida bir erkalik qildi-da, deb qo'yaqolasiz-da, qoqindiq...

— Hov xola, men ichmayman, — deya do'rilladi davangir jahli chiqib.

— Voy ichmayman degan tillaringga shakar-a, shuning uchun ham bu bolam seni kechiradi. Kechirasiz-a, aylanay. Ha, yaxshi kechirimli odamni Oллоh taola ham uncha-muncha gunohlari bo'lsa kechirvoradi, ha!

Shu payt bir xotin xonaga shoshib-pishib kirib keldi-da:

— Radiodan manovi tros haqida sizlar gapirdiy-larmi? — dedi. Ichkarida o'tirganlar hayron bo'lib ayolga qarashdi. — Buni men topib oluvdim, men. Hayriyat-ey egasi topilib qoldi deb eshitdim-u, bu yoqqa chopdim...

— E, — dedi milisaning kapalagi uchib, — radio ochiq qopti-ku. Rasvo bo'ldim. Bu yerdagi gaplar ko'chaga chiqib ketibdi-ku...

— Voy butun bozor zo'r teatr bo'lyapti deb, eshitib o'tiribdi-yu, — dedi zanjir ko'tarib kirgan xotin, — bu teatrmasmidi hali?..

— Alloh oshkor qilaman desa o'ziga oson, aylanaylar, — dedi Bismillo xola, — bir hisobda yaxshiyam bo'bti... Umuman-chi, milisa bolam bu gapirgichingdan foydalanib tursak yomon bo'masakan, nima deding?

— Qaydamov, lokin menam hozir shuni o'ylab turuvdim, xolajon...

Bu paytda «Dumi kesiklar» madrasasida karnay-surnaylar ovozi o'chib, motam kuylari chalina boshlagan edi. Axir «gapirgich» ham qo'ldan ketgan edi-da...

## ТЕАТРНИНГ ДАВОМИ

(ёки Бисмилло холанинг устма-уст темирнинг қизи-  
ғида босиши)

Бисмилло хола билан бозор инспектори ўринла-  
ридан турмаёқ, «арзимиз бориди» деб хонага бир-  
бирига хўмрайишиб, икки киши кириб келишди.  
Шайтонвачча уларни таниди. Кеча икки оғайнини  
оғиз-бурун ўпиштириб, бир ишқал чиқарган эди.  
Қарабсизки, бугун ёвлашиб, арзга келишибди.

— Ҳе одам бўлмай кетларинг, — деди Шайтон-  
вачча устиларидан кулиб, — фойда бўлса дарровда  
оғиз-бурин ўпишади, салгина бир-бирига ўтишиб  
қолса, дарровда бир-бирининг ёқасига ёпишади...  
Юзингда кўзинг борми, демайди-я, бу одам болала-  
ри?

— Арзийлар менгамасдир-ов, болаларим? — дея  
хола кетишга чоғланди.

— Сизга-да, хола сизга бўмай кимга бўларди, —  
деб кўзларини лўқ қилди биттаси.

Хола бир зум ўйланиб турди-да, инспекторга  
қаради:

— Мелиса болам, анови гапиргичингни тавак-  
кал қилиб ёқасанми, кўнглим сезиб турибди, наза-  
римда ҳаммабоп гап бўладиганга ўхшайди. — Ё сиз-  
лар бунга қаршимисизлар, қоқиндиқлар? — арзи-  
гўйлардан сўради хола.

— Йўқ, мен қаршимасман, — деди биттаси.

— Қайтага яхши бўлади, — деди иккинчиси, —  
манови акамларнинг кимлигини бозордагилар ҳам  
билиб қўйишсин.

— Мени кимлигимни писанда қилмасангиз ҳам  
бўлади, мен сизга ўхшаб, туф деб туфигини қайта  
оғзига оладиганларданмасман.

— Келишиб олайлик, болажонларим, — деди хола  
уларни муросага чақириб, — бу ерга нима ниятда  
келдиларинг, ҳақиқатни билганими ё?.. Яхши, унда  
одоб сақланглар.

Инспектор гапировринг дегандек холага им қоқди.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм... Ассалому  
алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу, аҳли бозор.



## TEATRNING DAVOMI

(yoki Bismillo xolaning ustma-ust temirning qizig'ida bosishi)

Bismillo xola bilan bozor inspektori o'rinlaridan turmayoq, «arzimiz boridi» deb xonaga bir-biriga xo'mrayishib, ikki kishi kirib kelishdi. Shaytonvachcha ularni tanidi. Kecha ikki og'aynini og'iz-burun o'pishtirib, bir ishkali chiqargan edi. Qarabsizki, bugun yovlashib, arzga kelishibdi.

— He odam bo'may ketlaring, — dedi Shaytonvachcha ustilaridan kulib, — foyda bo'lsa darrovda og'iz-burin o'pishadi, salgina bir-biriga o'tishib qolsa, darrovda bir-birining yoqasiga yopishadi... Yuzingda ko'zing bormi, demaydi-ya, bu odam bolalari?

— Arziylar mengamasdir-ov, bolalarim? — deya xola ketishga chog'landi.

— Sizga-da, xola sizga bo'may kimga bo'lardi, — deb ko'zlarini lo'q qildi bittasi.

Xola bir zum o'ylanib turdi-da, inspektorga qaradi:

— Melisa bolam, anovi gapirgichingni tavakkal qilib yoqasanmi, ko'nglim sezib turibdi, nazarimda ham-mabop gap bo'ladiganga o'xshaydi. — Yo sizlar bunga qarshimisizlar, qoqindiqlar? — arziyo'ylardan so'radi xola.

— Yo'q, men qarshimasman, — dedi bittasi.

— Qaytaga yaxshi bo'ladi, — dedi ikkinchisi, — manovi akamlarning kimligini bozordagilar ham bilib qo'yishsin.

— Meni kimligimni pisanda qilmasangiz ham bo'ladi, men sizga o'xshab, tuf deb tufigini qayta og'ziga oladiganlardanmasman.

— Kelishib olaylik, bolajonlarim, — dedi xola ularni murosaga chaqirib, — bu yerga nima niyatda keldilaring, haqiqatni bilganimi yo?.. Yaxshi, unda odob saqlanglar.

Inspektor gapirovring degandek xolaga im qoqdi.

— Bismillahir rohmanir rohiym... Assalomu alaykum va rahmatullohi va barokatuhu, ahli bozor. Bizzi

Биззи эшитяпсизларми, биз мелиса боламми хона-сидан гапиряпмиз. Рўпарамизда икки арзигўй болам ўтиришибди, ҳойнаҳой олди-сотдида ишларига шайтон аралашган кўринади. Кулоқ беринглар, илоҳа эшитганлар муродига етсин...Қани ўнг тарафда ўтирган болам, сиздан бошлаймиз, гапиринг, ҳамма-нинг кулоғи сизда, қоқиндиқ?

— Мен четдан газлама-матолар обкелиб сотаман, холажон. Кеча янги мол обкелувдим. Мен зарур иш билан бир ёққа кетувдим. Мол устида шеригим бор эди. Бу киши, ўзига маъқул бўлган бир тўп молни танлабдилар-да, устига тўнларини ташлаб, бу мол меники бўлди, пулини кечки пайт гаплашамиз, деб кетибдилар.

— Шу ерда тўхтанг, болам, андак аниқлаб олишимиз керак бўлиб қолди... Хў-ўш-ш... Бир тўп мол ҳазилакамми... ўлчаб кўриб, шундай қиптиларми?

— Ўлчаб кўрмаганлар, билишимча, матонинг ранги ёққан бу кишига. Ўзиям бунақаси бор-йўғи бир тўпгина эди. Жа алламбалосидан. Ўлчовига келсак, ўлчовига гап йўқ, холажон, мол эгалари бир сантиметга ҳам хиёнат қилишмайди... Шундай қилиб, кечга яқин молни олиб кетиб, эрта билан ҳе йўқ, бе йўқ, жанжални каттасини бошладилар-да. Молнинг арқоғида қусури бор экан. Бичиқчиси-ю, тикувчиси шу менинг касримга бир кун ишсиз қолганмиш. Бозори ўлганмиш. Энди ўшаларниям зарарини қоплармишман. Шуниси менга нашъа қиляпти-ди, холажон. Молни бор барака қилиб олдим, тамом, мен бу одамни танимайман, вассалом. Айтганингиздек олифтагарчилик қилмасдан ўлчаб, кўриб олсин эди.

— Кечирасиз, болажоним тожирлик сизга ота касбми?

— Ҳа йўқ, отам бир умр базада қоровул бўлганлар...

— Тушунарли, болажоним, ўртада шайтон борда, савдо ишига шайтон аралашдим, тамом, ҳамма нарса бўлиши мумкин...

— Оҳ, — деди Шайтонвачча типирчилаб, — ота-бобомиздан қолган шайтоний найрангларимизни у қилиб, бу қилиб аста-секин бозорга олиб кираётган

eshityapsizlarmi, biz melisa bolammi xonasidan gapiryapmiz. Ro'paramizda ikki arzigo'y bolam o'tirishibdi, hoynahoy oldi-sotdida ishlariga shayton aralashgan ko'rinadi. Quloq beringlar, iloha eshitganlar murodiga yetsin... Qani o'ng tarafda o'tirgan bolam, sizdan boshlaymiz, gapiring, hammaning qulog'i sizda, qoqindiq?

— Men chetdan gazlama-matolar obkelib sotaman, xolajon. Kecha yangi mol obkeluvdim. Men zarur ish bilan bir yoqqa ketuvdim. Mol ustida sherigim bor edi. Bu kishi, o'ziga ma'qul bo'lgan bir to'p molni tanlabdilar-da, ustiga to'nlarini tashlab, bu mol meniki bo'ldi, pulini kechki payt gaplashamiz, deb ketibdilar.

— Shu yerda to'xtang, bolam, andak aniqlab olishimiz kerak bo'lib qoldi... Xo'-o'sh-sh... Bir to'p mol hazilakammi... o'lchab ko'rib, shunday qiptilarmi?

— O'lchab ko'rmaganlar, bilishimcha, matoning rangi yoqqan bu kishiga. O'ziyam bunaqasi bor-yo'g'i bir to'pgina edi. Ja allambalosidan. O'lchoviga kelsak, o'lchoviga gap yo'q, xolajon, mol egalari bir santimiga ham xiyonat qilishmaydi... Shunday qilib, kechga yaqin molni olib ketib, erta bilan he yo'q, be yo'q, janjalni kattasini boshladilar-da. Molning arqog'ida qusuri bor ekan. Bichiqchisi-yu, tikuvchisi shu mening kasrimga bir kun ishsiz qolganmish. Bozori o'lganmish. Endi o'shalar niyam zararini qoplarmishman. Shunisi menga nash'a qilyapti-di, xolajon. Molni bor baraka qilib oldimi, tamom, men bu odamni tanimayman, vassalom. Aytganingizdek oliftagarchilik qilmasdan o'lchab, ko'rib olsin edi.

— Kechirasiz, bolajonim tojirlik sizga ota kasbmi?

— Ha yo'q, otam bir umr bazada qorovul bo'lganlar...

— Tushunarli, bolajonim, o'rtada shayton bor-da, savdo ishiga shayton aralashdimi, tamom, hamma narsa bo'lishi mumkin...

— Oh, — dedi Shaytonvachcha tipirchilab, — ota-bobomizdan qolgan shaytoniy nayranglarimizni u qilib, bu qilib asta-sekin bozorga olib kirayotgan edik, shuni sezib qoldi-yov, bu jodugar... qani oxiri nima bo'larkin?

эдик, шуни сезиб қолди-ёв, бу жодугар... қани охири нима бўларкин?

— Сиз нима дейсиз, болам? — деб хола даъвогарга юзландилар.

— Мен молига ишониб, бичиқчи-ю, тикувчиларни кечки исменга ишга чақирдим. Эрта билан сотувга янги мол чиқармоқчийдим, аҳвол бунақа бўб чиқди. Кўриб турибсиз, мени сармоям музлади, ишламади ҳисоб. Шундай бўлгач, бекордан бекорга зарарга ўтириб қоловраманми? Ким бу кишига бунақа сифатсиз мол обкесин, депти. Шуни жазосига менинг камоматимни тўлайди, тўламай кўрсин-чи?!

— Кечирасиз болам, сиздан ҳам сўрашга мажбурман, авлодингизда тижоратчилар бўлганми?

— Йўқ, нимаиди?

— Айтинг-чи, сиз бу ишда ўзингизни озгина бўлсаям айбим бор деб биласизми?

— Шундан келинг, холажон, — деди мол эгаси жонланиб.

— Қизиқ гап қилдингиз-ку, холажон, ҳам зарар кўрай, ҳам айбдор ҳам бўлайми? Мен бу одамнинг молига ишондим-да. Бир-биримизга ишонмасак иш бўладими, бу дунёда?

— Мен ҳам у ёқдан мол олаётганда, ўзимга ишонгандай ишонган эдим, — деди мол эгаси ҳам ўзини оқлаб.

— Барибир бўлмапти-ку, ишларинг ҳечам ўхшампти-ку, болажонларим! Сиззи ишончингизни у ёқдагилар оқламапти, бу кишининг ишончини сиз оқламапсиз, бу ёғи неча пулданга тушди, энди? Тўғри тижоратда ишонч дегани жуда катта гап! Ўзи тижоратни ҳусни-одобиям шу-да. Бироқ ишончнинг ҳам ўзига яраша қаттиқ шартлари бор, қонун-қоидалари бор билсангиз. Савдода кўз билан кўриш-у, қўл билан ушлашнинг ўзи камлик қилади. Молни кўнгил хотиржам бўладиган қилиб, ҳа, у ёқ-бу ёғини яхшилаб қараш керак. Ўлчанадиган бўлса эринмай ўлчаш керак. Газмол дегани газ билан ўлчаб сотиладиган мол. Тарозида тортиладиган мол бўлса, албатта тортиб олиш керак. Ейдиган нарса бўлса мазасини татиб кўриш керак. Ана ундан кейин мол ишончли бўлади. Ана ундан кейин сиз ишончга кирасиз. Қаранг, газ-

— Siz nima deysiz, bolam? — deb xola da'vogarga yuzlandilar.

— Men moliga ishonib, bichiqchi-yu, tikuvchilarni kechki ismenga ishga chaqirdim. Erta bilan sotuvga yangi mol chiqarmoqchiydim, ahvol bunaqa bo'ib chiqdi. Ko'rib turibsiz, meni sarmoyam muzladi, ishlamadi hisob. Shunday bo'lgach, bekordan bekorga zararga o'tirib qolovramanmi? Kim bu kishiga bunaqa sifatsiz mol obkesin, depti. Shuni jazosiga mening kamomatimni to'laydi, to'lamay ko'rsin-chi?!

— Kechirasiz bolam, sizdan ham so'rashga majburman, avlodingizda tijoratchilar bo'lganmi?

— Yo'q, nimaydi?

— Ayting-chi, siz bu ishda o'zingizni ozgina bo'lsayam aybim bor deb bilasizmi?

— Shundan keling, xolajon, — dedi mol egasi jonlanib.

— Qiziq gap qildingiz-ku, xolajon, ham zarar ko'ray, ham aybdor ham bo'laymi? Men bu odamning moliga ishondim-da. Bir-birimizga ishonmasak ish bo'ladimi, bu dunyoda?

— Men ham u yoqdan mol olayotganda, o'zimga ishonganday ishongan edim, — dedi mol egasi ham o'zini oqlab.

— Baribir bo'lmapti-ku, ishlaring hecham o'xshamapti-ku, bolajonlarim! Sizzi ishonchingizni u yoqdagilar oqlamapti, bu kishining ishonchini siz oqlamapsiz, bu yog'i necha puldanga tushdi, endi? To'g'ri tijoratda ishonch degani juda katta gap! O'zi tijoratni husni-odobiyam shu-da. Biroq ishonchning ham o'ziga yarasha qattiq shartlari bor, qonun-qoidalari bor bilsangiz. Savdoda ko'z bilan ko'rish-u, qo'l bilan ushlarashning o'zi kamlik qiladi. Molni ko'ngil xotirjam bo'ladigan qilib, ha, u yoq-bu yog'ini yaxshilab qarash kerak. O'lchanadigan bo'lsa erinmay o'lchash kerak. Gazmol degani gaz bilan o'lchab sotiladigan mol. Tarozida tortiladigan mol bo'lsa, albatta tortib olish kerak. Yeydigan narsa bo'lsa mazasini tatib ko'rish kerak. Ana undan keyin mol ishonchli bo'ladi. Ana undan keyin siz ishonchga kirasiz. Qarang, gazlama

лама учта қўлдан ўтса-ю, охир-оқибат, учала тижоратчи ҳам бир-бировига ишончини йўқотиб ўтирса? Хў-ўш... Энди мақсадга ўтсак. Нимага шу касофат иш рўй берганини бундоқ танайларга ўйлаб кўрдингларми, менинг тожир болаларим? Мен бекорга икковингизданам авлодиларда тожирлар бўлганми деб сўрамадим. Бўлганда улар, албатта, сизларни бунақа савдо қилишдан қайтарган бўлардилар. Нимагаки бунақа савдодан Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи ва саллам умматларини қайтарганлар-да. Қадимги жоҳилият даврларида «Муломаса» деган савдо найранглари бўлган. Муломаса дегани — молни ушлаб кўриш дегани. Харидор бировнинг молни бехосдан ушлаб кўрдими, томом мол эгаси дарровда унинг ёқасига ёпишган. Қўлинг молимга тегдими энди буни олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан деб туриб олган. Шунга ўхшаш яна бир бошқа найранг бўлган. Уни «Мунобаза» дейишган. Мунобаза — «ирғитиш» дегани. Бунда бир одам кийимини ечиб, бировнинг молини устига ирғитган-да, бу мол меники бўлди, менга сотсанг ҳам сотасан, сотмасанг ҳам сотасан деб зўрлик қилган. Кўряпсизми, «Муломаса»да харидорга ўта жавр бўляпти. «Мунобаза»да бўлса сотувчига ўта жавр бўляпти. Бориб турган фирромликмасми, бу? Икки олам султони ҳазрати Пайғамбаримиз шунинг учун ҳам «Муломаса»дан ҳам, «Мунобаза»дан ҳам бизларни қайтарганлар. Бундан мурод савдонинг ҳалол ва пок бўлиши, икки тарафнинг розиризочилигидир. Барака шунда. Сизларнинг ишингизга «Муломаса» ҳам «Мунобаза» ҳам, умуман савдога алоқаси бўлмаган нарсалар аралашиб юрибди. Мен сизларни билиб туриб бир-бирингизга зулм қилган-сизлар дейишдан узоқман, болажонларим. Бу ишлар билмасликдан! Савдо иши жудаям нозик иш. Уни китобларини ўқиб, билиб олиш керак бўлади, ёки бўлмасам билганлардан тортинмай сўраш керак бўлади. Билиб қўйинглар кимники савдо ишида устози бўлмаса унга шайтон устозлик қилади. Ҳозирги тижоратчиларимиз «сузиш»ни билмай туриб савдо «дарёси»га ўзларини отиб, бекордан-бекор фарқ бўлиб кетишяпти. Уларга шунақанги ичим ачийдики, ҳай-ҳай...

uchta qo'ldan o'tsa-yu, oxir-oqibat, uchala tijoratchi ham bir-biroviga ishonchini yo'qotib o'tirsa? Xo'-o'sh... Endi maqsadga o'tsak. Nimaga shu kasofat ish ro'y berganini bundoq tanaylarga o'ylab ko'rdinglarmi, mening tojir bolalarim? Men bekorga ikkovingizdanam avlodilarda tojirlar bo'lganmi deb so'ramadim. Bo'lganda ular, albatta, sizlarni bunaqa savdo qilishdan qaytargan bo'lardilar. Nimagaki bunaqa savdodan Payg'ambarimiz sollallohu alayhi va sallam ummatlarini qaytarganlar-da. Qadimgi johiliyat davrlarida «Mulomasa» degan savdo nayranglari bo'lgan. Mulomasa degani — molni ushlab ko'rish degani. Xaridor birovning molni bexosdan ushlab ko'rdimi, tomom mol egasi darrovda uning yoqasiga yopishgan. Qo'ling molimga tegdimi endi buni olsang ham olasan, olmasang ham olasan deb turib olgan. Shunga o'xshash yana bir boshqa nayrang bo'lgan. Uni «Munobaza» deyishgan. Munobaza — «irg'itish» degani. Bunda bir odam kiyimini yechib, birovning molini ustiga irg'itgan-da, bu mol meniki bo'ldi, menga sotsang ham sotasan, sotmasang ham sotasan deb zo'rlik qilgan. Ko'ryapsizmi, «Mulomasa»da xaridorga o'ta javr bo'lyapti. «Munobaza»da bo'lsa sotuvchiga o'ta javr bo'lyapti. Borib turgan g'irromlikmasmi, bu? Ikki olam sultoni hazrati Payg'ambarimiz shuning uchun ham «Mulomasa»dan ham, «Munobaza»dan ham bizlarni qaytarganlar. Bundan murod savdoning halol va pok bo'lishi, ikki tarafning rozi-rizochiligidir. Baraka shunda. Sizlarning ishingizga «Mulomasa» ham «Munobaza» ham, umuman savdoga aloqasi bo'lmagan narsalar aralashib yuribdi. Men sizlarni bilib turib bir-biringizga zulm qilgansizlar deyishdan uzoqman, bolajonlarim. Bu ishlar bilmaslikdan! Savdo ishi judayam nozik ish. Uni kitoblarini o'qib, bilib olish kerak bo'ladi, yoki bo'lmasam bilganlardan tortinmay so'rash kerak bo'ladi. Bilib qo'yinglar kimniki savdo ishida ustoz bo'lmasa unga shayton ustozlik qiladi. Hozirgi tijoratchilarimiz «suzish»ni bilmay turib savdo «daryosi»ga o'zlarini otib, bekordan-bekor g'arq bo'lib ketishyapti. Ularga shunaqangi ichim achiydiki, hay-hay...

— Холажон, — деди инспектор тоқати-тоғ бўлиб, — бу икковларига қандай ҳукм бўлади, энди?

— Ҳукм Яратгандан, бўтам, биз бу масалада ожизмиз, икковлариям савдога беписанд қараб, ўзларига-ўзлари зулм қилганлар. Биз сиз билан пақат маслаҳат беришимиз мумкин. Ўтмас молни тижоратчи болам ўтадиганига алмашлаб келгунча, бу киши сабр қиладиларми, йўқми ўзлари биладилар. Алмашлаб келгандан кейин хоҳласалар молни оладилар, хоҳламасалар сармойани. Ановундай «ундай бўлса бундай бўларди» деган даъволар, «бор барака бўлдими, энди бу одамни танимаيمان» дейишлар гуноҳ устига гуноҳ. Агарда икковлари ҳам бир-бирларини кечирсалар, Аллоҳ ҳам уларнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини кечиради, бундан кейинги яна шундай қоқилишлардан Яратгanning ўзи асрайди... Бошқа нияям дердик болам...

— Бўлди холажон, бўлди, тавба қилдим, — деди мол эгаси пушаймон бўлиб, — мен буларга ҳозироқ сармойларини бераман, бояги ўринсиз гапимни қайтиб олдим, биродарим мени кечирсинлар.

— Сиз ҳам мени кечиринг, биродар, бу ёғи устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар бўпти, барака топсин холам, мениям кўзимни очдилар...

— Қандоқ яхши иш бўлди-я, эй яратган Эгам, — деди хола севиниб, — илоя умрийлардан барака топийлар, сизларнинг узр-маъзурийлардан кейин бозоримизга қанчалар нур кирганини билсангиз эди. Шайтонларнинг дасти кесилиб, қанчалик талвасага тушиб қолганини билсангиз эди...

— Вой ялмоғиз-ей, — деди Шайтонвачча инграшга зўрға куч топиб, — биззи тинч қўй энди, бу ёғига бўларимиз ҳам бўб қолди... Шундоғам «Муломаса» билан «Мунобаза» мизнинг бошига етдинг. Найрангларимиз энди туп қўйиб, палак ёзаётган эди-я. Уям юлдуз кўрмай жон берди... Шошмай тур, ҳа жодугар, сендаям нафс балоси бор-ку, фаришта эмассан-ку!.. Нафсингдан бир илинтирай...



— Xolajon, — dedi inspektor toqati-tog' bo'lib, — bu ikkovlariga qanday hukm bo'ladi, endi?

— Hukm Yaratgandan, bo'tam, biz bu masalada ojizmiz, ikkovlariyam savdoga bepisand qarab, o'zlariga-o'zlari zulm qilganlar. Biz siz bilan paqat maslahat berishimiz mumkin. O'tmas molni tijoratchi bolam o'tadiganiga almashlab kelguncha, bu kishi sabr qiladilarmi, yo'qmi o'zlari biladilar. Almashlab keldandan keyin xohlasalar molni oladilar, xohlamasalar sarmoyani. Anovunday «unday bo'lsa bunday bo'lardi» degan da'volar, «bor baraka bo'ldimi, endi bu odamni tanimayman» deyishlar gunoh ustiga gunoh. Agarda ikkovlari ham bir-birlarini kechirsalar, Alloh ham ularning bilib-bilmay qilgan guohlarini kechiradi, bundan keyingi yana shunday qoqilishlardan Yaratganning o'zi asraydi... Boshqa nimayam derdik bolam...

— Bo'ldi xolajon, bo'ldi, tavba qildim, — dedi mol egasi pushaymon bo'lib, — men bularga hoziroq sarmoyalarini beraman, boyagi o'rinsiz gapimni qaytib oldim, birodarim meni kechirsinlar.

— Siz ham meni kechiring, birodar, bu yog'i ustoz ko'rmagan shogird har maqomga yo'rg'alar bo'пти, baraka topsin xolam, meniyam ko'zimni ochdilar...

— Qandoq yaxshi ish bo'ldi-ya, ey yaratgan Egam, — dedi xola sevinib, — iloya umriylardan baraka topiyalar, sizlarning uzr-ma'zuriylardan keyin bozorimizga qanchalar nur kirganini bilsangiz edi. Shaytonlarning dasti kesilib, qanchalik talvasaga tushib qolganini bilsangiz edi...

— Voy yalmog'iz-ey, — dedi Shaytonvachcha ingrashga zo'rg'a kuch topib, — bizzini tinch qo'y endi, bu yog'iga bo'larimiz ham bo'b qoldi... Shundog'am «Mulomasa» bilan «Munobaza»mizning boshiga yetding. Nayranglarimiz endi tup qo'yib, palak yoza-yotgan edi-ya. Uyam yulduz ko'rmay jon berdi... Shoshmay tur, ha jodugar, sendayam nafs balosi bor-ku, farishta emassan-ku!.. Nafsingdan bir ilintiray...

## МУКОФОТ

(ёки Шайтонваччанинг яна қовун  
туширганлари...)

Бозорнинг шаҳарда энг тақволи, энг тартибли, энг инсофли-диёнатли бозор деб, номи чиқа бошлади. Бу, албатта, бозорнинг устидан турган катталарини бефарқ қолдирмади. Улар бир гуруҳ бозор хизматчиларини тақдирлашга қарор беришди.

Мукофот эгаларини бозор гапиргичидан эълон қилиб қолишди. «Бозорда ғоятда хушмуомалалик билан қойилмақом тартиб ва интизом ўрнатган фалон-фалон милиция хизматчиларига, қуёш чиқмасдан ҳаммаёқни чинни-чироқ қилаётган фалон-фалон фаррошларга, кечалари ўзларига уйқини ҳаром қилиб, саррофлар молини кўриқлаётган қоровулларга, ҳалол ишлаётган паттачиларга, таъмирловчиларга» деб мукофотланганлар номи ўқилди.

Бирдан сотувчи-ю, олувчилар орасида ғала-ғовур бошланиб қолди. Ҳамма Бисмилло холанинг номи чиқмаганлигидан хафа. Гўё бозорда Бисмилло хола йўқдек. Лоақал куруқ бўлсаям номини тилга олиб кўйишмади. Шайтонвачча бу норозиликни алангта олдирди. Одамларнинг дилидагини тилига чиқарди:

— Бу бориб турган адолатсизлик...

— Ҳа, сув келтирган хор-зору, кўза синдирган азиз бўлдими?..

— Ҳайдаш керак бу бозор катталарини...

Шайтонваччанинг баттар кайфияти кўтарилди. Қараса одам болалари унинг йўлига юришяпти. У жиккиллаб: «Ҳай, одам болалари, кўзларингни очинглар, ҳамма ёқда адолатсизлик, гафлатда қолманглар...» деб у ёқдан, бу ёққа чопа бошлади. Жанжални шу мукофотнинг ўзидан чиқармоқчи бўлди. Ҳа, Шайтонвачча бир думалаб адолатпарвар бўлиб олди.

— Ҳей, — деди биркам миллён Шайтонваччанинг йўлини тўсиб, — эсинг жойидами, кимга жонинг ачияпти? Кимга керак сенинг адолатинг?

— Э, йўлдан қоч, биркам миллион, сен тўқ юрмоқчимисан, унда тек юравер. Мен билан ишинг

## MUKOFOT

(yoki Shaytonvachchaning yana qovun tushirganlari...)

Bozorning shaharda eng taqvoli, eng tartibli, eng insofli-diyonatli bozor deb, nomi chiqa boshladi. Bu, albatta, bozorning ustidan turgan kattalarini befarq qoldirmadi. Ular bir guruh bozor xizmatchilarini taqdirlashga qaror berishdi.

Mukofot egalarini bozor gapirgichidan e'lon qilib qolishdi. «Bozorda g'oyatda xushmuomalalik bilan qoyilmaqom tartib va intizom o'rnatgan falon-falon militsiya xizmatchilariga, quyosh chiqmasdan hamma-yoqni chinni-chiroq qilayotgan falon-falon farroshlarga, kechalari o'zlariga uyqini harom qilib, sarroflar molini qo'riqlayotgan qorovullarga, halol ishlayotgan patta-chilarga, ta'mirlovchilarga» deb mukofotlanganlar nomi o'qildi.

Birdan sotuvchi-yu, oluvchilar orasida g'ala-g'ovur boshlanib qoldi. Hamma Bismillo xolaning nomi chiqmaganligidan xafa. Go'yo bozorda Bismillo xola yo'qdek. Loaqal quruq bo'lsayam nomini tilga olib qo'yishmadi. Shaytonvachcha bu norozilikni alangga oldirdi. Odamlarning dilidagini tiliga chiqardi:

— Bu borib turgan adolatsizlik...

— Ha, suv keltirgan xor-zoru, ko'za sindirgan aziz bo'ldimi?..

— Haydash kerak bu bozor kattalarini...

Shaytonvachchaning battar kayfiyati ko'tarildi. Qarasa odam bolalari uning yo'liga yurishyapti. U jikkilab: «Hay, odam bolalari, ko'zlarini ochinglar, hamma yoqda adolatsizlik, g'aflatda qolmanglar...» deb u yoqdan, bu yoqqa chopa boshladi. Janjalni shu mukofotning o'zidan chiqarmoqchi bo'ldi. Ha, Shaytonvachcha bir dumalab adolatparvar bo'lib oldi.

— Hey, — dedi birkam millyon Shaytonvachchaning yo'lini to'sib, — esing joyidami, kimga joning achiyapti? Kimga kerak sening adolating?

— E, yo'ldan qoch, birkam million, sen to'q

бўлмасин. Билиб қўй, адолатсизлик бўлган жойда мен тек туролмайман. Ҳа, дунёга сигмай қоламан. Мени бўлган-турганим шу. Ҳай, одам болалари, бу хола бебаҳо инсон, бунақаси ҳаливери бошқа тугилмайди. Қадр-қимматини ўрнига қўйинглар! Холага адолат қилмаганларни бозордан қувинг, холани бозорқўм қилинг! Яшасин, янги бозорқўм!..

— Ҳаҳ, — деди биркам миллион Шайтонваччанинг гапларидан зардаси қайнаб, — кампирни кўрарга кўзи йўқ эди-ю, энди у тарафга ўтиб қопти. Ҳойнаҳой яна бир балони бошляптиёв... Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да...

Шайтонларнинг куткуси билан бозор жумбушга кела бошлади. Ахир адолатли бозорда адолатсизлик рўй берса ким ҳам жим тура оларди, дейсиз?! Яна кимсан, адолат пешаси Бисмилло холага адолатсизлик қилишса-я. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр деб бошқаларни холи нима кечади, бу кетишда. Адолатни химоя қолишга шошилинг. Бўлмаса яна эски ҳаммом, эски тос бўлиб қоловради... Яшасин, адолат!

Бозор аҳли бозорқўм идораси томон бостириб бора бошлади. Бу тўпалондан «Думи тугиклар» мадрасасида карнай-сурнайлар чалиниб кетди.

— Яшасин миллион биринчи!

— Яшасин миллион биринчининг етакчиси биркам миллион!

— Қалайсан? — деди Шайтонвачча биркам миллионга қошини қоқиб.

— Сенга гап йўқ, битта найранг билан ўзингниям, мениям яна осмони фалакка обчиқиб қўйдинг. Эҳ, қани энди бу ҳурмат супасидан қайтиб тушманг... Сал ўтмасдан яна оёқ остига тушиб туришинг ёмон-да!

— Йўлини қилган шайтон икки ошар дейди, йўлини қил, ахир сен ҳам шайтонсан-ку, — деди Шайтонвачча.

— Нима қил, дейсан миллион биринчи, гапир! Айтганингни қилмаган номард!

— Нима қилардинг, одам болаларини қутиртир, бақиртир-чақиртир, бозорга ўт қўйдир! Бўл тезроқ!..

yurmoqchimisan, unda tek yuraver. Men bilan ishing bo'lmasin. Bilib qo'y, adolatsizlik bo'lgan joyda men tek turolmayman. Ha, dunyoga sig'may qolaman. Meni bo'lgan-turganim shu. Hay, odam bolalari, bu xola bebaho inson, bunaqasi haliveri boshqa tug'ilmaydi. Qadr-qimmatini o'rniga qo'yinglar! Xolaga adolat qilmaganlarni bozordan quving, xolani bozorqo'm qiling! Yashasin, yangi bozorqo'm!..

— Hah, — dedi birkam million Shaytonvachchaning gaplaridan zardasi qaynab, — kampirni ko'rarga ko'zi yo'q edi-yu, endi u tarafga o'tib qopti. Hoynahoy yana bir baloni boshlayaptiyov... Ishqilib, yaxshilikka bo'lsin-da...

Shaytonlarning qutqusi bilan bozor jumbushga kela boshladi. Axir adolatli bozorda adolatsizlik ro'y bersa kim ham jim tura olardi, deysiz?! Yana kimsan, adolat peshasi Bismillo xolaga adolatsizlik qilishsa-ya. Tuyani shamol uchirsa, echkini osmonda ko'r deb boshqalarni holi nima kechadi, bu ketishda. Adolatni himoya qolishga shoshiling. Bo'lmasa yana eski hammom, eski tos bo'lib qolovradi... Yashasin, adolat!

Bozor ahli bozorqo'm idorasi tomon bostirib bora boshladi. Bu to'palondan «Dumi tugiklar» madrasasida karnay-surnaylar chalinib ketdi.

— Yashasin million birinchi!

— Yashasin million birinchining yetakchisi birkam million!

— Qalaysan? — dedi Shaytonvachcha birkam millionga qoshini qoqib.

— Senga gap yo'q, bitta nayrang bilan o'zingniyam, meniyam yana osmoni falakka obchiqib qo'yding. Eh, qani endi bu hurmat supasidan qaytib tushmasang... Sal o'tmasdan yana oyoq ostiga tushib turishing yomonda!

— Yo'lini qilgan shayton ikki oshar deydi, yo'lini qil, axir sen ham shaytonsan-ku, — dedi Shaytonvachcha.

— Nima qil, deysan million birinchi, gapir! Aytganingni qilmagan nomard!

— Nima qilarding, odam bolalarini qutirtir, baqirtirchaqirtir, bozorga o't qo'ydir! Bo'l tezroq!..

Шайтонвачча билан биркам миллион кеч қолишди, кутилмаганда бозор гапиргичи тилга кириб қолди:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, Ассалому алайкум раҳматуллоҳи ва барокатуҳу... аҳли бозор ўғил-қизларим, мени эшитяпсизларми, қоқиндиқлар?

Бу овозни эшитиб, одамлар таққа тўхташди. Бир-бирига қараб гап маъқуллай кетишди:

— Оҳ, қанчалар ёқимли, юракка малҳам бу овоз. Бир зумда инон-ихтиёрингни олиб қўяди-я. Рўпарангда онаизоринг тургандек бўлади-я, вой барака топкур-ей...

— Ҳа, гап гапиришни Бисмилло холага чиқарган-да... Бисмилло холага!

— Вой нимасини айтасиз... сўзлари гиж-гиж ҳикмат...

— Булбул гўё овозингизни эшитяпмиз, холажон, биз сиз тарафмиз, бўш келманг!..

— Яшасин, Бисмилло хола!

— Яшасин адолат!

— Илоҳа мени эшитганлар, муродларига етсинлар, — дея хола бир зум сўлиш олдилар-да, кейин сўзларида давом этдилар, — гап бундоқ, менинг адолатпеша болаларим, мен сизга айтсам, бозор катталарининг ақлига, фаросатига беш кетдим. Бунақаси камдан кам бўлади. Менга сиз даъво қилаётган мукофот нимага керак ўзи? Аллоҳ ризқимни кўп қатори бериб турган бўлса, ҳалол-пок нафақам бўлса...

— Вой, холаси тушмагур-ей, кесатишниям жа ўрнига қўядилар-да!. Ҳа, бўшашма, акангни холаси...

— Қанийди, — деди Шайтонвачча умид билан, — кампиршонинг кесатиғи кесак бўлиб, мен кўзлаган мўлжалга тегса, бориб холанинг пешонасидан ўпардим.

— Ўзи-чи болаларим, — дея гапида давом этди хола хотиржам, — у деб, бу деб бозор захирасидан бир нима умидвор бўлиш яхшимас, ҳа у қулоқ, бу қулоғинглар билан эшитиб олинглар, болаларим. Бозор савдо жойи. Бу ерда ҳамма нарса икки тараф-

Shaytonvachcha bilan birkam million kech qolishdi, kutilmaganda bozor gapirgichi tilga kirib qoldi:

— Bismillahir rohmahir rohiym, Assalomu alaykum rahmatullohi va barokatuhu... ahli bozor o'g'il-qizlarim, meni eshityapsizlarmi, qoqindiqlar?

Bu ovozni eshitib, odamlar taqqa to'xtashdi. Bir-biriga qarab gap ma'qullay ketishdi:

— Oh, qanchalar yoqimli, yurakka malham bu ovoz. Bir zumda inon-ixtiyoringni olib qo'yadi-ya. Ro'parangda onaizoring turgandek bo'ladi-ya, voy baraka topkur-ey...

— Ha, gap gapirishni Bismillo xolaga chiqarganda... Bismillo xolaga!

— Voy nimasini aytasiz... so'zlari g'ij-g'ij hikmat...

— Bulbul go'yo ovozingizni eshityapmiz, xolajon, biz siz tarafmiz, bo'sh kelmang!...

— Yashasin, Bismillo xola!

— Yashasin adolat!

— Iloha meni eshitganlar, murodlariga yetsinlar, — deya xola bir zum so'lish oldilar-da, keyin so'zlarida davom etdilar, — gap bundoq, mening adolatpesha bolalarim, men sizga aytsam, bozor kattalarining aqliga, farosatiga besh ketdim. Bunaqasi kamdan kam bo'ladi. Menga siz da'vo qilayotgan mukofot nimaga kerak o'zi? Alloh rizqimni ko'p qatori berib turgan bo'lsa, halol-pok nafaqam bo'lsa...

— Voy, xolasi tushmagur-ey, kesatishniyam ja o'rniga qo'yadilar-da!. Ha, bo'shshama, akangni xolasi...

— Qaniydi, — dedi Shaytonvachcha umid bilan, — kampirshoning kesatig'i kesak bo'lib, men ko'zlagan mo'ljalga tegsa, borib xolaning peshonasidan o'pardim.

— O'zi-chi bolalarim, — deya gapida davom etdi xola xotirjam, — u deb, bu deb bozor zaxirasidan bir nima umidvor bo'lish yaxshimas, ha u quloq, bu qulog'inglar bilan eshitib olinglar, bolalarim. Bozor savdo joyi. Bu yerda hamma narsa ikki tarafning «bor baraka»si bilan halol bo'ladi. Sizlar adolat qilmoqchi bo'lgan mukofot men uchun halol emas, ha! Axir pattadan, tarozidan tushadigan pul qandoq qilib menga halol bo'lsin. Patta puli — joy puli degani. Joy

нинг «бор барака»си билан ҳалол бўлади. Сизлар адолат қилмоқчи бўлган мукофот мен учун ҳалол эмас, ҳа! Ахир паттадан, тарозидан тушадиган пул қандоқ қилиб менга ҳалол бўлсин. Патта пули — жой пули дегани. Жой меникими? Ҳечам-да! Бозордаги тошу, тарозилар-чи? Уларгаям алоқам йўқ. Тарозига бозор тарозибонлари жавоб беришади. Мен қандай қилиб паттачи-ю, тарозибонларнинг насибасига шерик бўлай? Шунга айтяпман-да, қоқиндиқлар, менга мукофот бермай адолат қилишди, деб. Билсангиз, бозорни Аллоҳ буюрган ўз боқимандалари бор. Бозор бозор бўптики, шундай бўб келган. Боқимандалари кимлар экан дейсизми, азизларим? Яна ўнг қулоқ, сўл қулоғинглар билан эшитиб олинглар. Ҳалиги... тузалмас энг мараз касаллар бўладикун, айтишгаям тилинг бормади: мохов, пес, сил, телба, ундан кейин отасиям, онасиям ўлиб, фирт етим бўб қолган сағирлар, қаровчисиз қолган қариялар, тул хотинлар, ундан кейин-чи, бозорнинг ҳизматчилари... Бозорнинг ҳар кунлик тушими ўшалар ўртасида тақсимланиши керак. Бозор ҳизматчиларига: паттачилар, тарозибонлар, фаррошлар, қоровуллар, миршаблар, таъмирловчилар киради. Ҳатто бозор оқсоқоли ҳам бу қаторга кирмайди. Қадимда энг учига чиққан қароқчилар ҳам, босқинчилар ҳам бозор мулкига кўз олайтирмаган. Агарда кўз олайтирсалар тез кунда моховнинг, песнинг, телбанинг ҳолига тушиб қолганлар. Дарди бедаво дардларга чалиниб, эрта кунда болалари етим, хотинлари тул қолган. Ана шунақа, бозорнинг мулки тез заптога олувчидир. Бозорнинг даромади ўша мен айтиб берганлардан бошқаларга ҳечам буюрмайди. Алҳазар, ундан нари юриш керак. Баъзан қулоққа чалиниб қолади, «нимаймиш, фалончи фалончиевич патта пулидан мунчасини туя кўрдингми, йўқ қилиб кетибди, фалончи фалончиевичнинг тўйидаги асл нарсаларни бозорқўм кўтарганмиш, чалларига мунча тоғара, мунча пакет қилиб берганмиш, қимайман деб кўрсинчи, бозорқўм ўзини қатта кўрарикин» деган гаплар... Имоним комилки, болаларим ўшалар мен айтаётган ҳукмларни билишмайди. Ахир қайси ақли расо одам мохов билан телбанинг, етим билан беванинг тово-



menikimi? Hecham-da! Bozordagi toshu, tarozilar-chi? Ulargayam aloqam yo‘q. Taroziga bozor tarozibonlari javob berishadi. Men qanday qilib pattachi-yu, tarozibonlarning nasibasiga sherik bo‘lay? Shunga aytyapman-da, qoqindiqlar, menga mukofot bermay adolat qilishdi, deb. Bilsangiz, bozorni Alloh buyurgan o‘z boqimandalari bor. Bozor bozor bo‘ptiki, shunday bo‘b kelgan. Boqimandalari kimlar ekan deysizmi, azizlarim? Yana o‘ng quloq, so‘l qulog‘inglar bilan eshitib olinglar. Haligi... tuzalmas eng maraz kasallar bo‘ladi-ku, aytishgayam tiling bormaydi: mohov, pes, sil, telba, undan keyin otasiyam, onasiyam o‘lib, g‘irt yetim bo‘b qolgan sag‘irlar, qarovchisiz qolgan qariyalar, tul xotinlar, undan keyin-chi, bozorning xizmatchilari... Bozorning har kunlik tushimi o‘shalar o‘rtasida taqsimlanishi kerak. Bozor xizmatchilariga: pattachilar, tarozibonlar, farroshlar, qorovullar, mirshablar, ta‘mirlovchilar kiradi. Hatto bozor oqsoqoli ham bu qatorga kirmaydi. Qadimda eng uchiga chiqqan qarochilar ham, bosqinchilar ham bozor mulkiga ko‘z olaytirmagan. Agarda ko‘z olaytirsalar tez kunda moxovning, pesning, telbaning holiga tushib qolganlar. Dardi bedavo dardlarga chalinib, erta kunda bolalari yetim, xotinlari tul qolgan. Ana shunaqa, bozorning mulki tez zaptiga oluvchidir. Bozorning daromadi o‘sha men aytib berganlardan boshqalarga hecham buyurmaydi. Alhazar, undan nari yurish kerak. Ba‘zan quloqqa chalinib qoladi, «nimaymish, falonchi falonchiyevich patta pulidan munchasini tuya ko‘rdingmi, yo‘q qilib ketibdi, falonchi falonchiyevichning to‘yidagi asl narsalarni bozorqo‘m ko‘targanmish, challariga muncha tog‘ara, muncha paket qilib berganmish, qimayman deb ko‘rsinchi, bozorqo‘m o‘zini qatta ko‘rarikin» degan gaplar... Imonim komilki, bolalarim o‘shalar men aytayotgan hukmlarni bilishmaydi. Axir qaysi aqli raso odam moxov bilan telbaning, yetim bilan bevaning tovog‘iga qo‘l uradi? Yana qaytarib aytaman ular bilishmaydi. Bilmaganlarga bildirib qo‘yish bizning vazifamiz. Ertaga

фига қўл уради? Яна қайтариб айтаман улар билишмайди. Билмаганларга билдириб қўйиш бизнинг ва-зифамиз. Эртага савол-жавоб бўлганда менга билдиришмади деб бизлардан дамонгир бўлишмасин-да!..

Энди сизлар айтишингиз мумкин, сиз айтган ановундай дардисар касаллар йўқолиб кетган, ҳозир замон бошқа деб. Йўқ болажонларим, бу гапга қўшилиб бўлмайди. Айтинг-чи, испид, наркоман, пияниста деган балолар қайси моховдан кам. Ундақаларга давлат алоҳида шифохоналар очиб қўйипти-ку! Жиннихоналар, етимхоналар, қариялар уйлари-чи? Ана ўшалар бозорнинг боқимандалари, ана ўшалар бозорнинг меросхўрлари... бошқа ҳеч ким, вассалом!

— Вой бў-ў-ў... — дея биркам миллион Шайтонваччага захрини сочди, — сен миллион биринчи нуқул қош қўяман деб, кўз чиқариб юрасан. — Бу гапларни одам болалари билмай гафлатда юргани яхши эди-ку...

— Э, гапирма, — деди Шайтонвачча бошини чангаллаб, — мен қаёққа юрмай, рўпарамдан шу жодугар чиқиб, йўлимни тўсса нима қилай?

— Уҳ, — дея биркам миллион тепага ишора қилди.

«Думи тугиклар» мадрасасида яна мотам куйлари чалина бошлаган эди...

## ЯНА ЯНГИ АРЗИГҲЎЙЛАР

(ёки бозор гапиргичининг бозори чаққон бўлгани)

Шундай қилиб, Бисмилло хола сўзларини баланд пардаларда мухтасар қилиб, ўринларидан турмоқчи эдилар, хонага тўп-тўп бўлиб яна, янги арзигўйлар кириб кела бошлашди. Улар бир-бирига гал бермай арзи-дод қилишарди:

— Мениям дардимни эшитинг холажон, юракларим қон бўб кетган, қон, вой-вой-ей...

— Мени айтмайсизми, тамом бўлганман, ҳа тамом, суратимгина қолган...

— Холажон, нимага мени бирим ҳечам икки бўмайди-я? Ё кўз-пўз текканмикан-а? Сиз нима дейсиз?

savol-javob bo'lganda menga bildirishmadi deb bizlardan damongir bo'lishmasin-da!..

Endi sizlar aytishingiz mumkin, siz aytgan anovunday dardisar kasallar yo'qolib ketgan, hozir zamon boshqa deb. Yo'q bolajonlarim, bu gapga qo'shilib bo'lmaydi. Ayting-chi, ispid, narkoman, piyanista degan balolar qaysi moxovdan kam. Undaqalarga davlat alohida shifoxonalar ochib qo'yiptiku! Jinnixonalar, yetimxonalar, qariyalar uylari-chi? Ana o'shalar bozorning boqimandalari, ana o'shalar bozorning merosxo'rlari... boshqa hech kim, vassalom!

— Voy bo'-o'-o'... — deya birkam million Shaytonvachchaga zahrini sochdi, — sen million birinchi nuqul qosh qo'yaman deb, ko'z chiqarib yurasan. — Bu gaplarni odam bolalari bilmay g'aflatda yurgani yaxshi edi-ku...

— E, gapirma, — dedi Shaytonvachcha boshini changallab, — men qayoqqa yurmay, ro'paramdan shu jodugar chiqib, yo'limni to'ssa nima qilay?

— Uh, — deya birkam million tepaga ishora qildi.

«Dumi tugiklar» madrasasida yana motam kuylari chalina boshlagan edi...

## YANA YANGI ARZIGO'YLAR

**(yoki bozor gapirgichining bozori chaqqon bo'lgani)**

Shunday qilib, Bismillo xola so'zlarini baland pardalarda muhtasar qilib, o'rinlaridan turmoqchi edilar, honaga to'p-to'p bo'lib yana, yangi arzigo'ylar kirib kela boshlashdi. Ular bir-biriga gal bermay arzi-dod qilishardi:

— Meniyam dardimni eshiting xolajon, yuraklarim qon bo'b ketgan, qon, voy-voy-ey...

— Meni aytmaysizmi, tamom bo'lganman, ha tamom, suratimgina qolgan...

— Xolajon, nimaga meni birim hecham ikki bo'maydi-ya? Yo ko'z-po'z tekkanmikan-a? Siz nima deysiz?

— Вой холажон-ей, болам-бўтамлаб шундоғам одамнинг жонини олиб қўясизки... шунингизга борман-да, илоя ўлманг, минг йил яшанг...

— Вой эрта кунда ачиб қолий, сизгаям гап қоптими, менга қолса сиздақа судхўрларни нақ пешонасидан отардим...

— Вой, ҳали сен пистапуришга гап қоптими, кўтар-е... Худо урди-кетди...

— Ҳай-ҳай, — деди Бисмилло хола кирганларни тинчитиб, — бу ер бозормас қоқиндиқлар, бу ер милиса боламми тартибхонаси, тартибхонада тартиб сақланглар-а, тартиб... отти калласидек жаримага туши-и-и-б ўтирманглар тағин... а, милиса болам... яхши! Кўп гап эшакка юк... Қани, мақсадга ўтайлик... ўнг тарафдаги қизим гапиринг, нима гап, сиздан бошлаймиз?

— Биз тўй қилиб бировдан қарздор бўб қолганмиз. Барака топкур, бир муддатгача индамай турдида, кейинига бориб ойига фалон сўмдан фойиз тўлайсиз деб шарт кўйди. Шу десангиз топганимиз фойизга кетяпти денг, қарз демаган бало тоғдай бўлиб елкамизда турибди, нима қилишга ҳайронмиз.

— Вой қоқиндиқ, мен сизга айтсам, ўша одам бу иш гуноҳи азимлигини билмайди. Билганда бунақа қилмаган бўларди. Уни ҳойнаҳой шайтон йўлдан урган. Аллоҳ таоло ўз каломи Куръони Каримда савдо-сотикни ҳалол қилиб, судхўрликни ҳаром қилган. Фойиз олиш ҳам судхўрликка, киради-я, болам.

— Ана, эшитиб кўйинг, — деди пистафуруш тил-ёғламалик қилган хотинга қараб, — ҳа, иккала қулоғингиз билан эшитиб кўйинг. Мен айтсам нуқул «бахил»га, «кўролмас»га чиқдим...

— Эшитяпман, эшитяпман, — деди у дами чиққан бир аҳволда.

— Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни туш кўрибдилар, — дея сўзларида давом этдилар хола, — тушларида қон дарёси оқиб ётганмиш. Унинг ўртасида бир одам бормиш-да, у қон дарёсидан шу чиқаман деб қирғоққа қараб интилармиш. Бироқ қирғоқда ўтирган бир одам унинг оғзига тош отиб, дарё ўртасига қайтарармиш. У яна-яна қирғоққа қараб сузармиш, яна тош келиб тегар-

— Voy xolajon-ey, bolam-bo‘tamlab shundog‘am odamning jonini olib qo‘yasizki... shuningizga bormanda, iloya o‘lmang, ming yil yashang...

— Voy erta kunda achib qoliy, sizgayam gap qoptimi, menga qolsa sizdaqa sudxo‘rlarni naq peshonasidan otardim...

— Voy, hali sen pistapurishga gap qoptimi, ko‘tari... Xudo urdi-ketdi...

— Hay-hay, — dedi Bismillo xola kirganlarni tinchitib, — bu yer bozormas qoqindiqlar, bu yer milisa bolammi tartibxonasi, tartibxonada tartib saqlanglar-a, tartib... otti kallasidek jarimaga tushi-i-i-b o‘tirmanglar tag‘in... a, milisa bolam... yaxshi! Ko‘p gap eshakka yuk... Qani, maqsadga o‘taylik... o‘ng tarafdagi qizim gapiring, nima gap, sizdan boshlaymiz?

— Biz to‘y qilib birovdan qarzdor bo‘b qolganmiz. Baraka topkur, bir muddatgacha indamay turdi-da, keyiniga borib oyiga falon so‘mdan foyiz to‘laysiz deb shart qo‘ydi. Shu desangiz topganimiz foyizga ketyapti deng, qarz demagan balo tog‘day bo‘lib yelkamizda turibdi, nima qilishga hayronmiz.

— Voy qoqindiq, men sizga aytsam, o‘sha odam bu ish gunohi azimligini bilmaydi. Bilganda bunaqa qilmagan bo‘lardi. Uni hoynahoy shayton yo‘ldan urgan. Alloh taolo o‘z kalomi Qur‘oni Karimda savdosotiqni halol qilib, sudxo‘rlikni harom qilgan. Foiz olish ham sudxo‘rlikka, kiradi-ya, bolam.

— Ana, eshitib qo‘ying, — dedi pistafurush tilyog‘lamalik qilgan xotinga qarab, — ha, ikkala qulog‘ingiz bilan eshitib qo‘ying. Men aytsam nuqul «baxil»ga, «ko‘rolmas»ga chiqdim...

— Eshityapman, eshityapman, — dedi u dami chiqqan bir ahvolda.

— Payg‘ambarimiz sollallohu alayhi vasallam bir kuni tush ko‘ribdilar, — deya so‘zlarida davom etdilar xola, — tushlarida qon daryosi oqib yotganmish. Uning o‘rtasida bir odam bormish-da, u qon daryosidan shu chiqaman deb qirg‘oqqa qarab intilarmish. Biroq qirg‘oqda o‘tirgan bir odam uning og‘ziga tosh otib, daryo o‘rtasiga qaytarmish. U yana-yana qirg‘oqqa

миш... Бу азоб тўхтовсиз давом этармиш... Билсангиз ўша қон дарёсида гарқ бўлаётган одам судхўр экан. Қаранг, унинг бу дунёда олган фоизлари тош бўлиб отилиб, қон дарёсидан чиқармас экан.

— Мен қаердан билай, холажон, — деди арз қилаётган хотин, — у киши ҳожи Ота бўлсалар...

— Илмига амал қилмаган унақа хожи оталарни мушук есин... Нимаям қила олардик болам, беш қўл баробар эмас. У ёғи Аллоҳга ҳавола... Лекин сиз фоиз беришни тўхтатинг. Юртчилик, дардингизга малҳам бўладиган бирорта ҳожатбарор топилиб қолар. Хў-ўш, сиз нима дейсиз, болам, — деб хола ёшгина йигитга юзланди.

— Тўхтанг, холажон мени бир ёғлик қилинг, укам шошмай турар, — деди тилёғламалик қилган хотин кўзлари ола-кула бўлиб, — судхўрликни бунчалик бўлишини билсам ўлай агар. Менга қаранг, холажон, энди мен бир умр ҳалиги, қон дарёсида қолиб кетаманми-а, холажон, қолиб кетаманми? Вой шўримга шўрва тўкилд-е-е-е... Фоизларим тош бўлиб бошимни ёради денг...

— Шундоқ қоқиндиқ, шундоқ... на илож... ахир пистафуруш қизим, бу йўлдан наҳий қипти-ку, нимага қайтмадингиз, жоним болам?

— Э, мен бу хотинни шу кунгача кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ эди, мени кўролмайти, ганимим деб юардим... Энди билсам, балони биларкан. Шу ергаям мени кўярда-қўймай шу обкеган... Мана охири ниятига етди, кўзимни очди, ундан у дунёю, бу дунё қарздорман... илоҳа барака топсин. Аммо мени ишим чатоқда-а, холажон, энди... Ўҳ-хў-ў-ў... мен олган фоизлар...

Аёл аламидан, азбаройи ув тортиб йиғлаб юборди...

Бундай паллаларда Бисмилло холанинг юзлари ёришиб, бир жаҳон бўлиб кетардилар. Ҳозир ҳам анови хотин зор-зор йиғлаяпти-ю, холанинг чеҳраси бамисоли гулзор, яйраб ўтирибдилар. Ахир нимага яйрамасинлар, адашган бир банда чин дилдан пушаймон қилиб турса, шайтон йўлидан чиқиб, Раҳмон йўлига юз бурса... Мўмин одамга бундан ортиқ роҳат борми?!

qarab suzarmish, yana tosh kelib tegarmish... Bu azob to'xtovsiz davom etarmish... Bilsangiz o'sha qon daryosida g'arq bo'layotgan odam sudxo'r ekan. Qarang, uning bu dunyoda olgan foizlari tosh bo'lib otilib, qon daryosidan chiqarmas ekan.

— Men qayerdan bilay, xolajon, — dedi arz qilayotgan xotin, — u kishi hoji ota bo'lsalar...

— Ilmiga amal qilmagan unaqa hoji otalarni mushuk yesin... Nimayam qila olardik bolam, besh qo'l barobar emas. U yog'i Allohga havola... Lekin siz foiz berishni to'xtating. Yurtchilik, dardingizga malham bo'ladigan birorta hojatbaror topilib qolar. Xo'-o'sh, siz nima deysiz, bolam, — deb xola yoshgina yigitga yuzlandi.

— To'xtang, xolajon meni bir yog'lik qiling, ukam shoshmay turar, — dedi tilyog'lamalik qilgan xotin ko'zlari ola-kula bo'lib, — sudxo'rlikni bunchalik bo'lishini bilsam o'lay agar. Menga qarang, xolajon, endi men bir umr haligi, qon daryosida qolib ketamanmi-a, xolajon, qolib ketamanmi? Voy sho'rimga sho'rva to'kild-e-e-e... Foizlarim tosh bo'lib boshimni yoradi deng...

— Shundoq qoqindi, shundoq... na iloj... axir pistafurush qizim, bu yo'ldan nahiy qipti-ku, nimaga qaytmadingiz, jonim bolam?

— E, men bu xotinni shu kungacha ko'rgani ko'zim, otgani o'qim yo'q edi, meni ko'rolmaydi, g'animum deb yurardim... Endi bilsam, baloni bilarkan. Shu yergayam meni qo'yarda-qo'ymay shu obkegan... Mana oxiri niyatiga yetdi, ko'zimni ochdi, undan u dunyo-yu, bu dunyo qarzdorman... iloha baraka topsin. Ammo meni ishim chatoqda-a, xolajon, endi... O'h-ho'-o'-o'... men olgan foizlar...

Ayol alamidan, azbaroyi uv tortib yig'lab yubordi...

Bunday pallalarda Bismillo xolaning yuzlari yorishib, bir jahon bo'lib ketardilar. Hozir ham anovi xotin zor-zor yig'layapti-yu, xolaning chehrasi bamisoli gulzor, yayrab o'tiribdilar. Axir nimaga yayramasinlar, adashgan bir banda chin dildan pushaymon qilib tursa, shayton yo'lidan chiqib, Rahmon yo'liga yuz bursa... Mo'min odamga bundan ortiq rohat bormi?!

— Ҳай, айланай болаларим, — дедилар хола, голиб бир оҳангда — ҳамиша-ҳамрӯз мен нима деб куйиб-пишаман... яна қайта-қайта айтаман, одамлар билмайди, билса бунақа шайтон кўчаларига кирмайди, деб. Мана сизларга далил-у, мана сизга исботи... Кўйинг, болам, йиғламанг, — дедилар хола аёлни юпатиб, — чин дилдан пушаймонлигингизни юз-кўзингиздан Аллоҳ билдирса билиб турибман, жоним болам. Тавба қилинг, биз тавбангизга гувоҳ бўлайлик, Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенг, сиздек адашган бандаларини кечиради.

— Бир тавбадан, минг тавба қилдим. Энди бунақа йўлларга очимдан ўлсам ҳам кирмайман. Энди бундан бу ёғига одамларни, фақат, мушкулини осон қиламан, мана кўрасиз. Худо умр берса гуноҳларимни юваман... Сўзим-сўз! Ёлғон гапирётган бўлсам, шу ердаёқ тил тортмай қолай...

— Бу бошқа гап, — дедилар хола кайфиятлари янаям чоғ бўлиб, — гуноҳларни мағфират қилиш Аллоҳга осон, мушкулларни осон қилиш ҳам... Мана ҳозиргина фоизсиз қарз берадиган мўмин-мусулмонни қидириб турган эдик, қаранглар, Аллоҳимнинг ўзи сопини ўзидан чиқарди-қўйди...

— Жоним билан, фийсабиллоҳ ҳам берворовраман, — деди ҳалиги хотин сахийлиги тутиб.

— Баракалла... Илоҳа тавба қилиб, тавбасига амал қилганлар дунёю охиратда ниятларига етиб юрсинлар... Бу ишимиз жудаям савоб иш бўлди, хў-ўш, болажоним навбат энди сизга келди, қандай арзлари бор эди? — деб хола ҳалиги ёш йигитга юзланди.

— Шу десангиз, холажон, биз икки киши битта новвойнинг нонини сотамиз, — дея шошиб-пишиб гап бошлади йигит. Шеригим шунақанги шум, ай-ёрки, айтиб адоқ қилиб бўлмайди. Мен бир сават нон сотганда, у икки сават сотади. Шунга новвой укувинг йўқ, нон сотишни билмайсан деб мени ҳайдамоқчи.

— Ростданам укувингиз йўқдир-да, болам? Харидорларни кўнглини топиш осонмас...

— Унақамас холажон, шеригим қилган ишни мен қилолмайман. Худодан кўрқаман. У Худони ўртага



— Hay, aylanay bolalarim, — dedilar xola, g'olib bir ohangda — hamisha-hamro'z men nima deb kuyib-pishaman... yana qayta-qayta aytaman, odamlar bilmaydi, bilsa bunaqa shayton ko'chalariga kirmaydi, deb. Mana sizlarga dalil-u, mana sizga isboti... Qo'ying, bolam, yig'lamang, — dedilar xola ayolni yupatib, — chin dildan pushaymonligingizni yuz-ko'zingizdan Alloh bildirsa bilib turibman, jonim bolam. Tavba qiling, biz tavbangizga guvoh bo'laylik, Alloh taoloning dargohi keng, sizdek adashgan bandalarini kechiradi.

— Bir tavbadan, ming tavba qildim. Endi bunaqa yo'llarga ochimdan o'lsam ham kirmayman. Endi bundan bu yog'iga odamlarni, faqat, mushkulini oson qilaman, mana ko'rasiz. Xudo umr bersa gunohlarimni yuvaman... So'zim-so'z! Yolg'on gapirayotgan bo'lsam, shu yerdayoq til tortmay qolay...

— Bu boshqa gap, — dedilar xola kayfiyatlari yanayam chog' bo'lib, — gunohlarni mag'firat qilish Allohga oson, mushkullarni oson qilish ham... Mana hozirgina foizsiz qarz beradigan mo'min-musulmonni qidirib turgan edik, qaranglar, Allohning o'zi sopini o'zidan chiqardi-qo'ydi...

— Jonim bilan, fiysabilloh ham bervorovraman, — dedi haligi xotin saxiyligi tutib.

— Barakalla... Iloha tavba qilib, tavbasiga amal qilganlar dunyo-yu oxiratda niyatlariga yetib yursinlar... Bu ishimiz judayam savob ish bo'ldi, xo'-o'sh, bolajonim navbat endi sizga keldi, qanday arzlari bor edi? — deb xola haligi yosh yigitga yuzlandi.

— Shu desangiz, xolajon, biz ikki kishi bitta novvoyning nonini sotamiz, — deya shoshib-pishib gap boshladi yigit. Sherigim shunaqangi shum, ayyorki, aytib adoq qilib bo'lmaydi. Men bir savat non sotganda, u ikki savat sotadi. Shunga novvoy uquving yo'q, non sotishni bilmaysan deb meni haydamoqchi.

— Rostdanam uquvingiz yo'qdir-da, bolam? Xaridorlarni ko'nglini topish osonmas...

— Unaqamas xolajon, sherigim qilgan ishni men qilolmayman. Xudodan qo'rqaman. U Xudoni o'rtaga

қўйиб ёлғон гапиреди. Ёғсиз патир-у, ёғсиз нонларни ёғлик деб сотади.

— Астағфирулло, бундай қилиш ҳечам мумкинмас-а, гиргиттон. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам алдамчининг жойи дўзахдир, топгани ҳалол эмас деганлар. Ўша болам ҳозир биззи эшитиб турган бўлса шу заҳоти бу йўлдан қайтсин. Ҳа, тавба қилсин! Сотувдаги молга сираям ёлғон аралаштириб бўлмайди. Қайтага айби бўлса, айтиб сотса ҳалол бўлади, пулига барака киради. Ахир яратган Эгам барини кўриб турибди-ку. Бандасини алдагани билан Худони алдолмайди-ку, жоним болам... Савдо иши жудаям нозиг-а... Тешик қулоқ эшитади. Бир хил пайтларда шайтонни гапига кириб, бир-биринглар билан келишиб оласизлар-да, атайлаб нархни осмони-фалакка чиқариб юборасизлар. Билиб қўйинглар, бу ҳам судхўрликка киради. Чунки нарх деган бало ошгандан-ошиб, мол эгаси харом фойда кўряпти. Ундайларнинг ҳам жазоси ҳалигиндай... Мен ҳаммайларни жаннатда кўришни хоҳлайман болажонларим, жаннати мавода-я...

— Ҳаҳ, шошмай тур, — деди Шайтонвачча яна тишини қайраб, — сен жодугар бозор гапиргичини қўлингга олволиб, индамаган сари ҳаддингдан ошяпсан. Билиб қўй, юртнинг тарозиси бизнинг қўлларда... Хоҳласак посангини осмон қиламиз, хоҳласак ер қиламиз. Сен гапиргич билан овора бўлиб, гап сотиб туравер. Майли, аравани қуруқ обқочавер. Биз тарози билан овора бўламиз... Тарози дегани бу — пичоғинг ёғ устида дегани. Қани, охир-оқибат ким ютиб чиқаркин?..

## ТУШДАГИ ЧАПАК

(ёки бир ўқ билан икки куёни уриш...)

Тақво растасининг ёнида гуруч растаси бор эди. Кунлардан бир кун шу ерда тўпалон чиқиб қолди.

- Ур, очофатни...
- Ҳа, аяма, сол оч биқинига...
- Шаҳар бедарвозамас...

qo'yib yolg'on gapiradi. Yog'siz patir-u, yog'siz nonlarni yog'lik deb sotadi.

— Astag'firullo, bunday qilish hecham mumkinmas-a, girgitton. Payg'ambarimiz sollallohu alayhi vasallam aldanchining joyi do'zaxdir, topgani halol emas deganlar. O'sha bolam hozir bizzi eshitib turgan bo'lsa shu zahoti bu yo'ldan qaytsin. Ha, tavba qilsin! Sotuvdagi molga sirayam yolg'on aralashtirib bo'lmaydi. Qaytaga aybi bo'lsa, aytib sotsa halol bo'ladi, puliga baraka kiradi. Axir yaratgan Egam barini ko'rib turibdiku. Bandasini aldagani bilan Xudoni aldolmaydi-ku, jonim bolam... Savdo ishi judayam nozig-a... Teshik quloq eshitadi. Bir xil paytlarda shaytonni gapiga kirib, bir-biringlar bilan kelishib olasizlar-da, ataylab narxni osmoni-falakka chiqarib yuborasizlar. Bilib qo'yinglar, bu ham sudxo'rlikka kiradi. Chunki narx degan balo oshgandan-oshib, mol egasi harom foyda ko'ryapti. Undaylarning ham jazosi haliginday... Men ham-maylarni jannatda ko'rishni xohlayman bolajonlarim, jannati mavoda-ya...

— Hah, shoshmay tur, — dedi Shaytonvachcha yana tishini qayrab, — sen jodugar bozor gapirgichini qo'lingga olvolib, indamagan sari haddingdan oshyapsan. Bilib qo'y, yurtning tarozisi bizning qo'llarda... Xohlasak posangini osmon qilamiz, xohlasak yer qilamiz. Sen gapirgich bilan ovora bo'lib, gap sotib turaver. Mayli, aravani quruq obqochaver. Biz tarozi bilan ovora bo'lamiz... Tarozi degani bu — pichog'ing yog' ustida degani. Qani, oxir-oqibat kim yutib chiqarkin?..

## TUSHDAGI CHAPAK

(yoki bir o'q bilan ikki quyinni urish...)

Taqvo rastasining yonida guruch rastasi bor edi. Kunlardan bir kun shu yerda to'palon chiqib qoldi.

— Ur, ochofatni...

— Ha, ayama, sol och biqiniga...

— Shahar bedarvozamas...

— Ҳа-а-а дегани Хўжа йўқ, бў-ў-ў дегани Бўжи йўқ, бу юрт-да...

Бу тўпалон «Думи тугуклар» мадрасаси учун айна муддао эди, карнай-сурнайлар чалиниб, хурсандчиликлар бошланиб кетди...

Растага бир зумда одам тўпланди. Нима бўпти? Сотувчи харидорнинг ҳақидан урибди. Пулни ортиқча олибдими? Йўқ, тарозидан урибди. Бу гапни эшитган Бисмилло хола жойларида ўтира олмадилар. Борсалар биттаси биттасининг грибонидан ушлаб, аямасдан мушт туширяпти. Ажратиб кўядиган мард йўқ, ҳамма томошабин.

— Вой бў-ў-ў... — бақриб берди Бисмилло хола, — Худо урди-кетти, вой шармандалик, сизларни ким айтади бир қориндан талашиб тушган деб а?

Бирдан муштимига зўр бераётгани бўшашиб, холага қаради:

— Нималар деяпсиз, кампир, қандоқ қилиб мен бу ифлос билан бир қориндан талашиб тушай? Бунақалар билан битта ҳаводан нафас олишга ор қилман, ор!

— Вой айланиб кетай сендан, болам, ахир отамиз Одам ота, онамиз момо Ҳавво бўлгандан кейин бир-биримизга ака-ука, опа-сингил бўлмай, кимиз? Ўз биродарингни шунчалар ҳўрлайсанми-а, айланай болам? Уят-ей... Худо урди-кетти...

— У мени куппа-кундуз куни, юзингда кўзинг борми демай тунаб турса, урмай, бошини силайми, холажон!

— Кўёвринг холажон, — деди гуручфуруш бурнини тортиб, — ўзим шунга лойиқман, урувурсин, қанча дўппасласа шунча кам мени, гуноҳим бўйнимда...

— Ана, эшиттингизми? — дея яна муштини дўлайтди ҳалиги одам. — Ҳали қичиган жойи қонгани йўқ буни...

— Энди тўхта болам, бас, ҳаддингдан ошма, гиргиттон, — деди хола ўртага тушиб, — эгилган бошни қилич кесмас дейдилар. Айбини бўйнига олди-ми, бундан чиқди имонини жа сотвормапти...

Томоша талаблар бир-бирларига ғалати қараб

— Ha-a-a degani Xo'ja yo'q, bo'-o'-o' degani Bo'ji yo'q, bu yurt-da...

Bu to'palon «Dumi tuguklar» madrasasi uchun ayni muddao edi, karnay-surnaylar chalinib, xursandchiliklar boshlanib ketdi...

Rastaga bir zumda odam to'plandi. Nima bo'пти? Sotuvchi xaridorning haqidan uribdi. Pulni ortiqcha olibdimi? Yo'q, tarozidan uribdi. Bu gapni eshitgan Bismillo xola joylarida o'tira olmadilar. Borsalar bittasi bittasining gribonidan ushlab, ayamasdan musht tushiryapti. Ajratib qo'yadigan mard yo'q, hamma tomoshabin.

— Voy bo'-o'-o'... — baqirib berdi Bismillo xola, — Xudo urdi-ketti, voy sharmandalik, sizlarni kim aytadi bir qorindan talashib tushgan deb a?

Birdan mushtimiga zo'r berayotgani bo'shashib, xolaga qaradi:

— Nimalar deyapsiz, kampir, qandoq qilib men bu iflos bilan bir qorindan talashib tushay? Bunaqalar bilan bitta havodan nafas olishga or qilaman, or!

— Voy aylanib ketay sendan, bolam, axir otamiz Odam ota, onamiz momo Havvo bo'lgandan keyin bir-birimizga aka-uka, opa-singil bo'lmay, kimmiz? O'z birodaringni shunchalar xo'rlyaysanmi-a, aylanay bolam? Uyat-ey... Xudo urdi-ketti...

— U meni kuppa-kunduz kuni, yuzingda ko'zing bormi demay tunab tursa, urmay, boshini silaymi, xolajon!

— Qo'yovring xolajon, — dedi guruchfurosh burnini tortib, — o'zim shunga loyiqman, urovursin, qancha do'ppaslasi shuncha kam meni, gunohim bo'ynimda...

— Ana, eshittingizmi? — deya yana mushtini do'laytdi haligi odam. — Hali qichigan joyi qongani yo'q buni...

— Endi to'xta bolam, bas, haddingdan oshma, girgitton, — dedi xola o'rtağa tushib, — egilgan boshni qilich kesmas deydilar. Aybini bo'yniga oldimi, bundan chiqdi imonini ja sotvormapti...

Tomosha talablar bir-birlariga g'alati qarab qo'yishdi.

қўйишди. Бисмилло хола вазиятни бир муддат қўлларига олгач, гуноҳқорга юзландилар:

— Қани, болам, яширмасдан, Аллоҳни ўртага қўйиб айтинг-чи, бу гуноҳи азимга сизни ким бошлади-а, ким? Билиб турибман, сиз унақа одамга ўхшамайсиз, сиз кимнидир ёлғон-яшиғига учганиз-сиз?

— Айтсам ишонмайсиз-да, — деди у қўли билан мушт тушган гарданини силаб.

— Аллоҳни ўртага қўйиб айтсангиз ишонамиз, болам, ишонмай ўлибмизми, шунча одам — дея томоша талабларга юзланди хола. — Ишонамиз-а, болаларим?

— Ҳа...

— Гапировирсин...

— Ишонганда нима-ю, ишонмаганда нима?..

Ҳалиги одам у ёқ, бу ёғига қўрқа-писа қараб олди-да, кўзлари бежо бўлиб, гапира кетди:

— Худо ҳақи, шу бугун тушимга ғалати бир махлуқ кирди, — деди у, — хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, одам бўлиб одамга, ҳайвон бўлиб ҳайвонга ўхшамайди.

— Ҳей, кимсан? — дедим секингина. Тилим ҳам зўрға калимага келди, — инсмисан, жинмисан?

— Шайтонман, — деса бўладими.

— У-у-у, вой-й-й... деб томошабинларнинг ҳам кўзлари орқага кетиб, ён-верларига қараб, кўкракларига тупириб қўйишди.

— Ўзимам қўрққанамдан бақа бўб қопман, денглар. Лекин сир бермадим, кейин шайтон кўзларини лўқ қилиб:

— Тила тилагингни, деса бўладими? Шайтон менга ёмонликнимас, яхшилиқни раво кўрмоқчи шеклли деб янаям, ўзимга келиб олдим.

— Э, битта чайқовчи гуручфурушнинг тилаги нима бўларди? — дедим уҳ тортиб, — шундоғам ишим юришмайди, бирим икки бўлмайди...

— Ҳасратингдан чанг чиқмасин, ўзинг каллаварамсан, — деди шайтон менга ачиниб, — бошқаларнинг чангалида шўрва пишганда, сен бўлсанг нукул оғзингдагини олдириб юрасан. Мени айтга-

Bismillo xola vaziyatni bir muddat qo'llariga olgach, gunohkorga yuzlandilar:

— Qani, bolam, yashirmasdan, Allohni o'rtaga qo'yib ayting-chi, bu gunohi azimga sizni kim boshladi-a, kim? Bilib turibman, siz unaqa odamga o'xshamaysiz, siz kimnidir yolg'on-yashig'iga uchgansiz?

— Aytsam ishonmaysiz-da, — dedi u qo'li bilan musht tushgan gardanini silab.

— Allohni o'rtaga qo'yib aytsangiz ishonamiz, bolam, ishonmay o'libmizmi, shuncha odam — deya tomosha talablarga yuzlandi xola. — Ishonamiz-a, bolalarim?

— Ha...

— Gapirovirsin...

— Ishonganda nima-yu, ishonmaganda nima?..

Haligi odam u yoq, bu yog'iga qo'rqa-pisa qarab oldi-da, ko'zlari bejo bo'lib, gapira ketdi:

— Xudo haqi, shu bugun tushimga g'alati bir maxluq kirdi, — dedi u, — xoh ishoning, xoh ishonmang, odam bo'lib odamga, hayvon bo'lib hayvonga o'xshamaydi.

— Hey, kimsan? — dedim sekingina. Tilim ham zo'rg'a kalimaga keldi, — insmisan, jinmisan?

— Shaytonman, — desa bo'ladimi.

— U-u-u, voy-y-y... deb tomoshabinlarning ham ko'zlari orqaga ketib, yon-verlariga qarab, ko'kraklariga tupirib qo'yishdi.

— O'zimam qo'rqqanimdan baqa bo'b qopman, denglar. Lekin sir bermadim, keyin shayton ko'zlarini lo'q qilib:

— Tila tilagingni, desa bo'ladimi? Shayton menga yomonliknimas, yaxshilikni ravo ko'rmoqchi shekilli deb yanayam, o'zimga kelib oldim.

— E, bitta chayqovchi guruchfurushning tilagi nima bo'lardi? — dedim uh tortib, — shundog'am ishim yurishmaydi, birim ikki bo'lmaydi...

— Hasratingdan chang chiqmasin, o'zing kalavaramsan, — dedi shayton menga achinib, — boshqalarning changalida sho'rva pishganda, sen

нимни қилсанг еганинг олдинда, емаганинг кетингда бўлади, ҳа...

— Ановини қаранглар...

— Ҳа-я! — деб юборишди турганлар ҳайратлари тошиб.

— Шу десангиз, ўйланиб қолдим. Хаёлимдан минг хил ўйлар ўтди.

— Вой бечорагина-ей, — деб кимдир унга ачиhib кетди.

— Охири қўрқибгина сўрадим...

— Қаранг-а, нимани сўрадингиз?

— Киссавурликка бошламайсанми ишқилиб, дедим?

— Ҳа йўқ, — деб ишшайди шайтон.

— Бировни томини тешмийманми?

— Йўқ, — деб бу гал қаҳ-қаҳ отиб кулди шайтон.

— Одам ўлдирмийманми? — деб сўрадим яна.

— Э, мен сени кимлигингни ўзингдан яхши биламан, бунақа ишлар қўлингдан келмайди, аммамни бузоғи, — деди у устимдан кулиб.

— Ол-а-а...

— Ана бўлмасам, — деб кулиб юборишди турганлар.

— Айт, нима қил дейсан? — деб уни олдида бўйнимни эгдим.

— Посонгидан урасан, — деди шайтон.

— Посонги-дан?..

— Вой қуриб кеткур шайтон-ей, — дея бир чайқалди одамлар.

— Э, бу ҳамма қилаётган майда иш-ку, — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

— Ҳамма қилган ишни сен ҳам қилгин-да, каллаварам, бозор деб қўйибдилар буни, — деб кўзларини ғилай қилди шайтон.

— Шугинами? — дедим.

— Шугинамас, бу ёғини эшит, — деди шайтон, — тошни битта қиласан, харидорга бошқа тошим йўқ деб баҳона қиласан. Беш кило олса беш марта, ўн кило олса, ўн марта тортасан. Қарабсанки, посонги ҳар беш килодан ярим кило, ҳар ўн килодан бир



bo'lsang nuqul og'zingdagini oldirib yurasan. Meni aytganimni qilsang yeganing oldingda, yemaganing ketingda bo'ladi, ha...

— Anovini qaranglar...

— Ha-ya! — deb yuborishdi turganlar hayratlari toshib.

— Shu desangiz, o'ylanib qoldim. Xayolimdan ming xil o'ylar o'tdi.

— Voy bechoragina-yey, — deb kimdir unga achinib ketdi.

— Oxiri qo'rqibgina so'radim...

— Qarang-a, nimani so'radingiz?

— Kissavurlikka boshlamaysanmi ishqilib, dedim?

— Ha yo'q, — deb ishshaydi shayton.

— Birovni tomini teshmiymanmi?

— Yo'q, — deb bu gal qah-qah otib kuldi shayton.

— Odam o'ldirmiymanmi? — deb so'radim yana.

— E, men seni kimligingni o'zingdan yaxshi bilaman, bunaqa ishlar qo'lingdan kelmaydi, ammamni buzog'i, — dedi u ustimdan kulib.

— Ol-a-a...

— Ana bo'lmasam, — deb kulib yuborishdi turganlar.

— Ayt, nima qil deysan? — deb uni oldida bo'ynimni egdim.

— Posongidan urasan, — dedi shayton.

— Posongi-dan?..

— Voy qurib ketkur shayton-ey, — deya bir chayqaldi odamlar.

— E, bu hamma qilayotgan mayda ish-ku, — dedim hafsalam pir bo'lib.

— Hamma qilgan ishni sen ham qilgin-da, kallavaram, bozor deb qo'yibdilar buni, — deb ko'zlarini g'ilay qildi shayton.

— Shuginami? — dedim.

— Shuginamas, bu yog'ini eshit, — dedi shayton, — toshni bitta qilasan, xaridorga boshqa toshim yo'q deb bahona qilasan. Besh kilo olsa besh marta, o'n kilo olsa, o'n marta tortasan. Qarabsanki, posongi har besh kilodan yarim kilo, har o'n kilodan bir kilo urib

кило уриб турибди-да. Кейин харидор молингни теп-пасида қанчалик узоқ туриб қолса, шунча яхши. Одам боласи қаерда тўртта одам тўп бўлса, ўша ерга ўзини уради, билдингми? Буни бир ўқ билан икки куённи уриш дейдилар, қалай...

— Э зўр, — деб чапак чалиб юбордимۇ ўзимнинг чапагимдан ўзим уйғониб кетдим. Кўзимни очсам тушим. Мана, бор гап шу, лаънати шайтоннинг гапига кириб, шармандаю шармисор бўлиб, мана чапагимни чал-е-е-б, ўтирибман, — дея гапини тутатди гуручфуруш.

— Воҳ, воҳ, — деди Шайтонваччанинг жони ҳиқилдоғига келиб, — мен сени туппа-тузук чайқовчи десам, оғзи тешик дастурхончи экансан-ку, ўртадаги сирларни очиб нима қилардинг, галварс. Мана энди одамларнинг тушларига ҳам бемалол киролмайдиган бўлиб қолдим. Ҳе ўл-е, аммамни бузоғи, бу кунингдан баттар бўл, энди...

— Э, бу чўпчагингни катта холангга бориб айт, мўлтони, — деб яна мушт дўлайди алданган харидор.

— Ҳай, ҳай, — деди хола яна ўртага тушиб, — нима бўлганда ҳам бу болам рост гапни айтди. Шайтони лайин худди мана шунақа қилиб ҳар бир одамни йўлдан уради, ҳа. Унинг найранглари, ўҳ-хў-ў-ў... минг битта-я, ҳа йў-ў-ўқ, миллион битта!.. Мана сиз ҳам шайтоннинг гапига кириб, тавба қилиб турган бир биродарингизи яна дўппосламоқчи бўлиб турибсиз.

Мушти тугулган одам ерга қараб, нари кетди. Бисмилло хола гуручфурушга қараб дедилар:

— Баракалла, болам, бу туш эмас, бамисоли бир неъмат бўпти, илоҳа буни мағзини чақиб, фикр қилганлар муродига етсин — дея гуручфурушнинг елкасини силади Бисмилло хола...

— Оҳ холажон, қўлингиз бунчалар ёқимли, худди онажонимнинг қўлларига ўхшайдия, ўша жойларимга ёмонам қаттиқ мушт тушди-да... Энди бўлди, чайқовчиликни бас қилдим, бу ерларни елкамни чуқури кўрсин, қишлоғимга кетаман... Онажонимни соғиндим...

turibdi-da. Keyin xaridor molingni teppasida qanchalik uzoq turib qolsa, shuncha yaxshi. Odam bolasi qaerda to'rtta odam to'p bo'lsa, o'sha yerga o'zini uradi, bildingmi? Buni bir o'q bilan ikki quyovni urish deyдилar, qalay...

— E zo'r, — deb chapak chalib yubordim-u o'zimning chapagimdan o'zim uyg'onib ketdim. Ko'zimni ochsam tushim. Mana, bor gap shu, la'nati shaytonning gapiga kirib, sharmanda-yu sharmisor bo'lib, mana chapagimni chal-e-e-b, o'tiribman, — deya gapini tugatdi guruchfurush.

— Voh, voh, — dedi Shaytonvachchaning joni hiqildog'iga kelib, — men seni tuppa-tuzuk chayqovchi desam, og'zi teshik dasturxonchi ekansan-ku, o'rtadagi sirlarni ochib nima qilarding, galvars. Mana endi odamlarning tushlariga ham bemaolol kirolmaydigan bo'lib qoldim. He o'l-e, ammamni buzog'i, bu kuningdan battar bo'l, endi...

— E, bu cho'pchagingni katta xolangga borib ayt, mo'ltoni, — deb yana musht do'laydi aldangan xaridor.

— Hay, hay, — dedi xola yana o'rtaga tushib, — nima bo'lganda ham bu bolam rost gapni aytdi. Shaytoni layin xuddi mana shunaqa qilib har bir odamni yo'ldan uradi, ha. Uning nayranglari, o'h-ho'-o'-o'... ming bitta-ya, ha yo'-o'-o'q, million bitta!.. Mana siz ham shaytonning gapiga kirib, tavba qilib turgan bir birodaringizi yana do'pposlamoqchi bo'lib turibsiz.

Mushti tugulgan odam yerga qarab, nari ketdi. Bismillo xola guruchfurushga qarab dedilar:

— Barakalla, bolam, bu tush emas, bamisoli bir ne'mat bo'пти, iloha buni mag'zini chaqib, fikr qilganlar murodiga yetsin — deya guruchfurushning yelkasini siladi Bismillo xola...

— Oh xolajon, qo'lingiz bunchalar yoqimli, xuddi onajonimning qo'llariga o'xshaydiya, o'sha joylarimga yomonam qattiq musht tushdi-da... Endi bo'ldi, chayqovchilikni bas qildim, bu yerlarni yelkamni chiquri ko'rsin, qishlog'imga ketaman... Onajonimni so'g'indim...

— Яхши боринг, болам, онажонингизга мендан софинчилик салом айтинг, дуоларини олинг, локин мен сизга айтсам, сиззи ўчингизни, албатта, оламан болам, мана кўрасиз... Кўрган тушингиздан азмойиш олиб, бир режа тузиб қўйдим...

— Кимдан ўч олмоқчисиз, анови муштумзўр акамданми?

— Йўқ, шайтондан!

— Э қўйинг-е, холажон, мени деб бир кор-қолга учраб юрманг тагин.

— Худо хоҳласа, учрамаймиз, болажоним, Яратганнинг ўзи мадад беради, биз ҳар ишда Ўзига таваккал қиламиз...

Думи тугуклар мадрасасида яна узундан-узун мотам куйлари чалина бошлади.

— Оҳ, — дея Шайтонваччанинг жунлари тикка бўб кетди, — яна нимани ўйлади экан бу жодугар? У ўлмади, биз тинчимадик-да!

— Мен сенга нима деган эдим, — дея маломат қилди биркам миллион ҳам қўл силтаб, — бошида айтган эдим, шу кампирни бекор танладинг деб, бу кетишда думинг билан қулоғинг кесилиб кетмаса гўрга...

## ИНСОФ ТАРОЗИСИ

**(ёки бозорда яна алғов-далғовли кунларнинг бошланиши)**

Чиндан ҳам Бисмилло хола «посонги»чиларнинг қўл-оёғини боғлаб қўядиган бир хийла ўйлаб топдилар. Аммо охири нима бўлишини ўйлаб кўрмадилар. Бозорнинг тўрт тарафига катта-кичик тарозилар қўйдириб, теппасига «Инсоф тарозиси, харид қилган молингизда гумонингиз бўлса, тортиб кўриб, хотирингизни жам қилинг!» деб ёзиб қўйилди. Ва бу янгилик бозор гапиргичидан тез-тез эълон қилиб турилди. «Посонгичилар»нинг рангги қув ўчиб, қўли ишга бормай қолди. Баъзилари тарозини тўнкариб, уйига жўнаб қолди. Баъзилари шаҳар катта-ю, бемалолроғ бозор бормикан, деб бозор қидириб кетиш-

— Yaxshi boring, bolam, onajoningizga mendan sog'inchilik salom ayting, duolarini oling, lokin men sizga aytsam, sizzi o'chingizni, albatta, olaman bolam, mana ko'rasiz... Ko'rgan tushingizdan azmoyish olib, bir reja tuzib qo'ydim...

— Kimdan o'ch olmoqchisiz, anovi mushtumzo'r akamdanmi?

— Yo'q, shaytondan!

— E qo'ying-e, xolajon, meni deb bir kor-holga uchrab yurmang tag'in.

— Xudo xohlasa, uchramaymiz, bolajonim, Yaratganning o'zi madad beradi, biz har ishda O'ziga tavakkal qilamiz...

Dumi tuguklar madrasasida yana uzundan-uzun motam kuylari chalina boshladi.

— Oh, — deya Shaytonvachchaning junlari tikka bo'b ketdi, — yana nimani o'yladi ekan bu jodugar? U o'lmadi, biz tinchimadik-da!

— Men senga nima degan edim, — deya malomat qildi birkam million ham qo'l siltab, — boshida aytgan edim, shu kampirni bekor tanlading deb, bu ketishda duming bilan qulog'ing kesilib ketmasa go'rga...

## INSOF TAROZISI

**(yoki bozorda yana alg'ov-dalg'ovli kunlarning boshlanishi)**

Chindan ham Bismillo xola «posongi»chilarning qo'l-oyog'ini bog'lab qo'yadigan bir hiyla o'ylab topdilar. Ammo oxiri nima bo'lishini o'ylab ko'r-madilar. Bozorning to'rt tarafiga katta-kichik tarozilar qo'ydirib, teppasiga «Insof tarozisi, xarid qilgan molingizda gumoningiz bo'lsa, tortib ko'rib, xotiringizni jam qiling!» deb yozib qo'yildi. Va bu yangilik bozor gapirgichidan tez-tez e'lon qilib turildi. «Posongichilar»ning ranggi quv o'chib, qo'li ishga bormay qoldi. Ba'zilari tarozini to'nkarib, uyiga jo'nab qoldi. Ba'zilari shahar katta-yu, bemalolrog' bozor

ди. Ҳа, уларга шундоқ катта бозорни Аллоҳ таола тор қилиб қўйди. Нафс йўлидаги харом ишлари бошларига етди. Кунни туққандан, ҳалол-пок бақоллару, деҳқонларнинг кунни туғди. Уларни йўлдан уриб, молини арзон-гаров олиб, нарх-навони осмони фалакка олиб чиқувчиларнинг қўли кесилди. Мана энди сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, харидорларнинг оғзи қулоғида. Ким нечтаси олган молини «Инсоф тарозиси»да атайлаб тортиб кўрган, хурсандликларидан тилларидан бол томган:

- Буни ўйлаб, топганни отасига минг раҳмат...
- Қаранг-а, каллани ишлатса бўлар экан-ку.
- Эгрига — тўғри тўқмоқ деганлари шу бўлади...
- Аллақачоноқ шундай қилиш керак эди...
- Пусурмончулук асто-секунчулик-да, ака мулло...

«Инсоф тарозилари» «Думи тугиклар» мадрасасини бамисоли тўрт тарафдан замбаракдан тўхтовсиз ўққа тута бошлади. Гум... гум... Мотам куйларининг овози бир дам бўлса-да ўчмай қолди. Шайтонваччанинг мадрасада қолиш-қолмаслик масаласи кун тартибига кирди. Катта шайтонлар бундоқ ўйлаб кўришса мадрасадаги кўпгина шов-шувлар миллион биринчи билан бошланар экан-у, ишқалликлар билан тугар экан. Уни ё одам болалари билан алоқаси бор, ҳа айғоқчи. Ё бориб турган шумоёқ! Хосиятсиз талаба...

Охири биркам миллион билан шайтонваччага «Инсоф тарозиларини» ер билан яксон қилиш учун бир кунлик мухлат берилди. Бўлмаса, биркам миллён катта ўқитувчиликдан тушади, Шайтонваччанинг думи билан қулоғи кесилиб, мадрасадан бир умрга бадарға қилинади. Қарор қатъий, муҳокамага ўрин йўқ. Ҳов бирда Шайтонвачча мадрасага келганида думи билан бошини ушлаб кўриб «миллион биринчи» деб жар солган катта шайтон пичоғини ўқтин-ўқтин қайрай бошлади... Бундан чиқди талабаларни тантана билан кутиб олиш-у, мадрасадан ковушини тўғрилаб қўйиш унинг вазифасига кирар экан-да...

— Энди нима қилдик, миллион биринчи? — деди биркам миллион астойдил пиқ-пиқ йиғлаб, — пе-

bormikan, deb bozor qidirib ketishdi. Ha, ularga shundoq katta bozorni Alloh taola tor qilib qo'ydi. Nafs yo'lidagi harom ishlari boshlariga yetdi. Kuni tuqqandan, halol-pok baqollaru, dehqonlarning kuni tug'di. Ularni yo'ldan urib, molini arzon-garov olib, narx-navoni osmoni falakka olib chiquvchilarning qo'li kesildi. Mana endi sotuvchilarning qo'li-qo'lga tegmaydi, xaridorlarning og'zi qulog'ida. Kim nechtasi olgan molini «Insof tarozisi»da ataylab tortib ko'rgan, hursandliklaridan tillaridan bol tomgan:

- Buni o'ylab, topganni otasiga ming rahmat...
- Qarang-a, kallani ishlatsa bo'lar ekan-ku.
- Egriga — to'g'ri to'qmoq deganlari shu bo'ladi...
- Allaqachonoq shunday qilish kerak edi...
- Pusurmonchuluk asto-sekunchulik-da, aka

mullo...

«Insof tarozilari» «Dumi tugiklar» madrasasini bamisoli to'rt tarafdin zambarakdan to'xtovsiz o'qqa tuta boshladi. Gum... gum... Motam kuylarining ovozi bir dam bo'lsa-da o'chmay qoldi. Shaytonvachchaning madrasada qolish-qolmaslik masalasi kun tartibiga kirdi. Katta shaytonlar bundoq o'ylab ko'rishsa madrasadagi ko'pgina shov-shuvlar million birinchi bilan boshlanar ekan-u, ishkalliklar bilan tugar ekan. Uni yo odam bolalari bilan aloqasi bor, ha ayg'oqchi. Yo borib turgan shumoyoq! Xosiyatsiz talaba...

Oxiri birkam million bilan shaytonvachchaga «Insof tarozilarini» yer bilan yakson qilish uchun bir kunlik muhlat berildi. Bo'lmasa, birkam millyon katta o'qituvchilikdan tushadi, Shaytonvachchaning dumi bilan qulog'i kesilib, madrasadan bir umrga badarg'a qilinadi. Qaror qat'iy, muhokamaga o'rin yo'q. Hov birda Shaytonvachcha madrasaga kelganida dumi bilan boshini ushlab ko'rib «million birinchi» deb jar solgan katta shayton pichog'ini o'qtin-o'qtin qayray boshladi... Bundan chiqdi talabalarni tantana bilan kutib olish-u, madrasadan kovushini to'g'rilab qo'yish uning vazifasiga kirar ekan-da...

— Endi nima qildik, million birinchi? — dedi birkam million astoydil piq-piq yig'lab, — peshonam

шонам курсин, шўр экан, катта ўқитувчиликдан яна толибликка тушиб қоламанми-а, итнинг кейинги оёғи бўлиб?

— Балки, сени ҳам менга кўшиб, кўшмозор қил-воришар-а, нима дединг — деди Шайтонвачча пинагини бузмай.

— Э, нафасинг оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин, нима менда қасдинг борми?

— Бўлганда қандоқ, жа бор-да! Ахир ўзинг етакчиликни қойил қилолмадинг-ку, лапашанг, қачон қараса амални, майишатни, шон-шуҳратни пайдан бўлдинг, ҳе шалдирама арава... Одам болалари бекорга айтмаган, бир тез келган амалдан кўрқ, бир тез келган бойликдан деб... Шунақа, тез келган амал тез кетади, бойлик ҳам. Бевафо хотинга ўхшайди... Ке қўй, бу гаплардан фойда йўқ, кўп гап-эшақка юк, ётиб қолгунча отиб қолиш керак...

— Рост айтасан, миллион биринчи, чиқмаган жондан умид... ҳали ҳам мен сенга ишонаман. Нима қилмоқчисан ўзи, очикроқ гапир?

— Онам пичоқни сопи ўзидан чиқса ўткир бўлади, дерди. Бу жодугар кампир нуқул сопини ўзидан чиқариб, бизни доғда қолдирыпти. Биз ҳам бу гал сопини ўзидан чиқарамиз, шу...

— Э, онанг ўлмасинлар, кўп доно бўлган эканлар, айт, қандай қилиб сопини ўзидан чиқармоқчисан? Бўлақол, эртани ўйласам, юрагим орқага тортиб, тарс ёрилиб кетай деяпти... Ноумид шайтон дейишади, одам болалари. Бекорларни айтишибди, бизам умид билан яшаймиз.

— Берироқ кел, деворниям қулоғи бор...

Биркам миллион жон деб Шайтонваччага тиқилиб келди. Шайтонвачча унинг қулоғига бир нималарни шибшиди. Салдан кейин иккови бирдан қаҳқаҳ отиб кулиб юборишди. Улар ҳар кунгидан ҳам шод-у хуррам эдилар. Бу ҳолдан бошқа шайтонларнинг энсаси қотди:

— Тавба, кулишларини, бор-йўғи бир кунлик умрлари қолди-ю...



qursin, sho'r ekan, katta o'qituvchilikdan yana toliblikka tushib qolamanmi-a, itning keyingi oyog'i bo'lib?

— Balki, seni ham menga qo'shib, qo'shmozor qilvorishar-a, nima deding — dedi Shaytonvachcha pinagini buzmay.

— E, nafasing og'zingdan chiqib, yoqangga yopishsin, nima menda qasding bormi?

— Bo'lganda qandoq, ja bor-da! Axir o'zing yetakchilikni qoyil qilolmading-ku, lapashang, qachon qarasa amalni, mayishatni, shon-shuhratni payidan bo'lding, he shaldirama arava... Odam bolalari bekorga aytmagan, bir tez kelgan amaldan qo'rq, bir tez kelgan boylikdan deb... Shunaqa, tez kelgan amal tez ketadi, boylik ham. Bevafo xotinga o'xshaydi... Ke qo'y, bu gaplardan foyda yo'q, ko'p gap-eshakka yuk, yotib qolguncha otib qolish kerak...

— Rost aytasan, million birinchi, chiqmagan jondan umid... hali ham men senga ishonaman. Nima qilmoqchisan o'zi, ochiqroq gapir?

— Onam pichoqni sopi o'zidan chiqsa o'tkir bo'ladi, derdi. Bu jodugar kampir nuqul sopini o'zidan chiqarib, bizni dog'da qoldiryapti. Biz ham bu gal sopini o'zidan chiqaramiz, shu...

— E, onang o'lmasinlar, ko'p dono bo'lgan ekanlar, ayt, qanday qilib sopini o'zidan chiqarmoqchisan? Bo'laqol, ertani o'ylasam, yuragim orqaga tortib, tars yorilib ketay deyapti... Noumid shayton deyishadi, odam bolalari. Bekorlarni aytishibdi, bizam umid bilan yashaymiz.

— Beriroq kel, devorniyam qulog'i bor...

Birkam million jon deb Shaytonvachchaga tiqilib keldi. Shaytonvachcha uning qulog'iga bir nimalarni shibshidi. Saldan keyin ikkovi birdan qah-qah otib kulib yuborishdi. Ular har kungidan ham shod-u, xurram edilar. Bu holdan boshqa shaytonlarning ensasi qotdi:

— Tavba, kulishlarini, bor-yo'g'i bir kunlik umrlari qoldi-yu...

## ВА НИҲОЯТ...

(Шайтонваччанинг думи билан қулоғининг кесилиб кетиши...)

Бозорнинг бугунги ҳаёти худди олдиндан келишиб қўйгандек тўс-тўпалон билан бошланди. Ур-йиқитлар шайтонлар фойдасига эди. «Думи тугуклар» мадрасасида байрам... Мотам куйлари ўрнини, карнай-сурнайлар садоси эгаллади...

— Эрга навбат — шерга навбат дейдилар буни, — дея шайтонлар тўхтовсиз чапак чалишарди. — Қалайсизлар энди, эй тақво қуллари, иш дегани бундоқ бўбти-да, яшасин миллён биринчи!

Бозор расталарида кимларнингдир боши ёрилган, тез ёрдамлар келган, миршаблар у ёқдан, бу ёққа чопган... «Инсоф тарозилари» ер билан битта бўлган. Ҳамма ўзича қози, прокурор, кимлардир ўзича ҳукм ўқийди:

— Ким ўйлаб топди бунақа гурбат тарозиларни? Ким бўлсаям фирт аҳмоқ экан...

— Ўзинг аҳмоқсан, булар гурбат тарозисимас — инсоф тарозиси, ноинсоф...

— Вой инсофли олипта-ей, инсоф аввало одамни ўзида бўлсин, ўзида... тарозимиш-а... барибир тарозидан уришибди-ку. Ҳамма тўс-тўпалон шунга-ку! Қўрқишмапти-ку... ажаб бўбти!

— Э... шунгаям ота гўри қозихонами... бозор дегани сендан-менга, мендан-сенга, қўйнидан тўкилса қўнжига, дегани, ҳаҳ-ҳаҳ-ҳ-а-а-а...

— Ҳа-я, ҳаммамиз битта ота, битта онадан тарқаган бўлсак, бир-биримизни бозорда «меҳмон» қилмасак қатта меҳмон қиламиз... ҳаҳ-ҳаҳ ҳ-а-а-а...

— Инсоф тарозисимиш... инсоф тарозингга уриб қўйдим... шусиз ҳам яшаганмиз, йўқолсин ҳар қанақа инсоф тарозилари!

— Тарозимас у, жанжални уяси-ку...

Шу пайт кутилмаганда бозор гапиргичи тилга кириб қолди:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим, ассалому алайкум азиз аҳли бозор болажонларим... ҳм-м-м... илоҳа

## VA NIHOYAT...

### (Shaytonvachchaning dumi bilan qulog'ining kesilib ketishi...)

Bozorning bugungi hayoti xuddi oldindan kelishib qo'ygandek to's-to'palon bilan boshlandi. Ur-yiqitlar shaytonlar foydasiga edi. «Dumi tuguklar» madrasasida bayram... Motam kuylari o'rnini, karnay-surnaylar sadosi egalladi...

— Erga navbat — sherga navbat deydilar buni, — deya shaytonlar to'xtovsiz chapak chalishardi. — Qalaysizlar endi, ey taqvo qullari, ish degani bundoq bo'btida, yashasin millyon birinchi!

Bozor rastalarida kimlarningdir boshi yorilgan, tez yordamlar kelgan, mirshablar u yoqdan, bu yoqqa chopgan... «Insof tarozilari» yer bilan bitta bo'lgan. Hamma o'zicha qozi, prokuror, kimlardir o'zicha hukm o'qiydi:

— Kim o'ylab topdi bunaqa g'urbat tarozilarni? Kim bo'lsayam g'irt ahmoq ekan...

— O'zing ahmoqsan, bular g'urbat tarozisimas — insof tarozisi, noinsof...

— Voy insofli olipta-yey, insof avvalo odamni o'zida bo'lsin, o'zida... tarozimish-a... baribir tarozidan urishibdi-ku. Hamma to's-to'palon shunga-ku! Qo'rqishmapti-ku... ajab bo'bti!

— E... shungayam ota go'ri qozixonami...bozor degani sendan-menga, mendan-senga, qo'ynidan to'kilsa qo'njiga, degani, hah-hah-h-a-a-a...

— Ha-ya, hammamiz bitta ota, bitta onadan tarqagan bo'lsak, bir-birimizni bozorda «mehmon» qilmasak qatta mehmon qilamiz... hah-hah h-a-a-a...

— Insof tarozisimish... insof tarozingga urib qo'ydim... shusiz ham yashaganmiz, yo'qolsin har qanaqa insof tarozilari!

— Tarozimas u, janjalni uyasi-ku...

Shu payt kutilmaganda bozor gapirgichi tilga kirib qoldi:

— Bismillahir rohmanir rohim, assalom-u alaykum

мени эшитганлар муроду мақсадига етсинлар... Яратгандан шуни сўрайман... тинчланинглари, қоқиндиқлар, тинчланинглари! Бугун бозоримизда нимаики кўнгилсизликлар юз берган бўлса, сизларга ёлғон, Худога чин, сизларга ноаён, менга аён, болаларим. Ҳа, бари шайтон лашкарларининг иши. Биласизлар, болажонларим, хабарларингиз бор, бозорга «Инсоф тарозилари»ни қўйиб, тошдан урадиганларнинг қўлини «кесдик»ми, кесдик! Ажаб қилдик. Нима улар шу билан жим ўтиради деб ўйладингизми. Ҳа, йўқ! Бир шумликни бошлашлари аниқ эди. Устозлари шайтонни гапига кириб, тақволи, ҳалол-пок тижоратчиларга тўхмат қилишди. Тўпалон кўтаришди, беғуноҳ одамларга жароҳатлар етказишди. Қани менга худолигингизни айтингчи, болаларим Мамасоли қас-соб бировнинг ҳақиқага хиёнат қилганми?

— Й-ў-ў-қ... — дея гувуллади бозор аҳли. — Хиёнат қилмаган...

— Гуручфуруш Барис Пак, болам-чи?

— Й-ў-ў-қ...

— Шоғулом боққол-чи?

— Й-ў-ў-қ...

— Шалғампуруш Носир ҳожи-чи?

— Э, бўмаган гап...

Бисмилло хола шайтон малайлари томонидан айбдор деб топилганларнинг номини бир чеккадан айтавердилар, «Йўқ», «айбдормас» деган хитоблар бозор осмонида момақалдиروقдек гумбирлайверди. Ҳар гумбирлаганда «Думи тугиқлар» мадрасасидаги тантанавор мусиқа овозларининг уни ўчгандан-ўчиб бораверди.

— Балли, раҳмат болаларим, мени жудаям хурсанд қилдинглар, иймонли одамлар шунақа, бошига қилич келганда ҳам рост гапирадилар. Оқни-оқ дейдилар, қорани-қора... Билиб қўйинглари, ким тарозидан урар бўлса у одам эмас-у шайтон, шайтоннинг малайи. Биласиз болаларим, шайтон сиз билан биззи биринчи номерли душманамиз. Тарозига хиёнат қилган одам, юртига ҳам, дўстига ҳам, маҳалла-куйига ҳам бемалол хиёнат қила олади. «Тарозийортга қози», деган гап бор, жоним болаларим. Та-

aziz ahli bozor bolajonlarim... hm-m-m... iloha meni eshitganlar murodu maqsadiga yetsinlar... Yaratgandan shuni so'rayman... tinchlaninglar, qoqindiqlar, tinchlaninglar! Bugun bozorimizda nimaiki ko'ngilsizliklar yuz bergan bo'lsa, sizlarga yolg'on, Xudoga chin, sizlarga noayon, menga ayon, bolalarim. Ha, bari shayton lashkarlarining ishi. Bilasizlar, bolajonlarim, xabarlaringiz bor, bozorga «Insof tarozilari»ni qo'yib, toshdan uradiganlarning qo'lini «kesdik»mi, kesdik! Ajab qildik. Nima ular shu bilan jim o'tiradi deb o'yladingizmi. Ha, yo'q! Bir shumlikni boshlashlari aniq edi. Ustozlari shaytonni gapiga kirib, taqvoli, halol-pok tijoratchilarga tuhmat qilishdi. To'palon ko'tarishdi, begunoh odamlarga jarohatlar yetkazishdi. Qani menga xudoligingizni aytingchi, bolalarim Mamasoli qassob birovning haqiga xiyonat qilganmi?

— Y-o'-o'-q... — deya guvulladi bozor ahli. — Xiyonat qilmagan...

— Guruchfurush Baris Pak, bolam-chi?

— Y-o'-o'-q...

— Shog'ulom boqqol-chi?

— Y-o'-o'-q...

— Shalg'ampurush Nosir hoji-chi?

— E, bo'magan gap...

Bismillo xola shayton malaylari tomonidan aybdor deb topilganlarning nomini bir chekkadan aytaverdilar, «Yo'q», «aybdormas» degan kitoblar bozor osmonida momaqaldiroqdek gumbirlayverdi. Har gumbirlaganda «Dumi tugiklar» madrasasidagi tantavor musiqa ovozlarning uni o'chgandan-o'chib boraverdi.

— Balli, rahmat bolalarim, meni judayam xursand qildinglar, iymonli odamlar shunaqa, boshiga qilich kelganda ham rost gapiradilar. Oqni-oq deydilar, qorani-qora... Bilib qo'yinglar, kim tarozidan urar bo'lsa u odam emas-u shayton, shaytonning malayi. Bilasiz bolalarim, shayton siz bilan bizzi birinchi nomerli dushmanimiz. Taroziqa xiyonat qilgan odam, yurtiga ham, do'stiga ham, mahalla-kuyiga ham bemalol xiyonat qila oladi. «Tarozi-yurtga qozi», degan gap

рози бузулса — юрт бузулади. Аллоҳ таоло: «...кам ўлчаб берувчининг ҳолига вой» деган. Бу Охиратда улкан азоб бор дегани. Дўзахга тушасиз дегани. Оҳ, қандай ёмон жой у дўзах... Аллоҳнинг ҳабиби Пайгамбаримиз соллаллоҳи алайҳи васаллам: «Сотсангиз ўлчаб сотингиз ва сотиб олсангиз ўлчаб олингиз» деганлар. Шунинг учун ҳам болаларим, бундан бу ёғига тарозига маҳкам бўлайлик. Шу кунгачанги тарозиларни энди йиғиб олиб, музейга топширамыз. Эртадан ёппасига электрон тарозиларга ўтамиз... Қалай болаларим, дуруст-ми?

— Э, бу бошқа гап...

— Яшанг, холажон!

— Ана энди касалнинг ҳақиқий даъвоси топилибди...

Бу гапдан кейин «Думи тугуклар» мадрасаси зимзиё қоронғилик ичида қолди. Бўлмаса офтоб ҳар кунгидек чарақлаб турибди. Чор атрофдан ҳур насимлар эсмоқда. Кумрилар сайрамоқда. Ариқларда сувлар жилдирамоқда. Тангри таоло инъом этган ҳаёт аталмиш улуғ неъмат давом этмоқда... Ҳаммаси ойдин ва равшан. Бозор тарозиси шайтонлар кўлидан кетди. Энди у ҳозирча иймонлилар измида ҳа ҳозирча...

Шу куни Шайтонваччанинг мадрасадаги ҳаёти ҳам паёнига етди. Унга «одам болаларининг айғоқчиси — сотқин» деб айиб кўйдилар ва думи билан қулоғи кесилди. Бу ҳам етмагандек замбаракни оғзига кўйиб, отилди. Шайтонвачча осмону фалакда учиб бориб, гадой топмас бир қишлоқнинг қоқ ўртасига бориб тушди...

*Давомини кутинг...*

bor, jonim bolalarim. Tarozi buzulsa — yurt buzuladi. Alloh taolo: «...kam o'lchab beruvchining holiga voy» degan. Bu Oxiratda ulkan azob bor degani. Do'zaxga tushasiz degani. Oh, qanday yomon joy u do'zax... Allohning habibi Payg'ambarimiz sollallohi alayhi vasallam: «Sotsangiz o'lchab sotingiz va sotib olsangiz o'lchab olingiz» deganlar. Shuning uchun ham bolalarim, bundan bu yog'iga taroziga mahkam bo'laylik. Shu kungachangi tarozilarni endi yig'ib olib, muzeyga topshiramiz. Ertadan yoppasiga elektron tarozilarga o'tamiz... Qalay bolalarim, durust-mi?

— E, bu boshqa gap...

— Yashang, xolajon!

— Ana endi kasalning haqiqiy davosi topilibdi...

Bu gapdan keyin «Dumi tuguklar» madrasasi zimziyo qorong'ilik ichida qoldi. Bo'lmasa oftob har kungidek charaqlab turibdi. Chor atrofdan hur nasimlar esmoqda. Qumrilar sayramoqda. Ariqlarda suvlar jildiramoqda. Tangri taolo in'om etgan hayot atalmish ulug' ne'mat davom etmoqda... Hammasi oydin va ravshan. Bozor tarozisi shaytonlar qo'lidan ketdi. Endi u hozircha iymonlilar izmida, ha hozircha...

Shu kuni Shaytonvachchanning madrasadagi hayoti ham payoniga yetdi. Unga «odam bolalarining ayg'oqchisi — sotqin» deb ayb qo'ydilar va dumi bilan qulog'i kesildi. Bu ham yetmagandek zambarakni og'ziga qo'yib, otildi. Shaytonvachcha osmon-u falakda uchib borib, gadoy topmas bir qishloqning qoq o'rtasiga borib tushdi...

*Davomini kuting...*

Erkin MALIK

**SHAYTONVACHCHANING  
NAYRANGLARI**

**(Birinchi kitob)**

*(Ma'rifiy qissa)*

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
Bosh tahririyati  
Toshkent — 2013

Muharrir *Murod Mansurov*  
Rassom *Rustam Zufarov*  
Badiiy muharrir *Feruza Basharova*  
Texnik muharrir *Ra'no Boboxonova*  
Sahifalovchi *Mastura Atxamova*  
Musahhah *Sharofat Xurramova*

**Nasr litsenzyasi AI № 201, 28.08.2011-yil.**

Tayyor diapozitivdan bosishga ruxsat etildi 08.07.2013. Bichimi 84x108<sup>1/32</sup>.  
«TimesUZ» garniturası. Ofset bosma. Shartli bosma tabog'i 19,74. Nashriyot  
hisob tabog'i 17,6. Adadi 11000 nusxa. Buyurtma № 3048. Bahosi kelishilgan  
narxda.

**«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi,  
100000, Toshkent shahri, «Buyuk Turon» ko'chasi, 41.**